

Исмоил ШОМУРОДОВ

ОДАМХЎР

Роман

**ТОШКЕНТ
«DAVR PRESS»
2007**

Ушбу китоб Иккинчи Жаҳон уруши даври кишиларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Унда ҳаётнинг аччиқ синовлари гирдобиди тириклик ва ор-номус, нафс ва шаън, қаҳр ва меҳр каби тушунчалар ўртасидаги чегаранинг гоҳи ўткирлашиб, гоҳида йўқолиши тўғрисида сўз боради.

Роман кенг китобхон оммасига мўлжалланган.


Ю 33847
291

Шомуродов, Исмоил.

Одамхўр. – Тошкент: DAVR PRESS нашриёти, 2007.
– 300 бет. ISBN 978-9943-312-32-6: Б.ц.

ББК 84(5У)6

№ 717-2007/1159 Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси



ISBN 978-9943-312-32-6

© Исмоил ШОМУРОДОВ, 2007
© «DAVR PRESS» нашриёти, 2007

**Бўри бўлиб ўлдилар,
Йиртиб ёқа турдилар.
Йиглаб-сиқтаб юрдилар,
Кўз ёшлари мўл бўлди.**

**«Девону луғатит турк»
Махмуд Қошгарий**

БИРИНЧИ ҚИСМ

Тавба, деб айтиш керак-ку, бу қадар аҳмоқона гапни илк бор эшитишим. Ҳолбуки, мен Николай Островский номидаги ўрта мактабда ўн йил таҳсил олганман...

Кап-катта Махамат ака Турди акага «Сен отамнинг ўглисан», депти. Бобо бўлиб, ёши элликка яқинлашган одам айтадиган гапми шу? Биламан, болалар ҳазиллашганда, уришганда шунга ўхшаш сўкинишларни тўкиб солади, лекин эс-ҳушини йиғиб олган кишининг катта даврада бундай гап қилиши на товоқда туради ва на қошиқда. Ҳаётий масала ҳал бўлаётганда, ақли-ҳуши жойида бўла туриб, жиддийлик билан шундай депти. Айтишларича, аслида буларнинг иккиси ҳам отасиз, етимликда улғайган. Ўзи танимаган, билмаган, кўрмаган отани бошқаларга пеш қилиш ғалати.

Бу жанжал кўпчилик биргалашиб бир муҳаббат тақдирини ҳал қилаётганда юз берган. Шу севги бўлмаганида бунақа жанжал йўқ эди, ким кимнинг ўгли экани аллақачон унутилган. Афсус, эски дардлар кўзгалди ва бу билвосита камина иштирокида фожиага айланди...

Мен шу ёшга кириб (ёшим бир жойга бориб, умрни ўтказиб, дўндириб қўйганим йўқ-ку, ҳар ҳолда эсимни таниб қолганман, ҳатто ўзимизнинг гап-ку, уйлантириб қўйишса-да бўлади, илло. бу масалада ҳозирча на отам ва на онам бир оғиз гапирмаяпти) ҳалигача бу қадар нафис ва гўзал муҳаббатни кўрганим йўқ. Маълумки, муҳаббат қонунлари барча учун бир хил эмас. Эгаси учун ушбу туйғу бойчечак каби нозик ва гўзал, булоқ сувидек мусаффо ва тотли, ҳилол каби мунис ва сирли. Ўзгалар назарида эса бу бангидево-надек сассиқ ва тутуриқсиз, айниган кўлмак сувидек лойқа

ва бетаъм, қишнинг эшакўлдирар аёзи каби совуқ ва ёқимсиз туюлади. Инчунин, муҳаббат ҳеч қачон барча учун бир хилда мунис бўлмаган.

Илло, бу иккисининг муҳаббати мени лол қилди — назаримда, бу севги ўз туйғуларим каби соф ва тозадай эди.

Аслини сўрасангиз, қишлоғимиз одамлари тўпорироқми, деган хаёлга бораман, айниқса муҳаббат бобида. Қишлоқда кимдир кимнидир қизига бир парча хат берадими, кўчада икки мартадан ортиқроқ гаплашадими, дарров миш-мишлар икки жар наридаги чўлгача акс-садо беради: «Фалончининг ўғли фалончининг кенжа қизини ёқтириб қолибди», «Писмадончи фалончига хат берганмиш».

Шунга нима қипти? Бу одамларнинг аксарияти ўз исм-шарифиниям охириги бор ўнинчи синфда, давлат имтиҳонлари варақаларида битган эмасми, хат деганларини оламшумул воқеа деб ўйлайди. Мен ўзим Тошкент шаҳрида сиртдан ўқимайманми, у томонларда шунақа ҳолатларни кўраман, биламан, эшитаманки, одамнинг қулоғигача қизариб кетади. Агар бизда шуларнинг юздан бири содир этилса, одамларимиз эллик йил, ҳатто ундан ҳам ортиқроқ жағи тинмай гапирса керак. Ростини ҳам шу. Ана, бир пайтлар Жамил момо деган кампир бўлгич эди. Шу бечора ёшлигида босмачилар билан бир-икки юрганми, йўқми ёки одамлар тухмат қилганми, ишқилиб шу — тўқсонга яқинлашган кампирнинг эски сарғузаштлари тўғрисида билмаган одам йўқ.

Айтганимдай, у пайтларда яшамаганим учун кўрмаган, билмаган нарсам тўғрисида бир нарса деёлмайман. Қишлоғимизда бунга аниқлик киритадиган ягона инсон Раззоқ бова эди, бироқ у кишининг ҳам қазо қилганларига анча бўлди. Ростини айтсам, шу инсоннинг вафот этишида менинг ҳам айбим бор. Ўшанда қишлоқ чеккасидан топиб олганимиз — одам суюқларини у кишининг уйига кўтариб борганимиздан сўнг орадан ўн-ўн беш кун ўтар-ўтмас, оғримай, бетоб бўлмай тўсатдан қазо қилдилар. Билганларнинг айтишича, ўша биз олиб борган суюқларни кўргач, эси кирарли-чиқарли бўлиб қолган экан, тинимсиз алламбалолар тўғрисида гапирадиган, кечаси билан алжирайдиган одат чиқарибди, лекин ҳеч кимга зарари тегмаган. Кечки маҳал ухлашга ётган-у зрталаб уйғонмаган. Энг беозор, айбсиз кишиларгина бу дунёдан мана шундай оғримай ўтар экан. Аслида ҳам бу инсон ҳеч кимга озор бермаган, бировнинг дилини оғритмаган. Тили ширин эди. Ўшанда, биз суюқларни олиб борганимизда Раззоқ бованинг ранги оқариб, ўзича нималардир дегани эсимда, лекин мен аҳмоқ

қулоқ осмаган эканман, ол қулим деб, бандаликни бажо келтириб берганларидан сўнг эсим кириб, эътиборсиз-лигимдан куйиндим. Ўшанда илк бор инсон бир-бирига ганимат экани, тўғрироғи, бу сўзнинг асл маъносини тушундим. Инсон ўтгач уни орқага қайтариб бўлмас экан.

Раззоқ бова вафот этгач «фарзандлари ёқамдан олмаса гўргайди», деб тўрт-беш кун кўрқиб юрдим. Бироқ бу нарса бўлмади, эл орасида номаъқул ишимиз тўғрисида гап тарқалди-ю амалда ҳеч қандай ҳаракат кузатилмади.

Қишлоғимизда яна бир қария бор — Матлуба момо. Айтишларича, бу кампир қишлоққа келин бўлиб тушган экан. Қачон — хабарим йўқ. Момонинг буришган афтига қараганда ва ёши тўқсонни қоралаб бораётганидан англаш мумкинки, бунга анча йиллар бўлган. У дамлар ҳали туғилмаган бўлсам керак, ҳатто унда отамнинг ўзи ҳам дунёга келган-келмагани гумон. Айтишларига қараганда, бу кампир Жамил момо билан деярли тенгқур экан. Бироқ у киши тўғрисида ҳеч қандай «нобоп шуҳрат» йўқ, миш-миш қилишмайди.

Хуллас, айтмоқчи бўлаётганим, қишлоғимизда ахлоқ меъёрларига қаттиқ риоя қилингани ҳолда, унча-мунча нарсалар унутилмайди.

Дарвоқе, гап Нурбек ва Дилфуза тўғрисида бораётган эди.

Ҳа, бу икки севишганнинг исми шунақа. Булар иккиси биздан бир синф юқорида ўқиган ва ҳали мактабдалик чоғидаёқ бир-бирига кўнгили кўйган. Жомбой ёқларга пахта теримига ҳайдашганида уларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатини кўриб, инсон шунчалар самимий севиши мумкинлигидан ҳайратга тушган эдим, ўша маҳалларда фақат мен ва китоб қаҳрамонларигина шундай покиза севгига қодир, деб ўйлардим-да.

Пахта теримида одамнинг кимлиги дарров кўзга ташланади — кимдир эрка, кимдир чидамли, кимдир йиғлоқи ва кимдир сийғоқ (ҳа, шунақалар ҳам бўлади). Ўшанда бу иккисининг бир-бирига пахта териби беришига, беозор мусичалардай ҳеч кимга аралашмай, бировга озор бермай гаплашиб ўтиришига ҳавас қилар эдим ва истардимки менинг ҳам шу каби бир таниш қизим бўлса-ю, унга Нурбек каби муносабатда бўлсам, бирга пахта терсагу, мен уни кўтариб (пахтани, қизни эмас, албатта) тарозига олиб борсам, қиз эса ёнимда гап бериб кетаверса, у тинимсиз гапирса, тингламаганимга қўймай, туртиб бўлса-да, гапираверса, гапираверса.

Хаёлимдаги қизга фақат Маликагина мос эди-ю, бироқ у доим талқон ютгандай жим. Ўзим ҳам ёнига бордим де-гунча, тилим айланмайди. Фулдираб бирор нарса демоқчи бўлсам, овозим нос чеккандай шунчалар қўпол чиқадики, ундан Илҳомнинг глушители тушган уч оёқли «Муравей» мотоциклининг патиллаши нафисроқ. Шуниси етмагандай, бу гаплар ҳар қандай маъни-мазмундан йироқ, бир уюм сўзлардан иборат бўлади. Нима деяётганимни ўзим тушунмайман-ку тинглаётганга йўл бўлсин? Ана шундай — бутун ўсмирлик ҳаётим, кейинги йиллар ўзим билан ўзим курашиб ўтиб кетди.

Тошкентда, Педагогика институтининг тарих факультетида сиртдан ўқийман, биринчи курс. Бунинг баён қилинаётган воқеаларга алоқаси йўқ-ку, бир мақтангим келди. Чунки армиядан келиб, ўқишга кириб кетганимга ҳалигача ишонгим келмайди, шу кунгача ўпкамни босиб ололганим ва осмондан тушганим йўқ, бу дунёда мендан бошқа ҳеч ким Педагогика институтида ўқимагандай.

Тўғриси, армияни эсласам, анча кайфиятим бузилади. Мен у ёқда қўлда қурол билан Ватанни ҳимоя қилиб юрганимда (ҳар доим ошхона нарядига тушганим йўқ-ку, гауптвахтада қоровуллик ҳам қилганман, ахир) бу ерда Малика турмушга чиқиб улгурган экан.

Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди, дейишганлари рост, аслида Нурбек ва Дилфузанинг муҳаббати тўғрисида ёзмақчи эдим, ўзимдан ортмаяпман.

Уларнинг ўртасидаги бу соф муҳаббатни, назаримда, кўпчилик ҳурмат қилади, бироқ унга балчиқ чапловчилар ҳам кам эмас. Кимлардир ҳар хил гап-сўзлар қилган эди, илло бу уларга таъсир қилмади. Аммо бугун, баҳор айёмида, қишлоқ бўйлаб ишқнинг майин сабоси эсаётган бир дамда, ёшлар уйланиш тадоригига тушганда, кўпдан қизлар юраги ва эътибори учун курашаётган йигитлар шундай қулай фурсатдан — баҳордан фойдаланиб қолиш илинжида кечалари ухламай, мов бўлган мушуклар сингари кўчаларда увиллаб, хуштак чалиб чиқаётган бир маҳалда Нурбекнинг ҳам, Дилфузанинг ҳам ҳаётлари бурилиш нуқтасига келиб тақалди. Қизниқига совчилар қадам ранжида қилмоқда. Нурбек, отасининг қўли калталигини билса-да, аниқ ҳаракат қилиш даври келганини англади.

Бутун машмаша шундан бошланди. Дилфузанинг оиласи қизларини эркин қўйиб берган эса-да, Нурбекка турмушга чиқишига мутлақо қарши бўлди.

Узоқ йиллар бурун бу икки оила ўртасида қандайдир жанжал бўлган. Бу қанақа машмаша, билмайман, Жамил момонинг етмиш йил бурунги ишқий саргузаштларини ёдда сақлаган қишлоқ аҳли бу ҳақда ҳеч нарса демайди, биров бирор нарса эслолмайди. Бу икки оила кўп йиллардан буён келишмас эди, бироқ бу очиқ-ошкора рақиблик эмас, шунчаки совуққонлик, ўртада илиқликнинг йўқлиги, холос.

Ўша кунлари Нурбекнинг онаси қишлоққа — Дилфузаларникига совчиликка боргани, қизнинг отаси Махамат ака «Сенларга берадиган қизим йўқ», деб жавоб қайтаргани тўғрисидаги гаплар оралаб қолган эди.

Махамат ака бизнинг қўшни, ёши эликка яқинлашган, ҳар доим сочини қирдириб юради, ярим оқарган, шоп мўйловли, оқ-қора аралаш соқоли деярли ҳар доим ўсган, қишлоқдами, чеккадами эътиборга лойикроқ, яъни кечки базми билан тўй бўлса, соч-соқолини бирдай қиртишлаб олдиради, қорувли, кўпинча эгнида ювилавериб астари идраб, этаги буришиб, йиғилган, қачонлардир русумда бўлган кримплен жигарранг костюм бўлади.

У етимликда улғайган, отаси уруш вақтидами, ундан кейинроқми, вафот этган. Отасини важоҳатли эди, дейишади, қамчисидан қон томадиганлар тоифасидан, раисми, дўмми, шунга ўхшаш амалдор бўлган. Шундай одамдан, мановдайин ўғил қолган. Лекин унда ҳам важоҳат бор, бир жаҳли чиқса, ҳеч кимни аямайди, бироқ кўпинча тинчгина юради, бировга озор бермайди. Эҳтимол, етимлик уни хокисор қилиб тарбиялагандир. Унинг отасига алоқадор воқеалар тафсилотини билмайман, қизиқмайман ҳам, ахир қишлоқда қанча одам бўлса, шунча тарих бор, барчаси билан қизиқаверсанг, ўз ҳаётига вақт қолмайди (нарёқда эса, тарих факультетида ўқимайманми, домлалар жаҳон тарихи, КПСС тарихи, СССР тарихини ўқиб ўрган, деб бошни огритади). Мана шу одам қизининг Нурбекка турмушга чиқишига мутлақо қарши.

Дилфуза ўртанча фарзанд. Ундан кейин яна иккита қизи ва бир ўғли бор. Оилада етти нафар қиз, фақат кенжатоӣ ўғил, у анча кичкина, саккиз ёшда.

Дилфуза сергайрат, қўли қўлига тегмайди. Онам ҳар доим уни мисол қилиб кўрсатиб, мени уялтирмоқчи бўлади. Бироқ онам «сен тенги» деганда бироз адашади, бу борада бир синф пастда ўқишим тўғрисидаги гапимни эътиборга олмайди, қайтанга «туққан мен биламанми, сенми?» деб роса жаҳллари чиқади. Қизиқ, мактабга борадиган мен биламанми, онамми?!

Болалиқда у билан ҳаппак, чиллик ўйнаб катта бўлган-ман-ку (ҳаппакни ҳам, чилликни ҳам мендан зўр ўйнар эди), бироқ вақт ўтган сари ўртага нимадир тортилгандай, орага совуқлик тушгандай, деярли гаплашмаймиз.

Қишлоқда юқорида айтилган гап оралагач, бир куни подадан қайтган молларни уйга ҳайдаб кириб, боғлаш учун кўчада турган эдим, челақ кўтариб Дилфуза ўтди.

– Ҳа, – дедим у билан қўл бериб кўришар эканман. – Тўй ҳақида гаплар юрибди, бир битимиз тўкилиб ўйнар эканмиз-да?

Дилфуза, онамнинг мақтаганича бор, меҳнатда пишган, қорачадан келган, болалигида қоп-қора эди, энди улғайиб бу қоралик бугдойрангга ўхшаган тусга айланган, кўзлари катта-катта, териси силлик, доғсиз, юзи лўппигина, қўллари лорсиллаб туради, бироқ семиз эмас. Қора, узун сочи-ни битта қилиб ўриб юради, қора қошлари камондай эгилган, ингичка (териби қўйилганми ёки ўзи шунақами, билмайман), энг аҳамиятлиси қомати — шамшоддай тик, ҳеч қачон керилгандай туюлмади, бизда русум бўлганидай ва гўзалликнинг белгиси саналгандай кўйлак остидан қоринчаси дўмпайиб турмайди (ўртоғим Толибдан фарқли ўлароқ, қорни бор аёлларни ёқтирмайман), бўлиқ кўкрак-лари лорсиллаб туради, холос. Аниқ билмайман-у, лекин кўринишидан териси таранг ва қаттиққа ўхшайди.

Дилфуза!

Ажиб, гўзал бир қиз!

– Эй, сенам шуни гапирасан, тўй бўлмади, – деди у кўнғироқдай овози билан маҳзун.

– Нима бўлди, орадан ола мушук ўтдим, ўзимга айтсанг Нурбекни урушиб қўяман, – дедим гап олиш учун.

– Мен эрга тегмайман, хур ўтмоқчиман.

– Бўлмаган гапни қўйсанг-чи, ҳали тоқ ўтмоқчи бўлган аёлни эшитганим йўқ.

– Айтишларига қараганда, Шодиқул бованинг опаси бўлган экан, бир умр эрга тегмаган, дейишади.

– Сен бўладиганларга таассуб қилсанг-чи.

– Отам рози эмас, – деди Дилфуза.

Афтидан юраги тўлиб турибди-ю дардини кимга айтиш-ни билмаяпти. Мен буни англаб, фойдаланмоқчи бўлдим.

– Нега? Сабаби борми?

– Билмайман, «Бермайман, тамом-вассалом», деяпти-лар. Отамнинг бунчалар газабланганини ҳеч қачон кўрган-ним йўқ. Укам новвосимизни бедапояга қўйиб, дамлатиб ўлдиргандаям жаҳли чиқмаган, «мол топилади», деб қўл

силтагандилар, менинг тақдиримга эса бунақа қиляптилар.

Овозидаги маҳзунликдан юрагим эзилиб, кўнглини кўтариш учун ҳазил қилдим:

– Эҳ-ҳэ, сен қайдаю, новвос қайда! Нархингни билмас экансан...

Дилфузанинг кўзлари олайиб кетди. Вазиятни юмшатмоқчи бўлдим:

– Энди қишлоқда йигит бир Нурбек эмас-ку, бошқасини топарсан, кўз остига бостириб қўйганинг бўлса айт, эшон бовага бориб иссиқ-совуқ қилиб келаман, икки кунда уйларинг атрофида ўралашиб, ҳамманинг жонига тегмаса, мана кўрасан.

– Қўйсангчи шу ҳазилингни, одам ўламан деяпти-ку, сен куласан. Енгилтакка ўхшайманми, бу бўлмаса бошқаси, деб кетадиган?

– Энди, ҳаёт шуни тақозо қилади-да, қиз боланинг бир йигитга ўламан саттор, шунга тегаман деб ёпишиб олишям дуруст эмас.

– Ким айтди сенга, шунга тегаман деб?

– Ие, – ҳайрон бўлдим. – Ҳозиргина ўзинг айтмадингми? Ё мен карманми?

– Ҳеч кимга тегмайман, дедим.

– Унда нотўғри тушунибман.

– Гапни шумликка бурма, алам қилаётгани – одам ўрнида кўришмаётгани, мен ҳам ўзим истаган ишни қилишим мумкин-ку, тўғрими? Бу дунёга келтириб қўйган бўлишса, энди шу билан устимдан хўжайинлик қилиб, ўзлари истаганча иш тутишлари лозимми? Ахир бу менинг ҳаётим-ку, уни мен яшайман, қанчалар меҳрибон бўлиб, яхшилик истамасинлар, отам яшамайди-ку умримни.

Бу қиз мактабда аъло ўқирди, бундай баландпарвоз гаплар шундан бўлса керак.

– Куйинма, ҳаётнинг ўзи секин аста бир йўлга бошлайди, – нима дейишни билмай чайналдим. Ахир бу қиз илк бор менга ўз дардини дастурхон қиляпти. – Битта муҳаббат билан ҳаёт тугамайди. Менимча, кўнгил қўйиш ҳаёт учун биринчи даражали нарса бўлмаса керак, ана, қанчаси бири-бирини севаяпти, севдим-ўлдим, деб юриб-юриб бошқасига тегиб, бошқасига уйланиб кетаяпти, ҳеч ким ўлгани йўқ, йил ўтар-ўтмас туғиб олишаётгани-чи. Шундан кейин муҳаббатга ишонмай кўяман. Ҳеч бўлмаганида, фарзанд кўришда шошишмаса бўларди, деб ўйлайман ўзимча.

– Мени бошқалар қаторига қўшма.

Дилфузанинг ҳасрат халтаси очилди ва дардини дастурхон қилди, кўнглимда эса моллар келиб, ҳовлидаги помидорни пайҳон қилмасмикин, деган хавотир уйғонди. Бахтимга ҳали пода қайтмаяпти, акс ҳолда Ориф аканинг ғунажини элдан бурун ортидан тўрт-беш новвосчани эргаштириб келиб қоларди.

Сал кам бир ойдан буён аҳвол шу — кўни-кўшниларида ором йўқ, новвосларни сўқиб юрибди. Йўқ, шу оддий ишнинг эпаллаётгани учун эмас, ғунажин оғилига кириши билан улар ўзини тамаки даласими, макказорми, ҳовлими — тўғри келган томонга уриб, овқат излашлари учун. Ахир ҳаммаёқни пайҳон қилишади.

— Шу кетишда, билмадим-ку яшолмасам керак, Бахти, — деди Дилфуза овози титраб.

— Ким билан? — оvsарга ўхшаб гап маъносини тушунмаган эканман.

— Бу ҳаётда ортиқчаман, — деди аниқроқ қилиб Дилфуза. — Ҳеч кимга айтиб қўйма-ку, лекин негадир ўзимни ёқиб юборгим келаяпти, ҳаётдан тўйиб кетаяпман. Сенда ҳам шундай бўладими? Бир қарасанг, ҳаммаси бинойидай-ку, лекин кўнглинг хуфтон, бу дунёда яшаганим билан нима фойдаси бор, деб ўзингдан сўрайверасан?

Довдирадими, нима деб тинчлантиришни билмасдим. Шундай чиройли қиз, шунчалар гўзал ва ҳозибали кўзлари бўла туриб, ўзини ёқиб юборса-я? Гапни ҳазилга бурдим:

— Энди, мен эрга тегиб кўрганим йўқ, бундай ўй ҳаёлимда ҳам бўлмаган, бўйи етган қиз ҳис қилган нарсани англолмасам керак.

— Ўлағой, қанқув гапдан бошқаси йўқ экан-да, ўлиб дардимни айтиб ётибман-ку, сен бўлсанг ҳазил қилсан, — Дилфуза зўраки кулди, кейин жиддий тортди. — Ўзи шу, мени ҳеч ким тушунмаяпти, ортиқчаман. Шуям одам, шунинг қандайдир дард кийнаётгандир, шу бечоранинг ҳам кўнглида нимадир бор, эшитиб кўрайинчи, деган мард йўқ.

Дилфузанинг кўзларида чексиз мунг ва дардни илғадими, ҳали бировнинг нигоҳида дард, туйғунинг бу қадар аниқ ифодаланганини кўрганим йўқ. Бу кўзлар ёшдан йилтиллаб тургандай, ҳозир икки оғиз гапирсам йиғлаб берадигандай. Иккиландим — тасалли бермоқчи бўлдим-ку, бироқ гап тополмадим, «Отанг ёмон одам», дейманми? Индамасам, илиқ гап кутиб тургандай.

— Ҳаммаси ўз изига тушади, — дедим. — Ўзни ёқиш ҳақида эса ўйламаслик керак, бу нарса ҳали ҳеч кимга фойда келтирмаган. Эшитганмисан, эллигинчи йилларда Тилов

тоғанинг акаси ёш хотини билан бирга ўзларига ўт қўйган экан. Иккаласи ҳам ўлган, кимга фойда-ю кимга зарар?

– Ўлиб кетган дурустроқми, дейман-да! Бу гурбат дунёда яшашдан мақсад нима?

– Мақсад ҳали топилади...

Дилфуза чин кўнгилдан айтган бу сўзларимниям ҳазил, қанқув гап деб тушуниб, челақларини кўтарганча кетди, хайрлашмади ҳам. Ёки кўзларидан шашқатор ёш оқиб, буни менга кўрсаткиси келмадимми? Бу борада тузук суҳбатдош эмасман, ёлчителиб кўнглига қараб гапиролмадим, у яқин олиб ўз дардини очди-ю мен бетуз тутуруқсиз гап қилиб, кайфиятини чўқтирдим. Кўнгилда шу хавотир қолди.

Шундан сўнг кўп кунлар давомида кечалари ухлолмай чиқдим, қизнинг гаплари оромимни ўғирлади. Унга кўмаклашгим, ўзини ўлдиришидан сақлагим келди, лекин қандай? Кимга айтаман, нима дейман?

Бу кейинги икки ой давомида менинг энг катта муаммом бўлди.

Инсон барчасига кўникар экан. Ахир, одамлар ҳаёт шу экан, деб тақдирга тан беришди. Улар учун очлик ва хўрликда яшаш ўз чекларига тушганига кўникишди, ҳаммаси шундай бўлиши керакдай, бошқа йўл йўқдай туюлди.

Тесқари сиёсат юритилаётганига анча бўлган. Аҳоли бу ислохотлардан кўзланган маъни-мақсадни кўп йиллар тушунмади, давлат гултепаликлар ёмон яшаши учун қўлидан келган, келмаган барча имкониятни ишга солаётгандай, Москвадан туриб яна нима қилсак бу қишлоқ аҳоли бундан-да ёмонроқ бўлар экан, деб тутум тутаётгандай гўё.

Одамлар шунга ишонди!

Инсон ҳар балого ўрганади, яшашга мослашади, камгина вақт, озроқ чидам бўлса бас. Сабр ва бардоши етмаганлар эса аравадан тушиб кетган йўловчи каби аро йўлда қолаверади.

Фуқаролар урушидан кейинги авлод улкан тажриба учун яшади!

Уларнинг қисмати ҳалигача жаҳон тарихида учрамаган давлат тузилишини ўйлаб топиб, бу ёғига қандай йўл тутишга боши қотиб турган раҳбарлар қўлида ўйинчок бўлди, йўлни билмайдиган, борадиган жойи аниқ бўлмаган чўпон олдига тушган отарга ўхшарди улар. Бу қишлоқ аҳли ҳам улкан уммондаги хасдай ҳеч нарсани тушуниб етмай яшайверди. Ўзлари пешоналарига охиригача, тўлиқ ўйланмаган ғояни ҳаётда синаб кўриш

ёзилганини билишмас эди, чунки улар шу жараённинг ичида эди.

Қачонлардир қишлоқ атрофини шовуллаган муаззам, кўм-кўк боғлар ўраган эди, булар қишлоқ аҳлининг хусусий мулки, ҳар ким ўз равзаси, даласига қарар, парваришлар ва асосий тирикчилик шундан эди. Совет ҳукумати ўрнатилиб, колхозлаштириш бошлангач, боғлар давлат ҳисобига ўтказилди, ҳосил давлатга олинадиган бўлди. Тўғрироғи, дастлаб равза эгаларида эди. Ҳамма ўз боғига қараб, парваришлаб юраверди. Улар ўзини ҳали ҳам шу боғ хўжаси деб ҳисобларди. Бироқ давлат кишилари учун улар боғбон, қоровул, холос. «Қоровул»лар зиммасига маълум миқдорда ҳосил топшириш юклатилган. «Боғбон» йилдан йилга бутун ҳосилни давлатга тўлаб, ҳеч нарсасиз қолаверди. Оқибатда аҳоли секин-аста гуллаб-яшнаб турган боғларни ўз ҳолига ташлади, қарамай қўйди, қишнинг аёзли кунлари дарахтлар кесиб тандир-у ўчоқларга солиб ёқилди, Ургут бозори, Жумабозорда ўтин қилиб сотилди.

Хуллас, боғлар Иккинчи жаҳон уруши бошларига қадар деярли қуриб битди. Қишлоқ атрофи тақир далага айланди. Фақат мирзоларгина (энди уларни кўпчилик «хўжа тўп» деб атай бошлаган) ҳамон анча майдондаги узумзорни сақлаб турар, қанчалар оғир бўлмасин, майиз бериш борасидаги режани бажаришнинг йўлини қилмоқда. Айтишларича, туманда уларнинг танишлари бор, ер майдонини кам кўрса-тади ва шунинг ҳисобига боғдан даромад олишади. Бошқаларнинг эса туман амалдорларидан танишлари йўқ.

Қишлоқ атрофида — қир, адирларда фақат ғалла экилади. Этак тарафи пахтазор. Бироқ сув танқислиги сабабли ҳосил кам.

Бу пайтга келиб қишлоқ бироз ўзгарди. Ўртадаги, мирзо тўпга қараган уйлардан бири тортиб олиниб, у ёқ-бу ёғи бузилиб, қўшимча қурилишлар қилиниб, колхоз отхонасига айлантирилди. Ҳашар йўли билан ундан икки юз одимча нарироқда мактаб тикланди.

Колхозлаштириш давридан сўнг, Иккинчи жаҳон урушигача ўтган вақт оралиғи бу қишлоқ учун тинч ҳаёт даври бўлди, катта шаҳарларда юз берган ва ўша даврларнинг энг улкан фожиаси — қатағонлар бу ерга довлур етиб келмади. Асосан зиёлилар ва давлат эгалари жабр кўраётган бу қатағонларнинг қишлоққа қандай алоқаси бўлсинки, кўзга кўринган зиёли-да йўқ. Одамлар элас-элас катта амалдорлар ватанга хиёнат қилиб, хоинлик билан қўлга тушганини эшитиб қолар ва жўр бўлиб уларни қарғаб юрар эди. Бу

сиёсий ўйинлар қишлоқ даражасигача тушмади. Ҳатто фуқаролар уруши ва колхозлаштиришдан сўнг бир муддат осуда ҳаёт кечирди. Аҳоли янгиликларга мослашиб улгурди, ҳатто қишлоқда дўкон очилиб, ҳар хил моллар кўпайди, пул муомаласи изига тушиб бормоқда эди.

Ўттизинчи йилларнинг ўртасида ҳаддан ошган солиқларни тўлаш учун пул топиб келиш мақсадида *Дайраободга* мардикор бўлиб ишлаш учун борган ва ўша ерларда ўлган тўрт-беш йигитни айтмаса, деярли катта фожиа бўлмади.

Одамлар секин-аста ўз боғ-роғларини қўлдан бериб қўйганига кўникиб, шу ҳаётга ўрганганда, қайлардадир, узок Европада Иккинчи жаҳон уруши бошланди.

Орадан ўтган беш-ўн йил давомида тинчликка, нисбатан тўқчиликка кўниккан авлод тарбия топган эди. Бўлиб ўтган воқеалар кексаларнинг ҳам ёдидан кўтарилган. Уруш бошланиши, тўғрироғи қишлоқдан одам ола бошлаш, солиқнинг кўпайиши ва озиқ-овқатлар, йилқиларни зўрлик билан тортиб олиниши кишиларни яна таҳликага солди.

Кекса авлод ёдига очарчилик, ўтган ваҳимали кунлар тушди, бу даврга келиб уйланиб, бола-чақали бўлган Раззоқ ака ҳар томондан бўридай ёпирилиб келаётган очлик ва қаҳатчилик нишонасини кўраётган эди.

– Нон ширин бўлиб бораяпти, очарчилик бошланади-ёв, – дер эди соч-соқолига оқ оралаган бу инсон фарзандлари доирасида овқат маҳали.

– Бит кўпайяпти, қаҳатчилик бўлади, – дейди кейинги сафар.

Қишлоқнинг кунботар тарафидаги ўша — Фуқаролар уруши даврида ҳам нурабгина турган, энди эса тобора тўкилиб, ғариблашган кулбада Ойсара момо келини Матлуба, невараси Ёдгор, унинг ёш хотини Ризвон билан истиқомат қилади. Момонинг фарзанди — *Гадой* муллани номаълум кимсалар алғов-далғов йилларида отиб кетгач, у ёлғизланиб қолди. Сўнг мулланинг Сўфиқишлоқдаги хотини ўғил фарзанд кўргани тўғрисидаги гаплар тарқалди. Момо одам қўйиб келинини суриштирди, ҳали эр қилмагани, эр қилиш нияти ҳам йўқлигини эшитиб, уни уйига олиб келиш пайида бўлди. Ўзи бир неча бор бориб келди. Вазият бироз ўнғайсиз ва нобоплиги туфайли, ишга қишлоқ оқсоқоллари аралашди. Айниқса, Сўфи қишлоқлик Сотим чол кўп куйиб-пишди. Бозор яхши инсон бўлгани, унинг фарзанди ўз қишлоғида ўсиб-улғайиши, отасининг ишини давом эттириши лозимлиги тўғрисида эҳтирос билан гапирди. Матлубани кетишга ундади.

Бу элларда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари анча паст — Матлубанинг тақдири ўғли Ёдгор манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилинди ва бир хулосага келинди. Ёдгорнинг ота юрти — Гултепа. Сўфиқишлоқда қолса, оғзига кучи етган-етмаганлар бўлган ишларни юзига солиши, уни бегонасителиши мумкин. Гултепада эса ота юртида ўсади, уни ҳеч ким бегона кўрмайди. Шу мантиқ билан Матлуба ва унинг икки яшар ўғли Ёдгор Ойсара момонинг уйига кўчиб келди.

Яна бир сабаби Матлубанинг онаси ҳам оламдан ўтган, сингилларининг бўйи етиб, ҳовли тор келиб қолган, Матлуба етим фарзанди билан бу ерда ўзини ортиқча ҳис қила бошлаган эди. Олдинига бу юртга кўниқолмади, одамлар эри, ота-онаси орқасидан бошқа жойларга кўчишини тушуниш мумкин, бироқ икки яшар боланинг ҳам ортидан эргаштиш мумкинми?

Мумкин экан! Бу юртда икки яшар ўғил боланинг ҳақ-ҳуқуқи етмиш яшар аёлниқидан улугроқ.

Ойсара момо пешонасида келин билан яшаш ёзилганига кўниб, Матлуба билан тил топишди. Албатта, у олдинги келини Нисодай эмас, бироз шаддодроқ ва ичида гап ётмайди, лекин унинг ўзига хос томонлари кўп — чарчмайди, иш деса бир дам тўхтамайди.

Мана, уларнинг бу қишлоққа кўчиб келганига йигирма йил бўлаяпти, шу вақт давомида Ёдгор улғайди, елкалари кенг, қорувли йигитга айланди. Онасига тортган. Қорачадан келган, суяқлари бақувват, соч-соқоли қора, кўзлари катта-катта, бироз ичига тортган, киприклари қалин.

Ёдгор урушдан бир йилча бурун, куз фаслида уйланган эди. Ёз ўрталарида, уруш бошлангач, умумий сафарбарлик эълон қилиниб, уни ҳам олиб кетишди. Ўшанда бу қишлоқдан ўн тўрт эркак урушга жўнади. Ораларида ўспиринлардан тортиб, ёши аллақачон қирқни қоралаган Нодир билан Пайзи ҳам бор. Ўша куни қишлоқ азахонага айланди, аёллар, қиз-жувонлар қишлоқ тугайдиган жой — мирзолар хайъати бўладиган ергача қий-чув қилиб йиғлаб бордилар. Жўнаганларга Мерганча қишлоғига етгунча аёлларнинг уввос солиб йиғлаган овозлари эшитилди.

Ўшанда, илк бор қадрдон қишлоғидан узоққа чиқиши эмасми, Ёдгор анча жойгача орқасига қараб кетди, катэнаси (отасининг онасини шундай атади) Ойсара момо, онаси ва ёш хотини — Ризвондан, қадрдон қишлоғи, унинг чанг кўчалари, томларидан ўтлар ўсиб, қуераб, қовжираган уйлардан кўнглини узолмади, худди буларни сўнгги бор кўраётгандай тамшаниб-тамшаниб қаради, кўнглида

нимадир узилгандай бўлди, «қайтиш насиб қиладимиз ёки ўша томонларда қолиб кетаманми, буларни яна қайтиб кўраманми», деган ўй хаёлини кемирди. Хотини етти ойлик ҳомиладор, фарзанди ўғил ёки қизлигини ҳам билмай кетаётганидан ачинди. Яқинларини, айниқса Ризвонни ҳеч кимга кўзи қиймай хайрлашди.

– Болам, – деди у билан хайрлаша туриб Ойсара момо. – Мен қаридим, сен қайтгунингча борманми, йўқми, худо билади. Нима бўлса ҳам бошинг тошдан бўлсин! Хотинингдан эса хавотир олма, ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади, эсон-омон қутулиб олади. Ўзимиз қараб юрамиз.

Момо ўзича рози-ризалик ҳам сўраб қўймоқчи бўлди-ю, кўнглига ҳар хил ўйлар келади, ахир урушга кетаётган одамга бунақа гапларни айтиш билан унинг чўккан юрагини янада ташвишга солиб қўймайдими?

Момо набирасини қаттиқ қучиб, бағрига босар экан, фарзанди Бозор ёдига тушиб, юраги эзилди: наҳотки, пешонасига отасининг қисмати битилган? Наҳотки, қайтмаса?

Шу ташвиш билан Ёдгорни анча маҳалгача қўйиб юборгиси келмади.

– Катэна, ўғил туғилса исмини Фолиб қўйинг! – деди Ёдгор ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб. – Фолиб бўлиб қайтиб келайлик!

– Албатта!!!

Чақирилганлар орасида тегирмончи Тўйчининг ўғли Мамат ҳам бор. У Тўйчининг Жамилдан яккаю-ягона фарзанди. Фарзанди туғилиб, орадан кўп ўтмай, Тўйчининг ўзини тегирмонда кимдир отиб кетган. Шундан кейин бироз вақт ўтгач, Жамил ёш боласи билан шу қишлоқлик Қоровой исмли кишига турмушга чиққан ва Мамат ўғай ота қўлида, ўғай ака-укалар қуршовида тарбияланган камсуқум йигитча. У ўғай отаси ва акаларидан кўп дакки эшитар, унга деярли кун беришмас эди. Ранги сариқдан келган, чиройликкина, бўйчан йигит Маматни Санокул ака ёқтиради, имкон қадар уни хафа қилдириб қўймас, ёнини олмоқчи бўлар, ёшлигиданоқ уйига чақириб, эркалатиб юрарди. Қишлоқ аҳли унинг бу ишларига кўпам эътибор беравермайди, замирида нима гап яширинганини хаёлларига ҳам келтирмайди. Санокул ака эса «эҳтимол шу бола менинг неварамдир, кун кўрмай ўтган ўғлимнинг фарзандидир», деган хаёл, умид, илинж билан уни яхши кўради, бироқ бу хаёли, фикри тўғрисида юрак ютиб бировга айтолмайди. Мамат кўзига Комилга ўхшаб кўринаверади. Ахир Жамил ҳам, Тўйчи ҳам сариқ эмас, Мамат қайдан бунақа туғилади?

Саноқул ака эрта вафот этган фарзандидан ягона ёдгор шу бола бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хаёл билан яшади ва бу дунёдан ўтди.

Мамат бундан икки йил бурун уйланган, икки нафар фарзанди бор. У ҳозир бир ёшга кирган, нима воқеа бўлаётганини ҳам тушунмай, одамларнинг кўплигидан чириллаб йиғлаётган боласини қаттиқ бағрига босган. Кўйиб юборгиси келмайди. Кўнгли ниманидир сезгандай...

Нодир эса беш фарзанди билан бирма-бир кўришиб чиқди. Дастлаб эндигина бир ёшга тўлаётган, онасининг кўлида биғиллаб йиғлаётган Теша билан хайрлашди, кейин тили чучуқроқ, эркатойи — Маликни бағрига босди. Икки қизчасининг юзидан ўпди. Болалар воқеанинг маъни-моҳиятини тушунгани йўқ, фақат барча — катта-кичик бирдай йиғлаб турганидан, қўрқинчли нимадир юз бераётганини англамоқда. Нодир охирида тўнғич ўғли — ўн беш ёшга кираётган, ҳали қиз болаларникидай ингичка овозли, ориқ ва калта бўйли Нормуродни қаттиқ қучиб, кўзларига ёш олди.

У етимликда ўсди ва ҳаётда ота қанчалар аҳамиятли эканини, ўрнини ҳеч ким босолмаслигини билади. Ўзига ишониб, барча масалаларни мустақил ҳал қиладиган, бола-чақали бўлган йилларда ҳам отасини кўп соғинди, бир оғиз маслаҳатига зор бўлди. У энди ўғли ҳам шу кўйга тушиши мумкинлигини ўйлаб, юраги қон. Ўзи тортган қанча хўрлик, азоб наҳотки ўғлини ҳам кутаяпти?

Нормурод унга энг яқин инсон эди. Мана ҳозир ҳали она сути оғзидан кетмаган ўғли ўзи учун отадай бўлиб қолгани, отасидан кўрмаганларини шу ўғлидан кутаётганини тушунди. Шунча вақтдан буён шу туйғуни ҳис қилмаганига ҳайрон бўлди, буни сезмаганига пушаймон қилди. Шунча бирга яшаб, шу ҳаёт тарзига кўниккан, ҳаммаси шундай бўлиши, ўғли бунинг дўқ-пўписаларини сабр билан тинглаши, бу эса уни урушиб, ишлатиши лозимдай туюлган ва буни оддий ҳол, деб қабул қилган эди. Энди булар одатий эмаслиги, Худонинг инъоми экани, фарзандларига қаҳр қилиб, уларнинг ўйинқароқлигидан норози бўлганида қанчалар бахтли эканини тушунмоқда. У ўзи отасиз ўсгани, бу кун вақти келиб фарзандларининг ҳам бошига тушиши мумкинлигини тез унутганидан афсусланди. Ўзи отасиз ўсгани, меҳр кўрмагани учун ҳам, барча болалар меҳрсиз ўсиши лозим, биз чеккан азобларни булар ҳам ҳис қилиши керак, деган ўй билан яшагани ва фарзандларига қаттиққўл бўлганидан пушаймон бўлди. Унинг вазифаси — фарзандларини ўзи

кўрган қийинчиликларга ўргатиш эмас, балки шу қийинчиликлардан четлаштириш эканини тушунди.

– Ўғлим, унутма, – деди у Нормуродни бағридан қўйиб юбормай. – Сен ўзбекнинг минг уругидансан. Бир кун келиб ўзингга сирдош ва яқин қариндош керак бўлса, уларни Самарқанд шаҳрининг нариги тарафидаги Чортут қишлоғидан изла, улар бизни унутмаган бўлса керак, кимдир эслар... Отам болалигимда барча қариндошларимиз шу тарафларда яшашларини айтган. Мен бир марта ҳам бормадим, энг оғир кунларда ҳам чидадим ва ўзимга ишондим. Бизнинг авлод чекига ўзига ишониб яшаш, қариндош, яқинларсиз умр кечириш тушган, шекилли. Сен ҳам ўзингга ишон, лекин оғир кунингга, ўйлайманки, шу ёқлардаги қариндошларимиз яраса керак. Улар кимлар эканини ўзим билмайман, лекин отамнинг айтишича, ўзига тўқ кишилар бўлган. Болалигимда бир-икки келишган, кейин отам йўқолгач, қадамлари узилган. Мен бир умр ўзимга ўзим, кун кўролмай қолсам шуларнинг олдига бораман, ёрдам беришади, деб яшадим, отам ҳам шундай қилган. Билмадим, эҳтимол сенга ҳам шу ўй билан умр кечириш керак бўлар. Барибир кимгадир ишониб яшаш ҳаёт қийинчиликларини енгишда ёрдам беради... Отам дом-дараксиз кетган, мен эса қайтишга ҳаракат қиламан. Агар билсанг, мен ҳалигача отамни кутаман... Бир кун қайтсалар керак, деб ўйлайман... Умидли дунё бу, ўғлим. Майли, сен кўнглингни ўкситма, мен қайтаман, ҳали зўр яшаймиз, фақат укаларингга меҳрибон ака бўл, уларни бировга хафа қилдириб қўйма, ахир энди уйнинг эркагисан.

Нодир ўғли билан шундай хайрлашди, кўзларидан шашқатор ёш оқар экан, унинг юзидан қаттиқ ўпди.

Нодир фарзандларини қаттиққўллик билан тарбиялади, ўзи етимликда ўсиб улғайган эмасми, болаларни раҳмсизлик билан, ортиқча меҳр кўрсатмай ва ожизликни билдирмай тарбиялаш керак, деган ўйда эди. Отаси Бекмурод ака оғир ҳаёт таъсиридами, уларни кўп эркалагани йўқ, умуман у анча кўпол эди. Урушларда юриб, янада дағаллашди. Нодир отасидан ўрнак олди, одатларини ўзлаштирди ва ҳаётда яхши ота бўлиш учун шу йўлни тутиш керак, деб ўйлади.

Нодир ҳар доим ўғлини қўрқмас ва баджаҳл қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди. У бир нарсани — бу дунёда раҳмдиллик, кўнгилчанлик билан яшаб бўлмаслигини, одамлар оёқости қилиб ташлашини билади, буни кўп бошидан ўтказди, гувоҳи бўлди. Шу сабабдан ўғлини қаттиққўл қилиб

тарбиялашга уринди — кўча-кўйларда, катта давраларда айтишга ҳадди сизмайди, бироқ уйда, оила даврасида фарзандларига, айниқса тўнғичи Нормуродга отаси Бекмурод ака тўғрисида кўп гапириб берар эди. Отаси қанчалар кўрқмас ва мард инсон бўлгани, қизилларга қарши уришганини оғзидан бол томиб ҳикоя қилар эди. Нормурод шу каби ҳикоялар таъсирида улғайди. Бироқ катта давраларда, мактабларда ўқитилаётган дарслар, айтилаётган гапларга солиштириб, бир нарсага, бобосининг аслида ким эканига сира тушунмади. Ўртоқлари даврасида, албатта, у билан фахрланиб бўлмайди, шусиз ҳам кимники жаҳлини чиқарса, «Босмачининг авлоди», деб дакки беради, устидан кулади. Отасининг гапларини тинглаб, кўнглида ғурур уйғонади, бироқ буни ҳеч кимга кўрсатолмайди. Икки ўртада у кимга ишонишни билмай, кўп қийналди ва ҳаётнинг риекорлиги, икки хиллигига кўниқди.

Ҳозир ҳам отаси бобосини эслатиб ўтишни унутмади:

– Бобонг дуруст одам бўлган, буни унутма... Уни ёмонлаганларга ишонма... Одам етти пуштини билиши керак, билмаган — қул. Эсингни таниб, улғайганингдан сўнг Чортут ёқларга бориб, аждодларингни суриштириб топ. Менинг ўзим турмуш ташвишларидан бўшаб, шу ишни қилолмадим. Энди пушаймонман, аслида асосийси шу экан...

Қишнинг узун кечалари Раззоқ ака «одам захрини одам олади», деган фикрда, бутун оиласини бошлаб, гаплашиб ўтириш, дардлашиш учун Нодирларникига меҳмонга келади. Ўз навбатида булар ҳам қўнда-қўнора уларникига чиқади. Бекмурод ака ўз-ўзидан йўқолгач, Раззоқ ака Нодир билан яқиндан дўст тутинган. Олдиниға унга ачинди, ёрдам бериб юрди, кейинчалик ёш орасидан фарқ билинмай кетди... Шу каби кечаларда ҳали ёш болакай Нормурод Раззоқ аканинг Нигора исмли қизи билан ўйнаб ўтирар, у билан хона ичиде қувалашиб, чувуллашиб, барчанинг жонига тегишар эди.

Нормуроднинг нима учундир фақат шу қиз билангина тил топишиши осон, кун бўйи фақат у билан ўйнайди. Бундан Нодир ғазабланар, фарзандининг ўғил болалар билан ўйнашини, эркакдай вояга етишини истарди. Шундан кўп дакки берар эди. Нормурод эса шу қизча билан ўйнашни қанда қилмайди. Нодир ҳозир шуларни ўйлади. Бу ишидан пушаймон қилди.

– Яна... – деди у кўнглини безовта қилаётган охирги сўзларни қандай айтишни билмай каловланиб. – Сени кўп урушар эдим. Оталик шунақа экан, деб ўйлаппан-да, нима

қилай. Умуман, у гаплар учун хафа бўлма, бир гап бўлса, кечириб юборарсан. Бир умр кўнглингга олиб, ўксиб юрма... Ҳали ўзинг ота бўлиб, буларни тушунасан... Раззоқ акани қизини эса эсон-омон қайтиб келсам, келин қиламан. Ниятим шу...

– Керак эмас, – Нормурод уятдан қизарди. Отасининг гапи кўнглини тўлқинлантириганига қарамай, ҳозир бу тўғрида гапириш мавриди эмас. Ахир ён атрофда биров йиглаб, биров қовоқ уйиб, бошқа бирлар эса нима қилишини билмай довдираб турибди.

– Керак, – деди Нодир қатъий, у бу билан гўё йўл қўйган хатоларини ювмоқчи эди. – Албатта шу қизга уйланасан. Бу менинг гапим!

* * *

Хўжа тўлнинг каттаси Хўжа бова вафотидан сўнг тўнғич ўғли Матлаб нафақат тўпни, балки қишлоқ катталигини қилиб юрган эди. Унинг гапига фақат Мавлон поччагина бўйин ёрламас, ҳеч қачон ўз фикридан қайтмас эди. Бироқ уруш арафасида шу инсон ҳам тўрт-беш кун ётиб, қазо қилди. Қишлоқ катталиги энди фақат Матлабга қолди, айтгани айтган, дегани деган бўлиб турганда уруш бошланди. Халқ орасида у тўнғич ўғли Маннопни урушга бермасмиш, деган гап юрар эди. Тўғри-да, қачонлардир, ота-боболари мардикорликка ҳам бормаган, бир амаллаб ўринларига бошқани юборган. Бу сафар ҳам шундай қилсалар керак.

Бироқ қишлоқ аҳли адашган эди, бу энди бошқа ҳукумат ва бунда ҳамма ўзи учун ўзи жавоб беради. Маннопни урушдан қолдириш имкони бўлмади чамаси, у биринчилар қаторида кетди.

Манноп қорача, бўйи биров пакана, тўладан келган, ёши ўттизларга борган чайир киши эди.

Урушга жўнаётган ўн тўрт эркакнинг кўнглида бир хавотир, уларни бир савол қийнайди — қайтиб келиш насиб этадими, йўқми?

Улар билади, қачонлардир мардикорга кетганларнинг аксарияти қайтмаган ва ўша Россия деган юртда ўлган, кафансиз кўмилган. Наҳотки, шу қисмат уларнинг ҳам бошига тушаётган бўлса? Қаерда у ўзи Россия деганлари? Бу қишлоқ аҳолиси азалдан узоқ жойларга чиқмайди, камдан-кам одамларгина Самарқанддан нарига ўтган.

Гултепаликларнинг урушга илк жўнаши шу тарзда қайгули ўтди. Кейинчалик яна кўп йигитлар, эркаклар урушга жўнатилади ва бу маросимлар ўн чандон, юз чандон оғир,

дилхаста кечади. Қишлоқ аҳли улар орқасидан, ўлимга маҳқум этилган маҳқум билан хайрлашгандай анча жойгача югуриб боради. Чунки тез орада дастлаб чақирилганларнинг вафот этгани тўғрисида хатлар кела бошлаган эди.

Урушга сафарбар қилинганлар қишлоқдан чиққанига роса бир ой ўтиб, илк хат келди. Бунда ҳали ҳеч ким жангга кирмаган, тайёргарлик машғулотлари кетаётгани ёзилган эди. Орадан олти ой ўтиб эса Маннопдан таҳликали нома олишди.

«Кеча даҳшатли уруш бўлди, – деб ёзган эди у одатий саломлардан кейин. – Маматни бериб қўйдик. Мамат бомбанинг остида қолди, Нодир акага нима бўлганини билмадик, жангдан кейин ҳам топиб бўлмади, ўлган бўлса керак. Ёдгор иккимиз Маматни мусулмончасига жаноза ўқиб, кўмдик... ҳалиям ўзимга келолганим йўқ. Уларнинг уйдагиларига хабар беринглар, ис қиладими, овоз чиқарадими, чироқ ёқадими, мен билмайман, ишқилиб белги бериб, руҳларига Қуръон оятларидан ўқисинлар, ирим-сиримини қилишсин. Ҳар ҳолда яхши инсонлар эди, бизларга далда бўлиб юрувди... Ёдгордан барчага салом.

Мен ҳам бундан кейин нима бўлишини билмайман, бу жаҳаннамга чап бериш камдан кам одамга насиб қилса керак, агар умуман насиб қилса... Ҳақимга дуо қилиб туринглар... Ёдгор билан келишиб олганмиз, ким нима бўлса, хабарлашамиз. У зўр йигит экан, олдин билмаган эканман. Бир-биримизни қўллаб турибмиз.»

Шу хатдан кейин Бону момонинг уйида белги берилиб аза очилди, Малоҳат овоз чиқарди, Нормуроддан тортиб, ёшгина Тешагача — барча-барча алам билан, куйиб-ёниб йиғлади. Майит йўқ, дафн маросими йўқ, фақат йиғи-сиғи. Одамлар фотиҳага келиб-кетиб турди, уларнинг оёғи бир ойгача узилмади.

Нормурод унда ҳали ёш эди, ҳаётнинг маъни-моҳиятига тушунавермасди, у йиғлаяпти-ю, отаси ўлганига нима учундир ишонмади. Мурда қанақа бўлишини билмайди, кўз ўнгида ҳеч кимни дафн қилишмаган. Одамнинг ўлишига ҳалигача ишонмайди. Бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайди. Фақат оиладаги муҳит уни қўрқитади. Онаси ҳам, момоси ҳам куйиб-ёниб йиғлайди, ўз-ўзидан эрталабми, кечқурунми, суҳбат орасидами, кўзларидан дувиллаб ёш оқади, ўзларини тўхтатолмайди. Бундан Нормурод ҳам таъсирланади.

Кейинроқ Мамат ва Нодирнинг ўлгани тўғрисида қорат хат келди. Булар шу қишлоқдан кетган урушнинг илк

қурбонлари эди. Одамлар бу хабарни ўзгача ваҳима билан қабул қилди, ўз фожиасидай билди.

Бироқ негадир Ёдгор жим. У учта хат ёзган бўлса-да, бирор-тасида ҳам Нодирнинг вафот этгани тўғрисида лом-мим демади. Фақат Манноп билан бирга экани тўғрисида қисқагина битиб ўтди.

Нодирга аза очилганидан бир ой ўтиб, Маннопга ҳам қора қоғоз келди, қишлоқ қайғуга чўмди. Бу бутун қишлоқнинг дарди-аламига айланди. Хўжа тўпни биров ёқтиради, биров ёқтирмайди, лекин барча бирдай Маннопга куйинди, унинг эзгу одатлари тўғрисида гапириб юришди. Майит бўлмаса-да, Матлаб бова ўғлининг маъракаларини ўтказди. Дард оғир экан, ўзи ҳам тўшакка михланди ва бир ойлари нари-берисида вафот этди.

Бу чол оғир кўргиликларни бошидан ўтказди. Унинг Тоҳир исмли укаси олдинроқ, алғов-далғов замонларда чавақлаб ташланган, кейинроқ, колхозлаштириш йилларида Самарқанд шаҳрига ғалла сотиш учун тушган эгиз укалари Ҳасан ва Ҳусанни кимлардир йўлда ўлдириб, ғалласи ва от-аравасини олиб кетган. Таналарини бир ҳафта деганда, жар ичидан топиб келишди, анча уринган экан. Кейин давлат ортиқча мол-қолларини тортиб олди, уругтлиқ янги катталар тил топишиб олгунга қадар «қулоқ қиламиз», деб кўп овора қилди, охири уларни ҳам бошқалар каби камбағаллаштириб тинчишди. Бу дардлар Матлаб бовани ич-ичидан кемириб юрган экан, ўғли вафот этгани тўғрисидаги хабар хароб қилди.

Қишлоқдан секин-аста, бўйи етган ўғил бола борки, ушлаб урушга жўнатавердилар. Ҳукумат кишилари ҳужжат билан иши бўлмайд қолди, бўйи кўзга кўринган, соч-соқоли чиққан ўғил бола борки, барчаси аскар. Тез орада қишлоқда эркак зоти қолмади, ҳисоб. Алим, Аҳмат (бу бобойни бўйи кичкина бўлгани учунми, илгари Аҳматча деб аташарди, вақт ўтган сари унинг ҳам соч-соқолига оқ оралаб, салла ўраб, яқтак киядиган бўлгач ўз-ўзидан бу лақаб йўқолди), Пўлат, Содик деган қариялар қолди, холос.

Қишлоқ эркаклари илк бор урушга чақирилганда Нормурод ҳали ёш эди, бироқ тақдирнинг аччиқ зарбалари уни тез улғайтирди. Ушанда, отаси билан хайрлашганда илк бор ўзини ҳақиқий эркакдай ҳис этди, рўзгорнинг бутун оғирлиги ўз елкасига тушганидан каловланди. Бироқ бу тезда ўтиб кетди, ахир масъулиятнинг ёқимли томони ҳам

бор-да. Ёмонми, қанча одам сенга мўлтиллаб термилиб ўтирса, уларнинг ҳаёт-мамоти учун ўзингни масъул сезсанг. Ҳақиқий эркак учун бу тенгсиз бахт.

Ўша йили оталар урушда, ортиқча ғалла, майиз ва туршаклар уруш учун олиб кўйилди, беш-олти қора қоғоз келди, халқ орасига ваҳима оралади ва келажак учун хавотир уйғонди. Бироқ бу ҳали бошланиши эди, ишнинг оғири баҳорда, далаларни экишга тайёрлаш чоғида бўй кўрсатди. Эркаклар урушда, колхоз ишларининг асосий оғирлиги аёллар ва Нормурод тенги ўспиринлар зиммасида. Эрта баҳордан уларни далага, қўш ҳайдашга бадарға қилишди. Иш меъёри белгилаб кўйилган, эртадан кечгача тиним билмасдан ишлаш лозим. Қўш ҳайдаш машаққат, омочни босиб юриш елкани узиб юборай дейди, ҳўкизларнинг тихирлигини-чи. Муомалани тушунмайдиганларни бекорга «ҳўкиз» дейишмас экан.

Нормурод дастлабки кунлари жонига текканидан дод деб қишлоққа қочиб кетмоқчи бўлди, бироқ отасининг гапи, оилани боқадиган эркак экани ёдига тушиб, шаштидан қайтди ва қанчалар оғир бўлмасин, ишга берилди. Инсон зоти кўникувчан бўлади, тез орада барчаси аслида шу тарзда кечиши лозимдай туюлиб, кўниқди. Уларнинг гуруҳида ҳамтенглари — Маматқул, Ҳазратқул, Жаббор ва бироз каттароқ икки нафар Қосим деган йигитлар ишлар эди. Қосимлар булардан катта бўлгани учун уларга бошчилик қилмоқчи бўлар, ўзларича энг оғир ишларни буларга буюрар эди. Бу иккиси туғилганда юртда Қосим деган машҳур одам чиққанми ёки бир-бирига таассуб урибми, уларга бир хил исм қўйганлар. Шу сабабли уларни бир-биридан ажратиш учун кичик ва қорувлисини оддийгина — Сарик деб аташади, фақат орқаваротдан. Олдида айтиб бўлмайди, жаҳли ёмон. Бақувват, каттароғи эса лақабсиз. Ўзи унча қўпол бўлмаса-да, совуққонлиги, ҳала-хулага бир нарса демаслиги, ўзини босиб олгани учун ундан орқаваротдан ҳам қўрқишади.

Қишлоқ оралаган гапларга қараганда, яқин ўртада бу иккаласини ҳам урушга олишаркан. Бу хабарни ким, қайдан эшитган, номаълум, лекин бу одамларни хурсанд қилмади. Бу иккаласи ҳам бўйи етиб, кўзга ташланиб қолган эса-да, ҳали ёш, ўспиринлик даврини бошидан кечираётган, беўй, беташвиш болалар.

Қосим Нормуродни ҳурмат қилади ва унга ортиқча гап-сўз қилмайди. Бироқ Сарик жиртакироқ, тўғри келган ерда устидан кулгиси, мазах қилгиси келаверади. Айниқса, ҳар

иккала Қосимни ҳам урушга олишлари тўғрисида гап чиққан, Сарикнинг асабийлашиши янада ортди. Нормурод, қанчалар жаҳли чиқмасин, тишини тишига қўйиб, чидашга мажбур. Ёнини оладигани бўлмагач нима қилсин? Бу шундай давр эди — ҳар ким ўзи учун жавоб беради, катталар муҳорабаларда, қариялар ва аёлларни унча менсимайдиган, ҳаётнинг аччиқ таъмини тотиб кўраётган ва тўсатдан улғайган ўспиринлар ўз тартиб-қоидаларини ўрнатмоқда.

Бир куни кечки маҳал ҳаво анча совуқ бўлди, ўтган куни ёмғир ёққан эди, шунинг захи ҳали кўтарилмаган. Колхоз раиси ёмғирда ҳам қўшчиларга уйига қайтишга розилик бермайди. Ҳамма ўзи билан бўлиб, кузда қишлоқ ғарбидаги лалми ер — аҳоли «чўл» деб атовчи адирлар ҳайдалмай, кузги буғдой экилмай қолган эди. Колхоз раиси район катталаридан кўп гап эшитган. Улар бир амаллаб баҳорда бўлса ҳам ғалла экишни айтгани сабабли ёш қўшчилар шу тарафга ҳайдалди. Қишлоқ этагидаги пахта ерларини чоллар ва аёлларга топширишган. Ўспиринларнинг иши тиғиз, ҳайдов раис назорати остида, онда-сонда от ва дўриллаган машиналарда районнинг аллақандай раҳбарлари ҳам ташриф буюради. Ўспиринлар масала жиддий эканини тушунади. Ортиқча эркалик қилмай жимгина ишлашади.

Ўспиринлар кечки совуқда икки-учтадан бўлиб аравалар остида ётишар эди. Сарик ўспиринлар араваси ёнига келиб, шу ерда чолонига ўралиб ётган Нормуроднинг оёғига тепди:

– Эй, сен бориб ўтин топиб кел, совқотаяпман, олов ёқиб исинамиз.

– Қайдан топаман? – Нормурод Сарикнинг важоҳатидан чўчиди-ю, ўрnidан турмади. Кўрққанини сездириб қўйгиси келмади. – Кеча ёмғир тушган, битта-яримта бултурги тезаклар ҳам ивиб, намиққан.

– Шох-шабба териб кел.

– Шу қоронғида қайдан топаман? Бурундан нарисини кўриб бўлмайди-ку.

– Кўп гап қайтарма, жинқарча, қайдан бўлса ҳам топиб кел. Тур ўрнингдан!

Нормурод қараса, бўлмайди, жойидан туриб, бир чеккада мунғайиб ерга қараб қолди. Энди бундан бу ёғига нима қилиш кераклигини ўйлаётган эди, ахир бу галварс ушлаган жойини қўймайди, ўлгудай қайсар ва бир гапни уқтириб бўлмайди. Нормурод одам деганлари ҳам мана шундай аҳмоқ ва билганидан қайтмайдиган бўлишини илк бор шу ерга келиб билди. Шунга қадар у барча инсонлар

ўзига ўхшаган, кимдир бир гапни тушунтириброк айтса тушунадиган, бировларнинг ҳолини англаб етадиган бўлади, деб ўйлаб юрган экан. Энди билаяптики, одам деганлари ҳам ҳар хил бўлар экан ва кичик мақсади учун бошқаларни хўрлайдиган, топтайдиганлар ҳам топилар экан. Бу Нормуродга оғир ботди ва дунёдан норози бўлди, аммо қўлидан нима келади? Ҳеч кими йўқ, ёнини оладиган ақаси, отаси бўлмаса. Норозилигини ичига ютиб яшашга мажбур. Лекин манави ярамаснинг бетайин қилиқларига чидаб, кўниб юришни истамайди, ўзига яраша қайсарлиги ва кўрслиги бор. Бу феъли кейинроқ бўй кўрсатди, ҳозирча эса у ўспирин йигит, илк бор ўз уйдан четга чиқиши ва шундан бироз каловланган, ўзини ёлғиз ҳис этмоқда. Урушган билан Сарикқа кучи етмайди. Шу сабаб нафасини ичига ютиб, муомала билан бу аҳмоққа рад жавобини бермоқчи бўлди. Унинг эса тушунадиган ҳоли йўқ.

– Бор, ўтин териб кел деяпман сенга, нимага меровланиб турибсан?

Сарик Нормуродни туртиб юборган эди, довдиради, қаддини тиклаб яна қаққайиб тураверди. У ҳозир даладан ҳеч нарса тополмаслигини билади, Сарикнинг ўзига қилаётган нописанд муомаласидан хуноб бўлди.

– Иложим йўқ, – деди у ниҳоят Сарикнинг қайсарлиги жонига теккач. – Керак бўлса ўзинг териб кел.

– Нима деяпсан, сен бола? Бир уриб чалпак қилиб ташлайинми? – Сарик хезланди.

Нормурод шу ерда илк бор кўрқув одамни ботир қилиб юборишини билди — баногоҳ икки дунё бир қадам бўлиб қолганини ҳис этди.

– Сен нимага ўдағайлаяпсан, топшириб қўйган жойинг борми? – Нормурод қаддини тиклади.

– Вой, ҳэ, энангни... менга ташланаяпсанми? – Сарик бундай муносабат қилишларини кутмаган эди. Хезланиб, Нормуроднинг устига бостириб борди. – Тилинг узун бўлса бураб, бир жойингга тиқиб қўяман.

Икки қўллаб Нормуроднинг елкасидан туртиб юборди, у довдираб, орқаси билан ўтириб қолди. Шу заҳоти ўрнидан туриб, бор кучи билан бақириб Сарикқа ташланди. Икки ўртада олишув бошланди, албатта буни кураш демаса ҳам бўлади, Сарик Нормуродни калтаклапти, у эса типирчилаяпти, холос. Жанжалга Қосим аралашмаганда, ким билади, оқибати нима билан якун топарди.

– Тегма! – деди у Сарикнинг елкасидан тутиб. – Ўтин керак бўлса ўзинг териб кел.

– Ие, мен тушунмадим, сен ким тарафсан? – Сарик ҳайрон бўлди. – Мана шу келгиндининг боласига ён босаяпсанми?

Қишлоқ аҳли ҳанузгача Нормуроднинг оиласини бегона кўради, уруш-жанжалларда келгиндилгини юзига солади. Нормуродга бу оғир ботади, отасиям, ўзиям шу қишлоқда туғилган, ватани шу ер, нега уларни бегона санашади, мана шу жулдурвоқи Сарикнинг қишлоқда қанчалар ҳақ-хуқуқи бўлса, Нормуродникиям шундан кўп ҳам, кам ҳам эмас.

– Бу ҳеч қанақа келгинди эмас, отасиям, ўзиям шу ерлик, – Қосим вазмин гапирди.

– Эй, сен нимани биласан, ўзим эшитганман, бунинг боваси қайлардандир қочиб келган. Кейин босмачи бўлган, одамларни талаган. Кейин болаларини ташлаб, бу ердан ҳам қочиб кетган...

Сарикнинг ақлли гап топгандай айтганлари Нормуродга ёқмади. Ҳозир тузум бошқа, унга, отасига бобоси босмачи бўлгани, келгиндилгини тез-тез эслатиб, юзига солиб туришади. Бу оғир айблов.

Нормуроднинг газабдан тишлари қисирлади, ранги оқарди ва кўзлари олайиб, косасидан чиққудай бўлди. Ахир ўзи кўрмаган, билмаган бўлса-да, бобоси ҳақидаги мана шундай нобоп гапларга қандай чидайди?

– Эй, менга қара, сен сарик пишак, бовамга тил теккизма. Бовамнинг знангга тегиниб қўйган жойи бўлса ҳам у ҳақда бунақа сассиқ гапларингни қилма...

Нормурод бунақа гапирмаслиги керак эди, бироқ жаҳл отига миниб, нима деяётганини ўйлаб ўтирмади. Бутун фикри-ўйи қандай бўлса-да алам етказгандан ўч олиш, ўзининг кучсизлигини, Сарикнинг бақувватлигини ўйлаб ўтирадими.

– Энадан келаяпсанми, сен ифлос?!

Сарикнинг жаҳли чиқди ва яраланган шердай пишқириб, ориқ ва нимжон Нормуродга ташланди, унинг Сарикқа нисбатан бўйи ҳам паст, шунга қарамай, асабийлашганни енгил оғир — йигитча бу даражада қаршилиқ қилишини кутмаган, бир уриб ерга қапиштириб ташлайман, деган ўйда бўлган Сарик ҳайрон қолиб, ўнг қўлини мушт қилиб, унинг бошига ураверди.

Қосим амаллаб уларни ажратди, икки ўртада Нормурод тўрт-беш мушт еб улгурган эди.

– Сен ифлос, урушга бориб, ўлмасанг рози эмасман! – Қосим амаллаб олиб кетаётган Сарикнинг орқасидан бақирди Нормурод турган жойидан қимирламай, зиркираб оғриётган бурнини чангаллаб.

– Унақа дема, – деди Маматқул жўраси енгидан тортиб.

Бунда қишлоқнинг беш йигити — Мардон, Тоғлар, Ҳамдам, Қажум, Салим деган йигитлардан қора қоғоз келиб, маъракалари ўтган эди. Қишлоқ йигитчалари урушда ўлиш нималигини билиб қолган.

– Йўқ бўлиб кетсин! Ўлиб кетсин, қишлоқда битта аҳмоқ камайгани билан ҳеч нарса ўзгармайди, – Нормурод жаҳлидан тушолмаётган эди, Сарикқа қараб бақирди:

– Урушда ўлиб кет! Лошингни кучуклар есин!

Орадан бир ой ўтиб-ўтмасдан ҳар иккала Қосим урушга кетадиган бўлди. Бир кун илгари бутун қишлоқ тўп-тўп бўлиб уларнинг уйига келиб, хайр-хўш қилди, ким нима топса, олиб келиб бўлажак аскарлар халтасига солаверди.

Кўп қатори Нормурод ҳам кузатишга чиқди. Сарикнинг ортидан бориш нияти йўқ эди-ку, бироқ ўша кун жанжалда Қосим ёнини олганидан буён уни ҳурмат қилади. Кузатиб қўйишни ўз бурчи, деб ҳисоблади.

– Нормурод жўра! – деди ҳамма билан бир-бир кўришиб келаётган Сарик чеккароқда, бегонасираб турган ўспиринга рўпара келиб. – Энди йигитчиликда ҳар хил гап-сўз бўларкан. Ўшанда, сен билан ҳазиллашмоқчи бўлувдим. Сен ҳам ўша гапни шунчаки, гап учун айтган эдинг, тўғрими, чин юракдан айтганинг йўқ-ку, шундайми?!

Нормурод, гина-кудуратни унутиб, кучоқ очиб пешвоз чиқди ва нима дейишни билмай, тилига келган гапни қуруқ-қина айтди:

– Майли, яхши бор.

– Ё, сен менга айт, ўшанда чин кўнгилдан айтмаганмидинг?!

Сарикнинг онгига нима учундир, урушга Нормурод қарғиши туфайли кетяпман, деган фикр ўрнашган. Нормурод ҳайрон, жанжаллашганда одамлар нималар демайди, жаҳл устида киши тилига хўжайинлик қилолмайди-ку? Нимага бу шунга ёпишиб олган?

– Нима деганим эсимда йўқ! – Нормурод шундан бошқа бирор нарса деёлмади.

Сарик эса унга илтижоли нигоҳини тикди. «Йўқ», дейишини эшитмоқчи эди, аксига олгандай, Нормурод бундай демади. Аслида у Сарикнинг ниятини тушунмади, урушга кетиш қайғули эканини билади, бироқ бунда инсон кўнгилида нималар кечишини тасаввур қилолмайди. Орадан анча вақт ўтиб, шу ориқ ўспиринни кўп қатори урушга олишганда, қишлоқдан чиқа туриб, ўшанда Сарик ундан нима истаганини тушунади, бироқ унда кеч бўлади.

Ҳозир эса фикрини англолмади. Нормурод ажалига пешвоз чиқаётган одам, очиқ юз билан, барча, ҳатто энг ёвуз душмани ҳам оқ йўл тилашини исташи, ҳаёлида шу инсонларни яна қайта кўраманми, йўқми, деган ўй кечиши, барча ўзига умр тилаши, қишлоқдошлари, шу қадрдонлари айтган ҳар бир тилак, ният шубҳасиз ушалишига ишониши, дуолари ижобат бўлади, деган тўхтама келишини билмас эди. У буларни ҳаёлига келтиргани йўқ. Ҳозирча ягона нарса — хайрлашаётгани билан узоқ вақт кўришмаслиги, балки умуман видолашаётганини илғайди, холос. Аммо бу ўзи учун айтарли фожиа эмас. Сарикнинг яшаш-яшамаслиги унинг ҳаётига таъсир кўрсатмайди.

– Майли, – деди Сарик Нормурод билан қучоқ очиб хайрлашар экан. – Отангни учратиб қолсам нима дейин?

– Салом де.

Нормурод аслида «Уруш катта, отамни қайдан кўрасан?» – демоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтди. Сарик уни бағрига қаттиқ босиб, кейин қолганлар билан хайрлашиш учун ўтди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас катта Қосимдан хат келди: «Адашимнинг оиласига айтинглар, ис чиқарсин, у ҳалок бўлди.»

– Бечора Сарик, – деди Нормурод унга ачиниб. – Барибир яхши одам эди.

Бу хонадонда уч аёл, ўзини бахтсиз ҳисоблайдиган уч оғиза истиқомат қилади.

Ойсара момо бир вақтлар, ҳали ўттизга ҳам кирмай эридан жудо бўлган. Чавандоз, полвон эри бир кўпқарида отдан йиқилиб, ҳалок бўлди, сўнг тўрт фарзанднинг учтаси ўлат йиллари қазо қилди, ёлғиз ўғлини эса номаълум кимсалар кечаси отиб кетди. Биринчи келинини ўғли уриб ўлдириб қўйди, ҳозир иккинчиси билан яшаяпти, лекин бу қанақа ҳаёт бўлдики, кексайган чоғида икки келин қўлига қараб ўтирибди. Бири ўз келини, иккинчиси невара келин.

Момо камуйқу, кечаси билан ўйлайди, ҳаёти сарҳисобини чиқаради, бундан кейин нима бўлишини тахмин қилади, ўзини қўрқитади. Зимистон кечалари уй ёнидаги тепаликка чиқиб ҳаёл суришни одат қилган, шу ерда ўтирса фарзандларининг шўх-шодон чопиб юргани, нималарнидир талашиб уришганлари, тепалик этагидаги кекса ўриқларга осилиб, мева териб, шод-хуррам еганларини эслайди, ўзини бахтиёр сезади. Кейин шу фарзандлари билан умуман кўришолмаслиги ёдига тушиб, хафа бўлади, дили қоронғилашади.

Бу тепаликда унинг тўрт фарзанди чопқиллаб ўсди, кейинчалик улардан бири қолди. Бозор шу ерда улғайди, анави ўрикларни қоқиб, туршак қилишда унга кўмаклашди, вақти келиб уйланди, уйдан аразлади. Ўшанда, қишлоқдан бош олиб кетаётганда шу тепалик этагидан жаҳл билан от солиб ўтган ва орқасига қайрилиб ҳам қарамаган эди. Ойсара момо кўнгли алланечук хавотирда, ўглини қайтиб кўрмайдигандай, орқасидан анча жойгача эргашиб борди, бироқ буни фарзанди кўрмади. Кейин, орадан йиллар ўтиб, Бозор қайтди, бағри тўлган момонинг хурсандлиги узоққа чўзилмади. Бозорни отиб ташлашди. Тобутини шу тепалик олдидан мазорга олиб ўтдилар. Момо бу сафар ўглини сўнги манзилга кузатди. Шундан сўнг Сўфиқишлоқдаги келинини олиб келди, невараси Ёдгор ҳам шу тепаликда ўйнаб улғайди, энди урушда.

Гоҳида момога бу хонадонда эркакларга ҳаёт йўқдай туюлади ва бу фикрдан ўзи чўчийди, ўзидан, уйдан нафратланади.

«Бу ҳовлига дуо кетган бўлса керак, биров иссиқ-совуқ қилиб қўйган!» Кўп бўлди, у шундай хулосада юрибди. Ўша, ўгли Бозор уйдан бош олиб кетгандан буён шунга ишонади. Ўшанда Нисбот яқинида яшайдиган мўлтони (Самарқанд шевасида лўли дегани) кампирга фол очирганда, «Бир ҳарифинг мазор тупроғига дуо солдириб, ҳовлингга сочиб юборган», деган ва битта калла-поча буюрган эди. Момо лўли кампирнинг айтганини қилди, бироқ Бозор қайтмади, қайтганда эса...

Момо бунда қўшниси, аллақачон худо раҳмати бўлган Саламат момони айблади, «Бу жодугарнинг ўзи ўлган бўлса ҳам жодуси қолди», деб дилхаста бўлади. Ҳаммаси секин-аста ёдидан кўтарилиб бораётган эди, аммо тўсатдан невараси урушга жўнаб, эски дардлари кўзғалди. У нима учундир невараси ҳам бир кор-қолга йўлиқишига ишонди, ўзи буни истамайди, бироқ нима қилсин, кўнгли — душман. Жажжигина эвараси, Ғолибга боққан сари дилини шу қоронғи ўй қоплайди. Шундан сал одамови бўлиб, ўзини бу уйда ортиқча ҳис қилди, ўлгиси келмайди, яшашни истайди, бироқ нима учундир кўнглининг туб-туби билан барчаси барҳам топишини жуда-жуда хоҳлайди.

Матлуба хола ҳам ўглига кўп куюнади, вақт топди дегунча пана жойга ўтиб, йиглаб олади. Бироқ у кампирдан фарқли ўларок, Ёдгор эсон-омон қайтишига ишонади, шунга умид қилади, бунга қарши кўнглида уйғонган ҳар қандай фикрни дарров ўчириб ташлашга ҳаракат қилади. Бу ожиза ҳали ҳамон қишлоқда ўзини бегона ҳис қилади, шу Ойсара момо

ва келинидан ўзга яқини йўқ, кўни-кўшнилар, таниш-билишлар билан қанчалар очилиб гаплашмасин, барибир уларни яқин олмайди. Унинг қишлоқда яқин қариндоши йўқлиги бу уч аёлни бир уйда ортиқча жанжалсиз яшашига имкон яратмоқда. Чунки булар бир-бирига суюниб қолган, ўзларидан бошқа яқинлари йўқ аёллар бир-бирини авайлашга ҳаракат қилади, жаҳл отига минганларида, дунё кўзларига қоронғи кўринганида ҳам, ўзини босишга ҳаракат қилади, тушунади ва кимнингдир жаҳли чиқса, бошқалари индамай туради.

Ризвон кўшни қишлоқдан, бир камбағалнинг ўртанча қизи эди. Ёдгор шу ерда ўсиб-улғайганига қарамай, қишлоқ аҳли унга қиз бермади. Бунга отасининг «шуҳрати» сабаб бўлдими ёки ҳеч ким қизини икки қайнона қўлига топшириб қўйгиси келмадими, ишқилиб кимникига совчиликка боришмасин, рад жавоби олишди. Ниҳоят Ойсара момо таниш-билишларини ишга солиб, кўшни қишлоқлик, кўхликкина қизни келин қилиб тушириб келди. Келинни кўриб, қишлоқ қизларининг ичи кўйди — ҳақиқатан ҳам гўзал эди. Бўйи кичикроқ, юзи лўппигина, ранги оқиш, кўзлари каттакатта, сочлари қоп-қора ва узун. Ўзлари менсимайдиган Ёдгорга хурилиқо келин тушиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган қизлар, уни рад этганларидан пушаймон қилишди. Ҳар доим шунақа, йўқотилган пичоқнинг сопи олтидан, кўпгина қизлар учун Ёдгор келишган, ўктам бўлиб кўриниб қолди. Аслида ҳам шундай-ку, бироқ ҳеч кими йўқлиги, камбағаллиги унинг барча хислатларига, ҳатто ташқи кўринишига ҳам соя ташлаб турар, бу соянинг остида ҳеч ким Ёдгорни асл ҳолича кўролмас эди. Кўп ота-оналар, қизлар пушаймон қилди. Ичи куйганлар, ўзича «Узумнинг яхшисини ит ейди», деб сассиқ гап қилиб юрди.

Эри кетгач Ризвон асабийлашиб қолди, сабабини ўзи ҳам тушунмайди, бироқ қайноналари гапини эшитишни истамайди, ёлғиз қолиб хаёл суриб юраверса. Яхшиям фарзанди бор, шу билан овунади, шусиз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Фарзанди бироз улғайгач, кўча-кўйда эркакка ёки бўйи етган ўспиринга кўзи тушса, негадир юраги хапқирадиган бўлди, орқасидан термиладиган одат чиқарди. У бу табиати билан курашади ва уни бировга билдирмасликка ҳаракат қилади, бироқ барибир ўзини йиғиштириб ололмайди. Хоҳласа, хоҳламаса, эркакларга қарагиси келаверади. Бу қилиқ дуруст эмаслигини, бундай одат бузуқ аёлларда бўлишини билгани ҳолда, ўзини қайтаролмайди.

Ундаги бу ўзгаришларни Ойсара момо ҳам, Матлуба хола ҳам пайқади, бироқ ортиқча гап-сўз қилишмайди, уларнинг ҳам бошидан ўтган бу кунлар ва энг тўғри йўл — ортиқча насиҳат қилмаслик эканини тушунишади.

Қиш кунларида икки ойлик бўлаётган Ғолиб касалланиб, нафаси бўғилиб, хириллаб қолди. Уч аёл икки кун давомида қилмаган давоси қолмади, бироқ чақалоқ тузалай демайди. Умид билан чақалоқнинг кўкараётган рангига қараб ўтиришибди. Шундан ўзга чора йўқ. Исириқ тугатилди, кинна солинди, натижа бўлмади. Чақалоқ тобора кўкариб бормоқда, Ойсара момо ич-ичида ундан умидини узди. Отаси қайтиб келса, нима деб жавоб бераман деган кўрқув кўнглини қамраб олди. Матлуба билан Ризвон эса тажрибасизроқ эмасми, бундай кўнгилга борганлари йўқ. Улар ёш бола қандай ўлиб қолишини билмайди. Ўз-ўзидан мана шундай ётиб, жон таслим қилишини тасаввур қилишолмайди. Шу сабаб Ғолибнинг ҳаётни тарк этиши мумкинлиги хаёлларига келгани йўқ.

Ниҳоят иккинчи куннинг охирига келиб, Ойсара момо қишлоқни айланиб, сароқ думба ёғи топиб келган эди, шуни суртиб, уқалаб қўйганларидан сўнг чақалоқнинг жони бироз ором олиб уйқуга кирди.

Ризвон ташқарига чиқмоқчи бўлди, эгнига эрининг эски чопонини ташлаб икки табақали, нақшли эшикни очган эди, ташқарига, ўтган кўни чақалоқни чўмилтириб, чиқариб қўйилган кир тоғора даранглаб думалади. Ризвон боланинг касалланишини айнан шу чўмилтиришдан кўриб юрган, лекин юрак ютиб қайноналарига айтолмаган эди. Чунки чақалоқни чўмилтириш фикри момо қайнонасидан чиққан ва бу ишни унинг қийин-қистови билан қилишган эди.

– Ҳе, эганг ўлиб безга қол! – чўчиб тушган Ризвон тоғорани даранглатиб нарига тепиб юборди.

– Ризвон чарчабди, шекилли, – деди чақалоқ дам олаётганидан дили ёришган Матлуба хола келинининг бу қилигини кўнглига олмай. – Ўзини тутолмай қолаяпти.

– Бу бир унинг бошига тушган эмас-ку, элга келган ош-у тўй, чидаш керак-да, – Ойсара момо насиҳат қилгандай бўлди.

– Билмасам, ҳали ёш, бунақа нарсаларни кўрмаган, қийналаётгандир-да.

Улар бу гапларини ўзаро айтишгани билан унга ҳеч нарса дейишмайди. Ризвон асабини илк бор кўрсатаётгани йўқ. Чақалоғи касал бўлмасидан бурун ҳам мол-ҳолларни қарғаб, нарсаларни тарақлатиб у ёқ-бу ёққа отиб қоладиган одат

чиқарган эди. Бироқ қайноналарига ҳеч нарса демайди, тилини тишлайди, нафасини ичига ютиб тураверади. У биладикки, бу ташвиш фақат унинггина бошига тушган эмас, мана шу икки қайнонаси шунга ўхшаш кунларни бошидан ўтказган. Бироқ уни безовта қилган нарса — у замонлар бошқа, одамлар ўзгача эди, энди бошқача, деган ўй. У бир нарсани — ҳар қандай замонда ҳам инсон инсонлигича қолаверишини, унинг ҳис-туйғулари ҳар доим ҳам ўткир ва таъсирчан бўлишини билмас, тушунмас эди. У момоқайнонаси ва қайнонаси айтиб берган оғир кунлар тўғрисидаги ҳикояларда туйғуни кўрмайди, ўзи сезаётган, ҳис қилаётган азобларни пайқамайди. Унингча у замонларда мана шундай бўлиши керакдай, уларнинг ҳисматига шу ёзилган-у улар бунга кўникиши лозимдай ва буни ҳамма олдиндан билгандай туюлаверади. У момо қайнонаси ва қайнонаси ҳам ёш бўлганига сира-сира ишонмайди, тасаввур қилолмайди, назарида, бу иккаласи бир умр шу ҳолда бўлган, ҳеч қачон ўзгармагандай. Ўзини эса булардан бошқача деб тасаввур қилади ва ўйлайдики «буларда туйғу йўқ, булар ҳар доим мана шундай даққи, ҳиссиз бўлган». Чунки бу икки ожизанинг ўта совуққонлиги, вазминлиги, ҳар нарсага босиқлик билан муносабатда бўлишидан доим ҳайратланади. Булар урушдаги невар ва ўғилларини ҳам унча эсга олмайди-гандай туюлади. Унингча булар Ёдгор тўғрисида жўн, ҳиссиз гапирди.

Ризвон бу аёллар ўз ҳаётини мана шундай ошуфталик, қайғу ва азоб билан яшаб ўтгани учун, энди ҳар қандай қайғуга босиқлик билан қарашга кўниккани, ўз дарди ва ҳаяжони, туйғусини яшириш ҳадисини олганини билмайди. Чунки улар дастурхон қилгани билан дардларини аритиш учун ҳеч ким ҳеч нарса қилмаслигини билади.

Ярим кечаси чақалоқнинг иситмаси яна кўтарилди, чириллаб йиғлади. Уч аёл нима қиларини билмай қоронғи хона бўйлаб зир югурди. Бири алла айтди, бири эмизди, яна бири ўтириб шу жимжилоқдай одамчанинг тузалишини сўраб худога илтижо қилди. Улар тонг отгунча мижжа қоқмади. Шундай дамларда кишини ожизлик кўп қийнайди, кўлидан ҳеч нарса келмаслигини ўйлаб, ҳис қилиб азобланади, ҳаётдан тўяди. Булар учаласи ҳам шундай аҳволда.

Эрталаб Ойсара момонинг қийин-қистови билан чақалоқни Ургутга, касалхонага олиб бормоқчи бўлишди.

Ургут анча узоқ, ҳаво совуқ, пиёда бориб бўлмайди. Ойсара момо улов ахтариб чиқди. Очарчилик ва колхозлаштиришдан зарарсиз ўтган тўрт-бешта от ҳам уруш бошлангач

тортиб олинган, асосий улов — эшак. Лекин hozир қиш, бу фаслда эса эшакларга касал тегиб, оёққа туролмайдиган бўлиб қолади. Бу хашакни, емни қизганиш туфайли.

Ойсара момо кимнинг уйига кирмасин, аравага қўшишга ярайдиган эшак тополмади.

Қишлоқнинг тоғ тарафида яшайдиган Нормуроднинггина эшаги аравага қўшса бўладиган, бироз тетик экан. Бону хола Ойсара момонинг гапига дарров рози бўлди ва тўнғич набираси Нормуродни қўшиб берди.

– Бу сал нобоп эшак, Нормуроддан бошқа ҳеч кимга қулоқ осмайди, ўзи бирга бориб келмаса бўлмас, сизни овора қилиши мумкин.

Нормурод катэнасининг гапи билан эшагини эгарлаб, аравага қўшди ва Ойсара момони миндириб, уларни кига йўл солди.

Хаво қуруқ совуқ. Осмон очик, тоғ тарафдан изиллаб, баданни тешиб юборгудай шамол эсади. Нормурод бужмайиб ўтириб, совуқдан жунлари ҳурпайган эшагини халалаб, Ойсара момонинг уйига етиб келганида қуёш икки терак бўйи кўтарилган эди.

Нормурод эшакдан тушиб, титраб, қалтираб момонинг чиқишини кутиб турган эди, қишлоқ ичкарисидан, тупроқ кўча бўйлаб ўн уч ёшлардаги, эгнига қора мастакча кийган, майда кокил қилиб ўрилган, учига попукли жамалак тақилган сочлари патак қизалоқ кўринди. Бу Раззоқ аканинг ўртанча қизи Нигора. У буларни кига чиқиб, онаси билан бирга ўтириб кашта тикишади. Бону хола моҳир каштадўз, қишлоқнинг кўп қизлари унинг олдига ҳунар ўргангани келади.

– Уйларингда чўғ борми? – сўради қизалоқ унинг ёнига келиб.

Нормурод қизнинг қорачадан келган, чанг босгандай бўлиб турган юзига қаради, катта-катта, пирпираб турган кўзларида нималарнидир илғади. Қизни тушунмади:

– Нима қиласан?

– Оловимиз ўчган, укаларим совқотиб ўтирибди, гугурт йўқ.

– Шунини уйдан сўрамадингми? Кўриб турибсан-ку мен Ургутга кетяпман. Ёнимда чўғ ҳам, гугурт ҳам йўқ, – Нормурод қизнинг мантигини тушунмади.

– Билмасам, қарасам шу томонга кетаётган экансан, келиб ўзингдан сўрай, дедим-да, – қиз анча маҳмадона. – Ургутга бораяпсанми? Нима қиласан?

– Иш бор, момонинг невараси касал бўлибди, шуни қўрғончага олиб бораман. Сен тезроқ кириб момодан сўра, ҳозир булар мен билан кетса, оловсиз қоласан.

– Уларникидаям бўлмаса керак, – деди қиз зэтиборсиз.

– Ҳали сўрамадинг-ку, қайдан била қолдинг? – деди Нормурод ҳайрон.

– Кўнглим сезаяпти. Кейин, бу кишилар шундан шаққа чўғ сўраб келдингми, деб ҳайрон қолмайдими?

Нормурод унинг соддалигиниям, шумлигиниям тушунмади. Ўзи шу қиз бошқаларга ўхшамайди. Ўзига мөҳри бўлакча эканини болалигидан ҳис қилади, ҳатто мактабдаям унинг орқасидан эргашиб юрарди.

Уруш бошланишидан бурун қишлоқ аҳли ҳашар қилиб, пахса уриб, мактаб қурган. Бир мактабки, бу маҳалга келиб деворлари чўккан, нураган мачитникдан ҳам баланд, олти хонали, кириш эшиги кунботар тарафга қараган, олдида кичкина айвонча, катта йўлак. Қишлоқда бу тартибда иморат солиш, айниқса қибла ёққа қарата айвонча солиш русумда эмас. Бирок дўмнинг гапи билан мактаб шундай тикланди. Бу ерда ўқиш кўп давом этмади. Уруш бошланиб, ўқитувчилар урушга олингач, мактаб ҳам ёпилди. Ҳозир ҳеч кимнинг ўқиш билан иши бўлаётгани йўқ, ҳамманинг дарди ўзи билан.

– Ҳайрон бўлмайди, сўрайвер. Қуруқ кетгандан кўра сўра. Ҳали қўшнилардаям борми, йўқми, – Нормурод нигоҳларини олиб қочди. Кўнглидан аллақандай ўзи ҳам тушунмайдиган бир жараён кечаётган эдики, буни қиз кўзларимдан сезиб қўяди, деб кўрқди.

– Ургутда узоқ бўласанми?

– Билмадим, буларнинг иши битишига қарайман, – деди ўспирин бўйнини силкитиб безовталанаётган эшагини тинчлантириб. – Нима, ишинг борми?

– Уйларингга кашта тиккани чиқмоқчи эдим, – деди қиз маҳмадоналик билан.

– Каштани мен билан тикмайсан-ку. Энам уйда ўтирибди, чиқавер.

– Тўғрику-я... – қиз тараддудланди. Ойсара момонинг ҳовлисидан овоз чиқаётган эди. – Мен кетдим, агар буларникида бўлмаса, уйларингга бораман. Нормурод юборди, дейман.

– Бемалол... – Нормурод унинг ортидан анграйиб қараб қолди.

Нигора Ойсара момонинг уйига кирди ва тезда ориқ, қоп-қора ва совуқдан ёрилган қўлларини ҳовуч қилганча кул кўтариб чиқди.

– Олдим, – деди хурсанд бўлган қиз юзларидан нур ёғиб. – Сандалларида бор экан, ўзлари ҳозир чиқади. Мен чўғ ўчиб қолмасидан тезроқ борайин... Яхши бориб ке.

Нормурод унинг орқасидан кутаётганлари чиқиб, хаёлини бўлгунларича кузатди. Нима учундир бу қиз кўзига бошқача, жозибали кўринди, илгарилар бунақа эмасди.

Боласини ўраб чирмаб олган, бошига янги, оҳорли паранжи ёпинган Ризвон ва чопон кийган, бошига қора тивит рўмол ўраган, фақат икки кўзигина кўриниб турган, эски кўрпачани қучоқлаб олган Матлуба хола чиқди. Кўрпачани аравага ёйиб, устига ўтирдилар. Арава шотиси бир силкиниб, шусиз ҳам қалтираб турган эшакни кўтариб юборай деди.

– Олдинроққа ўтирингизлар, – деди Нормурод уларга қарамай ва эшакдан тушиб, арава шотисини бир қўли билан босиб таккашни ечди-ю тортиб бойлади.

Ойсара момо ҳам аравага ўтирмоқчи эди, Нормуроднинг жаҳли чиқди. Шусиз анча юк ортиб олганидан, эшаги бориб келгунча қийналишини ўйлаб, азобланаётган эди. У эшагини авайлайди. Барибир чавандознинг невараси-да, от бўлмаса, меҳрини эшакка ҳам бераверади.

– Сиз уйда қолаверсангиз ҳам бўлади, момо, – деди Нормурод эшакка минар экан. – Йўл узоқ, чарчаб қоласиз, ўзимиз бориб келамиз.

– Майли, сиз борманг, амма, уйда ўтириб туринг. Ўзимиз кўрсатиб келамиз. Аравага юк бўлиб нима қиласиз, – Матлуба хола Нормуроднинг хавотирини тушунган эди.

Ойсара момо бормайдиган бўлди ва шундан сўнг Нормурод енгил тортди.

Кўргончада чақалоқни докторлар кўриб, шамоллаганини айтди. Бир-икки кун касалхонада олиб қолиб даволайдиган бўлишди.

Ризвон чақалоқ билан бирга қолди. Дастлаб Матлуба хола қолмоқчи бўлди, бироқ чақалоқ эмизикли бўлгани сабабли докторлар кўнмади.

Шундан кейин беш кун давомида ҳар куни Нормурод Матлуба хола, Ойсара момо билан бирга Ризвон ва унинг гўдагини кўргани бориб турди. Қиш бошланиб иш тугаган эмасми, дастлаб бироз малол келган бу машғулот кейинчалик Нормуродга ёқди. Эшагининг ҳам оёғи ёзилди. Ўзи-ям у ёқ-бу ёқни томоша қилиб келаяпти.

Нормурод Ризвонни зимдан ўрганди. Қайнона, келин касал кўргани кириб кетишганда у аравани кўриб, ташкарида қолади. Бироқ улар қайтаётганда Ризвон кузатиб

чиқади. Шунда улар арава олдида гаплашиб қолади. Ризвон шу ерда Нормурод билан сўрашади. Нормурод унинг гўзал эканини шу ерда билди.

Бироқ унинг хаёлини бошқа бир қиз — Нигора банд қилган. Негадир шу қизни ўйлагиси келаверади, уни эсга олса юраги ҳаққиради. Номозшомда дарвозаси олдида, унинг сувга ёки бирор юмуш билан ташқарига чиқишини кутади.

Уруш бошланганига бир ярим йил бўлаётганида, кеч кузда қутилмаган воқеа юз берди.

Матлаб аканинг маъракалари ўтиб, у кўпчиликнинг ёдидан кўтарилма бошлаганда, қишлоқ остонасида бир оёғи тиззасидан кесилган, ўрнига учи ўткирроқ қилиб, тахтадан оёқ ўрнатилган, чўлоқ, озиб-тўзиган, эғни-боши унниққан, орқасига аскарлар юкхалтасини осган, қулоқчинини қаттиқ бостирган аскар пайдо бўлди. Ҳали қор ёғмаган, бироқ аёз жондан ўтади. Одамлар уй-уйларига бекинган, янгитдан очилган сандалларида, орқасини иссиққа бериб ётибди. Ҳали қиш бошлангани йўқ, бу кеч кузнинг аёзли ҳавоси. Одамлар совуққа кўникиб улгурмаган, шунингдек ҳали ёз бўйи тайёрланган ўтинлар, қуриган тезаклар оғилларда, сайисхоналарда, уйларнинг бурчакларида тоғдай уюлиб ётибди, бутун қиш мана шу бир-икки совуқ билан тугайдигандай, ўтин бемалол етиб ортадигандай, кўнгиллари тўқ, бемалол ёқмоқда. Чўлоқ аскар кўзда нам билан Самарқанд тарафдан келяпти, чарчагани билинади, қадам олиши ланж, боши эгилган, шинелининг елкалари осилган, қўли енглари ичидан кўринмайди, этаклари шамолда юришга халақит бериб ҳилпирайди. Тахта оёғига ҳали кўникмаган чамаси, тез-тез тўқишади.

Кеч кириб келмоқда, қишлоққа яқинлашган сари димоққа тезакнинг ачқимтир дуди уради, кимдир сариёғда нимадир пишираяптими, унинг ширин ҳиди келди. Аскар бир хўрсиниб, чуқур-чуқур нафас олди. У қишлоққа ғарб тарафдан кириб келаётган эди, жарлиқдан ўтиб, чеккадаги тепалик олдида турган харсанг тошга ўтирди, ҳассасини ёнига ташлаб, кизарган кафтини ишқалади, ҳали ёғингарчилик бошланмаган, аччиқ шамол чанг-чунгни тўзитиб учиради, қачонлардир равза бўлган, энди тақир далага айланган кенгликларда қуриган туяқоринларни думалатиб юради. Чанглар аскарнинг юзига ёпишиб ғашини келтириб, кўзига кириб ёшлантиради, бироқ унинг кўзлари

фақат чангдан ёшланаётгани йўқ – у бу кунларга етганидан, яна қайтиб ўз қишлоғини кўраётганидан хурсанд. Мана шундай — қадрдон қишлоғи остонасида турганига ишонмаяпти. У бу ердан чиқиб кетаётганида, илк бор жангга кирганида ва оғир яраланиб, ўлим билан олишиб ётганида энди бу юртларни қайтиб кўрмасам керак, танам шу бегона юртларда қолади, деб ўйлаган, бунга қаттиқ ишониб қолган, кафансиз кетишдан кўрққан эди. Даволанаётганида қишлоғининг ҳар бир хор-у хасини бирма-бир эслашга ҳаракат қилар, ҳар бир кишини кўз олдидан ўтказишга уринар эди. Агар кимнидир, бир-икки кун ичида эсламас-ю, кейинроқ ёдига тушса, кўп йиллардан буён кўрмаган қадрдон танишини учратгандай, севинар эди. Ўша одамнинг гап-сўзлари, қилиқларини ёдлаб тиржайиб кўяди, мабодо эсон-омон қишлоққа қайтиб борсам, бировнинг дилига озор етказмайман, деб неча-неча бор ўзига сўз берди, ўзича қасам ичди.

Аччиқ шамол аскарлик кийимларидан тешиб ўтаётгандай, баданини жунжиктирмоқда, бироқ у бунга парво қилмайди. Шунчалар узоқ ва орзиқиб қутилган онларидан арзимаган совуқ чалғитишини истамайди. Узун енгидан кўлини чиқариб, кўзидаги ёшни артиб, қишлоққа суқ билан термилди, ҳаво етмаётгандай ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди, ёғоч оёғини тўғрилаб; ўрnidан турди ва оқсоқланиб қишлоқ томон юрди.

Мана ўша пастаккина, лойсувоқ, мўриларидан тутун бурқсиган томлар, ҳовлиларнинг тепасига янтоқми, шувоқми босилган, ёмғир ва қор таъсиридан емирилиб ғариб-лашган пахса деворлари, улар ортидан бўй кўрсатган шохлари тарвақайлаган, сўнгги сарғайган баргларини шамоллар тортқилаётган дарахтлар! Мана ўша хазонлар тўзгиган чанг кўчалар... Ўтган вақт давомида қишлоқ янада ғариблашибди, бироқ ҳиди ўша-ўша, шамоли, чанг-тўзони ўзгармабди.

Аскарнинг кўнглида болалик хотиралари, туйғулари уйғонди, ширин энтиқди. Бундай ҳавода сандалга кириб ташқарида ҳувиллаётган шамолга қулоқ солишни ёқтирарди, молларга қарашга эриниб, ака-укалар уришишар, отасининг даккисини эшитиб сўнг эғнига чопонни илиб, ташқарига чиқишар эди... Болалик мана шундай ажойиб эди ва қайтмас бўлиб ўтди...

Бу аскар Манноп эди, ўша, одамлар ўлдига чиқарган, оғир яраланиб, бир оёғини кестириб яроқсиз бўлиб ортга қайтган Манноп. У бошидан оғир кунларни ўтказгани

афт-ангоридан билинади — илгари тўла бўлган юзи чўзилгандай, ияк суяклари бўртган, кўзлари ичкарига тортган, қалин, қора қошлари суякка ёпиштириб қўйилганга ўхшайди, юзи ориқлаб, чеккадан қараганга бурундангина иборатдай кўринади, озиб-тўзиган, яхшиям эгнида шалвираган шинели бор, акс ҳолда бир тутамгина бўлиб қоларди. Илгари қорачадан келган териси Россия ҳавосида ва касаллик таъсирида оқарган, заҳиллашган, уйга озиб-тўзиб кириб боришга орланиб, эрталаб Самарқанд шаҳрида ярим буханка нонга соч-соқолини қирдиртирган, бироқ бу унга ҳусн бағишлагани йўқ, ҳар ҳолда бироз одам-башара бўлган. Дўмбоққина, кўркам, қорувли йигитдан қолгани шу.

Кун бўйи пиёда юрганидан оёқлари зирқираб оғриydi, айниқса кесиб ташланган, тахтага тегиб турган жойи ачишиб азоб бераяпти, зада еган бўлса керак. Ўртасига юмшоқ мато қўйилган-ку, бироқ барибир узоқ йўлга чидаш қийин, ёғоч оёқ тош-кесакка тегиб тўқиллайвериб, бошини чайқатиб ташлади, гувиллаб, оғирлашиб бормоқда.

Манноп қишлоққа мана шундай кириб келди.

У ҳали уйда ўзини нималар кутаётганини билмайди.

Кўш табақали, нақш ўйилган, ёмғир, қор ва қуёш таъсирида ранги ўчган тахта дарвоза ёпиқ, каттикроқ итарган эди, зулфини шарақлади-ю очилмади. Ҳассаси билан тақиллатди, ичкаридан итнинг бўғиқ овози эшитилди.

«Ҳалиям бор экан», деб ўйлади у ва кўнглини босиб турган хавотир, нобоп хаёллар тумандай тарқалди. Негадир у шундай хулосага келди, ўша қадрдон қари итки юрган экан, демак ҳаммаси ўша-ўша, ҳеч нарса ўзгармаган, хавотир оладиган ҳеч нарса юз бергани йўқ.

Ичкаридан жавоб бўлмади, тезда ит ҳам ҳуришни бас қилди. Маннопнинг юраги дупурлаб, уни қандай кутиб олишларини ўйлаб, юраги орзиқди. Дарвозани тақиллатган билан барчалари уйда ўтирган бўлса, овозини эшитмайди, ердан каттароқ тош олиб, чамалаб даҳлизли уйнинг орқа деворига урди, азалдан шунақа одати бор, кечикиб келса бақириб, бутун гузарни бошига кўтармай деворга тош билан уриб, ичкаридагиларга хабар берарди.

Дарвоза зулфинининг шарақлагани эшитилганда, Маннопнинг юраги орзиқди, бу ўша — болалик хотираларини, ҳаётининг энг ширин дамларини эслатган эди. Беғубор болалигида эрталаблари молларини далага ҳайдаётганда дарвоза мана шундай шарақлаб очилар, оёғи увишган бузоқчалар шаталоқ отиб кўча бўйлаб чопар ва у ҳай-ҳайлаганча

ортдан югурар эди. Урушда юрганида негадир мана шу — дарвоза зулфинининг шарақлашини ҳеч эсламаган экан, барча-барчани хотирлашга ҳаракат қилибди-ю мана шундай ажойиб овозни ёдга олмабди, эслаб хўрсиниб қўймабди. Манноп бундан ажабланганча, дарвозага яқинлашди, ҳаяжондан ҳассада юришни унутиб қўйганга ўхшарди, уч бора нимагадир тўқишиб довдиради.

Дарвоза ғийқиллаб очилди-ю укаси, Замоннинг бироз дағаллашган овози эшитилди:

– Ким?!

Манноп шошиб, унга пешвоз чиқмоқчи эди, мункиб кетди. Ёғоч оёқда эпчил юришни ҳали ўзлаштириб улгурмаган. Ичкаридан Замоннинг боши кўринди ва у нимқоронғида ўзидан тўрт одим нарида аллақандай ҳарбий турганини илғаб юрагига кўрқув инди. Бўй етган ўғил болаларни, ёшини ҳам, исмини ҳам сўраб суриштирмай, урушга олиш авжига чиққан маҳал... Шундан бу йигитча энди ўн беш ёшга кираётганига қарамай хавотирланди. Аслида кўнглининг бурчак-бурчагидаги номаълум туйғулар уни урушга кетишга ундайди, болаликнинг беўй туйғулари унга ўша ёқларда сирли ва жозибали саргузаштларни ваъда қилади, урушга борса, акасидан дарак топишини хаёл қилди. Бироқ у ёқдан қайтишмаётганини ўйлаб кўрқади. Мурғак кўнглида ўйфонган қизиқишдан ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати устунлик қилади.

– Мен! – деди Манноп унга яқинлашар экан, укасининг овози ўзгариб, дағаллашиб, бегоналашганидан ҳайрон. – Замон, мен қайтиб келдим!!

Замон акасининг овозини эшитиб сесканди, довдираганидан бу ўнгими, тушими эканини тушунмай бироз анқайиб, қотиб турди. Акаси шошиб, қўлидаги ҳассасини қайгадир тушириб, қучоғини кенг очганча унга яқинлашди.

– Мен тирикман, Замон! – деди у кўзларига ёш олиб. – Қайтиб келдим!

– Ака!!! – Замоннинг бўғзидан мана шу сўзлар отилиб чиқди ва уни маҳкам бағрига олди ва йиғлаб юборди.

У урушдан бурун Маннопни «сен» дер, исмини айтиб чақирар эди. Ҳозир хаёлини банд қилган асосий ўй негадир акасини қандай аташ масаласи бўлди. Қаршисида турган аскар кийимидаги, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган инсонни «сен» деб бўлмабди. У урушда чоғида қанчалар соғинган, неча минглаб бора иккаласи уришганларини, уни хафа қилганини эслаб, пушаймонлар қилган, худога ёлвориб, «акам тирик қайтса, ҳеч қачон уришмайман, ҳеч қачон кўнглини

қолдирмайман», деб ўзига сўз берган эди. Мана, акаси қаршисида. Энди уни қандай аташ масаласи муаммо. «Ака» дейиш кераклигини билади, бироқ тил ўрганмаган-да. Уялади. Ҳозир ҳам дағал ва ўхшамайроқ чиқди.

Иккаласи узоқ вақт қучоқлашиб турди.

– Юринг, ичкарига қирамиз, бу ерда нима қилиб туриб-миз?! – Ниҳоят Замон уни ичкарига етаклади.

– Ҳозир, шошмай тур, – деди Манноп ва орқага қайтиб лапанлаганча ерни ёғоч оёғи билан пайпаслаб, ҳассасини қидирди. Замон эса унга қарамай, ичкарига югуриб кириб кетди.

Бир зумда ҳовлида қий-чув кўтарилди, бирин-кетин болалар, қиз-жувонлар чопиб чиқди, кимдир ҳали Манноп билан кўришмай турибоқ уввос солиб йиғлаб юборди. Манноп бунини тушунмади ва амаллаб топган ҳассасини сиққанча, югуриб келаётган укалари, қариндошлари билан кўришди, у кимдир кўтариб олган хира фонус ёруғида онаси ва сингилларининг уст-бошига қараб ҳайрон бўлди — барчаси кўк кийган. У йиғининг маънисини тушунмади, лекин кўнглининг туб-тубидан бир нарса «чирт» этиб узилгандай бўлди, нимадир бўлган, кимдир... лекин ким?!

– Отам қани? – сўради у бир-икки марта кўришаётганларидан, лекин ҳеч ким унинг саволига жавоб бермади, эшитмаганга олди.

Наҳотки?!

Маннопнинг кўнглидан даҳшатли фикр ўтди.

Бироқ барибир бир нарса дейиш қийин.

– Отам қани? – сўради ниҳоят у бир чеккада, булар «томча» деб атовчи ошхонанинг эшигига суяниб турган кенжа укаси, тўрт ёшлик Рустамдан.

– Отам кетди... – деди у кўзларини аланг-жаланг қилиб.

– Отамни қўйиб келдик.

– Қайга?!

– Мозорга!

Манноп ўзини йўқотди, боши гангиб пиқиллаб йиғлаб юборди, шунчадан буён кутилган, энг бахтли онлари бўлишини орзу қилган дамлар азага айланган эди. Оёқ-қўллари бўшашиб, супанинг четига ўтирди ва қўлларини юзига босганча ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади.

Ойсара момо Нисо билан бўлган воқеалардан кейин келинларига ҳушёр, Нормурод улар билан тез-тез Ургутга боришини хушламади ва зўрлаб, Фолиб тузалар-тузалмас

Ризвонни уйга олиб кетди. Албатта, у Нормуроддан шубха қилгани йўқ, бироқ эл ўртасида миш-миш чиқишидан чўчиди, ҳозир ҳар қандай майда гап ҳам аланга олиб кетиши мумкин.

Нормуроднинг кўнглида ғайирлиги йўқ. У Ризвоннинг гўзал эканини кўрган, биров ҳайратланган ва шундан бошқа ҳеч нарсани хаёлига келтирмаган. Бироқ Ризвон Нормуродни кўрса, тиззаси қалтирайди. Умуман, ҳар қандай эркак унга жозибали ва ўзгача бўлиб туюлаётган эди.

Нормурод ҳали гўдак, унинг кўнглида болалик ва ўсмирлик туйғулари ўртасидаги кураш энди-энди бошланаётган, бу туйғулар унинг кўнглида бир-бирига чоғиштирилган иссиқ ва совуқ сув каби сезилмасдан, элас-элас кўзга ташланадиган бир тарзда курашиб, ўзаро бир-бирига киришиб бормоқда эди. Нормурод энг нозик ва сирли даврни бошдан кечирмоқда. У ҳали катта ҳаётнинг ғам-қайғулари, ҳис-ҳаяжонлари, туйғуларини англаб етмайди, бироқ улар кўнглининг тубида уйғониб, кадрдон ҳисларини безовта қилиб бормоқда.

Нормурод ҳали муҳаббат нималигини тушуниб етгани йўқ, лекин кўнглида ширин энтиқишлар пайдо бўлганки, бундан гоҳида ўзини кўярга жой тополмайди.

У ҳали инсон ҳаёти нима билан яқун топишини ҳам билмайди, болалик туйғулари билан буни элас-элас фаҳмлайди, бироқ буларнинг барчаси ўзига келиб барҳам топишига умид қилади, барча болалар каби, олам фақат унинг атрофида айланишига ишонади ва ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини ҳис қилиб яшайди. Бошқалар мазор ҳақида гапирса, у ҳеч нарсани тушунмайди, мазор унинг учун даҳшатли, совуқ ва узоқ бир макон. Назарида, бу жойга ҳеч қачон иши тушмайди.

Нормурод барча болалар каби шундай ўй билан яшайди. Бироқ ўсмирлик бўй кўрсатиб, бу хулосаларига путур етади. Орадан анча вақт ўтиб улғаяди ва болалик фикрлари кўнглини тарк этади, муҳаббатни тушунади, ўзини ер юзида тирикчилик қилиб юрган миллиард одамларнинг бири эканини, унинг учун алоҳида ҳеч қандай мўъжиза содир бўлмаслиги, ўзи дунё марказида турмаслиги, олам ҳам унингсиз-да айланаверишини англайди. Бора-бора яқин қариндошлари бирин-кетин қабристонга ўтавергач, ундан сесканмай кўяди, охир-оқибатда эса энг кадрдон гўшасига айланади. Бироқ буларнинг барчаси кейинроқ бўлади, ҳозир эса содда болалик туйғулари гирдобида катта ҳаётнинг қаҳри қаттиқ ва шафқатсиз қонунлари билан тўқнаш келиб, дилида кичик туғёнлар кечмоқда, холос.

Нормуроднинг эрта баҳорда ер ҳайдаш учун чўлга чиқиши жиддий ўзгариш даври бўлди. Отаси, кейинроқ онасининг ёнида юрган ўспирин, меҳрга кўниккан бола баногоҳ уларнинг меҳри ва ҳимоясидан маҳрум бўлиб довдиради. Оғир ботгани — ҳеч кимнинг ўзига имдод бермаслиги, ёнини олмаслиги. Ахир шу маҳалгача ота-онаси қарамоғида яшадди, нима қилганда ҳам улар фарзандларини авайлашар эди, энди эса ўзидан бошқа ҳеч ким уни ўйламайди, ғамхўрлик қилмайди. Асосийси, бировнинг ғамхўрлиги эмас, йўқ, балки нима яхши-ю нима ёмон эканини фақат ўзи белгилаши. Жонини таваккалга қўйса ҳам ҳеч ким, «шу ишни қилма», демаслиги.

У отасини кўп соғинади, бироқ бировга билдирмайди, уялади. Рўзгорнинг бутун ташвиши бошига тушган, қишнинг қаҳратон соғуғида Ургутга олиб бориб, сотиш ёки нонга мовоза қилиш учун дала-даштларга шох-шаббага боради. Совуқ жон-жонидан ўтади. Оёғида отасидан қолган эски этик, унинг ҳам кўнжини пастки қисми, бир-бирига ишқаланавериб тешилган, товони едирилган. Эшагига миниб, дасткаллани белидаги бекасам чопонининг устидан маҳкам боғланган белбоққа қистириб, дала-даштларда лой кечиб ўтин қилади, дарахтларнинг нам новдаларини-да қиркиб келаверади. Бу ерларнинг тупроғи сариқ ва ёмғирда шилимшиқ лойга айланади, қуриши қийин. Ўзидан-да азиз билган этигига килолаб лой ёпишади, аёзли совуқдан қўллари тарашадек қотиб, ачийди, минглаб игналар санчилгандай бўлади. Кўзларига ёш келади, ҳаётнинг бунчалар шафқатсизлигидан нолийди, бироқ дардини эшитадиган одам йўқ.

Шуниси етмагандай, кеч кўзда ҳукумат одамлари келиб уруш учун, деб уйдаги ғалла, майиз ва туршакнинг маълум миқдорини тортиб олган эди. Қишнинг ўртасига бориб, оила олдида очлик масаласи кўндаланг бўлди. Онаси бор ғаллани тежаб ишлатишга ҳаракат қилади, бироқ таги кам бўлгач, тежагани қайга борарди.

Ҳаёт давом этаверади, шундай оғир кунларнинг бирида Раззоқ ака тўнғич ўғли Пўлатни уйлантириш тадоригига тушди. Замон таҳликалари одамларни саросимага солган, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Раззоқ ака эски дўсти Мурод акани кўндириб тўнғич қизини келин қиладиган бўлди. Мурод аканинг қизи Насима гўзал қиз, қорачадан келган. Куёвдан бир ёш кичик, ўн еттига кираяпти. Раззоқ аканинг чўчигани, фарзандини урушга олмасларидан бурун уйлантириб, неvara кўриш.

Аввалига Мурод ака рўйхушлик бермовди, эртага нима иш бўлишини ҳеч ким билмайди, тўйга нима бор экан? Раззоқ ака қатъий, жўрасини тинч қўймади, алдади, авради, қизини чиқаришга кўндирди.

Хуллас, тўй тайёргарлиги бошланган.

Нормурод бир ҳафта Раззоқ аканинг уйида бўлди. Кечаси ётиб қолмади, холос. Вақтини тўй ташвишларига бағишлади. Ўтин қилди, қозон келтирди, ўчоқ қавлади, ҳовлини йиғиштиришда кўмаклашди. Буларни қониқиш билан бажарди. Борган сари кўзига Нигора ўт-олов бўлиб кўринмоқда. Бу нима эканини охиригача тушунмайди, қиздан нима истагини ҳам билмайди, бироқ кўргиси келади. Кечаси иссиққина жойга кириб кўрпага бурканиб, қизни ўйлаб уйкуга кетар экан, булар хаёлида ширин эртақдай туюлади. Ҳаётдан чексиз завқ олади ва бошига тушаётган юзлаб ташвишларни унутлади. Эртасига кун бўйи қачон кеч кириши, яна шундай хаёл билан ухлаб қолишни ўйлаб, антикиб юради.

Бироқ Нигора тушига кирмайди. Қанча истамасин, бундай бўлмайди. Бор-йўғи уни бир марта тушида кўрган, холос. Ушанда, чўғ сўраб юрган куни кечаси эди.

Ҳамма ёқ ёп-ёруғ эмиш, Нормурод Нигора қаршисида жим турибди, у эса тинимсиз кулади, кулаверади — шу. Бу тушдан кейин қўшни қизга муносабати ўзгарди. Кўзига оловдай кўринди, шу пайтга қадар қизга бошқача қараган экан... Бирин-кетин ёшлиги, мактабга борганларида ҳали бир қаричгина қизалоқ, акасига эргашгандай унинг ортдан юрганлари ёдига тушди, кўча-кўйларда олдида чопқиллаб келиб, ҳар хил саволларга тутишларини, томни сувоқ қилиш учун ҳашарга айтганларида, Нигора билан унинг қўлига узун чўп бериб, иккаласига битта лой челақ кўтартиришганида, қиз имкон қадар оғир челақни ўзи томонга тортиб олиши, онасига бориб Нормуродни кўп ишлатмасликни сўраганларини эслади. Булар илгарилари Нормурод учун эътиборсиз нарсалар эди, моҳиятини тушунмасди. Ўйлардики, ҳаммаси мана шундай бўлиши керак. Нигоранинг меҳрибончилигини шундай бўлиши шарт, деб қабул қилган. Энди эса шулар учун қизни ёқтириб қолди. Чунки аслида бунақа бўлмаслиги ҳам мумкин экан. Лекин бу ёқтириш ҳали нималигини билмайди, бу кўпроқ аканинг сингил олдидаги масъулиятига ўхшайди. У негадир шу қизни барчадан ҳимоялашни, унга меҳр кўрсатишни, яхшилиқ қилишни истайди. Шу, холос.

Тўй баҳонаси билан Раззоқ аканинг уйида бўлганида Нигорага кўникиб улгурди ва уни кўрмаса туролмайдиган даражагача келди.

Тўй жўнатиладиган кун ҳаво совуқ эди. Хизматда юрган Нормуродга ўчоққа ўтин ёқиш ва самоварга қараш тегди. У ўзи у ёқ-бу ёқдан териб келган ўтинларни ёқиб, ошпазга қарашди, чой қайнатди.

Нигора ҳам бу ерга тез-тез келиб, пиёла, коса-товоқларни ювар, сандалга чўғ олар эди.

– Нормурод, чой дамлаб бер, – деди у бир сафар иккита жўмраги чегаланган чойнакни келтириб. – Ўзим жўмракни очолмайман, иссиқ, қўлим куяди.

Нормурод шошиб унинг қўлидан чойнакларни олиб, бирига самовардан қайноқ сув қуйди ва дастасини Нигорага қаратганча, ўнг қўли кафтини устига қўйиб узатди.

– Бунақа ишларни менга айтавер, – деди.

– Эй, нима қилаяпсан, қўлинг куяди, – Нигора рост-камига кўрқди ва шошиб чойнакни олди. – Яхшиси хонтахтанинг устига қўй, ўзим оламан.

Самовар билан қозоннинг ўртасига эскирок, оёғи қий-шайган хонтахта қўйилган, устига қуруқ чой, чойнак ва лаганлар терилган. Аслида катта қозон, сал нарида, йўнғич-қапоянинг ўртасида ер ўйиб қўйилган, бугун кам одам йиғилгани боис ош тандир бошидаги ўчоқда қилиняпти. Ошпаз Қурбон бова. Бу одам тўйларнинг катта ошларини дамлаб ўрганган-ку, бугун шунчаки, чигил ёзди учун қақиришган. Кичик қозончада эрмак учун ош пиширяпти. Бунақа ишлар унга чўт эмаслиги учун Нормуродга оловни қандай ёқиш ва нималар қилишни тушунтириб кўндаланг уйга, тўрт-беш эрмак йиғилган хонага кетган. У ёқда гурунг қизияпти чамаси, ҳар-ҳар замонда уйни бошларига кўтариб гуриллаб кулишмоқда.

– Кўрқма, куймайди. Қўлимни совуқ олиб қотиб, тараша бўлиб кетган, унча-мунча иссиғам, совуғам таъсир қилмайди. – Нормурод киз олдида мақтангиси келди.

– Айтиб бўладими, кафтинг чойнакка ёпишиб қолса, менга даъво қилиб юрасан, қўлимни куйдирди деб.

Нормурод унинг гапларига эътибор бермади, ҳозир қулогига гап кирадиган ҳолда эмас. Синчиклаб разм солса Нигора унча чиройли киз эмас. Ориққина, қол-қора юзларининг бир-икки ерига қизилча тошгандай, ранги сал униққанга ўхшайди, бўй қизлардаги жозиба йўқ. Барибир нигоҳларида, сўзларида аллақандай, тушуниб бўлмас ибо, ҳаёга ўхшаш оҳанрабоси борки, Нормуродни ўзига тортади.

– Йўқ ердан янғалик ҳам бўлдинг, – деди Нормурод миясига биринчи келган гапни тилига чиқариб. – Ана энди бемалол юраверасан, рўзғор ишларини келиннинг ўзи қилади.

– Маза бўлади, янгам билан бирга сувга чиқамиз, кашта тикамиз, – Нигора ширин орзулар қўйнига шўнғиди. – Энди ҳеч қачон зерикмайман, бирга гаплашиб юраверамиз.

– Келин бўлганингча-да, ундан кейин ўзинг бошқа бировнинг уйида йиғлаб, барча ишларни қилиб юрасан.

– Вой, эсингни еганмисан ўзи, мен келин бўлмайман! – Нигоранинг кўзлари катта-катта бўлди.

– Қари қиз бўлиб ўтираверасанми?

– Билмасам, лекин ҳеч қачон эрга тегмайман. Ўғил болаларни ёқтирмайман, – Нигора ўзича ноз қилган бўлди.

– Биз сенга нима ёмонлик қилдик? – Нормурод иккинчи чойнакни ҳам дамлаб, Нигорага қараб қолди.

– Мен сени айтмаяпман-ку...

– Кимни айтаяпсан бўлмаса? Мен ҳам шуларнинг биттасиман-да ёки мени қизлар сафига қўшиб қўйганмисан?

– Эй, бор-э, сенга бир гални айтиб, қочиш керак.

Уй эшигини очиб, бир аёл бақирди:

– Хой, Нигор, қай гўрга йўқолдинг? Талқон еб, сувга юбориш керак экан-ку сени.

– Тезроқ бор, холаларинг тиқилганга ўхшайди, – Нормурод бу сафар чойнакни хонтахтанинг устига қўйди, улар гаплашиб турганда чойнакка иссиқ ўтиб кетибди, бояғидай олифталик қилиб кафтида тутиб туролмади. – Эҳтиёт бўл, иссиқ.

Шу куни қанчалар орзу қилган бўлмасин, Нормуродга маза қилиб палов ейиш насиб этмади, Раззоқ ака қузалган соқолини силаб, тўйни ортиб бориш учун аравани қўшиб келишни тайинлади. Нормурод оёғини қўлига олиб уйларига чопди. Эшакнинг эгар-у бўйинсаларини топиб, аравага қўшиб келгунча палов сузилиб еб бўлинган экан. Нормуроднинг ўзидан ўтди, аравани қўшиб келиб, уятчан эмасми, ичкарига таклиф қилишларини кутиб, кўчада тураверди. Одамлар овқат билан банд, уни ҳеч ким кўрмади, эсига ҳам олмади.

У бу ерда ортиқчалигини англаб, нима қиларини билмай жаҳлдан бурнини тишлашга тайёр турганда, челак кўтариб Нигора чиқди.

– Ҳа, нимага бу ерда турибсан, ичкарига кирмайсанми? Овқатланиб ол.

– Йўқ, қорним тўқ, – Нормурод эркинроқ гапирмоқчи бўлган эди-ю бўлмади, аразлагани сезилди. Бундан ташқари қуруқшаган лаби, гезарган юзи унинг оч эканини кўрсатарди.

– Ёлғон гапирмасанг-чи, хир ичкарига.

Нормуроднинг уйга кириш нияти бор эди-ку, бироқ ғурури йўл қўймади. Бир ёш қизнинг гапи билан унинг олдига тушиб кетаверишни ўзига ор билди.

– Сен кириб, арава келипти экан, деб қўй. Мен шу ерда кутиб турман, – Нормурод эшақда ўтирганича, қимирлаб ҳам қўймади.

– Кетиб қолма, мен ҳозир келаман.

Нигора зипиллаб уйга югуриб кирди.

– Ош қолмабди, еб қўйишибди, очофатлар, – орадан озроқ вақт ўтиб бошини эгиб, қўлида яримта жайдари нон, унинг устида озроқ майиз ва тўрт-беш дона парварда билан чиқиб келди. – Мана шуни еб қўя қол. Ошга қарз бўлдим, кейинроқ ўзим пишириб бераман.

– Эсинг борми сени. Буни нима қиламан? – Нормурод ажабланди. – Қайга қўяман? Қудаларникига нон чайнаб бораманми?

– Қўлимни қайтарма, – Нигора норози бўлди.

– Уяламан, ҳозир бошқалар чиқиб қолса, мени кавшаниб турганимни кўриб кулади.

Нормурод ҳақиқатан ҳам қизнинг қўлидан буларни олишга уялди, чунки қўядиган жой йўқ. Қизнинг юзидан хафа бўлаётганини пайқади. Ранжиткиси келмади ва нонни олиб кичикроқ парча синдирди, қолганини эҳтиёткорлик билан қизга тутқазди:

– Олиб қўй, қайтишда оламан.

– Алдайсан.

– Ўлай агар оламан. Нима мени шунчалар нонемас, деб ўйлаяпсанми? Ўзим парвардани ёқтираман.

Нормурод қорни тўйганидан хурсанд, тўйни ортиб Мурод аканикига жўнади.

Орқага қайтганида, уйга кирмаслигини билгани учун Нигора кўчага чиқиб кутиб турган экан. Узоқдан қораси кўриниши билан чопқиллаб уйларига кирди ва қўлида кичкинагина тугунчани кўтариб чиқди.

– Мана, бу сенга.

– Керак эмас эди... – Нормурод қизнинг қўлидаги тугунчани олди.

Бу гирдига тўр тўқилган атлас дастрўмолча бўлиб, ичига майиз ва парварда солиниб, учма-уч қилиб тугилган эди. Нормурод рўмолчанинг оҳорлигини пайқади, ширин ва ёқимли ҳид уфураяпти. Сандиқдан олган бўлса керак.

– Мен ҳозир, чопонимнинг ўнгирига тўкиб, рўмолчангни қайтариб бераман.

– Керак эмас, бу сенга совға. Тўйга қилаётган хизматларинг учун. Ўзим бўлмасам, ҳеч ким сени ўйламайдиганга ўхшайди. Тўғрими? – Нигора кулди.

– Тўғри, тўғри... – Нормурод каловланди. Ҳали ҳеч ким унга бирор нарса совға қилгани йўқ. Кўнгли тўлқинланди, бироқ билдирмаслик учун ҳазил қилди. – Лекин бекорга овора бўлдинг. Тўй сандигида битта рўмолча қамайди, куёв жўраларининг бирортасига етмай қолади.

– Ўзидан кўрсин-да, менга нима, – Нигора яна кулди.

Нормурод ҳазилидан кейин қиз «Шунақа гапларни айтма-да», деб уялиб кетиб қолади, деб ўйлаган эди, бу тарзда жавоб қайтаришидан ҳайрон бўлди, нима деб гапиришни билмай, эшагини ниқтади:

– Майли, мен бораё. Аравани уйга ташлаб, бирор иш бўлса, чиқарман... Рўмолча учун раҳмат.

Нормурод кетди, Нигора эса кўча ўртасида хаёл суриб қолаверди. У ҳам қалбида улкан ўзгаришлар даврини бошдан кечираётган эди.

Воқеанинг қизиғи пешиндан кейин бўлди.

Нормурод уйда ётиб ширин хаёллар сураётганда, қўшни уйда қий-чув кўтарилди. У шошиб кўчага отилди. Раззоқ аканинг ҳовлисида одам кўплигини, бир-икки шапкачилар ҳам борлигини кўрди ва хаёли қочди. Аввалига булар тўйга келгандир-да, деб ўзини алдамоқчи бўлди, бироқ бу қишлоққа яқин ўртада шапкачилар тўйга келмагани, Раззоқ аканинг ҳам, Мурод аканинг ҳам ҳарбийлардан таниш-билиши йўқлиги ёдига тушиб, фикридан воз кечди.

Шошиб қўшнининг уйи ёнига келганида, шу томонга қишлоқнинг барча аҳолиси — ёшу-қариси оқиб келаётган эди. Одамларнинг гап-сўзларидан англадики, ҳарбийлар Пўлатни урушга олиб кетиш учун келган.

Ёшларни тўсатдан босиб, урушга олиш одат бўлган, чунки урушга боришни истамайдиган, қочишга ҳаракат қилувчилар кўпайган эди. Аҳоли эса бундай ҳарбийларни «овчилар» деб атади. Улар қутилмаганда пайдо бўлиб қолар, буй етган ўсмирлар, қочиб юрган эркакларни сўрамай, изламай, урушга жўнатиб юборишар эди. Кимдир ҳарбийларга қишлоқлардаги аҳвол, ёши етиб қолаётган йигитлар тўғрисида аниқ маълумот бериб туради, чамаси. Чунки улар адашмай, суринмай, шундайларнинг уйини топиб келар эди. Пўлатни ҳам шундайлардан бири сотган бўлса керак.

– Икки кунга рухсат беринглар, – Раззоқ ака тушкун кайфиятда эди. – Индинга тўй қилаётган эдим, шуни ўтказди-ю жўнайди.

– Ҳозир кимнинг кўнглига тўй сиғар экан, вақтини топиб-сиз ўзиям. – Ҳарбийлар уч нафар экан. Уларнинг баланд

бўйли, башараси қоп-қора ва чўтир, шоп мўйловлиси дағал овозда ўдағайлаб гапирди. – Урушдан келиб уйланади. Бизга план тушган, зудлик билан ўглингизни юбормасак бўлмайди.

– Бўлмаса шуни олдинроқ огоҳлантириб қўймайсизларми? – Раззоқ ака нима қиларини билмади.

– Неча марта огоҳлантириш керак? – ҳалиги паст тушмоқчи эмас. – Умуман, яхшилиқни билсанглар экан, олдиндан огоҳлантирсак, тоққа қочиб кетишаяпти... Юрибмиз сарсон тоғма-тоғ ошиб. Аҳмоқ, давлатдан қочиб бўлар эканми?

Тезда Мурод ака ҳам етиб келди ва нима дейишини билмай, у ёқдан бу ёққа ўтиб турди. Айтган гапи битта бўлди:

– Ие, ие, энди бу ёғи нима бўлади?!

Бироқ ҳукуматга қарши бориб бўлмайди, шу куни Пўлатни олиб кетдилар.

Уни бутун қишлоқ кузатгани чиқди, ҳамма бир-бир кучоқлашиб хайрлашди, Нормурод ҳам уни бағрига қаттиқ босди. Иккаласи сўзсиз бир-бирини кучиб турди.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, жўра, – деди у шивирлаб. – Шундай зўр, неча йилдан буён орзиқиб кутган вақт етиб келганида урушга олишадими?! Омадим чопмади, жўра... Майли, ўзинг янганга қараб юр, битта-яримтаси кўз олайтирмасин, бежо қадам босса, «Акамга айтиб берман», деб тартибга чақириб тур, хўпми? Ишонганим сен...

Негадир Нормуроднинг кўзларига тилтиллаб ёш келди ва юраги тўлқинланди, йиғлаб юборишдан ўзини зўрга тийди.

Бир соат нари-берисида қишлоқдаги байрамона кайфият азага айланди, бироқ машина ишга туширилган ва уни тўхтатиш қийин: одамлар тўйга айтилган, тўй юборилган, уни орқага қайтариб бўлмайди.

Қишлоқ кексалари маслаҳат қилиб, келинни тушириб олаверишга келишди. Кўпни кўрганларнинг айтишича, эскилар ўзи бўлмаса ҳам йигитнинг пичоғига никоҳ ўқитишган экан. Шунга келишилди.

Орадан бир кун ўтиб тўй бўлди, фақат куёвсиз. Никоҳ Пўлатнинг пичоғига ўқитилди.

Баҳорга чиқиб, қишлоқда эркак деярли қолмади. Кеч кузақда, Манноп бир оёғини йўқотиб урушдан қайтгач, орадан кўп ўтмай қишлоқ кексалари сафига кирган, ёши қирқдан ошган Раззоқ ва Мурод акаларни ҳам олишди. Булар соқол қўйиб, салла ўраб, ёшларга насиҳат бериш

йўлига ўтиб олган, тўй-маъракаларда кексалар қаторида ўтиришар, фотиҳа тўйларидан иккита нон ва рўмолча билан қайтишаётган эди — фойда бермади. Олиб кетишди.

Кўпчилик улар урушга олинмаслигига ишонган. Бу борада Раззоқ аканинг ўзи ҳам кулиб, «Биз қарияларнинг урушда кимга керагимиз бор, ёш борса ишга, қари борса ошга, деганларидай у ёқда нонга шерик бўлиб юрамизми», деганга ўхшаш гап қилиб юрган эди, бир кун «Ол қулим», дегандай чақириқ қоғози келди. Раззоқ аканинг ичида бир нарса узилгандай бўлди. Шу кундан ўзини қўярга жой тополмай, ўлими яқинлашган қария каби кўрган, учраган билан ҳазин мавзуларда суҳбатлар қуриб, имкон қадар билдирмай, рози-ризолик сўраб юрди. Бировнинг дилига озор бермаган, бировга бир оғиз ёмон гапирмаган инсон урушда нима қилади? Қандай қилиб тирик одамларни ўлдиради, қандай қўли боради? Одамни ўлдириб қўйса, кейин қандай яшайди, унинг арвоҳи бир умр таъқиб қилмайдими?

Айримлар унга чакмонини олиб тоққа қочишни маслаҳат солди, ҳар ҳолда яшаш шоҳона бўлмаса-да, бегона юртларда жон таслим қилгандан кўра, тоғда оч-наҳор юрган афзал. Бироқ Раззоқ ака бундайлар тоифасидан эмас, у нафақат одамлар билан, балки давлат билан ҳам ўйнашишни ёқтирмайди, одамларни-ку бир амаллаб алдаса бўлади, лекин давлатни алдаб, ундан қутилиб кетиш мумкинми? Қамоқда чиритиб юборади-ку!

Шу ўйлар билан тақдирга тан бермоқчи бўлди, ўлиги бегона юртларда қолишига ишониб, қишлоқ аҳли билан қаттиқ хайрлашди, кўпчилигидан кечирим сўради. У ҳайрон, ўзидай ёши ўтган одам урушда нима иш қилади? Тўғри бориб, немисга нишон бўлишдан бошқа нарсага ярамаса керак.

Қишлоқдан чиқиб борар экан, Раззоқ орқадан уввос солиб йиғлаётган қишлоқ аҳлига қарай-қарай, тўлқинланди. У энди буларни қайтиб кўрмаслигини, шу заминга қайтиб қадам босмаслигини ҳис қилиб турарди. Ўғлидан бирорта хат олмай, бедаракликка маҳкум бўлиб бораётганидан кўнгли хуфтон. У ҳеч қачон қишлоқдан узоққа чиқмаган. Ҳар доим шу атрофда юраверган, хавф-хатарга бунчалар яқин келмаган. Уни оиласидан йироқда, бегона юртларда, номаълумлик бағрида йўқолиш чўчитаётган эди, лоақал ўғлининг тақдирини билолмай кетаётгани дард устига чипқон бўляпти.

– Мурод, – деди у ёнида кўзларига филтиллаб ёш қуйилиб кетиб бораётган ўртоғига. – Жўралардан Раим ўтган, Комил ўлиб эди, энди навбат бизга етганга ўхшайди. Лекин ҳар ҳолда биз ҳаётда анча-мунча нарсага эришдик, уйландик, бола-чақалик бўлдик, улар эса шу ҳолича, ҳур ўтди. Шунча ўзгаришларни кўрмади, бечоралар. Барибир одамнинг ўлгиси келмас экан-да, а?!

– Ҳали кўп яшаймиз, – деди Мурод нигоҳдарини яшириб. – Биз етиб боргунча уруш тугайди. Индамай қайтиб келаверамиз, мана кўрасан, эсон-омон қайтамиз.

– Айтганинг келсин! – деди Раззоқ ака унинг гапларига ишонмаса-да. – Қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади, дейишади. Эсингдами, босмачилар урушида қанча-қанча йигитлар, эркалар ўлиб, биз тирик қолганмиз. Бу урушда ҳам шундай бўлади, тўғрими? Лекин барибир Раим билан Комилга ачинаман, ёш ўтди бечоралар... Эсингдами ўзи улар?

– Онда-сонда эслаб қоламан... – Мурод ака тез-тез юрди. – Энди уларни ўйлаган билан нима барака топардинг? Олдиндагини кўравер, бир гап бўлар.

Раззоқ ака индамай унга эргашиб кетаверди.

Кейинчалик улардан хат келди, ёзларига қараганда улар ишчи батальонига тушибди, фронт ортида ҳар хил қурилишлар билан шуғулланишар экан.

– Ўзимам айтган эдим, бу қарияларни давлат нима қилар экан деб, – деди Манноп чўлоқ бу гапларни эшитганидан сўнг. – Жанг қилиш учун дот, дзотлар қўраётган бўлса керак. Раззоқ аканинг бир гапи бор эди, тўяни тўйга меҳмонга эмас, сув ташишга айтишади, деган. Ўзиям туянинг ҳолига тушиб ўтирибди.

...Баҳорда, аллақачон қуриб битган боғлар ўрнидаги, ҳатто дарахтларнинг кундалари ҳам кўчириб, қаҳратон қиш кунлари сандалга ёқиб солинган ерларда пахта экиш учун ер ҳайдашга ҳеч ким қолмагани маълум бўлди. Колхозда битта эски трактор бўлиб, кеча-кундуз ишлатилганда ҳам бутун далаларни ҳайдаб бўлмайди. Унинг ҳам соғ кунидан бузилгани кўпроқ. Бултур ҳайдовда иштирок этган Қосимлар, Пўлат ва шунга ўхшаш йигитлар аллақачон урушга кетган. Ёш болалар ва аёллар ҳам бу ишга сафарбар қилинди.

Адирдаги ерлар ҳайдалмасдан, кетмон билан чақалаб галла экилган. Ҳозир асосий муаммо қишлоқ этагидаги пахта экиладиган далаларда.

Манноп серғайрат чиқди, ликонглаб ер ҳайдайдиганларнинг бошига бориб, унга-бунга дўқ уриб ишни ташкиллаштириб

юрди. Аслида уни ҳеч ким бу ишга тайин қилмаган. Бироқ урушга бориб келган инсон сифатида жамиятнинг энг илғор фикрли кишиларидан бирига айланган ва даражаси энди қишлоққа раҳбарлик қилиш эканини ҳис қилаётган эди. Мана шундай йўл билан бирор лавозимни, аниқроғи бригадирликни эгаллаб олмақчи. Ота-бобоси оғзи катта инсонлардан бўлган, буям бировга иш буюришни ёқтиради ва буни маромига етказди. Шундай кунларнинг бирида, омоч ҳайдаётган болалар ва аёллар билан атала пишираётган ошлаз ўртасида зир югуриб юрганда, колхознинг раиси — Оқил ака исмли шоп мўйлдвали, қорни катта, оёғига хром этик кийган, даванг киши, қизил отда келди. Важоҳати жаҳонни бузади. Раис иш билан қизиқди, ҳайдалган ернинг миқдори ва сифати қониқарли эмаслигидан нолиди, бир-икки ўдағайлаган бўлди, унга ёққани, атрофида Манноп чўлоқнинг зир югургани бўлди. У ҳар икки гапнинг бирида «бажарамиз», «ҳал қиламиз» деб турар эди.

«Ҳарбийнинг таълимини олгани билиниб турибди, — деб ўйлади раис. — Гаплари аниқ, юлиб оладигандай, ортиқча ланжлик йўқ, раҳбарликни ҳам жойига қўяди. Мана шундай одамларни атрофимга йиғсам, хавотирсиз, ташвишсиз ишласам бўлади. Бир оёғи йўқ-ку, лекин ҳозир тўрт мучаси соғ эракки топиб бўлар эканми?»

Шу баҳона, Манноп чўлоқ бригадир бўлди.

Одамлар уни билмаган экан, бригадир бўлди-ю ўзгарди. Ҳокимият таъминоти, ўзини барчадан бир поғона юқорига олди, унча-мунча билан қўл учидаям сўрашмайдиган бўлди. Гаплашибми, пора берибми, колхознинг мол фермасидан битта ориқроқ от олиб минди, аскар кийимларини тоза ювдириб, бир пой кирза этигини мойлаб юради. Соқоли тез-тез қириладиган бўлди, узун мўйловлари кузалиб, бироз калталаштирилди.

Ўша йили ёзнинг бошланишида кутилмаганда Оқил раисни урушга жўнатиб юборишди. Айримларнинг гапига қараганда у колхознинг кўпгина нарсаларини сотиб еб юборган, бошқалар эса район катталари айтган топшириқни бажармагани учун шу балога гирифтор бўлган деб юришар эди. Ишқилиб, тўсатдан унинг лавозимдан ажралиб, урушга жўнатилишининг аниқ сабаби кўрсатилмас эди, икки ўртада колхоз раҳбарсиз қолди. Бу масъулиятли давр эди — ҳосил ўроққа келган, аҳоли ўримга ҳайдалган паллада масъул шахснинг йўқлиги ишга салбий таъсир кўрсатиши, бошбошдоқликни келтириб чиқариши мумкин. Райком котиби колхоздаги урушдан қайтганларнинг рўйхатини

сўради, улар саккиз киши, булар орасида Маннопнинг ҳам исм-шарифи бор. Ер ҳайдаш, ғалла экишга бағишлаб ўтказилган йиғилишларда райком аъзоларининг кўзи буларга тушган эди. Бунақаларни сезмасдан бўладими — ҳар қандай даврада ҳарбийлар кийимини кўз-кўз қилиб, кўкрагини кериб ўтиради, улар ўзига ишонади. Райком котиби урушдан қайтганлар билан бирма-бир гаплашди-ю бу ишга Маннопнинг номзоди тўғри келишига иқрор бўлди.

Алалхусус, Манноп чўлоқ тез орада колхозга раис бўлди-ю бир умр отда юргандай, онаси шу ҳолича — колхоз раислигича тукқандай, бурни осмонга кўтарилди. Бригадирлик чоғидаги аҳвол ҳали бошланиши, куртакчалар экан.

Оқил раис шунча дағдағаси-ю ваҳимаси билан инсофли эканми ёки бошқа қишлоқданлиги учун гултелаликларни танимагани, аниқ сон-сановига етмагани учунми, одамларга кўп зуғум қилмаган эди, буни кўпчилик кейин, у кетгач англади. Манноп раис, бошқа қишлоқларга ваҳимасини кўрсатмагани ҳолда, ўз қишлоғи одамларини бешикдаги боласидан етмиш яшар чол-у кампирларигача танимайдими, кўлидан иш келадиган борки, ҳаммасини ғалла ўримиغا ҳайдади. Маннопнинг қариндошлари — хўжа тўп ўз оғайнилари ёнини олиш мақсадида ҳар ерда давлатнинг сиёсати қаттиқ бўлиб бораётгани, урушга тобора кўпроқ озиқ-овқат керак бўлаётганини айтиб юришар эди. Бироқ бу гаплардан одамлар ўз елкаларига миниб, қамчисини ўйнатаётган, ўзи-да шу оддий халқдан чиққанини унутиб қўйган Манноп раисга нисбатан меҳри товланиб қолмас эди.

Чўлда ғалла ўрими авжида. Ҳаво иссиқлиги туфайли пешинда умуман ишлаш имкони йўқ. Шу сабабли одамлар далада яшаб, тонг саҳардан қоронғи шомгача ишлайди, вақт ганимат, тезроқ ўриб олинмаса дон пишиб тўкилади, қушлар еб битиради. Қишлоқнинг элликка яқин қиз-жувони, ёш болалари ўримга ҳайдалган, раис уларга кечалари уйга қайтишни тақиқлаб қўйди. Йўл узоклиги туфайли, ўримчиларнинг эрталабки ва кечки салқинда асосий вақти йўлга кетади, бу ерга етиб келгунча қуёш икки терак бўйи кўтарилади ва ўримнинг баракаси бўлмайди. Манноп раис ҳар куни икки марта отини йўрттириб, ўримнинг боришидан хабар олади.

Нормурод, ўртоқлари билан бирга, колхозга аравакаш қилиб ишга тайинланди. Колхоздан ҳар бир аравакашга

арава, от берилган, уларнинг вазифаси аёллар ўрган ғаллани хирмонга элтиш. Хирмон Бешбулоқ қишлоғининг пастки тарафида, ясси адирликда жойлашган, бошқа қишлоқлардан ҳам ҳосил шу ерга йиғилиб янчилади ва ғалла Самарқанд шаҳрига олиб кетилади. Ҳозирча аравакашлар ҳосилни хирмонга ташиш билан машғул.

Натижа кўнгилдагидек эмас, шунинг учун Манноп раиснинг ғазоби қайнаган, биров билан кулиб муомала қилмайди, қовоғидан қор ёғади. Қишлоқ аҳли олдинги Манноп йўқлигини, у бошқа одамга айлангани, амал кишини тез бузиши тўғрисида гап қилиб юрар эди. Бироқ ким уларнинг гапига қулоқ осади? Одамлар ўзларича нолиб қолаверади, ҳеч ким Манноп раиснинг танобини тортиб қўйишни хаёлига келтирмайди.

Раис уруш даврида хаёлидан ўтказган ўйларни, қишлоқдошларимни қайта кўриш насиб қилса, барчасини бошимда кўтараман, деб ўзига берган сўзини аллақачон унутган, қачонлардир шу ўйга борганидан уялади гоҳида. «Мана шу аҳмоқларнинг нимасини соғинган эканман?» деб ўз-ўзидан сўрайди ва ҳайрон бўлади. Ўшанда, ўлимнинг кўзига қараб турганида кўнглида кечган туйғуларини унутиб юборган. Фақат тун билан кўрқитиб чиқади, кўзини очиб, ўзини қадрдон қишлоғида кўриб, чексиз севинади, тириклиги ва бундан кейин жонига ҳеч нарса тажовуз қила олмаслигини англаб шукр қилади. Қишлоқдошларига ғазаб қилишни эса ҳеч қачон қанда қилмайди.

Нормуродга эскироқ, қуриб, шовшаган арава тушган, озроқ юриб чархи чиқади. Ёнида челақда сув олиб юриши, ҳар чиққанда уриб, тўғрилаб, сув сепиб, ёғочни шишириб жойида мустаҳкам туришини таъминлаши керак. Бироқ отаравада ичи сув билан тўла челақни олиб юриш қийин, лўкиллайвериб тўкиб ташлайди. Бунинг устида улар тўғри йўлдан юришса экан, амаллаб тўкмаса. Бу дала-даштларда нафақат челақдаги сув, балки Нормуроднинг ичи ҳам тўкилиб кетади. Шундан хирмонга бориб келиши икки, гоҳида уч мартага кам.

Раиснинг ҳам шундан бошқа қиладиган иши йўқми, гоҳ хирмондан, гоҳ бригадир Тоғбегидан ким кам ишлаётганини билиб, ҳар келганда уришиб, сўкиб қайтади. Бу борада боланинг важларини эшитишни истамайди.

Унинг онадан келиб сўкишлари Нормуроднинг тишларини газ-газ қилади-ю кўлидан ҳеч нарса келмайди; осмон узок, ер қаттиқ, дардини эшитадиган одам йўқ. Бу раиснинг танобини тортиш учун кимга арз қилиш керак, кимга айтиш

керак ўзбошимчалигини? Ким унинг гапларини эшитаман, деб ўлиб турибди? Районда раиснинг катталари бордир-ку, лекин ёш болани уларнинг олдига ким қўяди? Бунинг устига Манноп Матлабович (уни шундай чақиришмоқда) ҳар гапда сиёсатдан келади, ўртоқ Сталин томонидан халқ олдига қўйилаётган вазифалар, уруш биздан дон талаб қилаётгани, унга жавоб бермаган ҳар ким халқ душмани бўлиши, пешонасидан отиб ташланиши тўғрисида гапиреди. Бу ернинг одамлари сиёсатдан узоқ, бу ҳақда айтилган ҳар қандай гапга жиддий кулоқ осади ва қўрқув билан қарайди, ахир халқ душманларининг қанчаси отиб ташлангани ҳали уларнинг ёдидан кўтарилганича йўқ. Улар бунақа гапларни орқаваротдан эшитган.

Раиснинг зуғумлари жонидан тўйдириб юборганида Нормуродга Нигора тўғрисидаги ўйлар умид бағишлайди. У бу киз ҳақида ўйлашни ёқтиради, онда-сонда гаплашганда, қизнинг шошиб-пишиб сўзлаши, кўзларини нозли пирпиратиши, қоп-қора юзини буриштиришини синчиклаб кузатиб тураверади. Ўзи камгап эмасми, унинг олдига жим ўтиради. Нигора маҳмадона киз, Нормурод узоқдан ўтаётганда ҳам бир гап отмаса бўлмайди. Уларнинг бундай қилиқлари, галла ўриб зерикиб юрган аёлларга эрмак бўлди.

Нигоранинг онаси ҳовлидан хабар олиб, уст-бошини ювиб келиш учун кетганида унинг ўрнида ишлаш учун келади ва тўрт-беш кун шу ерда қолади. Ўроқдан бўшаганда, бошқалар дам олганда Фотима момонинг ишларига қарашади, қозон-товокларни ювади, йиғиштиради. Кўп аёллар ўзларининг ёш болаларини олиб келган, шуларга қарайди. Ишқилиб тиниб тинчмайди.

Ёзнинг жазирама иссиғи авжига чиққан. Пешин чоғида бир-икки соат куннинг тиғида турган одам пишиб қолади-гандай. Ўрилаётган ҳосилни ўз вақтида ташиб олиш мушкуллиги сабабли, раиснинг кўрсатмасига мувофиқ аравакашлар тушда ҳам дам олмасдан ишляпти.

– Бир-икки кун иссиқда ишласанглр ўлиб қолмайсанлар, – деган эди раис бир кун кўпчиликнинг олдига. – Одамлар урушда жон олиб, жон бераяпти, биз бу ерда озроқ иссиқни пеш қилиб ҳосилни нобуд қилсак ҳеч ким кечирмайди.

Нормуродга берилган, урушга олинмаган қари от сўлжайган, бошқалар кундалик меъёрни бажариб, пешинда озроқ дам олганда у бошига оқ рўмолча ўраб, чанг ва тер қоришиб, қотган қўйлагининг енги билан лой босган бетини артиб, юкни ортиб жўнайди. Бундай пайтда энг оғири

чанқоқ. Йўл-йўлакай ариқдан тўйиб-тўйиб сув ичиб олади-ю ўн одим юрар юрмас яна чанқайди. Ўзиям тер бадандан янги қатиқ солинган айронхалтадан томаётган зардобдай оқади-да.

Нормуроднинг баданида чанг ва терлашдан қалин қатламга айланган ва ҳар қашинганида қайноқ сувда куйгандай териси сидирилиб тушади. Ҳар доим юзимда узун-узун лой излар пайдо бўлгандир, деган ўй билан юради. Айт-никса, Нигоранинг олдида бу туйғу жонланади, шошиб-пишиб юзини енги, этагига артаверади.

– Сенинг отинг бўлмас экан, – деди бу сафар Нигора уланж, юзини артиб келганида. – Раисга айт, алмаштириб берсин.

– Нимагадир у мени ёмон кўради, – деди Нормурод Нигоранинг ёнига келиб отдан тушар экан. – Билмадим, арпасини хом ўриппанми, худди отасини ўлдиргандай муомала қилади. Шу одам отимни янгилаб берармиди.

Нормурод ғалла ташиш билан бирга Нигора ўрган бугдойни боғлашга ёрдамлашади. Акс ҳолда қиз оч қолиши мумкин. Ахир режани бажармаганларга нон берилмайди.

– Мана, пишириб ўраяпмиз-ку ғалласини, – Нигора кулди. – Отанинг бир гапи бор эди, берардан ҳам, бермасдан ҳам бир сўра, деган. Шунга ўхшаб айтиб кўр-чи, зора кўнгли юмшаса.

Нигора отасини ёдга олди-ю хомуш тортди.

– Сен қачон уйга қайтасан? – Нормурод қизнинг хаёлини чалғитиш учун мавзунини ўзгартирди.

– Эрта-индин энам келиб қолишлари керак, кейин қайтаман, ўзиям жонимга тегди. Бир ёқдан иссиқ, кейин уйни соғиндим.

– Ишдан қочаяпман, деб қўя қол ундан кўра, – Нормурод жар ёқасидан ўриб келган эшакмия ўсимлигини тиззалари орасига қистириб, қизларнинг сочидай қилиб ўриб боғ ясар экан, кесатди.

– Сен мен ҳақимда ёмон фикрдасан, а? – Нигора аразлаган бўлди. – Кўринишим шунчалар дангасага ўхшайдими? Ўзингга маза-да, отга минволиб, у ёққа борасан, бу ёққа келасан. Бу ерда куннинг тигида, чангга ботиб бир кун ишласанг, раҳмат, дер эдинг. Мен тенги қизлар ҳозир уйларида, соя-салқинда ухлаб ётибди.

– Раҳмат... – Нормурод кулди ва жиддийлашди. – Айтдим қўйдим-да, шунга шунчами. Лекин менинг ишим ҳам осон эмас.

Нормурод ўнтага яқин боғ ясаб, ўрилган бугдойларни йиғиб, боғлаш учун кетди, Нигора ортидан эргашди.

– Сенга раҳмат! Яхшиям сен бор экансан, бўлмаса бу ерда режани бажаролмай, раисдан калтак еб ўлиб кетган бўлар эдим.

Нигора ўрилган буғдойларини йиғиштириб, боғнинг устига қўядиган, Нормурод уларни боғлайдиган бўлди. Одамлар тушликка чиққан, фақат Нигорагина Нормуродни кутиб ўтирган эди.

– Овқат қоладими сенга? – Нормурод қизга ачинди. – Бораверсанг бўларди, ўзим боғлаб аравага ортиб оламан. Аталани ичиб қўйишиб, оч юрма.

– Фотима хола олиб қўйишлари керак. Кечиксам, ҳар доим шундай қиладилар. Ўзимам кўп қарашаман-да. Ҳар доим «менинг чаққон қизим», деб эркалайдилар. Сен бўлсанг, мендай чаққон қизни дангаса, деб хафа қиласан.

– Оббо, олдингда бир оғиз бир нарса деб бўлмайди-я... Гапир-у қоч. – Нормурод кучаниб ғаллани боғлади. – Мабо-до мени урушга олишса, сенга ким қарашади?

– Топилар-да бирорта... – Нигора ҳазил учун шундай деганди, Нормуроднинг иззат-нафсига тегди.

– Оқибат шу бўлдимиз?!

– Сени ким урушга олаяпти эмиш? Ёш боласан-ку!

– Ҳар ҳолда сендан икки ёш каттаман.

– Мендан катталигинг учун урушга олишаверар эканми? Олмайди.

– Колхознинг қари отигача олишгач, мени ким тинч қўяди? Болалар билан ўзимизча тайёрланиб юрибмиз... Янганг қандай, қарашаяптими? – уруш масаласи тилга олинди-ю Нормуроднинг ёдига олдин Пўлат, кейин унинг хотини Насима тушди.

– Ўзидан ортмайди-ку.

Нигора қаддини ростлаб, яқинлашаётган отлиқни кўрди.

– Раис келяпти, шекилли! Манноп чўлоқ. Ҳозир сенга дўқлайди. Бор, яхшиси аравангни тўлдириб кетавер.

Раиснинг дарагини эшитиб, Нормуроднинг ичига титроқ кирган эди, бироқ ўзи ҳам тушунмайдиган бир туйғу уни қиз ёнида шаънини ерга урилишига йўл қўймасликни уқтирди, жойидан жилмади ва ишини бамайлихотир давом эттириш пайида бўлди.

– Сен бу ерда нима қилиб ивирсиб юрибсан?!

Раис тўғри шу ёққа келди. У узоқдан Нормуроднинг арава-си тўхтаб тургани, унинг ўзи қандайдир, бекорчи ишлар билан машғул эканини кўрган ва жаҳл билан от солган эди.

– Нигорга кўмаклашаётган эдим, – Нормурод ўзини дадил тутишга ҳаракат қилди.

– Аҳмоқмисан, нима бало? Ким айтди шунга ёрдам бер деб? Унинг ўзини, нима, қўли синибдими, оёғи шол бўлиб қолибдими? Тур, қури бу ердан-э, башарангга... Бу ёқда иш ёнапти, сен лўттивозлик қиласан.

– Сўкинманг! – Нормурод бир ўзи бўлганида раиснинг сўкинишига индамай чидаган ва тескари қараб кетарди, бироқ ҳозир бундай қилолмади. Ич-ичидан бир нарса раисга гап қайтариш лозимлиги, ўз шаънини ерга урмасликни талаб қилмоқда эди.

– Нима?!

Раис одамлардан деярли рад жавобини эшитмаётган, ҳеч ким унга қарши бормай қўйган, аҳоли ундан ажалдан кўрққандай чўчийди. Унинг ўзи ҳам ҳар куни районда раҳбарлардан оғзи бурни қолмай сўкиш эшитиб келади. Шундан қўл остидагиларни болохонадор қилиб «сийлаш»ни асосий вазифаси ҳисоблайди. Бунинг устига унга сал қаршилиқ қилган, гапини менсимаганлардан шафқатсиз ўч олиш йўлига ўтиб олган. У билан сал сан-манга борган тезда ё урушга жўнатилади ёки уйдаги кишга деб сақлаб қўйилган озиқ-овқатидан ажралади.

– Сен менга гап қайтараяпсанми? Мен сени... знангни...

– раис қиз бола бор демай оғзига келганини қайтармай Нормуродни сўқди. – Сен, босмачиваччани бир кун деганда қамоққа тикиб кўяман, ўша ёқларда чириб йўқ бўлиб кетасан, тушундингми? Бугун озодликда, қишлоқда юрган экансан, менга раҳмат айтишинг керак, менинг оёғимни ўпишинг керак! Бошқа одам бўлганда сенинг авлод-аждодинг билан қуритиб юборар эди. Раҳмат ўрнига гап қайтарасан. Ит қутирса эгасини копади, деганлари рост экан.

– Қиз бола олдида сўкинманг, – Нормурод раисга тенг келолмаслигини билади, бироқ ичидан чиқиб келаётган аллақандай бир қайсарлик эс-хушини ўғирлади. – Қўлингизда осмонни тутиб турган бўлсангиз ҳам ўйлаб гапиринг.

– Эй, сен... – ғазабдан раиснинг лаблари қалтиради, кўзлар қонга тўлди, нима дейишини билмай, қўлларини бир-икки серпади, бурун катаклари қисқариб, каттарди.

Урушдан шунақа бўлиб қайтган — жаҳли чиқса қалтираб, ўзини йўқотади, кўзига ҳеч нарса кўринмайди.

– Сен, итвачча...

Раис шундай деб ортиқча гапиролмай, отини ниқтаб Нормуроднинг тепасига келди ва қўлидаги қамчи билан унинг ўнг келган жойига савалай бошлади, Нормурод оғриқнинг зўридан қўллари билан бошини беркитиб қичқирди. Нигора чеккада нима қиларини билмай, хайрон-у лол қараб турди, сўнг ўзига келиб раисга ташланди:

- Тегинманг, унинг айби йўқ. Менга қарашаётган эди!
- Сен манжалақи, қоч бу ердан!

Раис уни тепиб юборди, қиз кесаклар устига чалқанча йиқилди.

Узоқда тушлик қилаётган ўримчи аёллар қий-чувни эшитиб, шу ёққа югурди. Улар етиб келгунча, Нормуроднинг жафокаш елкасини раиснинг қамчиси қавартириб юборган эди. Аёллар қий-чув қилиб, Нормурод билан Нигорани нарироққа олиб кетди. Раис оғзидан кўпик сачратганча сўкиниб, от бошини орқага бурди.

- Не кунларга қолдик, жон қизим, гуноҳинг нима? - Фоти-ма хола чўккалаб Нигорани маҳкам қучиб, хўнг-хўнг йиғлади. - Нимага уради? Сенгинада нима айб экан, ёш бошинг билан катталар қаторида ишлаб юрганингни гуноҳинг?

- Мен кетаман, ишламайман. Отиб ташласаям ишламайман!

Нормурод жаҳл билан аёллардан узоқлашган эди, тўрт-беш жувон олдини тўсиб қайтарди. Оқибати яхши бўлмаслигини айтиб, шаштидан қайтаришди. Гап-сўзлардан кейин, Нормурод пиқиллаб йиғлашни бас қилди, фақат бурнини тортишни тўхтатолмади. Елкаси, бели ачимокда эди.

- Мен ўч оламан, ҳали кўрсатиб қўяман бу одамга кимлигимни. Бир умр қўл кўтарганига пушаймон қилади бу ифлос. Мен бобомнинг неварасиман, бировдан азиат чекиб индамай кетавермайман. Ўч оламан, ҳасос оламан! Тинч қўймайман бу ифлосни. Бобомнинг ишини қиламан...

У бобоси тўғрисида умуман ҳеч нима гапирмас, буни отаси тақиқлаб қўйган эди. Бошқаларга ўхшамагани учун ички бир туйғу билан бобосидан фахрланиб юрарди-ю, барибир унинг босмачи ўтганидан афсус чекар ва тан олмаслик пайида бўлар эди. Бироқ бугун негадир ўз-ўзидан бундан очиқ-ошкора фахрланди. Бу унинг Манноп тимсолида ҳукуматга қарши ожиз исёни эди.

Шу ерда йиғилган аёллар бунга эътибор бермади. Улар учун Нормурод ҳам, Нигора ҳам нима деётгани, нима қилаётганини-да тушунмайдиган ёш болалар эди.

Ғолиб бир ёшдан ошган эди. Болага Ойсара момо қараб турибди. Барибир Ризвоннинг кўнгли яримта, илҳақ, уйга бирров бориб, хабар олиб келишни хаёл қилиб юрибди. Бригадир Тоғбегининг эси кирарли-чиқарли, сержаҳл, гапни тушунмайди, бировга раҳм қилмайди. Манноп раис бўлгач

уни бригадир этиб тайинлаган. Тоғбегини нима учун урушга олишмаганини ҳеч ким билмайди. Айрим гапларга қараганда у жиннилар рўйхатида турармиш, шунинг учун олишмасмиш, бошқалар эса номи аёл ҳисобида ўтганини айтиб юради. Ишқилиб, мана шу — даванг, бети чўтир, офтобда қорайган, рапидадай, уст-бошидан мудом сасиб, тер ҳиди анқиб турадиган, оғзидан носи тушмайдиган инсон қишлоққа бригадир.

Ризвон тўрт-беш марта уйига бориб, боласи билан кекса момақайнонасини кўриб келишга рухсат сўради, у рози бўлмади. Ўртага Матлуба хола ҳам тушди, кўнмади.

– Сўлтанглаб юрадиган давр эмас ҳозир, – деди у ҳиссиз, дағал овози билан. – Ғаллани ўр, тамом бўлса, ёпишиб ётасан ўша уйингга.

Ризвон меҳнатқаш, жуда чиройли — жазирама иссиқ, оғир меҳнат ҳам унинг чиройини сўндирилмаган. У саҳро ўртасидаги ёлғиз қизғалдоққа ўхшаб шунча қиз-жувон ўртасида ажралиб туради.

Ўша кунни у Тоғбеги белгилаб берган кундалик меъёрни бажариб, энди қайнонаси Матлуба холага ёрдамга чоғланган эди. Отини йўрттириб Манноп раис келди.

Раис дастлаб Тоғбеги билан кўришди, иш билан қизиқди ва одатдагидай ўримчиларнинг шашти пастлиги, аравачиларнинг ланжлигидан нолиди. Нормурод от арава­сига ғалла боғларини ортаётган экан, шунинг олди­га бориб бир-икки уришиб берди:

– Эй, ландавур, нима қилаяпсан, – деди у одати бўйича қамчиси билан ўдағайлаб. – Ҳамма бошоқни тўкиб юбора-япсан-ку, бошоқ томонини ичкарига қўйиб бос, қаттиқ тепма, арқонни торт, йўлда тушиб қолса бошингни узиб ташлайман.

Нормурод унинг ўша кунги калтагидан кейин бир-икки кун ўзига келолмай юрди-ю кейин одатдагидай ишлаб кетди. Раиснинг ўзи эса ҳеч нарса бўлмагандай, дўқ-пўписа қилиб юрибди. Нормуроднинг юрагида унга нисбатан уйғонган нафрат ҳали сўнгани йўқ. Унинг ўдағайлашидан бироз довдиради, қўллари қалтиради, айтиб бўладими, яна қамчилаб қолиши мумкин.

«Ҳамма яхши одамлар урушда қолиб, бунинг қайтиб келганини-чи, чўлоқ», деб қўйди ичида Нормурод. Унинг бир одати бор, биров иш ўргатса, тепасига келволиб бақрайиб қараб тураверса қўли ишга борма­йди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Раис унинг ҳаракати қовушмаётгани, кўн­гидагидай иш­лол­маётганини кўриб, отини хезлаб тепасига келди-ю яна нималарнидир ўйлаб, индамай туриб қолди.

– Кунига хирмонга неча марта бориб келаяпсан? – сўради Нормуроднинг ишига қараб.

– Тўрт-беш марта.

– Нега кам? Бошқалар қанчадан қатнапти?

– Олти мартагача. Лекин уларнинг аравалари соз, отлариям дуруст, аравамнинг чархи эскирган, тез-тез сув қўйиб турмаса чиқиб кетаяпти, отим тихир, Замонникиям тихир-роқ шекилли, иккаламиз бир хил бориб келаяпмиз. – Нормурод гапларни тишининг орасидан ситиб айтди. У нафратланаётган эди ва сўзлашни истамаётганини раисга ҳам билдириб қўйиш учун бир-икки кўзига бақрайиб боқди.

– Тузат, – деди раис укасининг-номини эшитиб бироз шашти тушиб, ўзини эътиборсиз тутишга ҳаракат қилиб.

– Шуниям мен қилиб беришим керакми.

Манноп от юганини тортиб нари кетди, қозон қўйилиб атала қайнатилаётган, қачонлардир гуркираб турган боғдан қолган кекса кўксултон остига бориб, отдан тушди-ю юганини Тоғбегига тутқазиб, ўзи ликонглаб ўримчилар ёнига ўтди.

– Ана, чўлоқ раисимиз келаяпти, – деди ўримчилар орасидан кимдир. – Қараб турсам кўзимга шуям чип-чиройли эркак бўлиб кўринаяпти, эрим борида ҳеч қачон чўлоқ, гилаларга қарамас эдим.

– Нимага унақа дейсан, ўзи кўркам, ўктам йигит-ку. Оёғи боридаям истараси иссиққина эди, ҳозирам чиройли.

– Бас қилсаларинг-чи, эрларинг бор-а бошларингда. Бир ноғиронга кўз олайтиргани уялмайсанларми.

– Агар ҳозир кетдик, деса оёғингни қўлингга олиб орқасидан югурардинг-ку тўғрими? Ўлсин, пуф сассиқ бўлмай.

– Сен мени ким деб ўйлаяпсан, ўлиппанми энди эркакларнинг бир гапига лаққа тушгани. Шаҳарда бўладиган суюқоёқ аёлларданми мен сенга?!

– Эй, раис урушдан келганда игна ютган итдай эди, бетида бурун билан иккита кўздан бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди, энди туппа тузук семириб, кўзга яқин бўлиб қолди.

– Бас қилинлар, эшитади, мени деб аёллар талашиб ётибди, деган хаёлга бормасин.

Раис гўдайиб, аёллардан ишни суриштирди.

Ризвон уйга жавоб сўрамоқчи бўлди, бригадир ўлиб қолсаям қўйиб юбормайди.

– Раис бова, – деди уялиб. Унга қандай гапиришни билмайди. Шу сабабли кўпчилик энди-энди кўникиб бораётган сўз билан мурожаат қилди. – Уйга бориб келмоқчи эдим, момоннинг бир ўзлари Фолиб билан қолганлар, бир

хафта бўлди, ҳолларидан хабар ололмайман, рўхсат берсангиз кўриб келсам.

– Ким у Ғолиб? – Раисни ажаблантирган нарса бошқа эди-ю шу саволни берди.

Ризвон уялди, бировнинг олдида фарзандини «болам», деб айтмаган, кўникмаган, ҳалигача ўзини турмуш қурмаган қиздай ҳис қилади, кўнглига бу янгиликлар тўлиқ ўрнашиб улгурмаган. Бундан ташқари, раис билан юзма-юз гаплашмаган. Ўзи қўшни қишлоқдан бўлгани сабабли гултепаликларнинг барчасиниям танийвермайди. Манноп раисни илгари бир-икки марта кўрган, лекин гаплашмаган.

– Ўғлининг исми шунақа, – деди аёллардан бири шанғиллаб.

– Яхши... – деди раис чўзиб ва негадир Ризвонга эмас, оломон орасидан гап ташлаган, бошига сарғайган рўмол ўраган, офтобда унниққан, чанг кўниб кир босган кўк рангли кенг чит кўйлак кийган жувонга қарата. – Ундай бўлса, кампирнинг ўзи келиб кетса бўлмайдими? Одамлар бу ерга томошага келгани йўқ-ку. Уйда ўтирган бекорчи кампир ишимизга халақит бериши керакми?

– Ҳамма гап шунда-да, – деди шошилиб ўртага суқилган Ризвон. – Кекса кампир бу ерга келолмайдилар. Хавотир олаяпмиз... Кейин уст-бошимни чайиб келар эдим.

– Нимасидан хавотирланасан, ҳеч гап йўқ, бугун эрталаб қишлоқда бўлганман, ҳаммаси тинч.

Раис Ризвонга синчиклаб разм солди-ю ичидан нимадир узилгандай бўлди, унга кўзи тушмаган эканми ёки зътибор бермаганми, ишқилиб қишлоқда мана шундай гўзал аёл борлигини билмабди. Катта-катта кўзлари, маънодор нигоҳлари, лўппи юзи, шамшод дарахтидек тик қомати ҳушини ўғирлади. Ёзининг мияни қайнатиб юборадиган иссиғидан қони кўпириб турган эмасми, Ризвоннинг жозибаси ҳирсини кўзғатди.

Урушда юрганида, қиладиган иш йўқ, суткалаб окопларда ётганларида, қурол-аслаҳани ортмоқлаб, «ана ўлдик, мана ўлдик», деб хавотир билан чекинишлар даврида ўзларини овутиш мақсадида Ёдгор билан аёллар тўғрисида кўп гаплашган, ўшанда бу йигит хотини ҳақида берилиб гапирар, тилидан бол томар эди. Унда уйга тирик қайтмаймиз, деган даҳшатли ўй кўнгилни буткул эгаллаган ва шундан орада ҳеч қанақа сир бўлган эмас. Иккаласи ҳам ўз кўнгил мулклари, сирларини ўзи билан нариги оламга олиб кетишни истамас эди. Ёдгор бемалол эр-у хотин ўртасида бўладиган гап-сўзларни миридан сиригача, ширин энтикишлар

билан гапириб берарди. Маннонга акасидай ишонар, ҳурмат қилар эди. Ризвон тўғрисида худди икки кунлик куёв ўртоқларига мақтанган каби гапирар, ўшандан Маннопнинг онгига бир нарса — унинг хотини гўзал ва бироз енгил-такроқ деган хулоса ўрнашиб қолган. Ахир Ёдгорнинг ҳикоялари Манноп билан хотинининг егти ухлаб ҳам тушига кирмаган. Ўшанда у Ёдгорнинг ҳикояларини эшитиб, ўзининг хотиним бор, деб аҳмоқ бўлиб юрганини ҳис этиб, пушаймон қилган. Агар эсон-омон қишлоққа қайтса, хотини билан Ёдгор ҳикоя қилиб берганидай яшашни кўнглига туккан эди.

«Ёдгор урушда қон кечиб юрган, бегона юртларда энасини кўраётган бўлса-да, бахтли экан — шундай хотини бор. Нега шу аёл менинг хотиним эмас? Бели ингичка, ҳеч ким буни эрга теккан, боласи бор демайди, ўн олти ёшли қизлардай, бағринга боссанг қучоғингда йўқ бўлиб кетади, юзларининг силлиқлигини, оқлигини-чи...»

Раис Ризвонга қараб, хаёлида юзига қўлларини теккизгандай бўлиб, юраклари ширин орзиқди ва бақрайиб қолди.

Унинг бу қадар оч нигоҳлар билан Ризвонга термилаётганини яқин атрофдаги аёллар ҳам пайқади.

– Барибир-да, – деди Ризвон ва тўхтади. Раиснинг шармсиз нигоҳларини ҳис қилиб типирчилади, каловланди.

– Майли, – деди анча вақт ўтиб раис, ўз нигоҳлари билан жувонни саросимага солганидан қувониб, ўзининг салобатли эканини яна бир бор ҳис қилиб кўкрагини кўтарди. – Борсанг борақол. Фақат кеч қолма. Ҳозир йўлга чиқсанг ҳам бўлади.

Ризвон раҳмат айтиб, ўроғини ёнидаги дугонасига топширди, апил-тапил рўмолини қайтадан ўраб йўлга тушди.

Ҳаво иссик, далалардан тандирдан чиққандек ҳил кўтарилади, ғаллазорлардан чиққан чанг хавода муаллақ қолиб, нафас олишга халақит беради. Ён-атрофдан чирилдоқларнинг чириллаган овози эшитилади.

Ризвон кетди. Ўримчилар йиғилиб кекса кўксултон соясида тушлик қилиш учун келишди. Эрта саҳардан буён ўроқ ўришдан уларнинг оёқ-қўллари зиркирар, дарахтнинг соясида эса енгилгина шабада жонга ҳузур бағишларди.

– Ҳаётнинг мана шундай лаззатлари ҳам бор, а! – деди аёллардан бири ажриқлар устида ўтирар экан, бошидаги рўмолини ечиб пешонасидан оқиб келаётган терни артиб.

– Эринг-чи? – ҳазиллашиб сўради унинг ёнида турган Пайзининг хотини Рухсат. – Болаларинг нурдан туғилганми?

– Бу нима деб алжиранинг? – ҳалиги аёл ҳазилни тушунмади.

– Эр-хотин қўш ҳўкиз дегандай, эринг ёнингда бўлса, оғирингни енгил қилса, дардингга шерик бўлса, ҳаётнинг лаззати шу-да.

– Эй, сенларга бир бало бўлганми? Бунча эрсираб қолмасаларинг, – дакки берди ошпаз Фотима хола.

– Хола, нима қилайлик, бир йилдан ошди, ўтирсак ҳам, турсак ҳам ҳаёлимизда? Эрлармизни эслаш уят саналмаса керак. – Рўхсат бироз жиддий тортди.

– Барибир чидаш керак-да, – деди хола ва кўнглидаги насиҳатомуз гапларни чиқармай тилини тишлади.

Раис узоқдан қиз-жувонларнинг қилиқларини кузатиб турган эди ва ўзича буларга ҳам қийин экани, ҳаётнинг аччиқ синовлари шу ожизаларнинг елкасига тушганини тан олиб, ичи ачишди. Лекин у лавозими юзасидан бировга раҳм қилиши мумкин эмас, мансаби буни кўтармаслигини билди, шундан уларни ўзича айблади: бу ярамасларнинг гап-сўзлари-чи, ҳозир кимга осон экан, буларнинг дарди эркак, ўлиб кет-э баринг.

У шу тарзда ўзи билан ўзи курашиб, Тоғбегининг олдида туриб қолди. У қўлоғининг бир чеккаси билан аёллар гапини эшитишга ҳаракат қилаётганда, «Раис ҳосил чўғини ҳисоблаётган бўлса керак», деб ўйлаган Тоғбеги гап қўшди:

– Менимча, ҳосил ёмон эмас, баҳорда ёгин-сочин кўп бўлувди, шунинг ҳисобига галла яхши унди, лекин гапларга қараганда, узумнинг мазаси йўқ эмиш, гули кам дейишар-япти, ўзим қизиқиб кўрмадим, вақтим бўлмади.

Раис унинг алжиранини англади, лекин нималар тўғрисида гапирди, билмади, ҳаёли бошқа ёқда.

– Эй, сен! – раис Тоғбегига ўдағайлади. – Биласан-а, шу лавозимга ўзим тавсия этганман?

– Биламан, биламан! – Тоғбеги шошди. Раиснинг ваҳимаси остида нима гап ётганини тушунмади.

– Шундай экан кўзингга қараб ишла. Бўлмаса бир кунда урушга жўнатиб юбораман, қайтмайдиган бўлиб кетасан, гўштингни қарғалар еб битиради.

Тоғбеги каловланди ва нима айб қилганини билмай жалпанглаб, раиснинг атрофида гирдикапалак бўлди. Қийин-да, тақдиринг манави қўсқига боғлиқ, ҳаётингни мана шу галварс ҳал қилади. Тоғбеги шуларни ўйлади-ю лекин ўзини босиб тилини тишлаб тураверди. Не қилсин, осмон узоқ, ер қаттиқ. Яшагиси келади, бегона юртларда ўлишдан қўрқади, урушга олмасликлари учун ҳар қандай хўрликка тайёр.

– Ўримчиларга қараш керак, – деди раис ўша оҳангда.
– Сенинг кўнглинг тўғри эмас, агар бирор аёл билан ўралашганингни эшитсам, мендан хафа бўлма, тушундингми?

– Ўлиппанми?! – Тоғбеги ҳайрон. – Сизга гап теккизмаймиз, Манноп ака. Ўзи болалиқдан аёлларни ёқтирмайман, мана ишлатиб ётибман уриб-сўкиб.

– Сени огоҳлантириб қўйяппан-да, яна айтмаган эдингиз, деб юрма. Кейин анави араваачи болаларга ҳам хушёр бўл, бирор аёлга яқинлашса, дарров менга хабар бер.

– Улар ёш бола-ку!

– Қанақа ёш бола? Зийрак бўл, урушдагилар қайтгунча бу ерда ўзимиздан ўзимиз кўпайишиб ўтирмайлик, гап-сўзга тоқатим йўқ. Кўрдингми, тунов куни анави босмачивачча Раззоқ аканинг қизига ўралашиб юрибди экан, шундан жаҳлим чиқиб роса калтакладим. Ўзларини-ку ҳали бурни оқиб юрибди, яна бир-бирига ёрдамлашганига ўласанми.

– Ё, қаттиқ назорат қиляяпман... – Тоғбеги раиснинг нимадан жаҳлланганини тушунмади.

Раисни аёлларнинг кайфияти ташвишга солган эди, йўқ, урушдаги сафдошларининг ор-номуси учун эмас. У қишлоқда ягона эркак деб фақат ўзини тан слади, қолганларни ё чол ёки ёш бола сифатида кўради. Аллақандай ички бир туйғу қишлоқнинг барча аёллари ўзиники эканини уқтиради. У аёлларни ҳар бир ўғил бола, чолдан рашк қила бошлаган эди.

Ҳозир эса унинг нияти бузилди, Ризвоннинг узоқроқ кетишини кутаяпти. Бу ердан кўринмайдиган жойга боргач, орқасидан етиб, жувоннинг кўйнига қўл солиб кўрмоқчи.

Урушдан қайтганига ҳали кўп бўлмади, лекин бу даврда ўзига мутлақо ишониб улгурди, эркаклар қолмаганидан ўзини қишлоқнинг энг олд йигити, қўлидан ҳар қандай иш келадиган, ҳамма орқасидан «уҳ»лаб қолади, деб санай бошлади. Қисқа вақт ичида бошига қўнган бахт қуши уни гангитиб қўйди. Ахир колхоз фақат Гултепадангина иборат эмас, шунга ўхшаш яна еттита қишлоқ бор. Илгари тўрт-бештага буйруқ бериб юрган эмасми, шунча одамнинг тақдири ишониб топширилганидан ўзини йўқотди. Айниқса, аёллар масаласида фикри ўзгарди. Хотинидан ўзгага гап отиб кўрмаган бу инсон, қўл остига шунча эрсиз аёлнинг тушиб қолишидан ҳаволанди, эркаклар йўқлиги туфайли ўзига амал текканини унутди. Аксинча, буларга ўз кучи билан эришгандай, бу яқин атрофда ўзидан-да иродали, ақлли, кучли одам йўқдай. Шу пайтга қадар бу иқтидорини сезма-

гани учун одамлардан ранжиб ҳам юрди.

Шу инсон тўсатдан Ризвонни ёқтириб қолди. Йўқ, кўнглидаги ҳислар олий туйғулар эмас, минглаб аёллар «гаҳ» деса қўлига қўнишга тайёр турган инсон уларни самимий севишга, биттасига энг муқаддас ҳислар билан боғланишга қодир эмас. Бундайлар, аёллардан кўра ўзига берилган, фақат ўзидан мағрурланадиган, атрофдагиларни назарга илмайдиган бўлиб қолади. Айни чоғда у ҳам шундай, Ризвон кўзига чиройлилиги билан бир қаторда, хокисор ва ҳаёт қийинчиликларидан эзилгандай кўринди. Аслида ҳам шундай эди-ку, бироқ ҳеч ким бу оғирликларни раис келиб енгиллаштириб берсин, дегани йўқ, айниқса Манноп ўйлаётган масалада. Раис ўзига хос манманлик билан «Шу аёлни ҳеч бўлмаса бир кечага бахтли қилай, – деб ўйлади. – Шу бечора ҳам бу ҳаётга келиб, бахт нималигини бир ҳис қилсин».

Бу таклифимга кўнадими, йўқми, деган савол кўнглининг кўчасидан ҳам ўтгани йўқ. Назарида, бир оғиз айтса бас, ҳар қандай аёл унинг учун ўлишга тайёр.

Раис отини йўрттириб, тупроқ дала чангини кўтариб орқасидан етиб келганида, Ризвон бир чўчиб тушди ва дала кенглигига қарамай, раис ва отига йўл бериб ўзини четга олди.

– Ўғлинг дурустми? – сўради у мағрур гапни қайдан бошлашни билмай.

– Яхши. – Ризвон раиснинг кўнгли бузилаганини аллақачон сезган, шундан биров тараддудланди, ҳаяжонланди. Уятли бирор гап айтиб қолса қандай жавоб бераман, деб хаёлга чўмди.

– Отга миндириб олайми? – сўради раис овози ўзгариб.

– Чиройли оёқчаларинг оғриб қолмасин.

Ризвоннинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди, бутун тана-си қумурсқалар ўрмалагандай жимирлади.

– Керак эмас, – деди ўзини билмаганга олиб, эътибор бермасликка ҳаракат қилиб.

– Ўзинг қара-да. Менинг вазифам таклиф қилиш, – раис отини Ризвонга яқинроққа бурди ва сал энгашиб гапирди.

– Эринг кетганигаям анча бўлди, хат ёзаяптими ўзи?

– Унда бир марта ёзган эдилар... Бунгаям анча бўлди, адашмасам тўрт ойдан ошаяпти.

– Анча бўпти... Сенгаям қийин, энди ўйнаб-қуладиган, роҳат-фароғат қиладиган даврингда ёлғизсан, шунча вақтдан бери ёлғиз... Умр эса ана-мана ўтиб кетади.

– Нега ёлғиз? Момом, аммам, Фолиб бор.
– Сен тушунмадинг... Аёлга эркак керак-ку, эркаксиз жиннига ўхшаб қолади. Мен буни биламан, ўзимизнинг аёллар фик, деб айтмасаям, ўрисию жувонларидан эшитиб келдим, улар уят деб ўтирмайди, кўнглидаги гапни айтиб ташлайверади. Сен ҳам айтавер, бировга гуллаб кўядиган одатим йўқ. – Раис шармсиз тарзда иршайди.

Ризвон у нимани назарда тутаётганини тушунди, бироқ ўзини соддаликка, билмаганга олмоқда эди. Сўнгги гапларидан бадани музлади, ўзини ноқулай ҳис қилди. Ҳали ҳеч ким унга бунчалар шармандали шама қилмаган. Шунақа гапириш мумкинлигини хаёлига келтирмаган эди.

Ризвон индамади. Бу инсонни ҳурмат қилар, эридан, ўзидан ёши катта бўлгани учун акасидай кўрарди, айниқса урушдан қайтиб, эридан дарак олиб келганидан сўнг ҳурмати ортган. Ўшанда, момо қайнонаси уни кўргани бориб, невараси Ёдгорнинг соғ-саломат юргани, улар бир вагонда кетиб, бир жойда бўлишгани, урушга бирга кирганлари, жанглардан бирида у оёғидан ажралгани, Ёдгор эса жангни давом эттиргани, русчани ўрганиб олгани, командирлар ҳурмат қилиши тўғрисида хабар келтирган эди. Шу гапдан сўнг Ризвоннинг бу инсонга ҳурмати ортган, узокдан кўринди дегунча, юрагида ўз отасини учратгандай самимий ҳис пайдо бўлар эди. Мана шу одам, ўз акаси, отасидай ҳурмат қилиб юрган шу инсон бугун кўзини ўлик ҳўкизнинг кўзидай қилиб унга бакрайиб бокмоқда, кўчадаги бузуқ аёллар билан муомала қилгандай гаплашаяпти. Нега? У бирор ортиқча сўз айтмаган эди-ку? Ёки шундай муомалага лойиқ ҳаракат қилдими? Индамай кетаяпти-ку.

Ризвон бир кўнгил раисни қарғаб ташламоқчи бўлди, бироқ ич-ичидан нимадир қарши чиқди, раҳбар бўлса, бир деганда ёмонотлиққа чиқариб қўяди, у — ожиза, қўлидан нима иш келади? Раҳбарга гап қайтарадиган замон эмас. Бунинг устига, ўзини ўнғайсиз ҳис этаётган бўлса-да, барибир юраги тубида раисга рўйхушлик бериш истаги бўй кўрсатаяпти. Буни ўзи ҳам тушунмайди, лекин қоронғи тун кўйнида милтиллаган, ўчиш арафасидаги чироқдай бир туйғу бўй кўрсатади. Ризвон шаддод, уятсизлардан эмас, ҳеч қачон катталар юзига қарамайди. Иболи, хокисор, эркак тўғрисида гап кетганда, ҳатто аёллар ўртасида ҳам уялиб юзига қизиллик югуради. Лекин кўнглидаги бу туйғу қайдан пайдо бўлди? Раиснинг гаплари шармандали экани, бу учун башарасига туфлаш кераклигини тушунади, бироқ ўша милтиллаб турган, ўзи ҳам англамайдиган туйғу раисга

қарши бирор нарса дейишга қўймаётган эди. Шу сабабли бу гапларни эшитмаётгандай, бошини ҳам қилиб, индамай кетаверди.

– Мени ёмон одам, хотинбоз экан, деб ўйлама, – раис дадилланди ва ичида «Ўларсан рад қилиб, ўзинг жон деб турибсан-ку, қандай рози бўлишни билмаяпсан-да», деб ўйлади. – Сенга яхшилик қилмоқчиман, бу дунёдан мана шундай ўтма, дейман. Эртага, қариганингда биров қарамайди, кейин пушаймон қиласан.

– У киши яқинда келиб қоладилар, – деди Ризвон нима демоқчилигини ўзи ҳам тушунмай. Кўнглида бўй кўрсатган ўша нотаниш туйғу секин-аста жонланмоқда.

– Сен хафа бўлмагин-ку, лекин бор ҳақиқатни айтаман — бу урушдан инсон зоти тирик қайтмайди. Бу уруш эмас, қиёмат. Унга бир кирган одам қайтиб чиқмайди.

– Сиз қайтибсиз-ку! – Ризвон ҳайрон бўлди.

– Менинг омадим чопди, шундаям бир оёқни бериб кутулдим, қолганларга шуям насиб қилмаса керак. Бу ота-бовамиз урушган қиличбозлиг-у милтиқбозлик уруши эмас. Айтдим-ку қиёмат... Бунни кўриш керак, шунда тушунасан... қулоқ остидан чўғ кўрғошинлар учиб ўтаверади, сал бош кўтарсанг бас, тешиб ўтади. Бомбалар одамларнинг устига тушиб, уларни болтачада барак учун чопилган гўштадай парча-парча қилиб юборади. Териб олиб ҳам бўлмайди.

Раис ўз ҳис-туйғулари, жанг чоғидаги ваҳима-ю кўрқувларини ҳеч нарсани билмайдиган бу оми жувонга қандай тушунтиришни билолмай боши қотди. Айтаётган гаплари ўша жангларда туйганларининг мингдан бирини ҳам ифода қилмаслигини англаб куйинди. Сўнг аламли хотираларига берилиб, асосий мавзунини унутганини эслаб қолди ва вазиятни ўнгламоқчи бўлди.

– Шуни айтаман-да... Совуқ ният қилаяпти демагин-ку, лекин Ёдгорнинг урушдан қайтишига шубҳам бор, бекорга кутганинг қолади.

– Унақа ёмон ният қилманг! – бу Ризвоннинг иззатнафсига тегди. Кўнглидан «Кутмаганда нима ҳам қилар эдим», деган гап ўтди-ку, бироқ бунни айтиш беҳаёлик ва эрига ҳурматсизлик бўлишини билиб, тилини тишлади.

– Менинг ниятим холис, йигитларимизга ҳеч ёмонлик тиламаганман, лекин барибир бу урушда ажалга чап бериш қийин. Албатта, барчалари омон қайтишсин, кеча-қундуз ўзим ҳам худодан шуни сўраяпман. Лекин бу истак билан нимани ўзгартира олардим? Уруш қанақа эканини билмайсан... Бунни

ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайди... Барибир тасаввур қилолмайсан... Даҳшат!!!

Ризвон индамади, раис эса мавзуни буриб, хато қилганини англади, аммо энди кеч, суҳбат кайфиятини ўзгартириш қийин.

– Сен билан бафуржа гаплашиб олишимиз керак, – деди тўсатдан гап оҳангини ўзгартириб Манноп. – Бу жудаям керак, ҳаёт икир-чикирлари, муаммо-ю қувончлари тўғрисида батафсил гурунг қилсак бўлар эди. Айтмоқчи гапларим кўп, юрагимни ўртаб ётибди.

Ризвон ўзини ноқулай ҳис қилди, боядан бери кутиб ўтиргани — гап ниҳоят суҳбатнинг бояги мақсадига бурилмоқда, қўрққани ҳам шундан. Тилини тишлаб, печаклар, ўт-ўланларга қоқилиб, суқилиб бораверди.

– Нимага индамайсан? Менинг таклифимни кутиб юрган аёллар қанча, биласанми? Эҳ-ҳей; ҳаммага ҳам айтавермайман буни, йўқ дема, бир маза қилайлик. Қачон учрашамиз? Хоҳласанг ҳозирнинг ўзидаёқ....

Ризвон ўзини нарироққа олди, бу билан ўзини раисдан чеккароққа тортмоқчи эди.

– Нимага қўрқиб кетдинг? Шунчалар ваҳималиманми? – раис кулди.

– Менга унақа гапларни қилманг. Бошимда эрим бор...

– Ризвон йиғлагудек бўлиб шундай деди ва орқасидан қўшиб қўйди. – Сизни ҳечам бунақа одам деб ўйламаган эдим.

– Снаряд нафақат оёғини узиб кетган деб ўйлаганмидинг?! – раис ҳиринглади. – Адашасан...

– Менга унақа гапларни қилманг! – ниҳоят Ризвон ўзини тутиб туролмади. – Раис бўлсангиз ўзингизга, қаттиқ гап эшитмайин десангиз йўлингиздан қолманг.

– Эҳ-ҳэ, жаҳлинг ёмон-ку, – раис унинг бу гапларидан бироз довдиради-ю, сездирмасликка ҳаракат қилди. – Ўзимам шунақаларни ёқтираман. Асов отга ўхшайди... Отни ҳам минмай қўйса ёввойилашади, кейин қўлга ўргатиш қийин бўлади, лекин ҳечқиси йўқ, бу ишнинг бутун лаззати ҳам шунда — қўлга ўргатишда, тихирлигини синдиришда.

Ризвон индамай тез-тез юриб илгарилаб кетди, раис от жilовини тортиб ортидан термилди: уриниб-суриниб борар экан, жаҳли чиққани, асабийлашгани сезилиб турарди. Унинг гўзаллиги, қаддининг тиклигидан Манноп яна бир бор лол қолиб, юраги энтикди. Бир кўнгил ортидан бориб, жарга кирганда тутиб олмоқчи бўлди-ку, лекин жувон қаршилиқ қилса, ёғоч оёғи билан унга бас келолмай

шарманда бўлади. Шунини ўйлаб шаштидан қайтди, оғзи ошга етганда мана бунақа таваккал ишларга қўл уриб, ҳаммасини расво қилиб қўйишдан чўчиди. Ахир колхоз раиси бўлиш ҳам кичик гап эмас.

«Барибир бир кун меники бўласан, — деди у типирчилаб турган от юганини қаттиқ тортиб. — Кўрамиз қанчагача мана шундай ноз қилар экансан.»

Раис аниқ билади — у энди кеча-ю кундуз ўзи ҳақида ўйлайди, эри тўғрисида икки йилдан буён ҳаёл суриб, жонига теккани аниқ, аёлга ҳар-ҳар замонда янги ҳис-туйғулар керак. Айниқса, манавиндай бир хиллик даврида, зерикарли ҳаёт тарзида, кўнгиллар ҳам далалар каби чатнаб, сўлиб, қовжираган бир пайтда. Унинг «Сиздан буни кутмаган эдим», деб ранжиши ҳам вақтинчалик, чунки бунақа гап оний ҳис-туйғу билан айтилади ва ўтиб кетди, ҳозир кутмагани учун ноқулай аҳволга тушди, бундан кейин севиши аниқ, чунки энди буни кутади, албатта кутади, инсоннинг табиати шунақа.

Манноп ишни қойиллатиб қўйгандай, мамнун, кўнгли алла-нечук енгиллашиб от бошини хирмонга бурди.

Дарҳақиқат, раиснинг гапларидан Ризвон ўзини йўқотди. У Маннопнинг бу қилиғидан на хафа ва на хурсанд бўлишини билмади. Фалла ўраётганларнинг кўпи раис тўғрисида гапирганда алланечук орзиқиш билан тамшаниб қўяди, унинг ўзи эса бу инсонга эътибор бермаган ва икки ўртада бирор нарса бўлиши ҳаёлига ҳам келмаган, ҳатто раис ўзини танишига ҳам шубҳаланар эди. Ахир, бирор марта гаплашмаган, унинг Ризвондан бошқаям минглаб ташвиши бўлса керак. Барча жувонларнинг раисни кўрганда орзиқиши, ортидан армон билан хўрсиниб қолишини ўйлаганда Ризвон суюнади ва ҳали бутунлай адо бўлган аёл эмаслиги, ҳали ҳам эркалар юрагига ўт қўя оладиган даражада экани, айниқса шунчалар кўп аёллар ичида яққа ўзи мана шунга қодирлигидан севинади, бироқ масаланинг иккинчи жиҳати борки, бу унинг оилали экани, номуси, ори. Ахир ҳар қандай эрка билан бир оғиз гаплашган аёлни бузуқига чиқариб қўйиладиган ахлоқ ҳукмрон шароитда қандай бировнинг ўзига кўнгил қўйгани билан мақтанади? Одамлар тошбўрон қилиб юбориши мумкин.

Ризвон икки ўт орасида қолди.

Ўша куни уйига бориб кўпдан буён соғиниб юрган ўғлини кўрганда ҳам ҳаёли жойига келмади. Аввалига момо қайнонаси Ойсара момо ўзича унинг тоби қочганини

башорат қилди, Ризвондан рад жавобини олиб, невара келинини зерикканга, чарчаганга чиқарди.

Албатта, бунга инсон зотининг чидаши оғир, аёвсиз меҳнат таъсири ҳам бор. Овқатнинг тайини йўқ — тушлиқда атала, эрталаб, кечки пайт чой билан нон, дам олишнинг вақти соати йўқ — галла донлари пишиб тўкилмасин деган мақсадда тонг саҳардан қаро тунгача ишлашади, руҳий қийноқлар — инсон ўрнида кўрилмаслик, оддий бир бригадир Тоғбегининг олдидаги итларча хорлик, олдиндаги номаълумлик, эртага нима кутаяпти, яна қандай кўнгилхираликларни тайёрлаб қўйган экан шафқатсиз ҳаёт бу шўр пешоналарга? Урушдаги фарзандлар, эрлар, оталар эсон-омон қайтадими, йўқми, буларнинг барчасига дош бериш ва матонат билан олға бориш учун, шубҳасиз тоғдай бардош, чидам ва сабр керак. Бироқ Ризвон учун булар камлик қилгандай, яна бир масала қўшилди. Бу муҳаббатми, нафратми, ўзи ҳам тушунмайди. Ишқилиб, нафрат ва муҳаббатга ўхшайдиган яна бир туйғу.

Ўша кўни Ризвон уйида қолди. Раиснинг бунақа қилигидан кейин ишга ҳафсаласи ҳам биров сўнди. Уйда кир-чирларни ювди, ўғлини чўмилтирди, ўзи ҳам ювиниб, тараниб чиройли, ёқимтой жувонга айланди. Ойнага қарай туриб негадир ғайриихтиёрий равишда «Ана энди раис кўрсайди», деган фикр хаёлидан лоп этиб ўтди ва ўзидан уялди. Ўзига дакки берган бўлди, ахир зри урушда, бегона эркакни ўйлаш, ўлардай сурбет, дакқи, чўтир ва чўлокни ёдга олиш гуноҳ эмасми? Ўзининг паҳлавондай, забардаст ва ўктам зри бор-ку, бу Манноп деганлари унинг тирноғига ҳар арзитайди! Нега уни хаёлидан кетказолмаяпти?

Шу воқеадан кейин Ризвоннинг ўз-ўзи билан кураши бошланди. Ҳаловатини ўғирлагани, тинчгина ҳаётини дўзахга айлантириб юборгани учун гоҳида раисни ўлдиргиси келади, гоҳида эса узундан узоқ, зерикарли иш чоғида уни ўйлаб, вақт ўтганини билмай, чарчоқларини унутганда хурсанд бўлади, севинади.

У нимадан фахрланади?

Шунча аёл туриб, наҳотки раис фақат унигина севиб қолган бўлса? Шунча аёл унинг орқасидан «оҳ» тортиб юрганда, раис уни танлади, демак у ҳаммадан чиройли ва ҳаммадан гўзал. Бундан севинмай бўладими? Эҳтимол, у раиснинг кўзига оддий бир бузуқ аёл бўлиб кўрингандир?!

Ризвон бир хулосага келолмайди, ўйлайди-ю ўйининг охирига етолмайди.

Орадан бир кун ўтиб, қуёш икки терак бўйи кўтарилганда ўримга қайтиб келди ва уни Тоғбеги ғазабнок қарши олди, қамчисини серпаб уришга кўп тажовуз қилди, яхшиям қай-нонаси бор экан, орага тушиб ажратиб қолди.

– Қанжиқ! – деди Тоғбеги жаҳлдан лаблари титраб, кўзлари қизариб. – Бу ерда ҳамма иш билан банд, бу эса ялло қилиб юрибди, икки кеча нима иш қилиб келдинг, кимнинг кўйнида ётдинг?

Тоғбеги оғзига келганини қайтарадиган одам эмас, раис томонидан ўзига берилган имконият ва ҳокимиятдан «унумли» фойдаланади. Унга қарши бир оғиз гапириб бўлмайди, сал жаҳли чиқди дегунча қўлидаги қамчи билан савалайди. Унинг устидан бирор жойга арз-дод қилиб бўлмайди. Қайга ҳам бориш мумкин? Раисгами? Ахир унинг ўзи тайинлаган-ку шу лавозимга ва у Тоғбегининг нималарга қодирлиги, қўлидан нима иш келишини билгани учун ҳам танлаган, акс ҳолда аксарият эркаклар урушда, бироқ қишлоқда ундан тайинлироғини топиш мумкин. Раисдан ўтиб бир жойга бориб бўлмайди, райкомга арз қилиш мумкиндир, лекин улар ҳам раҳмдиллик ва мулойимликни ҳазм қилмайдиганлар хилидан экан, билганлар шу ҳақда гапириб юради. Қаттиққўллик давлат сиёсатига айланганини бу дунёнинг бир чеккасидаги аёллар ҳам юракдан хис этади ва шундан сабр қилишга, чидашга маҳкум.

Хуллас, аёллар мана шу, илгари ҳеч ким менсимайдиган ва жинни деб устидан кулганларининг барча дўқ-пўписаларига, иддао ва жаҳлларига сабр қилиши, унинг аччиқ қамчисига бардош билан чидашлари лозим. Замон эркаликни кўтармайди.

Ризвонга бригадирнинг аччиқ гаплари ёмон таъсир қилди, кечга қадар ўзини ноқулай сезд.

Раис ғалла даласига тез-тез келиб турадиган бўлди, илгари икки-уч кунда бир келиб кетмаса, бошқа вақт қорасини кўрсатмас эди, хирмондан туриб буйруқ бериб борарди. У Тоғбегини қанча сўкмасин, унга ишонади, чунки доводир эканини, буйруқ берилса бас, ўлиб бўлса ҳам бажаришини, урушдан ўлардай чўчишини билади. Шу сабабли бошқа қишлоқларнинг даласига икки марта борганида, бу ерга бир келиб туради. Энди, қишлоқдош аёллар орасида Ризвон исмли гўзал жувон борлигини кўриб, бундан юраги яримта бўлиб бу ерга келишни кўпайтирди. Имконини топганда, кунига икки марта ҳам келади ва соатлаб шу ерда қолади, кимгадир дўқлайди, ҳазил қилади, аёлларга бошидан ўтказганларини айтиб, уларни йиғлатади, ўзининг

кўнглини кўтаради. Мақсад битта — Ризвоннинг кўнглини, меҳрини қозониш. Унинг олдида ўзини кўрсатиб қўйиш.

Раис хайрон, кўл остида шунча аёл бўлса-ю унинг кўнгли фақат биттасида, илгарилари буни хаёлига келтиролмасди.

– Раисимиз одамбашара бўлиб қолибдими? – ўримчилардан бири ўроқларни қайраш учун ўтирганларида гап бошлаб қолди. – Олдинги дўқ-пўписа йўқ.

– Уям кўр эмас, одамларга оғир эканини билади, ўлсинми, ўлганнинг устига тепган қилиб ғазаб қилавериб.

– Менимча, у бировга кўнгил қўйган. Шундан мулойимлашаяпти.

– Сенинг каллангда бир гап. Хаёлингда шундан бошқа нарса йўқ.

Ризвон эътибор берса, бу бир тўда аёлнинг эрмаги битта экан — раисни ғийбат қилиш. Эртадан кечгача нима ҳақида гаплашмасинлар, барибир мавзу шу инсонга тақалаверади. Биров яхши дейди, биров ёмон, биров ўктам дейди, бошқаси чўлоқ, гап бунда эмас, асосийси усиз ҳар қандай суҳбат тузсиз ошдай.

Албатта, Ризвон аёллар фақат раҳбар, йўлбошчи эркакни тан олиши, ундан ўзгасига эътибор берамаслигини, бу уларнинг ҳайвоний туйғулари ҳосиласи эканини тушунмайди. Дугоналари, ҳамқишлоқ қиз-жувонларнинг бу борадаги гап-сўзларидан лол. Бора-бора эса Маннопни бошқалардан рашк қилаётганини сезиб қолди. Ахир раис унгагина кўнглини ёрган, демак раисга барчадан кўпроқ ҳаққи бор, буларнинг эса тинмай раис орқасидан гап қилгани нимаси.

Ризвон кўнглида кечаётган ўйлар мискин инсон хаёлига келмаслигини билади ва бундан чўчийди. Бузуқ аёлдай фикр юритаётганидан уялади ва кўнглидаги гапларни бировлар билиб қолмаётганига шукр қилиб ўтиради.

Ўрим жойи қишлоқдан узоқлашган ва ўримчилар қишлоқ аҳли чўл деб атовчи, бир-неча адирлар орқасида жойлашган, тақир лалми ерда ишляяпти. Кундан кунга аравачиларнинг иши оғирлашмоқда: хирмон тобора узоқлашаяпти, қатнаш оғир, кун иссиқ, араванинг чархлари тез шовшайди, отларнинг силласи қурийди... Шундай бўлса ҳам Манноп раис ўримчиларнинг ҳолидан хабар олишни қанда қилгани йўқ.

Бир куни пешин чоғи овқатланиб ўтирган аёлларнинг ёнига келди:

– Маматқулни урушга олишаяпти экан. Хайрлашдиларингми? Ҳар ҳолда аравакашларинг эди.

– Хайрлашдик, – чулдиради аёллар бири олиб, бири қўйиб. – Жавоб берсангиз бориб, кузатиб келар эдик. Ярим кунга осмон узилиб тушмас.

– Хайрлашган бўлсанглар бўлди, – деди раис қатъий. – Ёғи чиқармиди, ўзим кузатаман. Тўрт-бешта бекорчи аравакаш сизлар учун ҳам хайрлашгани борган экан, бир газаб қилдим, орқа-олдига қарамай жўнади.

Шундан кейин раис гапни атайлаб Ризвонга бурди ва боласининг ҳол-аҳволини сўради.

– Ўн кундан бери хабар олганимиз йўқ, – деди ийманиб Ризвон.

– Бўлмаса, – деди раис Матлуба холага қараб. – Келинингизга жавоб беринг, бориб боласидан, кампирнинг иссиқ-совуғи, кир-чирларидан хабар олсин. Ҳозир кетаверса ҳам бўлади.

– Сиз бориб кела қолинг, амма, – Ризвон раисга эмас, кайнонасига қараб гапирди.

– Кекса одамни чоптириб юрасанми овора қилиб, – раис унга дакки берди. – Эҳ, ҳозирги ёшларни тушуниш қийин, ишни кўрса қочсам дейди.

– Ўзинг бориб келақол, – Матлуба хола келинининг эътирозини тушунмади.

– Яхши бўлар эди, – ўртага суқилди Фотима хола. – Ойсара момо ҳам хавотир бўлиб ўтирган бўлса керак. Икки ўртада мен ҳам уйга бориб, кирларни чайиб келардим.

– Сизга нима бор экан? Ўзингиз мункиллаб қолган бўлсангиз, қишлоққа тушиб келаман деб узликиб қолманг, – раисга Фотима холанинг гапи ёқмади. Унинг ўз режалари бор.

– Бўлмаса келинининг ўзини ёлғиз юборамизми? Шундай биёбондан, а? – Фотима хола ажабланди. – Яхши бор, ёмон бор...

– Ҳозир бу яқин ўртада эркак зотини кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди, нимадан кўрқади? – раис гапни айлантирди.

– Ким айтди сизга аёллар фақат эркаклардан кўрқади деб? – Рухсат шаддод кулди.

– Бўлмаса холамиз нимадан чўчияпти?

– Эркақдан бошқа ёввойи жониворлар ҳам кўп-да чўлда. Кечалари увиллаб чиқади.

Раис Фотима холани Ризвон билан қўшиб қишлоққа юборишга мажбур бўлди. Унинг бу борада тузиб юрган режаси

барбод этилди ва ҳафсаласи қайтди. Эртага бирор нарсани ўйлаб топишни кўнглига тугиб қўйди.

– Майли сизларга жавоб, эртага кечга қайтиб келсаларингиз бўлади. Фақат кечки овқатни, нонуштани ким тайёрлайди?

– Ўзимиз тайёрлайверамиз, – чувиллашди аёллар. – «Овқат», «нонушта» деб оғизни тўлдириб гапирасизки, худди ёғли палов қилиб берадигандай.

– Бўлади, палов ҳам бўлади, режани бажариб олайлик, шахсан ўзим бир қўй сўйиб, барчани меҳмонга чақираман.

Раис ҳаловатини йўқотган, ғалла ўрими якунига етаётганини ўйлаб, ичи куймоқда. Ахир ўримдан кейин аёлларни уйларида олиб чиқиш мушкул, бу каби имконият бўлмайти. Шу сабаб кўнглига тугиб қўйган шум ниятини ўрим якунламай амалга оширмакчи ва оёғи куйган товукдай беҳаловат. Ахир кун ўтган сари бу меванинг таъмини тотиб кўриш истаги кучайяпти.

Эртаси куни Манноп колхознинг ғалла далаларини кўздан кечириб, пешинга яқин қишлоққа қайтди. Олдин Фотиما холанинг уйига кириб, бугун далага бормаса ҳам бўлаверишини айтди. Сўнг Ойсара момоникига ўтди. Кампир ҳовлида куймаланиб юрган экан, унга Фотима холанинг иши чиққани, неvara келини тезроқ далага ўтишини тайинлаб, от бошини буриб кетиб қолди.

Ойсара момо Маннопни хурмат қилади. Ахир ёлғиз неvarаси билан урушда бўлган, унинг тириклигидан хабар келтирган, у билан жангга киргани улуғламай бўладими? Раиснинг бу оилага иззат билан муносабатда бўлишини ҳис қилади, ҳар ҳолда бошқалар каби уларни сўкмаган, уришмаган, дакки бермаган. У неvara келинини чақириб, далага боришини айтди.

– Бормасам-чи, – иккиланди Ризвон. – Нимагадир кўнглим чопмаяпти... Чўл узоқ, йўлда бўри чиқса-чи?

– Бўрига бало бор эканми? – Ойсара момо раиснинг ишончини суиистеъмол қилинишини истамади. – Бор қизим, раис ишониб жавоб берган экан, юзига оёқ босма, ўзи келиб тайинлади.

Ризвон баҳона топиб, бормасликнинг йўлини қилмоқчи бўлди, ич-ичидан раис ниманидир режалаштирганини ҳис қилди. Лекин нима, ақли етмаяпти. Момо қайнонасининг қийин-қистовидан сўнг боришга қарор қилди. Ўзининг ҳам кўнглида бунинг оқибати нима билан якун топишига қизиқиш ортиб бормоқда. Ақли бу ишлар нобоп эканини уқтирмасин, юраги барибир ўз билганидан қолмайди,

хапкиради, безовта бўлади. Ризвон ҳозир ҳам юраги амрига бўйсунди ва буни момо қайнонасининг топширигини бажараётгани билан оқлаб юбормоқчи бўлди. Ўз онги олдида ўзини мана шу баҳона билан оқлади.

У қўлига бир тугунчага эртапишар олма, яна бирига эса ўрик туғиб, йўлга тушди. Қоқ пешин чоғи, қишлоқдан бир қадам нарида тирик жондан асар йўқ. Ҳатто қишлоқ кўчаларида ҳам жон зоти учрамайди. Ўримга бормаган қариялар соя-салқинни эгаллаб ухлаб ётибди. Ҳатто бебош, беўй болалар ҳам бундай иссиқда бирор мевали дарахт ёки ҳовузнинг ёнига бориб, нари жилмайди. Ризвон эса йўлда. Бошидаги рўмоли-да оғирлик қилаяпти. Ҳавонинг иссиқлигидан томирдаги қон ҳам қайнагандай, аъзойи бадани қизийди, тер челақдан қуйгандай оқади, қўйлагининг елкалари нам бўлади-ю иссиқ таъсирида қуриб қолади. Бундай иссиқда оёқларини кўтариб босиш ҳам малол келмоқда. Елкасига оғир юк осилгандай. Ён атрофдан ғалласи ўриб олинган далалардан ҳил чиқади, Ризвон ўзини қайнаб турган товага тушгандай ҳис қилмоқда.

У қишлоқ ёнидаги жарликдан ўтгач, юриши яна-да оғирлашди, атрофдаги эски боғлардан қолган яккам-дуккам дарахтлар ҳали ҳам ям-яшил ва шуларнинг салқини бор. Ҳар ҳолда, уларга, кўм-кўк, яшнаб турганига қараб, киши иссиқни бироз унутади. Жардан кейин эса ҳеч вақо йўқ. Ё ғалласи ўриб олинган сап-сарик, тақир дала ёки янтоқлар қовжираган, чақир тиканак босган чўл. Бу ерда куннинг иссиғида даладай сап-сарик, намоз ўқиётгандай бўлиб, орқаси билан ўтириб, олдинги оёқчаларини кўкрагига қисиб, атрофга боқиб турган юмронқозиклардан ўзга тирик жонзод кўзга ташланмайди.

Бу ерларда қўй тикан билан чақиртикан мўл. Ризвон эҳтиёт бўлиб юришга мажбур, бири қўйлакка ёпишиб, иккинчиси калишга санчилиб, озор беради.

Ризвон кетиб борар экан, қишлоқ орқада қолгач, бир отлик илдам келаётганини илғади. Отнинг тусидан Манноп раис эканига шубҳа қилмади, юришини тезлатмоқчи бўлди-ю фикридан қайтди. Раис билан учрашишни истаяпти, лекин у ўзи бунчалар беҳаё, бузук аёл эканига ишонмайди, шу сабабли «Тез юрсам тиканлар қўйлагимга ёпишади, калишимни тешиб юборади», деган баҳона билан юришини ўзгартирмади, ҳатто бироз секинлади. Қани бу ёғи нима бўларкан, деган қизиқиш юрагини эгаллаб бормоқда.

Отлик эса шошаяпти, орқасидан енгил чанг кўтариб отни чоптириб келаяпти. Ризвон тез-тез қишлоқ тарафга ўгирилиб

қараб қўяверди. Хаёлидан турмуш ўртоғи кўтарилган эди. Бутун ўй-хаёли раисда. Ниҳоят у отини қичаб етиб олди. Йўлнинг ярми босиб ўтилган, ҳали олдинда иккита адир бор.

– Ниҳоят етдим-ку сенга, – деди терлаб-пишган Манноп Ризвонга яқинлашиб. – Намунча тез юрмасанг. Поездга кеч қоладиганга ўхшайсан, а?

– Мен поезд нима эканини билмайман, кўрганим йўқ, – деди Ризвон. У негадир бу сафар раисга қўполлик қилишдан чўчиётган эди.

Бундай муомалани кутмаган Маннопнинг юраги хапқирди, хаёлига «Ўзинг ўлиб турган экансан-ку, олдинги сафар олифталик қилган экансан-да. Биламан, сенларнинг баринг бир гўр, барингнинг фикри-ўйинг бир нарсада» деган ўй келди.

Бирок бу ўйлар тўғрисида сўзламади.

– Поезд жуда катта нарса, ўзинг ўйла, анави Маматқул, Ҳазратқул ва Жабборларнинг араваларига ўхшайди-ку, лекин ҳар бир вағони улардан юз марта катта. Вагонларни паровоз тортиб юради. Биз урушга шунда борганмиз, бир ҳафтадан кўп юрганмиз. Тушгандан кейин ҳам бир кун кўни-колмаганман, худди оёғим остидаги ер тарақа-туруқ қилиб юриб кетгандай бўлаверган.

Ризвонга бу яна уруш тўғрисида гап бошлагани ёқмади. Чунки ўримда бунақа ҳикояларини кўп эшитган, унда бу гаплар ёқар эди, ҳозир эса негадир энсасини котибди. Тўғриси, раисдан бунақа гап кутмаган эди. Ризвон ҳозир Манноп раис Ёдгорни эслаб қолиши мумкинлигини англаб чўчиди. Ахир ноқулай-да. Биров эрини эсга солмаслигини истаётганидан ўзи ҳам ҳайрон.

– Режа тўлдими? – Ризвон гапни бошқа мавзуга буриб юбормоқчи бўлди.

– Кам қолди, – деди раис эгарда ўтирган ҳолда қимирлаб қаддини тиклади. – Райком бованинг шахсан ўзи ваъда берган, режа тўлса тўй қилиб бераман, деган. Орденга ҳам тавсия этмоқчи. Ўзиям райондаги энг илғор колхоз-да, бизники. Барчадан олдиндамиз... Агар орден беришса, урушдан қайтганлар ҳам ўсал бўлса керак, «Биз шунча жанг қилиб ололмаган орденни бу қандай қилиб олди экан», деб.

Раис ширин хаёлларига берилди. Ризвонга бу ҳам ёқмади, Маннопдан жаҳли чиқди.

– Ордени бошидан қолсин, еб бўларканми?

– Сен унақа дема, қамалиб кетма яна, – раис хушёрликни оширди. – Умуман сиёсатга аралашмаслик керак. Жимгина галласини ўриб юрган одам ютади.

– Бу ерда тикан кўп экан, – деди Ризвон ноз билан ўнг оёғини кўтариб. – Ҳеч юриб бўлмаёпти.

– Отимга миндириб олайми? – Манноп раис ниҳоят кўнглидаги мақсадига яқинлашди. – Маза қилиб кетасан.

– Керак эмас, уят бўлади, – деди Ризвон ноз билан. – Ҳали оримни йўқотганим йўқ.

Раис бу гапни тескари маънода тушунди, ичига титроқ кирди, аъзойи бадани бўйлаб совуқ тер югургандай бўлди, ягона оёғи-да қалтиради. Нима дейишини билмай гапини йўқотди. Негадир бу сафар олдинги мардлиги, совуққонлиги йўқ, ўзини ушлаб туролмаяпти.

Олдинги сафар оддий безоридай иш тутган, унда ҳали Ризвонни билмасди. Энди кўнглини ўрганиб, ҳис-туйғуларини оз бўлса-да англади, қайсидир маънода ёқтириб қолди. Ўйлаб қўйган режасини оламшумул ҳисоблайди. Шундан — ўз олдига қўйган мақсадидан кўрқиб оёғи қалтираб, нима қиларини, нима деярини билмай довдираяпти.

Улар гап-сўзсиз анча юриб борди. Раис отини Ризвонга яқинлаштиришга ҳаракат қилди, жувон отдан ачқимтир тер ҳидини туйиб, болалик хотиралари, келинлигини эслади. Отасининг оти бор эди ва ундан ҳам мана шундай ҳид келарди. Ёдгорнинг бир кўкимтир тулпори бўлиб, эрининг унга меҳри бўлакча эди. Ушбу уловни унинг ўзидан сал бурун урушга олиб кетишди.

От ҳидидан Ризвоннинг кўнглида ширин хотиралар жонланди. Эрини эслаб юраги эзилди. Шу пайтгача кўнглида бўлиб ўтган ўй-фикрларидан ўзи уялди, бу ердан тезроқ узоқлашгиси келди. Акс ҳолда тузатиб бўлмас ишга қўл уришдан, ўзини тийиб туролмасликдан чўчиди.

Улар бир адирдан ошиб ўтгач, Манноп ниҳоят Ризвоннинг кўлидаги тугунчаларни илғади.

– Нима кўтариб олгансан, овора бўлиб?

– Ўримчиларга мева-чева олиб бораётган эдим.

– Менга бер, эгарга боғлаб оламан.

– Йўқ, оғир эмас, ўзим кўтариб кетавераман.

– Беравер, нимага бунча ноз қиласан. – Раис энгашиб, унинг чап кўлидаги тугунни олди. – Нима бало, қишлоқнинг ҳамма олмасини тугиб олганмисан, оғирлигиничи? Унисиниям бер.

Ризвон ўнг кўлидаги тугунни ҳам узатди. Манноп шошди — бир кўлида тугун, иккинчисида юган билан қамчи, иккинчи тугунни олишнинг иложини қилолмай гангиди.

– Шошма, – деди у ниҳоят. – Мен тушаман-у иккала тугунни бир-бирига боғлаб, хуржун қилиб от белига ташлаб қўяман.

Шундай деб у отдан тушди, бир довдираб ўзини тутиб олгач, лапанглаб қўлидаги тугунни ерга қўйди, арқонни олиб, учидан боғлади ва Ризвон тутиб турган тугунни олиш учун қўлини чўзди, бармоқлари жувоннинг билагига тегиб, юраги халқирди, эти жимирлади. Ризвон ҳам сесканди. Мана, неча йилдан буён эркакка бунча яқин келмаган. Унинг дағал бармоқлари билагига тегиб юраги жунбушга келди, аллақандай, кўпдан буён орзиқиб кутганини учратгандай, бутун бадани бўйлаб ширин бир тўлқин тарқалди, ҳатто оёқ бармоқлари учигача жимирлади. Ўзининг ҳам тирик экани, танасида жон борлигини ҳис қилди. Бироқ бу туйғу кўнглида кўркувга ўхшаш сирли бир ҳайиқишни ҳам уйғотди, бунинг номи нима эканини тушунмади. Бу юракни ўйнатувчи ширин ҳадик эди, жар ёқасида туриб пастга қараганда бошнинг айлангани каби мавҳум ва жозибали. Ризвон авваллари эркакнинг биргина бармоғи тегишидан шунча ҳаяжонланиш мумкинлигини тасаввур қилолмас эди. Ўзига нима бўлганини тушунмади. Донг қотиб тураверди. Онги унга бу иши дуруст эмаслиги, ҳозироқ нари кетишни уқтирса, юрагининг туб-тубидаги аллақандай туйғу жойидан жилмасликни, кутишни уқтираяпти.

Ризвон қотиб тураверди. Манноп раис унинг қўлидан тугунни олгач, арқон билан боғлаб линг қилди ва эгар устига ташлади. Нимага бундай қилаётганини тушунмайди. Ризвон билан ўримга бориш нияти йўқ, одамлар орасида ҳар хил бўлар-бўлмас гап чиқишини билади. Сал наридан ёлғиз жўнатиб юбормоқчи, унда нима учун қўлидаги тугунни олиб отга ортди, тушунмади.

Манноп раис орқага қадам ташлайман деб довдиради. Ёнида турган Ризвон эса билагидан тутиб қолди.

– Ҳушёр бўлинг! – Ризвон шундай деди-ю ток ургандай қўлини тортиб олди.

– Раҳмат! – Манноп ўзини йўқотиб қўймади. – Бир оёқнинг йўқлиги кўп панд бераяпти-да, – шундай деб у Ризвонга ўғирилди, юзига қон югурди. – Бунчалар чиройли бўлмасанг!

Ризвон уялди, довдиради, боя кетиб қолмаганига афсус қилди, шундай қилганида ноқулай вазиятга тушмаган бўларди. Илк бор раис билан ёлғиз учрашган дамни эслади. Ўша туйғулар қайта уйғонди. Ўшанда у хижолат бўлган, раисга нима деб жавоб қайтаришни билмай каловланган эди. Жувон кўзларини олиб қочди.

– Мен кетдим... – у шундай деганча ўғирилиб юришга чоғланди.

– Шошма, – раис унинг билагидан маҳкам ушлади.

Маннолнинг метиндек панжаси билагини қаттиқ сиққан Ризвон унинг кучли экани, ўзининг ожизлигини бутун аъзойи бадани билан туйди.

– Мен кетишим керак, қўйворинг, – Ризвон шундай деб бир тортинди. Бироқ у бу панжадан қутулиб бўлмастлигини тушунди, балки ўзи шуни истаётгандир ва шунинг учун бу енгиб бўлмас кучдай туюлаётгандир — ўзи ҳам тузук-қурук билмайди.

– Кетишга ҳамма вақт улгурамиз, Ризвон! – раиснинг кўзларига қон тўлди, овози дағаллашди ва титраб чиқди. Бу аёл юрагида яна ҳам кўпроқ кўркув уйғотди. – Мен билан ярим соат қол, ўлиб қолай деяпман. Майли, ишондим, сенга ҳеч нарса керак эмас, лекин мен учун қол. Хўп, де. Мен учун! Урушдан тирик қайтдим, лекин сени деб ўлишим керакми энди? Бир йигитнинг раъйини қайтарма.

Ризвон унинг кўзларидаги даҳшатли, хирс тўла нигоҳларни туйиб, бошини бошқа ёққа бурди.

– И, нималар деяпсиз, ахир бошимда эрим бор, биров кўриб қолса, нима деган одам бўламиз?

Эҳтимол кейинги гапларини айтмаганда раис Ризвонни қўйиб юборармиди, ўзига ишончи секин-аста сўнаётган ва бу ишни кейинроққа сурарман деб ўзини кўндираётган эди. Қоқ пешин чоғи, бийдай далада ким шу иш билан шуғулланади? Бу ёққа келар чоғида кейинроқ бир жойда учрашиш ваъдасини олиб келаман, деб ўйлаган эди. Бироқ Ризвоннинг кейинги гапидан «мумкин экан», деган хулосага келди. Бу аёл ўзидан эмас, атрофдагилардан чўчиётган экан, демак ўзи рози, кўнглида нияти бор. Ҳаракат қилса, ён-атрофдагилардан ҳадиксираш, уялиш ҳисси ҳам йўқолади, эҳтимол буям шунчаки, йўлига, бузуқ экан, деб ўйламасин учун айтилгандир.

Шу ўйлар билан Маннол раис Ризвонни маҳкам кучоғига босди. У ўзича типирчилаган бўлди, қаршилиқ қилди, бироқ овоз чиқармади, ошириб юбормади. Раис шунчалар кучли эканиданми ёки аёлнинг қаршилиги сустми, англолмади, тушунишга ҳаракат ҳам қилмади. Раиснинг бир оёғи йўқ эмасми, иккисига уч оёқ камлик қилди ва мувозанатни йўқотиб ёнга қулаб тушишди. Бироқ бунга парво қилишмади. Иккаласи ҳам ҳозир оғриқ туядиган аҳволда эмас.

Ризвон раиснинг уст-бошидан анқийётган тер ҳидидан маст. Илгари эридан шундай ис келса ижирғанар, бурнини жийирар эди. Энди ёшлик, беғуборлик йилларини, бахтини эслатгани учун бу ис энг ёқимли, дунёда тенги йўқ

ифордай туюлди. Сармаст бўлди. Ўша — келинчақлигида эри билан бахтли яшаган онлари ёдига тушиб тамшанди, томоқлари қақради, юраги дупурлаб юзларига қон югурди. Иккаласи ҳам жиққа терга ботди. Иккаласининг ҳам кўнгли безовта, ширин таомни кўрган болакайдек ҳовлиқиб типирчилар эди. Бутун аъзойи баданлари титраб, энтикиб, ўзларини идрок қила олишолмаяпти.

Раис лабини чўчайтириб Ризвонни ўпмоқчи бўлди, унинг ўсган, тиканақдек соқол-мўйлови жувоннинг нозик юзига қадалиб қичитди ва у бошини буришга ҳаракат қилди.

– Биров кўриб қолади, шарманда бўламиз, – деди ниҳоят Ризвон тилга кириб.

– Индама, индама... – раис нима дейишни билмади.

– Эй, сиз нима қиляпсиз ўзи? – Ризвон типирчилади.

Манноп унинг кўйлаги этагига ёпишган эди.

– Жим... Жим... – Маннопнинг овози титради.

– Эсингиз жойидами ўзи? Мени ким деб ўйляпсиз?

Учраган билан кетаверадиган одам эмасман, – Ризвон жиддий қаршилиқ қилмаётган бўлса-да, тиним билмасдан жаврамоқда.

Раис тушундики, аёлнинг кўнгли юмшаган, фақат ҳозир бу ерда зўрлашга ўхшаш бир ҳаракат қилиш лозимки, бутун айб ва гуноҳ ўзининг зиммасида қолсин. Ёки бир амаллаб ёлғон гаплар билан уни кўндириш керакки, охир оқибатда у вазиятдан ожиз ва бечора бўлиб чиқсин, яъни ўз инон ихтиёридан ташқарида шу ишга қўл ургандай бўлиб туюлсин. Ризвон айнан шуни истаётганини раис тушунган эди.

«Бунча ноз қилмаса бу, ўзи бир жалаб бўлса», деб ўйлади терлаб-пишган раис, унинг этагини тополмай ўнг қўли билан аёлнинг таранг, силлиқ ва бўлиқ сонларини пайпаслар экан.

– Эсингиз жойидами? Ахир эртага бир-биримизнинг кўзимизга қандай қараймиз, қишлоқдошлар олдида нима деган одам бўламиз?! Кўйиб юборинг, илтимос, кўйиб юборинг, жон ака, кўйиб юборинг.

– Ҳозир, ҳозир!!! – Манноп шундан бошқа нима дейишини ҳам билмайди, бирор гап айтиш ҳақида ўйлаётгани ҳам йўқ.

– Ахир сиз менинг хўжайинимни танийсиз-ку, бирга урушга боргансиз. Қанақасига унга хиёнат қиламиз... Бирортаси кўриб қолса шарманда бўламиз...

Маннопнинг қулоғига гап кирмай қолди, у Ризвон бир нималар дейётганини гира-шира англаяпти, бироқ бу билан неча пуллик иши бор?

Ниҳоят...

Ризвоннинг қорин бўшлиғидан таралган ширин тўлқинлар, иссиқлик бутун танаси бўйлаб ёйилди ва раисни қаттиқ қучоқлаб олди.

...Манноп ўрnidан турганида Ризвон кўзларини юмганча, бутун дунёни унутган, ўзининг сирли оламига фарқ бўлган, антикиб ётар эди. Маннопнинг кўзига боя чўғдай кўринган Ризвоннинг оппоқ танаси энди гашини келтирди:

– Кўйлагингни тўғрилаб ол, – деди у кўпол ва менсимаган оҳангда.

Унинг гап оҳанги Ризвонни ажаблантирмади, иззат-нафсига тегмади.

– Раҳмат сизга! – деди Ризвон бу гап билан шаъни ерга урилишини сезаётганини билса ҳам.

– Тур, тез бўл, бирортаси кўриб қолмасин.

Маннопнинг юрагига ташвиш инди. Қилган ишидан пушаймон ва имкон қадар тезроқ бу палакат босган ердан қочиб қолишни истади. У шунча вақтдан буён ўйлаб юргани, орзу қилгани, Ёдгорнинг афсонадай антикиб айтиб берган гаплари асоссиз эканини англади. Қанчалар гўзал, жозибали бўлмасин Ризвон оддий одам экан...

Ризвон эса ҳамон еттинчи осмонда, неча йиллардан буён елкасини босиб турган юқдан қутулгандай, енгил бўлиб қолди, учгиси келмоқда ва ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ, ёнида Манноп бўлса бас. Бир оёқли, кўпол, соч-соқоли ўсган, устидан ўзи ва отининг кўланса тери ҳиди анқиган бу инсон кўзига шунчалар яхши кўринаётган эдики, «жонинггни бер» деса, ўлишга тайёр. Шу оннинг ўзидаёқ кўнглига келган бир гапни айтмоқчи бўлди. Кейин имкон бўладими-йўқми.

– Манноп ака, – деди устини тўғрилай туриб ерга қараганча, – хотинингизни кўйиб, менга уйланинг... қулингиз бўламан...

Манноп аёлдан бунақа гап чиқишини хаёлига келтирмаган. Юраги орқасига тортди. Ризвон ҳақиқатан ҳам эҳтирос чоғида кўнглини яширолмаслигига имон келтириб хавотирга тушди. Ахир буни шунчалар содда деб ўйламаган, дарров ёпишиб олишини хаёлига келтирмаган. Айниқса, нафси қониб тўйган кўзидай бўлиб, Ризвоннинг юзига қараса кўнгли айниётган пайтда шу ёқармиди?

– Эсинг жойидами? Мен сенга қачон бунақа гапларни айтдим? Болаларим бор, сенинг эринг ҳам ҳали тирик. Одамга сал ор-номус керак!

– Энди... айтдим-да.

Ризвон каловланди. Нотўғри гап қилиб Маннопнинг кўнглига тегиб қўйганидан юраги хижил бўлди.

– Тез-тез бўл, бирортаси ўтиб қолмасин.

Раис шўрлаб оқариб туз йиғилган ҳарбийча гимнастёркаси, галифе шими ва қийшайган ёғоч оёғини тўғрилади. Ризвон ўрнидан турди, устини қоқди ва уятдан қизарган юзларини чеккага буриб тураверди. Назарида, ҳозир дунёда Манноп раисдан-да ўқтам, кучли ва салобатли эркак йўқдай, унга бўйсунуш, олдида бўйин эгиб туриш унга завқ бағишламоқда. Раис шоша-пиша боя ўзи тугиб отга ортган иккита тугунни қайтадан ерга олиб ечди, арқонни эгарга ташлаб, отга сапчиб минмоқчи эди, ёғоч оёғи отнинг эгарига тегиб ўтмай қолди.

– Қарашиб юбор, – деди у Ризвонга. – Оёғимни туртиб юбор, ногиронлик ҳам жонга тегди...

Ризвон индамай бориб, яна бир марта уриниш қилаётган раиснинг ёғоч оёғини кўтариб юборди. Раис отга минганда, Ризвон унинг белидан маҳкам қучиб, сира-сира қўйиб юбормасам, деган хаёлга борди. Маннопнинг эса бунақа романтик ўй-хаёллар билан иши йўқ ва бир оғиз сўз демай, отига қамчи босиб қишлоққа жўнади.

Ризвон унинг бу қилиғидан бироз ранжиди ва «Ҳеч бўлмаганда хайрлашиб кетса бўлар эди», деб ўйланиб қолди. Бу юрагига оғир ботди, ахир ҳозиргина эҳтирослар қучоғида унга ёпишиб, бир умрга қўйиб юбормайдигандек эди-ку, бир онда ҳаммасини унутиб апил-тапил жўнаворди. Ризвон барибир хурсанд. Гуноҳ иши учун Маннопнинг виждони қийналаяпти деб ўйлади. У ўзини қушдай енгил ҳис қилмоқда, юрагида тошдай босиб ётган дардлар эриб кетгандай, дунё кўзига чиройли кўринмоқда, ҳаёт ваҳший эмаслигига, ҳали ҳаммаси ўнгланишига ишонди. Икки қўлига тугунларни олиб, ўзича нималарнидир хиргойи қилиб ўримчилар томонга юрди.

Ҳозир на эри борлиги ва на биров кўрган бўлса, оқибати ёмон бўлиши уни қизиқтирар эди. Бутун ўй-хаёли Манноп раис ва ҳозиргина бўлиб ўтган эҳтиросли дақиқаларда. Ушбу онлар таъсиридан сармаст, ўзича минғирлаб қўшиқ куйлаб бормоқда.

У шу эҳтиросли онлар учун икки инсон умри хазон бўлишини ҳали билмас, шу эҳтирос алами учун кимлардир ҳаётини тикишини хаёлига келтиролмас эди. Ўйладики, ҳаммаси одамлар ўйлагандай ваҳимали ва кўрқинчли эмас экан. Шу кунга қадар бегона эркак билан бўлиш даҳшат деган фикрда эди, бироқ мана ўша босқичдан сакраб

Ўтди-ю, бунинг ҳеч қандай кўрқинчли жойи йўқлигини кўриб, ҳатто ҳайратланди ҳам. Барчаси бир пиёла чой ичгандай осон ва содда эканини англади. Ризвон бундан қониқиш ва ҳузур-ҳаловатдан ўзга бирор нарсани ҳис қилмади. Одамларнинг бу борада ҳеч нарсадан хабардор эмаслигига ишонди.

Манноп раис билан бўлди, хўш нима қипти шунга? Бирор жойи камайиб қолмади, ҳеч нарса ўзгармади. У ўша-ўша, Манноп ўша-ўша.

Ризвон бу иш тез ва кутилмаганда ўтгани учун ҳаммаси содда, беғараз ва осон экан, деган нотўғри хулосага келган эди.

Нормурод раисдан калтак еб анча вақт Нигорадан уялиб юрди, ёнига боришга бети чидамади. Орадан икки кун ўтиб, қиз қишлоққа кетди. Қизини раис қамчилганини эшитган онаси келиб, Нигорани орқага қайтариб юборган эди. Шундан сўнг Нормурод уни қайтиб кўрмади. Иш қизгин, эртадан кечга қадар аравада юради, кечалари гоҳ даштда қолади, гоҳ уйга келади, шунда ҳам ярим тунда. Қишлоқ болалари, оталари урушда, оналар ўримдалиги сабабли, гузар-гузар йиғилиб, бир том устига чиқиб уйкуга кирган бўлади.

Нормуроднинг раис билан муносабати бутунлай совиди, имкон қадар кўзига кўринмасликка ҳаракат қилади, бироқ бунинг иложи йўқ. Раис гижинглаган отини миниб, хирмон ва дала ўртасида айланиб юради. Хоҳласа-хоҳламаса барибир дуч келади. Узоқдан қорасини кўрди дегунча, кайфияти ўз-ўзидан бузилиб, юраги қоронғилашади. Манноп раис ҳам ҳар учраганда уни бир сўкиб ўтмаса кўнгли тинчимайди. Қанча уринмасин, Нормурод бунинг сабабини билмади. Манноп ўшанда ўзига гап қайтарганини кечиролмайди.

– Ахангга айт, кўпам жиғимга тегавермасин, – деди бир кун Нормурод Замонга. – Учраган ерда сўкавериб, жонимга тегди. Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бор. Бир кунмас бир кун мен ҳам ёриламман, пичоқлаб ташлайман. Ёши катта, амали бор, деб қачонгача ҳурмат қилиш мумкин?

– Кошки акам гапимга кирса. Урушдан бошқача бўлиб келган, ҳеч кимга қулоқ осмайди, жаҳли ёмон, нуқул ғазаб қилади. Лекин сен ўйланма, кўнглида кири йўқ, – Замон унга тасалли беришдан нарига ўтмади. Улар ҳам Маннопнинг феълидан кўп азият чекишади, бировга ғиқ этиб оғиз очишолмайди.

Ёзнинг ўрталарида Замон билан Нормуроддан бир ёш катта Маматкул урушга чақирилди. Уни кузатиш маросими олдингидай дабдабали бўлмади, раиснинг зуғуми остида аёллардан ҳеч ким ўримни ташлаб қишлоққа келолмади. Фақат энг яқин қариндошларига рухсат берилди. Замон, Жаббор ва Нормуродлар ҳам таваккал қилиб, ўша куни эрталаб ишга кечроқ чиқмоқчи, ўртоқларини кузатиб қўймоқчи бўлди.

Кўпчилик йиғилиб, жўралар ўзаро ҳазиллашиб, Маматкул:
– Биз бораяпмиз-ку, лекин етганимизча уруш тугайди, – деб турганида Манноп раис келиб қолди.

Бўз йигитчаларнинг ишга бормай бу ерда аёлларга ўхшаб хайр-хўшлашиб юрганидан газаби қайнаб бақириб берди. Сўкиш эшитиб, юзлари шувут, бир-бирларидан уялган бўз болалар бошларини ҳам қилиб орқага қайтди.

– Хей, акангнинг ҳам энасини ... – сўкинди Нормурод улар қишлоқдан чиққанларидан сўнг бошқа аравадаги Замонга қараб. – Урушдан одам бўлиб қайтмапти у.

– Сўкинма, мениям сўккан бўласан... – Замон Нормуроддан чўчийди, унинг жаҳли чиқса отасини ҳам танимай қоладиган одатини билади, шу сабабли секин гапираяпти.

– Давлатнинг иши қолиб кетмасин дейди-да, юқоридан талаб шу. Томорқасида ишлатмаяпти-ку бизни.

– Томорқаси учун шунча газаб қилса тушунар эдим, бу аҳмоқ аканг давлат иши деб қуйиб-ёниб кетаяпти-ку худди у одамларни сўкмаса хотини талоқ бўладигандай.

Нормурод Замондан кўркмайди, олдида акасини ҳақорат қилаверади.

Замон унинг гапларини эшитишни истамай, отини ниқтаб илгарилаб кетди. Яна Нормуроднинг бир ўзи қолди. Йўлда икки марта арава чархини тўғрилаб етиб келганида, жўралари юк ортиб орқага қайтган эди.

– Нормурод, улим, – деди Нигоранинг онаси у инқиллаб боғларни аравага ортаётганида. – Иложини топиб қишлоққа кириб, қизим Нигорани олиб келолмайсанми, уйдан тоза кийимларимни келтирсин. Кейин ўзиниям бир кўргим келаяпти, соғиндим.

– Майли, раиснинг кўзини шамғалат қилиб амаллайман, – Нормуродга аёлнинг гапи ёқди.

Унинг ўзи ҳам анчадан буён Нигорани кўрмаган ва шундан ўзини кўярга жой тополмай юрган эди. Нимагадир шунақа, шу қизни узоқроқ вақт кўрмаса соғинаверади, бир жойда ўтиролмай қолади. Учратди дегунча, барча соғинч, хис-туйғулари тумтарақай бўлади. Ўша, қоп-қора экан-ку

ҳалиям, деб кўнгли тинчланади, шу қизнинг нимасини соғинавераман, деб бироз ҳафсаласи пир бўлади.

Нормурод иккинчи марта боришида, қишлоққа киришининг иложини қилди ва амаллаб Нигорани топди. У икки ҳовли наридаги дугонасиникига бориб, томга ташланган туршакларни йиғиштиришда ёрдамлашаётган экан.

– Ҳа, нима қилиб адашиб юрибсан қишлоғимизда, – деди у томдан туриб пастда чангга ботган Нормуродга кўзи тушиб.

– Қишлоқ сеники бўлдими? Қачондан бери? – Нормурод отдан тушиб, бир-икки сакраб оёқларига қон югуртирди.

– Эгарда ўтиравериб, яғир бўлгандирсан ўзиям, – Нигора шаддод кулди.

Нормуроднинг юзи қизарди. Уялмагани-чи.

– Томда нима қиялпсан? – сўради мавзуни ўзгартириб.

– Туршак йиғаяпмиз. Керакми?

Нормурод офтоб тиғида қотган, иссиқ туршакни ёқтиради. Унинг мазаси қандайдир бошқача бўлади, шимган сари шираси чиқаверади. Қишга бориб сал намиқиб қолади. Ширин тамшанди-ю «озроқ ташла», дейишга андиша қилди.

– Нимага индамайсан, қорнинг тўқми?

– Тўқ, – деди Нормурод жаҳл билан. Шуниям сўраб ўтирарканми.

– Ёмон ёлғончисан-да, лабинг гезариб уч кундан бери овқат емаганинг кўриниб турибди-ку... ҳаммани кўйиб, шу раис сени овқатлантирармиди. Ма, ушла...

Нормурод «ие-ие» дегунича Нигора бир сиқим туршакни отиб юборди. Йигит улардан биттасинигина тутиб олди, қолганлари ажриқ устига сочилди.

– Мени знанг юборган эди, – деди Нормурод шоша-пиша оғзига солишдан ўзини зўрга тийиб туршакларни қўлида ушлаб турар экан, ютинди. – Уст-бошини олиб мен билан бирга борар экансан.

– Ёлғон гапирма. – Нигора ишонмади. – Мен нима қиламан у ерда? Олдинги сафар ўзлари бу ерга энди келмайсан, дегандилар, Бадқовоқ раиснинг олдига боргим йўқ.

– Сени алдаб туш кўриппанми? – Нормурод ранжиди. – Знангга келишни истамади, деб кўяйми?

– Шошма, дарров хафа бўлиб қолишингни-чи. Ҳозир пастга тушаман, гаплашиб оламыз.

Нигора тезда ҳовлини айланиб, кўчага чиқиб келди. Қўлларида туршак сиқимлаб олган.

– Ма, – деди у ҳовучини олдинга узатиб. – Қўрқма, ўғирлаганим йўқ, сўраб олдим.

Нормурод нима қилишини билмай, қўлини бир-икки олдинга, орқага чўзиб туршакларни олди ва шалварининг чўнтагига солди.

– Кийимларини олиб боришим керакми?

– Шундай дедилар.

– Ҳали ювиб қўймаган эдим-ку!

– Сен ҳам тетикроқ қиз бўлмадинг-да, – дакки берди Нормурод.

– Уйда совун йўқ эди. Ўзим жуда меҳнатқашман, – Нигора қикирлаб кулди.

– Борасанми, йўқми? Мен шошиб турибман. Бошқалардан иккитага кечикаяпман.

– Билмасам, кир-чир устларини кўтариб бормаيمان-ку. Бугун кул топиб ювиб қўйсам, эртага олиб кетоласанми?

Совун йўқ, кир кулнинг сувига кир ювилар эди.

– Фақат пешинда келишим мумкин. Бугун даштда қоламиз.

– Фарқи йўқ. Қайга чиқай?

– Уйда бўлиб турсанг ўзим келаман. Яна бугунгидай етти кўчани ахтариб юрмайин.

– Хоҳласанг боғларингнинг тепасига чиқишим мумкин.

– Керак эмас, қачон келишим номаълум. Бир ўзинг иссиқ-да ўтирасанми сарғайиб. Энангга эса бор гапни айтиб қўяман.

– Бўпти.

Эртаси куни пешин вақтида Нормурод аравада келиб Нигорани олиб кетди.

Йўлда уларнинг суҳбати қизгин бўлди. Айниқса, Нигоранинг жағи тинмади. Улар анчадан буён кўришмаган эмасми, кўп гаплар йиғилган экан. Қиз қўшни қишлоқнинг ўрилган буғдойзоридан машоқ териб, уларнинг баджаҳл бригадиридан калтак егани, болалар билан томда ухлаб, уйқусираб пастга тушиб кетишига оз қолганини гапириб берди. Унинг гапи чўл ичкарисига етгунларича адо бўлмади. Нормурод ҳам оғзи очилиб, тинглаб бораверди.

– Тўйда берган рўмолчангни асраб қўйибман, – деди гап орасида Нормурод.

– Қайсини? – Нигора гап нима тўғрисидалигини билса ҳам, ўзини тушунмаганга олди.

– Ҳай, акангнинг тўйида, менга парварда олиб чиқиб берган эдинг-ку, ўшани. Агар керак бўлса, айтсанг қайтариб бераман. Ўшандан бери сандиғингдан битта рўмолчани камайтириб қўйганимга ўзимни ноқулай ҳис қилаяпман.

– Бўлмаган гапни қўйсанг-чи. – Нигора ранжиган бўлди, лекин унга Нормуроднинг гапи ёққан эди. – Ўзи унча зўр эмасди. Насиб бўлса, бу қишда ундан ҳам зўрини тўкиб бераман.

– Шуниси ҳам етади... – Нормурод чайналди. – Менга ҳали ҳеч ким бирор нарса берган эмас, ортиқча яхшилиқ қилаверма...

– Шунга нима бўлади?

– Ҳеч нарса... – Нормурод «ёктириб қоламан, ўзингга қийин бўлади» демоқчи эди, айтолмади.

Араванинг нимасидир тарақлаб силкинди, Нигора жимиб қолди, Нормурод кўзлари чиқиб, от юганини тортиб орқасига қараганда, филдиракнинг бир чархи чиққанини кўрди.

Нигора аравадан тушиб индамай бир четда қараб турди. Нормурод эса юриб, халақит бермасин учун отни аравадан чиқариб, каттароқ бир тош топиб қозигини шу ерга қоқди.

– Тузаладимиз ёки синдимиз?

– Тузалади, чиққан, холос.

– Шуни темирига михлаб қўйсанг бўлар экан-да.

– Қоқилган, фақат иссиқдан шовшаб чиқиб кетаяпти. Михланмаганда темир филдиракни даштда қувлаб юрган бўлардик.

Нормурод ердан бир тош олиб, тахтани урди ва темир ҳалқа ичига киритди. Бу иш кўп вақт олмади, фақат нариги филдиракни ҳам тўғрилаш керак, Нормурод ўтиб чархларни битта-битта уриб чиқди.

Кичик адирнинг нариги тарафидан отнинг кишнашига ўхшаган овоз эшитилди.

– Вой, – деди Нигора қўрқиб. – Қандайдир овоз эшитилди, от кишнагандай бўлди.

Бу товуш Нормуроднинг қулоғига ҳам чалинган, бироқ эътибор бермаган эди. Хаёли бошқа нарса билан банд.

– Ўзимизнинг отдир-да. – Нормурод бамайлихотир.

– Узоқдан эшитилди. Ундан бошқа қандайдир шубҳали овозлар ҳам қулоғимга чалинди.

– Унда мен қар эканман-да, а?.. Балки чирилдоқдир, – Нормурод қулгига олмоқчи бўлди ва Нигоранинг юзидаги ташвишни кўриб зийрак тортди, ахир бу ер чўл, бунақа овозлар қайдан чиқиши мумкин, ўримчилар узоқда. Атрофда эса жон зоти йўқ. Ажиналар бўлса-я? Ахир улар пешинда базм қилади-ку.

– Сен шу ерда қараб тур, мен тепаликка чиқиб хабар олиб келаман.

Шундай деганча Нормурод энгашиброқ ясси тепаликка чиқиб кетди.

Йигит тепа ортида бирор нарса борлигига шубҳаланди, бироқ ҳар эҳтимолга қарши, деган ўй билан бамайлихотир тепалик бўйлаб анча наригача борди ва Манноп раиснинг отини кўрди. Ундан сал нарида аллақандай шарпалар кўзга ташланар эди. Нормурод дастлаб булар нима эканини англолмади. Отаси ва бобоси каби кўзи ўткир эмасми, тезда шарпалар инсон эканини пайқади. Деярли буларни таниган ҳам эди, бироқ шундай ҳолатда кимнидир учратиб қолиши хаёлига келмагани, ақлига сиғдирилмагани учун кўзларига ишонмади. Энгашиб ўзини катта янтоқ панасига олди. У адашаётганига амин эди, ахир шундай катта одамлар куппа-кундузи, даштнинг ўртасида мана шундай, беҳаё ва ўнғайсиз тарзда ётишлари мумкинми? Синчиклаб қаради, кўзлари алдамаётган эди. Нима қилишини билмай довдиради, ўзидан-ўзи уялди. Ўша баджаҳл, ҳаммага ақл ўргатадиган бадқавоқнинг ётишини-чи. Наригисини эса элас-элас кўзга ташланаётган кийимларидан таниди, лекин аниқ хулоса чиқаришга ўзи ҳам кўрқаяпти. Ахир... шунчалар ажойиб, шунчалар чиройли ва хокисор жувон қандай қилиб бу аҳволга тушди, қандай қилиб?!

Нима қилиш керак? Бирорта тош олиб раисни уриб ўлдирсами? Ахир у Ризвон опасини зўрляпти-ку. Лекин бу фикрдан тез қайтди. Аёлнинг ётиши бошқача. У зўр бериб раисни қучаётган, уни ўзига тортаётган эди. Эҳтимол бу фақат Нормурод учун шундай туюлаётгандир, бироқ қаршилиқ кўрсатаётгани ҳам сезилаётгани йўқ.

– Нима қилиб ётипсан бу ерда?

Нормурод кутилмаганда тепасидан келган овоздан юраги ёрилгудай бўлди.

– Қоч, қарама у ёққа! – ётган жойида Нигоранинг оёқларидан ушлаб пастга итарди. Нигора унинг ёнида тиз чўкди:

– Нима гап ўзи? Кўрқитма.

– Ёт, кўриб қолишмасин! – Нормурод қизнинг елкасидан пастга босди.

Қиз унинг ёнига чўзилиб ётди. У ҳамон қияликда нима бўлаётганини илғгани йўқ. Кўзлари Нормуродникичалик ўткир эмас. Отни пайқагани ҳолда ерда думалаб ётган шарпалар нима эканини, аниқроғи нималар билан машғул эканини англолмади.

– Нормурод, айтсанг-чи, нима бўлаяпти ўзи, – Нигора йигитнинг ранги оқариб довдираганидан хавотирланди.

– Бировни ўлдириб кетишибдими?

Шундай деганча у бўйин чўзиб синчковлик билан термилди.

– Қарама, мумкин эмас, уят бўлади, – Нормурод чап қўли билан унинг кўз олдини тўсди. – Мен ҳозир бориб уни ўлдириб келаман.

– Кимни?!

– Раисни! Ўлдирмасам бўлмайди.

– Эсингни едингми, кучинг етмайди... У сенга нима ёмонлик қилди?

Нигора ҳам элас-элас қараб туриб, гап нимадалигини фаҳмлаб қолди:

– Вой, ўлмасам. Кетдик бу ердан...

Шундай деганча у сирғалиб пастга тушиб орқасига қарамай жўнади. Нормурод ҳам унга эргашди.

Улар уятдан бир-бирларининг юзига қаролмади, индамай, гап-сўзсиз отланиб йўлга тушдилар.

– Энди нима қиламиз? – деди ниҳоят Нормурод ўрим жойига яқинлашганларида, ўримчилар кўзга ташлангач.

– Ҳеч нарса... – Нигора ҳалигача ўзига келмаган эди.

– Бировга айтиб қўймаслигимиз керак, – Нормурод чайналди.

Нима учундир унга Нигора бегонадай туюлди. У билан гаплашадиган гапи тугаб кўнгли ҳувиллаб қолгандай.

– Ким эди у аёл? – сўради ниҳоят Нигора бошқача бир овозда.

– Билмайман... ҳозир келади, ўзинг кўрасан.

Нормурод қизни онасига яқинроқ жойда тушириб гап-сўзсиз, индамай боғларни ортиш учун кетди:

Нигора онаси билан кўришиб, сўрашиб турганда ҳам икки кўзи қишлоқ ёқда бўлди. Улар келганидан сўнг орадан анча вақт ўтиб, узоқдан бир шарпа кўринди.

– Ана, Матлуба опа, келингииз келаяпти, – деди шу ердагилардан бири.

– Ризвон опа!!! – беихтиёр Нигоранинг оғзидан шу гап чиқди.

– Ҳа, кеча раис жавоб берган эди, қайтаяпти, шекилли, – деди онаси ҳиссиз.

– Мен сизларга ўрик билан олма олиб келдим, – деди қувноқ оҳангда Ризвон узоқдан. Унинг юзлари қип-қизил, ҳозиргина ҳаммомдан чиққандай.

– Вой, бунча чиройли бўлиб кетдинг? – деди кўришар экан, ҳувонларнинг бири. – Азалдан ҳам чиройли эдинг-ку, чўмилиб, янада кўзга яқин бўлибсан. Замонимиз курсин, шундай ҳусн бекорга ўтиб кетаяпти.

Нигоранинг унга яқинлашгиси келмади.

Шу кун кечга яқин Нормурод хирмондан қайтиб Нигорани тополмади. Бошқа бир аравада қишлоққа қайтганини эшитди.

Орага нима учундир совуқлик тушган эди.

* * *

Нормурод Маннопни қанчалар ёмон кўрмасин, барибир унинг ўзи тасодифан билган сирини ёйиб юбормади. Нимадандир кўркдими, андиша қилдими, ишқилиб бу сирни ичида сақлашга ўзига сўз берди. Нигора билан ораларидаги муносабат эса ўзгарди, қиз бегонасираб ўзини ундан олиб қочадиган бўлди. Ўзи ҳам қизга дуч келишни истамайди, ўшандаги ноқулай вазият ёдига тушиб ўзини қўярга жой тополмайди.

Уни қийнагани Ризвон, бунга ўз ихтиёри билан рози бўлдими ёки раис зўрладими? Бир кўнгил шу қўпол ва дағал раис уни зўрлаган бўлса керак, деган ўй хаёлига келади ва дунёга сиғмайдиган даражада ғазаби қайнайди, Маннопнинг бошига тош билан уриб ўлдириб қўйгиси келади. Нима учун бу жувонни рашк қилади, унинг кими бўлади ва нима сабабдан ёнини олиши керак — ўзи ҳам тушунмайди, ичи қуяди тамом вассалом. Сабабини топишга ожиз. Ахир Ризвон ожиза, унинг ҳимоячиси ҳам, тарафдори ҳам йўқ. Ёлғиз ўзи ва қайноналари. Уларнинг қўлидан нима иш келади? Додини ҳеч кимга айтолмайди-ку улар! Инсоннинг мана шундай ожизлигидан фойдаланиб хўрлаш мумкинми? Бундай тутумнинг отини нима деб аташ лозим? Ўлдирса ҳам кам Маннопни. Бунақа иши учун гўштини бурдалаб итларга едириш керак.

Агар Ризвоннинг розилиги билан бўлган бўлса-чи?

Бу хаёл Нормуродни аввалгисидан баттарроқ даҳшатга солади. Мана шундай хокисор кўринган инсоннинг хиёрати, риёкорлиги юрак-бағрини ўртади. Ризвон бу иши билан биргина ўзини эмас, балки барча аёллар шаънини топтаётгандай бўлиб туюлади ва умуман аёл зотига ишонмайди. Улардан нафратланади ва ҳаётдан тўйиб, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Ахир мана шундан кейин қандай бемалол уйланиш мумкин? Хотини ҳам бир кун шу ишга қўл урмаслигига ким кафолат беради? Яна куппа-кундузи, қоқ пешинда, даштнинг ўртасида-я?! Барчанга тупурдим, дегандай қилиб, а?!

Шу оддий ва тасодифий воқеадан кейин Нормуроднинг дунёқараши, ҳаётга, инсонларга муносабати ўзгарди. Бу

воқеа улғайишни истамаётган туйғуларига қақшатқич зарба бўлди.

Уруш тўғрисидаги ўйдан қанчалар ваҳимага тушмасин, чўчимасин, ич-ичидан қандайдир бир куч уни кетишга мажбурлаётган эди.

Нигора ҳам бошқача бўлиб қолди.

Орадан кўп ўтмай Пўлатнинг жангда ҳалок бўлгани тўғрисида қора қоғоз келиб аза очишди. Раззоқ акадан ҳам на хат ва на хабар бор. Кўпчилик уни ҳам қайтмасга чиқариб қўйган. Бу ташвишлар оила аъзолари кайфиятини тушириб юборди ва улар бошқалар билан очилиб-сочилиб гаплашмай қўйди.

Кеч кўзда Нормурод тенги йигитларнинг барчасини ҳарбийга чақиришди. Улар олти киши эди — Нормурод, Замон, Жаббор; Ҳаққул ва икки Ҳазратқул.

Ҳаққул колхоздан пул олиш тадоригида эди. Нормурод эса шу раисдан пул сўрашга қарши.

– Қўй, шу расвога ялинмайлик. Берадиган пули бошидан қолсин, – деди у кетиш кuni аниқ бўлагач.

– Биздан нима кетди, берардан ҳам бир сўра, бермасдан ҳам, деган гап бор, пул берса берар, бермаса йўлимизни беради-ку индамай қайтиб келаверамиз. Мабодо бизга урушда бир гап бўлса, бир умр виждон азобида қийналиб ўтади, – Ҳаққул кулди.

Ҳаққул бошқалардан кўра бўйчан, қорувли йигит. Бошқалар учун ўзини масъулдай ҳис қилади.

– Виждони бўлса қийналади-да. – Нормуроднинг Маннопни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. – Шахсан менга бир нарса бўлса, «Худога шукр» деса керак. Алам қилаётгани ҳам шу — биз кетсак бу яна ўз ишини қилиб юраверади, мушугини «пишт» дейдиган эркак бўлмайди... Хотинбоз...

– Акам унақа одам эмас, – деди уларга индамай қараб турган Замон. – Ўзи кўнгилчан. Фақат лавозими шундай бўлишни талаб қилади.

Нормурод яна бир марта Маннопни сўкмоқчи бўлди-ю тилини тишлади. Узоқ юртларга бирга кетиш, кўзлар боғланган ҳолда, тубсиз жарлик ёқасида тургандек номаълумлик қаршисида эканлари уларни бир-бирига қадрдон қилиб қўйган. Замоннинг кўнглини қолдиришни истамади, индамади.

Ҳаққул айтганини қилди. Раиснинг олдига жанжал қилиб боравериб, ҳар бирига 450 сўмдан пул ундирди. Албатта, бунга ҳеч нарса бермайди, барибир у севинди.

– Мана кўрдингларми, айтганимни қилдим. Мен ҳам анойи эмасман. Жангда ҳам мендан узоқлашмасанглар, кун кўриб кетасанлар.

Колхознинг идораси эски, пахсадан тикланган, нураган иморат эди. Бешаласи аризага имзо чектириш учун раиснинг қабулига кирди.

– Кетаяпсанларми? – деди раис тиржайиб. – Ана энди одамнинг қадрига етасанлар... У ер сенларга энангларнинг уйи эмас, ҳеч ким раъйларингга қараб ўтирмайди. Лекин барибир миллатнинг шаънини ерга урмаслик керак. Биламан, тушунаман, қўқинчли, яшагинг келади, қочсам дейсан... Буларнинг ҳаммасини бошдан ўтказдик... Лекин ҳеч қачон ўзимни ҳам, миллатни ҳам уялтирмадим. Бир бошда бир ўлим, қочган билан қутулиб қолиш қийин. Эшитдингларми, Равшанга «Қизил юлдуз» ордени беришибди. Немиснинг битта танкини портлатиб юборган экан... Шундай бўлиш керак. Мени ҳам, ўзларингни ҳам шарманда қилманглар, шу ёқларда қолиш пешонада ёзилган бўлса, қочиб қутулолмайсанлар... Мен бу ерда сенларнинг йўқликларингни билдирмай тураман. Бехавотир жанг қилаверинглар.

– Керак эмас! – беихтиёр Нормуроднинг оғзидан шу гап отилиб чиқди.

– Нима керак эмас? – раис уни тушунмади.

– Ўрнимизни билдирмай туришингиз...

– Сен болага барибир тушунмадим, – Маннол ростдан ҳам гап мазмунини англамаган эди. – Нукул мен билан ўчакишиб юрасан, а? У ёқда, урушда бурнингни тупроққа ишқалаб ётганда, ўзингга келиб қоласанку-я, лекин кеч бўлади-да...

Нормурод «Эй, хотинбоз, сен ўрнимизни билдирмаслик, деганда нимани ўйлашингни биламан», демоқчи бўлди-ку гапни чувалаштиришни истамай ўша воқеа сир бўлиб қолишини хоҳлади.

Улар пулни олиб орқага қайтди.

Жўнашларига бир кун қолганда пешинга яқин Нормурод қадрдон қишлоғи, унинг атрофини айланиб чиқмоқчи бўлди, ким билади, бу чанг кўчалар, ўстига шох-шаббадан парда босилган, нураган пахса деворлар, янги сувалган томлар, тутундан қорайган мўрилар, сарғайган баргларни тўқаётган дарахтлар, ҳосили йиғилиб поёнсиздай бўлиб туюлаётган далалар, инсонлар ва қадрдон чехраларни қайтиб кўриш насиб этадими, йўқми?!

Кўчаларда, далаларда, адирларда узоқ сандироқлаб юрди, ҳар бир дарахт, ҳар бир тош, тепалик, ариқ ва эътиборга молик, деб ҳисоблаган нарсаларга, хотирасига мустаҳкам жойлаб олиш мақсадида узоқ-узоқ термилди,

синчиклаб қаради, кўзига барча, ҳатто чирқиллаб учиб юрган чумчуқлар ҳам кадрдон кўринмоқда.

Уйига қайтаётганда атай Нигораларнинг ҳовлиси ёнидан юрди. Шу қизни кўрмоқчи бўлди. Кўнглидаги қизиқиш аланга олиб бормоқда. Айниқса, ўша воқеадан сўнг иккала-сининг гапи қовушмай қолгач, туну кун уни кўргиси келаверади, суҳбатлашсам, соатлаб тинглаб ўтирсам, дейди. Бироқ энди аввалгидай ёш бола эмаслигини, улғайганларини тушунмайди.

Нигора дарвоза олдида турган экан, уни кўриб тараддудланди. Нормуродга қизнинг бўйи чўзилгандай туюлди. Яқинроқ келиб, кўрдик тўлишиб аввалги қоп-қора юзи бугдойранг тусга кирибди. Юзидаги оқишроқ темраткилар йўқолибди. Пешонасига тўрт-беш ҳусунбузар тошган. Жуда гўзал эди Нигора!

Орадан ўтган уч ой ичида қиз билан кўришмаган эди. Самарқандга галла ташиди, кейин бошқа ишлар кўпайди, кузги экин ишлари бошланди. Кўча-кўйда учратиб қолганида ҳам Нигора дарров ўзини четга олади.

– Нигора яхшимисан? – сўрашди Нормурод вазмин ва унга икки одим етмай тўхтади. Бир-бирига боқиб қолишди.

Нигора каловланди.

– Кетаяпсизми? – деди ниҳоят нигоҳларини ерга олиб.

– Қачондан бери?

– Нима қачондан бери? – Нигора саволни тушунмади.

– Мени «сиз» деб қолибсан.

– Билмасам... – Нигора уни «сен» дейишга тили бормаётганини айтолмади. – Энди катта бўлдингиз-ку... урушга кетаяпсиз...

– Сени «сиз» дейишингни билганимда эртароқ жўнардим... Мени кутасанми?

– Тушунмадим?!

– Мен урушдан қайтаман...

– Албатта...

Нормурод тушунмади, қизнинг охириги сўзи қайси гапига жавоб эди.

– Эрга тегиб кетма, демоқчиман, – Нормурод ўз гапидан уялди ва ҳазилга бурди. – Қайтиб келсам, тўйингда бир ўйнаб бераман, демоқчиман.

– Мен тўй бўлмайман... ҳали... ҳали ёшман-ку, нималар деяпсиз.

– Сенга қараган одам бунақа хаёлга бормади. Жуда ўзгарибсан.

Нигоранинг уятдан юзлари қизарди, нигоҳларини ерга қадаганча индамади.

– ... Яхши томонга... – Нормурод чайналиб гапини давом эттирди. – ...Ҳар-ҳар замонда эслаб турасанми мениям?

– Бунинг сизга нима нафи-ю, нима фойдаси бор?

– Билмадим, ҳар ҳолда ўйлаб турсанг кўнгил хотиржам бўлади-да. Шунча йилдан буён бир-биримизни биламиз, болалиқда бирга чизик, ҳаппак ўйнар эдик, ҳеч бўлмаса шуларни ўйла. Орада ҳеч нарса бўлмагандай барчасини унутиб юборсанг қизиқ-да. Одам шунча йил яшаб эшлашга арзигулик бирор иш қилмабманми, деб хавотирга боради.

– Ҳали ҳеч ким сизни эсга олмайман демади-ку! – Нигора шундай деб бироз ўйланиб турди. – Болалиқда ҳар доим мени хафа қилар эдингиз. Шунга ўйлаб юраман. Эсингиз-дами, ҳаппакдан ютқазиб, тошларни отиб бир тарсаки ургангиз?

– Ўзим ҳам билувдим, бунинг хаёлига фақат бўлмағур хотиралар келади деб, – Нормурод тиржайди. – Хат ёзиб туришга ваъда бер.

– Ёзаман, фақат адресни билмайман-ку.

– Манзилни юбораман!

– Керак эмас! – қиз чўчиди. – Менга хат ёзсангиз одамлар нима деб ўйлайди? Ёмон қизга чиқариб қўяди.

– Ҳамма билади-ку.

– Нимани билади?!

– Менга сингилдай эканингни...

Нормурод унга «Яхши кўришимни» демоқчи эди, айтишга тили бормади.

– Барибир-да. Ўзимга қолса ёзсангиз бўлар эди, бироқ бу дунёда ҳеч нарса менинг ихтиёримда эмас. Одам ҳар хил қонун-қоидаларнинг қули экан, аслида. Кўнгил билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – Нигора оғир хўрсинди.

– Ҳаммаси зўр бўлади, мана кўрасан, – Нормурод қизнинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

– Ҳа... – Нигора тараддудланди, истар-истамай гапини давом эттирди. – Мен борайин, уйдагилар излаб қолишмасин. Хамир қилмоқчи эдик.

Аслида қизнинг кеткиси йўқ, бироқ ички бир куч уни шундай дейишга ундади. У Нормуроднинг «Кетма, сенда ҳали кўп гапим бор», дейишини кутди, бироқ...

– Майли, – деди у бўшашиб, – борақол, знангдан гап эшитсанг, мени ёмон кўриб қоласан... Лекин барибир урушдалигимда мени эслаб юр... Мабодо, қайтмасам, бир умр хотирла, хўпми?!

– Ҳали қайтасиз. Ёмон ниёт қилманг, – Нигора секин-аста орқага тисралиб бурилди ва ҳовлига кириб кетди.

Нормурод эса каловланди. Кўнглида минг бир режалар тузиб, Нигорани учратди дегунча, нима дейиши, у қандай жавоб қайтариши, хуллас бутун суҳбатни бошидан охиригача ичида минглаб марта такрорлар, хайрлашиш чоғида таъсирчан гаплар айтиш учун сўз танлар эди. Урушга кетиш тўғрисидаги гап чиққандан буён мана шу кайфиятда юрибди. Нигора билан бўладиган сўнгги суҳбатни туну кун ўйлади, режалаштирди. Назарида, урушга кетишнинг энг аҳамиятли жиҳати ҳам Нигора билан хайрлашиш эди. Бироқ ўша суҳбат бўлиб ўтди, лекин кўнглидаги гапларнинг мингдан бирини ҳам айтолмади, журъати етмади. Қўрқоқлик қилди. Нимадан қўрқди — билмайди. Ахир қайтиш-қайтмаслиги номаълум бўлса... Ҳозир уни ким қойийди, ким уят қилади? У эса нимадан қўрқди? Нимадан уялди?

Нормурод юраги хижил бўлиб уйга қайтди.

Эҳ, қанча гап айтилмай қолди-я!

Қишлоқ аҳли бирма-бир урушга жўнаётган йигитчалар уйига кириб, хайр-хўш қилиб чиқди, ҳар ким топганини келтириб бўлажак аскарларнинг бўздан тикилган тўрвахалтасига солди.

Эрталаб бутун қишлоқ кўзда ёш билан уларни кузатиб чиқди. Нормурод одамларга қарар экан, кўнгли тўлқинланди, ўзини қишлоқ одамлари шунчалар ҳурмат қилиши, уни ҳам мана шундай кузатишлари мумкинлигини хаёлига келтирмаган. Ахир ҳали уни ҳеч ким, ҳеч ерга кузатгани йўқ. Бирор жойга борса, ўзи бориб ўзи қайтган. Кўзига ёш олди. Одамларнинг бундай чиқиши кўнглида бошқа хаёлни уйғотди: шунча инсон йиғи-сиғи билан кузатаётган эканми, демак қайтиб келмайди. Ўша юртларда ўлиб, хоки ўриснинг юртида қолиб кетади. Кўзларидан шашқатор ёш оқди. Қишлоқ қариялари далда берди:

– Эркак йиғламайди... Борганларингча уруш тугайди, хавотир олма.

Кетаётганлар қишлоқ чеккасида қиз-жувонлар билан хайрлашадиган бўлди, чоллар, болалар эса сал наригача бормоқчи бўлишди. Олти йигит, олти нафар бўлажак аскар аёллар қуршовида бири билан қўл бериб, бири билан кучоклашиб хайрлашди. Кимдир ўғли, кимдир эри, кимдир акаси ва укасига салом айтиб қўйишни тайинлади. Мсанноп раис урушнинг катта экани, унда одамлар бир-бири билан учрашиб қолиши қийинлиги тўғрисида кўп гапирган, бироқ бу содда аёллар унинг миқёсини тасаввур қилолмайди, ҳеч бўлмаса кўча-кўйда учрашиб қолишса керак, деб ўйлайди.

Кузатишга чиққанлар орасида Нигора ҳам бор эди. Нормурод уни излаб-излаб топди.

– Хайр! – деди Нормурод унинг узатилган қўлини енгилгина сиқиб. – Кетаяпман энди...

– Яхши боринг!

– Барибир эслаб тур...

Нормурод учун нимагадир шу кунларда Нигоранинг эслаши ҳаёт-мамот масаласидай муҳим туюлаётган эди. Шундан ортиқ, кўнглини безовта қилаётган бирор гапни айтолмаётгани учун фақат шу сўзга ёпишиб олган. Шу гапнигина бошида иккиланмай айтган ва қиз бунга эътироз билдирмаган.

– Албатта! – қиз ёниб турган нигоҳларини унга қадади.

– Ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Ишонинг!

Нормурод уни маҳкам бағрига босмоқчи бўлди-ю барибир ўзини тийди. Бу истак шунчалар кучли эдики, ҳатто Нигорани бағрида тасаввур қилиб юраги ўйноқлади.

– Ёз! – деди Нормурод умрида илк бор Нигоранинг нигоҳларига тик боқиб. – Кутаман! Рўмолчангни ўзим билан олдим, сени эслатиб туради...

– Эй, аёлларга ёпишиб қолдиларингми нима бало? – Оти билан илдамлаб кетган Манноп раис дағал овозда бақирди. – Тез-тез бўлинглар, қолгани билан урушдан кейин кўришасанлар. Бу хайрлашишларингда у ёқда немис ҳам қирилиб битади. Кечикаяпмиз.

Улар жўнаб кетди!

Нормурод кўзда ёш, кўнгилда умид, юракда дард ва армон билан хайрлашди. Кеткиси келмаётган эди. Назарида, қайтиб бу заминга оёқ босмайдигандай, мана шу тоза ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олмайдигандай, нигоҳларини бу улугвор тоғлар бўйлаб қайта югуртирмайдигандай, салобатли қирларни кўриб кўнгли тўлқинланмайдигандай. Ўзи бирор марта тарк этмаган шу қадрдон қишлоғи, жонажон юртига ҳеч қачон қайтиб келмайдигандай ҳис қилди. Нормурод учун қишлоқ билан хайрлашиш оғир эди. Чунки шу ёшга қадар бу ердан узоқда яшаб кўрмаган, ўзини онасининг эркаси — ёш бола ҳис қилиб юрган эди. У ҳали улғайганини сезгани, ҳис қилгани йўқ. Мана шундай ўй — болалик фикр-у хаёли билан жонажон қишлоғидан, қадрдон ватанидан чиқиб кетмоқда. Куни кеча оёқяланг тупроқ кўчада чопиб юрган бола, бугун урушга жўнаяпти. Одам ўлдиргани ёки уларнинг қўлида ҳалок бўлгани... Онаси уч қақирим наридаги қирга-да минг хавотир билан юборадиган бола минглаб қақирим узоқликдаги урушга кетаяпти...

Тенгқурлари билан кураш тушишга-да, эт-бетим лат еб қолмасин, деб ҳадиксирайдиган ўспирин ҳариф билан олишиб, уни ўлдириш учун йўлга отланган...

«Ахир мен ҳали тўйиб ўйнаб ҳам улгурганим йўқ-ку! Наҳотки, урушда отиб ташлашса?!» Бундай хаёлдан Нормуроднинг ўзи ҳам чўчиди.

«Нега мен, нега менинг замонимда? Нормуроднинг кўнглидан шундай армон ўтди. – Нима учун бизнинг ёшлик давримизга тўғри келди бу уруш? Нега айнан бизнинг чекимизга тушаяпти бу кулфат? Ахир бундан беш-ўн йил бурун ўтиши мумкин эди-ку... Мен кўрқаяпман, чамаси... Бобом жангчи бўлган, отам ҳам урушда... лекин мен, шундай кўрқмас инсонларнинг набираси ва ўғли, уйдан бир қадам чиқишга юрак йўқ... Мен боламан-да, ахир...»

Нигора эса акаси ва отаси урушга жўнаган вақтни эсга олди, юраги эзилди...

«Наҳотки, булар ҳам акамдек қайтиб келмаса?» деган даҳшатли ўй хаёлидан кечди. Ахир акаси Пўлатни ҳам яқинда шу ердан кузатиб юборишган ва унда одамлар, улар қатори Нигора ҳам барчаси хайрли тугашига, урушда одамлар ўлмаслигига, ўлса ҳам унинг акасига ҳеч нарса бўлмаслигига қаттиқ ишонган эди. Энди бу урушда барча барабар экани ва қайтанга айнан унинг яқинларини танлаб олишига ишонди. Кўнглида Нормуродни сўнгги бор кўраяпман, деган ўй пайдо бўлди ва бундан ҳеч қутулолмади.

«Буям ўлади, аниқ ўлади! – деб уқтирар эди Нигора ўзига ўзи, – афсуски буни ҳозир ўзи билмайди. Наҳотки, энди қайтиб кўрмасам Нормуродни? Наҳотки?!»

Шундай хаёл билан у кейинчалик эслаб юриш учун Нормуродга синчиклаб қараб олмоқчи бўлди, бироқ кўзлари намланган эмасми, ҳеч нарсани илғай олмади. Нормурод беқасам чопон кийган эди, бундай либосдагилар кўпчилик экан, барчаси айқаш-уйқаш бўлди.

Раис уларни олдига солиб Ургутга бошлади.

Нигора йигитлар кўздан йўқолгунча ёшдан хиралашган нигоҳларини қадаб тураверди.

– Қизим юр, уйга борамиз, – деди онаси.

– Акам эсимга тушди, – деди Нигора йиғлаганидан уялиб ўзини оклаш учун.

– Булар қайтади, – деди онаси димоғи билан гапириб.

Нигора онасининг бу гапни армон биланми ёки умид билан айтганини тушунолмади. Унинг ҳам кўнгли тўлган, ортиқча гапиролмас эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Бу хокисоргина муҳаббат — Нурбек ва Дилфузанинг севгиси шунча катта ғалва чиқаради, деб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Бундан бутун қишлоқ ларзада, ҳамма юрак ютиб воқеанинг давомини кутаяпти. Жанжал чуқурлашган. Йўқ, китобларда бўладигандек Дилфуза таркидунё қилмади (рўзғор юмушлари билан машғул), ишқ дардида Нурбек жинни бўлиб қолмади, қишлоқдан бош олиб ҳам кетмади (чангга ботиб кетмон чолиб юрибди).

Бу китобий ишқдан нокитобий жанжал чиқди.

Аслида тўй-у совчилар тўғрисидаги машмашалар сал кейинроқ, дейлик бир ой ўтиб бошланганида бу каби жанжал йўқ эди, ҳаммаси бошқа йўлдан кетган, ҳеч ким шаън тўғрисида ўйламаган, боши билан ишга шўнғиган бўларди. Бу воқеалар ҳали иш мавсуми келмай, қишки гаштаклар тугаб улгурмасидан бошланди ва бекорчихўжаларнинг оғзига улги бўлиб, оқибати оғирлашди.

Совчилар қуруқ қайтгач Турди аканинг оиласи шаъни топталгандай бўлди, ўзларини камситилган ҳисоблади. Бироқ қиз бировники, кўча-кўйда ушлаб уйига боғлаб кўйиб бўлмаса. Аввалига бунга унча рўйхушлик бермаган, Дилфузани келин қилишга кўнгли чопмаган ва фақат ўғлининг истаги учун бош қўшган Турди ака рад жавобини эшитиб ўзини кўярга жой тополмади. Олдинига, «Қизини берса берар, бермаса йўлимни беради-ку, қиз камми», деб бевътибор бўлган одам кутилмаганда бу кўҳна оламда Дилфузадан ўзга қиз йўқдай гангиди. Худо раҳмати Раззоқ бова «йўқолган пичоқнинг сопи олтиндан», деганларига ўхшаб, шу қиздан ўзгасини тан олмайдиган, шундан ўзга келин тополмайдигандай бўлди.

Хўжа тўпнинг айтишига қараганда, машмашага Турди аканинг бир гаштакда, «Махаматнинг қизини дод десаям, вой десаям келин қиламан», деб мақтангани сабаб бўлган эмиш. Бошқалар эса ўзга баҳонани келтирмоқчи бўлади. Бошқа бир гаштакда Махамат ака ошириб юборибди, у айтибдики, «Турди отамнинг ўғли бўлади, энаси отам билан ўйнашиб туққан, Нурбек менга укадай гап. Матлаб дўхтирнинг гапига қараганда, яқин қариндошлар бир-бирига уйланмаслиги керак, диндаям шунга ўхшаш гап бор, дейишади. Шунинг учун унга қизимни бермайман».

Бу оғир гап.

Бу Турди аканинг сабр косасига куйилган сўнгги томчи бўлди. Шу маҳалгача фақат қизини бермагани учун шаъни оёқости қилинган деб ҳисоблаб юрган Турди ака бунга қандай чидайки? Умуман, бунақа тухматга қандай безътибор бўлиш, уни қандай кулоқ ёнидан ўтказиб юбориш мумкин? Ахир Махамат бу билан нафақат Турди аканинг онаси, балки аллақачонлар вафот этган отасининг ҳам шаънига теккан, номини оёқости қилган эди.

Махамат аканинг қўшниси эмасманми, кўпроқ шу оила гапини эшитиб, нисбатан ҳақ эканига амин бўлганман. Ҳақиқат ҳар доим гапираётган одам томонда. Бироқ сояда қолса-да, мутлақ ҳақиқат аслида гапирмаганга ҳам ён босиши мумкинлигини тушунганим сабабли қўшнимизнинг гапини байроқ қилиб чопмасдан, совуққонлик билан воқеани баён этишга ҳаракат қиламан.

Қишлоқ ўртасида, дўкон ёнида одамлар ҳашар қилиб янги чойхона қурган. Бу ҳали тўлиқ битиб улгурмаган, эшик ва деразалар ўрнатилмаган-у, лекин тўрт девор бор, том ёпилган. Қизгин иш мавсуми бошлангунга қадар қишлоқ аҳли шу чойхонанинг айвонига йиғилиб хордиқ чиқаради, бекорчи вақтини шу ерда ўтказади.

Турди ака ҳам Махамат аканинг ҳалиги гапини шу ерда кимдандир эшитган ва ғазаб отига миниб, масалага ойдинлик киритиш учун унинг уйига жўнаган.

Улар орасида қандай гап-сўзлар бўлиб ўтганидан хабарим йўқ. Қулоғимнинг чеккаси билан эшитишимча, Турди ака ғазаб билан дарвозани тепган, унинг вазоҳатини кўрган Махамат ака олдиниغا довдираган, кейин ўзини бир поғона баланд олган, Турди акага онасининг, кечирасиз-ку, фоҳишалигини айтган. Турди туғилишидан сал бурун отаси, яъни Манноп Матлабович деганни йўлдан уриб, у билан дон олишиб юргани, шу машмашалар ҳосиласи сифатида Турди туғилганини уқтирмакчи бўлган. Албатта, бунини вазминлик билан айтмагандир, умуман орада шундай гап-сўз бўлиб ўтганми, йўқми, бирор нарса дейиш қийин, чунки аниқ далил ва исбот йўқ. Ўша учрашув сўнггида Турди ака шу яқиндаги куви ичида турган пишқакни олиб Махамат аканинг боши аралаш елкасига тўрт-беш урган. Воқеа унинг фарзандлари ва қўни-қўшнилар (бахтга қарши ўша кунини мен бедазор четига боғлаб келган новвосни жилдириш учун кетиб, уйда бўлмаганман) аралашганча юз берган. Махамат кўпчиликти кўриб дадиллашган ва бошқалар ушлаб турган Турди аканинг биқинига ё тепган ёки тўрт-беш мушт

туширган. Хуллас, тарафлар теппа-тенг, дуранг ҳолда жанжалга яқун ясаган.

Кўпдан қуруқ қолмаслик ниятида мен ҳам одамларга қўшилдим ва бўлаётган гап-сўзлардан нима воқеа рўй берганини англадим.

Махамат ака олдиниға балодай чоғиб бақириб, болохонадор қилиб сўқиниб юрган эди. Тез орада бир-икки «ақлли» қариндош келди-ю ўзгарди қолди. Овози сўнди, кўзлари олайди ва уйига кириб ғойиб бўлди. Қариндошлар Турдини қаматиш учун касалхонаға ётишни маслаҳат берган ва таёқдан Махамат аканинг мияси чайқалган бўлиши мумкинлиги, бу эса жинниликка, ҳатто ўлимға ҳам олиб келишини башорат қилган. Бундай ваҳимадан кейин, албатта «бемор»нинг кўзлари олайган.

Бу воқеада мени қийнаган энг асосий нарса—Турди аканинг уйдагилари юзига қандай қарайди, деган фикр бўлди.

Дейлик, Турди ака ғазаб билан уйига борди, уйдагилари ундан жанжал моҳиятини сўради, суриштирди. У нима дейди? «Болаларим, менинг отам бошқа экан, мен ўйнашдан бўлган эканман» дейдимиз?

Қизиқ! Агар у ростдан ҳам Махаматнинг отасини ўғли бўлса (гапни қаранг!) ўзини қандай тутиши керак? Махамат билан қариндош ака-ука бўлиб, борди-келди қилиши керакми ёки «Кечдим сендай акадан», деб тесқари қайрилиши лозимми?

– Буларнинг ҳаммаси бўлмаган гап, – деди йиғилганларнинг бири, жабрдийда касалхонаға тайёргарлик кўриш учун ичкариға кириб, бекорчи бўлиб қолган томошабинлар воқеани муҳокама қилаётганда. – Махамат ака жаҳл устида айтган бўлса керак. Отаси ва онаси йўқлиги учун у бечорани энди «Отамнинг ўғли бўласан», деб азоб бериш яхши эмас... Буларнинг барчаси бўлмаган гап.

– Эмасам нимаға айтади? Бунақа гаплар ўз-ўзидан айтилавермайди.

– Қайдан билай, мен унинг оғзига қоровулманми?

– Қоровул бўлмасанг, ортиқча гап қилма!

– Турдини момоси катта қилган-ку, унинг энаси бўлмаган, чамамда.

– Ўзиям калла деб ошқадини кўтариб юрганинг йўқми, ишқилиб? Энаси бўлмаса қайдан туғилади?!

– Қайдан бўлса туғилгандир-да, мен... – ҳалиги киши яна қоровуллик тўғрисида гап қилмоқчи эди, давра кўтармаслигини сезиб тилини тишлади.

– Барибир, бизнинг одамлар бунақа ишга қўл урмайди.
– Одамларингни хохи борми?
– Бас қилсангларчи, бутун дунёнинг ташвиши сенларга қолганми?

– Барибир шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди... Болалигимда иккаласининг ҳам отасиз қолишига бир жанжал сабабчи бўлган, деб эшитганман, қанақа жанжал, аниқ билмайман, эсимдан чиққан.

– Бўлмаса эсингга келганида гапирасан... Лекин Махаматни қаттиқ урди, ўлиб-нетиб қолмаса гўрғайди... Пишкак билан урганини қаранг-да. Пишкакка бало бор эканми дарвозахонада?

– Уларнинг бир челақ сут берадиган сигири бор, ёғ олишаётган бўлса керак.

– Ўзимизнинг гап-ку, лекин бу матах гурзидай бир гап. Охири бахайр бўлсин.

Кўчанинг бошида мана шунга ўхшаш гап-сўзлар. Нарироқда, Махамат аканинг уйи олдида эса оиланинг тўрт-беш яқинлари йиғилган. Ҳовлида қандайдир муҳим гап-сўз бўляптими, тез-тез ичкарига кириб чиқаётганлар ҳам бор.

– Аҳволи оғирга ўхшаяпти, – деди кимдир. – Булар ташвишда. Махаматни бегона қилиб юрган хўжа тўп ҳам йиғилиб келаяпти. Султон суягини хўрламас, дегич эди Раззоқ бова.

– Аҳволи яхши, энди булар кўплашиб Турдини қамоққа тикмоқчи.

Ниҳоят, Махамат акани машинага ортиб, туман касалхонасига жўнашди. Узоқдан қараб сезишимча, Махамат аканинг ранги оқарган, бояги бақир-чақир қилиб юргандagi ҳолати йўқ, бошини ҳам тутиб туролмаяпти чамаси, ўнгга оққан.

Унинг бу аҳволи одамларни ваҳимага солди.

Қишлоқ миш-мишлар ичида қолди.

Анчадан бери, Қулмурод аканинг саккизинчи, шаҳардан олиб келган тилласоч хотини ул-бул нарсаларни олиб қочганидан сўнг оламшумулроқ бирор воқеа рўй бермай, аҳоли зериккан эди. Қишлоққа жон киргандай бўлди, одамлар гимирлаган, сўхбатлар ва ҳаёт жонланди. Турмушга «файз» кирди.

Орадан тўрт кун ўтиб ҳам қишлоқ тинчимади, барчанинг оғзида шу гап. Миш-мишлар кун сари кўпайиб болалаб бормоқда. Бир кун кўйларни боқиб, қайтиб келганимда уйимизда ўша, шоп мўйловли Ражаббой мелиса ўтирган экан. Илгари участкавой бўлиб ишлаган, анчадан буён дараги

йўқ эди. Орадан ўтган йиллар кўринишига таъсир кўрса-тибди: соқол-мўйлови оқарган, илгари чертсанг қон томғудай ёноқлари сўлган, пешонасини ажин босган, юзи тиришган, ўзи ҳам бироз чўкибди. Фақат бир нарса — қорни янада каттаргандай, осилиб қолибди, ҳатто форма кўйлагининг тугмалари ҳам зўрға етиб турибди, унинг пастидан сарғайган майкаси кўринади. Форма қорни катталарга умуман ярашмайди.

Ражаббой мелиса айвондаги катта темир каравотга оёғини осилтириб ўтирганча, қора чарм папкасини очиб ичидан қоғоз чиқариб томоша қилаётган экан. Унинг ёнида эса отам, ранги оқарганча қўлларини қайга қўйишни билмай каловланади.

– Ўтиринг, – Ражаббой мелиса отамга каравотнинг нариги чеккасини кўрсатди. У ўзини уй эгасидай тутаётган эди.

Болалигимизда тўполон қилсак отам «мелиса чақириб, бериб юбораман» деб кўрқитар эди. Шундан кўча-кўйда форма кийганни кўрдим дегунча, оёғим қалтирайди. Кўриб турибманки, отамнинг ўзлари ҳам мелисадан чўчир эканлар.

Мелиса ҳозиргина келган чамаси, ҳали дастурхон тўшашмапти.

– Бир пиёла чой, а? – отам ўнғайсизланиб сўради. Мелиса уйга келса, чойни ҳам сўраб бериш керак деган ўйда эдилар, шекилли.

– Чойни кўйинг, биз хизматдамиз, – Ражаббой мелиса бир гердайиб олди. У бу гапи билан ўзини бизлардан бир поғона юқорига олмоқчи, сенларнинг тақдирларингни ҳал қиладиган одамман, демоқчи бўлгандай туюлди.

Отам индамади. Айтилган жойга ўтириб, бу ёғи нима бўлишини кутди. Баногоҳ кўзлари менга тушиб ёш боладай қувонди.

– Бу ўғлим, Тошкентда ўқийди, – дедилар мағрур. – Шу йил кирди. Шунини одам қилмоқчимиз.

– Студент бўлса, тирамода қишлоқда нима иш қилиб юрибди? Ҳозир ҳамма пахтада-ку, – Ражаббой мелиса учун қайда ўқишим аҳамиятсиз экан, муҳими ишдан қочиб юришим.

– Сиртдан ўқийди, – деди отам айб иш қилиб қўйгандай.

– Сиртдан ўқиса одам бўлиши қийин, – Ражаббой мелиса эътиборсиз гапириб, қоғозни папка устига қўйди ва ёзишга чоғланди. Ўйланиб туриб гапида давом этди. – Лекин мелиса бўлиши мумкин. Сиртдан ўқиганни мелисага ишга олишаверади.

Отам энгилгина хўрсинди. Афтидан у кишини одам бўл-масам-да, мелисалик қониқтирар эди.

– Кўринмай кетувдингиз? – сўради отам «Сен касофат яна қайдан пайдо бўлдинг?» дегандай.

– Терговга ўтган эдим, – мақтанди Ражаббой мелиса. – Терговда тажрибали одамлар қолмагач, раҳбарлар «Ўзингиз ўтмасангиз бўлмайди», деди. Рози бўлдим. Мана, пенсияга ҳам чиқармай ушлаб ўтиришибди.

– Ҳали ёшсиз-ку. – Отам озроқ тилёгламалик қилдими ёки колхозда пенсияга қариб чуригандан сўнггина чиқаришлари учун ажабландими, тушунолмадим.

– Бизда йигирма йилдан кейин чиқаришаверади. Ёшнинг аҳамияти кам. Мен майорлигим учун эллик ёшгача ишлашим мумкин...

Отам унинг гапларини тушунмаса-да, «ха», деб қўя қолди. Ражаббой мелиса эса менга синчиклаб қаради:

– Сен бола, кўзимга таниш кўринаяпсан, Вағаштидан иккита ҳўкиз ўғирлаганинг учун қамаганмидим?

Мелисанинг саволиям совуқ. Айниқса, отамнинг капалаги учди ва айтмай, ўзим қамалиб чиққандай ҳайрат ва савол назари билан менга қаради.

– Йўқ, ким биландир адаштирдингиз. Теша акани ушлаганингизда кўргансиз, сўроқ қилиб эдингиз ўшанда.

– Ҳа... Эсладим, суяк топиб олгандинглар. Тўғрими? – Ражаббой мелиса тиржайди ва нигоҳларини отамга олиб жиддий сўради. – Теша ака яхши юриптиларми? Қариндошимиз бўлар экан... Отам айтувдилар. Менинг бобом билан унинг бобоси қадрдон экан... Бобой ҳам ўтдилар. Ташвиш кўп, борди-келдига вақт йўқ...

Ражаббой мелиса афсус билан бош чайқади.

Орага бироз сукунат чўмди ва терговчи ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилишга ҳаққи йўқлигини англаб жиддийлашди:

– Шундай қилиб, ўша куни, яъни соат 15.30 да қаерда эдингиз?

– Уч яримдами? Боя кўчада айтдим-ку.

– Шуни бошқатдан айтинг демокчиман-да, тушунтириш хати ёзамиз.

– Ёзмаса бўлмайдимми?

– Ие, қизиқмисиз ёки қизиқчимисиз? Ёзмаса қандай қилиб Турди аканинг айбини бўйнига қўйиб бераман. Бир одамни қамаш учун биласизми, қанча қоғоз қоралаш керак? Одамнинг эси оғай дейди, ўзиям. Илгариги замонлар ўтган, бир одамни ҳеч бўлмаса беш йилга қамаш учун икки папка қоғоз тўлдириш керак. Ана шунақа, ҳеч ким

терговчини ўйламайди... Хўш, барчасини яна бир бошидан гапириб беринг-чи.

– Турди акани менинг гапим билан қамайсизми? – отам хавотирланди.

– Ўзим ичимдан тўқиб чиқариб қамамайман-ку.

Отам бир инсон тақдири ўзига боғлиқлигини эшитиб, нима дейишини билмай каловланди. Ахир ҳеч қачон бунчалар масъулиятни ўз зиммаларига олган эмас.

– Қўйвора қолинг бўлмаса, – отам паст овозда гапирди.

– Ҳали иккаласи ҳеч нарса бўлмагандай ярашиб кетади.

Отам инсоннинг қамалиш масаласи менинг қўлимда экан, бир оғиз гапим билан уни қўйиб юборади, деган хаёлга борган эканми, Ражаббой мелисанинг гапини эшитиб ҳафсаласи пир бўлди:

– Эй, нималар деяпсиз, бир оғиз гапингизга қараб қолган эканда, а бизнинг суд системамиз. У барибир қамалади, бир инсонни калтаклаб, реанимацияга тикиб қўйибди-ку, қўйиб юборинг дейсиз. Ундан кўра бўлган гапни бир бошидан ҳикоя қилиб беринг, мен ёзиб тураман.

– Мен бақир-чақирни эшитиб кўчага чиқсам, тўрт-беш киши Турди акани судраб кетаётган экан.

Отам жим қолди. Терговчи ручкасини шайлаб, унинг оғзига қараб тураверди. Ниҳоят сабри чидамади. Чунки отамнинг гапни давом эттириш нияти йўқ эди.

– Хўш?!

– Нима, хўш? Шу!

– Бўлдими?

– Бўлди.

– Сўроқниям расво қилдингиз. Бундай батафсил тушунтириб айтмайсизми нима бўлганини? Кимлар бор эди, ким нима деди?

– Эсимдан чиққан, – деди отам содда кўзларини жавдиратиб.

– Хм, – деди терговчи ва қоғозга ўзича нималарнидир ёзишга киришди. Орадан анча ўтиб толган қўлларини силкитиб деди:

– Бўлди, мана бу ерига қўл қўйиб берасиз, шу билан масала ҳал.

– Қўл қўймасам бўлмайдими?

– Бўлмайди, – терговчининг чинакамига жаҳли чиқди ва ўдағайлаб гапирди. – Манави ерга қўл қўйинг-да, билганингизни қилаверинг.

Отам шоша-пиша, қоғозни ўқиб ҳам ўтирмай имзо чекиб берди. Терговчи отамга раҳмат айтиб уйимиздан чиқди.

Мен орқасидан эргашдим. Албатта, унинг шапкаси ваҳимали ва кўрқинчли, бироқ нима воқеа бўлганини билиш ва бундай тарихий ҳодисада ўткинчи қаҳрамон, оддий кузатувчи сифатида бўлса-да иштирок этиб қолиш иштиёқи ундан-да кучли.

Терговчининг орқасидан дум каби судралиб юравериб шуни билдирдики, қишлоқнинг чала битган чойхонаси олдида ўша мудҳиш гапни эшитган Турди ака (кимданлигини аниқ-лолмадик, терговчи буни Турди аканинг ўзидан сўраб олмоқчи бўлди) Махамат аканинг уйига келиб у билан бир-икки оғиз сан-манга борган. Орада бўлиб ўтган бу суҳбатнинг аниқ мағзини ҳеч ким билмайди. Одамлар кейинроқ, Махамат аканинг бешига шу ерда — дарвозахонада турган пишкак урилаётганда келган. Олдинига Махамат аканинг болалари югуриб чиққан, кейин шу ердан ўтаётган Кулмурод ака эшаги билан кириб борган.

— Эшагим ёмон, — деди у сўроқ чоғи. — Арпа бериб боқман, озроқ ёлғиз қолдирсам, Қиёнлига қараб қочади... Ичкаридан бақирган овозларни эшитиб эшагим билан кириб келдим.

Шундан кейин Шодикул билан Нормат келган. Улар ҳам боши гангиб шу ердан ўтаётган экан. Айнан шу иккаласи Турди акани ушлаб, уйига етаклаган.

Ҳаммаси ойдинлашгач, Ражаббой мелиса ёзиб чизган қоғозларини папкасига солди-ю ўзининг ўша — эски «Волга»сига ўтириб, Турди аканинг уйига жўнади. Унинг машинаси ўтган йиллар давомида ўзидан-да қариб, у ёқ-бу ёғи буришиб, гижимланиб бўёқлари кўчган, айрим жойлари занглаган, ичидаги ўтиргичлари йиртилган, юрганда тўкилиб қоладигандай шалдирайди.

Шу куни кечга бориб қишлоқда ваҳимали гап тарқалди:

Турди акани мелисалар қўлга олиб қамаб қўйибди, Махамат ака эса касалхонада ўлим тўшагида ётибди эмиш.

Одамлар бирин-кетин мелисахонага Турди акани, касалхонага Махамат акани кўриш учун бориб келмоқда.

Менга ўша кунларда Дилфуза билан гаплашиш насиб қилмади. У деярли кўчага чиқмай қўйган. Ахир буларнинг барчаси айнан уни деб юз берган ва бундан қаттиқ виждон азобини ҳис қилаётган бўлса керак. Одамларнинг кўзига кўринишни истамаётгандир.

Бу икки севишган шундай ноқулай вазиятда ўзларини қандай тутаяётгани мен учун қизиқ. Муҳаббат яхши, лекин икки ўртага оталар орасидаги нафрат қўшилиб турган бўлса, унда қандай йўл тутиш керак? Тахминим бўйича

уларнинг муҳаббати шу воқеадан кейин чилпарчин бўлиши керак эди. Бу мен учун айнан шуниси билан қизиқ: қани, кўрайчи, мантиғим қанчалар тўғри ва одамлар тўғрисидаги билимим нималарга арзийди. Ахир бир кун келиб катта ўқитувчи бўламан ва ўзимизнинг 48-сонли мактабда тарихдан дарс бераман (ҳозирча Ақтам маълим «бунинг ўқитувчи бўлишига уч қовун пишиғи бор» деб тихирлик қилиб дарс ажратмаяпти). Одамларнинг табиатини билиш эса ўқитувчи учун жуда муҳим. Мени шундай деб ўқитиш-аяпти.

Қишлоқ эса ёзнинг жазирама иссиғида, пешин чоғида пайдо бўладиган қуюнлар каби гувиллаб, айланиб, ўргилиб ўша масалани муҳокама қилмоқда ва бу яқин ўртада барҳам топмайдиганга ўхшайди. Борган сари янгидан-янги маълумотлар, хабарлар, тафсилотлар ва ахборотлар аниқланмоқда, юзага келмоқда, фош этилмоқда. Энг сўнгги гап-сўзларга қараганда, Турди аканинг энаси Маннол Матлабович билан эри урушга кетганидан бошлаб, эллагинчи йилларнинг ўрталаригача дон олишиб юрган экан, аслида унинг эри ҳезалак бўлиб, бу масалага панжа орасидан қараган эмиш; бунинг эвазига раис уни урушдан эсон-омон қайтариб келганмиш; колхознинг ҳисобидан Турдининг отаси (яъни расмий отаси), онаси, момосини боққан эмиш, хуллас биргина шу нарсанинг оқибатида бутун оила урушдан, очарчиликдан, қатагондан, қулоқ қилинишдан, босмачилар таъсиридан, ҳатто мардикорчиликдан эсон-омон, талофатсиз чиққан эмиш.

Бошқалар бу масалада қандай фикрда, билмадим-ку, бироқ тарих факультетида ўқишим сабабли бу борада озгина билимим бор ва баён этилаётган воқеаларнинг мутаносиблигига шубҳа билан қарайман, бироқ қишлоқ кексалари гапини инкор қилиб бўлар эканми, улар ўзларининг оппоқ соқоллари, обрўлари билан ҳар қандай фикрни ва унинг эгасини эзиб пачоқлаб ташлайди. Бир-икки бу борада фикримни билдирган эдим, кексалар дакки берди. Гапирганимга пушаймон қилдим. Уларнинг сўзларига кўр-кўрона ишонишдан ўзга чора қилмади. Асаблар эса тобора таранглашмоқда.

Мол-ҳоллар урушга олинган, одамлар қўй-қўзиларини урушнинг дастлабки йилларида еб битирган. Эркакларнинг деярли йўқлиги, илгарироқ, қулоқ қилиш даврида аҳолидан ўқотар қуроллар йиғиб олингани, уйда милтиқ сақлаганларни

камаб юбориш борасида амалга оширилган сиёсат тўсатдан қутилмаган жойда акс-садо берди.

Уруш ўрталарида тоғда бўрилар кўпайди. Урушнинг охириги йилида улар ҳаддан ошган эди. Илгари қишда ва фақат кечалари қишлоқ оралаган бўрилар энди ҳеч кимни менсимай, очиқ ошқора, куппа-кундузи яқин атрофларда ўралашадиган одат чиқарди. У ер-бу ерда бўриларнинг одамларга ҳужум қилгани тўғрисидаги гаплар чиқиб қолади.

Баҳор охирида бормоқда, қишдан омон-эсон чиққан қишлоқ аҳли хурсандчилигининг чеки йўқ, олдинига ўт-ўлан еб юришди, энди ровоч, довучча кўпайди, тут қизарди, буғдой ҳам етилиб келаяпти, одамларнинг қорни тўйиб, кўнгли тўлиб юзига қизиллик югурган.

Қишлоқнинг ёш-яланглари Ургут бозорига серқатнов бўлди. Кўксомса, пичак олиб бориб, нон, ун, ҳар хил кийим-кечакка мовоза қилиб келишмоқда. Ҳаёт жонланди.

Қишлоқнинг тоғ тарафида, тепалик устидаги Бекмурод яратган тоқзор қариган эса-да, ҳали ҳам серҳосил. Қишлоқ аҳли сабабини билмайди, айтишларича, тоқ ниҳоллари бошқа ёқдан олиб келинган. Бекмуроднинг аллақайлардаги қариндошлари келтирган. Сара навлар бўлган. Бошқалар, айниқса хўжа тўпнинг гапига қараганда, бу ерда ҳар доим шаббодалиги сабабли ҳосили яхши экан. Чунки айримлар бир неча бор ушбу тоқлардан новда олиб, ўз боғларига ўтказган, бироқ ҳосил қутилганидай бўлмади.

Оила эркалари урушда, Нодир дастлабки йили ҳалок бўлган эди, бултур кеч кузда эса Нормуродни ҳам чақирди. У қиш бўйи совуқ ўлкада ўқишда бўлди. Энди поездга ортиб қайларгадир олиб кетишган. Уларнинг орасидан бир йигит — Ҳазратқуллардан бирининг жангда ўлгани тўғрисида хабар келган. Қолганларнинг эса дом-дараги йўқ.

Бону момонинг уйида тоқзорга қарайдиган эрак зоти йўқ. Бу иш ҳам барча ташвишлар каби аёллар зиммасида.

Ўша куни Бону момо келинига тайинлаб, Пайзининг хотинини ҳашарга айтди, тоқ пуштасига ишлов бериш керак эди. Колхоз иши билан бўлиб, очилганидан буён ўз ҳолида ўсиб ётибди, энди хомтоқ қилиб ўт-ўландан тозаланмаса, ҳосил бўлмайди. Бону момо шундан хавотирланиб, ҳашар чақирди, ҳадемай ғалла ўрими бошланади, ҳамма иш қилади. Бу номинг ўчгур Манноп уларни тинч қўярмиди.

Пайзининг хотини Рухсат олти ёшли, тили чучуқроқ ва эркатой қизи Адолатни етаклаб келди.

Тоқзорнинг тоғ тарафида тўрт-беш туп тоғолча ўсади, шуларнинг меваси данакдан каттароқ бўлиб қолган.

Қишлоқнинг шум болалари хира пашшадай шу атрофда ўраллашиб юради. Ўша кунни, равза эгалари шу ерда ишлаётгани учун ҳеч ким кўринмади.

Энгига қора бахмал мастакча ва ранги униққан атласдан тикилган кўйлак кийган Адолат олдиниға яқин орада тупроқ ўйнаб ўтирди, кейин зерикдимми, онасининг этагига ёпишиб хархаша қилди. Рухсат у нима истаётганини тушунмади.

– Нима дейсан?! – унинг жаҳли чиқиб қизининг кўлини силтаб ташлади ва кўлидаги капчани ерга тиқиб, қаддини ростлади, пешонасидан оқиб келаётган терни енгига артди.

– Уйга кетамиз, – Адолат унинг этагидан тортди. – Уйга боргим келаяпти.

– Кўрмаяпсанми, мен бандман, ишляпман? – жеркиб берди сўнг ёнида тарвақайлаган ток шохларини тортиб турган Бону момога изоҳ берди. – Билмадим, нима бўлган, инжиқ бўлиб қолди шу қизим. Отасини соғинаяптими дейман-да.

– Отасини ўзингиз соғингандирсиз, – нариги ариқда кетмон билан ток танасини кўмаётган Малоҳат кетмонини ерга қўйиб унга суянганча узоқ-узоқларга маънисиз термилди.

– Ўлсин, – деди негадир Рухсат қизариб. – Эрсиз яшашга ҳам ўргандик, одам ҳар балога кўникар экан-да, а?

– Гапингизга караганда, ҳеч унутмаганга ўхшайсиз, – Малоҳат кулди, лекин кулгиси ҳазин эшитилди ва чуқур «уф» тортди.

– Эй, қайнонангизни олдида уялмайсизми шунақа гапларни айтгани? Яна уф тортишингизни-чи?

– Майли, баҳор-да, – Бону момо буларнинг ҳазилига жиддий қарамади.

Адолат бир-икки сония катталарнинг гапини тинглаб, оғзига қараб турди-ю яна хархашасини бошлади.

– Бунинг жағи тинмайдиганга ўхшайди, – деди Рухсат қизчасининг кўлидан тутиб чеккароққа — ҳозиргина чопилган, нам ҳиди уфуриб турган юмшоқ ерга олиб қўйди.

– Қиш кунлари қайда эдинг? – момо Рухсатга дакки берди. – Устидаги мастакчасини ечиб ташласанг бўлмайдимми, иссиқлагандир?

– Балки олчаларнинг олдиға қўйиб келарман, олча еб эрмак қилиб туради, – таклиф қилди Малоҳат.

– Ўзим қўйиб келаман, – Рухсат шундай деганча қизининг мастакчасини ечиб уватга, ажриқлар устиға ташлади ва кўтариб олчалар томонга кетди.

– Шу тахирни болалар қандай ейишар экан, биттасини оғзимга солган эдим, тишларим қамашди, – деб қайтиб келди у бетини. буриштириб.

– Ўзинг ҳам бошқоронғи пайтларингда кўрдим демасдинг, адашмасам, – деди уватдаги чимга ўтириб олган Бону момо.

– Унда кўзга ҳеч нарса кўринмайди-да. Мана шунимга мен кесакка бошқоронғи бўлганман. Деворга қарадим дегунча ялаб олгим келаверар эди... – Рухсат келиб момонинг олдига ўтирди ва ҳазин овозда қўшиб қўйди. – Энди у даврлар қайда?!

– Ростдан ҳам кувёни соғинибсиз, – Малоҳат яна кулди.

– Шошмасангиз тезда қайтиб келиб қолади, ана ундан кейин яна девор ялаб юраверасиз.

– Мен у нарсани айтмадим, ўзингизнинг ҳам хаёлингизда шундан бошқа нарса йўқми дейман-да, икки гапнинг бирини шунга олиб бориб тақайверадиган бўлиб қолибсиз... – Рухсат ўзини окламоқчи бўлди.

Шу алфозда улар анча ишлашди. Адолатнинг ҳам овози чиқмай қолди. Куймаланиб, нималарнидир ўйнаб ўтирар эди. Ҳаво исиб қолгач Рухсат уйига бирров бориб келадиган бўлди.

– Сизлар озроқ дам олиб турингизлар, мен сигиримни уватга бойлаб келган эдим, шуни суғориб сояга ўтказиб қайтаман.

– Қизинг-чи? – сўради момо.

– Кўнди, гўра билан овора бўлиб турганда бориб келаман, уни етаклаб оёғига қараб юраманми.

Рухсат кетди, қайнона келин гап-сўзсиз ўз ишлари билан машғул бўлди: момо Рухсатнинг капчасини олиб, ер белламоқда, келини кетмон билан ариқ олиб тоқларнинг кундасини кўмаяпти.

Орадан анча вақт ўтди, на Рухсатдан дарак бўлди ва на Адолатнинг овози чиқди.

– Мало, бўйинг узунроқ, уватга чиқиб қара-чи, анавининг қизчасини овози чиқмаяпти, бирор жойга кетиб қолмасин, – момо хавотирланди.

Малоҳат кетмонини қўйди, қаддини ростлаб кафтини пешонасига соябон қилиб олча тарафга қаради, ҳеч нарса кўринмади, уватга чиқди, оёқ учида туриб кузатди. Қуёш тепага келган, аёвсиз қиздирмоқда, узоқ-узоқлардан ердан иссиқ ҳил кўтарилади, Малоҳатнинг нигоҳлари мана шунга тушиб, бутун аъзо-ю бадани билан иссиқни туйди ва чарчади, эринчоқлиги тутди, оёқ-қўлларидан жон чиққандай

бўлди, ўз хаёли билан бўлиб иссиқни сезмаган экан, манзарани кўриб ўзини тандир ёнида тургандай ҳис қилди, ҳолсизланиб товонини ерга қўйди.

– Кўринаяптими? – сўради момо ёй каби эгилган қаддини тиклашга уриниб.

– Ҳозир... – Малоҳат бўй чўзиб яна қаради. – Ана, олчанинг тагида, сояда ўйнаб ўтирибди экан... Узокроқда бир кучук юрибди.

Келинининг сўнгги гапидан момо ташвишланди:

– Бориб ҳайдаб юбор, қолиб-нетиб олса балога қоламиз.

Малоҳат эринчоқлик билан уватдан тушиб олча ёққа юрди.

– Кетмонни ол, қутурган бўлмасин яна.

Малоҳатга кампирнинг гаплари ёқмади. Барибир орқасига қайтиб кетмонни олди ва йўлида давом этди. У дарахтларга ўн одимлар етмай, нариги тарафдан бояги кўнғиртоб, жунлари қуллаган, ориқ кучук ҳам Адолатга яқинлашаётганини кўриб хавотирланди, итнинг ялтиллаган кўзлари ва қўрқув билмас нигоҳларидан ичи музлади, мақсади ёмон эканини англаб бақирди:

– Адолат, қизим, қоч у ердан, кучук тишлаб олади.

Қиз, олча остида, чимда ўтирганча олдига аллақанча чўп ва тошларни йиғиб, ўзича нималарнидир ўйнаб ўтирган экан, Малоҳат холасининг бақирган овозидан бир чўчиб яқинлашаётган кўрқинчли итга кўзи тушди, бақириб йиғлаганча ўрнидан турди ва Малоҳатга қараб чопди. Ит ҳам жонланиб қизга ташланди. Малоҳат шошиб Адолатга қараб югурди, бироқ етиб боролмаслигига кўзи етиб қўлидаги кетмон билан итни уриб кўрқитмоқчи бўлди, қулочкашлаб улоқтирди. Бироқ кетмон айланиб, дастаси билан чинқириб йиглаб келаётган Адолатнинг бошига тегди, қаттиқ зарбдан қиз чалқанча йиқилди. Малоҳатнинг эсхонаси чиқиб кетди, кўрқанидан оёқ-қўлида жон қолмай қалтиради. У адашиб қизни кетмон билан уриб бошига лат етказганидан кўрқаётган эди, бироқ ўзини ўнглаб олганда бу ҳали ҳаммаси эмаслигини кўрди — ит сапчиб чалқанча йиқилган қизчанинг устига ўзини ташлади ва ўткир тишларини унинг қорнига ботирганча шошиб тишлаб, кўйлақларини йиртиб этини тортқилади.

Тезда йиртқичнинг тумшуғи, қизчанинг уст-боши ва яқин орадаги ерлар қип-қизил қонга беланди. Малоҳат бу қутилмаган манзарадан ўзини йўқотиб, нима қилишини билмай, «тур, тур» деганча қўллари билан итни ҳайдамоқчи бўлди, бироқ йиртқичга бу гап-сўзлар қор қилмади, ҳар-ҳар замонда важоҳат билан «яқинлашма», дегандай ириллаб унга

тишларини кўрсатиб кўяр ва яна чинқириб оёқ-кўлларини типирчилатиб ётган қизчани ғажигга киришар эди. Кўлидан ҳеч нарса келмаган Малоҳат овози борича бақирди. Қишлоқ у ва Адолатнинг чинқириғидан ларзага келди.

Бону момо югуриб келиб қизчага бўри ҳужум қилганини кўрди ва орқага қайтиб капчани олиб келиб, жон талвасасида қичқираётган қизчадан ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Бироқ бўрига бу таъсир қилмади, узун ва даҳшатли тишларини кўрсатганча Бону момога ҳам тажовуз қилмоқчи бўлди. Йиртқич ҳеч нарсани писанд қилмас, очлик уни мана шундай, жонидан ўтказиб юборган ва ўз ўлжасини нарироққа олиб кетмасдан, шу ернинг ўзида ғажигтан эди.

Одамлар йиғилиб, бўрини ҳайдаб юборганида (бу тоғдан тушган оч бўри эканини Малоҳат билмаган эди) Адолатнинг ярим танаси ғажиб ташланган, қизнинг кўкраги, бўйин ва юз қисмигина соғ эди, холос.

Рухсат қичқириқни эшитиб чолиб келганда, оч бўри ўзига яқинлашганларга ғазабини сочиб қизчани ғажигтан эди. Онаизор қизининг аҳволини кўриб, уни қутқариш ўрнига ранги оқариб ток жўягига йиқилди ва одамлар уни кўриб, юзига сув сепгунича ўзига келмади.

Адолатга оч бўри ҳужум қилгани тўғрисидаги хабар бир зумда қишлоққа тарқалди. Қишлоқда ёш болалар ва Алим, Аҳмат, Пўлат, Содиқ исмли қариялар қолган. Ўспиринлар ва кексалик арафасидагилар қишлоқ этагидаги пахта пайкалларида ишляпти. Қишлоқ аҳли бу шум хабар тўғрисида эшитгани ҳаманоқ шу ёққа, қирлик этагига етиб келди. Алим бова эғнидаги яктагини ечиб қизнинг устига ёпди ва қип-қизил қонга беланган ерни айланиб ўтиб авайлабгина кўтариб олди. Ҳамма — биров бақириб йиғлаган, биров сўкинган, тўп бўлиб унга эргашди.

– Сув! – деди Адолат қуруқшаб бораётган лаблари билан қимтиниб.

– Гапираяпти. Тирик экан, – деди кўзларидан дув-дув ёш оқиб оппоқ соқолига тушаётган Содиқ бова.

– Ҳозир, қизим ҳозир, – деди Алим бова бошини қуйи эгиб. – Қишлоққа кирганча чидаб тургин, сув бераман... Тузаласан.

– Эна, сув! – қизча шундан бошқа сўзни билмайдигандай эди гўё.

Алим бова бу сафар қизнинг оқарган юзи, ҳиссиз нигоҳлари ва хас-чўп илинган сочларига боқиб индамади, бирор нарса дейишга ҳадди сизмади. У бу ёш боланинг гуноҳи йўқлигини, бу адолатсизлик экани, одам бу ёшда ўлмаслиги,

фақат ўйнаб-кулиши, ташвиш нималигини билмаслиги кераклигини ўйлаб юраги куюётган эди. Бу бола ҳали ўлим нималигини тушунмайди, бу шафқатсиз ҳаётга келиб ҳеч нарсани кўрмай, билмай кетмоқда. Чол буни чуқурроқ англаган сари, дили хуфтон бўлиб, исён кўтаргиси келди. Бироқ кимга ва нимага қарши, билмайди.

У узоқ ҳаёти давомида кўп кўргиликларга дуч келди, одамларнинг ўлим билан олишганига гувоҳ бўлди, қанчадан-қанча кишини қабрга қўйди, не бир инсонлар ўз орзумидларини амалга оширолмай армон билан ўлиб кетгани, бу ёруғ оламга ғурбат билан келиб, кун кўрмай, ғурбат билан ўтганининг гувоҳи бўлди, болаларнинг очликдан шишиб ўлишини алам билан кузатди, бироқ ҳеч қачон бунчалар таъсирланмаган, бунчалар ачинмаган ва бунчалар ожизлигини ҳис қилмаган эди. Ахир инсоннинг боласи-ку бу.

– Қизнинг хунини кимдан оламиз энди? – деди кимдир хўнграб.

Аёллар кўплашиб Рухсатнинг юзига сув сепиб ўзига келтирди, ранги докадай оқарган, девонаникидай маънисиз нигоҳларини тикканча уватда ўтираверди, на йиғлади ва на дод солди. Кўплашиб қўлтиғидан олиб, Адолатнинг танасини кўтариб тўп бўлиб кетаётганлар орқасидан юрди. Улар боя белланган ток қаторлари олдига келганларида негадир ўз-ўзидан, гап-сўзсиз уватга талпинди ва бир чеккага ўраб қўйилган қора мастакчани олиб юзига босди, ҳидлади-ю маст одамга ўхшаб довдиради, кўзидан дарё бўлиб оқаётган ёш мастакчани ҳўл қилди.

– Қизим тирикми? – сўради у дарвозадан уйга кириб борганларида. Қайрағоч остидаги сулачага қизчани келтириб қўйишган, ёнида тўрт-беш чол ўтириб, нима қиларини билмай қараб турарди. Алим бова сопол пиёла билан қизга сув ичирмоқчи бўлаяпти.

– Дўхтирга бориш керак! – деди Содик бова атрофга аланг-жаланг қилиб. – Аравани қўшишни айттайми?

– Керак эмас, – деди Алим бова қатъий. – Энди бу қизимизга ҳеч нарса керак бўлмайди.

– Бирор чорасини кўриш керак-ку! – Содик бованинг хаяжондан лаблари қалтиради. У умри бино бўлиб мана шундай ночор аҳволга тушмаган ва ўзини ноқулай ҳис қилмаган. – Эй, инсон, бақрайиб қараб тураверамизми? Бирор нарса қилайлик ахир, одам боласи ўлиб кетаяпти-ку!

– Нима?! – Алим бова унга қараб секин, лекин қатъий овозда гапирди. – Ярмини бўри еб қўйган бўлса қўлимиздан нима келади? Кутиш керак.

Рухсат сочлари тўзиган, кўйлаги елкалари оққан, афто-дахол, супа ёнида ўтирган чолларни туртиб қизининг ёнига келди ва чўк тушди:

– Қизим! – деди у хириллаган овоз билан. – Мени танияп-санми?

У шундай деб қизини бўйнигача ёпиб қўйилган, қон шимиб ҳўл бўлган ятакни очмоқчи бўлди, Алим бова унинг билагидан тутди:

– Қизим, керак эмас, очма!

Рухсат индамади, гап нимада эканини тушунди, индамай энгашиб, қизининг пешонасидан ўпди.

– Эна! – деди Адолат зўрға гапирар экан. – Сув!

– Боламга, Адолжонимга сув берингизлар! – Рухсат Алим бовага ўгирилди.

– Ҳозир, келин, ҳозир. Боядан бери тутаяпмиз.

– Қизим ўлиб қолмайдими? – Рухсат бундай жароҳат билан тирик қолиш даргумон эканини билади, бироқ бу саволи билан адашаётганини тасдиқлатиб олмоқчи, холос.

– Ўлмайди! – деди Алим бова. – Ҳали катта тўйлар қи-ласилар.

Рухсат бу гап ёлғонлигини билса ҳам юраги бироз тасал-ли топди, хира бўлса-да умид учқунлади, бироқ қизини бир умрга йўқотаётганини англаб турар эди.

– Отасига нима дейман? Келиб, менинг эрка қизим қани десалар, нима деб жавоб бераман? Шу бир болани ҳам эплаб юролмадингми десалар қандай жавоб бераман? Бовалар, айтингизлар, нима деб жавоб бераман? Ахир Адолжон хўжайинимнинг энг эрка фарзанди эди-ку. Нимага бундай бўлди? Нимага?!

– Бирортасига тайинланг, бориб райҳон билан пидона юлиб келсин, – деди Алим бова шу ерда турган Содиқ бовани туртиб, Рухсатнинг гапига эътибор бермай.

– Райҳонни нима қиласиз? – Рухсатнинг кўзлари чакна-ди, шу нарса — райҳон келтирилиши Адолатнинг ҳаётини ҳал қиладигандай туюлди.

– Керак! – деди Алим бова сўзига изоҳ бериб ўтирмай.

Содиқ бова ўрnidан турди ва шу ерда ўтирганлардан бирини райҳонга, бирини ялпиэга юборди, сўнг бояги жойига қайтишга юраги бетламай, шу ерда йиғилганларга бир-бир иш буюрди. Кимнидир ҳовлини тозалашга тайин-лади, кимнидир челак топиб сув келтиришга юборди. Кей-йин секин бориб, олма дарахти остида ўхчиётган бир бола-нинг пешонасидан ушлаб турди:

– Бунақа нарсаларга қарамаслик керак, – деди гезарган лабларини артаётган боланинг пешонасини кўйиб. – Бор уйингга, озроқ дам ол, кейин келасан.

– Бўри чиқиб қолади! – деди бола кўзларини ола-кула қилиб.

«Одамзод бекор нарса, – деган хаёлга борди Содик бова.

– Бир парча гўшт бўлиб қолибди-я... Бир уюм кип-қизил гўшт... Боягина чопқиллаб, бурро тиллари билан барчани лол қолдириб юрган. Энди эса гўшт, холос...»

Адолатнинг қийноқлари узоққа бормади, пешинга етмай қазо қилди. Уни шу куни кечга яқин дафн қилишди.

Айтишларича, қабристон ғарбида, жарлик бўйидаги буталар, жингиллар орасида ўша — Адолатни ғажиган бўрини кўришганмиш, у кўзларини чақчайтирганича дафн маросимини кузатиб турган экан.

Тоғ қишлоқлари бўйлаб даҳшатли миш-мишлар тарқалди. Одамлар эртаси куни саҳарлаб қабр бошига борган оила аъзолари қабрни бўри очгани тўғрисида гап-сўз қилди. Бироқ бу рост-ёлғонлигини ҳеч ким аниқ билмас эди, оила аъзолари бу хусусида ҳеч нарса демайди, одамларнинг эса сўрашга ҳадди сизмайди.

Кўпдан буён Ёдгордан на хат ва на хабар бор. Кўпчилик уни ўлдига чиқариб кўйган. Бу борада Манноп раис қатъий фикрда. Гапига қараганда, бу урушдан тирик қайтадиган одам кам бўлади. Ушбу хулосалар ўзаро суҳбатларда, оиласи даврасидагина айтилади, холос. Бироқ бу тезда аҳоли юрагида кўркув уйғотиб, бутун қишлоқ бўйлаб оралаб кетади.

Ризвон кўпроқ нимадан ташвишланишни ўзи ҳам билмайди. Бир ёқда эридан хат-хабар йўқ, иккинчи томонда кундан кунга Манноп раиснинг хаёли ўз комига тортиб бормоқда. Илгари чўлоқлиги учун ундан ғажинган, нафратланган бўлса, энди ҳатто ўша — ёғоч оёғи ҳам кўзига оловдай кўриниб бораяпти. Унинг мувозанатини йўқотиб, лапанглаб юриши, урушдан қайтиб ўстириб юборган, қалин ва узун мўйловини силаб кўйиши кўз ўнгига келаверади, кечалари ухлолмай уни ўйлайди, дала-даштларга чиқиб бор овозда бақиришни истайди. Бироқ ўзини тийишга мажбур. Дамини чиқармайди, кўнглида юз бераётган туғённи ҳеч кимга билдирмай жим яшайди. Ташқаридан қараганда у кўнглини ҳеч бир туйғу безовта қилмайдиган, ҳиссиз инсонга ўхшайди. Ичида кечаётган туғёнлардан эса ҳеч кимнинг хабари йўқ.

Тез орада Ёдгордан хат келди, ёзишича оғир ярадор бўлиб, касалхонага тушган экан, энди соғайиб яна урушга қайтибди.

Бу хатдан Ризвоннинг жаҳли чиқди, эридан газабланди, ахир нима қилар экан у ҳам одамларга ўхшаб бир оёғини кестириб қайтса. Назарида, эри ўлардай ландавур. Уни раис билан таққослаб, шу хулосага келди. Эрининг илгари ўзига қилган, ўшанда жуда-жуда ёққан хуш муомаласи энди мужмаллик, ландавурликдай туюлмоқда. Эри аёлчалиш бўлмаганида мана шундай гапларни айтмаган бўлар эди. Манноп раисга ўхшаб дағал ва кўпол гаплашар, эркаклигини кўрсатар эди.

Назарида, фақат раис ҳақиқий эркак, унга ўхшамаганлар аёлчалиш ва ландавур. Раис бутун колхозни бошқариши, шунча аҳоли унинг бир оғиз гапига маҳтал қараб туриши нозик ҳис-туйғуларини кўзгайди. Ёдгор ўлиб қолса ҳам шунақа қилолмаслигини ўйлаб нафратланади, ўз толедан норози бўлади. Келиб-келиб мана шундай ландавур йигитга турмушга чиққанига ачинади.

Хатто раиснинг исмини эшитса ҳам баданига титроқ кириб, юраги ширин энтикади. Ўша — ғалла ўримида бўлиб ўтган ҳодиса ҳаётидаги энг муҳим воқеа эди. Фақат шунигина ўйлайди, шундан озиқланади, эслаб ширин-ширин энтикади, шу хотира билан ўзини овутади. Ҳолбуки, қачонлардир бахтли эди, турмуш ўртоғини ҳеч кимга ишонмас, унингдек йигит бу оламда йўқ эди, назарида. Аммо вақт ва вазият барчасини ўз қомига олар, хотира ва туйғулар ҳам унинг таъсирида ўзгарар, тусланар, хиралашар экан. У хотиралар ҳозиргина юлинган гуллар каби янги ва туйғулар шабнам ювган майсалар каби мусаффолиги учун Манноп раисни унутолмайдиган даражада.

Манноп раиснинг ўзи ҳам бу жувон тўғрисида кўп ўйлайди-ю, бироқ аёлнинг ўзини тиёлмаслиги, ўшандаги очиқ-ойдин гапиргани чўчитади. «Менга уйланинг!» деганидан сўнг ундан ўлгудай кўрқиб қолди. Унинг ўз оиласи, ёмонми, яхшими хотини, фарзандлари бор. Яна бир бора бирга бўлса, уйига келиб ўтириб оладиганга ўхшайди. Шундан чўчийди. Бу гапнинг халқ орасида ошкор бўлишидан кўрқадди. Бир томонда амалдан кетади, иккинчи ёқда эса Ёдгор билан ака-укадек эди, мабодо тирик қайтса, нима воқеалар бўлиши мумкин?!

Уруш якунига етиб бораётгани тўғрисида гап-сўз кўпайди. Қишлоқдан яна тўрт-беш аскар яраланиб қайтган, ўттиздан ортиқ йигитга эса қора қоғоз келган даврлар, қиш

адоғида Ҳаким қўлидан яраланиб қайтиб келди. Бутун қишлоқ ўз отаси қайтгандай севинди, ким йиғлаган, ким кулган, ишқилиб барча бирдай эҳтиросга берилган ва Ҳакимнинг уйига оқиб келмоқда. Хушxabарни эшитган Манноп раис ҳам отини йўрттирди. Аскарларнинг урушдан қайтиши уни бироз ранжитмоқда — бутун колхозда ягона эркакман деб ўзи хон, кўланкаси майдон юрган эди. Бутун қишлоқ урушдан янги қайтган аскар атрофида гирдика-палак бўлади ва бу иззатталаб раиснинг иззат-нафсига тегади. Ахир унга ҳеч ким эътибор бермай қўяди-да. Эътиборга кўниккан инсонга бу оғир ботади. Ҳар қандай ишини йиғиштириб, имкон қадар мана шундай тадбирлар бошида туришга уринади. Бу билан қишлоқда ким хўжайин эканини кўпчиликка яна бир бор кўрсатиб қўймоқчи.

Ҳакимнинг уйига кириб келганида одам кўп экан, у отидан тушмай улар орасидан ёриб ўтди ва ҳеч кимга эътибор бермай овозини баланд қўйиб бақирди:

– Аскар қани, аскар?

Йиғилганлар билан бир-бир қучоқлашиб кўришаётган, кўзлари намланган, ранги униққан шинел кийган Ҳакимни кўриб отидан тушди ва шу ерда турганлардан бирига эътиборсизлик билан юганни тутқазиб, ликонглаганича унга пешвоз юрди:

– Жўр-ра! – деди бақириб Ҳаким. – Тирикмисан?

Иккаласи қучоқлашиб анча вақтгача бир-бирини қўйиб юбормади, Ҳаким Маннопнинг белини қаттиқ сиққанича даст кўтарган эди ёғоч оёғи чакмони остидан ликиллаб қимирлади.

– Оёқ қани? – сўради ниҳоят юзига табассум югуриб Ҳаким.

– Урушда қолган, – Манноп «Мен ҳам урушда бўлганман», дегандай гердайди.

– Қўлингга нима қилди?

Ҳакимнинг ўнг қўли билагидан қийшайган эди.

– Осколка тегди, суяги синиб мана шундай, хаскашга ўхшаб қийшайиб қолди. Шунинг учун сал эртароқ уйга қайтариб юборишди.

– Ўл-э сен, – Манноп шаддод кулиб уни туртди. – Немисга таслим бўламан деб қўл кўтарган бўлсанг снайпер пойлаб, отиб ташлаган.

– Ҳозир таслим бўладиган замон эмас, уруш ўзгарган. У қирқ бир, қирқ иккинчи йиллар эди асирга тушадиган. – Ҳаким вазминлик билан гапиришга ҳаракат қилди. У ҳали ҳазиллашадиган ҳолда эмас, кўнгли ошуфта ва туйғуларга тўла.

– Бўлмаса ўзинг отгансан тезроқ уйга қайтайин деб... ўлимдан қўрққан одамлар қўлига отиб, уйга қайтмоқчи бўларди.

Манноп буни ҳазил тарзида айтаётган ва ўз гапидан ўзи ҳоҳолаб кулаётган бўлса-да, нияти битта — Ҳакимни обрў-сиэлантириш.

Ҳаким жўрасининг гапига жавоб қайтармай енгилгина кулди. У хали ўртоғи катта амалдор бўлгани, дамидан ёнига яқинлашиб бўлмаслигини билмайди. У Маннопни олдинги содда йигит, бирга ҳазиллашиб юрган ўртоғидай қабул қилди.

Аёз! Ҳавода совуқ захри бор. Манноп раис Ҳаким билан гапини тугатар-тугатмас, шу ерда мўлтираб турган бир ўспиринга бақирди:

– Анграймай ўтин ёқиб сандалга солинглар, аскар совкотган... Момойнинг эчки-печкиси бўлса, аскарнинг пойига сўйинглар. Ахир бундай қайтиш ҳар кимга ҳам на-сиб қилавермайди.

– Ўғлим, эчки йўқ эди, – деди хижолатомуз шу ерда, фарзанди дийдорига тўёлмай интизорлик билан қараб турган кампир, Ҳакимнинг онаси. – Энди нима қилдик?

– Хўрозми, товуқ ҳам бўлаверади. Қон чиқса бас.

Атрофдагилар зир юғурди. Кампирда бунақа жонзодлар йўқ. Тезда қўшнилاردан бирининг эчкисини ҳай-хуйга қарамай етаклаб келиб сўйиб юборишди. Бундай қувончли кунда сеники-меники бор эканми.

Ўша куни Ҳакимникида катта тантана бўлди. Эчки сўйилиб қовурдоқ олиб келинганда аскар қолиб Манноп раис сандал тўрида ёстикқа ёнбошлаб, жағ уриб ўтирган эди. У урушда нима ишлар қилган, қандай жангга кирган, оёғини қай тарзда йўқотган ва шунга ўхшаш юзлаб мавзуларда гапириб, барчанинг оғзини ланг очирди. Ҳаким азалдан камгап, урушдан ундан ҳам дамдуз бўлиб қайтибди. Ўз қадрдон уйида, ўз яқинлари орасида бегонасираб ўтирибди. Давранинг гули — Манноп.

Овқатланиб бўлишгач Манноп раис гимирлади.

– Заҳар танг қилди, – деди у атрофдагилардан узр сўраган бўлиб. – Бир ташқарига чиқиб келай.

Қолганлар туриб уни ташқарига чиқариб юборди.

Раис ҳожатхонадан қайтиб келаётиб, айвон устунини ёнида турган обтовага қўл ювмоқчи эди, тўрт томчи сув тушди, холос.

– Эй, ким бор, сув олиб келсаларингчи бундай, қўлни ювиб олай.

Аскар кўргани келганлар хоналарга кириб овқатланаётгани сабабли ҳеч кимнинг кўзи раисга тушмади. Ризвон ҳам қайнонаси билан аскар кўришга келган ва пойгақроқда овқатланаётган эди. Маннопнинг овозини эшитиб биров игна санчгандек сесканди. Зудлик билан ёғ қўлларини ялади:

– Мен бориб раисга сув келтириб берай.

– Ёшроқлар йўқми? – Матлуба хола пойгақда ўтирган тўрт-беш нафар қизга қаради. Улар таомни қизганиб елкаларини қисиб олишди ва бу гапни эшитмагандай бемалол овқатланишда давом этишди.

– Ўзим чопқиллаб бориб келаман, ҳеч нарса эмас, – Ризвон шундай деб ташқарига чиқди.

– Суви қолмабдими? – у айвонга чиқиб, раисга яқинлашиб сўради. – Ҳозир олиб келаман, бирпас шошмай туринг.

– Ҳа, сенмисан?!

Манноп атрофга бир олазарак қаради. Сўнг суқ билан Ризвоннинг орқасидан термилди, тик қомастига боқиб сўлаги оқди, эҳтироси кўзиди, ўшанда — ёз чилласида юз берган воқеа ёдига тушиб бадани жимирлади, ширин энтиқди. «Мен шу жувонни...», деб ўйлади ичида. Бу хаёлдан ўзи ҳам чексиз ҳузур олиб мағрурланди. Тўсатдан орадан шунча вақт ўтиб ҳам, Ризвон ўзига ҳеч қандай ёмонлик қилмаганини эслади ва бунинг кўнглида ёмон ният йўқ, фақат ишқ бор, деган хулосага келди. Бир энтикиб олди. Обтовани кўтариб ортидан эргашди.

Ошхона ҳовли ёнида, у шох-шабба босиб қилинган кичик бир хонали уйчадан иборат. Боя овқатни нарироқда, тандир бошида қилишган эди-ку, лекин ҳозир у ерда сув йўқ, тўфон ўтгандай бўлиб ётибди. Сув ошхонада бўлса керак.

Ошхона деразаси бўлмагани сабабли зах ва қоронғи. Ризвон пайпаслаб чеккароқда турган челақни топди ва уни олиб, орқасига бурилган эди, шом қоронғисида шарпага кўзи тушиб, сесканди. Бироз туриб англадики бу — Манноп раис.

– Қўрқитиб юбордингиз, – деди у ўзини совуққон ва эътиборсиз тутишга уриниб.

– Қачондан бери қўрқадиган бўлиб қолдинг? Ёки ёздаги воқеа ёдингдан кўтарилдими? – Манноп раис тиржайди.

Ризвоннинг кўнглида ширин энтикиш пайдо бўлди ва беихтиёр ўзини раис кучоғида кўришни, у ўзини куч билан бағрига қаттиқ босишини истади, кўзаларини юмди. Бирок раис индамай тураверди.

– Мен чиқай, – деди Ризвон бояги оҳангда. – Қочинг, бирортаси кўриб қолса, яхши гап бўлмайди.

– Кел, бир бағримга босай! – раис шундай деб ўнг қўлини узатиб, унинг челақ тутган қўли биллагидан ушлади, орада олайиб орқасига қараб олишни ҳам унутмади. Биров чиқиб қолгудай бўлса, ўзини челақни оладигандай кўрсатмоқчи эди. – Ўзиям роса соғинтириб юбординг. Ўшандан бери хаёлим сенда, ҳеч эсимдан чиқаролмаяпман.

Ризвон ўзича «Ёлғон гапирманг, шу кетишда қочиб, даррагингизни кўрсатмадингиз-ку», деб юборишдан ўзини зўрға тийди. Манноп раисдан бундай ланж ҳаракатни кутмаган эди, ҳафсаласи пир бўлди. Ичида «Нимага бунча латта, бунча кўрқоқ бу одам», деб фиғон чекди. Бир вақтнинг ўзида раис ушлаб турган қўли қизишиб бормоқда.

Ризвон қўлини силтади:

– Қочинг, тегинманг!

– Майли, ҳозир индамайман, – раис орқасига олазарақ қараб дарров қўлини қўйиб юборди. – Лекин бугун кечаси уйингга бораман. Том орқасида кутаман, чиқасанми?

Раиснинг бу гапи нашъа қилиб, ўзини бўз боладай ҳис этди ва уялди, ахир бутун бошли колхозни сўраб турган одам, бир аёлни томи орқасидан мўралаб кутиб ўтирса, дуруст иш бўлмас. Бироқ айтилган гап — отилган ўқ, орқага қайтиш йўқ. У эси бўлса Ризвон рад жавобини беради, деб умид қилган эди. Кутганича ҳам бўлди.

– Нималар деяпсиз, шарманда қилмоқчимисиз, нима бало? Чиқолмайман! – Ризвон ошхона эшиги ёнида қаққайиб қолган эди.

Маннопга унинг гапи ёқди, кўнгли енгил тортгач, ўзи бошлаган ўйинни давом эттирмоқчи бўлди. Ҳозир асосийси натижа эмас, жараён. Аёлнинг ҳис-туйғулари билан ўйнашишни, ўзини ўйлаб қийналишини истаяпти. Бироз қатъиятсизлик билан гапида давом этди:

– Нима қипти, чиқасан, ярим соатга қолмай жавоб бераман. Ўшандагидек чўлдаги ишни давом эттираман. Роса ёққан эди менга. Эсингдами, қанчалар маза қилувдик?

– Уялмайсизми?

– Нимасидан уяламан? Бор гап шу бўлса, ўшанда, ярим яланғоч ётганингда уялмаган эдинг, энди ай-яй-яй бўлдимми? Чиқасанми?

– Чиқолмайман, дедим-ку. Момом билиб қолади.

– Нимани билади? Ярим оқшом секингина чиқсанг сезмай қолади... Янаям ўзингга қара, кейин пушаймон қилиб юрма.

Ризвон унинг бу гапидан кўнгли оғриди, ўзини номуси топталган ҳис қилди. Бироқ ички бир куч уни чидашга мажбур қилмоқда.

– Пушаймон қилмайман... Бундан кейин мени ортиқча бевозта қилманг, одамлардан кўрқаяпман.

Раис унинг гапларидан бир нарсани тушунди: ўзим розиман-ку одамлар бор-да. Бу унинг хирсини кўзғатди. Кўнглига бироз журъат ингандай бўлди.

– Ярим кечаси одамлар бўлмайдиём, билмайдиём... Чиқ, бир гаплашиб юракдан ҳасратлашайлик, кўнгил дардга тўлган.

Бу гап Ризвоннинг юрагини ларзага солди. У ичидаги дардларини бировга айтолмай қийналади, ҳеч кимга ишонмайди, бирор яқин сирдоши йўқ, дард эса кун ўтган сари ичини эзиб бормоқда. У ҳар доим бир нарсани — кимнидир, ўзини тушунадиган бир инсон елкасига бошини қўйиб йиғлашни, қуйиб-пишиб юрагини ўртаб юборган дардларни ҳикоя қилишни истайди. Бу бир қарашда оддий, беғараз истак, холос. Лекин мана шу ниятни рўёбга чиқариш ўлимдан оғир. Раиснинг дардлашиш тўғрисидаги гапи кўнглининг туб-тубидаги ҳисларини ҳам чертиб тўлқинлантириб юборди. Олдин, ёзда улар деярли дардлашмаган, бироқ Ризвонга ўшандан кейин бу дунёда уни фақат Манноп раисгина тушунадигандай туюлиб қолган.

– Бўпти, чиқаман, – деб юборди тўсатдан Ризвон. У шошаётган эди. Аслида, раис бу бузук аёл экан, деган ўйга бормаслиги учун кўнглида яна озроқ ноз қилиш истаги бор эди-ку, ортиқча гап-сўзнинг мавриди эмас, лоп этиб уйдан кимдир чиқиши мумкин, овқат охирлаган. Чироқни ёқиш тўғрисида гап бўлаётган эди. – Фақат ярим кечаси. Томиизнинг орқасида кутиб туринг.

Манноп раис аёл рози бўлишини хаёлига келтирмаган эди. Каловланди. Чўлоқ оёғи билан ярим кечаси қандай бировнинг ҳовлисига боради? Уйдагиларга нима деб чиқади?

У боя учрашувга чиқишни таклиф қилаётганида эҳтирослар қуршовида ўзи оилали, бир оёғи йўқ, чўлоқ эканини унутган эди. У манманлигига бориб кўпинча бу ҳақиқатни унутади. Энди шуни ўйлаб сесканди.

Бироқ бўлар иш бўлди, энди орқага йўл йўқ. Манноп раис каловланиб тисралди, Ризвон ундан обтовани олиб, сув солди ва қўлига қуйиб турди.

– Сендан яхши хотин чиқар экан, – деди раис хўл қўлини қаяққа артишни билмай атрофга аланглаб, лекин бу гапидан

ўзи чўчиди. Ёзда у айтган гап ҳалигача ёдидан кўтарилгани йўқ. Яна «Мени хотин қилиб олинг», деб қолишидан кўркди.

Бироқ Ризвон ундай демади, индамай нари кетди, уйдигиларнинг овози эшитилаётган эди.

– Эркак йўқ, аёллар ёввойилашган, – деди раис ичкарига кириб. – Қўл ювай десанг бирорта обтовада сув йўғ-а, тавба.

Ризвоннинг эса кўнглида тошдай чўкиб ётган, ҳеч қачон унут бўлмайдиган, ёддан ҳам чиқмайдигандай бўлиб туюлган дардлари изсиз йўқолган эди ва қушдай енгиллашиб осмонда учадигандай ҳис қилди ўзини. Кутилаётган учрашувни эслаб энтикди, юрагининг бир чеккаси ойсиз тундай зимистон эса-да, ўзини бахтиёр ҳис қилди. Юраги дупурлаб кафасидан чиққудек, иштаҳаси бўғилди.

Ризвон қайнонаси, момақайнонаси билан меҳмондорчиликдан кеч қайтди, кўнгиллари ёзилиб дардлашишди. Матлуба холанинг ҳам кўнгли ёришди, Ҳакимнинг қайтганидан фарзанди Ёдгорни тирик кўриш умиди пайдо бўлган эди.

Ғолиб каттагина йигитча бўлиб қолган, уч аёлнинг ичида ягона бола эмасми, ўзлари емай, киймай шунга қилади. Папалаб ўстиришмоқда. Шундан ҳам у семизгина, лапанглаб юради, чучук тили чиқиб атроф-муҳитга қизиқиши ортган. Ризвон омонлик кунларда шу фарзандни туғиб олган экан, кўнглига чироқ ёқса ёришмайдиган бўлиб қоронғилашганда қараб, дунёнинг ўзи ўйлаганичалик фожиали ва даҳшатли эмаслигига ишонади, кўнгли ёришади.

Совуқ уйда кўрпаларга ўралиб уйкуга кетишди. Фақат Ризвонгина хушёр, унинг учун вақт тўхтаб қолгандай туюлаётган эди. Хаёлида Манноп раис томнинг орқасида кутаяпти-ю, у чиқолмаяпти.

Кетиб қолмасайди, деган хавотир билан тўлғаниб ётибди, энтикаяпти. Чиқиб хабар олайн деса момақайнонасидан чўчийди, кампир қушуйқу, тиқ этган овоздан уйғонади.

Ниҳоят, орадан қанча вақт ўтганини билмайди, туриб ташқарига чиқмоқчи бўлди. Назарида, қайнонаси ҳам, момақайнонаси ҳам донг қотиб ухлагандай эди. Секин ўрнидан туриб чопонини эгнига олди. Қоронғида пайпаслаб, пойраҳада турган калишлардан бирини кийиб эшикни очишга чоғланди.

– Ризвон, сөнмисан? – Ойсара момонинг уйқусираган овози эшитилди.

– Момо ухлайверинг, мен, – Ризвоннинг энсаси қотди. – Ташқарига чиқиб келайин.

– Устингга бирор нарса илиб ол, ташқари совуқ, – момо меҳрибончилик қилди.

«Овозинг гўрдан келсин», Ризвон ичида қарғади. Унингча бу дунёда Маннопдан ўзга яқинроқ ва меҳрибонроқ одам йўқ.

Бу уч аёл, уч авлоднинг дарди бир, бошларидан кечираётган қайғу ва ҳасратлари яккаш, бироқ бир-бирларини тушунишлари қийин.

Ризвон индамай ташқарига чиқди. Ҳаво совуқ, зах эди. Эти жунжикди, содир бўладиган ҳодисани эслаб юраги орзиқди. Бироқ том орқасига ўтишга юраги бетламади. Момоси чиқиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, орқасига қайтди ва оёғидан калишини ҳам ечмай жойга кирди. Боя остонада калиш излаб турганим учун момом уйғонди, деган хулосага борган эди. Бу сафар секингина ўрnidан туриб чиқишни режалаштирди. Нима бўлса бўлар.

Яна қанча ётди, билмайди. Вақтни ҳис қилмаяпти. Назарида, бир олам вақт ўтгандай юраги сиқилади, оёқ-қўллари орзиқишдан қалтирайди. Ўлим азобида қолди.

Ташқарига чиқишга ҳозирлик кўрмоқчи бўлганида, ҳозиргина кириб келгандай ва момоси ҳали ухламагандай туюлиб туришга кўрқади.

Ниҳоят юрак ютиб, ўрnidан турди, ҳовлига чиқди. Бу сафар кампир сезмади, чамаси, ҳеч қандай сас эшитилмади.

Ташқари зимистон, булут йўқ, бироқ осмонда юлдузлар ҳам кўринмайди. Атрофни туманга ўшаш куюқ ҳаво қоплаган. Ризвон пайпаслаб ўрни айланиб дарчадан чиқди, томнинг орқа тарафига ўтди. Қоронғида ҳеч вақо кўринмайди. Эҳтиёти шарт, бир ерда писиб ётган бўлса эшитиб, чиқиб қолар деган ўйда, оҳистагина томоқ қирди. Ҳеч қандай садо бўлмади. Паст овозда йўталди. Овоз йўқ. Алам билан томнинг нариги чеккасигача пайпаслаб борди — ҳеч ким йўқ. Ҳафсаласи пир бўлди, ўзини хўрланган, ҳеч кимга кераги бўлмаган инсон ҳис қилиб, дунё кўзига қоронғи кўринди. Манноп унинг устидан масҳара қилгандай бўлиб туюлди.

«Мени бузуқ аёл деб ўйлаган, устимдан кулмоқчи бўлган. Ҳатто ўртоқларига мақтанган бўлиши ҳам мумкин. Мен аҳмоқ эса унинг ёлғон гапларига лаққа тушиб ўтирибман. Шарманда бўлдим.»

Ризвон қачонлардир, қайдадир, кимдандир эркаклар аёллар билан юрса, бу ҳақда мақтанишини, ичида сақлаб

юролмаслигини эшитган. Ҳозир шу гаплар ёдига тушиб хаёли учди. Ўзининг шу нурсиз ҳаёти ҳам кўзига жаннатдай туюлди. Ахир гап чиқса, бу кунлар ҳам йўқ унга. Бошига нима кўргиликлар тушиши мумкин, ёлғиз Оллоҳга аён.

Ҳафсаласи пир бўлган ва хўрланган Ризвон шу ишга рози бўлгани учун ўзини қарғай-қарғай орқага қайтди. Кўнглида ишқ туйғуси ўчиб, ўрнини ғазаб ва алам эгаллади. Хаёлига ёшгина, ширингина, дўмбоққина боласи келиб бу юришидан жирканди.

«Сенга шу керакмиди, ифлос аёл?! Бир сассиқ эракни деб ўз болангни, оилангни унутдинг, ака-укаларингнинг юзига оёқ босдинг. Биргина шу нарса учун яна нималарга тайёрсан?» деб ўзини койиди.

Кейин «Балки Манноп раис мени кутиб-кутиб кетиб қолгандир», деган ўйга ҳам борди. Ҳозиргина нафратланиб турган кишисини оқламоқчи бўлаётганига ўзи ҳам тушунмади. Кўнглида кечаётган тугёнлардан ўзи нимани иташини аниқлаштириб олмоқчи бўлди, бироқ иложини қилолмади. У шунчалар нафратланаётган бўлса-да, эртага Манноп «Кетдик», деса орқасидан эргашишини англаяпти. Бироқ ўзича бунга тан олгиси келмаяпти.

Ризвон ичкарига кирди. Жойга ётиб, кўрпага бурканганча узоқ йиғлади. Ёстиқлар ҳўл бўлди. Юраги сиқилганидан ўлиб қолгиси келди.

«Эй, Худойим! – деб ичида нола қилди у. – Ё жонимни ол ёки кўнглимни хотиржам қил, бу нима кўргилик, бу нима аҳвол? Сенга нима ёмонлик қилган эдимки, мени икки ўт ўртасига ташладинг? Ўзинг тўғри йўлни кўрсат, ё Худо! Менинг бошим гангиди, нима қилишни билмайман. Бир ёқда оила, бир томонда кўнгил, юрак... Нима қилай, қандай йўл тутай?»

Ўзи билан ўзи курашаётган, нафс ва ахлоқ, тириклик ва шаън ўртасида қолган бу инсон қандай йўл тутишни билмас эди.

Қирк бешинчи йилнинг баҳори Нигора учун омадсиз келди. Эҳтимол омаддидир, бу масалага қандай нуқтаи назар билан қарашга боғлиқ. Ҳали ўн етти ёшга ҳам кирмаган, энди бўйи етиб келаётган, ҳаётнинг оқ-у қорасини тушунмайдиган бу қизга қўшни қишлоқлик бировдан совчи келди. Ёши анчага борган бўлса керакки, урушга олишмаган, айтишларига қараганда, хотини ўлган экан, олти фарзанди бор дейишди, уларнинг ҳам каттаси

урушда ўлган эмиш, ундан кейингисини эса яқинда олишибди.

Нигора ҳаётдан ҳар балони кутган эди, бироқ ўзини мана шундай паст нархлашлари, ерга уришларини хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Дастлаб бу хабардан довдиради, ва бир неча кун ўзини қўярга жой тополмай юрди. Хотини ўлган чолга эрга тегиш деган гапнинг ўзиданоқ ғазаби қайнаб, ўзини тутолмаяпти.

Ўшанда, кеч кузда улар кўпгина аёллар билан қирга, лалми ерни чопиб, ғалла экаётганда, атрофда бир чўпон беш-ўн қўйларини боқиб юрган эди. У Нигоранинг кўзига чол бўлиб кўрингани туфайли эътибор бермади. Бу инсон улар атрофида айланиб юрар, ҳеч кимга гап отгани йўқ, шунчаки ўзи билан ўзи эди. Бир куни чол оғир хаёлларга берилган эканми, қўйлари янгитдан ғалла экилган далага оралаб кетди. Тоғбеги ҳар доимгидай аёлларга дўқлаб, иш буюриб турган эди. Қўйларни кўриб ғазабланди ва улғайиб колхоз аъзолари қаторида ишга чиқаётган Нигорага бақирди:

– Бор, анави қўйларни ҳайдаб юбор. Подачисига айтки, агар яна бир марта далага оралайдиган бўлса, ушлаб олиб давлатга топшириб юборамиз, тушундингми?

Нигора бу ердагиларнинг энг кичиги, шу сабабли ҳар қандай ишга индамай кетаверади. Қўлидаги кетмонини ташлаб, қўйларга қараб юрди.

Жониворларни олдига солиб даладан чиқариб бергандан сўнг, Тоғбегининг гапларини мулойимлик билан чолга тушунтирди:

– Бова, бригадиримизнинг жаҳли ёмон, қўйларингизга ҳушёр бўлинг, давлатга топшириб юбормоқчи.

– Намоз ўқиб туриб сал қарамаган эдим. Шунга булар ҳайиқибди. Бригадирингга бошқа такрорланмайди экан, де, – соқолларига оқ оралаган, бурни катта, юзи офтобда қорайган, кўзлари ўйнаб турган, бироз букчайган чолнинг овози тетик эди.

– Бова, шуларни сал нарироқда боқсангиз бўлмайдими? Бу ерда ҳеч нарса йўқ-ку...

– Бўри борми, деб хавотирланаман-да, қизим.

– Қўрқасизми? – Нигора кулди.

– Ўзим учун қўрқмайман, – чолнинг мақтангиси келди. – Мен ҳаётимда кўп бўриларга дуч келдим. Манавиларнинг битта-яримтасини олиб кетмасин, дейман-да. Шунинг учун сизнинг олдингизда ўралашиб юраман. Бўри одам кўп жойга яқинлашмайди.

Чол шу гапларни айта туриб Нигорага еб қўйгудай тикилди.

– Барака топ, қизим, – деди у қўлидаги бақувват тол таёқни силкитиб қўйларини олдига солиб ҳайдар экан.

– Невараларингизни олволсангиз бўлмайдим, – Нигоранинг чолга раҳми келди. Назарида, бу инсон бутун умр бўридан қўрқиб юргандай туюлди.

– Невара йўқ, қизим, – деди чол кўзлари ўйнаб. – Ҳали келин қилмадим. Катта ўғлим урушда ўлди, ундан кичиги ҳозир ўша ёқларда. Қайтсин, бир тўй берайинки... Мабодо келин қилсам тегасанми?

– Тегаман, – Нигоранинг кўзига бу инсон беозор бўлиб кўрингани туфайли шўхлик қилмоқчи бўлди. – Қайтганда айтарсиз.

– Гултепаданмисан?

– Ҳа.

– Кимнинг қизисан?

– Нима, ростда ҳам келин қилмоқчимисиз?

– Мен бекордан бекорга гапирмайман. Келин қилсам ёмонми, бургутдай ўктам ўғлим бор... Отанг ким?

– Раззоқ ака дейишади. Ҳозир урушда.

Нигора бу гапларни ҳазил билди, тезда унутилади деган ўйда, аҳамият бермади. Шунчаки ҳазиллашгиси келган ва ўзи билан бирга ишлаётганларнинг шаддод гаплари таъсирида эди.

Нигора кейинроқ совчилар шундан экани, ўғлига эмас, ўзига сўраттираётганини билиб, ўшанда бекорга ортиқча гап қилганини тушунди.

Онаси — Иқбол хола ҳам қизининг аҳволини англапти, бироқ унинг олдида танлаш имконияти йўқ. Бундан сал бурун — қаҳратон қиш кунлари Раззоқ акадан хат олишган. Хатда қўйидагиларни битган эди:

«Ҳаммага соғинчли салом!

Мен омон-эсон юрибман. Ишчи батальонидамиз, ишляп-миз. Уруш биздан узоқда. Бироқ бир бошда бир ўлим экан, Муродни йўқотдик. Оёғидан яра чиқиб ириб кетди ва вафот этди. Унинг оиласига айтиб қўйинглар, белги бериб ирим-сиримини қилиб, овоз чиқаришсин. Қисматида бори шу экан... Қолганларини, худо хоҳласа, уйга қайтганда батафсил ҳикоя қилиб бераман... Агар шундай толе насиб қилган бўлса... Ҳар ҳолда мен учун куйинманглар. Пешонада ёзилгани бўлади. Нима бўлса ҳам ўзларингга ўнғайини кўраве-ринглар. Менга кўпам умид қилманглар...

Мен ҳаммаларингни яхши кўраман.

Барча қишлоқдошларга менинг номимдан каттадан-катта саломни айтиб қўйинглар.»

Шу хатдан кейин Мурод аканинг уйида аза очилди, Иқбол холанинг келини Насима нима қиларини билмай гангиди. Бир томондан ҳали эр қилиб улгурмаган эри ўлган, иккинчи ёқда эса отаси ҳам вафот этди. Қайга боришни, қайда яшашни билмайди. Ўз уйига қайтай деса, уларга ҳам осон эмас, бу ерда қолишга эса асоси йўқ, бирор фарзанди бўлганда ҳам бошқа гап эди. Қари қиз бўлиб қайнона қўлида юраверадими?

Иқбол хола эри каби хушмуомала ва кўнгилни тушунадиган инсон, имкон қадар келинини шу ерда олиб қолиш ҳаракатида бўлди, ахир у фарзандини эслатиб туради.

Шундай бир шароитда Нигоранинг ҳам бўйи етиб қолгани ташвиш устига ташвиш бўлди. Эркақлар, йигитларнинг барчаси урушдалиги сабабли қизларни турмушга бериш муаммо. Иқбол хола кўпроқ шундан хавотирда. У ҳам барча оналар каби қизининг бахти очилишини истайди, бироқ юзага келган ҳолат уни ўйга чўмдиради. Қизига чолдан совчи келаётгани уни баттар ташвишга солди. У бунчаликка боради деб ўйламаган. Қачонлардир, очарчилик даврида чоллар бир-икки пуд бугдойга ёш-ёш қизларга уйланган. Бироқ Иқбол хола булар даҳшатли туш каби ўтган, энди такрорланмайди, деб ўйлар эди. Бироқ кутилмаганда қаршисидан чиқди.

Қўшни — тоғ этагидаги қишлоқда яшовчи куёвликка номзод анча бадавлат, колхозлаштириш даврида ҳам қўй-молларини тоққа ҳайдаб олиб қолган экан, ҳозир шулар кўпайиб анчага борган дейишади. Шу одам қайдандир уларнинг оғир аҳволини эшитган ва бундан фойдаланиб қолишни хаёл қилган.

Иқбол хола ҳам, Нигора ҳам бу инсон ўзларининг ночор аҳволдан фойдаланмоқчи эканини билиб турар, шундан газабга тўлган эди.

Дастлаб совчи бўлиб келган икки аёлни урушгандай қилиб олдига солиб ҳайдаб юборишди.

– Кечирасиз-ку, дугона, – деди Иқбол хола уларнинг мақсадини эшитганидан сўнг. – У одамни хотини ўлган, болалари бор деяписиз. Менинг қизим ҳали ёш, эрга тегиш нияти йўқ. Ўша чол унинг тенги бўлиптими? Ўзларингда ҳам қиз бўлса керак. Бу ерга келишдан бурун шуни таналарингизга ўйлаб кўрмадингларми?

– Жавоб беришга шошилманг, – совчиларнинг кексароғи гап бошлади. – Биз яна қайтиб келамиз. Сиз ўйлаб кўринг.

Бизнинг замонамизда эр топиш қийин, қизингизнинг бахтини ўйласангиз-чи. Урушдан қайтган бир ногиронга тегади-да тегса. Шу билан бир умр унинг орқасини тозалаб юради. Рўзи аканинг эса тўрт мучаси соғ, мол-давлати етарли, бир умр ялло қилиб яшайди.

Иқбол хола совчиларга қатъий жавоб бериб юборди. Ўйлагандики, шу билан улар қорасини кўрсатмайди. Бироқ янглишган экан, ҳавасманд «куёв» ҳала-хулага орқага қайтадиганлар хилидан эмасга ўхшайди.

Совчилар яна уч марта дарвозани тақиллатди. Иқбол хола уларнинг безлигидан ҳайратга тушган бўлса, Нигоранинг ўзи қанчалар аламли бўлмасин, барибир ўзининг тенги чол экани тўғрисидаги даҳшатли ўйга кўниқди.

Совчилар охириги марта қайтариб юборилгач орадан икки кун ўтиб Раззоқ аканинг дарчасидан ликонглаб Манноп раис кириб келди.

– Ҳов, ким бор?

– Келинг! – Иқбол хола шошилишда бошига ёпинчиқни ташлаб, уни ярим очиб раисга пешвоз чиқди.

– Янга, яхшимисиз, болалар катта бўлаяптими, келинлар дурустми? Акадан хат келаяптими?

– Яхши, яхши... – Иқбол хола ҳам раиснинг уруғ-аймоғини сўраб ичкарига, айвонга бошлади. – Кириг.

Раис индамай холанинг орқасидан эргашди. Насима шу ерда экан, ичкаридан қуроқ кўрпача олиб чиқиб айвондаги шолча устига ташлади. Раис мулозаматни кутмай, ёғоч оёғини чўзиб ўтирди.

– Янга, ўтириг, – деди у қатъий овозда. – Сизга гап бор.

Унинг расмий муносабатидан Иқбол холанинг юрагига кўрқув инди. Нима бўлган экан, деган ташвишдан довдираб чўк тушди. Хаёли минг бир кўчага кириб чиқди, урушдан яна ёмон хабар келдимикин, деган ташвиш юрагини кемирди.

– Тинчликми, ука?! – сўради овози титраб, ҳар қандай хунук хабарга ўзини тайёрлаб. Ахир раис ҳеч қачон бу хонадонга мана шундай, тўсатдан бостириб келмаган.

– Тинчлик, тинчлик. Хавотирланманг, сизни яхши гап билан табриклагани келдим.

– Пўлатжон тўғрисидами?! – Иқбол холанинг юзига ёруғлик югурди ва бу хушxabарни тезроқ эшитиш истагида юраги питирлади.

– Йўқ... – раис гапни сал паст тушиб бошлаш кераклигини англади ва ўнғайсизланди. – Бошқа масала... қизингизнинг

бўйи етган экан, шунга биров оғиз солдирибди, деб эшитдим.

– Ҳа, уми? – Иқбол холанинг ҳафсаласи қайтди. – Бир чолдан келишган экан, қайтариб юбордик. Қизимнинг тенги эмас.

Манноп раис холанинг қатъиятлилигини кўриб каловланди.

– Ундай деманг... Ҳозир тенги, тенги эмас, деб юрадиган замонми. Бахти очилганига хурсанд бўлсангиз-чи.

– Ука, ёши катта-ку, хотини ҳам ўлган экан.

– Ўлмаганда совчи қўймас эди-да, – Манноп ҳазил қилди ва ўринсизлигини пайқаб жиддийлашди. – Ўлганда ҳам туғолмай ўлган-да, янга.

Раис бу гапни куёв бўлмишнинг шаънига ҳамд ўқигандай айтди. Раис холанинг юзидаги ранж аломатини пайқаб, гапини ўзгартирди:

– Мен у одамни танийман, яхши инсон. Қизингиз бахтли бўлади.

– Сиз катта бошингизни кичик қилиб шу ишга аралашмангиз бўлар эди, – Иқбол хола ўйланди. – Барибир бўлмайдиган можаро, пишмайдиган ош.

– Янга, мен озми, кўпми юрт кўриб юрган инсонман, сизларга ёмонлик тиламайман, фақат яхши бўлсин, дейман. Қизингизни шу инсонга беринг, кам бўлмайсиз.

Иқбол хола — эркакнинг гапини қайтариб ўрганмаган, довдиради, яна қандай баҳона топишни билмай қийналди.

– Отаси келсин-чи, кейин бир гап бўлар. Ҳали ёш-ку.

– Отаси қайтганча кеч бўлиши мумкин. Кейин бунақа жойлардан чиқмайди. Ҳозир эркак камайган. Урушдан қайтадиганлар ҳам майиб бўлиб келади, унақаларнинг сизга нима кераги бор? – Манноп раис шу гапни айтиб оёғига назар ташлади. – Мен шу юртнинг каттасиман. Бу ердагиларнинг барчаси учун отадай гапман. Отаси келмаса, ўзим бош-қош бўлиб узатаман. Нимасидан хавотир бўласиз? Раззоқ ака шу ерда бўлганларида, шубҳасиз хурсанд бўлиб тўйга розилик билдирарди.

– Ҳар ҳолда отасидан ҳам каттага тегмайди-ку.

– Нима қипти? Илгари одамлар ўн-ўн икки ёшли қизларини эшонга назир қилиб бериб юборарди. Ана, Аҳмат бова хотини 12 ёшга тўлганида уйланган. Ширингина турмуш қуриб юришибди. Уйланганида шу бова хотини ёшлиги учун нонни ўзи ёпар экан соқолига рўмолча бойлаб. Кўрган одамлар ҳалигача гапириб юради.

– У бошқа замон энди-да, – Иқбол хола секин-аста ҳовуридан тушмоқда.

– Замон ўша-ўша, – деди Маннол раис ҳаракат қилса ғалаба ўзида кетишини англаб. – Мен сизларни ўйлаб қилаяпман шу ишни, қизингизни ўйлаяпман. Бўлмаса менга зарурми, катта бошим билан арзимас можарога араллашиб юрибман. Бу амалда неча йил ишлайман, номаълум, мендан сизларга бир эзгулик қолсин деяпман. Қизингиз майиб-мажруҳга тегиб бир умр қийинчиликда яшамасин, оч-наҳор юрмасин деяпман.

– Раҳмат! – Иқбол хола секин миннатдорчилик билдирди. Бу содда инсон раис ростдан ҳам ўзлари учун ишониб қолаётган эди.

– Билиб қўйинг, ўша инсон мен учун ҳеч ким бўлмайди, шунчаки танишман, холос. Борди-келдимиз йўқ, шунақа масала юзага келганини эшитиб олдингизга келавердим. Шу тўй, агар билсангиз, у инсондан кўра кўпроқ сиз учун керак.

Раис ёниб, куйиб кўп гапирди, ўзини тутолмай ошифта-ваш, оғзидан кўпиклари сачраб гапирди. Иқбол холада бу инсон ўзларига фақат яхшилик тилаши тўғрисида фикр пайдо бўлди ва қизининг турмушга чиқиши хайрли бўлишига ишонди.

– Ука, майли, ўйлашиб кўрайлик, – деди Иқбол хола ниҳоят. – Кўплашиб бир фикрга келармиз.

– Нимасини ўйлайсиз, янга? Шундай имкониятни қўлдан чиқариб қўйманг. Яна ким билан маслаҳат қиласиз? Менинг ўзим келиб, маслаҳат бериб турибман-ку. Ёки давлат одамларига ишонмай қўйганмисиз.

– Ишонамиз, ишонамиз, – деди Иқбол хола шошиб. – Шундай бўлса ҳам, қариндошлар бор...

– Майли кенгашиб кўринг, лекин айтганларимни уларга етказинг, керак бўлса ўзимни чақиртирсангиз гаплашиб қўяман.

– Балки сал кутиб туришар, отасига хат ёзиб жавобини олиб, кейин узатармиз...

– Янга, мен сизни туппа-тузук, тушунган аёл деб юрсам, бўлмағур гапларни айтасиз-ку, – Раис жиғибийрон бўлди.

– Ким урушга шунақа гапларни ёзади? Сизнинг хатингиз етиб борадими, йўқми, номаълум. Унгача одамлар кутиб ўтирадими. У одам бойвачча, ҳозир ким кўп, эрга тегаман деб юрган қиз кўп, биттаси тегиб олади, қуруқ қолаверасиз. Ҳеч ўйланиб ўтирадиган замонми ҳозир.

Раис кетгач, Нигора нима гаплигини сўраб-суриштирди.

- Сал уялсанг бўлар эди, – Иқбол хола унга дакки берди.
- Буям ўша совчилик масаласида келганга ўхшайди.
- Буниям ўша чол юборибдими? – Нигора ғазабланди.
- Катта-матта раиснинг шунақа — кўшмачилиқдан бошқа иши йўқ эканми?

– Ундай дема. – Иқбол хола қизига дакки берди. – Шунақа гапларни айтишга қиз бола нарса уялмайсанми? Раис совчиликка эмас, маслаҳат бергани келипти.

– Раис ўзининг қизини берсин шу чолга! – Нигоранинг жаҳли чиқди.

– Уям бизни ўйлаб келган-да, бўлмаса тушига кириптими аҳволимиз.

Кейинги ўн кун давомида Раззоқ аканинг уйидан ғалва, андуҳ аримади. Нигора ёнини оладиган отаси, акаси шу ерда эмаслигидан ачинди, ҳимоячиларининг йўқлиги алам қилди. Агар улар бўлганида раис аҳмоқона маслаҳати билан бу остонага қадам босмаган, анави қария эса қизи тенги гўдакка оғиз солдирмаган бўлар эди. Нигора инсониятни ҳали тузук билмас экан, тушунган сари одамлардан кўнгли совимокда. Улар ҳам кекса бўри каби ожизларни пойлаб юрар ва имкон туғилди дегунича фойдаланар экан. Буни англагани қизга оғирлик қилди, кўнгли ҳувиллади, барча гўзал туйғулар, болалиқда қалбига сингдирилган беҳбудлик, эзгулик тўғрисидаги қарашлар эски супурги билан супириб ташлагандай, ўзидан кўримсиз, ёқимсиз из қолдириб йўқолиб кетди. Ўрнини мавҳумлик ва келажак олдидаги кўрқув эгаллади. Бу ҳаётда ёнингни оладиган яқинларсиз яшаб бўлмаслигини англаб қайғуга чўмди.

Шу кунларда Нигора отаси, акаси қатори Нормуродни ҳам кўп эслади. Жилла курса у бўлганида ёнини олар, бу бемаъни гап-сўзларга қарши чиқар эди. Кўп бора шундай қилган, суянса, ишонса бўлади. Жиллакурса у билан бахтиқаро заминдан бирор ёққа қочиб кетган ва жанжаллардан қутулган бўлар эди. Бироқ у ҳам узоқда, худди отаси каби унга ҳам на доди ва на арзи етиб боради. Бу ерда қолган яқинлари эса негадир қизни тушунмаяпти, тушунишни иштамаяпти.

Бундан кейин нима бўлади, деган кўрқув хуфтон тушгандай қоронғи кўнглини банд қилган. Ўзини жаллод қошига олиб борилаётган маҳкумдай ҳис қилаётган эди.

Малоҳат Адолатнинг қазосидан сўнг анча ўзига келолмай юрди, хаёлпараст бўлиб қолди, у қизчанинг ўлимида ўзини

бош айбдор ҳисоблар, виждони қийноқлар гирдобиди эди. Лекин гуноҳини юрак ютиб бировга айтолмаслигидан азият чекади, кўнглининг туб-туби қоронғилашиб бормоқда. Ўшанда кетмонни отганига кунига минглаб даъфа пушаймон қилади, бу нобоб ҳаракати, гуноҳи учун худодан тинимсиз кечирим сўрайди, тавба қилади, назарида, бир бегуноҳ қизнинг ўлимига сабабчи бўлгани учун худо ундан аёвсиз ўч олади, қарғишга қолади. Эрининг урушда ҳалок бўлганига ишонмай юрган эди, ана Манноп чўлоқ қайтиб келди-ку, бироқ шу воқеадан сўнг унинг кайфияти чўкиб, умиди сўнди, энди қора хат келган бўлса-да, эрининг урушдан қайтишига бўлган умиди сўнди. Энди асосий хавотири ўғли Нормуроддан, унинг етти мучаси соғ қайтишини худодан сўраяпти ва Адолат билан юз берган воқеа ўғлимга таъсир қилади, деб ич-ичидан куйяпти. Бир хаёл чиқиб Рухсатга бор гапни айтиб, унинг пойига оёқ қўйиб кечирим сўрамоқчи бўлади, бироқ журъати етмайди, кўрқади. Бу билан барибир бирор нарсани ўзгартиролмаслигига ақли етади. Шу ҳақда бир кун юрак ютиб қайнонасига айтган эди. Бону момо жеркиб берди ва бу ҳақда қайтиб ҳеч қачон оғиз очмасликни тайинлади.

– Сенинг қўлингдан барибир ҳеч нарса келмас эди, қиз бечоранинг кўни битган экан, ичингни уриб ётма, ҳар ким пешонасида борини кўради. Буни Рухсатга айтаман, деган гапни хаёлингдан чиқариб юбор, бекорга кўнглида гумон уйғотасан-у, уям қизимни шулар ўлдирган, деган хаёлга бориб қолади, – деди у.

– Ҳақиқат шу-да, хола, мен ўлдириб қўйдим уни! – куйинди Малоҳат. – Бормаганимда, кетмонни отмаганимда, эҳтимол бўри унга етолмасмиди, орқасига қайтармиди.

– Қанақа ҳақиқат? Эсинг жойидами ўзи ёки калланг умуман суюлганми? Шу ёш қизча бўридан қочиб қутула олармиди? Гап деб ҳар нарсани айтаверма, ҳаётда шунақа нарсалар борки, уларни бировга айтгандан кўра ичингда сақлаб юрсанг кўпроқ фойдаси тегади, сенгаям, бошқаларгаям... Умуман, энди бу воқеани унут, тушундингми? Сен учун Адолат йўқ, умуман бўлмаган, унинг ўлимини сен кўрмагансан, кетмонни ҳам отганинг йўқ. Ўзи менга ўғлим билан невараларимнинг гами камлик қилаётгандай... сенинг ташвишинг етмаётувди.

Малоҳат қайнонасига кўнгил ёргани, унинг тасалли бергани кўнглидаги ғуборларни ювгандай бўлди, гуноҳи унча кўп эмасдай ҳис қилди. Эҳтимол бора-бора ушбу ҳодисага кўниккан ва уни ёдидан ҳам чиқариб юбориши

мумкин эди, бироқ ўртада бир воқеа рўй берди-ю, бошига тушган бу оғир кулфатдан Малоҳат умуман ўзини йўқотди.

Ёзнинг дим кечаси!

Кун бўйи ўроқ ўриб, адоғи бўлмаган ҳар хил рўзгор юмушларни бажариб чарчаган одамлар қаттиқ уйқуга кирган. Адолатнинг ўлимидан кейин одамлар чўчиб қолган ва ҳеч ким айвонда, супада ётмайди. Бону момонинг маслаҳати билан кўндаланг уйга жой солишди. Эшик олдида момо, ёнида етти ёшга кираётган Малик, ундан кейин икки қиз набираси, Малоҳат ва беш ёшга тўлаётган Теша ётди. Икки табақали, нақш солинган эшик маҳкам беркитилган, фақат дераза озроқ очик, ҳаво димлиги, қилт этган шабаданинг йўқлиги туфайли хонада нафас олиб бўлмайди.

Алламаҳалда тарақ-туруқ овози ва боланинг чинқиригидан уйғонган Бону момо дераза орқали қора шарпа ташқарига чиққанини кўрди. Момо шошиб ўрнидан туриб, болаларни кўрқитиб юбормаслик мақсадида пайпаслаб келинини топди, Малоҳат довдираб нима бўлганини англолмай, уйқутираб типирчилаётган экан.

– Хонага нимадир кирди, – деди момо паст ва уйқутираган овозда, – боланинг бақиргани эшитилди.

Ташқаридан яна чинқириқ овози эшитилди. Малоҳат типирчилаб ўрнидан турди ва пайпаслаб тўшакни қидирди.

– Хола, Малик жойида йўқ! – додлаб юборди у.

Қизлари ва Теша ҳам уйғониб бақириб йиғлади. Момо апил-тапил дераза орқали ташқарига чиқиб, ён-верига олазарак боқди, атроф зим-зиё, ҳеч нимани кўриб бўлмайди. Момо ҳеч нарсага кўзи тушмай, бор овозда бақирди:

– Вой, дод! Одамлар ёрдам беринглар!

Момо бақирганча пайпаслаб ҳовли тўрига қараб кетди, бола овози шу ёқдан эшитилган эди. Момо энди аниқ билади — Маликни бўри олган. У эса тоққа қочади.

– Мало, болаларни уйга қама, қўшнилари чақир! – Бону момо орқасига қараб бақирди ва яна ҳовли тўрини пайпаслаб бораверди.

Тез орада қишлоқ аҳли йиғилди. Қачонлардир — босмачилар замонида кўчадан бақирган, чақирган овозни эшитса, ҳар ким имкон қадар уйдан чиқмасликка ҳаракат қилар эди, энди у даврлар ўтган, одамлар бир-бирларига ёрдамга шошилади, турмуш қийинчиликлари уларни бирлаштирган, бир-бирларига меҳрибон қилган. Бу икки уруш аҳолига икки хил таъсир қилган.

Кимдир машъала ёқиб келди ва кўпчилик бўлиб ҳовли этагини, ундан наридаги тоқзорни қидиришди. Ҳовли

тўрида, кекса ёнғоқ дарахти остида қон ҳалқобига дуч келган кўпчиликнинг эти увишди ва нима воқеа рўй берганини тушунишди — яна ўша оч бўри келган. Қоронғида пайпаслаб, қон томчилари билан бўри кетган ёққа боравердилар.

Токзор тугаган жойда, тол шохларидан ясалган тўсиқ тагида, ўша Адолатга бўри ҳужум қилган жойга яқин ерда яна қон ҳалқоби ва эт парчалари учради. Бу йиғилганлар кайфиятини тушириб юборди, болани тирик топиш мумкин эмаслиги кундай аён бўлди. Кўпчилик шу ерда ўралашиб турганда, ликонглаб Манноп Матлабович ҳам етиб келди.

– Нима гап? Нима бўлди ўзи? – деди совуққонлик билан, баланддан келиб.

– Яна ўша бўри бўлса керак, – деди Аҳмат бова. – Нодирнинг ўртанча ўғлини олган. Ҳаммаёқ қон, тирик тополмайдиғанга ўхшаймиз.

– Нима бўлса ҳам топиш керак, – Манноп Матлабович чўккалаб ҳалқоб ва эт парчаларига қаради. – Бу нима бедодлик бўлди? Болаларни эҳтиёт қилингла-у, яна икки-учта машъала ёқиб келингла, кўплашиб ғаллазорни қидирамиз, узоққа кетиши мумкин эмас.

Унинг дадил буйруғини эшитиб кўпчилик тетиклашди, кимдир уйига чолиб, эски латта-путта топиб келиш учун кетди, кимдир чирогидан мой қуйиб келди.

Одамлар тонгга қадар тўп-тўп бўлиб қишлоқ атрофидан, тоғ тарафдан Маликни қидиришди, Бойқишлоқнинг ёнидан ғажиб ташланган суяклар топилди, холос.

– Бу нима гап? – деди Аҳмат бова бола қолдиқларини териб келиб, қабристонга дафн қилиб, орқага қайтишаётганда Манноп Матлабовичнинг олдига келиб. – Шў кетишда болаларимизни ғажиб бўлади бу ярамас, энди ёмон ўрганди. Одам гўшти таъмини билди, болаликда отам айткич эди, дунёда энг ширин нарса одам гўшти экан, унга бир ўрганганни қайтариб бўлмас экан... Бир ой ичида икки ёш болани бериб қўйдик... Бўри еб кетди-я?! Нима деган одам бўлди энди, болаларни ҳимоя қилолмасак? Одам шунча хор бўлдими, раис? Сен давлат кишисан, бир чорасини кўр! Одамлар колхоз ерини ҳайдаб, ғалласини экиб, ўриб олиш учун туғилмаган, уларда кўнгил бор, юрак бор, бола-чақа бор. Тепасига эшақдай миниб олсак ҳам индамас экан деб, болаларини бўрига едириб юборавериш керакми? Одамларнинг ҳол-аҳволидан хабар олмасанг ҳам, бола-чақаларини ҳимоя қилиш керак. Агар бўри еб битир-маса, эртага колхозингни кунига шулар ярайди.

– Бобой, тилингизга эҳтиёт бўлинг, – деди вазмин Манноп Матлабович. – Биласиз, бундан беш-олти йил бурун бунақа гаплар учун отиб ташлашар эди... Менга фарқи йўқ-ку, лекин бу қари экан деб қараб ўтиришмайди, тем более, ҳозир — уруш даврида. Сиз ваҳима қилмасангиз ҳам мэн эртага мелисага бораман, бир чорасини кўради.

– Мени кўрқитаман деб ўйлама, – Аҳмат бова ҳам паст келмади, у боланинг ўлиmidан қаттиқ таъсирланган эди. – Ёшимни яшаб бўлганман, агар шу давлатинг ўз болаларини ҳимоя қилган, деб отиб ташласа, отақолсин! Мен буни сендан мастлигимдан ёки мослиққанимдан сўраётганим йўқ. Булар кўтарилиб қолиши мумкин, урушқоқ халқ экан деб, одамлардан қуролни битта қўймай йиғиштириб олди, топширмагани қамаб, йўқ қилиб юборди, шундан бўрилар ҳам қутурди, буларни отиб турмаса бўлмайди, ҳаддидан ошади. Агар мелисангнинг иши кўп бўлса, бизга қуролларимизни қайтарсин, ўзимиз биламиз. Уроғ-у паншаха билан бир иш қилиб бўлмаса.

Манноп Матлабович «Эҳтиёт бўлинг-да», деганча ликонглаб нари кетди. У бу гапни шунчалар совуқ ва ваҳима билан айтдики, Аҳмат бова ўзини босгач ҳаяжони тушиб, юрагида кўркув уйғонди, «Бу давлатнинг одамига ортиқча гап қилиб қўймадимми, ишқилиб», деб хавотирланди. У раис гапларини маъқуллаши, ҳеч бўлмаганда, инкор қилишини кутувди, бироқ у индамади ва шуниси билан кўрқинчли эди. Бова колхозлаштириш даври, ундан кейин бир-нечалар оғзидан илиниб, ўз-ўзидан йўқолганини билади, ҳозир шуларни эслаб қолди.

«Ўлиптими, – деб тасалли берди ўзига ўзи. – Қишлоқдош-ку, ҳукуматига бориб ҳар хил гап қилиб ётмас». Кейин болакай ёдига тушиб яна ғазоби кўзиди ва «Менга ўхшаган тўрт-бешта чолни кўрқитгандан кўра, бўрини йўқотсин-да давлатиям», – деб ўзига жаҳл қилди.

Тўсатдан юз берган бу мудҳиш воқеа Малоҳатни саросимага солди ва буни Адолат учун худонинг қарғиши деб билди.

Дафн маросимига келган Рухсатнинг оёқларига йиқилганча сочларини юлиб, гуноҳга ботган, қарғиш урган одам эканини айтиб-айтиб йиғлади. Рухсат ўз дарди ўзи билан, Малоҳатнинг гапларини тушунмади, ўйладик, эри ўлгани, боласи эса мана шу кўйга тушганидан эси оғган.

Бироқ Рухсат эртаси кун келиб, Малоҳатни бир ҳолда, паришон ўтирганига қарамай, эс-ҳуши жойидалигига гувоҳ бўлди.

Бўлиб ўтган воқеадан кейин Рухсат Малоҳатни ўзига яқин олаётган эди. Олдинига ич-ичидан «Шулар мени ҳашарга айтмаганда қизгинамнинг бошига бу кунлар тушмасди», деб гина-кудратга ўхшаш туйғу билан яшаб юрувди ва улардан ранжиган эди, бироқ бунда бевосита айбдор эмаслиги туфайли, қишлоқ қариялари фожиа худонинг иродаси билан содир бўлгани, тақдирда шундай битилганини айта-вериб, уни шунга кўндиргани сабабли, бироз бўлса-да ўзини босиб, Бону момога ҳам, келинига ҳам таъна қилмади. Бу воқеадан кейин Малоҳатга ачинди, уни ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмаслигини англади ва шундан унга ҳурмати ошди. Яна бир жиҳати бор эдики, Рухсат барчада бўлгани каби, бошига оғир кулфат тушганида, «Нега айнан мен, нега бошқалар эмас?» деб кўп эзилган эди. Энди бу дардда ёлғиз эмаслиги кўнглига бироз таскин берди.

Рухсат дугонасидан хабар олиш учун эрталаб келди, Малоҳат қайрағоч остидаги супада, шолча устида бошини эгиб ўтирибди, ёнида қайнонаси Бону момо ва қўшни қишлоққа келин бўлиб тушган қайинсинглиси Иқбол. Дарвоза ёнида эса тўрт-беш қария ерга тўшалган шолчада ўтириб хол сўраб келиб-кетувчиларни кутиб олиб, кузатаяпти.

Қишлоқ аёллари Манноп Матлабович — халқ тилида эса Манноп чўлоқнинг топшириғи билан ғарб томондаги, қишлоқ аҳлининг тили билан айтганда — чўл далаларидаги ғаллани ўриб олишга жалб қилинган. Раис у ёқларда ғалла етилгани сабабли, бир-икки кун ўрим кечиктириладиган бўлса тўкилиб кетишидан хавотирда. Одамларнинг бу ерда маъракама-маърака юришини давлат кечирмайди. Ҳозир уруш даври ва бир-икки боланинг вафоти умумий ишга халақит бермаслиги керак. Тунов куни райком бюроси йиғилишида шу гап бўлган. «У ёқда одамлар ўлаяпти, бизнинг ҳар бир кило донимиз ҳам урушга ёрдам сифатида керак, шу бир кило ғалла ҳам ғалабани яқинлаштиради, аскарлар оч қолмаслиги керак. Одамлар ўзларининг майда-чуйда муаммолари билан ўралашиб қолишига йўл қўйилмасин. Уруш тугасин, ундан кейин барчаси ўз изига тушаверади», деди райком котиби.

Уруш давлат одамларини шафқатсиз қилиб юборган, улар аҳоли дард-у ўйи билан қизиқмай қўйган, асосий масала давлатнинг иши, режаси, шу қоидага бўйсунмаган ҳар қандай фуқародан ўч олинади.

Шу сабабли Манноп Матлабович Бону момонинг неварасини бўрилар ғажиши масаласи қанчалар қайғули бўлмасин,

давлат иши олдида аҳамиятсиз эканини, бу раҳбарлар кўнглида ҳеч қандай ачиниш, раҳмдиллик ҳиссини уйғотмаслигини билади ва дилида нима ўтишидан, нимани ҳис қилишидан қатъий назар раҳмсиз бўлишга ҳаракат қилади. Бу раҳбарларнинг қаттиққўллик ва раҳмсизлиги даври эди. Ушбу сифатларсиз бир кун ҳам ишлашга қўйишмайди.

Рухсат келиб аввал Бону момо билан, кейин Малоҳат билан кўришди, учалалари овоз чиқариб йиғлади. Орага совуқ сукунат чўмди. Одамлар далага ҳайдалгани сабабли уй ўлик чиққанга ўхшамайди, ҳамма нарса, ҳатто аза ҳам одамлар билан экан.

– Малоҳат, энди сенга худо қувват берсин, – деб гап бошлади Рухсат. У дугонасини ўзидан бошқа ҳеч ким тўлиқ тушунмаслигини ҳис қилгани учун унга тасалли беришни муқаддас бурчи ҳисоблайди, бундай пайтда одамларнинг гапи қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини яқиндаги тажрибасидан билади ва Матлубани ўзидан бошқа ҳеч ким тинчлантиролмайди, деб ўйладики. – Худо берди, ўзи олди. Сен билан менинг қўлимиздан эса ҳеч нарса келмайди. Кўпам куйинма, ўзингни ўйла, ёнингда қизларинг бор, катта ўғлинг қайтиб келади яқинда. Мен ҳам Адолжонимни деб кўп қайғурдим, ёндим-куйдим, лекин энди тушундимки, барибир қўлимдан ҳеч нарса келмас экан, шунинг учун ожиз банда дейишар экан... Мана, шундай қизни бериб қўйиб, кўниб ўтирибман...

– Рухсат! – деди Малоҳат унинг кўзларига қараб ва негадир чўчиб, нигоҳларини олиб қочди-ю хўнграб йиғлаб юборди. – Рухсат, буларнинг барчасига мен айбдорман, менинг айбим билан бўлди ҳаммаси.

– Қўйсангиз-чи, – Рухсат уни тушунмади. – Қўлингиздан нима ҳам келар эди, кечаси бўлса...

– Адолатни айтаман... унинг ўлимига мен айбдорман, шу гуноҳим учун худо менга мана шу балони юборди, Маликжонимни олиб қўйди.

– Бунақа гапларни гапирманг! – Рухсат бир сесканиб, дугонасини алам устида алжираяпти, қизимни бўрининг оғзидан қутқариб ололмаганига ўзини айбдор ҳисоблаяпти, деб ўйлади. – Унинг ҳам пешонасида ёзилгани аслида шу бўлган.

– Мен, мен қилдим шуни, – деди хўнграб Малоҳат. – Мен бўлмасам, балки қизингиз бўридан омон қолармиди...

– Нималар деб алжираяпсан? – ўртага Бону момо аралашди. – Бўлмаган гапни қўйсангиз-чи, Рухсат, унга қулоқ солма, боши айниган, ўзиям билмайди нима деётганини.

– Биламан, биламан нима деётганимни, – бақирди Малоҳат. – Адолат қочиб келаётганда, бўрини ураман деб кетмон отган эдим, унга тегиб йиқилди, шундан кейин бури еб қўйди...

– Нима?! – Рухсат нима дейишини билмай қолди, каловланди, тараддудланди, олазарақ кўзларини нажот билан дарвозахонада ўтирган чолларга тикди, ўзини катта адолатсизликнинг қурбонидай ҳис қилди, эски дардлари янгиланди.

– Унинг гапига қулоқ солма, Рухсат, – Бону момо шошди. – Ҳаммаси бўлмаган гап. Ҳаммаси кўзига кўринаяпти.

Малоҳат шашқатор ёш оқиб келаётган кўзларини артиб, Рухсатнинг елкасига бошини қўйди. Дугонаси эса қарахт, нима қиларини билмайди, интизор нигоҳларини чолларга тиккунча, серрайган, холос. Гўёки ҳозир улар келади-ю ҳаммасини ҳал қилиб беради, қизи бир инсоннинг айби билан ўлмагани, барчаси худонинг иродаси бўлганини айтади. Бироқ ҳеч ким буларга қараётгани йўқ, бош экканча нималар ҳақидадир гаплашиб ўтиришибди.

Рухсатга қизи дугонасининг айби билан ўлгани оғир ботди. Ахир у толеда битилгани шу экан, буни ҳеч ким ўзгартиролмайди, деб кўниккан эди. Унга айтишган, уқтиришган эдики, худонинг иродаси, хоҳиши, йўриғи шундай бўлган, бўри бир сабаб, холос. Инсон қўлидан ҳеч нарса келмайди, ожиз бандалар бу қисматни ўзгартира олмас эди. Унга айнан мана шу гаплар билан тасалли беришган, энди Малоҳатнинг бир оғиз гапи билан барчаси чилпарчин бўлди — барча тасалли ва юпатишларнинг замири пуч экан, қизининг ҳеч бир айбсиз, бир ожиз банданинг хатоси, йўқ, хатоси эмас, гуноҳи билан бекорга ўлган, буларнинг барчаси унинг пешонасига ёзилмаган, балки мана шу энг яқиним деб юргани, кўшниси, дугонасининг қўполлиги, айби билан содир этилган, тақдир-у азал тўғрисидаги барча гаплар чўпчак. Бу қизининг ўлими моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўз фарзанди худонинг иродаси билан эмас, балки ўзига ўхшаган ожиз банда айби билан дунёдан ўтгани, ўта шафқатсиз ҳолатда, қийналиб вафот этганига қандай чидаш, рози бўлиш ва кўникиш мумкин?

Рухсатнинг кўзлари ёнди, юзлари қизарди, қўллари қалтиради, нима қиларини билмай пастки лабини маҳкам тишлаган эди, тирқираб қон оқди. Аҳволини Бону момо кузатаётган эди, ваҳимада қолди. Малоҳат ёш тўла кўзлари билан ўртадаги ранги униққан қурама дастурхонга боқиб

ўтирар, дугонасининг аҳволдан беҳабар. Бировга эътибор берадиган аҳволда эмас.

– Қизим, унинг гапига қулоқ осма, – Бону момо ўтираверса катта жанжал чиқишини англади ва ўрnidан туриб, Рухсатни қучоқлаб ўрnidан турғизди. – Юр, яхшиси уйингга қўйиб келаман, бироз ётиб дамнингни ол, Малоям дам олсин, бу оғир дарддан эси оғган, нима деётганини ўзи билмайди. Тур қизим.

Рухсат нима қиларини билмади. Бир кўнгил бақриб, Малоҳатга ташланмоқчи бўлди, бироқ унинг холи абгор, шусиз ҳам бўларича бўлган, уришиш ақлли одамнинг иши эмас, шунча гапни эшитиб ҳам жимгина ўтиравериш эса ноўнғай, қизининг пок хотираси олдида дуруст эмас.

Мункиллаган Бону момо Рухсатни елкасидан қучоқлаб, эркаклар ўтирган жойдан ўтмаслик учун ҳовлидан айланиб юрди ва уни уйига қўйиб қайтди.

– Сени эсинг йўқ! – келиб келинига дакки берди у. – Нима қиласан шу бўлмағур гапларни айтиб, шу билан кўнглинг ёришиб, унинг елкасидан тоғ ағдарилдимми? Қайтанга сенгаям, унгаям қийин бўлди. Бир нарсани ўйламагандан кейин шу-да.

– Мен Адолатнинг гуноҳига қолиб ўтирибман, – деди йиғлаб Малоҳат. У ҳалигача айтган гапи нималарга олиб келишини англаб етмаган; ўз дарди ўзи билан.

– Ҳар ким, ёш ҳам, қари ҳам ўз ажали билан ўлади, – деди момо ва қозон бошига, қайнаётган аталага қараш учун кетди.

Орадан бироз вақт ўтди, Бону момонинг қалбидаги қоронғилик тарқалмади, нимадир юз беришини олдиндан билгандай кўнгли безовта.

Тўсатдан Рухсат чоллар турган дарвозадан сочлари тўзиганча, бошини очиб, ранги униққан кўк кўйлагининг орқа этаги осилиб, яланг оёқда додлаганча чопиб келди. Эси оғиб қолганга ўхшайди.

Шу ерда турган чоллар дастлаб нима гапдигини тушунмади, кейин сал ўзларига келиб, турмуш қийинчиликлари аёлларнинг жон-жонидан ўтказиб юборди, ўзларини тутолмай қолди, деган хулосага келиб жимгина жойларидан жилмай қараб туравердилар. Рухсат эса чопиб бориб йиғлаб ўтирган Малоҳатнинг сочига тармашди:

– Боламни тирилтириб берасан, Адолжонимни тирилтириб бермагунингча қўймайман, қайтариб бер қизимни!

Малоҳат буни кутмаган эди, мувозанатини йўқотиб тупроққа йиқилди, Рухсат эса унинг узун сочларидан тутиб

судради. Оғриқнинг зўридан Малоҳат додлаб йиғлади. Биринчи бўлиб Бону момо етиб келди ва ғазабдан ўзини қайга қўйишни билмаётган, нафрати танасига сиграётган Рухсатни орқасидан кучоқлаб, келинининг сочини бўшатишга уринди, бироқ ҳаракатлари беҳуда бўлди, Рухсатнинг қўллари темирдай қотган.

Ўзларини ўнглаб, нима воқеа бўлаётганини тушуниб-тушунмай турган чоллар ҳам шу ёққа югуриб, уларни ажратишга киришди. Одамлар ўртага тушаётганини кўрган Рухсат яна ҳам жаҳлланди, овозини яна бир поғона юқори қўйиб бақирди.

Чоллар икки ўртада нима гап-сўз ўтганидан беҳабар, юз бераётган воқеадан саросималанди. Ахир боягина булар бир-бирига сўяниб дарддош бўлиб ўтирган эди. Тўсатдан, томдан тараша тушгандай ҳаммаси мана шундай тескарига айланиб кетди.

Жанжал узок давом этди, уларни ажратишганидан сўнг ҳам Рухсат кўп вақт, токи уйига қўйиб келишгунича бақириб, Малоҳатни қарғашни бас қилмади, ота-онасидан тортиб, барча уруғ-аймоқларининг камчиликлари борми, хатолари борми, ҳаммасини бирма-бир айтиб чиқди, кўп қарғади.

Малоҳат ҳалигача ўзига келгани йўқ, у — ўғлини йўқотиб довдираган инсон, қадрдон дугонасининг нима учун мана шундай қилаётганини тўлиқ тушунгани йўқ. Ахир ҳозиргина шу инсон, ўзи туғилганидан буён содир этган барча камчилик, хато ва гуноҳларини юзига солаётган қўшниси, унга тасалли бериб ўтирган, барчаси дунёнинг ишлари эканини айтиб, кўнглида ҳаётга ишонч ва иштиёқ уйғотиш илинжида эди. Энди етти авлод наридаги гуноҳларини ҳам айтаяпти. Кўнглида шунчалар армон, шунчалар ғараз бор экан, Малоҳат тўғрисида шунча кўп ёмон гапларни билар экан, қандай қилиб у билан ширин суҳбатлашган экан, ўзини бунга қандай мажбурлаган экан?

Малоҳат жанжалкаш қўшнисини олиб кетганларидан сўнг ҳам, супанинг бир четида ўтириб юз бераётган воқеаларни охиригача тушунмай, боши ғувиллаб ўтирар, булар даҳшатли тушдек, тезроқ уйғонишни истаётган эди.

Узоқ-узоқдан Рухсатнинг дағал ва ёқимсиз овози эшитилмоқда:

– Сенинг знанг бузуқ бўлган, тўртта эрга теккан, ўзинг-ниям кўнглинг тоза эмас, эрсирамай ўл, бу кунингдан баттар бўл, эр қўрмай ўлиб кет... ўғлинг ҳам сенинг гуноҳинг учун ўлиб кетди, сенинг бузуқилигингни гуноҳи урди уни...

Манноп раис ўша кечаси, Ризвонга учрашув ваъда қилган тунда айтилган жойга борди. Атроф зимистон, юриши қийин кечди, бир-икки ёғоч оёғи билан тошга тўқишди, чўжурчага тушди. Ризвоннинг уйига яқинлашганда аллақандай дайди кучук оёғига ёпишди. Қочолмаганидан, ёғоч оёғи билан тепиб, ҳассаси билан уриб, кўрқитишга ҳаракат қилди. Анча шилқим эканми, нари кетай демайди. Бунга сари Манноп раиснинг ичига кўрқув инди. Кучукдан эмас, ундан бир амаллаб қутулса бўлади, одамларнинг уйғониб қолишидан кўрқди. Бирортаси кўриб қолса, ортиқча гап-сўз кўпаяди.

Раис кучукдан амаллаб қутулиб, айтилган жойга келганида унинг жаҳли чиққан, кўнглига учрашув сиғмас эди. Бу тарзда, ярим кечаси, қоронғида тўқишиб, кучукларга таланиб, титраб-қақшаб юриши ўзига таъсир қилди. Ахир, у энди кичик одам эмас, бутун бошли колхозни сўраб турибди, районда мана-ман деганлар билан ош-қатиқ, юзлаб аёллар бир оғиз гапига муҳтож, нима демасин сўзсиз бажаришга тайёр, ўзи эса мана бундай, бир бузук аёлни деб ярим кечаси ликонглаб юрибди.

Унинг хаёлларидан шу ўй кечди ва ғазабдан титраб, «Ҳозир кутиб турган бўлса, Ризвондан алаимини оламан», деган ўй билан уй орқасига яқинлашди, бунда жон зоти кўринмайди. Раис уч-тўрт дақиқа шу ерда каккайиб турди, орқага қайтмоқчи бўлди-ю анави дайди итнинг узоқлашишини кутишга қарор қилди. Яна қишлоқни бошига кўтариб ҳуриб қолиши мумкин.

Раис бу ерда кўп қололмади. Ризвон кутиб турмаганидан бир ғазоби ўн бўлиб, сўкина-сўкина орқага қайтди.

«Менинг ўзим аҳмоқ, – деб ўйлади йўл-йўлакай. – Шу бузуқидан нима толдим-ки, унга ялиниб юрибман, орқасидан эгасиз дайди итдай эргашишга нима бор экан? Ўзини ким деб ўйлаяпти, осмондан келгани-чи, ўзи-ку ўлиб турибди, яна ноз қилиб чиқмаганига куясанми.»

У орқасига қайтаётганда Ризвон момоқайнонаси ухлашини кутиб, ичини ит тимдалаб ётган эди.

Манноп раис писиб уйига кириб келганида, қадрдон ити зринчоклик билан вовиллаб олдига келди.

– Овозингни ўчир, ярамас! – Раис ўдағайлади. Уйдагиларнинг уйғониб қолишидан чўчиди. Секин эшикни очиб, ичкарига кирганида хотинининг уйқусираган овози эшитилди:

– Ярим кечаси қайда юрибсиз?

– Отга қараб келаяпман, безовта бўлаётган экан, – Манноп раис олдиндан тайёрлаб қўйган гапни айтди.

– Қачондан бери йўқсиз-ку?

Манноп раис буларни ухлатиб, йўлга чиққан эди, хотини сезган, чамаси.

– Уруш эсимга тушди, босинқирадим. Шунга уйқум келмади, бориб отни у ёқ-бу ёғини қашлаб келдим.

Хотини ортиқча гап қилмади, бошқа ёнига ўгирилиб уйқуга кетди.

Манноп Ризвондан қаттиқ нафратланди, аслида ўзидан жаҳлланиши, ўзидан хафа бўлиши керак эди-ку, бироқ унга берилган ҳуқуқ, бирор сўзининг икки қилинмаслиги, чексиз ҳокимият манман қилиб қўйган, ўзидан хато ўтиши мумкинлигига ишонмас, ўзидан бошқа одамни тан олмас, уларнинг ҳам ҳис-туйғуси бўлиши мумкинлиги хаёлига келмас эди. У бутун олам ўз атрофида айланишига, бутун борлиқ фақат у учунгина яратилганига ишонадиган калондимоғ одамлар тоифасига кирган. Бу инсон урушдан деярли ўзгаришсиз қайтган эди. Бироқ одамларнинг эътибори, ҳурмати ва ҳокимият шахсни урушдан-да тез бузар, ўзгартириб юборар экан.

Ўша воқеадан сўнг анча вақт раис ўзидан ўзи уялиб юрди, шундай ҳурматли инсон ўз қадрини билмайдиган, арзимаган бир аёл учун қоронғи тунда тўқишиб, кучукларга таланиб юргани нимаси?

Ризвон эса Манноп раисдан нафратланиб қолдими, янада ёқтирдими, ўзи ҳам тушунмайди, эртадан кечгача уни ўйлайди, юрагида ғазаб ва нафратга ўхшаш бир туйғу қайнаб келаверади, раиснинг уйига бориб бўғиб ўлдириб қўйгиси келади. Сабабини эса аниқ-тиниқ билмайди. Балки ўшанда, тунда келмай алдагани учундир, эҳтимол ўрганиб кўниккани, дунёда ягона эркак бор, у ҳам бўлса ўз эрим, деб ишониб юрган инсонни йўлдан уриб, кўнглини бузгани, хаётини ағдар-тўнтар қилиб юборгани учундир. Ризвоннинг раисдан нафратланишига сабаб кўп, бироқ бир вақтнинг ўзида кўнглидаги жараён нафратга ҳам ўхшамайди-да, ахир. Шу инсонни кўргиси, ўзини унинг қучоғига отгиси келаверади. Хаёл қиладики, бир кунга, ҳеч бўлмаса, бир соатга бутун қишлоқда одамлар йўқ бўлиб қолса-ю, у билан Манноп раис ёлғиз қолса, бу югуриб бориб унинг бўйнига ўзини отиб, кўнглидаги барча дардларини оқизмай-томизмай, ипидан игнасигача сўзлаб берса. Тинмасдан айтаверса, раис эса унинг сочларини силаб кулиб қараб тураверса...

Ризвоннинг хаёлидан мана шунақа аҳмоқона ўйлар кечади. Буларнинг амалга ошиши қийинлиги, бошида эри борлиги, бир кун қайтиб келиши мумкинлигини ҳам унутмайди. Бироқ Маннопнинг ўйидан ҳам кечолмайди. Аллақандай бир ёвуз куч уни ўша томонга тортаётгандай, бундан ожизлигини ҳис қилади. Эртадан кечгача хаёлан раис билан гаплашади, ўзини қийнаётган муаммоларни ҳикоя қилиб беради, унинг жавобларини ўйлаб топади. Ўз сўзларини минглаб даъфа ўзгартиради.

Хуллас, Ризвоннинг ўй-хаёли, бутун борлигини Манноп раис қамраб олди, кўзига ҳеч нарса кўринмади. Бундан гоҳ-гоҳида, хаёли жойига келганда ўзи ҳам чўчийди. Ахир яқин орада жинни бўлиб қолиши ёки ор-номусни унутиб, кўча-кўйда Маннопнинг бўйнига ўзини отиб юбориши ё бирор-бир даврада тилини тиёлмай, кўнглидаги дардини гуллаб қўйиши мумкин. Унда ҳаёти нима бўлади? Бу ўй Ризвонни чўчитади. Уни тийиб турган, кўнглида кечаётган ҳар қандай жараёнга дош бериб, хаёлларига бўйсунмасликка ундайдиган нарса ҳам шу — оқибат, эртанги кун умиди. Бир нарса аниқ, Манноп раисга унинг эртанги ҳаётида умуман ўрин йўқ. Нима қилмасин, қандай йўл тутмасин барибир эртаси Маннопсиз бўлади, у буни аниқ-тиниқ билади. Лекин бугунги кун-чи? Бугунида ундан бошқа ҳеч ким йўқ-ку.

Ризвон — ўзи билан ўзи курашаётган инсон, табиат ва ахлоқ меъёрлари ўртасида қолиб, улар тўқнаш келган жойда туриб, қаёққа боришини, қайга бош уришни билмаётган аёл бутун борлиги билан шу курашга, шу жараёнга берилди. Тез орада уни оддий ҳаёт — оиласи, турмуши ва ҳатто ёлғизгина фарзанди ҳам қизиқтирмай қўйди. Бутун борлиги билан табиий ва ахлоқий муаммоларига фарқ бўлди.

Урушнинг тугаши шод-хуррамлик билан кутиб олинди, тўрт-беш кун аҳоли қувончининг чеки бўлмади. Бироқ ордан кўп ўтмай, турмуш тарзида ҳеч нима ўзгармагач, барчаси илгаригидай давом этаверди. Кўпчилик кутганидай аскарлар бирваракайига урушдан қайтмади, кейинроқ маълум бўлдики, катта уруш тугагани билан ҳали қайлардадир давом этаётган экан. Ўқимишли ва билимдонлар Япония билан урушиш кераклигини айтиб юрибди.

Ризвон ҳам дастлаб эри қайтишига умид қилган эди. Ахир кўпдан буён хат-хабар йўқ-ку, лекин «қора қоғоз» ҳам келмаган ва бу кўнгилга умид бағишлайди. Бироқ ҳеч нарса ўзгармагани уни яна тушкунликка солди.

Ғолиб тўрт ёшга қараб бормоқда. Тили чучуккина, кўп нарсанинг фаҳмига етиб қолган, тинимсиз савол беради. Қишлоқдан Адолат ва Маликни бўри олгач, одамлар фарзандини кўчага чиқармай қўйган, уларнинг тақдиридан, ҳаётидан ташвишда.

Бу йил ҳам Ризвон билан қайнонасини ўримга олишди. Ғолиб яна катта онаси билан қолди. Қишлоқ ҳувиллади. Урушдан ўқ еб, ногирон бўлиб қайтганлар ўримда. Ўтган йилги ўспиринлар ўрнига аравада ғалла ташишяпти, хирмонда ишлашяпти.

Ойсара момо ўтириб-ўтириб зерикди, бир ухлаб турди ва пешинга яқин уйғониб, куннинг иссиғида, айвондаги мусичанинг ғўриллашидан фарзанди Бозор ёдига тушиб кўнгли хуфтон бўлди. Ҳали болалик чоғида Бозор мусичанинг шу овозидан кўрқар эди. Йўқ, мусичанинг ўзидан эмас, у сайрайдиган ҳолатдан. Бу қуш ҳовли кимсасиз қолганда мана шундай ғўриллайди. Бозор шу овозни эшитди дегунча йиғлаб юборарди. Ойсара момо неча бор унинг бу қилигидан кулган ва тушунмаган эдики, Бозор нима учун бу товушдан чўчийди. Энди ўзи ҳам уйда ёлғиз қолиб ўғлини тушунаяпти. Бу ёлғизлик кўрқуви, кимсасизлик олдидаги титроқ экан. Ҳозир момонинг қалби мана шундай ёлғиз ва кимсасиз. Мусичанинг овози ҳар доим кўнгилда мана шундай туйғуни уйғотар экан. Ёшгина Бозор ўшандаёқ буни англаган.

Момо ўзини ёлғиз ҳис қилиб кўнгли ўртанди. Кўни-кўшнилар билан чиқиб гаплашай деса, ҳамма ўримда. Ёдига ёшлик йиллари, фарзандлари чопқиллаб юрган даврлар келди, кўзлари ёшланди. Неварасини етаклаб тепалик томонга юрди. Қачонлардир бу ерда болалари чопқиллаб ўйнардди. Момо уларнинг изини топмоқчидай, болалари ҳозир ҳам шу ерда ўйнаб юрган-у, бориб орқасига қайтариб келадигандай туюлди.

Ғолибга момосининг гапи ёқди ва пилдираб йўлга тушди.

– Ғолиб, йиқилиб тушма, болам! – қадди букилган момо неварасининг орқасидан етиб олишга ҳаракат қилди-ю бўлмади, болакай ипини узган ёш бузоқча каби чопқиллаб бормоқда.

– Йиқилмайман, катэна сиз ҳам чопинг! – Ғолиб барча болалар каби ўзига ишонади.

– Мен қандай чопаман? Узоққа кетма, секинроқ юр.

Ёш бола кексаликнинг нима эканини қайдан билсин.

Момо ёнига етиб келганида, Ғолиб тепалик этагидаги қуриган ариқ ичида оёғи билан қумурсқаларни эзиб

ўйнаётган эди. Бу ариқдан қуйироқдаги маккажўхоризорга сув боради. Ҳозир Вағаштининг булоғидан сув олиб келиш қийинлашгани учун ариқ қуриб, маккажўхорилар иссиқдан барглари гужанак бўлиб қовжираган. Экиннинг бўйи унча баланд эмас. Бир-ярим метр атрофида. Момо пайкални узоқдан томоша қилиб, сал тепароққа чиқиб, бир ясси харсанг устига ўтирди ва тезда хаёлини ўтмиш эгаллади.

Орадан қанча вақт ўтгани номаълум, момонинг узоқ-узоқларга кетган хаёлини Фолибнинг қаттиқ қичқириви бузди. Момо кўз очиб қараганда, ориқ, жуни кигиздай бўри набирасининг сонидан тишлаганича, маккажўхоризорга судрамоқда эди. Момо дастлаб довдиради, нима қилишини билмай боши гангиди, сал туриб ўзига келди ва овозининг борича бақириб пастга чопди. Йўл-йўлакай йиқилди, лекин оғриқни ҳис қилмади, яна туриб бўрига қараб чопди. Момо узун ҳаёти давомида бошидан кўп савдоларни ўтказди, дийдаси қотди, бироқ у маълум сонияларда набирасининг бўриларга ем бўлишига чидай олмаслигини англади. Бор овози билан бақириб югурди. Йўл-йўлакай маслаҳат беришни ҳам унутмади.

– Болам, оёғидан кучоқлаб ол, оёғидан ушла!

Бўри Фолибнинг сонидан тишлагани учун боши билан гавдаси унинг олд оёқлари орасида ўралашиб турар эди. Болакай оғриқдан ўзини йўқотиб кўяр даражада бўлса ҳам, момосининг маслаҳатига қулоқ осди ва икки қўллаб йиртқичнинг оёқларини кучоқлаб олди. Бўри юролмай қолди ва ғазаб билан тишларини сонга қаттиқроқ ботирди. Бироқ Фолиб бўрининг оёқларини қўйиб юбормади. У болаларни бўри олаётгани ҳақида кўп эшитган, қулоғи қотган ва ҳозир маккажўхоризоргача етиб олса, бўри ўзини ҳам еб қўйишини билади. Шундан қанчалар оғримасин, йиртқичнинг оёқларини қўйиб юбормади.

Бу орада момо етиб келиб, ердан кесакми, тошми, кўлига нима илашса, олиб отаверди. Бўри боланинг сонини қўйиб юборди, тишларини кўрсатиб, момони кўрқитмоқчи бўлди, бироқ Ойсара момо кўрқадиган ҳолатда эмас, унинг чўчигани бошқа. Бўрининг оловдай ёнаётган кўзларига тик қараб бораверди. Бахтлари бор экан, Манноп раис уйида тушлик қилиб хирмонга кетаётган эди. Бақириқ овозларини эшитиб, отини шу ёққа бурди. От туёқларини эшитган йиртқич тезда маккажўхоризор ичига кириб кўздан йўқолди.

– Ҳа, момо, нима бўлди? – деди Манноп раис етиб келиб. Пишқириб турган отидан тушар экан. – Болани кучук тишладими?

Гап нимадалигини англаяпти, лекин ортиқча ваҳима қилмаслик учун шундай деган эди. Ойсара момо ҳансираб қолган ва ҳаяжондан нима дейишини билмайди. Фолибнинг оқарган юзини силаётган, унинг тирик-ўликлигини билиб олмоқчи эди.

– Катэна, оёғим оғрияпти, – деди инқиллаб Фолиб ниҳоят.

– Тирикмисан?! – Момо шошди ва Фолибнинг бўз иштончасини ечиб тишлар изини кўрди.

Манноп раис уларнинг тепасига келди.

– Ҳеч нарса қилмайди, – деди у энгашиб. – Тузалади.

– Ўлиб қолмайдими, Маннопжон?! – Момо зўрға гапирди.

– Йўқ, ҳеч нарса қилмаган... мана мен бир оёқсиз яшаб юрибман-ку... – Манноп кулмоқчи эди, бўлмади, совуқ тиржайиб тезда лаб-лунжини йиғиштириб олди.

– Ўғлим, буни уйга олиб борайлик, мен кигиз куйдириб босаман, – деди момо Маннопга илтижоли тикилиб.

– Мана, ҳозир, – Манноп шундай деганча Фолибни кўтармоқчи бўлиб кучоқлади. – Фақат ўрнимдан туриб олишим учун сал суяб туринг, ёғоч оёқ халақит беради.

Момо Маннопнинг кўлидан тутди, у Фолибни кўтариб ўрнимдан турди. Боя, иссиқда оғриқ унча сезилмаганми, бола ҳали карахт эдими, ишқилиб овози баланд чиқмаётган эди. Қимирлаб, оғриқ кучайган сари унинг чириллаб йиғлаши баландлашиб борди.

– Момо, сиз отимни етаклаб олинг, қочиб кетмасин, – Раис олдинга тушиб, секин-аста йиқилишдан кўрқиб ликонглаб борар экан, кампирнинг ўзига эргашиб келаётганини кўриб отидан хавотирланди.

Момо орқага қайтди, отнинг юганидан тутиб етаклаб келди. Маннопнинг юриши унмаётган эди.

– Боламни ҳушёр қилинг, йиқитиб қўйманг, – деб борар эди унинг ёнида хавотир билан кампир тихирлик қилаётган отнинг юганини силталаб. – Тузалиб кетарканми, а?

– Тузалади, тузалади! Ана йиғлаяпти-ку, демак умид бор, – Манноп раис юраги эзилди, бироқ ўзини тутиб кампирга тасалли берди. – Ҳали шундай бир йигит бўлсинки, ҳамма кўриб ҳавас қилсин.

Фолиб эса чинқиришни бас қилмайди, унинг йиғиси кулоқларни батанг қилиб юборди, юракларни ўртади.

Улар уйга етиб келгунга қадар кўни-кўшнилари – тўрт-беш қария-ю ёш болалар чиқиб, нима воқеа рўй бергани билан қизиқди. Кимдир яқинлариникига югурди, кимдир от-арава топмоқчи бўлди, яна кимдир ҳовлида супага жой ҳозирлади. Манноп раис болани уйга олиб келиб, супадаги

жойга ётқизар экан, қондан ва боланинг чинқирғидан кўнгли бузилиб, тезроқ бу ердан кетиш ташвишига тушди.

– Бўлмаса, мен бориб табибни топиб келай, – деди у ёнида турган Аҳмат бовага. – Дори-дармон қилсин. Сизлар ярага кигиз куйдириб босиб турингизлар...

– Борақол, – деди унинг гапини маъқуллаб Аҳмат бова.

– Фақат тезроқ ҳаракат қил. Кўп қон йўқотса ёмон бўлади. Чоллар ва кампирлар кўплашиб, кигиз куйдириб, чириллатиб боланинг ярасига босишга киришди.

– Сен ўғил боласан-ку, нега йиғлайсан. Шу арзимаган тимдаланганга шунчами? – Ғолибга дакки берди чоллардан бири. – Ўғил бола йиғласа уят бўлади...

Ғолиб уятнинг фарқига борадиган ҳолатда эмас, ҳатто чолнинг гапларини ҳам эшитгани йўқ. Оёғида турган қаттиқ санчикдан ўзини қўярга жой тополмай қолаётган эди.

– Катэна, оёғимни кесиб ташлангизлар, оғрияпти, – деб бақирар эди у ўзини тўхтатолмай. – Битта оёқдаям журавераман. Раис бовага ўхшаб журавераман. Оёғимни кесиб ташлангизлар, оғрияпти...

Қоратепадаги Салим табиб ўтганидан сўнг бу яқин орада тузукроқ табиб қолмаган. Қулқишлоқда Тўхта бова деган табиблик қилади. Ҳозир Манноп раис тўғри унинг олдида бормоқда. Сал-пал у-бу нарса биладиган дўхтир урушга кетган, касалхоналар ёпилган. Шу сабабли Ғолибни касалхонага олиб бориш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Хуллас, одамлар ўз ҳолига ва тақдир ихтиёрига ташлаб қўйилган. Улардан фақат ишчи кучи сифатида фойдаланилади, холос. Давлатнинг асосий эътибори урушга қаратилган.

Манноп раис Тўхта бовани олиб келганда Ғолиб бир-мунча тинчиган ва томошаталаб болалар уй-уйларига тарқаган экан. Табиб Ғолибни бошқатдан чириллатиб йиғлатиб, ярани очиди, бошқатдан дори-дармон қилди ва чит мато билан боғлади.

– Табиб бова, умид борми? – сўради Манноп раис ундан, Ойсара момо чой қайнатиш учун ўчоқ бошига кетганда. – Бу йигитчанинг отаси урушда, у қадрдон жўрам бўлган.

– Қайтмаганми?! – Табиб ялт этиб унга қаради. У бу гапи билан «Ўлганми?» демоқчи эди. Манноп раис уни тўғри тушунди.

– Йўқ, лекин ҳозирча дом-дараги йўқ. Ундан ягона мерос шу бола. Авлоднинг давомчиси шу. Бошқа фарзанди йўқ жўрамнинг... Танисангиз керак, Бозор деган мулла чиққан эди бир пайтлар, Гадой мулла деб ҳам аташарди. Босмачилар

даврида кимдир уйда отиб кетган. Ўшанинг набираси бўлади бу йигитча. Ана шундай бир инсоннинг авлоди давомчиси бу бола. Катта бўлса бир ёқни ўнгариб берадиган чўти бор.

– Ҳа, эсимда... – Тўхта бованинг юзи ёришди. – Бозор мулланинг неварасими? Менинг отам ҳам бир-икки шу ёқларга келиб, шу кишига ўқитган эди. Нафаси зўр, билими кучли эди. Қийин бўпти-да... Яшаб кетади... Ҳозир ёз-ку яра йирингламаса керак... Болалигида кимни ит тишламаган дейсиз, буям шунга ўхшаган бир гап-да.

– Лекин бунинг масаласи бошқа — ёш, нимжон.

– Зарари йўқ, тузалади...

Табиб аслида «Худо умрини берса тузалади», демоқчи эди, бироқ унинг оғзига умид билан боқиб турган Ойсара момога қараб, қатъийроқ гапирди. Ҳар ҳолда бу гапи учун кейинчалик ҳеч ким ёқасидан олмас.

Табиб кетиш тадоригини кўрди.

– Самарқандга олиб бориб юрмайликми? – сўради Манноп раис. У табибнинг гап оҳангида иккиланиш борлигини сезган эди.

– Хоҳласангиз, олиб боришингиз мумкин, лекин болани ортиқча безовта қилганингиз қолади. Аравада силкиниб кўп қийналади, бола азоб чекади. Унга ҳозир тинчлик керак, қанча кам қимирласа шунча яхши, тез тузалади... Самарқандда ҳам ит эгасини танимайди. Бу болага қарайдиган одамнинг топилиши гумон... Олдинги дўхтирларнинг ҳаммаси урушда.

– Оғир бўлмаса овора қилмаймиз, – Манноп раис тасалли топгандай бўлди. – Боланинг ҳам биздан яқин кими бор эдики, шаҳарга олиб борадиган. Менинг ишим бошимдан ошиб ётибди. Бир соат колхозда бўлмасам осмон тушиб кетади.

Аслида унинг шаҳарма шаҳар юриш нияти йўқ. Қишлоқда бирор бекорчироқ, тетикроқ одам бўлса экан, кўшиб юборса. Барча ўримда, ҳеч кимни ярим кунга ҳам ишдан қолдириш мумкин эмас, табибнинг гапи унга хуш ёқди. Ҳар ҳолда масъулиятни зиммасидан соқит қилди. Эртага, худо кўрсатмасин-ку бир гап-сўз бўлса, айбни табибга тўнкайверади.

Манноп раис эҳтиёткор одам.

Табиб кетди. Секин-аста кўни-қўшнилар ва қариялар ҳам тарқалди. Фолиб анча тинчиди, ниҳоят кечга бориб оғриқ босилди, чамаси, ухлаб қолди. Ойсара момо учта кампир билан қолган, Фолиб ухлаётганда уйга ҳовлиқиб, шошиб Ризвон ва қайнонаси Матлуба хола кириб келди.

– Фолибга нима қилди? – айвонга қадам қўймасдан бурун Ризвон бақириб сўради. Унинг важоҳатидан Ойсара момо ва қолган кампирларнинг капалаги учди.

– Ҳаммаси жойида, боланг ухляпти, – Ойсара момо уни тинчлантирмоқчи бўлди.

– Уни ўлдириб қўйгансиз... – Ризвон нима учундир момо қайнонаси гапига ишонмади. – Унга бир нарса бўлса жавоб берасиз.

Келинининг бетгачопарлиги Ойсара момога оғир ботди. Нима дейишини билмай гангиди.

– Унақа дема, бунда нима айб? – деди шу ердаги кампирлардан бири.

Ризвон эса кампирнинг гапига жавоб бермай, шу ерда, супада ухлаб ётган Фолибнинг тепасига келди.

– Уйғотиб юборасан, тегинма, – деди бир кампир. – Ўзи хозир ухлади.

Хуфтон тушиб, кўр қоронғи эди. Ризвоннинг кўзига Фолиб қимирламаётгандай туюлди.

– У қимирламаяпти, нима қилган?!

– Кучук тишлабди, – деди бир кампир. – Ваҳима қилмасанг-чи.

– Алдайсиз, бўри ғажибди-ку, – Ризвон ваҳима билан бақирди. Унинг назарида, бўри тишлаган одам борки, барчаси ўлади. Кейин юз берган воқеалар уни шундай хулосага келишига сабаб бўлган.

Матлуба хола эса унинг орқасида, нима қиларини ва нима дейишни билмай гангиган.

– Ке, Матлуба, манави ерга ўтир, – деди кампирларнинг бири Матлуба холанинг аҳволини тушуниб. – Қўрқадиган жойи йўқ, ҳаммаси жойида.

Иккаласи чўлдан келгунича хаёлларидан ягона ўй ўтган эди — Фолибни бўри олган, булар яшираяпти. Етиб келиб тўшакда жимгина ётган болага кўзлари тушиб, ҳайрон қолишди. Унинг тириклигига деярли ишонмасалар-да, уйда одам камлиги, йиғи-сигининг йўқлиги кўнгилга тасалли берди. Бироқ гира-шира қоронғиликда Фолибнинг тушунарсиз жим ётиши ғалати кўринаётган ва кўнгилга мустаҳкам ин қуриб олган даҳшатли хаёл ҳам ўз ўрнини бўшатиб беришни истамаётган эди. Ризвон омади келгани ва фарзанди бўрининг оғзидан омон қолганига ишонмади. Назарида, дунёнинг барча ғам-ғуссаси унинг бошига тўкилиши керакдай ва шундай бўлаётгандай.

Матлуба хола иккаласи ҳадиксираб Фолибнинг тепасига келди, унга синчиклаб назар ташлади ва нафас олаётганига, ширингина ухлаб ётганига ишонди.

– Момо, сизга ишонган эдик-ку шу болани, нимага бундай қилдингиз?

Ризвоннинг момоқайнонасига таънаседан шу ерда йиғилганларнинг барчаси нафратланди. Бу ердагилар Ойсара момонинг шу бола учун қанчалар куйиб-ёнгани, ҳар нарсага тайёр экани ва бу кўргуликдан барчадан кўпроқ қуюнаётганини билади. Бироқ Ризвон буни тан олишни истамаяпти, назарида, фарзандига ўзидан бошқа ҳеч ким ачинмайдигандай.

– Болам, сен ундай дема, гуноҳ бўлади, – дакки берди кампирларнинг орасида ўтирган Бону момо. – Бу кишининг бўлари бўлиб ўтирибди-ку, устига устак таъна қилишинг яхшими?!

– Бону, индама, – деди Ойсара момо. – Уни ҳам тушуниш керак... Мен тузукроқ қараганимда шу кун бормиди бошида, йўқмиди...

Момо бўлиб ўтган ишда ўзини айбдор ҳисоблаб, виждони қийналаётган эди.

Бону момо бунақа гапдан не чиқишини билади, ахир яқиндагина шуни бошидан кечирмадимми?

– Бундай қиламиз, – деди Бону момо қатъий. – Худога шукр, Фолиб тирик, энди барча гап-сўзларни, кимнинг нимада айбдорлигини бир чеккага йиғиштириб, унинг тузалишини худодан сўраймиз. Бунақа гап-сўзлар худога ҳам ёкмайди.

Орага совуқ сукунат чўмди.

Кўшнилар бошига оғир кулфат тушган бу уйни ёлғиз ташлаб қўймади, тўрт кампир шу кечаси тунаб қолди.

Ярим кечаси Фолибнинг яралари оғридими, эрталабгача бақриб йиғлаб чиқди. Яна ўша гап, оёғини кесиб ташлаш тўғрисида тинимсиз илтижо қилди.

* * *

Нигора юз бераётган ўзгаришлардан ҳали ўзига келмай туриб уйдагилари тўйга розилик билдириб юборди. Аслида уларнинг бу никоҳга қўнгли чопмаётган эди, бироқ ишга шахсан Манноп раиснинг аралашгани ҳаммасини ўзгартириб юборди. Раис бир-икки гап билан тинчиб қўя қолмади, қатъий туриб олдики, Иқбол холанинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмади.

Оилада эркак йўқлиги, Иқбол холага «йўқ» дейиш имконини бермади. Манноп раис юрт отасидай гап. Ҳукумат одами ва қишлоқ каттаси сифатида унинг гапи ҳеч қачон икки қилинмайди. Нигора ҳам шунинг қурбони бўлди.

Ўша куни раис эрталаб уларнинг уйига келиб, Иқбол хола билан анча гаплашиб ўтирди. Мулойимлик билан тушунтирди, буни шу оиланинг эртаси учун қилаётганини ётиги билан айтди. Иқбол холанинг кўнгли чопмаётган эди, бироқ ҳаёт хокисор қилиб қўйган. Раиснинг мулойимлик билан тушунтириб, ўзини оила ғамхўридайд тутиб гапирши, кўпдан буён эркакдан яхшилик кўрмаган, ширин гап эшитмаган холанинг кўнглини ийиб юборди, йўқ деёлмади.

Раис тўйни бир ҳафтадан кейин, якшанба кунига белгилади. Энди тўйлар ўзига яраша, урушдан илгариги дабдабалар йўқ, илитилган ошдай ўтади. Биринчидан, одамларнинг иқтисоди оғир, иккинчидан, кўпчилик азадор, тонггача ўйин-кулги қилиш ҳеч кимнинг кўнглига сизмайди.

– Яна нима деб келибди Манноп чўлоқ? – Нигора жаҳл билан сўради раис чиқиб кетгач онасидан.

– Ундай дема, ўзингдан катта одамни масхара қилишга қандай тилинг борди, – Иқбол хола тил учида дакки берди. Қизининг кўнгли яримта эканини тушунади, ранжитгиси йўқ.

– Ўлсин, катта бўлмай, – Нигора ўзини қўярга жой тополмаяпти. – Ўзи ҳамма бузуқчиликлар шунга ўхшаганлардан чиқади.

– Болам, унақа дема... – Иқбол хола нима дейишини билмай чайналди.

– Нима демай? – Нигоранинг ғазаби қайнади. – Бу ифлоснинг қилиқларини билмасам экан, индамай ўтираверсам. Шу ярамас, шу бузуқи энди тақдиримни ҳал қиладиган бўлдими? Ҳаётим шу ярамаснинг кўлига қараб қолганми, эна? Шунчалик кадрсизманми? Акам йўқ бўлса, ҳали отам тирик-ку, эна? Кўчада қолган қизманми, толеимни аллақандай бузуқи раислар ҳал қилса? Ёки анави ферманинг оч, қоқсуяк сигирларга ўхшаб колхознинг мулкиманми, хоҳлаган одамнинг кўлига тутқазадиган. Йўқ, раис колхознинг сигирини менчалик беҳурмат қилиб бировга беролмайди. Бунинг учун боши кетади. Мени эса аҳамиятсиз буюмдай хоҳлаган одамга тутқазиб юборавериш мумкин. Бунинг учун на мендан ва на отамдан рухсат сўраб ўтиришмайди.

Нигора кўзларига ёш тўлиб ҳўнграб йиғлаб юборди. У билмайди, нима учун кўпроқ куюнаяпти — ўзининг шунчалар хор бўлиб, чолга тегаётганигами ёки қисмати шу бузуқи инонга қолганигами. У ҳали ўшанда — Нормурод билан бирга чўлда гувоҳи бўлган ҳодисани унутмаган ва шундан

буён шу инсонни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Энди келиб-келиб шу гўрсўхта тақдирига хўжайинлик қиляпти.

– Қизим, Нигоржон! – деди Иқбол хола қизини бағрига босиб. – Ўзим ҳам кўйиб кетяпман, болам, ўзимга қолса отангни кутмасмидим. Лекин ҳозир раисга кулоқ осмасак бўлмайди. Замон оғир. Мен сени ўйлаяпман-да, бойроқ инсон экан, егулик-ичгулигинг бемалол бўлсин, дейман. Ёйишга нони йўқ камбағалга тегиб нима барака топар эдинг? Юрасанми очликдан қийналиб.

– Ўз кунимни ўзим кўраман, эна, менинг нон ёйишим сизга оғирлик қиляптими?

– Тушунмадинг, менга оғирлик қиляпсан демоқчи эмасман, эртанги кунингни ўйлаяпман...

– Эртага бир гап бўлар, жуда бўлмаса очдан ўлиб кетарман, шу чолга теккандан ўлганим тузук.

– Унақа дема, болам. Очликдан шишиб ўлганларни мен кўрдим, энди сизлар кўрманглар, бу нима эканини билмайсанлар. Шу кетишда яна катта очарчилик бўлади, деяпти раис, олдиндан чорасини кўринг, дейди.

– Шу чўлоқни менга гапирманг, – кўзлари ёшга тўлган Нигора бақриб берди. – Тўй бўлсам ўша топган чолниям, чўлокнинг ўзиниям ўлдираман, мана кўрасиз.

Иқбол хола қиз болага эрга тегиш арафасида икки дунё бир қадам бўлиб қолиши, қўлидан хар бало келиши, кейинчалик тўй ўтиб барчаси унутулиши ва хокисор бўлиб қолишини билади. Қизига жавоб қайтармади, индамай уни кучоқлаганча ўтираверди. Нигора ҳам хўнграб, Иқбол холани қучиб олди. Иккаласи шу ҳолда — бир-бирини қучиб, ожизликдан, бечоралиқдан бу оламга сиғмай йиғлаб ўтирди.

– Ожизларни мана шундай эзаверар экан-да, эна?! – деди ниҳоят Нигора.

У боя аччиқ устида уришиб онасини ранжитганидан хижолатда. Иқбол хола ҳам вазиятнинг қули экани, раисга қарши боролмаслиги, бунга ожизлик қилишини билади ва тушунмайдики, бу тўй раисга нима учун керак? Ахир Нигоранинг турмушга чиқиши унга иссиқ ҳам совуқ ҳам эмас, илгари бу инсон уларнинг ҳолини ҳам сўрамаган. Тўсатдан бундай, қўшни қишлоқлик бир чолнинг ёнини олиб, уларнинг уйига беш оёқ бўлиб қатнаб қолди.

Бу масала Иқбол холани ҳам безовта қилаётган эди. Ахир ўша, Нигорага уйланмоқчи бўлаётган чол унинг қариндоши ҳам ошнаси ҳам эмас, бунга у одамлардан сўраб-суриштириб билиб олди. Аввалига раис бундан қандайдир ёмон

ниятни кўзламадимикин, деган хаёлга борди, сўнг «Ўлиптими, бунчаликка бормас, шунчаки бизга яхшилик қилмоқчи, шекилли», деб ўзига тасалли берди. Иқбол хола — ўзига биров беҳбудлик қилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган ва кутмаган инсон — Манноп раиснинг ҳаракатидан, албатта шубҳаланади. Бироқ инсон кўникувчан бўлади ва вақт ўтиб раиснинг ҳаракатларини табиий қабул қила бошлаган эди. Нима қилмасин, бизлар учун қилаяпти, деган хулосага борди. Айрим кўни-қўшнилариинг гапига қарамай, «Раисга қандай йўқ дейман», деган ўйда тўйга розилик берган эди. Келин — Насима ҳам Иқбол хола билан ҳамфикр, Нигорани шу инсонга турмушга бериш тарафдори. У ҳам қайнонасига маслаҳат, қайинсинглисига эса насиҳат бериб, ишнинг тезлашишига ҳисса қўшди.

Ўша кунни тўйга розилик берганидан сўнг, раис «Чўлга, ўримчиларнинг ёнига бориб келаман», деб чиқиб кетгач, орадан кўп ўтмай қишлоқнинг кун ботар тарафида қий-чув кўтарилди. Нигора ва унинг онаси оғир қисмат тўғрисида ўйлаб, бир-бирларини қучганча, йиғлаб ўтирган эди.

Кўп ўтмай, Ойсара момонинг неварасига бўри ҳужум қилгани тўғрисидаги гап тарқалди.

Нигоранинг кўнглига қил сизмайди, дили хуфтон эди. Фолибни бўри тишлагани, аҳволи оғир эканини эшитиб, дарди тезда унут бўлди, ўрнини қониқишга ўхшаш бир туйғу эгаллади. Ҳақиқатан ҳам шундай — Нигора бировнинг қайғусидан қувонадиган, ичи қора эмас, бироқ ҳозир ўзидан-да бечорароқ, ожизроқ одамнинг борлиги уни худога шукр қилишга, ўз дардини унутишга мажбур қилган эди. Ҳар ҳолда унинг ҳолати ҳаёт ва мамот масаласи эмас. Бу оддий турмуш муаммолари ва уларни бугун бўлмаса, эртага ҳал қилиш мумкин. Иқбол хола қизига ҳеч қаерга чиқмасликни тайинлаб, Ойсара момонинг уйига кетди.

Шундай — бир дард иккинчисини ютиб юборади.

Нигора сўнгги икки кун ичида қаттиқ ўйда қолди. Биринкетин уч болага бўрининг ҳужум қилиши, акасининг урушда вафот этиши, отасининг дом-дараксиз кетиши — буларнинг барчаси уни таҳликага солиб қўйган, келажакка ишончини сўндирган. У кейинги пайтларда, айниқса тўй тўғрисидаги гаплар чиққач, ўзини даҳшатли тушда кўраётгандай ҳис қилаётган ва бу уни атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга маълум даражада эътиборсизроқ қарашга ундаётган эди.

Ўз тақдирининг шу тарзда ҳал этилиши Нигора учун умумий кайфиятсизликнинг бир кўриниши бўлди ва тез

орада бунга ҳам кўниқди. У бир нарсага — турмушга чиқиш-чиқмаслик масаласи ҳаётдаги улкан муаммоларни, кайфият-сизликларни барибир ҳал қилиб беролмаслигига ишонди. Тўғри, тинимсиз йиғлади, ўзини қўярга жой тополмади, лекин булар фақат тўй учун эмас.

Ҳаш-паш дегунча орадан бир ҳафта ўтиб якшанба ҳам келди. Тўй илитма ошдай ёқимсизгина ўтди. Аслида бу ўйнаб-куладиган давр эмас-ку, лекин ёши анчага борган кишининг уйланаётгани тўйни янада мавҳумлаштирди ва кечки ўйин-кулги бўлмади, кундузи қишлоқнинг тўрт-беш қариясига ош берилиб, кун ботар-ботмас Камангарондан келган эшон никоҳ ўқиди ва келинни от аравада олиб кетдилар. Бор-йўқ тўй шу. Манноп раис хизматда бўлди, куёв эмас келин томонда туриб хизмат қилди, ташкиллаштирди ва бу билан кўпгина қарияларнинг олқишини олди. Бир етим қизни (Нигорага кўпчилик етим сифатида қарай бошлаган эди) уйли-жойли қилиб савобга қолди, деган гап-сўзлар чикди. Бағри кенглиги, халқпарварлиги тўғрисида сўзлашди.

Нигора онаси ва бошқа яқинлари билан йиғлаб-йиғлаб хайрлашди. Назарида, бу қишлоққа қайтиб қадам босмайдигандай туюлаётган эди, ўзини ўлимга олиб кетишаётгандай ҳис қилди. Ҳозир остона ҳатлаб, ташқарига чиқади-ю бу уй, бу ҳовли, шу қадрдон ватани учун бегона инсонга айланади, кейин қайтиб келса ҳам бу уй уни қабул қилмайди, гўё уни қўшни қишлоққа олиб боришади-ю, бошини кундага қўйиб чопиб ташлашади. Шу билан ҳаммаси тамом бўлади. У ўта разил, инсонийликдан йироқ ва ваҳшийлар қўлига тушгандай ҳис қиляпти, кундошининг кунни бошига тушишини тахмин қиляпти. Тўғри-да, булар яхши инсон бўлганда ўша аёл ўлмаган ва бу чол унга оғиз солмаган бўлар эди.

Қиз кўзи боғлоғлик ҳолда жар ёқасида тургандек эди. Олдинга қадам босса тубсизлик, орқага эса йўл йўқ. У қиз боланинг қисматида норози бўлди, отаси ўшанда — ўзи туғилганда, жарга улоқтириб юбормаганига ёки одамлар кучукнинг мода болаларини тириклайин кўмиб ташлагандай, ўзини ҳам кўмиб юбормаганига афсус қилди.

– Қиз, йиғламанг, – деди у билан хайрлаша туриб яқинда ўримдан келган, ўзини йиғидан тўхтатолмаётган янгаси Насима. – Ҳаммаси яхши бўлади. Мен ҳам олдинга энди нима бўлади, деб кўп ўйлаган эдим, озгина ношукурлик ҳам қилган эдим, мана худо кўрсатиб ўтирибди...

– Сиз менинг акамга теккансиз-да! – таъна қилди Нигора.

- У ҳам кимнингдир акаси...
- У кимнингдир отаси, янга! – Нигора хўнграб йиглади.
- У қари чол... Мен шу уйда ортиқча эканимни айтсаларингиз бирор жойга бош олиб кетардим.
- Гап сизнинг ортиқча эканингизда эмас, – Насима тутилди. – Гап бахтли бўлишингизда...
- Шу қария билан ким бахтли бўлар экан?!
- Ёшлар урушда... қайтишлари номаълум...

Насима ўзини мисол қилиб кўрсатмоқчи эди, бироқ оқибатини ўйлаб тилини тишлади, турмуш ўртоғи Нигоранинг акаси экани ва урушда ҳалок бўлгани суҳбатга энгиллик бағишламаслиги аниқ, Нигора буни таъна, деб тушуниши мумкин. Бироқ қиз гап нимага қаратилганини фаҳмлади.

- Урушда бўлсаям майли эди...

Бу гапни на Насима ва на шу ерда турган Иқбол хола тушунмади.

- Бирортада кўнглингиз бормиди? – сўради Насима.
- Энди сўрайсизми? – деди пиқиллаб Нигора. – Ҳаммаси тамом бўлиб, орқага йўл қолмаганда берасизми шу саволни...

Шу тарзда Нигорани олиб кетдилар. Иқбол холадан кўра Насиманинг кўпроқ ичи куйиб, кўнгли бузилди. Иқбол хола фақат қизининг келажаги олдида, шунча йил ўстирган, тарбиялаган қизи кимларнингдир кўлига тушганини ўйлаб куйинган бўлса, Насимани армонга айланган матлаблар, чилпарчин бўлган ниятлар, ушалмаган орзулар қийнади. У Нигора тимсолида ўз ўтмишини кўрди ва унинг ҳам келажаги ўзиники каби бўлиши мумкинлигини хаёлига келтириб, бечора қизнинг келажагидан ачинди, куйинди.

Янги куёвнинг уйи тоғ тагида, қир бошланадиган ерда жойлашган экан, уй орқасидан, кўча ўртасидан бир тегирмонлик булоқ суви шариллаб оқади, кўчалар, ҳовлилар, борингки, деворлар — ҳамма ёқ тош. Бу ернинг ҳавоси Гултепаники каби иссиқдай туюлмади, кечалари анча салқин. Биринчи тун деярли ҳеч қандай қутилмаган ҳодиса рўй бермади. Куёвнинг бироз дағаллиги ва устидан аллақандай тушунарсиз ҳид келиб турганини айтмаганда, деярли ҳеч нарса содир бўлмади.

Шу кунларда Нигоранинг хаёлидан ўшанда — чўлда Нормурод билан бирга гувоҳ бўлгани — Манноп чўлоқ ва Ризвоннинг ҳолати кўз ўнгидан кетмади. Бу жирканч ва номақбул бўлиб туюлган эди. Ҳозир ҳам шуни ўйлаб, кўз

олдига келтириб, Ризвоннинг ўрнига ўзини қўйиб, бада-
нидан совуқ тер чиқмоқда, аламдан ва газабдан тишлари
«газ-газ» қилаяпти, бироқ қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Эртаси куни кундузи келин тушган уйда ош берилди.

Нигора ўтирган уй ҳовлидаги кекса ёнғоққа яқин жойлаш-
ган, айвон билан ёнғоқ ўртасига эски шолчалар осиб қўйил-
ган ва нариги томонда эркаклар, айвонда эса аёллар ўти-
рибди. Келин хонада. Ҳаво иссиқ бўлгани учун дераза очиб
қўйилган. Шундан ёнғоқ остида ўтирганларнинг (аксарияти
қариялар ва урушдан қайтган ногиронлар) қаттиқ-қаттиқ,
бақириб гапиришлари баралла эшитилади. Сухбат мавзу-
си келин ҳақида.

Нигора ўзи тўғрисидаги гапларни эшитиб бир хижолат
бўлади, бир жаҳли чиқади. Бироқ жимгина ўтиришга
маҳкум. У энди ўзга инсон уйига келгани, бу ерда нафасини
ҳам чиқармай юриши лозимлигини билади. Бу ер онаси-
нинг уйи эмаслиги, эркалик кетмаслигини англаяпти. Тўйга
келган эркаклар нима дейишидан қатъий назар, ўзини
карга солиб ўтирибди. Фақат «Бу овозинг гўрдан келгур-
лар тоғда ўсган-да, бир-бирига қирдан қирга бақириб ўр-
гали қолган, овозлари қулоқни тешай деяпти», деб қўйди.
Назарида, куёвдан тортиб, қишлоқнинг бешиқдаги чақало-
гигача — барчаси ёмон ва разил инсонлар. Онгига шу нарса
мустаҳкам ўрнашган.

– Келинни кўрдингми ўзи? – бақирган овоз келди ёнғоқ
тагидан. – Чиройлими?

Куёв, уйининг тузилишини билгани учунми ёки андиша
қилибми, секинроқ гапириб жавоб қайтарди, чамаси, бош-
қа бир овоз суҳбатга қўшилди:

– Алдаяпсан, сенинг шу аҳволингга ким қўйибди? Бир
балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур?

– Узумнинг яхшисини ит ейди, деган гаплар ҳам бор,
биродарлар, – деган овоз келди ва орқасидан қўпол тарзда
кулги кўтарилди. Гапирган киши кулаётган эди. Бу билан
мақолининг таъсирини сусайтириб, ҳазил эканини билди-
риб қўймоқчи, чамаси.

– Бўлди, жўралар, шу бугун бориб мен ҳам хотинни хай-
даб юбораман. Бу ёқда ёш-ёш қизчаларни бериб турганда,
шу қари кампирга қараб ўтираманми.

Гуррос кулги кўтарилди.

– Хай, чол, эсингизни едингизми, нималар деб саннаб
ётибсиз? – Айвондан туриб бир аёл бақирди. Овозига
қараганда шаддод ва унча ҳам қарига ўхшамайди. – Ўзим
сизни ҳайдаб юбормайин.

– Сен ҳам шу ердამисан? – эркакнинг қаҳ-қаҳ отиб кулгани эшитилди. – Ҳзимам ўйлаган эдим, шу ялмоғиз уйда ўтирмаса керак деб.

Нигорага буларнинг ҳазили ҳам қўпол туюлди, ўз қишлоғи одамларини ёдга олди, улар бунақа дағал эмас.

Нигора ўзи ўсиб-улғайган муҳитдаги барча ҳолат ва гап-сўзларини табиий қабул қилар, аниқроғи улар ҳозир асосий мезон ўрнига чиққан эди ва бу инсонларнинг барча ҳаракатларини ўшаларга солиштириб баҳоламоқда.

Ниҳоят Нигора ўлимдан қўрққандек чўчиган вақт етди.

Бирга келган янгаси ва қўшни аёл уни ёлғиз ташлаб қўшни хонага чиқди. Нигора худонинг зорини қилиб ялинди, ёлворди, қолинглар, деди, бўлмади, кетдилар. Аслида ўзи ҳам билаяпти, қолишлари ўнғайсиз. Бироқ нима қилсин, нимадир дейиши, кимдандир нажот кутиши керак-ку.

– Мана, сен ҳам келдинг, – деди куёв Насималар чиққач, кўп ўтмасдан эшик остонасига тўқишиб, довдираб ичкарига кирар экан. – Ниҳоят иккаламиз ёлғизмиз...

Куёв каловланди, гап тополмай яна нималар тўғрисида бир-икки гўлдиради-ю жим қолди. Сал наридаги кўрпачанинг устига ўхшовсиз ҳолда, меҳмонга келган киши каби чордона куриб ўтирди. Нигора бу инсонни бор-йўғи бир бор кўргани, тузукроқ билмагани сабабли кўрқинчли ва ёвуз бўлса керак, деб хаёл қилган ва шундан чўчиб турган эди. Унинг ўзини тутиши ва довдирашидан негадир кулгиси қистади. Ахир ёши анчага борган, ўзини боладай тутаяпти, гапиришидан эса довдираётгани сезилади.

Нигора индамади.

– Сен нотўғри ўйлаяпсан, – деди ниҳоят куёв Нигорага қараб бўйнини олдинга чўзди. – Мен сен ўйлаганчалик ёмон инсон эмасман... Ўшанда сенга бир бор кўзим тушиб ёқтирган эдим-да...

Нигора бу гапдан ҳайратланди, шунақа қари одам ҳам яхши кўрар эканми ҳеч замонда. Кулгиси қистади, лекин ўзини тутди. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, дегич эди отаси.

– Насиб қилса, зўр яшаб кетамиз. Тўрт-бешта фарзандли бўламиз...

Нигора игна санчилгандек сесканди. Ахир ҳар нарсани ўйлабдики, аммо шу қариядан бола кўришни хаёлига келтирмабди. Келин бошини хиёл кўтариб, куёвнинг афт-ангорига қаради. Ўшанда — қирда кўрган башара ўзгаргани йўқ, фақат хира чироқ ёруғида ажинлари қорайиб соя ташлаб, юзи янада ваҳималироқ кўринмоқда, холос. «Ҳеч қачон

сендан бола кўрмайман, – деган хаёл ўтди кўнглидан. – Туғадиган бўлсам ҳам бўғиб ўлдириб қўяман, ўзинг ким бўлибсан-у, боланг ким бўлар эди.»

Нигора ҳали ўтмиш билан яшамоқда ва ўтган кунлар ўй-хаёллари ҳамон онгини банд этган, янги ҳаёт бошлангани, энди дунёқарашлар, фикрлаш ва яшаш тарзи ўзгаришини хаёлига келтираётгани йўқ.

– Шундай ўтираверамизми? – деди куёв келинга ўгирилиб. – Бирор нарса қилмаймизми?

Нигора англадики, куёв юзини йўқотмаган ва қанчалар галати туюлмасин, уйланиш бобида тажрибали эмас. Келиннинг назарида, у келиши билан ташланиб, устидаги кийимларни ечиб отиши керак эди. Бунақа қилмаяпти.

Нигора қўрқиб қалтираётганига қарамай, тили қичиди ва «Шу ҳолингда яна бирор нарса ҳам қилмоқчимисан, қари чол?» демоқчи бўлди-ку ўзини тийди.

Куёв ўтирган еридан турмай, кўрпача бўйлаб силжиб келинга яқинлашди:

– Энди юзингни очавер, менга махрам бўлдинг... – деди бироз тиржайиб. – Боя мулланинг гапини эшитдингми?

– Йўқ. – Бу Нигоранинг биринчи гапи эди.

– Ҳа-я, сен никоҳда қатнашмагансан, вакил отанг турган эди, у эшитди... Отинг нима эди сени?

– Энди отимнинг аҳамияти йўқ. – Нигорага унинг гапи алам қилди. Одамлар отини сўрамасдан ҳам уйланиб олаверар экан-да, а?

– Буям тўғри, – куёв кесатиқни тушунмади. – Энди барибир бир-биримизнинг исмимизни айтиб чақирмаймиз... Мен сени энаси, дейман.

– Нима?! – Нигора бу чолнинг калласи жойида эмаслигига ишонди. – Бу нима деганингиз, кимнинг энаси? Мен қиз боламан-ку.

– Бўлажак болаларнинг энаси-да, шуни ҳам тушунмайсанми?... – Куёв хунук тиржайди.

– Мени икки дунёда унақа деб атаманг.

– Нима дейин бўлмаса?

– Ҳеч нарса деманг.

– Ихтиёринг.

Куёв яна озроқ сурилди. Энди у Нигора билан бақамти ўтирар эди:

– Нима ҳақида гаплашаётган эдик?

Унинг оғзидан аллақандай ёқимсиз ҳидни туйган Нигора ижирганди.

– Сал нарироқ ўтирсангиз бўлмайдими?

- Бўлади.
- Бўлмаса боринг.
- Менга шу ер ёқаяпти.
- Менга эса ёқмаяпти.

Куёв индамай орқага сурилди. Аслида шу ишни қилмагани дуруст эдими, Нигора ҳозиргача уни ёмон, ёвуз инсон сифатида ёқтирмаган бўлса, энди буларга унинг латталиги, бўшанглиги кўшилди. Нигоранинг кўнглида алам пайдо бўлди: шу ёғи етмагандай, мени бир бўшанг чолга эрга беришибди, пешонам шўр экан, деган ўйга борди. У ҳозир бир аҳволда эдики, куёв нима қилмасин, нима демасин барибир ёқтирмай қолаверади. У катта ҳаётга қадам қўйган ва энди орқага йўл йўқлигини тан олмаётган, ҳазм қилолмаётган ўжар бир қиз эди.

Улар анча жим ўтирди.

- Ташқарида янгаларинг кутиб ўтирибди, - деди куёв ниҳоят.

- Шунга нима қилай? - Нигора унинг гапидан ажабланди.
- Уларни ким ташқарига чиқариб қўйди?
- Одам хавотирга боради-да...

Нигора олдинига у нима деётганини тушунмади. Сал ўтиб гапнинг маъносини англади, ич-ичидан кулгиси қистади. Аслида ҳеч нарса бўлмаслигидан келинлар кўрқиши керак эди, бу ерда эса куёв чўчиб ўтирибди.

- Менга нима.

- Энди бу сенга ҳам тегишли-да, нимага ундай дейсан?

«Ўлиб кетмайсанми, қари така», Нигоранинг хаёлидан шу ўй кечди, бироқ индамади. Ҳар ҳолда яхшими, ёмонми бундан кейин шу одам эри бўлади, чамаси. Бир кунми, ўн кунми шу билан яшаш керак. Тўғриси, Нигора бу инсон билан узоқ вақт яшашни ният қилаётгани йўқ. Узоғи билан бирор йилда ажрашиш ниятида. Бу хаёлини ҳеч кимга билдиргани йўқ-ку, лекин тўй тадориги бошлангандан буён шу ўй билан ўзига таскин берди, шу хаёл билан ўзини ўлдириб қўймади. Назарида, агар ажрашадиган бўлса, бу ишини онаси ҳам, отаси ҳам (тезроқ урушдан қайтса) маъқуллайди. Отаси-ку, албатта бу қилган иши учун Манноп раиснинг адабини бериб қўяди, онасини ҳам тинч қўймаса керак. Нигора бунга қаттиқ ишонади, чунки отаси уни жуда-жуда яхши кўрар, ҳар доим эркалаб кўзига гард тушишига ҳам йўл қўймас эди.

Нигора қўлига илмилик нарса тегиб илон чаққандай сесканди.

- Вой!

– Қўрқма, бу мен, – куёв тиржайди. – Нима деб ўйладинг?.. Ҳозир илон йўқ...

– Аввал бўлганми? – деди Нигора куёвнинг гапидан лол, бу жонзотдан қўрқади.

– Ҳа, энди илон уйнинг давлати-да, қўриқлаб туради. Эшитмаганмисан? – Куёвнинг кайфияти ўзгариб гапни бошқа мавзудан олди. Унга ўзини бегона олиб турган келиннинг савол бергани ёққан ва шундан бу мавзуни маҳкам тутган эди. – Ҳар битта уйнинг ўз илони бўлади. Оиласи билан шу уйда яшайди, агар билиб-билмай биттасини ўлдириб қўйсанг, қолганлари қаттиқ ўч олади. Индамасанг тегинмай, ёнма-ён, меҳрибон қўшнидай яшайверади.

– Уйларингизда кўпми бу қўшнилари?

– Бор, тўрт-бешта. Санаганим йўқ. Бир марта икки қулочлигини шифтда осилиб турганда кўрувдим, кейин учратмадим, ўзини олиб қочиб юрибди.

Нигора ҳадиксираб шифтга, тутундан қорайган қалин балорлар ва улар орасидан осилиб турган қуруқ шох-шаббага қаради. Унда сон-саноксиз илонлар ўралашиб юргандай туюлди.

«Бир камим илон тўла уйда яшаш эди», шу ўй кечди хаёлидан.

– Лекин сен қўрқма, улар яхши. Ҳали ўзинг амин бўласан.

Нигора индамаётганига куёвнинг гапи қочиб, нима дейишини билмай ўйга чўмди.

– Ке, энди бўлди, менимча, – ниҳоят куёв, «тўрт оёқ»лаб Нигорага яқинлашди. – Шунча гап етар.

Нигора орқага тисралди:

– Қанақа гап?

– Шунча гаплашдик-ку, – деди ҳайрон бўлиб куёв. – Энди яқин бўлдик.

Куёв чайналди. Лол. Келин эса чолнинг гапидан кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайди.

– Ҳар ҳолда, соқолимга оқ оралагани билан ҳали ёш йигитдайман...

Нигорага бу мақтанчоқлик ёқмади.

– Бериб юборган қўйлақларим ёқдими? – куёв гапни бошқа мавзуга, ўз сахийлигига бурмоқчи бўлди.

– Олдинги хотинингизникими, нима бало? – кесатди Нигора, бироқ куёв бунга тушунмади.

– Ҳаммаси эмас, – куёв мақтанишда давом этди. – Ичида янгилариям бор. Хонатласни кўрдингми, ўзим сен учун бозордан олдим. Жамалакнинг ўзидан тўртта, шулардан биттаси яп-янги. Ҳалиги баҳмал мастакчани кийиб кўрдингми, лойиқ келдими?

– Катта экан...

– Бўлиши мумкин эмас, унияма сени хаёлимда гавдалантириб кейин олувдим... Майли, бир жиҳатдан катта бўлгани яхши. Эртага иккиқат бўлишинг бор, янгисини олиб ўтирмаймиз.

Нигора жавоб қайтармади, куёв эса ўз хайрли ишларини санаб бўлиб, энди амалий ишга ўтиш мумкин, деган хулосага келдимиз, ўнг кўлини Нигоранинг белига жўнатди. Нигора уни уриб юбормоқчи эди, бўлмади, куёв чап кўли билан тутиб қолди.

– Бўлмаса менинг бошимга анави каштани ўраб қўйинг, – деди ниҳоят тақдирга тан берган Нигора. – Соқолингиз юзимни тимдалаяпти.

У куёв оғзидан келаётган нос ҳиди, дағал ва юзини қитиқлаётган соқолидан ирганаётган, умрида илк бор дуч келаяпти эмасми, ўзидан, манавиндан уялаяпти.

– Соқолимни қирдириб юрмасам бўлмайди энди, – деди эрталаб куёв уйдаги аёллар билан гурунглашиб турганида. – Ёстиққа ботиб уйқу бермаяпти.

Аёллар қиқирлаб кулишди.

Эри урушда ўлганига кўниккан Малоҳат фарзандининг ҳам бу дунёдан ўтишига кўнолмади, кўнгли кенг оламга сиғмай қолди, олам кўзига қоронғи бўлди. Эртанги кун йўқдай, нима ҳақида ўйламасин, хаёллари йўқликка, зулматга тақалаверади. Ҳеч бир хаёл, ҳеч бир орзу уни ёруғликка бошламайди. Нима ҳақида ўйламасин, барибир эртанги кун гурбатларига тақалаверади, оқибат ўлим билан тугаши хаёлидан кетмайди. Келажакка ва ўзига ишонч йўқолди. Соатлаб бир нуқтага тикилиб, ўтираверади, вақтни ҳис қилмайди. Ҳайратланарли даражада хотиржам ва босиқ.

Бону момо келинидан ташвишда. Қайга бормасин, ортидан эргашиб юрадиган одат чиқарди. Момонинг кўрққани — Малоҳатнинг газаб устиди, хаёл билан ўзини бир кори ҳол қилиб қўйиши.

Мавҳум ва ваҳимали кунларнинг бирида пешинга яқин Маматқул урушдан қайтди, ўнг товонидан ўқ теккан экан, оқсаб юради, лекин Манноп раисга ўхшаб оёғини кесиб ташлашмаган.

Бутун қишлоқ худди отаси бозордан қайтган боладай севинди, барча ёш-у қари, эркагу аёл аскарни кўргани

тўда-тўда бўлиб келаверди. Одамларнинг кўнгли ёришиб, эртанги кунга ишонч уйғонди.

Маматқул эркаклар билан қучоқ очиб, аёллар билан қўл бериб кўришар экан, ҳар ким ундан ўзига тегишлиларни сўраб олгиси келади. Малоҳат ҳам одамларнинг санжоблашишини кутиб, ранги бироз оқарган, ориқлаган ва улғайган, кўзлари чўккан, нигоҳларидан аллақандай тушуниб бўлмас ваҳимага ўхшаш туйғу англонадиган Маматқулга яқинлашди.

– Нормуроджонни кўрмадингизми, ука? – Илинж билан сўради у бирор бир ижобий жавобга умид қилмаса ҳам.

– Йўқ, янга, уруш катта, у ерда бир-бирини учратиш қийин... Кейин мен кўп госпиталда ётдим... Юрган бўлса керак, келиб қолади, энди хавотирланмасангиз ҳам бўлади... Уруш тугаган.

Малоҳат сездики, сўзлашиши ҳам ўзгарибди, жайдарича гапирмайди, сўзларни юмшоқроқ ишлатади. Шаҳарликларга ўхшайди. Овози майин. Ҳолбуки урушда бўлган, ўлимни кўриб қайтган.

– Акангизни-чи? У кишининг дарагини эшитмадингизми?

– Нодир акалар биз борганча жанг қилган. У даврдан санокли одам тирик қолган. Ўзиям роса жаҳаннам уруши бўлган, ўша хатга ишонаверинг, руҳига дуо қилиб юраверинг. Ҳаёт шу-да, нима қилардик, бандалик...

Малоҳатнинг кўнгли чўқди, жавоб шунақа бўлишини аввалдан билган эди, бироқ ноумид — шайтон, ким билсин, мўъжиза рўй бериши мумкин-ку, деган ҳаёл ҳам йўқ эмас. Бироқ ҳар доимгидай мўъжиза юз бермади. Унга алам қилгани, мўъжиза ҳам бойларга бўлади, камбағалга ҳеч нарса йўқ. Ана, Манноп раиснинг ўлгани ҳақида хат беришувди, орқасидан ўзи кириб келди. Унга қолганда эса ҳаммасини бандалик ва ҳаётга ағдаришдан ўзга чора йўқ.

Бутун кишлоқ қувончи Малоҳатга татимади. Бону момо унга қўшилиб куйинди.

Орадан кўп ўтмай чўлда ғалла ўрими авзига чиққанда Жаббор ҳам урушдан қайтди. Соппа-соғ. Одамларнинг онгига ўрнашиб қолган бу урушдан ҳеч ким тирик қайтмайди, қайтганлар ҳам ногирон бўлиб келади, деган фикр чилпарчин бўлди. Ҳатто раис ҳам йигитлар қайтаётганидан хурсанд, илғор ўримчиларга икки кунга уйига жавоб берди. Булар орасида Малоҳат ва Насима ҳам бор эди.

– Ўғлим, Жабборжон, – деди уни кўргани келган Малоҳат илинж ва илтижо билан. – Нормуроджон сен билан кетувди, қаерда юрибди, сен келдинг-ку, нега у қайтмаяпти?

– Бизни Германиядан олиб, Югославияга ташлашганда улар қолувди. Ўшандан кейин кўрмадим, соғ-омон юрган бўлса керак, биз ажралишганда уруш тугаган эди...

Малоҳат унинг гапини деярли тушунмади, назарида, Германия билан Югославия деганлари уруш бўлган ёқлардаги иккита қишлоқ. Бироқ ижикилаб сўрамади. Асосийси бошқа масала.

– Нимага у келмади?

– Билмадим, бизни зарур иш билан орқага — Союзга қайтаришди. Кейин уйга жавоб тегди... ҳаммани барабарига қайтариб бўлмайди. Олдин уруш бошида борганлар келади, орқасидан бошқалар... Ҳозир Япония билан озроқ ҳисоб-китоб қолган. Ўша тамом бўлгунча ҳеч кимга жавоб тегмаса керак. Энг асосийси энди хавотир йўқ, қанча хизмат қилишдан қатъий назар, қайтишади.

– Бўлмаса у кишиям қайтар? Урушнинг бошида кетганлар?

Жаббор Малоҳатнинг гапини тушунмади.

– Ким қайтади?

– Нормуроджоннинг отаси-да!

– Қора қоғоз келган эди-ку?! – Жаббор савол билан Малоҳатга умидвор бўлмасликни айтмоқчи бўлди.

– Манноп раис қайтди-ку!

Малоҳат адолатсизликка чидолмади. Унингча бунинг учун фақат Жабборгина айбдор. Йигит ҳам уни тушуниб, ўзини босди, айна дамда бу жафокаш аёлга ҳеч нарса деб бўлмаслигини тушуниб тасалли берди:

– Омон бўлсалар қайтадилар. Мен бир нарса дейишим қийин, бу урушни тушуниб бўлмайди, ҳаммаси чалкашган, бош адоғи йўқ.

Малоҳат юрагида дард ва алам билан ортга қайтди. Бошқаларнинг фарзанди тирик ва соғ келаётганидан куйинмади, йўқ, у ичи қора эмас, фақат ўз бахтсизлигидан ўртанди. Ахир уям ҳаммага ўхшаган одам, кўпчилик қатори ўз фарзанди, турмуш ўртоғини тезроқ ва соғ қайтиб келишини истаган, бу мақсадда неча-неча тунларни тонгга улаб худодан илтижо қилиб чиққан эди. Унинг бошқалардан кам жойи йўқ, Оллоҳга ҳам бошқалардан кам сажда қилмаган. Бироқ нимагадир тилаклари, дуоси ижобат бўлмаяпти, дунёни бор ғам-андуҳлари унинг бошига ёғилган.

– Кўпам қайғураверма, – деди қайнонаси Бону момо. – Мана кўрасан, бир қуни, кутилмаганда эшиқдан «Ассалому алайкум», деб кириб келади.

– Нимага ҳамма келади-ю менинг болам қайтмайди? – Малоҳатнинг юраги қоронгилашиб бормоқда. – Худога ёмонлик қилган жойим борми ёки?

– Ундай дема, биров олдин, биров кетин...

– Билмадим, кўнглим безовта, нимадир бўлган-ов. Кўнглим ниманидир сезаяпти... Бир у кишини ўйлаб куйинаман, бир Нормуроджонни, бир Маликжонни... қайси бирига ачишишни ҳам билмайман, биров мен учун атайдан қилаётгандай.

– Булар худонинг иши, келин, – Бону момо кўпни кўрган босиқ аёл. Ҳаётга соғлом назар билан совуққон қарайди. – Сен билан менинг кўлимиздан ҳеч нарса келмайди, минг дод деган билан, бошимизни тўрт деворга урган билан, ҳеч нимани ўзгартиролмаймиз. Жимгина, бундан кейин нима бўлишини кузатишимиз керак. Нормуроджонни кутамиз, насиб қилса келади. Ана, у билан кетганлар қайтаяпти.

– Биламан, – деди алам билан Малоҳат, у келажакка, эзгуликка ишонмай қўйган. – Шунга қолганда яна бир иш бўлади, кўнглим сезаяпти...

– Нафасингни иссиқ қил. Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришталар омин дейди.

Уруш тугаб тириклар қайтишига умид уйғониб, одамлар юзига табассум югурган, келажакка ишонч уйғонган кунларнинг бирида Малоҳат иссиқдан терлаб, садақайрағоч остидаги супачадаги шолча устида хаёлга чўмиб ўтирганда кўшни ҳовлидан бақирик, чинқирик овози эшитилди. У сергак тортди, хона ичида, салқин уйда ухлаб ётган Бону момо ҳам шошиб бошяланг айвонга югуриб чиқди:

– Яна нима гап, келин?

– Билмайман! – зийрак тортган Малоҳат шошиб оёғига кавушини олиб кўчага қараб юрди. – Иқбол холаларникидан чиқди бу овоз. Яна бир кор-хол бўлди, чамамда.

Қайнона-келин олдинма-кетин кўчага чиққанда, кўшни — Раззоқ аканинг ҳовлисидан уйнинг келини Насима қўлларига қип-қизил қонга ботган пичоқ ушлаган, оёқяланг, сочлари тўзғиган ҳолда чиқиб келди. У жиннига ўхшаб бақирганча, қўлларини серпаб келар, эгнидаги чит кўйлагига қон сачраган, қип-қизил эди, юзларида ҳам қон доғлари.

– Пичоқни ташла, Насима! – унга тўрт қадам қолганида Малоҳат таққа тўхтади. – Нима қилаяпсан, эсингни йиғ, бирор жойингни кесиб оласан.

– Ўлгим келаяпти, ўлгим!! – Насима икки аёлни кўриб бўшашди ва тупроқ кўчага тиз чўқди, пичоқ кўлидан сирғалиб тупроққа тушди.

– Ундай дема, кизим... – Бону момо келиб, пичоқни олиб, нарироққа, суви қуриган, ажриқ босган ариқ ичига отиб юборди. – Сенга нима бўлди, бирор ерингни кесиб олдингми?

– Кесганим йўқ, холамни сўйиб ташладим! – Насима хўнграб йиғлаб юборди.

– Нима деяпсан? Эсинг жойидами? – Бону момонинг ранги ўзгарди. – Нимага сўясан, нима ёмонлик қилувди?

– Билмайман, билмайман!!! – Насима бақриб йиғлади. – Энди мени ўлдиринглар, мени ҳам сўйинглар!

Насима ердан тупроқ олиб уни юзи, бошларига сочди.

– Мало, буни уйга олиб бориб, тинчлантир. Мен ичкарига кириб, нима гаплигини билайин.

Бону момо Иқбол холадан хабар олиш учун уйга кирди. Малоҳат эса Насимани суяганча уйга етаклади, у ортиқча бақирмаётган, қаршилиқ ҳам қилмаётган эди, бояги вожоҳатдан асар ҳам қолмаган, узоқ вақт тўшакка михланиб, ҳозиргина оёққа турган беморга ўхшаб титраб қақшайди.

– Нима иш қилиб қўйдинг, Насима? – сўради Малоҳат улар айвонга чиқишгач. – Гапинг ростми ёки алаҳсираяпсанми?

– Рост... холамни пичоқлаб қўйдим... Ўлиб қолдилар, менимча... Ўлишини истамаган эдим, лекин ўлди... Ҳозир келиб мени ҳам чавақлашади, янга, мени бекитиб қўйинг... Сиз бориб, холамдан хабар олинг, ўлиб қолмасин...

Малоҳат бу жабрдийда қизнинг кўнглидан нималар кечаётгани, нима иш қилиб келаётганини аниқ билмаса-да, барибир ачинди, нима бўлишидан қатъий назар бўлиб ўтган ишда унинг айби кам, деб ўйлади. У келинни етаклаб, боя Бону момо ўхлаган уйга олиб кирди, кўрпача йиғилмаган эди, устига ўтқазди.

– Насима, тушунаман, биламан, ҳаммага оғир... куйинма, ҳаммаси яхши бўлади, лекин нимага Иқбол холани пичоқладинг? – сўради Малоҳат.

– Билмайман! Нимагалигини сўраманг, айтолмайман! Нима иш қилганимни ўзим ҳам тушунмайман, айтиб беролмайман. Мен аҳмоқман...

Малоҳат унинг гапларига, Иқбол холани пичоқлаганига ҳам, ўзи нима иш қилганини аниқ-тиниқ билмаслигига ҳам ишонди. Бу жафокаш қизни айбламади, бироқ Иқбол холага ҳам ачинди. Бу аёл ўз турмуш ўртоғи каби хокисор, биров билан ади-бади айтишмайдиган, ўзини босиб юрадиган инсон эди. Шунча йилдан буён кўшничилик қилиб, сан-манга боришмаган, бир-бирларини тушуниб келишган.

Малоҳатнинг болаларига қанд-курс, мева-чева, нима топса бериб юрарди, унинг фарзандларини ўз болаларидай кўрарди. Хокисор инсонни нима учун ва қандай қилиб пичоқлади экан?

– Атайлаб қилмагансан-ку, тўғрими? Пичоқ тегиб кетгандир-да?! – сўради Малоҳат.

– Йўқ, атайлаб қилдим, қорнига ўн мартадан ортиқ пичоқ санчиб олдим... – Насима пиқиллаб йиғлар, ўзини қўярга жой тополмас эди. – Бу ердан кетайлик, янга. Бирор жойга олиб бориб ташланг мени, кўрқаяпман...

– Кўрқма, ҳеч нарса бўлмайди, ҳали Иқбол хола соғайиб кетади.

– Соғаймайди, аллақачон ўлиб бўлди, янга, нимага тушунмайсиз?! Холамни ўлдириб қўйдим... Раис нимага бизга жавоб берди ўзи! Чўлда юраверганимизда бу кун йўқ эди...

Улар анча вақт шу ҳолда ўтирди, Малоҳат нима қиларини билмайди, Насима довдирайди, юраги сиқилиб ўзини қўярга жой тополмайди, сиқилиб бораяпти, бироқ кўчага чиқишга кўрқади.

Шошиб Бону момо кириб келди.

– Мало, буни оғилга киргизиб яшириб қўй. Иқбол бўлмади... – деди у ва ортиқча гап айтмай чиқиб кетди.

– Мени қамаш керак, отиб ташлаш керак, бўлмаса булар уриб ўлдиради... – Насима Иқбол холанинг фарзандлари ва яқинларидан кўрқаётган эди. Бону момонинг ҳам чўчигани шундан.

Малоҳат Насимани суяб оғилга олиб кирди.

– Янга, менинг айбим нима? – секин овозда гапирди Насима қоронғи оғилга кирар экан. – Мен нима учун бахтсиз туғилганман? Нимага туғилганман ўзи? Уруш тугади, ҳамманинг эри қайтади, мен эр қилиб эр кўрмадим, шуюм қайтмайди, отам ўлган, борадиган жойим йўқ... Мени худога нима деганим бор эди?

– Майли, куйинма, ҳали ҳаммаси яхши бўлади... – Малоҳат унга тасалли бермоқчи бўлди, лекин жувонмарг кетган хола ёдига тушиб юраги ўртанди. – Бўлиб ўтган ишларда Иқбол холанинг айби нима эди? Уям сенга ўхшаган бечора эди-ку?!

– Ҳаммасини тушунаяпман, лекин шунақа бўлди-да, билмасам...

– Майли, сен шу ердан жилмай ўтир, кўчага чиқадиган бўлсанг, оқибати ёмон бўлади. Мен Иқбол холанинг олдига бориб келаман... Кексалар билан маслаҳатлашиб, бир чорасини кўрамиз. Фақат овозингни чиқарма.

– Кетманг, жон янга, кетиб қолманг, сиз ҳам мени ташлаб кетманг, бир ўзим бу ерда ўлиб қоламан...

Насиманинг илтижосидан Малоҳат ўртанди, аҳволини тушунаяпти, ахир. Гуноҳ иш қилиб қўйган ёш болага ўхшайди. Ўз айбини англаяпти, бундан кейин қандай йўл тутиш кераклигини билмаяпти, қилган иши учун дакки беришларидан кўра, ўша айб ишнинг ўзидан кўрқяпти, вақтни орқага қайтариб, гуноҳини тўғрилаб қўйгиси келаяпти-ку, лекин иложи йўқ.

Насима шу аҳволда.

– Бормасам бўлмайди, – Малоҳат унинг қўлларини секин силтаб ташлади. – Одамлар шубҳага боради. Орқамиздан излаб келиб, сени топишса ёмон бўлади... Тез қайтаман.

Насима титраб-қақшаб оғилнинг энг қоронғи бурчагига сиқилиб, тиззаларини кучоқлаб ўтириб олди:

– Янга, узок кетманг, мен бу ерда ўлиб қоламан... – деди у илтижоли овозда.

– Келаман!

Малоҳат ундан нафратланишни ҳам, раҳм қилишни ҳам билмайди.

Раззоқ ака хонадонига одамлар йиғилаётган эди, Бону момо шу ерда юрган қизиқувчан болаларни ҳовлидан қуваяпти, каттароқларини эса қишлоқ кексаларини чақириб келиш учун униси-бунисиникига юборди. Қўшни аёллар ҳовлида куймаланиб юрибди, айвон ўртасида катта, теридан қилинган сурпа ёйилган, ҳаммаёққа ун сачраган, у ер-бу ерда қон ҳалқоби, бутун айвон ва унинг пастадаги супа-чага қон сачраган. Бир кампир қўлида капча билан ҳалқобларни қириб, эскироқ челаққа солаяпти, айвон чеккасида, кўндаланг уй ёнида одамлар йиғилган, Иқбол холанинг танасини шу хонага олиб киришган, чамаси, ичкаридан Марзиянинг йиғлагани эшитилади.

Малоҳат секин ичкарига мўралади. Уй тўрида Иқбол холанинг устига жойнамоз ёпиб қўйилган жасади, бош томонида катта қизи — Марзия чўккалаб, уввос солиб йиғлаяпти.

– Энажон, нима қилиб қўйдингиз?! Бизларни кимга ташлаб кетаяпсиз?!.

Бу ердагилар Иқбол холага бўри ҳужум қилгани тўғрисида гапираётган эди. Бу гапни уларга ортиқча ваҳима чиқмасин учун Бону момо айтган.

Марзия гандираклаб айвонга чиқиб келди:

– Келин қани?! Қани Насима?! Нимага знамга қарамайди?! Нимага знамни бўрига талаттириб қўяди?!

Келиннинг уйда йўқлигидан кўплар гангиди, бири «Чўл бўлса керак», деди, бири қишлоқдалигини айтди, леки ҳеч ким ундан шубҳаланмади. Кетган бўлса чақириб кели учун Мурод аканинг уйига одам юборилди.

Малоҳат бу ҳовлида кўп турулмади, кўнгли бузилди, юрғи қоронғилашди. Нима қилишни билмай гангиб турганид Бону момо чақириб, ҳеч кимга билдирмай уйга қайтиб Насимага ҳушёр бўлишни тайинлади.

– Ҳеч ким у бизникида эканини билмасин, – деди мом ташвиш билан. – Аслида бунақа ишларга аралашмасли керак эди-ку, бироқ нима қиламиз, кўшничилик, ҳар ик томоннинг ҳам ёнини олмасак, кўп ёмонлик бўлиши мумки. Ҳозир булар жаҳл устида Насимани ўлдириб қўяди. Иқболга ҳам қийин, Насимага ҳам осон эмас... Нима қилами шунақа оғир шароитга тушиб қолдик. Лекин «ғиқ» эти оғзингдан бирор гап чиқмасин. Бундан кейин ҳам биз була билан кўшничилик қилишимиз керак... Тез бор ва олдида бир қадам ҳам жилма, у ўзини бир қор-қол қилиб қўйс: балога қоламиз.

– У мениям ўлдириб қўйса-чи, хола? – Малоҳат кўрқди.

– Ҳеч нарса қилмайди, ўзи қалтираб ўтирибди-ку, бу иш ни билмасдан қилган, – Бону момо тасалли берди.

– Барибир-да, қотил билан бир ҳовлида қолишда кўрқаман.

Малоҳат Иқбол холанинг аҳволини кўриб Насимада нафратланган ва кўрқа бошлаган эди. Боя аччиқ устид ўзларини ўлдириб қўймаганига шукр қилди. Насима қонси раган, ваҳший инсон бўлиб кўринди кўзига.

– Сендан бошқа одамни юбориб бўлмайди. Бор, кўрқиб еб қўймайди, ўша ўзинг билган Насима-да. Бир одамни пичоқлаб қўйгани билан бошқага айланиб қолармиди? Бону момо нисбатан хотиржам ва босиқ.

Аввалига Малоҳат аҳвол қанчалар қалтислигини англамаган экан, қайнонасининг гапларидан кейин тушундики, икк ўртада улар ҳам оғир аҳволда қолибди.

Ҳақиқатан Насимани қамашади, бироқ бу ушбу хонадо бутунлай йўқолиб кетади, дегани эмас-ку. Иқбол холанинг фарзандлари бир умр шу ерда яшайди, яқинда Раззоқ ак ҳам қайтади ва улар Иқбол холанинг қотилини ким яширганини билсалар, «раҳмат» демайди. Кўшничилик осон иш эмас.

Малоҳат секин бориб, атрофга аланлаганча ҳеч ким ўзини кузатиб турмаганига ишонч ҳосил қилгач, оғилнинг эски икки табақали эшигини очди. Ёруғликка ўрганган кўзлариг

қоронғи оғилда ҳеч вақо кўринмади. Назарида, эшик орқасида пичоқ кўтарган Насима кутаяпти-ю, кириши билан баданига санчиб олади.

– Насима, шу ердამисан? – сўради у шивирлаб. Бир қор-қол бўлса қочишга шайланиб.

– Шу ерда, – деди хириллаб қолган, қўрқувдан титраб турган овоз. – Қай гўрда ҳам бўлардим.

Малоҳат ўзига таниш овозни эшитиб кўнгли хотиржам тортди, «Бу қанақа ёмонлик қилиши мумкин?» онгига бу овоз хокисорлик ва майинлик тимсоли бўлиб ўрнашган.

– Кўзимга ҳеч нарса кўринмаяпти, – Малоҳат оёғи билан ерни пайпаслади.

– Мен бу ердаман...

Малоҳат ўгирилди ва қора шарпа ва йилтиллаб турган кўзларни илғади.

– Ўзингмисан, Насима?

– Ўзим.

Оғилни моллар ва таппининг қўланса ҳиди тутган, Малоҳат ижирғанди.

– У ёқда нима гап? – сўради Насима ўрнидан туриб.

– Иқбол хола ўлибди, – деди Малоҳат ва келиб устун ёнига, мол охурига ўтирди.

– Биламан! Одамлар мени излаяптими? Ўлдирамиз деяётган бўлса керак.

– Излаяпти, лекин ўлдириш учун эмас. Холани бўри талабди, деб гап қилишаяпти.

– Ростданми! – Насима бир сапчиб тушди. Кўнгида умид учкунлари пайдо бўлган эди.

– Лекин бунга одамларни узоқ вақт ишонтириб бўлмайди. Ҳозир қариялар келиб кўрса, ҳаммаси аён бўлади.

– Энди мен нима қиламан? Наҳотки, ишонтириб бўлмасам?! Холамга барибир-ку ўлиб кетди, энди менга раҳмингиз келса бўларди.

– Билмадим, билмадим... – Малоҳат Насиманинг безлигидан ҳайрон бўлди. – Ҳозир шу ерда кутиб турайлик, кейин бир чораси топилар. Мелисага борганинг дуруст, ўзинг учун тинч.

– Шундан бошқа йўли йўқми? – илинж билан сўради Насима.

Малоҳат бу гапдан ҳайрон. Ҳозиргина бир тирик инсонни пичоқлаб ўлдириб келаяпти-ку, яна осонроқ, енгилроқ йўлни кидиради, келажagini ўйлайди.

– Сен учун тўғри йўл шу. Бўлмаса Иқбол холанинг яқинлари тинч қўймайди.

– Ўзим бораманми мелисага? – Насиманинг овозидан кўрқаяётгани сезилиб турар эди.

– Нимага чўчийсан? Ана, Иқбол холани кўриб келдим, қонга беланиб ётибди, сен ҳар ҳолда тириксан-ку, бироз қийналасан, яна кун кўриб кетаверасан. У эса қайтиб ёруф оламини кўрмайди...

– Бўлди! Гапирманг, кўрқаяпман.

Насима бурчакка, Малоҳатнинг ёнига, охурга ўтирди. Пиқиллаб йиғлади.

– Нимага йиғлайсан энди?

Малоҳатнинг юрагидаги кўрқув ўчиб бормоқда. У бу қиз ўзини ўлдирмаслигига ишона бошлаган эди, ахир нима иш қилишини билмай хокисоргина йиглаб ўтирибди-ку.

– Мен ҳам одамман-ку, янга! Лекин одам бўлиб нима кўрдим? Юрагим куйиб кетаяпти, ёниб кетаяпман... Эрга тегдим, эр кўрмадим. Қайтгандан кейин бирга яшарман, деб ўйловдим, у ҳам урушда қолди, отам ўлди... қайнонам ўлди... Куйиб кетаман-да.

Малоҳат унинг фикридан ҳайратланди. Бирор нарса дейишга сўз тополмади, ахир қайнонасини ўзи ўлдирди-ку!

Ўртага совуқ сукунат чўмди.

Ниҳоят Малоҳат зах ерларда бўладиган эшакқуртлар тўғрисида ўйлади ва аъзойи бадани қичишди. Назарида, ичига юзлаб эшакқуртлар ўрмалаб кириб бораётгандай бўлди, ўз-ўзидан ижирғанди.

– Юр, уйга бориб ўтирамыз, – деди Малоҳат ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини қоқиб. – Нима бўлса бўлар... Бу зах оғилдан ҳар бало чиқиши мумкин.

– Кўрқаман, – деди Насима. – Ўзингиз боринг, мен шу ерда ўтиравераман. Уйда мени тутиб олишади... Фақат тез-тез хабар олиб туринг, илтимос, бир ўзим бу ерда ўлиб қоламан.

Бону момо қишлоқ оқсоқолларига бор гапни ётиғи билан тушунтирди ва кечга яқин икки киши, бошқаларга билдирмай, Насимани аравага миндириб, туман марказига — мелисахонага олиб кетди. Қамалгани тинчроқ, деган фикрга келган эди оқсоқоллар, акс ҳолда ўлдириб қўйишлари аниқ. Насиманинг ўзи ҳам тезроқ бу қишлоқдан бош олиб кетишни истаётган эди, назарида, шу қишлоқдан кетса барча кўнгилсизликлари, омадсизликлари барҳам топади, хотиралари таг-туғи билан ўчиб кетади ва янги ҳаёт бошлайди. У оғилда ўтириб- ўтириб, мана шу тўхтамга келган эди.

Бўри Фолибнинг оёғидан тишлаганидан сўнг қишлоқ аҳлининг ваҳимаси яна ортди, болаларни ҳуда-беҳудага кўчага чиқаришмайди. Фолибнинг аҳволи эса ўзгармаётган эди. Ҳар-ҳар замонда тинчиб уйқуга кетади, сўнг яраси оғриб йиғлайди, додлайди, алаҳсирайди. Айниқса, кечалари ўзини тутиши қийин. Ойсара момо бу алаҳсирашлар кўрққанидан ёки оғриқдан эканини тушунмайди. Ярани кунда, кунора ечиб, бошқатдан боғлаб туришибди. Энг оғири шу. Фолиб дод, деб қаршилиқ қилади, имкон йўқ, кўлчалари, оёқчаларини босиб, барибир яранинг латтасини қайта боғлашади. Латта қуриб ярага ёпишган бўлади, уни олиш чоғида яра кўчиб азоб беради.

– Момо, буларга айтинг, латтани ечмасин, – илтижо билан Ойсара момога боқади Фолиб.

Момонинг раҳми келади, бу бераҳм дунёдан ғазабланади, бироқ қўлидан нимá келади, зварасига тасалли беришдан ўзгасига ярамайди.

– Болам, ҳозир бирпасда ечиб қайта боғлашади, бу сафар оғримайди. Кўзингни юмиб турсанг бўлди.

Бироқ Момо бу сафар ҳам алдайди, болакай оғриқдан додлайди, онаси ва катта онасининг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлади, бироқ имкони йўқ. Тезда яра қайтадан боғланади-ю Ризвон уйга кириб, узоқ вақт йиглаб ўтиради.

У раҳмдил, бировнинг азоб чекишига чидаб қараб туролмайди. Қадрдон фарзанди аҳволидан кўнгли ўртанади, ориққина, ҳаётнинг борди-келдисини ҳам тушунмайдиган, дунёга келиб ҳали ҳеч нарсани кўрмаган ва асосий иши кўча-кўйда ўйнаб кулиш, тупроққа қоришиб думалаш бўлган болакайнинг бу каби оғир азобда ётишига чидолмайди. Боласига ёрдам бергиси келади, бироқ қандай, билмайди. Бирга ўтирганда унга кўп нарсаларни ваъда қилади, кечалари худога ёлворади, фарзанди тезроқ тузалишини сўрайди. Ҳар бир азиз-авлиё учун биттадан қўй ваъда қилади ва азизлар мана шу ваъдаси учун ҳам фарзандига кўмаклашиши лозим, деб ўйлайди.

Бироқ аҳвол кун сайин оғирлашаётганга ўхшайди. Яра тузалиш ўрнига йиринглаб бормоқда. Орадан бир ҳафта ўтиб Фолиб яраси қичиётганини айтди.

– Оғриб қичияптими? – сўради Матлуба хола ундан.

– Менга ёқаяпти, – деди мағрур Фолиб. У секин-аста кўни-киб бормоқда. – Фақат қашигим келади-ю қашийёлмайман, оғрийди. Ичидан қичияпти.

Қишлоқнинг галла ўримига жалб қилинмаган аёллари, қария кампирлар, оқсоқоллар тез-тез бу хонадонга келиб,

болакайнинг ҳолидан хабар олади, ҳар ким нима топса, қўлига нима илашса, Фолибга атаб олиб келади. Бўри оғзидан ўз ботирлиги билан тирик чиққан бу болакай қахрамонга айланган. Бироқ Манноп раис ўша куни — табибни жўнатиб юборганидан кейин қайтиб келмади. Орадан ўн кун ўтиб, эрталаб дарвоза ёнида пайдо бўлди.

– Полвон қандай, полвон? – бақириб кириб келди у отини дарвоза ёнига бойлар экан.

Аслида Манноп раисни Матлуба хола ва Ризвоннинг ўримга чиқмаётгани газаблантирган, ўзича «Мен бу ярамасларни олдимга солиб ҳайдаб келаман», деб чиққан эди уйдан. Етиб келгунича бироз ҳовуридан тушган ва гапни узоқдан бошлашни маъқул топган эди.

Ризвон бу овозни эшитиб тараддудланди, ўрнидан сапчиб турди-ю айвон ўртасигача бориб, нима қиларини билмай жойида қотиб қолди.

Раисга Матлуба хола пешвоз чиқди.

– Келинг, раис бова, – деди у юзини ёпинчиқ билан яшириб.

– Полвон тузалдими? – бақирди раис.

Овозидан беўйлиги, боланинг тақдири уни заррача кизиқтирмаётгани сезилди. Унинг дадил гапириши ва совуққонлиги ҳар учала ожизада умид уйғотди. Ўзлари билан ўзлари бўлиб, гамга чўккан бу аёлларга эркакнинг қатъий гапи куч-ғайрат бағишлади, кўнгилга ёруғлик олиб кирди.

Раис гапни боладан бошлагандан кейин уни кўрмасдан мавзуни бошқа ёққа буролмади.

– Худога шукр, тузалаяпти, – деди Матлуба хола раиснинг орқасидан эргашиб келар экан.

– Ҳа, – деди раис овозини пасайтирмай. – Отаси урушдан қайтганча чопқиллаб кетади. Ҳали кўрасиз, олдига югуриб чиқади... Бу бўладиган бола экан, ҳали ҳеч ким унинг ёшида бўрига бас келмаган. Шундай кучли ҳайвонни енгса-я?! Ҳалигача ҳайрон бўламан. Маладес!

Фолиб айвон чеккасида, катта ўрик дарахти сояси тушган жойида ётган эди, ёнида Ойсара момо. Раис яқинлашган кампир ҳам ўрнидан туриб пешвоз чиқди. Айвон ўртасида эса Ризвон қаққайганича на бир жойга кетишини ва на жойида тураверишини билмай каловланди.

– Момой, яхшимисиз? – сўрашди раис ва кўз қири билан Ризвонга қараб секин овозда қўшиб қўйди. – Дурустмисан?

Манноп раис ёғоч оёғини узатиб юборганча, Фолибнинг ёнига ўтирди.

– Яра тузалдими, полвон? – сўради энгашиб. Фолибдан садо чикмагач ўзича давом этди. – Ҳечқиси йўқ, мана мен ёғоч оёқда юрибман-ку, битта-яримта оёқ билан ҳаёт ўзгариб қолмайди... Сеники ҳалиям жойида.

Фолиб секин бошини кўтариб раисга қаради.

– Ёғочлигига ишонмайсанми? – раис кулди. – Мана эшитиб кўр.

Раис кўлини мушт қилиб оёғига урди, тўқиллаган овоз чикди. Фолиб индамади, ҳадиксираб, кўлини чўзиб, унинг учи ўткир ёғоч оёғини ушлаб кўрди.

– Ростдан ҳам ёғоч экан, – деди секин.

Ўртоқлари билан раиснинг оёғи тўғрисида кўп баҳслашган, барча болалар бирдай ёғоч оёққа ҳавас билан қарар эди. Чунки бу даврга — Фолиб эсини таниган маҳалга келиб қишлоқ аҳлини раиснинг оёғи чўчитмай кўйган, кўникиб улгурган ва қишлоқнинг ўзлигига айланган эди. Айниқса, раис бўлиб ҳаммага гапи ўта бошлагач, чўлоқлиги бошқалар назарида, фазилатга айланган.

– Мен сени алдайманми? Ёғочдан, ўрислар ясаб берган.

Раис ёш боладай қувноқ кулди, Фолиб ҳам тиржайди.

– Ростакамиси қайда? – Фолиб ўзини кўпдан қийнаб юрган нарсани сўради.

– Урушда қолган, – раис маъюс тортди. – Лекин сен бунақа оёқни орзу қилма, ўзингники зўр. Бу қайрилмайдиам, тўқирлаб, одамга кўп азоб беради.

– Буни оёғи қичишаётган эмиш, – деди уларнинг гапини жимгина тинглаб ўтирган Ойсара момо – Яхшиликкамикин, ишқилиб?

– Оёғингни бир кўрсат-чи.

Раис эҳтиёткорлик билан Фолибнинг устига ёпилган кўкиш тусдаги читни олиб ташлади. Оёғи қон доғлари синган бўз билан боғланган. Бир сесканиб матони қайта ёпди. Унингча Фолиб аллақачон тузалган бўлиши керак эди, бироқ бу даражада ваҳима билан чандиб ташлашганидан тушундики, яра маддалаган.

– Ҳа?! – Ойсара момо раиснинг юзига термилиб турган эди, унда ифода этган ҳайратни кўриб ташвишланди. – Нима бўпти?

– Билмадим, мен табиб бўлмасам... Бир нарса дейиш қийин.

Манноп раис энди боланинг афт-ангорига назар ташлади ва ҳаддан ташқари оқариб озганини пайқади. Ёки кўзига шундай туюлдими, билолмади. Ҳар ҳолда илгари бу болакайга деярли эътибор бермаган, олдин қанақа

бўлганини билмайди. Ҳозирги аҳволи ночор эди. Бўри домидан қутилган бу болани унутганига ҳайратланди. Матлуба хола ва Ризвоннинг ўримга чиқмаганидан ранжиб, уларни далага ҳайдаш ниятида келгани учун ўзидан уялди. Инсон шунақа, бевосита ўзи ҳам, қайғу билан юзма-юз келмагунча унинг даражасини тушунмайди, тушунишни ҳам истамайди.

– Яна бир табибга кўрсатсакмикин, а, момой? – сўради ёнида турган Ойсара момодан. – Мен Қулқишлоққа бориб, табибни олиб келсам нима дейсиз?

– Яхши бўлар эди, – раиснинг ҳамхўрлигидан момо тўлқинланди. – Умрингиздан барака топинг, болам, соғайса, шу болам хизматингизда бўлади.

– Қўйсангизчи, одамлар оғир-енгилига қараб туриш ва оғир кунларида қарашиш бизнинг вазифамиз.

– Матлуба, дастурхонни олиб келмайсанларми, – Ойсара момо раис билан овора бўлиб, дастурхон ёйишмаганига уялди. – Сандиққа қара-чи, туршак бўлса керак, олиб чик, Манноп боламнинг олдига. Ризвон, сен чой қўй.

– Керак эмас, момой, қорним тўқ, ҳозиргина уйдан чой ичиб чиқдим... Бўлмасам мен бориб табиб уйда бўлса, етаклаб келаман. Полвонни бир кўрсатайлик, нима дер экан. Шунга қараб чорасини кўрамиз.

Манноп раиснинг ҳақиқатан бу болакайга раҳми келди. Ўзи ҳам оёқдан яраланиб кўп азоб чеккан эмасми, бу нима эканини билади. Ҳозир шу азоблари ёдига тушиб, бу болага энгил бўлмаётганини англади ва манзират қилиб ўтирмай, омин қилиб амаллаб ўрнидан турди.

– Келин, чойга уринма, – деди у ўчоқ ёнида қорайган чойнак остига ўт ёқишга уринаётган Ризвоннинг ёнидан ўта туриб. Бир-икки одим нари кетиб давом этди. – Ишинг тузукми, ишқилиб? Майли сен ҳозирча ўримга бормасанг ҳам бўлади, Фолиб тузалиб қолсин-чи, кейин кўрамиз.

Раис бунга ўзи кўрсатган катта марҳамат деб ҳисоблади.

Ризвон эса боши гангиб, нима дейишини билмай қолди. Қилган гуноҳи учун худо бошига шу синовни юборганига қаттиқ ишонган ва кеча-ю кундуз тавба қилиб, раиснинг гўрига гишт қалаб ўтирган эди. Агар ўзини бу ишга шу инсон бошламаганида ўғли бу куйга тушмасди. Гоҳ-гоҳида қисман бўлса-да, ўзи ҳам айбдор эканини тан олгиси келарди, бироқ кўнглида уйғонган бу хиёнаткор фикрни зўр бериб рад этади. Ўзини ўзи бегуноҳ, айбсиз эканига ишонтиради. У биладики, агар бу фикрни вақтида бартараф этмаса, гуноҳкор эканига ишонса, кейин ўзини ўзи еб қўяди,

худо кўрсатмасин, ўғлига бир гап бўлса, яшаб кетиши кийин.

Шу хаёллар, ўйлар билан барча айбни раис зиммасига юклаб, уни ўз хаёлида ваҳший инсонга айлантириб қўйган ва дуч келиб қолса, башарасига туфлаб юборишни ниятлаб юрган жувон унинг овозини эшитди-ю, кўнгли ийиб ўзини тутолмади, боласи ҳам ёдидан кўтарилди. Айниқса, чиқиб кетаётганда айтган гапларидан ўзини йўқотди, боши айланиб, ўзини еттинчи осмонда учиб юргандай ҳис қилди. Раиснинг ташрифи билан боласи икки-уч кун ичида соғаядигандай бўлди. Шунга қаттиқ ишонди, чироқ ёқса ёришмай турган кўнгли ойдинлашди.

Раиснинг ташрифи нафақат Ризвонга, балки Ойсара момо билан Матлуба холага ҳам куч бағишлаган эди. Уч ожиза шошиб тайёргарликка киришди. Ризвон ҳовли сурпурди, ҳовуздан сув олиб келди, Матлуба хола хамир қилди, Ойсара момо эса сандиқни очиб, топган-тутганини чиқариб дастурхонга ўради.

Орадан анча вақт ўтиб раис ўз отида, табиб Тўхта бова эса қизил эшакда, дарвоза ёнига келиб, иккаласи ҳам эгардан тушиб, уловларини етаклаб, ичкарига кирди. Анчадан буён одамлар жонлиқни ташқарида қолдиришга чўчиб қолган, бўри олиб кетишидан кўрқади.

– Йигитча тузалдими?

Тўхта бова айвонга чиқиши билан Фолибнинг афти буришди ва чинкириб йиғлаб юборди. Бу инсон тўғрисида фикри яхши эмас, ўшанда ярасига дори қўяман деб кўп азоб берган.

– Тегинманг, ўзи тузалади, – деб бақириб йиғлади Фолиб.
– Тузалган!

– Нимага йиғлайди бу бола?! – Тўхта бовага унинг гапи кор қилармиди. – Кап-катта йигит бўлиб қолибди-ку, ёш болага ўхшаб йиғлаб ўтиргани-чи. Ҳозир очиб бир қараймиз-у боғлаб қўямиз, ҳатто қўлимни ҳам теккизмайман.

Табибнинг тинчлантирувчи гаплари кор қилмади, Фолиб бақириб йиғлашини давом эттирди.

Ризвон чидаб туролмай, ўрнидан туриб, ўчоқ бошига, қайнаб турган гўжага қарагани кетди. Матлуба хола боланинг оёқларини ушлаганча бошини тескари ўгириб, кўзларига ёш олиб ўтирди. Ойсара момо эса Фолибнинг елкасидан босиб турди. Табиб латтани ечиб ярага қаради, қўли билан у ёқ бу ёғини очиб кўрди. Яра йиринглаган, шишиб бораётган эди.

– Менимча, – деди у ярани боғлаб қўйгач, ўрнидан туриб шу ердаги обтовага қўлини ювиб келиб, беморнинг қаршисига тўшалган дастурхон ёнига ўтириб. – Ярага чивин ўтирган, қуртлаган кўринади. Шунга қичишаётган бўлса керак.

«Қуртлаган» деган сўздан Матлуба холанинг капалаги учди.

– Нима, ёмонми бу?

– Йўғ-э, унча ваҳима эмас, – табиб уни тинчлантирди. – Ҳозирча қуртлар катта эмас, шафтолининг баргини юлиб, сувини сиқиб, ярага қўйсангизлар ўтиб кетади.

– Қанча маҳал қўйиш керак? – сўради раис.

– Ҳамма қуртлар ўлиб бўлганича-да. Менимча, икки-уч кунда қолмаса керак.

– Ишқилиб оқибати ёмон бўлмайдими? – бу сафар Ойсара момо сўради.

– Ваҳимали эмас, озроқ йиринглаган, лекин тузалиб кетади. Ортиқча ваҳима қилиш шарт эмас.

Ғолиб тинчиди ва қизарган кўзларини юмиб пиқиллаб ётаверди. Матлуба хола ўрнидан туриб ўчоқ бошига кетди, дастурхон атрофида табиб, раис, Ойсара момо ва тўшақда ётиб олган Ғолибгина қолди. Меҳмонлар овқатланишга киришди. Ризвон сопол лаганга янги ҳосилдан тўйиб қилинган гўжани сузиб келди, табиб энгларини шимариб бешта панжасини ботириб овқатлана бошлади. Манноп раис эса «Олинг, олинг»га қарамай, уч бармоғи билан чимдибгина ошдан олиб ўтирди. Унинг кўнглига овқат сифмаётган эди. Боя табиб Ғолибнинг ярасини очганида кўнгли айниган. Энди бу одам йирингни ушлаган қўли билан бемалол, ўйла-ниб ҳам ўтирмай, овқатланаётганда, кўнгли айниди.

– Ширин бўпти, – деди табиб пишиллаб. – Янги буғдойдан экан-да, а? Ўтган йилги ҳосил қишнинг ўртасига етмай тугаган эди-куя... Раис, нимага олмаяпсиз?

– Сиз олаверинг, мен зрталаб овқатланган эдим, қорним тўқ. – Манноп раис Матлуба хола ёпган иссиқ нондан синдириб кавшаб ўтирган эди. Оғзи тўлиб гапирди. – Нон ширин бўлибди.

Ниҳоят улар турадиган бўлди. Ойсара момо раисни бир чеккага тортиб сўради:

– Табибга нима берай, ука?

– Билмадим, борини берасиз-да, иккита нон, бир-икки кило туршакми, майизми, шунга ўхшаш нарса-да.

– Бўлмаса гаплашиб туринг, мен бирор тугунча қилиб чиқаман.

Ойсара момо орқага қайтди, булар иккиси уловларини етаклаб ташқарига чиқди.

– Бова, бола тузалиб кетадими, ишқилиб? Йиринглагани менга ёқмаяпти-да, урушда бунақа яра босган оёқни кесиб ташлашарди.

– Ҳеч нарса қилмайди, – табиб хотиржам. – Бизнинг иқлимимиз бошқа, қуруқ иссиқ. Тезда тузалиб кетади.

Ойсара момо тугун олиб чиқди ва табиб эшагига миниб жўнаб кетди. Манноп раис ҳам чўлга, ўримчилар ёнига жўнади. Унинг кўнглида барибир ўзи ҳам тушуниб етмаётган хижиллик қолган эди.

– Болам, мана сенга гўжа ош қилдик, – деди Матлуба хола кўзлари қизариб турган Фолибга. – Тур озроқ еб олгин.

– Анави бовалар кетдими? – сўради у.

– Кетди, кетди... Тур, овқатдан еб олгин.

– Егим келмаяпти.

– Ҳар доим «Қорним тўймаяпти, кўппала овқат қилиб беринг», дер эдин-ку, мана қилдик, есанг бўлмайдими. – Ризвон боласига илтижо билан тикилди. Назарида, Фолиб овқатланса, чопқиллаб кетадигандай. Ҳамма нарса шунга — унинг овқат ейишига боғланиб қолгандай.

– Энди егим келмаяпти... Оёғим оғрияпти...

Ризвон боласига қараб йиғлаб юборди. Нимага, ўзи ҳам билмайди. У соғ-омон юрганида ўғлига тўядиган даражада овқат топиб беролмаганига ачинаётган эди.

– Нимага йиғлайсан? – Ойсара момо унга дакки берди. Уларнинг орасидан ола мушук ўтган ва ўша воқеадан буён муносабатлари совуқ эди. – Болани кўрқитяпсан.

Ризвон индамай ўрнидан туриб уйга кириб кетди, жондан азиз фарзандининг азоб чекаётганига индамай, иложсиз, имконсиз қараб туrolмади.

Бир-икки кун табиб айтганини қилиб юришди, бироқ Фолибнинг аҳволи ўзгарай демас, қайтанга тобора оғирлашиб бораётган эди. У бора-бора озиб, муштдеккина бўлиб қолди, фақат оёқларигина шишган. Хонадоннинг уч аёли, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган уч ожизаси нима қилишини билмай, бир-бирига умид ва алам билан термилиб ўтиришибди. Матлуба хола икки марта раисниқига мадад сўраб борди, бироқ тополмади. Унинг ҳам ўз ғами бошидан ошиб ётибди, ҳосилни йиғиштириб олиш ташвиши билан елиб югураяпти. Аллақачон Фолиб деган бола борлиги, у қуролдош ўртоғи ва ўзи орқасидан ўлиб-тирилиб юрган, висолига етишишни орзу қилган аёлнинг фарзанди эканини нутган, ўй-у хаёллари бошқа ташвишлар билан банд.

Ризвон эса фарзанди дарди билан бўлиб қолди. Ўша гуноҳини имкон қадар эсламасликка ҳаракат қилади, ношукур

бўлганидан афсус чекади, бироқ энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди. Бориға кўникиш ва чидаш керак, холос.

Бу хонадонда истиқомат қилаётган ҳар учала ожиза ҳам ўзини ғам-андуҳ тўла хонага қамаб қўйилгандай ҳис қилди. Эртадан кечгача Фолибнинг қош-қовоғига қарайди, кулса, юзларига ёруғлик инади, маънос тортса, диллари хуфтон бўлади. Бироқ нима қилмасинлар, бу ердан кетолмайди, юзага келган вазиятни ўзгартириш ҳам қўлларидан келмайди, жимгина, ташвишга тўлиб, бундан кейин нима бўлишини кутишдан ўзга чора йўқ. Барчалари, айниқса Ризвон бу ердан узоқ-узоқларга бош олиб кетишни истайди. Уларнингча ўзга ерларда бунақа қайғу ва алам йўқ. Дунёнинг бутун дарди фақат бу учаласи бошига тушган. Уларга шундай туюлади.

Аскарларнинг соғ-саломат урушдан қайтаётгани ҳам бу оила аъзолари кўнглига таскин бағишламади. Жаббор қайтгани тўғрисидаги хабар қишлоқ бўйлаб яшин тезлигида тарқалди. Бу суюнчини етказиб келган болага Ойсара момо бир ҳовуч туршак бериб кўзатиб юборди-ю хабарни келинига айтди.

– Матлуба, Жаббор армиядан қайтибди, юр кўриб келамиз, – деди у келинига.

– Боргим келмаяпти, – деди Матлуба хола.

– Бормасак бўлмас, эл-юрт нима дейди. Фолибга Ризвон қараб туради, бирров борамиз-у қайтамиз. Ҳам кўнгил ёзилади, ҳам аскарни кўриб келамиз.

Улар кетди, Ризвон ёлғиз, ўз дарди аламлари билан қолди.

Жаббор урушдан қайтгандан сўнг учинчи куни, кечга яқин қишлоқ юқорисидан аёлнинг қаттиқ чинқириви эшитилди. Овозни дастлаб Ризвон эшитди ва супа пастада райҳон остини юмшатаётган қайнонаси ёнига югуриб борди.

– Хола, эшитдингизми, биров бақирди.

Матлуба хола ўз иши билан бўлиб англамаган экан, ҳушёр тортди.

– Яна бўри оралаган бўлса керак. Бориб Фолибни уйга олиб кир, келиб қолмасин.

Қишлоқ аҳли хавотир комида қолган. Фолибдан кейин, ярим кечаси бўри яна иккита болани тишлаган эди. Бирининг боши, иккинчисини жағидан. Бироқ иккаласини ҳам олиб кетолмаган. Катталар уйғониб ҳай-ҳайлаб ҳайдаб юборган.

Ризвон Фолибни кўндаланг уйга олиб кириб кетгач Ойсара момо нима воқеа бўлганини билиш учун кўчага чиқди.

Ёшани яшаб, ошини ошаган эмасми, бўрилардан кўрқмайди.

Момо анчагача йўқ бўлиб кетди ва ниҳоят ошуфталик билан, шошиб, лапанглаб келди.

– Келин, Иқболни бўри тишлаганга ўхшайди, қонга беланиб ётибди... – ва уйга кириб ёпинчигини ёпиб чиқди. – Мен шуларникида бўламан. Сизлар зийрак, у ёқ-бу ёққа қараб турунглар.

Бўрининг дараги Ризвонни чўчитди, рангида ранг қолмади. Ўзи бу махлуққа бевосита дуч келгани йўқ ва қанақа бўлишини ҳам аниқ-тиниқ билмайди. Бироқ одамларнинг гапидан, ўглининг аҳволдан баҳайбат ва ваҳший бўлишини тасаввур қилади. Биргина «бўри» деган сўзнинг ўзида-ноқ юраги қалтираб, ранглари оқариб кетаверади, келажакка ишончи сўнади.

Матлуба хола ҳам шу ерда қолди.

– Эна, – деди Фолиб кўрқинч тўла нигоҳини Ризвонга қадаб. – Эшикни қаттиқ ёпинг, бўри келса мени олиб кетади. У мени излаб юрган бўлса керак... Унинг тишлари жуда ўткир...

– Мен борман-ку Фолиб, нимадан кўрқасан? – Ризвон эшикни ёпиб, ўғли ёнига келди ва бошини силади. – Ташқарида катэнанг ҳам бор. Келса бир уриб ўлдираман. Бўри биздан кўрқади.

– У сиздан кўрқмайди, эна! – Фолиб атрофга аланглади.

Эртаси куни Иқбол холани келини пичоқлаб ташлагани маълум бўлди, лекин барибир одамлар дилига ўрнашган бўридан кўрқиш туйғуси барҳам топмади.

Иқбол холанинг еттибидан қайтиб келган Ойсара момо зварасининг аҳволи оғирлашганини кўрди.

– Кўзингни оч, болам, – деди момо ёпинчиги енгига қўл тикиб, бир сиқим қанд-курс чиқариб зварасининг қўлчаларига тутқазди. – Мен сенга обакидандон билан парварда олиб келдим. Буларни яхши кўрар эдинг-ку, болам.

Обакидандон ва парварда деса ўзини томдан ташлашга тайёр болага энди буларнинг қизиғи йўқ. Момоси қўлига тутқазган нарсаларга қарамади ҳам, бармоқларини озроқ сиқиб турди-ю кейин муштини очиб юборди ва қўлидаги нарсалар шолча устига думалади.

Ҳаётнинг нималигини ҳам тушуниб етмайдиган, тириклик нима, ўлим нима — маъни-моҳиятига тушунмайдиган бу болакай ҳаёт учун курашётган, ўлим билан рўбару турган эди.

Сахарлаб, таҳорат қилиш учун ўрнидан туришга эринаётган Ойсара момо Ризвоннинг таҳликали овозидан чўчиб тушди:

– Менга қара, Голиб!!! Момо, бу нимага қимирламаяпти?!

Кўзини ишқалаб, тўрроқда бола учун солинган жой ёнига эмаклаб келган Ойсара момо зварасининг нурсиз кўзлари қуруқшаб, танаси совиб қолганини пайқади.

* * *

Нигора тўйдан сўнг беш-ўн кун янги ҳаётга кўниколмади. Дастлаб бу хонадонда барча нарсалар — катта олапар кучук, ўндан ортиқ кўю эчки, битта сигир, куёвнинг фарзандлари-ю унинг ўзи кўзига ваҳший ва ёввойи бўлиб кўринди. Улар билан муомала қилишни ҳам, гаплашишни ҳам истамади. Бу хонадонда ҳамма унга қарши, бу ерга уни хўрлаш ва таҳқирлаш учун олиб келишгандай эди гўё. Бирок тез орада қарашлари ўзгарди.

Куёв, айримларнинг айтганидан ва ўзи тасаввур қилганидан фарқли ўлароқ унча қари эмас экан, айниқса соқолини қирдиргач, кўримли экани маълум бўлди. Юзига бироз ажин тушган, оғир меҳнат қаддини буккан. Бирок барибир Нигора хаёл қилганидай — мункиллаб қолган чол эмас экан.

Тўйдан сўнг орадан беш-ўн кун ўтиб Нигора бу инсонни ёқтириб қолди. Кўзига салобатли, босиқ ва вазмин кўринди. У Нигора кутганидан ортиқ меҳрибон экан. Айниқса, келинни хафа қилиб қўйишдан чўчийди, кун бўйи атрофида парвона, бировнинг ортиқча гап-сўз қилишига қўймайди ва ҳар икки гапининг бирида «Биров ранжитса ёки ортиқча бирор нарса деса менга айт, танобини тортиб қўяман», дейди.

Унинг раҳмдиллиги Нигорага отасини эслатди. Мана, қанча вақтдан буён ҳеч ким уни бунчалар эркататмаган, ёнини олмаган. Отаси урушга кетгач, ёнида суянчиқни ҳис қилмаган эди. Энди турмушга чиқиб, шу туйғуни туйди ва бу уни руҳлантирди, кўнглини очди.

Куёвнинг исми Рўзи ака бўлиб, олдинги хотинидан олти нафар фарзанди бор, катта ўғли урушда ўлган, ундан кейингиси ҳозир ўша ёқда экан, тўрттаси уйида. Шулардан учтаси қиз, улар эс-хушини таниб қолган. Фақат биттаси кенжа ўғил ҳали ёш, энди иккига кираяпти. Дунёнинг маъни-моҳиятини тушунмайди, уйларига келин келганидан хурсанд.

Рўзи аканинг қолган фарзандлари ҳам олдинига келиндан бегонасираб турди, гап-сўз қўшишмади. Орадан тўрт-беш

кун ўтиб, совуқчилик биров кўтарилди. Улар аялари ўрнига келаётган жувонни эркашода ва бесўнақай, деб тасаввур қилган, келган куниёқ қўлига косов олиб калтаклайди деб хаёл қилишган. Оталарига тегаётган бу аёл эрсираган, кўпол бўлиши керак эди. Бироқ адашишган экан, келин уларни хайратга соларли даражада босиқ, уятчан, гўзал ва ёш бўлиб чиқди.

Барчадан бурун икки яшарлик йигитча — Шавкат янги ая ёнига кириб олди. Унга ялтур-юлтир қилаётган, шилдироқларни тақиб олган, чиройли кийинган келин қизиқ туюлган эди, жозибаси ўзига тортди. Тўй ўтгач, учинчи куни Нигора бир ўзи уйда ёлғиз, дардини бировга айтолмай зерикиб ўтирганда жажжи Шавкат кириб келди. Улар бунга қадар бир-икки бирга овқатланишган, бироқ тузукроқ гаплашишмаган.

Зериккан Нигоранинг кўзига Шавкат ширин кўринди, қўлчаларидан ушлаб ёнига тортди. Иккаласи анча гаплашиб ўтирди. Нигора болакайга тўйдан қолган қанд-қурслардан берди.

Шу билан у кечгача тўрт-беш даъфа хонага кириб чиқди. Кенжатоё эмин-эркин янги ая ёнига бораётганига қолганларнинг ҳам ичи кўйди. Бирин-кетин, ҳадиксираб бўй кўрсатишди. Уларни келиннинг қанақа одам экани қизиқтираяпти.

Нигора ҳали эрининг болаларини қандай чақиришни билмайди. Қонун-қоидага кўра янги келин хонадондаги ҳеч кимнинг исмини айтиши мумкин эмас, барчага «сиз»лаб мурожаат қилиши лозим. Бироқ бунда Нигоранинг хонадонга нафақат келин бўлиб тушгани, балки етим болаларни аяси ҳам экани тушунарси эди.

– Сен буларнинг исмини айтиб, «сен»лайвер, – деди шу куни кечга яқин Рўзи ака.

Рўзи аканинг катта қизи Нигора билан тенг экан. Фақат шу қизгина анча бегонасиради. Лекин охир-оқибатда у ҳам чиқишиб кетди. Дугонадай бўлиб кетишди ва тез кунларда Нигора қадрдон аялари ўрнига тушгани ҳам унут бўлди.

Фақат Рўзи аканинг кичик фарзандлари Нигорани «ая» деб эмас, «бийи», деб чақиради. Чунки улар учун «ая» бошқа инсон эди. Катта фарзандлари эса ҳалигача уни нима деб аташни билмас, ҳеч нарса демай, имкон қадар унга тўғридан тўғри мурожаат қилмай юришар эди.

Ёзининг ўрталарига келиб Нигора янги ҳаётга кўникканида эри кўзига оловдай кўриниб қолди. Ниҳоят, аслида бахт деганлари шу бўлса керак, деган хаёлга борди. Эрининг

ёши ўтгани кўнгли тубида оғир тошдай бўлиб туради-ку, лекин кўпчилик аёллар шунга ҳам зорлигини ўйлаб кўнгли таскин топади.

Нигора ёзининг иссиқ кунни тушлик уйқусидан уйғонди ва кўчада шариллаб оқаётган булоқ сувидан бир челақ олиб келиб, хамир қилиб, қотирма пиширишга тайёрланиб турганда пастақкина тош девор оша таниш овоз эшитилди:

– Рўзи ака, ҳов Рўзи ака!

Нигорага бу бироз ташвишли ва бўғиқ овоз қадрдон туюлди, бироқ илгари қаерда эшитганини эслолмади.

– Ким? – деди сурпаннинг олдидан туриб.

Рўзи ака қўйларини қирга ҳайдагани, фарзандлари, ҳовли тўрида хас ўраётгани учун уйда ҳеч ким йўқ эди.

– Рўзи ака қайдалар? Мен Гултепаданман.

– У киши қирга кетганлар. Ким бўласиз?

– Маматқулман!

– Маматқул?! – Нигоранинг юраги хапқирди. У урушдан қайтганини эшитган, бироқ ўзини кўрмаган эди. – Маматқул ака?

Нигора шошди, довдираб оёғидаги калиши учиб кетай, деб кўчага чолиб чикди:

– Келинг!

Маматқул отда келган экан, у айланиб чиққунча, пастга тушиб юганни қўлида тутиб турар эди. Эгнидаги ҳарбийча кийим, оёғидаги этик салобатли қилиб кўрсатар экан.

– Нигора, яхшимисан?

Маматқулнинг юзида ташвиш аломатларини кўриб, унга икки одим қолганда таққа тўхтади:

– Тинчликми?

– Қандайсан? – Маматқул келиб у билан кўришди. – Сени бир кўриб кетай деб келдим.

– Шунчаки ўзингиз келмагандирсиз? – Нигоранинг юрагига инган кўрқув баттар қуюқлашиб бормоқда.

– Иқбол хола бетоб бўлиб қолибдилар, шунга сени олиб келишимни тайинлашди.

– Энамга нима қилипти?

– Ҳеч нарса, озроқ тоби қочибди...

– Ҳозир боришим керакми? – Нигора онасига нимадир бўлганини англади, бироқ бу ҳақда ортиқча сўрашга кўрқди.

– Ҳозир.

– Озроқ кутиб турунг бўлмаса.

Нигора шошиб орқасига қайтди ва ҳовли тўрига, ўғай фарзандлари ёнига борди.

– Қизлар, – деди у уларга, – знамга нимадир бўлган шекилли, орқамдан одам келибди. Қайсингиз мен билан борасиз?

– Дадам келсин, кейин борарсиз, – деди катта қиз.

– Жуда хавотир олаяпман, тез боришим керак экан, дадангизни кутиб туролмайман... Бирорталарингиз юринг.

– Биз боролмаймиз, дадам уришадилар, – катта қиз норози бўлди.

– Гултепани томоша қилдириб келар эдим...

– Мен борсам майлими? – ўртанча қиз — ёши саккиздан энди ошаётган Умида томошани эшитиб шошди.

– Бўлади, нимага бўлмас экан, юр, уйдан кийиниб чиқ, ҳозир кетамиз.

– Умид! – ўдағайлади катта қиз. – Дадам келса сени ўлдиради.

– Бийим айтаяптилар-ку.

Умида опасининг гапига эътибор бермай чопқиллаб уйга югурди. Нигора «Дадангиз келсалар, мени қишлоққа чақириб кетишганини айтиб қўйинг», деб унга эргашди, қизларга тушунтириб ўтирадиган пайт эмас.

Улар кийиниб чиққунларича Маматқул ариқ бўйида кутиб турди.

Учаласи Гултепагача жим кетишди. Анчайин маҳмадона Умида ҳам нотаниш, ҳарбий кийимлини кўриб кўрқиб қолган. Маматқул Умидага отга минишни таклиф қилган эди, рози бўлмади, улар бийиси иккаласи пиёда, Маматқул отда эди.

Йўлда Маматқул бир мартагина орага тушган совуқ сукунатни бузди:

– Тўй ҳам бўлибсан? Куёв тузукми, ишқилиб?

Шу гапдан кейин Умида ялт этиб унга қараган эди, тилини тишлаб қолди.

– Яхши, – деди Нигора ва нафаси тикилди.

– Нормурод ака билан бирга кетган эдингиз, а? – сўради Нигора қишлоққа яқин қолишганларида. бироз сукут сақлаб қўшиб қўйди. – Шунчаки эсимга тушди.

– Йўқ, мен сал олдин борганман.

– У киши ҳам қайтиб қолсалар керак?

– Билмадим...

Ўртада шундан ўзга гап-сўз бўлмади. Нигора онасига нима бўлгани тўғрисида умуман сўрамади, у англаб турган эдики, қандайдир хунук воқеа рўй берган, лекин уни билишни истамади, юраги дош бермаслигидан кўрқди. Назарида, билмаса, сўрамаса, ўша воқеа йўқ бўлиб

кетадигандай ва у агар онаси билан нимадир содир этилган бўлса, ўзини қандай тутишни ҳам билмас эди. Ҳаммасини уйда кўрмоқчи, аниқламоқчи ва эшитмоқчи бўлди. Бирор нарсани билиб қийналгандан, номаълумлик олдидаги хавотирни афзал кўрди.

Уйда эса ўзи ўйлаган, хаёл қилган ва кутганидан ҳам даҳшатлироқ воқеа юз берган эди.

Узоқдан уйлари кўрингани ҳаманоқ дарвоза ёнида, тупроқ кўчада чоллар ва ёш болалар йиғилгани, кўпчилиги кун иссиқлигига қарамай тўн кийиб, белини боғлаб олганини кўриб, юрагидан бир нарса узилгандай бўлди.

– Ким? – сўради ранги оқарган, оёқ-қўлларидан жонсиз холда.

– Энанг... – Маматқул унинг кўзига қарамади. – Пешонада бори шу экан-да, нима қиламиз энди.

Нигора бошидаги сурпдан тайёрланган оқ ёпинчигини кўлига олиб ҳаллослаб югурди. Анча нарига борганида дўпписи ва рўмоли тупроқ кўчага тушиб қолди, Нигора тўхтаб уларни ердан кўтармоқчи бўлди-ю яна нимадир ёдига тушгандай бурилиб, чопишда давом этди. Маматқулнинг ёнида турган Умида эса бир бийисига, бир Маматқулга қараб нима қиларини билмай гангиди, ранги оқарди ва хўнграб йиғлаб юборди. Бегона юртда, ёт инсонлар орасида ёлғизланиб қолганидан чўчиётган эди.

– Бийи, мени ташлаб кетманг!

Умида ҳам Нигоранинг ортидан чолди ва бийисини тупроқда ётган дўпписи, рўмолини олиб яна югуришда давом этди.

– Эй, қизча, сен у ёққа борма, шошмай тур!

Маматқул унинг орқасидан бақириб қолаверди, бироқ қизалоқ қайрилиб ҳам қарамади. Бу ерда у учун ягона ишонгани, қадрдони Нигора эди, холос.

Нигора дарвозага етиб баногоҳ тўхтади, орқасидан «бийи», деб югуриб келаётган қизчага қаради ва нима қилишини билмай каловланди, ҳовли остонасида туриб ўзини ғалати ҳис қилди. Ичкарида онаси — ўзини боқиб катта қилган, ўстирган инсон ўлиб ётибди. Ташқарида эса ўзи учун умуман ёт қизалоқ... Ичкарида қанчалар қадрдон бўлмасин, барибир ўтмиш... ташқарида эса ҳозирча бегона келажак, эртанги кун.

Нигора шу ерда йиғилган одамларни ҳайратга солганча, чўк тушиб кучоғини очди ва йиғлаб чопаётган қизчанинг етиб келишини кутиб турди. Умида унинг бағрига ўзини отди, иккаласи бир-бирини кучоқлаб анча вақт гап-сўзсиз

хўнграб йиглаб турди. Нигора қизи нима учун йиглаётганини тушунди, бироқ Умида кап-катта бийиси нега кўз ёш қилаётганини англамади.

– Бийи, бегона одамлар орасида нима қиламиз? Юринг, уйимизга кетайлик! – Умида кўзида ёш билан ялинди.

Нигоранинг кўнгли бўшади, ахир бу қиз унга кўпам ишонвермас, бегонасираб турар эди, ҳозир эса қадрдонидай орқасидан йиглаб югураяпти. Эслаб кўрса, ҳали ҳеч ким ўзига шунчалар ишонмаган, энг сўнгги умидидай орқасидан йиглаб чопмаган. Ўзи ҳам ҳозир онасининг орқасидан овози борича дод солиб чопгиси, қучиб «Бу ерлардан кетайлик, ана», дегиси келаяпти. Бироқ Умидадан фарқли ўлароқ у эсини таниган, ҳаётнинг маъни-моҳиятини тушунади, бу матлаби ушалмас эканини билади. Қанча бақирмасин, энди онаси эшитмаслиги, қанча югурмасин, орқасига қайрилиб қарамаслигини билади. Умидани бағрига қаттиқ босди ва ўзини унинг ўрнида тасаввур қилди. Шу ёш қизалоқ ҳам онасидан айрилган, онасизлик нималигини ўзидан-да яхшироқ билади.

– Қизим, менинг жон қизим, – деди у юзини Умиданинг юзига босиб, – кетамиз, албатта кетамиз...

Нигора шу сўзларни айта туриб, бир-икки ой илгари ўзи ҳам жажжи қизалоқ бўлгани, онаси эркалаганини эслади, юраги ўртанди. Умидани даст кўтариб, ичкарига кирди.

Кўни-қўшнилар Иқбол холани ювиб, тараб эпқага келтириб қўйган эди. Нигора кирганида жасад кўндаланг уй тўрида, кўрпачада, устига чит ёпилган, оппоқ юзлари очиқ ҳолда ётарди. Ухлаётганга ўхшайди — кўзлари юмуқ, юзида хотиржамлик, фақат оқ мато билан чандиб боғланган ияги, заҳил юзи, боши атрофига ташлаб қўйилган райҳон ва ялпизларгина у ухламаётганини уқтираётгандай.

Нигора эшикдан кирди-ю дод солиб, ўзини онасининг устига ташлади, қўллари билан юзини силади ва энди бу инсон олдингидай иссиқ, ёқимли эмаслигини сезиб аъзойи баданидан совуқ тер чиқди. Тана совиб бормоқда. Нигора онасини қучоқлаганда тана ғалати тарзда қимирлаганини ҳис этди ва эти жимирлади. Шу ётган инсон, тана энди ўзи учун бегоналиги, ундан қолган ягона нарса хотираларгина эканини тушунди.

Нигора шу ҳолда туриб Марзия опасини пайқади. Унинг бўйнига ўзини отиб қучоқлашиб, йиғлади.

Нигора опаси Марзия каби аслида нима воқеа юз берганини кечаси, эҳтирослар бироз сўниб сўраб-суриштириб билди. Воқеани Бону момо ҳикоя қилиб берди.

Бу аксар йиғилганлар учун янгилик эди. Қоронғи тунда, мелиса олиб кетгани тўғрисидаги гапларга ишонмай, Насимани қидирдилар, дараги йўқ. Нигора зир югуриб қўлига фонусни олиб, Мурод аканинг уйига тўрт-беш бориб келди, жанжал кўтарди, бироқ Насимани топиб бўлмади. Мурод аканинг уйидагилари бу гап-сўзга ишонмай, ҳадик-сираб ўтиришибди.

Нигора онасининг аҳволига ачиниб, қўлидан бирор чора келмаслигини англаб, куйиниб, ҳурмат ва ҳавас қилган янгаси — Насимани ўлдириб қўйгиси келди. Бевозор янгаси бу ишга қандай қўл урганани тушунолмади. Унинг калта-фаҳмлиги, бир инсонни ўлдирса, қайта тирилтириб бўлмаслиги, бу иш бир умрга тузатиб бўлмас хато бўлишини тушунмаганидан ҳайратланди. Шунчалар мунис, меҳрибон, шунчалар хокисор ва азиз инсонни нега шу қўйга солди? Бунга қандай қўли борди? Ахир тирик инсонни, ўз оёғи билан юрган, кулиб, гапириб, ташвиш чекиб юрган одамни қай мантиқ, қай асос билан мана шундай — қўзғалмас, жонсиз, ҳиссиз, совуқ танага айлантириш мумкин?

Нигора кўп нарсаларни тушунмади, ҳайратланди. Ҳали мурдани кўрмаган ва умрида илк бор дуч келадиган жасад — онасиники бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Қишлоқ кексалари қанча ҳаракат қилишмасин, дафнни шу куни ўтказишнинг имкони бўлмади. Нигора кеч келган эди, гўрков топиб гўрни тайёр қилгунларича қуёш ботди. Қишлоқда эркак йўқ, гўрни ҳам уч-тўрт чол амаллаб қазиди.

Маросим эртага қолди.

Дафндан сўнг ёш болалар, чоллар жасадни қабрга қўйиб қайтгач, бир кампир чеккада нима қиларини билмай хўнграб ўтирган Нигоранинг енгини тортди:

— Қизим, — деди у секин. — Сени эринг сўраётган экан. Залдорининг остида, дейишди.

— Қанақа эр, момо? — Нигоранинг кўнглига бунақа гаплар сиғмас эди. — Энам ўлиб кетди-ку!

— Бор, болам. Олдига бор. Эр бўлгандан кейин яхши-ёмон кунингда ёнингда туради-да.

Кампир нари кетди.

Нигора имиллаб бошига ёпинчиқни илиб, ўрик дарахти томон юрди. Тарвақайлаган қари дарахт остида эғнидаги ҳалпиллаб турган беқасам чопони белини адрас белбоғ билан боғлаган, бироз чўкиб қолган эри бесаранжом турарди. Тўй куни шу чопонда эди — Нигоранинг хаёлига келган илк ўй шу бўлди ва ўшанда қанчалар бахтли бўлганини тушунди, қалбини армон чулғади, юраги тўлиб кўзига ёш

қўйилди. Ўшанда онаси бор эди... Не умидлар билан, армон билан йиглаб-сиқтаб қузатган эди...

– Яхши бўмапти... – деди Рўзи ака каловланиб. У ҳанузгача хотинидан бегонасирайди. – Бандалик, энди...

– Умидаям шу ерда, – деди Нигора нима дейишини билмай. – Кеча ҳамроҳ бўлсин деб олиб келган эдим, бекор қилган эканман, қўрқди.

– Кўрдим, – деди Рўзи ака. – Ҳозир бирров уйга бориб, опаларига ташлаб келаман... Бирорта қўй ҳам олиб келарман, кечга одамлар келади... Эртага худойи қиламиз, шўрвага...

– Керак эмасдир... – Нигора бу гапни инкор маъносида эмас, миннатдорчилик тарзида айтди.

– Майли, ҳеч нарса эмас... – Бу Рўзи аканинг «арзимаиди» дегани эди. – Битта-яримта қўй нима бўпти.

Рўзи ака ночор инсонга беҳбудлик қилаётганидан ўзини анча бахтли ҳис қилди, кўнгли тўлди. Нигоранинг кўзига эри дунёдаги энг меҳрибон, раҳмдил инсон бўлиб кўринди.

– Сизларниям овора қилдим... – Нигора хижолат чекди.

– Овораси бор эканми? Бу кун барчанинг бошида бор...

– Рўзи ака бундай вазиятда айтиладиган яна аллақандай ақлли гапларни қилмоқчи эди, ўйлаб тополмади.

– Мен беш-ўн кун шу ерда бўламан энди...

– Ҳа, исларни ўтказиш керак... Мен ҳам худойи ўтганча бўламан, кейин маъракаларда келиб тураман, ёлғизлатиб қўймайман... Бўлмаса сен бориб Умидани айтиб юбор, уйга олиб кетаман.

Нигора орқасига қайтди. Кўнглида бу дард олдида ёлғиз эмаслигини ҳис қилиб қониқишга ўхшаш бир туйғу уйғонди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Очун нега бунчалар бетартиб ва раҳмсиз экан, а? Унинг чалкашлиги, шафқатсизлигидан лолман. Махамат ака билан Турди аканинг оғайнилиги сабабининг охирига етолмаяпман. Бу нафақат менинг, балки бутун қишлоқнинг бош-оғриғига айланган. Мантиқан қараганда ва назарий жиҳатдан ҳисоблаганда бу уларни тобора яқинлаштириши, бир-бири билан апоқ-чапоқ қилиши керак эди. Бироқ ҳаётда бундай бўлмади. Турди ака газабланди, Махамат ака калтак еб касалхонага ётиб олди. Жиноят иши қўзғатилди. Мелисабозлик бошланди... ўргилдим бунақа оғайничилиқдан...

Нурбек билан Дилфузанинг муҳаббати эса тушунарсиз ва мавҳум. Ота-оналар судлашиб турганда қанақа муҳаббат, қанақа ишқ? Ҳар ҳолда булар Фарҳод-у Ширин, Лайли-ю Мажнун эмас, оддий қишлоқнинг оддий болалари. Бу ерда муҳаббат ҳеч қачон ахлоқ, анъана ва номусдан устун турмаган. Бу менинг фикрим, албатта, лекин асосим бор. Ҳали дунё миқёсидаги бирор муҳаббат қиссаси шу қишлоқда бўлиб ўтмагани, туғилаётган ҳар қандай севги эҳтирослари ё киз эрга тегиб ёки йигит бошқага уйланиб барҳам топиб кетаётгани гапимнинг яққол исботи.

Тез орада ўша куни жанжалнинг бошида турганларни мелисахонага кунда-кунаро қақира бошлашдики, бу қишлоқнинг ўз-ўзидан иккига бўлинишига сабаб бўлди. Бири Турди аканинг ёнини олди, бошқаси Махамат аканинг. Ҳар ким мелисахонага ўз тарафидаги гувоҳларни судраб боради.

Отам кечки овқат олдидаги гап-сўзларда бу жанжалга гувоҳ бўлиб қолмаганига минг шукр қилиб, бизларга гап уқтиради:

– Машмашадан қандай қуруқ чиқишни мендан ўрганинлар... ана, ўша куни жанжалга аралашганимда қўшни сифатида Махамат аканинг ёнини олишим керак бўларди, бу Турдига ёқмаслиги аниқ. Икки ўртада туппа тузук жўрадан душманга айланарди. Қўшнининг ёнини олмасам ҳам бўлмайди, ҳар ҳолда яхшими, ёмонми йигирма йиллик ҳамсоямиз...

Тўғриси, отам қандай ақлли иш тутганини тушунмайман, бироқ гапларига оғзимни очиб, маҳлиё бўлиб ўтираман.

Барибир, отам қанчалар мақтанмасин, бир куни уйимизга Махамат аканинг жияни — Бегмат кириб келди. У Санчиқул қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилади, адашмасам, математикадан дарс беради.

– Бегмат, ке, – деди отам эски тахта каравотдан тушиб, унга пешвоз чиқар экан. – Тоғангни кўриб келаяпсанми? Соғайиб қолибдими, ишқилиб? Тунов куни бир ўтувдим, анча тузалгандай кўринди...

– Тузук, тузалаптилар...

Бегмат келиб каравотга ўтирди ва кўлини фотиҳага очиб, отамга «ўқинг», деганча им қокди.

Отам калтароқ дуо ўқиди.

Икки ўртада қисқа ҳол-аҳвол сўраш бўлиб ўтди.

– Менинг келганим... – дея чайналиб мақсадга ўтди Бегмат, – ўзингиз биласиз, анови паразит Турди тоғамни қаттиқ урган, давлат домангир бўлиб «қамайман», деб турибди... Шунга сизнинг ҳам мелисага бориб, икки оғиз гап айтишингизни сўрашяпти.

– Майли, майли, – отам ўзидан нимани кутишаётганини тушунмади, чамамда.

– Раҳмат! Ўзимам билар эдим, йўқ демаслигингизни. Жуда қадрдон кўшнисизлар-да.

– Нимага йўқ дейман? – отамнинг капалаги учиб дами чиққан пуфақдай бўшашди. Энди гапнинг маънисини фаҳмлаб етган эди. – Кўрган-билганимни айтаман-да.

– Тўғри, – деди Бегмат, – кўрганингизни айтасиз... Турдининг акамни қандай урганини, сўкканини...

– Их-хим... – отамнинг томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. – Энди ука, мен худойлигимни айтаман, унақа жанжални кўрганим йўқ, манави галварслар... – отам менга кўрсаткич бармоғини ниқтади, – картошка экиш учун жўяк ол десам, футболга жўнаган экан, шуларнинг орқасидан қидириб кетиб эдим...

Бегмат ўйланди. Ичида гап танлаётгани юзида ифодаланди. Нима дейишни ўзича пишитиб келган-у отам кутилмаган гап айтиб қўйди, чамамда.

– Энди, ака, барибир бўлган нарса-ку... Тоғамни пишкак билан ургани аниқ, буни ҳеч ким рад қилолмайди, ҳеч бўлмаса шундай-шундай, бошига урган, деб қўйсангиз бўлди.

– Кўрганим йўқ-да урганини... – отам чайналди.

– Кўрмаган бўлсангиз ҳам урган-ку, тўғрими?

– Ургандир...

– Шуни айтинг-да, ахир.

– Кўрмаганман-ку!

Гап яна бошланган жойига қайтиб Бегмат қизарди. Отамга тўртинчи синфнинг иккичи боласига қарагандай гезариб боқди. Буни билганимки, ўқитувчиларни кўп

кузатаман, ҳайсидир бола ҳеч нарсани билмай, бир тоғдан, бир боғдан келаверса мана шундай кўзлари олайиб, лаблари қалтираб, қўллар ўз-ўзидан кўтарилиб кетаверади. Шунда меров болани бошига бир шапалоқ туширидан ҳеч ким қўтариб қололмайди (билганим-ки бўлажак педагогман, касбнинг нозик жиҳатларини ўрганаёпман). Бироқ ҳозир вазият ўзгача ва Бегмат қанчалар истамасин, барибир отамнинг юзига шапалоқ тортиб юборолмайди. Шу сабаб лаби гезариб, у ён-бу ёнга олайиб қаради, холос. Отам тушунмаётганидан, ўзини соддага олаётганидан асаблари ўйнаётган эди.

– Сиз тушунмадингиз, – деди у ўзини босишга ҳаракат қилиб. – Терговчига бориб шундай, шундай, пишкак билан урган дейсиз, тамом-вассалом. Кўни-қўшничилик ҳурматиам бор-ку ўртада.

– Терговчига бор гапни айтган эдим, – отамнинг қайсарлиги тутмоқда. – Яхшими, ёмонми, ҳар ҳолда Турди ҳам қишлоқдош, гаштакчи жўрам бўлади, қишлоқ билан, гаштакниям ҳурмати ўртага тушаётган бўлса мен нима қилай?!

Отам шу гапни айтмаслиги керак эди. Бегматнинг жаҳли чиқди, юзи қизарди.

– Майли, – деди у ўрнидан туришга ҳаракат қилиб, қўллари қалтиради. – Сизсиз ҳам бир амаллаб ҳақиқатни рўёбга чиқариб олармиз... Лекин одамларимизда инсоф қолмабди, Шодикул билан Нормат ҳам терговга бориб, «Ким-кимни урганини ўз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ», деб туриб олди. Терговчи бор айбни тоғамга ағдариб ўтирибди. Эмишки, Турди совчиликка келган, тоғам уни уриб ҳайдаган, у ўзини шу ерда турган пишкакни олиб ҳимоя қилган эмиш... Шуям гап бўлдими энди. Терговчи «Пишкакни уйдан кўтариб келганда эди, айбини запроста бўйнига кўярдим», дейди. Алқисса, ҳаммаси чалкашди. Тергов ҳам боши берк кўчага кириб қолди. Сиз бориб бир оғиз «урди», десангиз, олам гулистон эди.

– Бутун бошли тергов менинг гапимга қараб қолмагандир... – отам тараддудланди. Меҳмонни ранжитиб қўйганидан хижолат бўлди. – Шу гап билан оламнинг гулистон бўлиб кетишига кўзим етмай турибди-да.

– Анави ярамас гаштакчи жўрангиз «Мен урганим йўқ, билмайман», деб туриб олган. «Олдига совчиликка борган эдим, жанжал бошлади, ўзимни ҳимоя қилдим», эмиш. Гапни қаранг, одам деганлари ҳам шунчалар қасамхўр бўладими? Шунга сиз бир оғиз келди, урди

десангиз, бизники босиб кетади, бир оғиз гап етмай турибди, бир оғиз...

Отам икки ўртада қолганини англаб бўшашди. Бир томонда кўшни, бир ёқда жўраси. Аниқ бир гуруҳ томонга босиш керак. Бетараф қолиш оғир. Ҳар икки ёқнинг душманига айланиши мумкин.

Отам ноилож «Ўйлаб кўраман», деб Бегматни кузатиб юборди. У чиқиб кетгач, «Бу знаси қисирлар тинч қўймайди, чамамда... Мард бўлиб урушган бўлсанг, энди бу ёғини ҳам ўзинг тинчит-да, ярамас!» деб сўқинди.

Эрталаб отамнинг кечаси ухлолмай чиққанига гувоҳ бўлдим, кўзлари қизариб, қовоқлари шишган.

– Энди бу ишни бир ёқли қилмагунча тинчлик бўлмайди, чамамда. Буларнинг жанжалини тезроқ ҳал қилмасак, ҳали кўп одамларнинг уйи бузилиб кетадиганга ўхшайди. Мен бориб қишлоқнинг бир-икки оғзига кучи етадиганларини тўплаб, жанжални босди-босди қилиш чорасини кўраман. Унда бир Теша мелисага тушиб, Ражаббой мелиса билан узоқ қариндош чиқиб қолган эди, ўшанинг олдига бориб терговчининг тилини топишни маслаҳатлашаман.

Отам нонушта чоғида шу гапларни хавотир билан айтиб, эски калишини оёққа илдилар-у кўчага чиқиб кетдилар. Ўшанда орқасидан бориб, бу қанақа «чоралар» эканини кўрмоқчи бўлдим-ку, бироқ отамнинг важоҳатидан кўрқдим. Кеча ҳовли ичидаги ариқларни тозалаган эдим, бугун кўча деворимиз ташқарисидаги ариқни кавлаб қўйишни тайинлаганлар. «Керак бўлса шу ариқдан сув ичадиганлар қазласин», деган эътирозимни отам газаб билан қарши олгани учун ортиқча гап-сўзга чўчиб турибман.

Отам кетгач бир қўлга кетмон, иккинчисига белкурак олиб, кўчага чиқдим. Бу ишдан кўрққаним — ҳаммаёқни ажриқ босган, ўла қолса узиб олиб бўлмайди. Олдимда анча оғир ва машаққатли иш турар эди. Бу ерда ишлашнинг ягона яхши томони — кўча-кўйдан ўтганларни кўриб зерикмайсан. Тўрт-беш қария ўз маслаҳатлари-ю болалик хотиралари билан жонга текканини ҳисобга олмаганда, ҳеч ким халақит бермайди. Бу ариқ кўча ва бизнинг ҳовли деворимиз билан параллел ўтган, кўп йиллардан буён тузук-қуруқ кавланмаганидан чим босиб, деярли тўлган. Сал кўпроқ сув келса, паҳса деворимизга тажовуз солади. Отам шундан кўрқаётгандир, бўлмаса бу ариқдан биз сув ичмаймиз, ҳовлимизнинг қулоғи сал тепароқдан очилган.

Иш оғир — олдинга белкурак билан ажриқни кесиб чиқаман, кейин кетмон билан кўпориб, чимларни девор

остига ташлайман. Хуллас, бир парча чимни ўйиш учун икки иш қилиш керак. Бу ариқни трактор билан ҳам тозалаб бўлмайдик, деворга яқин, ариқ четига тол экканмиз.

Кўл ишга бормади, шоирлар айтгандай «Илҳом йўқ». Назаримда, қишлоқда қизиқ воқеалар бўлаяпти-ю мен куруқ қолаяпман. Икки парча ажриқ қирқиб, кетмонни ариққа кўндаланг қўйиб, устига ўтириб, узоқ-узоқ хаёл сураман. Нима тўғрисида ҳам ўйлайсан, қиздан бошқа. Маликани турмушга чиққанидан буён кўрганим йўқ, лекин барибир кўнгилнинг бир бурчагида унга бағишланган хаёллар бўй кўрсатиб тураверади. Энди у бегона, лекин хаёлидан воз кечолмайман. Ўзимни мажбурлаб ҳали турмушга чиқмаган, чиройли қизлар тўғрисида ўйлагим келади, бироқ имконим йўқ, хаёлларга хўжайин эмасман.

Кеча-кундуз онгимни бир ўй банд қилган — нима бўлса ҳам узоқдан эса-да Маликанинг келинчак бўлиб тонгги атиргулдай очилганини кўриш. Унинг гўзаллашганига шубҳа йўқ. Маликадай қизлар келин бўлгач янада очилади. Аслида ҳозир у келинчак ҳам эмас. Тўй ўтганига бир йилдан ошган. Лекин мен учун келин ва энг ширин хаёлларимнинг эгаси.

Шундай хаёллар билан ўтирганимда «Хорма!» деган кўнғироқдай, таниш овозни эшитиб чўчиб тушдим. Угирилиб қарадим-у тепамда Дилфуза турганини кўрдим. Ранги оқарган, кўзлари маъюс эди. Овозида ҳам мискинлик оҳанглари бўлса-да, барибир кўнғироқдай жаранглари ва ёқимли.

– Дилфуза?!

Ҳақиқатан ҳайратда эдим, тўсатдан арвоҳни учратгандай бўлдим. Ялт этиб кўзимга ташлангани унинг силлиқ бадани бўйлаб бир хил текисда ёйилган, қизил, енги калта чит қўйлагига фонига ўта гўзал бўлиб кўриниб турган қўли бўлди. Ниҳоятда гўзал бу Дилфуза.

– Ҳа?! Учиб тушдинг, хаёлингни бўлдимми?

– Йўқ, ўзимча ўтирган эдим қўлим ишга борма...

Ростини айтсам, унинг келганидан хурсанд эдим, баҳорнинг ёқимли ҳавосида, манави бемаъни ажриқлар томирини узолмай қийналиб ўтирган нима-ю, ўн тўрт кунлик ойдай гўзал Дилфуза билан суҳбатлашган нима. Орасида катта фарқ бор-да, албатта. Фақат бу қиз ҳозир кетиб қоладигандай эди. Баногоҳ ўзимни ёлғиз ва ҳеч кимга керак эмасдай ҳис қилдим.

– Менинг ҳам ишлагим келмаяпти, – деди Дилфуза турган жойида атрофга олазариқ қараб.

– Ишлагинг келмаса, менинг ёнимда ўтириб, маслаҳат бериб тур, ариқни қазиб ташлайлик... – дедим шошиб.

Назаримда, озроқ сукут сақласам у тараддудланиб кетиб қоладигандай. Ёнимда турган белкуракни олиб ариқнинг ёнига ташладим:

– Ўтир.

Дилфуза бир менга, бир ажриқ устида ётган белкуракка қаради. Шунда нотўғри қилганим, катта кўча бетиде қиз бола ҳеч қачон менга ўхшаб белкуракнинг дастаси устига ўтириб олмаслигини тушундим.

– Энди... ўзимизнинг гап-да... Анави кундага ўтирсанг ҳам бўлади, – гапимни тўғриладим.

– Мен ҳеч нарса деганим йўқ... Фақат сен билан бу ерда валақлашиб ўтираверсам, ўтган-қайтганлар нотўғри ҳаёлга бориши мумкин.

Сезиб турибман, Дилфуза бу гапларни шунчаки айтди ва уни бу фикр безовта қилаётгани йўқ. Кўнглида бошқа гап.

– Нима дерди, анави дангаса ариқ қазияпти, бу чиройли қиз эса унга кўмаклашяпти, деб ўйлайди-да. Бошқа қанақа гап бўлиши мумкин?

Сездим, гапим унга ёқди. Енгилгина табассум қилди ва бориб анча наридаги, биз ўтган йил кесиб олган қари тол кундасига ўтирди. Унинг бу ҳаракатидан ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Ўйлагандимки, қиз ҳозир бир-икки оғиз гапиради-ю индамай кетиб қолади. Тушундимки, у ҳам кўп вақт шу ерда ўтирмоқчи. Ноилож мен ҳам кетмонни кўтариб, унинг ёнига бордим. Акс ҳолда баландроқ овозда гапиришга тўғри келади ва бу суҳбатни қовуштирамайди. Озгина тажрибамдан биламанки, энг ширин суҳбат бу паст овозда бўлган суҳбат.

– Бахти, бу ёғи нима бўлади энди? – ерга тикилганча оҳиста гапирди Дилфуза мен кетмоннинг дастасига ўрнашиб олганимдан сўнг.

– Нима нима бўлади?

У нимани назарда тутаётганини англадим, бироқ шунчаки ўзимни тушунмаганга олдим ва бу билан унга бу ваҳимали эмаслиги, бошқалар ўз ташвишлари билан бандлигини ўқтирмоқчи бўлдим.

– Шуларнинг барчаси-да...

– Буларнинг барчаси яхшилик билан тугайди, – дедим мен қувноқроқ оҳангда гапиришга ҳаракат қилиб. – Бу дунёда бундан ҳам оғир вазиятлар бўлган, одамлар бошига бундан ҳам қийин ташвишлар тушган ва улар ундан бемалол

кутулиб чиққан, чунки ўтиб кетмаган воқеа, ташвишнинг ўзи йўқ.

Бу фалсафий гапларим Дилфузанинг безовта кўнглига таскин бағишламади. Ошириб юбордим, ўта китобий айтдим. Бунақа гапларга бизнинг қишлоқ аҳли истеҳзо билан қарайди.

– Бу нарсалар ўтиб кетадиган эмас... Атрофга қара, ҳамманинг оғзида шу...

Дилфуза жим қолди. Овози титраганидан билдимки, кўнгли бузилди. Яна бир оғиз нимадир деса хўнграб йиғлаб юборади. Бунинг олдини олиш мақсадида тинимсиз гапирдим. Агар йиғлагудай бўлса, унга ҳам, менга ҳам ноқулай. Йиғлаётган қизларнинг олдида киши ўзини қандай тутишини билмайман.

– Ўзи шунақа, ҳар ким ўз бошига тушган нарсани оламнинг энг катта фожиаси деб ўйлайди. Аслида эса бу бошқа бировлар учун аҳамиятсиз майда-чуйда бўлиб кўринади... Биламан, одамлар гап-сўз қилганига шу фикрга бориб қолгансан, лекин билиб қўйки, одамларда тинимсиз гапиришга эҳтиёж бор, яъни улар кимнидир нимадир қилганини ҳар доим гапиришлари керак. Улар тинимсиз сўзлашмаса ҳаёт зерикарли машғулотга айланади. Шунинг учун одамлар ҳозирча сен ўйлаётган нарсаларни айтиб юрибди, сал ўтмай бу мавзу эскиради, бошқаси чиқади ва ҳамма ўшани оғизма-оғиз кўчира бошлайди. Лекин бу одамнинг тушкунликка берилишига сабаб бўлмаслиги керак... Биласанми, айрим машҳурлар атайлаб ўзи тўғрисида миш-миш тарқатар экан-ки, халқ назаридан қолиб кетмайин деб. Ёмони халқ назаридан қолиш.

– Мен учун одамларнинг гапи ҳам унча аҳамиятли эмас...

Назаримда, Дилфуза ўзига нима аҳамиятли-ю ниманинг аҳамияти йўқ, билмайди.

– Бўлмаса бунча ташвишнинг сабаби не?

– Ҳаммаси шунчалар чалкашдики, бундан қандай чиқиб кетишни тушунолмайман. Қандай қилсам ҳаммаси ўз изига тушиб кетишини билолмаяпман. Менимча, барчаси тугади, бундан эсон-омон қутулиб кетиш имкони йўқ.

– Ундай демасанг-чи... ҳали ярашасанлар, мана кўрасан...

– Шунча гапдан кейин, а? Унинг отаси отамни уриб касалхонага тушириб қўйгани учун биз уларни, унинг отасини қаматганимиз учун улар бизни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ.

– Шундан кейин Нурбекни кўрдингми ўзи? У ким тарафда экан? – қизиқсиниб сўрадим мен.

– Йўқ... Ким тарафда бўлар эди, отаси тарафда-да. Унинг отасини қаматмоқчи бўлаяпмиз-ку менинг ёнимни олар-миди.

Англадимки, Дилфуза ўтган гапларга қарамай, ҳали Нурбекдан воз кечгани йўқ, унинг отаси содир этган жиноят ҳам кўнглида нафрат уйғотмаган. Қизни Нурбекнинг фикри, йигит бундан қандай хулоса чиқаргани ва не ўйга келгани қизиқтираяпти.

– Менимча, у сени тушунса керак... – қизга қарадим. У оғир ўйга чўмганча ерга қараб ўтирар эди. Гап тополмадим ва хаёлимга келган нарсани сўрадим. – Отанг тузукми ишқилиб?

– Яхшилар... лекин барибир унинг отасини қаматаямиз... Катталар ҳам аҳмоқ бўлар экан-да, а, Бахти?!

– Улар ҳам бола бўлган-да, – дедим мен, худди барча аҳмоқлик болалардан бошланадигандай, умуман бўлажак педагог сифатида шундай фикрда бўлишим лозим ҳам.

Бир-икки дақиқа жим қолдик.

– Мен ортиқча одамман, – деди ниҳоят у. – Бу гап-сўзларнинг барчаси мени деб бўлаяпти. Мен бўлмасам, буларнинг барчаси бир кунда барҳам топади.

– Жуда бир кунда барҳам топиб кетмас... – деб чайналдим. Қизнинг гапларидан қандай хулоса чиқариш кераклиги ва қандай жавоб бериш лозимлигини билмас эдим. – Бунга ўхшаган воқеа, ҳодисалар, гап-сўзлар улкан механизмдай гап. Машина ишга тушган, уни тўхтатиш мушкул. Ўз инерцияси билан секин-аста тўхтаб қолади.

Менинг физикавий гапим Дилфузага яна таъсир қилмади ва ўзи билганича давом этди:

– Қара-да, унинг отаси менга совчи бўлиб келмаганида отам уларни ҳақорат қилмаган бўлар эди, отам ҳақорат қилмаганидан кейин унинг отаси келиб отамни калтаклаб кетмасди. Калтакламаганидан сўнг мелисага тушиб қамалмас эди... Демак, буларнинг барчаси мени деб бўлди...

– Ҳали Турди акани ҳеч ким қамагани йўқ.

– Қамашади... Бизникилар шунга қаттиқ киришган... Ҳозир ҳам бир мошина бўлиб қайгадир кетишди. Уйда фақат укаларим қолди. Ўтиравериб, ўйлайвериб юрагим сиқилди. Шунга сенинг олдинга ҳасратлашгани келдим... Билмайман, кимнинг ёнини олишим керак, кимга раҳм қилиб, кимга ачинишим лозим?!

– Иш сен ўйлаганча чорасиз эмас. Агар сал ақлни ишлатса, барчаси ўз изига тушиб кетади... Отам боя шу ишни

ёпти- ёпти қилиш учун чиқиб кетди. Қишлоқнинг тўрт- беш оқсоқоли билан гаплашиб, бир хулосага келишар эмиш.

– Одамларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, ўзимизникиларни биламан...

Дилфуза бу гапларни афсус билан айтди. Ва мен яна бир бор англадимки, у қалбан Нурбеклар тарафида. Бундан қандай хулосага келишни ҳам билолмай қолдим. Бир жиҳатдан калтакланган отасига унча раҳм қилмаган қиз нафратга лойиқ. Ахир ота-онаси уни шу учун ўстириб, улғайтирганми? Охир оқибатда калтакланиб касалхонада ётганимизда қизимиз ўз душманимиз тараф бўлсин, деб боқишганми уни?! Иккинчи жиҳатдан, суюклиси учун куйинган, ҳар қандай шароитда ҳам унинг ёнини олган, ҳақиқатга тик боққан қиз, албатта олқишга сазовор. Лекин мана шу иккиси ўртасида куйиб-ёнаётган, қайси томоннинг бошини тутишни билмай иккиланаётган, чексиз руҳий қийноқлар, азоблар сиртмоғида қолган қизни қандай тушуниш мумкин, қандай баҳолаш, нафақат баҳо, балки унга қандай маслаҳат бериш керак?

– Бу дунёда сенинг ғалвангдан минг чандон ваҳималироқ воқеалар ҳам бўлиб ўтган...

– Лекин улар билан нима ишим бор? Мени ҳозир ўзимнинг аҳволим қизиқтиради, шу ҳолимга бирортаси кўмаклашгандайди, жон жаҳдим билан ёпишиб олган бўлардим. Бироқ менга ҳеч ким мадад беролмайди...

– Тўғри, – дедим ўйланиб. – Сенга ҳеч ким кўмаклашолмайди. Ҳаммасини ўзинг ҳал қилишинг керак... Буям бир дарддай гап... Биласанми, оғир дард чекаётган беморнинг олдига борсанг ҳар доим кўнглинг хуфтон бўлади, унга ёрдам бергинг келади, лекин қўлингдан ҳеч нима келмайди... Ҳозир сенинг аҳволинг ҳам шундай, ким қандай ёрдам бериши мумкин?

Мен шу гапни нотўғри айтганимни кейин англадим. Аслида ниятим эзгу эди, бундан кўзлаган мақсад, «Ўзингни қўлга ол, одамларнинг гапларига қараб ўтирмай, ўз билганингча ҳаракат қил ва сен бу ғалвалардан ғолиб бўлиб чиқасан», деган фикрни айтиш эди. Мен шу гапларни бироз кўполроқ ва икки хил маъно чиқарса бўладиган тарзда айтган эканман...

Дилфуза менга қаради ва унинг нигоҳларидан ҳиссизликни англадим. Ўлай агар, эсимни таниганимдан буён бунақа қарашни, бу каби нигоҳни кўрмаган эдим, ўзим ҳам кўрқдим. Қизнинг кўзлари катта-катта бўлиб, бақрайиб менга термилиб турар, уларда на бир ҳис ва на бир туйғуни англаб

бўлмас эди. Ўликнинг кўзларига ўшар эди бу. Оёқларим қалтиради.

– Агар хўп десанг, бориб Нурбек билан гаплашиб, кўнглига қўл солиб келаман, – дедим каловланиб.

– Керак эмас, – деди у нигоҳларини четга олиб.

Ўзимни елкамдан босиб турган бир халта унни олиб ташлангандай ҳис қилдим. Гапидан эмас, йўқ. Нигоҳларини четга олганидан.

– Қани эди, сени тушунадиган бир инсон бўлса-ю узоқ-узоқларга, бу дардлар, бу ғалвалар етиб бормайдиган жойларга олиб кетса... – Дилфуза кўзларини юмиб армон билан гапирди. – Қани эди, кўнглингни, армонларингни кар бўлса ҳам, соқов бўлса ҳам, букри бўлса ҳам кимдир тушунса-да... Кимдир...

Дилфуза ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай оҳиста гапирар эди. Унинг бу қилиғи нима учундир менга ғалати таъсир қилди ва у билан гаплашадиган гапим қолмаганини ҳис этдим. Зерикдим. Ўзгалар ҳис-туйғусини тушунмайдиганлар тоифасидан бўлсам керак. Нима учундир энг керакли лаҳзаларда – суҳбатдош юрагини очганда тўсатдан зерикаман, қизиғи қолмайди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Буни – ушбу бетайин аъмолимни кейин англадим ва ўшанда, худди Раззоқ бованинг сўнги суҳбатидаги каби нотўғри иш тутганимни тушундим. Бироқ кеч бўлган эди.

Ҳозир эса зерикканимни сезиб, юрагим бўшаб қолгандай бўлди, илгари ҳеч қачон қиз боланинг олдида ўзимни бунчалар бегона ва ёлғиз ҳис қилганим йўқ ва ҳеч қачон қиз боланинг тезроқ ёнимдан кетишини истамаганман. Ҳозирги аҳволим эса ўзимга ҳам тушунарсиз. Ўрнимдан туриб, белкуракни судраганча сал нарига, боя бошлаб қўйган ишимга кетдим.

– Ариқни қазиб қўймасам бўлмайди, отам уришади, – дедим бурнимнинг остида ғўнғиллаб. – Сен ўтириб гапириб тур.

– Мен уйга бораин... – деди Дилфуза ва ўрнидан турди.

– Нима қиласан шу уйда? – бу менинг самарқандча манзиратим эди.

– Буюм бир гап-да.

Дилфуза турган жойида каловланди. У уйга кетишни истамаётгандай туюлди. Мен буни кейинроқ, ҳаммасини таҳлил қилиб тушундим ва англадимки, бу қиз учун ўшанда ўзи учун қоронғи зиқдонга айланган уйларига бориш қанчалар оғир бўлган экан, у қанчалар истамаган экан буни. Кейинроқ таҳлил қилиб, ўзим ҳам тўрт-беш даъфа дунёга сиймай қолганимда, Дилфуза учун

қанчалар оғир бўлганини, бу дунёга сизмай бораётган бу инсонни мен тор ва боришни истамаётган уйига кетишга мажбур қилганимни англадим. Мен жар ёқасида турган инсонга имдод бериш ўрнига, туртиб юборган эканман. Агар унинг аҳволини яхшироқ билганимда эди, ҳаммаси бошқача бўлармиди... Афсуски, мен ҳам барча каби хом сут эмган бандаман ва бировларнинг кўнглидагини дарров илғаб олавермайман, гоҳида эса умуман тушунмасликка ҳаракат қиламан. Ахир бировнинг дардини тушуниш унга шерик бўлиш билан баробар-да.

– Майли, – деди Дилфуза истаб-истамай уйларига юрар экан. – Ҳали ҳаммасини кўрасан, гувоҳ бўласан... Омон бўл!

– Ўзи нимага келган эдинг? – орқасидан бақириб сўрадим гапларига нима деб жавоб қайтаришни билмай, жимгина қараб қолишни эса ўзимга эп кўрмай.

– Шунчаки, гаплашгани, – Дилфуза бу сафар орқасига қарамади. – Бу дунёда кимгадир дардингни айтиб қолишинг керак-ку.

– Айтмадинг-ку.

– Эй... – Дилфуза ҳаммасига кўл силтагандай қадам олишини тезлатди.

Шундагина у нималарнидир айтмай, айтолмай кетаётганини ҳис қилдим, кўнглини қора зулмат каби босиб турган оғир дардди ўзи билан бирга олиб кетаётганини тушундим. Шундан унинг қадам олиши оғир, шундан юришлари маъюс. Унинг тик ва барҷани лол қолдирадиган гўзал қадди букилгандай туюлди, ҳар доим ўзига ярашиб турадиган, енглари калта, қизил тагли, кичик кўк-оқ гулли чит кўйлаги шалвираб қолгандай.

Юрагим қоп-қора бўлди, беихтиёр яна ўтириб олдим. Ортидан чопиб бориб, қизнинг биллагидан тутиб, ўзимга қаратиб, «Кўй, куйинма, барчаси зўр бўлади. Агар сени ҳеч ким тушунмаса, мана мен борман, мен тушунаман, мен сени узоқ-узоқларга олиб кетаман», дегим келди. Бироқ ўрнимдан жилолмадим. Кўрқдим, кейинини ўйладим. Ахир бунақа жасоратга қодир эмасман, ҳеч қачон қодир бўлмаганман.

Дилфуза кетди... Кўнгилда эса ўзим ҳам тушунмайдиган армон қолди.

Мен шу ҳолда ўйланиб ўтирдим, қўлим ишга бормаётган эди, Дилфузанинг гапидан кейин уй ҳам кўзимга балодай кўринди, унга киргим келмаяпти. Юрагим чироқ ёқса ёришмайди.

Бир маҳал Дилфузаларнинг уйдан қаттиқ, қўрқинчли чинқироқ овоз эшитилди. Шошиб ўрнимдан туриб

қараганимда, Махамат аканинг уйи дарвозасидан шифтга тегиб бир олов устуну йўлга чолиб чиқди ва чинқириб кўча бўйлаб югурди. Оёқ-қўлим акашак, на қимирлата оламан ва на ҳис қиламан, қўрққанымдан бу устун нима эканини билмай жойимда қотиб туравердим. Хушимни йўқотдим. Ўзимга келганимда устун ёнимдан югуриб ўтган эди. Энди олов пасайган ва бу — ёниб, қичқириб бораётган нарса Дилфуза эканини англаган эдим.

– Ушла уни, юурса баттар ёниб кетади! – кимдир орқа тарафдан қичқирди.

Мен эса Дилфузанинг кетидан югура туриб, уни қандай қилиб ушлаб олиш мумкинлигини хаёлимга ҳам келтиролмаяман, ахир тегиниб бўлмаса, уриб йиқитиб бўлмаса... қандай тўхтатиш мумкин?

Ниҳоят эллик одимларча нарига бориб қиз юзтубан йиқилди. Олов пасайган эди.

– Уйга кириб кигиз олиб чиқ, кигиз! – бақирди ортимдан етиб келган бояги овоз эгаси, ўзи эгнидаги кўйлагини ечиб думалаб, қичқираётган Дилфузанинг оловини ўчириш учун ура кетди. Бу нариги кўшнимиз Мурод ака эди. Мен уйга югурдим. Биз деярли кирмайдиган дахлизда бобомнинг замонидан қолган эски кигиз тўшалган, шуни ўйлаб ҳаллослаб бормоқдаман.

Кигизнинг четини кўча тупроғи бўйлаб судраб келганимда олов ўчган, қип-қизил гўшт ва қоракуяга айланган Дилфузанинг яланғоч бадани кишини сескантириб юборадиган даражада эди.

Мурод ака шошиб кигизни Дилфузанинг устига ташлаб уни ўради. Қўлим куйганига қарамай мен ҳам қарашдим. Боягина, Дилфузанинг кўзимни қамаштирган, ҳавасимни келтирган билаклари куйиб қип-қизил гўштга айланган, ҳатто қўл теккизишга ҳам қўрқасан, ирганасан. Иккаламиз амаллаб қизнинг сочлари куйган, қорамтир кўмирга айланган бошини чиқариб, танасини кигизга ўрадик. Боя, ўз чиройи билан ҳар қандай инсон юрагига ўт қалашга қодир гўзал қиз бир-икки дақиқада бир уюм қоракуяга айланганига ишониш қийин, бироқ ҳақиқат аччиқ бўлар экан.

Дилфузани кигизга ўраб Мурод ака кўча ўртасига чиқди, ўтаётган «Москвич» машинасини тўхтатди. У кўшни қишлоқдан, бозорга бораётган экан, чамаси.

– Дўхтирхонага боришимиз керак, бир инсон ўлаяпти, – деди у ва жавобни кутмай орқа эшикни очиб, менга им қокди.

Иккаламиз кигизга ўралган қизни авайлаб машинага жойлаштираётганимизда эгаси нима деярини билмай, оғзини ланг очиб ҳайрон боқиб турар эди:

– Нимага анграясан? – Мурод ака унга дўқ қилди. – Оёғидан тортиб жойлаштиришга ёрдам бер, кўрмаяпсанми, сигмаяпти.

Учаламиз амаллаб қизни машинага жойлаштирдик, Мурод ака олдинги ўриндиққа ўтирди:

– Ўзим ушлаб кетаман, сен бориб ота-онасини топ, бор гапни айт, касалхонага етиб боришсин.

Мен томошага югуриб келган болалар ёнида анграйиб қолавердим.

Машина анча юриб катта йўлга бурилиб тўхтади. Болалар гуриллаб шу ёққа югурди. Кейинроқ бориб келганлар айтдики, йўлда Дилфуза яна ёнибди... Машинадан тушириб, ўчиришга тўғри келибди. Балки устида қолган кийим парчалари тутагандир, билмадим, лекин одамлар «ёнибди», деб гап чиқарди.

1945 йилнинг 3 сентябрь кунини ҳукумат яна бир ғалаба байрами, деб эълон қилди. Шу куни уруш батамом тугаган эди. Кўпчилик учун қувончли кунларнинг бирида Ёдгордан хат келди. Бу кўпдан буён кутилган нома икки кунга кечикди. Икки кун бурун Ойсара момо пешинда ухлашга ётиб, қайтиб турмади.

– Бу кампирни бизлар келинидан айрилганда, ўғлини ўлдириб кетишганда ўлиб қолади, деб ўйлаган эдик. Ҳалиям юраги бақувват экан, шунча йил умр кўрди, – деди маъракага келган Аҳмат бова. – Бу инсон бутун умр жафо билан яшади, кўп азият чекди. Ҳеч кимнинг ҳаёти шу мискин кампирни кичалик оғир ва серташвиш кечмаган...

Дарҳақиқат, бу жафокаш аёл серғалва ва серташвиш умри давомида не кунларни бошидан кечирмади! Унинг узоқ ҳаёт йўлига назар солинса, бу аёл фақат ғам-ташвиш учун туғилгани кўринади.

Эри эрта қазо қилди. Бир кўпқарида отдан йиқилиб ўлган эди. Тўрт фарзанди билан тул қолди. Бир-икки жойдан совчилар келганда тегмади, кейин ўлат йиллари уч фарзандидан жудо бўлди, ёлғиз ўғлини тарбиялаб вояга етказганида, у ҳам хотинини рашк қилиб уйдан бош олиб кетди, у анча вақт келини билан яшади, ўғли эса сарсон-саргардончилик билан Бухорога бориб ўқимишли бўлиб қайтди, орадан гап қочиб фарзанди суюкли келинини уриб ўлдириб

кўйди, сал ўтиб номаълум кимсалар кечаси фарзандини отиб ташлашди. Ойсара момо Сўфиқишлоқдан ўглининг иккинчи хотинини топиб, уни невараси — Ёдгор билан бирга уйига кўчириб келди. Ўртада уруш бошланиб Ёдгорни урушга олдилар, у келини ва неварани келини қўлида қолди. Эвара кўрди, уни бўри талади...

Ойсара момонинг бутун ҳаёти мана шу галва, фожиа ва кўнгилсизликлар ичра кечди. Бу инсон узоқ яшади ва охир-оқибатда ўз ҳаёти учун келинларидан уяладиган, андиша қиладиган бўлди. Назарида, келинлари унга қараб, «Бу қари кампир ўлмадиям, биз қутулмадик», деяётгандай туюлаверади. Ёлғизгина бўлса ҳам ўз фарзанди қолмаганига афсус чекади. Хар ҳолда ўз туққани оғринмай қарар эди, оғир кунларда унга кўп яшаётганини айтиб юзига солмасди. Келинлари ҳам буни миннат қилгани йўқ, лекин Фолибни бўри талаб қазо қилгач Ризвон шарттаки бўлиб қолди. Бетинг-кўзинг демай гап қайтаради, жеркиб беради, гап билан силтаб ташлайди. Ойсара момо бу ҳаётда ортиқчалигини шундан англади. Келини бошига тушаётган хар қандай кулфат сабабчиси деб уни билаётгани, барчаси шу кампир туфайли юз бераяпти, деган хулосага келганини сезади. Бироқ момонинг қўлидан нима келарди? Ўзи ҳаётда ортиқча қолишни истамайди, бу гурбатларнинг ҳам чеки ва охири бўлишини хоҳлайди. Бироқ ич-ичидан аллақандай бир куч яшашга ундайди, кўнгли неварасини кутишни, унинг бўйнига осилиб, кўз ёш қилишни, юрагини босиб ётган дардларни йиғлаб-йиғлаб айтиб беришни тусайди. Бошқа кимга ҳам ишонсин бу дардларини?!

Бироқ бу ниятини амалга ошириш насиб қилмаган экан... Ойсара момо невараси тириклигига шубҳаланиб қолган. У уруш борасида Манноп раис айтиб юрадиган тушкун кайфиятдаги гапларга ишонади. Тирик бўлса бирор хат-хабар келарди, деб ўйлайди. Неварасининг вафот этгани тўғрисида қоғоз келса, чидолмайман деб кўрқди. Лекин унинг ҳаётдан илинжи кўп эди. Ахир қандай қилиб тарк этсин тирикликни? Набирасининг омон қайтишини кутмоқчи, унинг кейинги ҳаёти билан қизиқади, ҳеч бўлмаса тақдирини билсам эди, у ҳақда бирор оғиз бўлса-да хабар эшитсам эди, деган ўй уни яшашга ундади.

Бироқ бу ожиз инсоннинг истаги ҳеч нарсани ҳал қила олмайди.

Ойсара момо шундай яшади ва шу ўйлар билан дунёдан ўтди.

Момони шу куни кечга қадар қабрга қўйдилар. Ризвон ҳаёт, тўғрироғи ўлим бу қадар тезлашиб кетишини ҳаёлига келтирмаган эди, эрталаб жимгина нонушта қилиб ўтирган кампирни кечга бориб қабрга қўйиб келишди. Эрталаб дунёга умид билан боқиб ўтирган эди, кечга бориб эса ундан ном-нишон йўқ. Узоқ-яқин қариндошлари, ҳатто хабарсиз қолди.

Кишлоқ кексалари йиғилиб, майитни маҳтал қилиш дуруст эмаслигини айтиб, маросимни тез ташкиллаштириб юборишди. Ойсара момо ўлимлигини йиғиб юрган экан, сандиғидан кафанлик ва анча-мунча кийим-кечак ва ҳатто бир пудга яқин бугдой ҳам чиқди. Момо бу маросимга ўнлаб йиллардан буён тайёргарлик кўрган эди.

Эркаклар майитни олиб кетгач Ризвоннинг кўнгли бўшашди ва ўзини ноқулай сезди. У Ойсара момонинг ўлимида ўзини айбдор ҳис қилмайди, бироқ бу кампирга кўп ўлим тилаган, «Қанча ёшлар ўлиб кетаяпти-ку, бу ялмоғиз яшайверадими», деган ҳаёлга борган. Момонинг ўз ҳикояларидан эшитган — эри, тўрт фарзанди, келини ўлиб кетишини ўйлаб, барча бахтиқаролик аслида шу аёл туфайли бўлса керак, деган хулосага келган. Қанчалар эриш туюлмасин, ҳаёлига «Агар шу кампир ўлса, ортиқча ўлим ҳам, ғам-ғусса ҳам бўлмайди», деган бир ноўрин фикр елимдай ёпишиб олган. Айниқса, Фолибнинг вафот этиши бу фикрини мустаҳкамлади. Бу инсон одамларга фақат ўлим, бахтсизлик келтиришига қаттиқ ишонди. Шу сабаб унга мулоим гапирмай қўйган, ўрни келди дегунча уришиб жеркиб ташлайдиган одат чиқарган эди. Қўни-қўшнилар, қайнонаси бундай қилмаслик тўғрисида насиҳат қилди, бироқ бу гап-сўзларни менсимайди. Уларга кампирнинг ўлимини иташини очиқ-ойдин билдириб қўяр эди.

Мана, ўша кун келди ва кампир фоний дунёни тарк этиб, бу хабар ёйилиб улгурмасидан, лозим даражада йиғи-сиғи қилинмай, қабрга қўйиб келинди. Бироқ бу билан ҳаётда нима ўзгарди? Нима янгиланди-ю, қандай эврилиш бўлди? Аслида ҳаёт мана шу мункиллаб қолган, ҳокисор бир кампирга қараб қолганмиди? Бу инсон ўз ожизлиги билан улкан ҳаётда нимани ўзгартира олар эди? Унинг қўлида қандай ваколат, ҳокимият ва куч бор эди? Ўзи шу ғурбатлар қулига, жабрдийдасига айланиб қолган инсонни айнан ўша ғурбатлар сабабчиси сифатида кўриш, айблаш ва шунга яраша муомала қилиш инсофданмиди?

Ризвон ўзига шу саволларни берди ва кўриб кетди. Ахир тирик инсоннинг ўлимини тилаган экан-ку. Тирик инсонни-я? Мана, у ўлди, энди бу ёғи нима бўлади?! Дунё кенгайдими?! Олам ёруғлашадими? Ғуссалар арийдими? Муштдеккина кампирнинг бу дунёдаги ўрни шунчалар муҳим-миди?!

Ризвон бировга ўлим тилашнинг оғир оқибатини маърака куни билди. Хаёлида Ойсара момо умуман ўлмайдиган, бир умр ҳаётини заҳарлаб юрадигандай туюлган. Мана, ўлиб берди, бироқ ҳаёти енгиллашиб қолмайди, ўзгариб ҳам кетмайди — Ризвон бунини тушунди, ахир бу мискин кампир, ўзи ҳаётнинг оддий қули бўлган шу инсон муаззам ва бешафқат ҳаётнинг кечишига қандай таъсир кўрсата олиши мумкин эди? Ўз қисматидан норози бўлиб ўзгартира олмай, зор қақшаб турган аёл қай тарзда ўзгалар тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин эди? Йўқ, қўлидан ҳеч нарса келмас эди. Кампир дунёдан ўтиб ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Ўша ғурбат, ўша ғам-ғусса... Ризвон энди бунини аниқ англади. Ойсара момо ўтгач, унга ўлим тилагани учун одамлар ўзидан нафратланишини ҳам ич-ичидан ҳис қилди.

Ризвон бир нарсани — ҳеч ким бировнинг ҳаёти билан яшамаслиги, барчанинг ўз ўлими билан ўлишини билмаслигини англади. У яна бир нарсани тушунди — ўлим орқага қайтарилмаслиги, ҳеч қачон тузатиб бўлмаслиги билан даҳшатли экан. У шунини тушунмаган экан.

Ризвон шу каби ўйлар қуршовида ўзини ўзи қойиб, виждони қийналиб момонинг маъракаларини ўтказди. Матлуба хола эса келинига эътиборсиз. У биров жаззакани, ортиқча гапга ҳожат йўқлигини билади, шусиз ҳам виждон азобида қолганини англади. Бу инсон момо билан бирга узок вақт яшади ва кампирнинг ўй-у хаёлини билади, улар ҳар доим бир-бирларига тиргак бўлиб келган. Матлуба хола яна бир нарсани — қачонлардир, у кўчиб келмасидан бурун бу кампир фарзанди ва келини доғида қуйиб, буткул чўкиб қолгани-ю кейин у билан Ёдгор келиб, биров ўзини тиклаб олганини билади.

Умуман, Матлуба хола ҳаётнинг аччиқ зарбаларидан одамови бўлиб қолган. Одамлар билан қўшилиб кетиши қийин, ўзи билан ўзи бўлиб, хаёл суриб юраверади.

Момонинг қирқи ўтиб бу мискин кампир кўпларнинг ёдидан чиқди. Кейинги йилларда қишлоқ қанча ғам-андухни кўрди, қанча одамни ерга қўйди, неча-нечалар урушга кетиб қайтмади. Шундай ҳолатда, шунча ёш йигитлар, болалар дунёни тарк этаётганда ким ошини ошаб, ёшини яшаб ўтган

кампирни эслайди? Бу инсоннинг худойиси ҳатто тўйга айланиб кетаёзди. Овоз чиқариб йиғлаб турадиган эракнинг йўқлиги, ичкарида келинларнинг йиғиси кўпам ташқарига етиб келавермагани учун азага келганлар нима сабаб йиғилганини унутиб қўяверди, у ер-бу ерда ҳангомалашиб, латифа айтиш ҳам бўлди. Ёшларнинг бу номаъқул қилиқларига қариялар эътибор бермади, уларнинг ўзлари-да тўрт-бештадан бўлиб, муаммолар борасида баҳсга киришган.

Ойсара момо бу дунёдан жимгина ўтди, биров сезди, биров йўқ.

Барча маъракалар ўтиб бўлгач, кеч кузда Ёдгор қайтиб келди.

Унинг тирик экани ва тезда қайтиши тўғрисидаги гап-сўзлар оралаб қолган эди. Хатини маъракаларга келган барча саводли қишлоқдошлар ўқиган, саводсизларига ўқиб эшиттиришган. Унинг қайтиши кутилмаган ҳол бўлмади, лекин кувончли эди. Бутун қишлоқ Ёдгорни кўргани оқиб келди. Ойсара момони дафн қилиш куни ҳам бунча кўп одам йиғилмаган эди.

– Катэнам қани? – деб сўради Ёдгор келган куни онаси, хотини билан кўришиб бўлгач, ҳали қишлоқдошлар, қўни-қўшнилар йиғилмасидан бурун.

– У кишини бериб қўйдик, – деди Матлуба хола ўзини айбдордай тутиб.

– Ўзим ҳам сезган эдим шундай бўлишини, – Ёдгор хотини ва онасини лол қолдирадиган даражада совуққон эди. – Анча ёшга бориб қолган эдилар... қачон бўлди бу?

– Яқинда, шу кунларда қирқини ҳам ўтказдик...

– Сал кечикибман... Майли нима қиламиз, ҳаёт шунақа, пешонада ёзилгани шу экан, бизнинг қўлимиздан нима ҳам келар эди? Жойлари жаннатда бўлсин!

Матлуба хола юзига фотиҳа тортганидан сўнг шошиб қолган Ёдгор ҳам «омин» деди ва фотиҳа тортди.

– Уруш одамни ўзгартириб юборар экан, – деди ўзини оқлаб. – Кўп қонун-қоидалар эрдан чиқибди.

– Сен бориб қўни-қўшниларга хабар бер, нимага анграйиб турибсан? – Матлуба хола нима қиларини билмай лол турган Ризвонга дакки берди.

Ризвон шошиб чиқиб кетди.

– Эна, нимага у меровга ўхшайди, ранги оқариб кетди? – сўради Ёдгор хотинини тушунмай. – Лекин анча қариб қолганга ўхшайди...

– Суюнганидан-да, болам, суюнганидан нима қилишни, нима дейишни билмаяпти. Шунча йилдан буён кўрганимиз йўқ. Соғиндик ...

– Сиз ҳам бироз ўзгарибсиз, – деди Ёдгор ўзини босиқ тутишга ҳаракат қилиб. – Юзингизга ажин тушибди, сочингизга оқ оралабди. Кўп кийналдиларингизми?

– Унча эмас... – Матлуба хола фарзандига қараб тўймаётган, севинчини ичига сиғдирилмай бақириб юборгиси келар эди.

– Бир хатларингизда, Ризвон фарзанд кўрганини ёзган эдингизлар?! – Ёдгор урушда ўзи кўп ўйлаган нарсасини сўради.

– Болам... – Матлуба хола нима дейишни билмади. – Энди бандалик экан, уни ҳам сақлаб қололмадик...

– Ўлдими?! – Ёдгор бу саволни ҳаяжон билан берди. Бирок оҳангида ваҳима йўқ эди.

– Шундай бўп қолди...

– Майли, тақдирида шу бўлган-да.

Ёдгор бу сафар ҳам онасини лол қолдириб совуққон гапирди. Ўз фарзандини кўрмаган, уни тирик инсон, ёш, жажжигина бола сифатида тасаввур қилолмайди, боласи мавҳум тушунча, шу сабабли унинг ўлими Ёдгор учун оғир қайғу ҳисобланмади. Бунга деярли эътибор ҳам бермади.

– Қишлоқда нима янгиликлар?!

Ёдгор шу саволни бериши билан кўчадан вағир-вуғур овозлар эшитилди.

Шу билан тўрт-беш кун давомида онаси Ёдгор билан ёзилиб суҳбатлаша олмади, келиб-кетувчилар кўп эди, ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам эшитганлар тўп-тўп бўлиб келаверди. Ойсара момонинг маъракалари оилани ҳолдан тойдирган. Келиб-кетувчилар олдига қўйгулик ҳеч нарса йўқ. Шунда раис одамгарчилик қилди. Уйда боқиб қўйган бир қўчқорни сўйди. Уч пуд ғалла келтириб ташлади.

– Биз Ёдгор билан қуролдош жўрамиз, – деди у оғзини тўлдириб. – Биргалиқда не-не жангларга кирдик, агар тирик қайтсак уни қиламиз, буни қиламиз, деб бир-биримизга роса ваъдалар берганмиз. Ҳатто қўлларимизга ёзиб ҳам олганмиз. Билагингни кўрсат, Ёдгор.

Ёдгор ҳарбий камзули энгини шимариб ўнг билагини кўрсатди. У ерда кийшиқ қилиб «Ё» ҳарфи битилган эди. Шундан кейин Манноп раис ҳам энгини шимарди. Унинг қўлига «М» ҳарфи туширилган.

– Бу, мабодо бир кор-ҳол бўлса, иккаламиз бир-биримизни таниб олиш ва қонун-қоидасини келтириб, дафн қилиш учун ёзилган.

– Қизикмисан, шу кичик ҳарф бўлмаса таниб бўлмай-дими? – шу ерда ўтирган Аҳмат бова раиснинг гапини тушунмай сўради. – Жуда олиб қочасан-да сен ҳам.

– Эй, бобой, бир нарсани тушунмасангиз нима қиласиз гапга аралашиб, уруш нима эканини биласизми ўзи? У ерда устингизга бир бомба тушса, мана шунақа ҳарфчалар бўлмаса, тукқан онангиз ҳам таниб ололмайди. Нафақат таниш, балки йиғиштириб олиш ҳам мушкул.

Ёдгор билан Манноп раис қадрдонлашиб кетди. Ёдгор анча ёшлиги сабабли урушгача иккаласи деярли бир марта ҳам гаплашмаган эса-да, раис ҳурмат қилар экан. Ўзи ва давлат ишларини кўйиб, Ёдгор келгандан меҳмонлар қадами узилгунча шу ерда бўлди, келди-кетдига кайвонилик қилди.

Фақат Ризвон кайфиятсиз, ўзини галати тутаяпти, камгап. Кўпчилик бўни Ёдгор келиши билан яна боласи эсига тушганга йўйди. Унинг хаёли эса бошқа ёқда.

– Энди сенга ҳам иш топсак яхши бўлар эди, – деди раис хонадондан аскар кўришга келувчиларнинг оёғи узилгач. – Ҳозир киш, иш йўқ-ку, лекин тез орада баҳорги юмушлар бошланади.

Раис ёғоч оёғини чўзиб сандалга ёнбош ўтириб олган эди.

– Мен нима ҳам қилишим мумкин? Одам отишдан бошқа барчаси эсдан чиққан, – Ёдгор кулди.

– Эй, – раис шошди ва дакки берди. – Энди бунақа совук гапларни кўй, тинчлик даврида бунақа ҳазил қилишмайди. Нотўғри тушунилади.

Урушда ўтган йиллар давомида Ёдгор бироз дағаллашган, совуққон, эътиборсиз бўлиб қолган. Ризвон эрининг бу янги одатига кўниколмаяпти. Урушга кетишидан бурун у ёш, навқирон ва қувноқ йигитча эди, энди ҳақиқий эркак. Бу нима учундир Ризвонга ёқмади.

– Анави Тоғбеги ишни қойиллатмаяпти, ўрнига бригадир қилиб қўяман, – раис сандалнинг кўрпасини қўли билан итариб соғ оёғини ташқарига чиқарди. Иссиқ унинг хиром этигидан ҳам ўтди, чамаси. – Бир ўзингни кўрсатсанг, бу ёғи силлиқ кетади, мана кўрасан... Юрасанми, эшак арава ҳайдаб, боғ ташиб, қўш қўшиб. Уруш кўрган одамлар энди ҳурматда бўлиши керак.

– Раҳмат... – Ёдгор миннатдорчилик билдирди. – Ўзингизнинг ишингиз қалай?

– Биз ҳам бекор юрганимиз йўқ, – раис тагдор қилиб кулди. – Урушдан қайтиб, бир ўғилчалик бўлдик, отини Маҳамат деб қўйдик...

– Ёғоч оёқ билан ҳам қўймас экансиз-да, а?! – Ёдгор кулди.

– Бунақа нарсалар оёқ билан қилинмайди-ку, сен ҳам жуда олдинг-да.

Ризвон сопол чойнакда чой кўтариб кирди. Иккаласи кулгидан тўхтаб унга қаради. Раис мавзуни ўзгартирди.

– Сен урушдалигингда келинга, холага, кампирга қарашдим... Ўғилча билан кампирнинг маракалари бошида ўзим турдим... Ишқилиб йўқлигингни билдирмадим, бировлар оёқ ости қилишига йўл қўймадим, тўғрими келин?

Ризвон довдиради, аланг-жаланг қилиб бир эрига, бир раисга қаради ва нима дейишини билмай, чойнакни қўйиб ташқарига чиқди.

– Уялди, жуда уятчан, – деди Ёдгор ўртадаги совуқликни кўтариш учун. – Келганимга қанча кун бўлди, лекин ҳали менга кўниккани йўқ, бегонасираб юрибди.

Манноп раис мийиғида кулди ва кўнглидан «Уялиб бўпти, сенинг бу бузук хотининг, бир марта бирга бўлдимми, бўлмадимми, дарров «Мени олинг»га тушиб қолган эди, энди уялар эмишми, аҳмоқ», деган ўй ўтди. Тилидан эса бошқа гап чиқди:

– Энди, эркаклар йўқ, аёллар ёввойилашиб кетди-да. Бизникиям ҳали-ҳалигача мендан ўзини олиб қочиб юрибди... Лекин шуларга раҳмат, барчасига чидади, кутди.

Ризвон ўшанда — чўлда раис билан қилган ишидан кўра кўпроқ айтган гапидан уялади. Ўйлайдики, раис ўшанда уни мажбурлаган эди, бунда ўзини гуноҳкор санамайди. Бироқ якунида айтган гапини энг катта айби деб билади. Ҳозир ҳам раиснинг заҳарханда сўзлари замирида не мазмун ётганини англади-ю, алами келди. Ўзини бечора ҳис қилди, лозим даражада жавоб қайтаролмаслигидан, «Эй, ярамас, ифлос, ўзинг мени мажбурлаб, энди нега устимдан масхаралаб қулаяпсан?» деб ғазабини тўкиб сополмаслигидан азобланди. Бошини қайси деворга уришни билмай қийналди. Аҳмоқ эри эса лаллайиб, хотинининг номусига теккан инсонни уйига бошлаб келиб, завжасининг масхараланишидан гурурланиб оғзига қараб ўтирибди.

Бошқа бир жиҳатдан, юраги тубида Ризвонга раис олдидаги бечоралиги ёқиб, уни ҳурмат қилишга, севишга ундамоқда. Лекин буни охиригача тушуниб етмайди. Ўзини хўрлаётгани учун раисдан нафратланади, лекин бир вақтнинг ўзида унингсиз туролмайдигандай бўлиб бораяпти. Бу нима, ҳурматми, нафратми, севгими, тушунолмайди.

Имкони бўлса-ю раисни уриб ўлдириб қўйса, лекин бу истақ, бу хоҳиш аслида ниманинг оқибати, балки нафратнингдир, балки муҳаббатнинг? Ахир қачонлардир тунлари ухламай раисни ўйлаб чиқар, узоқдан эпкинини бўлса-да кўргиси келарди. Кейинги йилларда унинг хаёли билан яшади, унинг ўйи билан ҳаёт қийинчиликлари, азоблари, дард-у ғурбатларини енгиб ўтди. Ўғлининг вафотидан сўнг биров нафратлангандай эди, бироқ бу ҳам аниқ нафрат эмас, балки бу борадаги гуноҳларини ич-ичидан унга ағдариш эди. Энди, эри қайтиб, олдинги ҳаёти келган жойидан давом этиши лозим бўлган бир шароитда икки йўл ўртасида туриб қолди. Ўтган йиллар давомида эрини унутиб улгурган экан ва дунёда мана шу бироқ раисдан яхшироқ, келишганроқ эрақ йўқдай туюлапти. Унинг баланддан келиб гапириши, одамларга менсимай муносабатда бўлиши, ўзини қанчалар ғазаблантирмасин, кўнглида унга бўйсунуш, қўли остида бўлиш, буйруқларини бажариш истагини уйғотади. Эрида бунақа одат йўқ. У одамлар билан осмондан келиб гаплашолмайди, бировга буйруқ беролмайди, табиати мужмалроқ. Бу бир жиҳатдан яхши, лекин кўнгил қургур нима учундир дағал, қўпол эрақкини истаса нима қилсин?

Ризвоннинг эридан воз кечиш нияти йўқ, усиз ҳаёти дўзахга айланишини, ҳеч кимга керак бўлмай қолишини, кейинги ҳаёти фақат ўз эри билан кечишини билади, лекин кўнгилга бир нарса деб буюролмайди.

Ризвон муҳаббат ва турмуш, кўнгил ва онг, хаёл ва шароит ўртасида аросатда қолди, ўзи ҳам тушунмайдиган номаълумлик ичра ғарқ бўлди.

Раззоқ ака урушдан қайтганда аллақачон Насиманинг суди бўлиб ўтган ва уни қамаб юборишган эди. Хукми қўшни қишлоқлик, отаси қози ўтган Шайманов деган судья чиқарган экан. Раззоқ ака бир кўнгил унинг олдига бориб, аслида нима воқеалар юз берганини сўраб-суриштироқчи бўлди. Орадаги масофа узоқ эмас. Лекин қунт қилмади. Кейин бўлар иш бўлибди, энди эски дардларни кўзғатмаслик керак, деган ўй билан, бу ишнинг орқасини суриштириб юрмади. Фақат қадрдон жўрасининг қизини келин қилиш ғояси аввал бошданок нотўғри бўлгани, шу ишга қўл урмаганида ҳозир ҳаммаси кўнгилдагидек бўлишини ўйлаб кўп азият чекди.

Уруш бу инсон феълени ўзгартирмаган. У ўша-ўша — бировга озор бермайдиган, имкон қадар можарони четлаб ўтадиган ва суҳбатдоши кайфиятига қараб иш тутадиган инсон. Ўтган ишга саловат, деб барчасига қўл силтади. Ич-ичидан қизини чолга бериб юборилиши кимнингдир шумлигим, гайирлигим бўлганини ҳис қилди, лекин бунга ҳам индамади. Нима бўлса ҳам қизим тинч яшаб кетса бас, деган ўй билан ўзига тасалли берди. Куёви ўзи тенги экани бироз гашига тегади, шу сабаб имкон қадар уникага бормаслик, бу ёққа ҳам келтирмаслик ҳаракатида бўлди. Урушдан қайтган кунлари Рўзи ака тўрт-беш кун келиб турди. Ўзи сахий одаммикин ёки қайнотасига ёқишни истадими, дарров битта қўй сўйди. Шунингсиз ҳам Раззоқ ака қизининг ҳаётига аралашмас эди, қўй кўнглини янада юмшатди.

Хонадонда уч ёш бола ёлғиз қолган эди. Раззоқ аканинг уларга қараб раҳми келади.

У урушдан қайтгач, ўртанча қизи Нигорани илк бор кўриб кўнгли бузилди. Бундай жажжи, кичик қизчани эрга беришга қайси жоҳилнинг кўнгли бўлди экан, деган хаёл ўтди кўнглидан. Қизини бағрига босиб, кўзларидан шашқатор ёш оқди. Бироқ Раззоқ аканинг индамай юришдан ўзга чораси йўқ. Қизининг уйини бузиш ниятида эмас.

Кунларнинг бирида Нормурод ҳам урушдан қайтди. У қадрдон қишлоғига соғ-омон, тўрт мучаси бут кириб келди. Ургутдан пою пиёда келар экан, узоқ-узоқдан жонажон қишлоғининг уйлари, барглари тўкилиб, қуруқ шохларини осмонга чўзиб турган дарахтларини кўриб, юраги хапқирди. Кўнглидан не бир ўй-у хаёллар кечди. Ўтган йиллар давомида қишлоқда нима ўзгаришлар бўлганини билмайди, тасаввур ҳам қилолмайди. Лекин қишлоққа яқинлашишнинг ўзиёқ кўнглида чексиз ҳис-туйғуларни уйғотиб юборди, ўзини дунёдаги энг бахтли инсон ҳис қилди. Ахир орадан ўтган икки йилдан ортиқ вақт давомида бирор кун, бирор соат йўқ-ки, ўз қишлоғини ўйламаган, хотирламаган бўлсин, кўкрагини кериб, ёруғ юз билан ватанига кириб боришни хаёл қилмаган бўлсин. Шу кунлар насиб қилар эканми, деб кечалари уйқуси қочиб, неча-неча тунларни бедор ўтказди, оёғидан яраланди, даволанди. Кўп қон йўқотиб алаҳсираб ётганида ҳам фақат қишлоғи тўғрисида гапирди. Нима учундир ота-онаси, укаларидан ҳам кўпроқ Нигорани ўйлади, унинг хаёли билан кўп жанг-жадаллардан безарар чикди.

Мана, қадрдон қишлоғи остонасида туриб ўша қўшни қиз — Нигорани хаёл қилди. У нима қиляпти экан? Менинг келишимни қандай қабул қиларкин? У билан қандай кўришар эканмиз? Танирмикан?

Шунга ўхшаш саволлар кўнглини безовта қилиб юрагини хапқиртираяпти. Нигоранинг турмушга чиққанини билмайди. Унинг назарида, бу қиз ҳали ёш ва тўй ҳақида ўйлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. У шунга қаттиқ ишонади. Бу хавотир кўнглининг кўчасидан ҳам ўтгани йўқ.

Уни бутун қишлоқ қувонч ва шодиёна билан кутиб олди. Чоллар, урушдан қайтган эркаклар, ўспирин болалар кучини сиёнаб кўрмоқчидай белини сиқиб-сиқиб кўришди.

Нормурод ўтган вақт мобайнида бироз ўсган, юзлари дағаллашган. Аммо ҳали ҳам юзидан болалик нуски уфуради. Буни кўргани келганлар дарров пайқашди.

Нормурод дастлабки тўрт кун давомида икки кўзини дарвозадан олмади: ана-мана Нигора чопиб кириб келиши керак. Бироқ ундан дарак йўқ. Ўзининг эса сўрашга бети бўлмапти. Ҳар ҳолда уйларида аза — ҳали ҳеч ким бўри олиб кетган болакайни унутмаган.

Ниҳоят келувчиларнинг кети узилгач, сандал атрофида ёлғиз қолишганда Нормурод Бону момони гапга солди:

– Катэна, қўшнимизнинг қизи кўринмайдими? Нигора?

– Ҳа, уни эрга бериб юбордик, – Бону момо эътиборсиз эди.

– Нима?! – Нормуроднинг бошидан биров совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди. – Қанақасига? Ахир у ёшгина қизалоқ эди-ку.

– Билмадим, болам. Тўсатдан бўлди ҳаммаси, худо раҳматли Иқболнинг ўзи ҳам қарши эди-ку, лекин истаб-истамай бериб юборишди. Ўртага раис тушганидан кейин иложини қилолмади.

– Ие, раиснинг нима иши бор экан бировнинг қизи билан? – Нормурод газабланди.

– Эй, болам-а, эркаклар урушга кетиб ҳамма ҳукумат раисга қолди, унинг айтгани айтган, дегани деган бўлди. Шундан Иқбол бечора ҳам йўқ деёлмади, уйда бир эркак бўлмаганидан кейин нима ҳам дерди.

– Кимга беришди? Мен танийманми?

– Танимасанг керак, қўшни қишлоқдан, отаси тенги бировга. Лекин дуруст одамга ўхшайди бечора, Иқболнинг маърақасига ҳам шу инсон яради.

Нормурод бироз сукутга чўмди. У секин-аста Нигорадан бир умрга айрилгани, энди унинг бегона эканини англаб етмоқда эди.

Тан олиб айтганда, бу қорача қизнинг нимасини ёқтиришини билмайди. Лекин урушда бир кун ҳам унутмагани, энг оғир дамларда ҳам шу қизнинг хотираси ҳамроҳлик қилгани, кетишдан олдин айтган гапларининг далда бўлганини эслаб, ўзини қўярга жой тополмади. «Бир қиз бўлса топилар», деган ўй билан ўзини тинчлантирмоқчи бўлди, бироқ кўнгил таскин топмади. Шунга ўйлаши билан хаёлига бошқа бир фикр келади: «Бунақа қиз энди йўқ!» Бундан ўзи ҳам кўрқди. Шунча жангдан ўлмай қайтгани нима бўлди энди?!

У Нигорани бир кўриб, юрагидаги барча дардини тўкиб солиш илинжида. Энди фақат шу қиз билан гаплашиб, дард-у ҳасрат қилиш хаёли билан яшай бошлади. Шу хаёл билан яқинда урушдан қайтган Раззоқ ака билан бордикелдини яхшилади. Ҳар ҳолда Нигора отасини кўргани келиб қолса, уларнинг уйига бемалол бориш учун баҳона бўлади. Бироқ Нигорадан дарак бўлавермади. У ҳатто Раззоқ акадан «Қизингиз қачон келади?» деб сўраб юборишдан ўзини зўрға тийиб туради. Урушда ўйлаган, фикр қилган барча орзулари ушалди, қишлоғига қайтди, уйдагиларни, кўни-қўшнилари кўрди, барча билан суҳбатлашди. Фақат Нигора билангина гаплаша олмади, узоқдан бўлса-да уни кўрмади. Энди унинг учун шу ўй, шу матлаб ҳаётининг асосий мазмунига, ягона мақсадига айланиб бормоқда. Кун ўтган сари бу хаёл онгини тобора кўпроқ, чуқурроқ эгаллапти.

Раззоқ ака, гап-сўзига истаб-истамай русча сўз қўшаётган бўлса-да, қишлоқ ҳаётига оз-моз кўниккан эди, эгнига урушдан бурун кийган чопонини илиб, тез-тез унинг олдига ўтиб туради. Қишнинг узун кечалари иккаласи сандалнинг икки бурчагини олиб, Раззоқ ака билан бирга келган болалари, Нормуроднинг кенжа укаси Теша, Бону момо ва Малоҳатларни оғизларига қаратиб, уруш, унинг оғир оқибатлари тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришади.

Қиш бошланиб қишлоқда деярли иш тугаган, урушдан қайтаётганлар янги шароитга, мутлақо бекорчиликка кўниқолмай зерикар эди. Кечалари бир-бирларининг олдига чиқиб кўрган-билганлари тўғрисида, суҳбатдошга гап бермай мақтаниб ўтиради. Улар қўмондонларнинг исм-шарифлари, полк, дивизияларнинг русча рақамларини қироат билан айтиб, қолганларни мот қилиб қўйиш пайида бўлади. Ҳар бир аскар урушнинг энг қайноқ нуқтаси айнан ўзи жанг қилган жойда бўлганини исботлашга ҳаракат қилади.

Бу урушнинг даҳшатлари якун топиб, улар тўғрисидаги хотиралар ҳар қандай тарихий воқеада бўлгани каби ширин ўтмишга айланиб бораётган давр эди. Уруш ва унинг даҳшатли, ваҳимали бугуни тугаб, уруш романтикаси бошланаётган даврлар эди.

Бу хотиралар нима учундир вақт ўтган сари ўша жаҳаннамдан қайтганларнинг энг азиз, ширин ва кўп мурожаат қиладиган мавзусига айланиб боради. Бу каби эсдаликларни ҳали яна кўп йиллар давомида уруш қатнашчилари ўзларидан бошқа бирор инсонни тан олмай, ёшларни менсимай гапириб юради.

Раззоқ ака ва Нормурод иккаласи ҳам шундайлар тоифасидан, уларнинг бу мавзудаги гаплари гўё ҳеч қачон тамом бўлмайдигандай.

Бир куни пешинга яқин Нормурод айвонга чиқиб, қиш офтобига тобланиб ётган эди, Малоҳат кўчадан челақ кўтариб келиб қолди.

– Айтмабсиз-да, эна, ўзим олиб келиб берар эдим, – деди у ўрнидан истаб-истамай қимирлаб қўяр экан.

– Қўйсанг-чи болам, уят бўлади. Сен энди катта йигитсан...

Малоҳат шу гапларни айтиб томча ёққа ўтди. Челақларни қўйиб, орқага қайтар экан, шунчаки, зътиборсиз гапни айтаётгандай сўзлади:

– Нигора отасини кўргани келипти, ҳовли супураётган экан, кўрдим... Шу қиз билан кадрдон эдиларинг, а?

– Нима?! – Нормурод сапчиб ўрнидан турди. – Кептими?!

Шундан кейин бу ҳаракатидан ўзи уялиб, турган жойида каловланди.

– Кўчага чиқмоқчимисан? Чакмонинг уйда, миҳга осиглиқ,

– Малоҳат ҳеч нарса билмагандай ўтиб кетди.

Нормурод шошиб уйга кириб, токча ёнидаги миҳга осилган ҳарбий шинелини олиб эгнига илди ва оёғига кирза этигини кийиб, остонада бир-икки дақиқага тўхтади. У ёқбу ёғига қаради, бошидаги қалпоғини тўғрилади, шинелининг елкаси, этагига осилган гардларни қоқиб туширди. Назарида, уст-боши буткул кирга ботгандай, ўзидан ўзи ирганди. Бу аҳволда Нигоранинг олдига боришга уялди. Истаб-истамай кўчага чиқди. Раззоқ аканинг уйига кириб бориш муаммо. Назарида, одамлар дарров кўнглини уқиб оладигандай..

– Раззоқ ака, ҳов Раззоқ ака! – Нормурод дарвоза олдидан туриб бақирди.

– Ким?

Олдинига Нигоранинг кўнғироқдай овози эшитилди ва тезда ўзи ҳам кўринди. У ўнг қўлида супурги ушлаб олган, узун, қирқ кокил қилиб ўрилган сочлари халақит бермасин учун бошига, Марғилон дўпписи устидан ўраб қўйилган, эгнида енги узун атлас қўйлак ва унинг устидан қора бахмал мастакча кийган. Ниҳоятда гўзал! Келинлик зулфи лўппидай, силлиқ юзига ярашибди. Уни кўриб, Нормуроднинг юрагида бир нарса узилгандай бўлди. Шундай гўзал қизни қўлдан чиқариб қўйганига ачинди. Ҳозиргача унга Нигоранинг хотирасигина азиз эди. Энди эса...

– Мен... – деди Нормурод ва томоғига бир нарса тиқилгандай овози чиқмай қолди. Бир-икки дақиқа лол бўлиб Нигорага термулиб тургач, ўйлаб келаётган гапини давом эттирди. – Аррага келган эдим.

– Бу сизми?

Нигора унга яқинлашишни ҳам, яқинлашмаслигини ҳам билмай каловланди.

Ниҳоят келиб кўришиш учун қўл узатди.

– Яхши келдингизми?

– Яхши! – Нормурод унинг нозик қўлларини сиқиб кўришди. Бир хаёл маҳкам бағрига босмоқчи бўлди-ку, ҳадди сифмади. – Ўзинг қалайсан, ишларинг дурустими?

– Бир нави... Хабар олиб кетай деб келувдим, ховли қўқирсиб ётган экан, шуни супураётим эдим... Ичкарига киринг... Омон экансиз, худога шукр!

– Менга жин урармиди... – Нормурод кулмоқчи эди, кулолмади. – Тўй бўлибсан, деб эшитдим? Сал кутмапсан-да...

– Нормурод тўхтади, гапи таънадай эшитилганидан чўчиди.

– Озроқ кутганингда тўйингда ўзим ўйнаб берардим... Ваъда қилган эдинг-ку!?

– Шундай бўп қолди... – Нигора армон ва афсус билан бошини эгди. – Менинг ихтиёрим ўзимда эмас-да.

– Майли, бахтли бўлсанг бас...

– Шу-да...

– Куёв ким, мен танийманми?

– Танимасангиз керак, биз тарафларга илгари келмаганлар.

– Ишқилиб хурсандмисан?

– Билмадим... ўзингиздан гапиринг...

– Мен нимами гапираман? Германия ёқларни айланиб келдим, яраланган эдим, шунга сал олдинроқ жавоб беришди. Ҳаққулни Чеченистонга юборишди, кимлар Украинада, кимлар шарқда...

Нигора унинг гапини тушунмаса-да «Ҳа» деб қўйди.

Нормурод Нигоранинг акаси, уруш бошларида ўлган Пўлат тўғрисида гапирмоқчи, «Сўраб, суриштириб кўрдим, дарагини тополмадим», демоқчи бўлди-ю эски дардни янгилашни истамай индамай қўя қолди.

– Нимага кутмадинг, Нигора?! – сўради Нормурод тўсатдан. – Кутаман деган эдинг... Албатта, оилали қизга... аёлга... жувонга бунақа гапларни айтиш одобсизлик-ку, лекин сабабини билгим келаяпти... Билсанг, шу ердан чиққанымдан, қайтиб келганимча фақат сени ўйладим, ҳеч хаёлимдан чиқармадим...

– Билмадим, бунда айбим йўқ, тақдир шу экан, – Нигора ердан кўзларини ололмади.

– Ўлиб кетсин шу тақдир ҳам.

– Ундай деманг...

– Айтишларига қараганда, бу ишга раис аралашган экан, унинг нима алоқаси бор сенинг тақдирингга?

Нигора ўйланди. Унинг ҳам раисдан алами кўп, чамаси.

– У киши бунга тўртта қўй берган эканлар.

– «У кишинг» ким?

– Хўжайиним-да, – бу сўзни айтгунча Нигоранинг тили синиб кетгудай бўлди.

– Демак, сени тўртта қўйга сотиб юборибди-да Манноп чўлоқ? Сен ҳам қизик, ўзингни сотсалар индамай кетавердингми?

– Шунга ўхшайди... – Нигора айбдорона бўйин эгиб тураверди. – Лекин буни олдин билмаган эдим, тўйдан кейин у киши айтиб бердилар... Аммо сиз буни бировларга гапириб юрманг, мени шарманда қилиб... Сизни ўзимга яқин олганим учун айтаяпман...

– Нега унинг гапига кирдинг? Ўзинг билар эдинг-ку унинг ярамас инсон эканини?

– Қўлимдан нима келарди?!

– Ҳалиям кеч эмас... ҳаммасига тупуриб, ҳаётни бошқатдан бошласа бўлади.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз?

– Нимадан кўрқасан, мана мен бор-ку, ҳаммасини бошқатдан бошлаймиз.

– Ундай деманг... Мен сизни ҳурмат қиламан, ҳар доим эслаб юраман, лекин энди ҳаммаси бошқача... қишлоқда ёш, чиройли қизлар кўп, мана кўрасиз, бахтли бўлиб кетасиз. Менинг эса... болаларим бор, уларнинг ҳаёти нима бўлади? Ўғай бўлса ҳам энди шуларнинг увол-савоби бўйнимда.

Иккаласи индамай Нормурод Нигорага, Нигора ерга қараб туриб қолишди. Йигит тушкун кайфиятда. У шу ҳолича

ҳеч кимга керак эмаслиги, барча ўзидан ҳазар қилишини ўйлади ва кўнглининг бурчак-бурчакларида «Нега урушда ўлиб кетмадим экан?» деган пушаймонга ўхшаш савол пайдо бўлди. Бундан кейин нима иш қилиши, қандай ҳаёт кечирешини ўйлаб, ўйининг охирига етолмади. Назарида, Нигора билан бирга келажак ҳам барбод бўлган, ҳаммаси тугаган эди.

Нигора эса чексиз армонда. Бир томонда янги турмуши, иккинчи ёқда эса унга умидвор боқиб турган Нормурод. Унда ота феъли бор, шу ёшгача бировнинг кўнглини қолдирмаган. Билиб-билмай кимгадир азият етказса кўпроқ ўзи қийналади. Ҳозир ҳам ўзини Нормуродни алдаганликда, орзуларини оёқости қилганликда айблаб, пушаймонда. Бир тарафдан эса яхшими, ёмонми оиласи, ўгай бўлса-да болалари бор. Ўтган давр ичида хўжайини кўп эзгуликлар қилди, унга кўниқиб улгурди. У ҳам софдил инсон, кўнглини ранжитиб қўйишдан кўрқади. Ёш болага ўхшайди. Нигорасиз ҳоли нима кечади?

Нигора жим, Нормурод ўз ўйи билан, гаплашмаётган бўлса ҳам у мана шу дақиқаларнинг бир умрга чўзилишини истайди, негадир Нигора ёнида турганидан, унинг нафас олишини эшитаётганидан ва қўл узатса, билагидан ушлаш мумкинлигини ҳис қилаётганидан хурсанд.

– Энди мен нима қиламан? – деди ниҳоят Нормурод сокин овозда.

– Сиз яхши одамсиз... Мана кўрасиз, ҳали сизга қишлоқнинг манаман деган қизлари тегади.

– Гап бунда эмас...

Нормуроднинг гапи оғзида қолди. Айвондан жажжи Умида чопиб келган эди:

– Бийи, ичкарига кирмайсизми?

– Бу чиройли қизча ким бўлди? – Нормурод ўзига келиб Умидага қаради.

– Бу менинг эрка қизим, – деди Нигора.

Нормуродга ўзи ҳам ҳали қизча бўлган Нигоранинг гапи эриш туюлди.

– Ажойиб экан... – Нормурод гапини йўқотди. – Майли, мен борай бўлмасам... Раззоқ ака уйдаמידди ўзи?

– Қайгадир чиққанлар... Аррани олиб кетмайсизми?

– Майли, керак эмас... кейинроқ келарман... – Нормурод каловланди, бир Умидага, бир Нигорага қаради. – Келган-кетганда бизнинг уйимизга ҳам кириб тур, бегоналашиб кетма...

– Умида, сен уйга боравер, мен ҳозир кираман... – деди Нигора қизчани туртиб ва Умида ичкарига чопқиллаб кириб кетди. – Албатта бораман, сиз ҳам ўтганда кириг...

Нормурод бурилиб куча тарафга юрди, негадир қадам боскиси келмай, уч-тўрт одим нарига бориб тўхтади, орқасига қайрилди. Нигоранинг бегонага айланиб қолгани алам қилмоқда. Бирга ўйнаб, бирга улғайган икки инсоннинг мана шундай — бир-бирини танимайдиган, билмайдиган, орада ҳеч қандай ришталар бўлмагандай хайрлашиши юрагини ўртади. Қанчалар меҳрибон эди Нигора?! Илгари ораларидан қил ўтмасди, барчаси бир умр шу ҳолича қоладигандай эди. Бироқ нега ҳаммаси тескари айланиб кетди? Нега Нигора бегона бўлди? Наҳотки, энди бир умр бегоналардай, кўрганда, кўча-кўйда учрашиб қолганда қўрқа-писа сўрашиб ўтиб кетаверса? Наҳотки, энди уни Нигоранинг меҳрига ҳаққи йўқ?!

– Сен барибир яхши... инсонсан, Нигора... Нима бўлса ҳам бегона бўлиб кетма, илтимос. Ёшлигимизни унутма, Нигора...

– Албатта...

Нормурод ўгирилди-ю тез-тез юриб чиқиб кетди. Унинг юраги юлдузсиз, ойсиз тундай зимистон эди.

Уруш тугаган, бироқ шароит оғир, ғалла етишмайди, урушдан қайтганлар тўсатдан бошқа оламга тушиб қолгандай, нима қиларини билмай сарсон юрибди. Маматқулнинг Шаҳрисабз ёқларда, Бештерақ деган қишлоқда узоқ қариндошлари бор экан, бир-икки шу тарафга ўтиб, ғалла кўплигини билиб қайтди. Гап бу ёқдан сотиш учун нима олиб боришда. Урушдан қайтган йигитлар, Маматқул, Жаббор, Нормурод бирлашиб ҳолва қилишни ўрганди, Ургутнинг бозоридан ун, шакар, қишлоқ одамларидан эса қарзга кунжут олиб ҳолва қилиб, эшакларга ортиб, Тахтақорача довонидан ошиб, Шаҳрисабзга бориб, донга алмаштириб кела бошлашди. Шу билан кўпгина оилалар қишдан эсон-омон чиқиб олди. Эрта баҳорда эса экин-тикин ишлари бошланди.

Манноп раиснинг колхоздаги мавқеи яна-да ошди. Уруш йилларида бақир-чақирнинг ҳадисини олган инсон энди ундан воз кечолмайди. У одамларга иш меъёрларини белгилаб беради, бажармаганларни кундалик овқатдан маҳрум қилади. Бу қаттиққўллиги дастлаб урушдан қайтган эркакларга маъқул келмади, бироқ вақт ўтиб улар ҳам шунга

кўниқди. Ёдгорни эса ваъда берганидай бригадир қилиб тайинлади. Бу йигит унинг қаттиққўллик сиёсатини давом эттириб, ишчиларни аёвсиз ишлатар эди. Раиснинг талаби шу.

Баҳорнинг охирларида урушдан қайтган Нурилла Санамга уйланиб, тўй бўлиб ўтди. Келин ўн кун давомида далага чиқмади. Қишлоқ этагига экилган ғўзаларни ёввойи ўт босган, зудлик билан чопиқдан чиқариш лозим эди. Санам Ёдгорнинг қистови билан ишга чиққандан кейин ҳам, кечикиб борадиган, қуёш анча кўтарилганидан сўнг барчанинг кўзини ўйнатиб келадиган одат чиқарди.

– Эй, сен, келин бўлсанг қайнонангга келинсан, давлат учун колхозчисан, тушундингми? Ишга барча қатори чиқиб, барча қатори кетасан, билдинг?

– Майли, майли, эртага вақтида келаман. Бугун озроқ иш чиқиб қолди. Шунга сал кечикдим, узр! – Санам бир кун узр сўради.

Эртаси куни яна кечикиб келди. Ғўзалар ўталаётган ва ишнинг кетиши суст эди, бунинг учун Ёдгор кеча қуролдош дўстидан анча дакки эшитиб олди.

Санам эса ишга кечикиб келишда давом этмоқда. Бир куни Ёдгорнинг сабри тугади. Барча аёллар ишга киришган, Санамдан дарак йўқ.

– Бу, Нурилланинг хотинчаси келмадимиз ҳали? – сўради у аёллардан.

– Йўқ, – аёллар қиқирлаб кулди.

– Бир келин шу бўлди-да, – деди ғазаб билан Ёдгор. – Гаплашиб қўймасамми.

Қишлоқ тарафдан аёлнинг қораси кўринди. Ёдгор уни сабрсизлик билан кутди ва ниҳоят бошига қизил дурра ўраган, олифта кийинган Санам яқинлашди.

– Яна нимага кечикиб юрибсан? – ўдағайлади Ёдгор узоқдан.

– Рўзғор ишлари кўпайди.

Ишга кечикиб келиш одат тусига кирганми, бу сафар Санам эътиборсиз, менсимайроқ гапирди.

– Бу рўзғорда иш тугайдими, йўқми?

– Тугамайди, шекилли.

Ёдгор хокисор, бировга қаттиқ гапирмаган қиз эрга тегиб ўзгарганига ҳайрон бўлди. У совуққонлик билан гапираётган эди, гапида айбдорлик ҳисси йўқ, қайтанга менсимаслик оҳанги бор. Ноз билан юриши ҳам Ёдгорнинг ғазабини кўзгади. Унингча ҳозиргидай оғир шароитда аёллар бундай

ясан-тусан билан карашма килиб юрмаслиги лозим. У анчайин рашкчи инсон.

– Мен тугатиб қўяман... – Ёдгор ўдағайлаб оти билан унинг тепасига бостириб борди. – Виждон борми сенда, энанг тенги аёллар сахардан бери ишляапти, сен эса жилпанглаб пешинда келасан, бу катта холангнинг томорқаси эмас, колхознинг юмуши.

– У киши айтдиларки, дўқ уришга ҳаққингиз йўқ экан. Ўзим гаплашиб қўяман, дедилар.

Ёдгор англадики, Нурилла хотини қулоғига алламбало гапларни қўйиб онгини бузган. Ким билсин, нималар деб валдираган. Эҳтимол, «Бу аҳмоқ Ёдгорнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, сен ундан кўркма», дегандир. Балки «Мен қишлоқ советида ишлайман (Нурилла урушдан қайтгач, саводхонроқ, билимдон сифатида қишлоқ советига котиб лавозимига ишга олинган) бунақа бригадирчаларни бир деганда эзиб, янчиб ташлайман», дегандир. Бўлиши мумкин. Акс ҳолда Санам ўз-ўзидан бурнини осмонга қўтариб олмасди. Ёдгор уни ёшгина кизалоқлигидан билади, бунақа одати йўқ. Энди ҳукумат одамига эрга тегдим, деб ҳеч кимни менсимай қўйибди.

Ёдгор ўз ўйларидан газаби қайнаб, қўллари қалтиради. Бунақа одат унга урушдан мерос. Жаҳли тез чиқади ва ўзини туюлмайди. Ҳозир ҳам кўзига ҳеч нарса кўринмаяпти. Олдин ҳам бир-икки Нурилла билан сан-манга бориб қолган, унинг ўқимишлиман, деб бошқалардан ўзини баландга олиб юришини ҳазм қилолмас эди.

Энди ўшаларнинг барчаси бир бўлиб, онгини туман босди. Санамнинг тепасига келиб, қўлидаги қамчи билан елкасига солди. Келинчак кутмаган эди, чинқириб юборди. Кетмон чопаётганлар ўгирилиб, нима қиларини билмай қолди. Ёдгор ўзини идора қиладиган аҳволда эмас, қўлидаги қамчи билан Санамни савалайверди. Келинчак бир-икки одим нарига чопиб борган эди, Ёдгор оти билан қувиб етди. Қочиб қутулолмаслигини англаган жувон ерга ётиб олди. Қамчи аёвсиз тарзда тушаётган эди.

Санам ҳам барча аёллар каби калтақдан аччиқ гап қутқариб қолади, деган хаёлда эди ва тинимсиз бақириб, гоҳ чийиллаб, Ёдгорнинг уруғ-аймоғигача қўймай қарганди. Бу Ёдгорни баттар газаблантирди. Отдан тушиб уни ётган жойида тепкилади. Агар аёллар келиб, ушлаб қолмаганида ўлдириб қўйиши мумкин эди. Аёллар уни тортиб олиб кетишгунича, Санам анча тепки еди ва тупроққа беланиб қарғана-қарғана уйига қайтиб кетди.

Ёдгор шу ишни нотўғри қилгани, жаҳл келиб, ақл кетгани кейинроқ англади, пушаймон қилди. Лекин қап-қатта эркак анави аҳмоқ Нурилланинг хотинига ялиниб бормайди-ку, ор билади. Ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутди. Ҳаммаси эртага ёки индинига маълум бўлади.

Шу куни уйга анча кеч қайтди, ўйлагандики, Нурилланинг уйдан кимдир келиб онасиними ёки Ризвонни (у сал илгарироқ қайтган) бошини қотириб ўтирган бўлса керак. Бироқ адашган экан, дарвозадан кириб одатдагидай жимжитликни ҳис қилиб, кўнглига хавотир чўқди. Уйига келишмаптими, нияти бошқа. Шунча калтак ва шармандагарчиликдан кейин индамай кетаверадиган одам эмас бу Нурилла. Ўзини ўқимишли одам кўрсатиб, судбозлик қилиб юрса-чи?!

– Болам, шу ишинг керак эмас эди, – деди уни кўриши билан Матлуба хола.

– Келинингиз кела солиб суюнчи олдимиз? – Ёдгорнинг кайфияти йўқ.

– Айтди-да, нима индамай юравериши керакмиди? Мен ҳозир бориб Санамни тинчлантириб келаман. У тушунган келин, гапимни икки қилмайди.

– Йиғиштиринг бунақа бўлмаган гапларни, обрўни тўкиб нима қиласиз? Мен ҳукумат одамиман, қилаётган ишимга ўзим жавоб бераман. Ҳеч нарса бўлмайди, ваҳима қилманг.

– Унда нега кайфиятинг йўқ?

Матлуба хола содда аёл эмасми, давлат одами нима иш қилмасин, барчаси тўғри ва ҳақ деган фикрда эди. Шу сабабли ўғлининг гапига лаққа ишонди.

– Ўзим... бугун жуда чарчадим. Дам оламан...

Ёдгор ичкарига кириб кетди. Бироқ шу ўй, шу хавотир билан тонггача тўлғаниб чикди. Ўзига ўзи тасалли берай дейди, чорасини тополмайди. Барча сабаб ва баҳоналари бир пастда тумандай тарқалиб, аёлни калтаклаган аҳмоқ эркак сифатида суд олдида қалтираб турганини ҳис қилиб юраги увишади.

Эртаси куни яна Санам ишга бормади. Йўлга қарайвериб, Ёдгорнинг кўзлари тўрт бўлди. Пешинга бориб, кимдир гап топиб келдики, Нурилла хотинчасини етаклаб Ургутга кетган эмиш.

«Бошланди... – ўйлади Ёдгор. – Мени отиб ташлармиди? Шунча ўлимдан қайтиб, энди бир аёлдан кўрқаманми?..»

Орадан уч кун ўтди. Воқеа Ёдгорнинг хаёлидан кўтарила бошлаган эди, энди бунинг учун ҳеч ким койимаслигига ишониб қолди. Бироқ...

Эрталаб Маннол раис отдан тушмай кўчадан туриб бакирди:

– Ёдгор, ҳой Ёдгор!

– Сизни раис чақираяпти, – деди дарвоза яқинида, ўчоқда обтовада чой қайнатаётган Ризвон айвонда этигини кияётган эрига.

– Нима керак экан, туш кўриб чиқибдими мени? – Ёдгор ўзига ўзи гапириб кўчага чиқди.

– Сен галварс нима иш қилиб юрибсан ўзи? – ўдағайлади унга раис кўришиш учун қўл узатар экан.

– Отдан тушинг. Ичкарига киринг. – Ёдгор каловланди, англадики, гап ўша кунги воқеа тўғрисида кетаяпти.

– Тушиб нима қиламан, отингни эгарла, Ургутга борамиз, райкомга чақиршаяпти...

– Тинчликми?

– Буни энди сендан сўраш керак... Бир аҳмоқнинг хотинини уриб, энди мендан «Тинчликми?» деб сўрашинг қизиқ... Сенинг ҳам ҳушинг йўқми, нима бало? Урсанг, ҳеч кими йўқ, кўчага чиқолмайдиганнинг хотинини урмайсанми, индамай, бу ҳукуматнинг бўлиши шу экан деб ўтиравермайдими. Келиб келиб селсоветда ишлайдиган, қонун-қондани тушунадиганнинг хотинини дўппослайсанми? Энди булар ҳаммаёққа жар солиб ваҳима қилиб юборади, туғилганинга пушаймон бўлиб кетасан... Икки ўртада мени ҳам тинч қўйишмайди.

Ёдгор Маннол раиснинг жазавасидан тушундики, аҳвол оғир.

– Судга берибдими? – сўради у хавотир билан.

Орқасидан сўкиниб ҳам қўймоқчи эди-ку раис йўл бермади:

– Тез бўл, отланиб чиқ, нима бўлганини йўлда айтаман...

Уйдагиларга ваҳима қилиб ётма...

Ёдгор хотини ва онасига ҳеч нарса демай, отини етаклаб ташқарига чиқди. Улар иккаласи Ургутга жўнади.

– Бу аҳмоқ Нурилла ўтган куни хотинини етаклаб райкомга борипти. Бўлган, бўлмаган гапларни саситиб, колхознинг шаънини ерга уриб кепти. Шунга бугун эрталабдан менга сени етаклаб боришни топширишган.

– Қамаб қўйишмайдими? – Ёдгор хавотирланди.

– Билмадим, шунчаликка боришмас...

– Нурилляям ҳезалакми, нима бало? Шунақа нияти бор экан, келиб ўзим билан гаплашмайдими. Ҳаммасини эркакча ҳал қилмаймизми...

– Бу зиёли халқидай аҳмоғи бўлмайди, Ёдгор. Урушдан олдин буларнинг уруғини қуритиб Сталин бобо тўғри қилган...

бўлмаса эркакнинг ишими шу — хотинини етаклаб райкомга бориш. Қишлоқчилик, эртага кўз-кўзга тушади, деган андиша ҳам йўқ буларда.

Иккаласи Нурилла ва хотинининг ғийбатини қилиб, Ургутга райком биноси олдига келди. Отдан тушиб, уларни шу ердаги чинорларга боғлаб, қоровулга қараб туришни тайинлаб ичкарига кириб кетди.

Райком котиби шу ерда экан, куттирмасдан қабул қилди.

Унинг хонаси катта эмас. Лозим даражада жиҳозланган. Стол-стуллар бироз униққан эса-да, анча салобатли, хонанинг иккита кўчага қараган деразасига кўк шойидан парда тортилган, деразалар остига қатор қилиб ўндан ортиқ стул терилган.

Райком котиби тўрда савлат тўкиб ўтирибди. Эғнида ҳарбий тусдаги, тепадан иккита тугмаси ечилган ёқасиз кител, кираверишдаги кийим илгичда қора тусдаги пальто ва ўрисча шапка илинган. Райком котибининг ўзи эса бошланг ўтирибди, калта сочлари сийрак экан, шапканинг остида юравериб, қуёш тегмай оқарган жойлари ялтиллаб кўринади.

У булар иккисини ўрнидан ҳам турмай, менсимайгина қабул қилди ва қўли билан дераза остидаги стулларни кўрсатиб, «Ўтиринглар», деди.

Важоҳатини кўриб, Ёдгорнинг нафаси текилди, ҳатто тирик қолиши номаълум бўлган, энг оғир жангларга кираётгандаям бунча чўчимаган, ҳаяжонга бормаган. «Тамом, — деб ўйлади. — Булар шунчаки уришиб қўйиш учун чакирмайди. Бекорга онамни огоҳлантириб келмаган эканман».

— Хўш, ўша, аёлларни ургич полвон шу бўладими, Манноп Матлабович? — деди кесатиб котиб.

— Шу, — деди Манноп раис қисқа қилиб.

Бундан Ёдгорнинг таъби тирриқ бўлди.

— Нимага аёлларни урасан? — бу сафар котиб ғазабланиб бақириб сўради.

— Шундай бўп қолди.

Ёдгор шарт ўрнидан туриб ҳарбийчасига қисқа, баланд овозда жавоб қайтарди. Котиб унинг эски униққан ҳарбий кийимларига қараб, бироз сукутга чўмди.

— Урушдан қачон қайтган эдинг?

— Олти ой бўлаяпти.

— У ёқда қанча бўлдинг?

— Деярли бошидан охиригача...

Ёдгор тўхтади. Унинг гапини оғзини тўлдириб Манноп раис давом эттирди:

– Урушнинг бошдан оёғигача қатнашган, олдинга мен билан бирга жанг қилди, яраланиб қайтдим, у Берлингача борган, кейин япон урушида бўлган. У ерда ҳам анча-мунча уришиб, ўтган тирамода қайтиб келди. Кўп нарсани кўрган, уч-тўрт яраланган, «Қизил байроқ», «Қизил юлдуз», «Ватан уруши» орденларини олган, медалларининг эса саноғи йўқ. Салкам қахрамон... Бизнинг қишлоқда «Қизил юлдуз» орденини фақат икки киши олган, бу билан Равшан деган йигит.

– Коммунистмисан? – котибнинг нафаси ичига тушиб қолгандай эди.

– Албатта, коммунист... – Манноп раис ҳужумкорликни давом эттирди. – Партбилетни қон билан ювиб олган, урушда олган.

– Ҳимм... – Котиб нима дейишини билмай жим қолди. – Шунча ҳурматли одам экансан, лекин қилиб юрган ишинг на товоқда туради ва на қошиқда.

Ёдгор бунақа давраларда нима деб гапиришни билмайдди, имдод кутиб Манноп раисга мўлтираб боқди.

– Энди, интизомни шу тарзда ушлаб турмаса бўлмайди-да, Райком бова, – деди Манноп раис босиқлик билан.

– Бу одамларга зуғум қилмасангиз бошга чиқиб олади. Ҳозир замон оғир, шароит оғир. Халқни ишлатишнинг ўзи бўлмапти.

Котибнинг ўзи ҳам шароитни билади, чамаси, оғир ҳўрсинди:

– Лекин одамларни калтаклаб ишлатиш бобомнинг замонида қолиб кетган, шу эсларингдан чиқмасин. Ҳозир социализм, уларни алдаб йўлга солиш керак.

Шундан сўнг котиб яна анча насиҳат қилиб, буларга бугунги кун сиёсатининг ўзига хосликлари, яхши раҳбар бўлишнинг айрим жиҳатлари тўғрисида тушунтирди. Гап орасига таъсирлироқ чиқсин учун ўрисча «мат» билан, ўзбекча «онасини...»дан қўшиб-қўшиб турди.

– Агар яна шунга ўхшаш ҳолат такрорланса, анави ҳезалак яна шикоятбозлик қилиб келса, ҳеч нимага қараб ўтирмайман, на орденингга, на урушда бўлиб келганингга ва на коммунистлигингга. Қаттиқ жазолайманки, туғилганингга пушаймон қиласан. Тушундингми?

– Тушундим!

– Тушунган бўлсанг дуруст, қишлоғингга бориб ишингни қилавер. Фақат, энасини.., коммунист дегани барчага ибрат бўлишини унутма... Манноп, бир нарсани эсингдан чиқарма, сени орденга тавсия қилганмиз, ҳужжатлар Москвага кетган. Мени ёки Обком бовани

шарманда қиладиган бирор ишга йўл қўйсанг, энангни учқўрғондан кўрсатаман.

Иккаласи ўн марталаб раҳмат айтиб, орқаси билан тисралиб, ташқарига чиқди.

– Эй, яшанг-э, Манноп ака! – деб юборди улар анча нарига борганларидан сўнг Ёдгор. – Мен бу аниқ қамаб қўйса керак, деб ўйлаган эдим, кирганимиздаги важоҳатини кўрдингизми, кўрқиб кетдим.

– Ҳар жойнинг ўз сўзлашув услуби ва ҳар жойда айтила-диган ўз гаплари бор. Шу нарсани билиб олсанг, хор бўлмайсан. – Манноп раис мақтанди. – Булар билан гаплашавериб, кимнинг олдида нима дейиш керакяигини сув қилиб ичиб юборганман.

– Яхшиям сиз билан келиппан, бўлмаса аҳволим чатоқ экан. Довдираб у-бу бўлмағур гапларни айтиб қўяр эдим.

– Шунинг олдиндан билганим учун бирга келдим-да, бўлмаса шарт эмас эди, колхознинг иши бошдан ошиб ётибди, булар ҳам ўзини юборинг, бир гаплашиб қўямиз, деган, холос.

– Раҳмат, катта ёрдамингиз тегди, – Ёдгор хурсанд. – Балки бир шашликхўрлик қилармиз, яна қачон Ургутга келиб юрибмиз-у қачон хурсандчилик қилиш имконияти туғилади.

– Иш кўп эди-да, – раис шунчаки ноз қилди.

– Қочиб кетармиди шу колхоз, бир соат олдин эмас, бир соат кейин...

– Майли, кўп қўймадинг.

Иккаласи отларини етаклаб сал қуйроқда, анҳор ёқасидаги чойхонага борди.

Баҳорнинг сўнгги кунлари эмасми, анҳор пишқириб оқмоқда, тоза ҳавога чойхонадан кўтарилаётган кабоб ҳиди қўшилиб, иштахани китиқлайди.

Иккаласи кичикроқ, ёғ тўкилиб қалин кир қоплаган шолча ва кўрпача солиб қўйилган каравотга ўтириб, кабоб келтиришни тайинлади.

– Бу тарафларда Тойлоқнинг қўлбола виносидан сотишадди, деб эшитдим, ростми? – сўради Ёдгор маънодор қилиб.

– Ҳукуматнинг домидан соғ чиққан имни ювсақ деган эдим.

– Топса бўлади... – раиснинг ҳам томоғи тақиллаб турган экан, чамаси. – Бу ерга кўп келамиз, йиғилишдан сўнг чиқиб эшитган сўкишларнинг аламини шу ердан олиб кетамиз, ҳозир чақираман.

Чойхоначи йигитча тезда уларнинг олдига икки дона нон, пиёз, жумраги чегаланган чойнақда вино келтирди.

– Урушда беришадиган ароқ зўр эди-да, а, – деди ширин антикиб Ёдгор. – Ўрислар яшашни билади, уларнинг самагонидан бир сипқорсанг, дунёни сариқ чақага ҳам олмай қоласан... Сиз ишонмаслигингиз мумкин-ку, лекин урушнинг ўзига яраша жозибаси бор эди...

– Яна қанақа жозибба?! – Манноп раис ташаббус кўрсатиб, винони сопол пиёлаларга қуйди. – Тирик қутулганингга шукр қилсанг-чи.

– Билмадим, балки мен аҳмоқдирман... – Ёдгор ўйланди. – Қишлоқ тузук, албатта жонажон ватанингга етадигани борми бу дунёда... Лекин урушда ҳеч нарсадан кўрқмасдим, тақдирга тан берган эдим. У ерда кун ўтса бўлди, бир кунни ўлмай ўтказсанг, шунинг ўзи байрам. Бу ерда бошқача. Бунда куннинг ўтганига севиниб бўлмайди. Бу ерда севишиш учун минглаб нарсаларга эришишинг, босиб ўтишинг керак... Кейин бу ерда одам кўрқоқ бўлиб қолар экан. Шунча йил урушиб, шу бугунгидай чўчимаган эдим. Билмадим нимадан экан.

– Бу ерда қонун-қоида бошқа, ука, – раис пиёлани унга узатди. – Урушда ўз жонинг учун ҳаракат қилар эдинг. Бу ерда эса бунақа эмас, бунда барча қариндошларинг, яқинларинг учун кўрқасан, уларнинг ҳаёти, тирикчилиги учун чўчийсан, менга бир гап бўлса буларнинг ҳоли нима кечади, деб хавотирланасан... Бу кўрқоқлар ҳали нима эмиш... қайтган ойларим мен ҳам тинчлик шароитига кўникилмадим... Манавини ол, бу нафақат урушда, балки тинчлик шароитида ҳам асқотади.

Иккалалари бир пиёладан винони сипқориб, аччиқ-аччиқ пуфлаб, пиёздан кавшанди. Ёдгор нонни майдалаб, раисга манзират қилди:

– Олинг, бўлмаса бошни айлантиради.

– Бу ернинг винолари кўпроқ оёқдан олади. Ўриснинг самағони бошга тепар эди.

– Ҳа.

Ёдгор раисга миннатдор нигоҳлар билан қараб кавшанишда давом этди. Мўйлови мўрт урган чойхоначи йигитча, кабобни кўрага қўйиб пиширгунча булар иккиси бир чойнак винони ичиб бўлди ва тиллари чулдираб қолди. Ургутча қийма кабоб келтирилганда, дастурхонда тўртбеш паррак пиёз ва озроққина нон бурдалари сочилиб ётар эди.

– Манавининг ости тешик экан, ҳаммаси оқиб кетди, – деди раис йигитчага чойнакни тутқазар экан. – Бор, яна тўлдириб кел.

Чойхоначи тиржайиб қайтди. Бу иккиси эса «олинг-олинг» қилиб кабобга қўл чўзди.

– Ўйласам кўрқиб кетаман, – деди Ёдгор бироз қорни тўйиб қолгач. – Бир ёқда Европанинг нариги чеккасигача, бу ёқда эса нақ Япониягача бориб келдим, ҳатто одамнинг хаёлига ҳам сиғдириб бўлмайдиган масофалардан ўтиб тирик келдим, а, Манноп ака?! Ҳеч қачон ишонмаганман уйга тирик қайтишимга.

Ёдгор маст бўлиб қолган ва эҳтиросларга берилмоқда эди.

– Энди уруш урушда қолди, – деди Манноп раис унинг гапига ғашли келиб. – Бу ёғини ўйлаш керак, тирикчиликни кўриш керак.

– Қолиб кетмади, ака, уруш қолиб кетмади. Мен билан, менинг кўнглим билан қайтиб келди. У шу ерда, – Ёдгор ўнг қўлини мушт қилиб, кўксига урди. – Уни сира-сира унутиб бўлмайди. Бу хотиралар мени гўрга тикқунича тинчлик бермайди...

– Мана мен деярли унутиб юбордим-ку.

– Сизнинг йўригингиз бошқа. Тўрт ёки беш даъфа жангга кирдингиз, холос. Кейин бахтингизга оёқдан айрилиб бўлса-да, орқага қайтдингиз. Тўрт-беш жангда одам урушнинг нималигини тушунмас экан... Ўшанда, биз билан урушни бошлаганлардан, ишонасизми, йўқми, билмайман-у, лекин бирортаям тирик қолмади. Барчаси ўлиб кетди. Битта қолмай ўлди. Бахтим чопдим ёки худо бу ерда бажаришим лозим бирор ишни тайин қилиб қўйганми, омон қайтдим. – Ёдгор шу гапларни айта туриб тўлқинланди. – Сиз бунини тушунмайсиз, ака! Сиз тўрт йил ажал комида юриш нима эканини билмайсиз!! Минг марталаб ўлимнинг оғзидан қайтиб келиш нима эканини барибир тушунмайсиз... Шу айтаётган гапингизни охирига етказиш имкони борми-йўқлигини билмай, ҳаяжонланиш, шошиш нималигини барибир тушунмайсиз. Тўрт йил... Тўрт йил шундай яшадим. Тўрт йил ҳар сонияда жонимга тажовуз солишга тайёр ажал билан бирга бўлдим, тўрт йил ўнг келгани ҳаманоқ баданимга санчиладиган қайноқ кўрғошинлар ичра яшадим. Тўрт йил жуда узоқ муддат, Манноп ака, жуда узоқ! Бу ерда — тинчликда билинмайди, лекин у ёқда бир соат яшаш ҳам бахт эди... лекин мен ўлмадим...

Ёдгорнинг эҳтиросли гаплари Маннопга ёқмади. Боягина бир иш қилиб қўйган бола каби жим, нафаси чиқмай ўтирган эди. Энди ичига озроқ иссиқлик кириб чулдира-япти. Айниқса, «Сиз тушунмайсиз», дегани раиснинг

иззат-нафсига тегди. Раиснинг ҳам кайфи бор эмасми, бир-икки тишлари газиллаб, «Сен аҳмоқ урушда юрганнингда мен хотининг билан ялло қилганман», демоқчи ҳам бўлди-ю ўзини зўрга тийди.

– Ука, майли сен урушда ҳаммадан кўп бўлгансан, лекин бу ердагилар ҳам бурга кўриб, бит боқиб ўтиргани йўқ.

Раис Ёдгорга ола қараш қилди. Бироқ йигит ўз хис-туйғулари комига кўмилган, ён-атрофдагиларни пайқайдиган ахволда эмас.

– Турди деган ўртоғим бор эди. Жуда қалин эдик. Ўзи Қашқадарёдан, бир-биримиз билан аҳдлашиб, ким уйга омон борса, фарзанд кўрса, исмимизни берамиз, деб ваъдалашган эдик. Бир марта, шу нарса ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, урушда, окопда ётганимизда, ёнгинамизда бир бомба портлади, билмадим, шу йигит атайдан мени сақлаб қолмоқчи бўлдими ёки тўлқин улоқтирдими, устимга ётиб олди. У ўлди, мен контузия бўлдим...

– Айрим одамлар сенинг урушни бошидан оёғигача қатнашиб тирик қолишингга шубҳаланади... – Манноп раис тагдор гапирди.

– Ким?!

– Айримлар-да, тунов кун қулоғимга бир гап киргандай бўлувди... – раис аниқ жавоб беришдан чўчиди.

Ёдгор ўйга чўмди. Ва ниҳоят:

– Тирик қайтган эканман, демак бунинг бир сабаби бор. Бу ерда нимадир қилинмаган ишим қолган бўлса керак-ки, қайтиб келганман... – деди сўнг бироз пастроқ овозда давом этди. – Аммо шуни билиб қўйинг, айримларга ўхшаб ўликлар остига яширинмадим, ўлимдан қочиб юрмадим...

Манноп раис жим бўлди, Ёдгорнинг чираниб мақтаниши унга ёқаётгани йўқ, ўзини зўрга тутди. Ёдгор ҳам бир-икки сония ўйга чўмиб раисга қаради ва боядан бери унга гап бермаётганини англаб сўради:

– Урушдан қайтиб, бу ерларда нима ишлар қилганингизни сира айтмайсиз. Сиз ҳам бекор юрган бўлмасангиз керак.

– Бизники сеникичалик эмас, – деди кесатиб Манноп, бироқ буни Ёдгор англамади. – Ер ҳайдадик, дон эдик...

Манноп ўйланиб турди ва мақтаниб қўйгиси келди:

– Лекин шу колхознинг чиройли жувони борки, кўпини «кўриб» чиқдим.

– Қайси маънода? – Ёдгор унинг бу гапига унча эътибор бермади.

– Қизиксан-да, Ёдгор, наҳотки шуни ҳам билмасанг.
– Ҳаммасини-я? – Ёдгор ажабланди, ишонқирамади.
Аввалдан билади, бу инсоннинг ошириб гапириш одати бор.

– Иложи бўлганларини, – деди озроқ паст тушиб раис.
– Ҳа, сиз ҳам қўймайсиз... – Ёдгор кулди. – Уша, урушда чоғингизда ҳам фақат аёллар тўғрисида гапирар эдингиз. Хафа бўлманг-ку, биров ғарлигингиз бор.

– Ҳаёт шу бўлса менда айб нима? Урушда кўрдим, одамнинг ҳаёти ҳеч нарса эмас экан. Имкон борида замлаб қолмоқчи бўлдим. Мана, энди эркаклар урушдан қайтгач, бегона аёлларга яқинлашиб ҳам бўлмайди... ўзинг ҳам у ёқларда бекор юрмаган бўлсанг керак, айтишларига қараганда немисга борган аскарларга барча нарсага рухсат бериб қўйилган экан...

Раис шум нигоҳларини Ёдгорга қадаб айёрона тиржайди.
– Бўлмаган гап. Биз ҳам бошида шундай бўлса керак деб ўйлаган эдик, лекин ғалабадан кейин янги қонун чиқди, кимки немис аёлларига тегинса, яна беш йил хизмат қилиб беради, деган. Кимга керак яна беш йил шу ёқларда юриш... Лекин немис оилаларидан тилла соатлар, қимматбаҳо нарсаларни тортиб олган аскарларни кўрдим. Аскарлар аёлларни деярли ечинтириб кўздан кечиран эди... ўзимнинг эса бунақа ишларга қўлим бормади. Фақат тилларини билмаганим учун сут керак бўлиб қолса, автоматни ўнглаб олар эдим, тилини билганга сўраса сут беришади. Кейин мен у ерда кўп бўлмадим. Дивизиямизни эшелонларга ортиб, тезда шарққа олиб кетишди.

Орага жимлик чўкди.

– Эй, мен сиздан сўрайман деб юрибман, – Ёдгор суҳбат мавзусини енгилроқ соҳага бурди. – Қосим орқасидан яраланиб қайтибдими? Ҳойнаҳой, шу орқага қочаётганда ўқ еган.

– Билмадим, – Манноп Ёдгорнинг меровлигидан кулди, бир жиҳатдан унинг боя қизигида билмай айтиб юборган гапига зътибор бермаганига хурсанд эди, – ўзининг гапича бошқача бўлган.

– Ўзи айтаверади-да. Ана, иккинчи Ҳазратқулнинг орден ва медалларини кўрдингизми нечта? Бунақаси қаҳрамонларда ҳам йўқ. Ҳойнаҳой, шу ўликларникини териб олган бўлса керак.

– Бунисиниям билмайман, ҳужжатини кўрсат десак, урушда ёниб кетган дейди, балки ростдир, балки алдаётгандир... Лекин нариги Ҳазратқул бечора урушда бир

ойча бўлиб қахрамонларча ўлибди. «Қахрамон» беришлари керак экан-ку, лекин ўрислар гайирлик қилган эмиш... «Ўзбекнинг генерали бизнинг обрўйимизга соя ташлаши мумкин», деб Собир Раҳимовни ҳам шулар ўлдириб юборган дейишади.

– Билмадим, бўлиши мумкин. Бу урушни ўрислар ўзиники деб ҳисоблар эди. Лекин улар урушда ҳақиқатан ҳам жонбозлик қилди, ўлимга тик қараб кетаверар эди. Қанчаси шу ҳолда жонини Азроилга топширди.

– Ўзимизнинг Азиз бор-ку, ўша власовчи экан, – Манноп раис гапни қишлоққа қайтариб олиб келмоқчи бўлди. У бир нарсани — уруш кишилари олдида урушдан гап очилса, тўхтамай гапиришларини билади. Бу мавзу унинг ўзига ёқмайди. Бу тўғрида гап кетса ўзини қочоқдай ҳис қилади, ўнғайсизланади. – Ҳали урушдан келгани йўқ. Давлат қамаб қўйган эмиш, гап-сўзларга қараганда немислар сув бостириб юборган шахталарни тозалаб, айбини юваётган эмиш...

– Власовчилар тўғрисида эшитсам, қўлларим қалтираб кетади, вэй, агар Азиз қайтиб келадиган бўлса ўзим ўлдириб қўйсам керак.

Шу билан суҳбат мавзуси яна урушдан қайтганлар гийбатига айланди.

Иккаласи отларининг устида гангиб, пешиндан сўнг орқага қайтиб келди.

Эртаси куни эрталаб Ёдгорнинг боши ғувиллаб уйғонди, калласига ари ин қургандай.

– Кеча нима иш қилиб келдинглар? – Матлуба хола унинг ёнига, айвон четига келиб ўтирди.

Ёдгор бошини чангаллаб ерга қараб ўтирар эди.

– Нурилла райкомга шикоят қилган экан, шуни бир ёқлик қилгани бордик.

– Тинчидими, ишқилиб?

– Ҳа, лекин уни тинчитганча ўзим тинчиб қолай дедим. Бошим ёрилиб кетай деяпти... Кеча ортиқча гап-сўз қилмадимми?

– Йўқ. Уруш ҳақида гапирдинг, бироз йиғладинг...

– Яхши бўмапти. Келинингиз қани, сув қуйиб турсин, бетимни ювиб олай.

Ризвон оғил томонда экан, обтова кўтариб келди. Ёдгор совуқ сувга ювиниб, бироз ўзига келгач, хотинига қаради. Кўзига хотини ғоят гўзал кўринди.

– Кундан кунга очилиб бораяпсанми? – деди у ҳазиллашмоқчи бўлиб.

– Ўзим ҳар доим чиройли бўлганман, – Ризвон қиқирлаб кулди.

Ёдгорни ари чаққандай бўлди. Онги тиниқлашиб, чойхонада кеча бўлиб ўтган гап-сўзлар ёдига тушди. У чойхонадан қандай чиққанлари, қай тарзда қишлоққа етиб келганлари ва бу ерда қандай томоша кўрсатганини билмайди, бироқ Манноп раиснинг колхоздаги кўп гўзалларини «қўлдан ўтказганлиги» тўғрисидаги гаплари аниқ-тиниқ ёдига келди.

– Ҳа, чиройлисан, – деди у афсус ва ташвиш билан. – Буни хали аниқлаштириш керак!

Ризвон ҳеч нарса тушунмади.

Нормурод қайтиб келганида укасининг вафот этганига эътибор бермаган эди. Бир-икки ачиниб, тезда унутиб юборди. У тақдирга тан берган ва уруш даҳшатларини бошдан кечирган инсон сифатида ҳаётнинг бунақа аччиқ зарбаларига эътиборсиз бўлиб қолган. Инсоннинг туғилиши, ўлиши оддий ҳол экани, бу улкан очун учун ҳеч қандай янгилик ва фожиа эмаслигини англаб етган эди. Шу сабабли бунга бефарқроқ қарайди. Отасининг урушда ўлганига кўниккан. Фақат онда-сонда, ҳаётда қийналган, азият чеккан, боши берк кўчага кириб қолганда отасини ёдга олади ва агар тирик бўлганларида, албатта мана шундай оғир аҳволга тушмаган бўлардим, деган хаёлга бориб армон қилади. Инсон умри ҳеч нарса эмас, энг асосийси унинг хотираси, деган хулосага келиб қолган. Отасининг насиҳатлари, пандлари ва ҳар хил гапларини ёдига олар экан, имкон қадар уларга амал қилади. Нима бўлишидан қатъий назар отасига ҳурмати баланд ва гоҳ-гоҳида бу муносабатидан ўзи ҳам уялади. Ахир шундай табаррук инсон учун у деярли ачинмай қўйган.

Бутун фикру ўйи Нигорада, унинг армони билан кечалари тўлғаниб кўзига уйқу келмай, тонггача бедор юриб чиқади. Ахир инсон зоти шунақа-ку, хотираси, ҳис-туйғуси, ҳаёти унинг кўникишигагина боғлиқ. Урушдалигида Маликнинг йўқлигига кўниккан ва унинг ўлими тўғрисидаги хабар юрагида янги ҳис-туйғуларни уйғотмади. Бу гап ҳар хил ўй-у хаёллар билан тўла кўнглига сингиб фарқ бўлди. Бу норасиданинг ўлими билан таниш эмас, шу сабабли ўзи эслаб туришни қанчалар истамасин, барибир хаёлидан кўтарилиб кетаверади. Нигорани эса кўрди, у ҳақидаги барча

хотиралар қайтадан жонланди. Урушдаги хаёллари, ширин орзулари ёдига тушди.

Бироқ укасининг ҳаёти ва ўлимига эътиборсизлик узоққа чўзилмади. Қишнинг узоқ ва зерикарли кечалари онаси Малоҳат ва Бону момолар Малик ва Адолатнинг ўлими, уларнинг қай тарзда бўри комига тушиб қолгани ва ҳаётни тарк этгани тўғрисида тинимсиз, узундан узоқ, маҳзун ҳикоялар сўзлаб беришар ва бундан Нормурод кўнглида укаси ва Адолатга нисбатан раҳм, улар адолатсиз тарзда вафот этганларидан алам пайдо бўлди.

Кўча-кўйларда, ўтиришларда ҳам қишлоқ кишилари шу воқеаларни қўрқув ва ваҳима билан ҳикоя қилиб юришади. Гўёки ўтган йиллар давомида қишлоқда шундан ўзга аҳамиятлироқ воқеа бўлмагандай. Айниқса, қиш бошланиши билан одамлар юрагидаги эски қўрқувлар жонландими ёки бекорчилик диллар тубида яшириниб ётган ҳис-туйғуларни қўзғатиб юбордими, бу борадаги гап-сўзлар авж олиб бормоқда эди. Бу ўртада қаҳратон тунларнинг бирида бўрилар Аҳмат бованинг қари эшагини ёриб кетди-ю қишлоққа яна ваҳима оралади. Қоронғи тушар-тушмас эшиклар тақатақ беркитилади, ҳеч ким кўчага чиқмайди. Ҳатто кўпни кўрган қариялар ва урушдан қайтган, унча-мунчадан чўчимайдиган эркаклар ҳам имкон қадар кечаси юрмаслик пайида. Мавҳум ва қўрқинчли муҳитда Адолат, Малик ва Фолибнинг ўлими қишлоқнинг ваҳимасига айланиб қолган эди.

Баҳорга чиқиб уруш хотиралари сўниб, тинчлик ҳаётига кўникиб улгурган Нормурод учун аҳамиятли икки ўй қолди — Нигоранинг тақдири ва укасининг ўлими. Шу икки хаёл ҳаёти мазмунига айланди.

Қандайдир чора кўриш лозимлигини ҳис қилиб юрибди, бироқ нима, билмайди. Бир хаёл ўйлайдики, бўлар иш бўлиб бўёғи синган, энди қўлидан бир иш келмайди. Яна бир хаёл кимдандир ўч олиш керак, дейди.

Отасининг бобоси тўғрисидаги хотиралари ёдига тушиб, у қанчалар мард, жасур ва орли бўлганидан таъсирланади, ўзи майда-чуйдалар билан ўралашиб қолганидан уялади.

Шу ўйлар гирдобида юравериби, онгини бир хаёл банд қилди: Манноп раисдан ўч олиш керак; жондан азиз укасининг жонига қасд қилган бўриларни йўқотиш лозим!

Кунларнинг бирида масжид ёнидаги ҳовуз бўйида гурунглашиб ўтирган тўрт-беш кишининг суҳбатларига қўшилди. Улар масжиднинг қурилиш тарихи тўғрисида гаплашаётган экан. Нормурод бу тарихни билмайди, индамай, гапга аралашмай, бир чеккада тинглаб ўтираверди. Ўтирганларнинг

айтишига қараганда масжид Ёдгорнинг отаси ташаббуси билан қурилган экан. Бошқалар бу фикрга қарши, улар қурилишни хўжа тўпнинг каттаси бошлаганидан гапирди. Ёдгорнинг ўзи ҳам шу ерда ўтирган эди, бу гапларга камтарлик қилиб қўшилмади.

Гап айланиб хўжа тўпга тақалди, улардан вакил йўқлиги сабабли зўр бериб Манноп раисни гийбат қилдилар.

– Мен у билан жанг қилганман, – деди Ёдгор уларнинг гап-сўзларини эътибор билан тинглар экан, имкон қадар ҳеч кимга дакки бермасдан. – Ҳозир қанақалигини билмайман-ку, лекин урушда яхши одам эди... Уни шахсан ўзим ўлимдан олиб қолганман. Жангдан елкамда олиб чиқиб, санчастигача опичлаб борувдим... Батальондагилар беҳабар қолган, шунинг учун уни ўлдига чиқариб бу ёққа хат ёзиб юборган.

– Шуни бекор қилган экансан-да, – деди ҳазиллашиб Содиқ бова. – Бу аҳмоқ, эшитишимизга қараганда, урушдан қайтиб кўп номаъқулчиликлар қилган.

– Эшитишимизча дейишинг нимаси, ўз кўзимиз билан кўриб гувоҳ бўлдик-ку, – уни тузатди Алим бова.

– Тартибга солса бўлмасмиди, – ўнғайсизроқ овозда гапга суқилди Нормурод.

– Ҳукумат одамини тартибга солиб бўларканми? – деди Алим бова.

– Хотинбозлик қилармиди?! – гап мавзуи ўзгармасидан шошиб сўради Ёдгор.

– Унисини билмадим... – деди Алим бова.

– Нимага билмайсан? Колхозда қанча гап чикди, униси, буниси билан юрипти экан деган, – Содиқ бова хезланиб гапирди.

– Ўзингни бос, бунақа нарсани бошида турмаган бўлсанг гапирма? – Алим бова дакки берди. – Икки томон розилик билан бу ишни қилган бўлса, ўлгандаям билиб бўлмайди. Одамларнинг гапи гийбат, холос.

– Барибир шу ишни қилган у, – деди шу ердаги узун кунданинг чеккасига омонатгина ўтирган Қосим. – Колхозда эркак йўқ, аёллар «гаҳ» деса қўлига қўниб турибди. Нима учун қилмас экан...

– Мен уни айтмайман, – Алим бованинг юзида кўрқув аломатлари пайдо бўлди. – Кўриб, ушламагандан кейин нима дейман. Лекин айтмоқчи бўлганим, қишлоқда болаларни бўри еб кетишида шунинг айби бор. Ҳукуматдан милтиқ олиб, тўрт-бешовни қирларга қўйиб бўрини оттирса бўларди.

– Ҳозир қилса бўлмайдимиз шу ишни? – Нормурод шошиб сўради.

– Бўлади, – деди Алим бова. – Милтиқ олиб берса, энди қишлоқда эркаклар кўпайди, бўриларни отиб ташлашса, бироз эмин-эркин бўлиб қолардик. Мана, Ёдгорнинг яқин жўраси экан, сўраб давлатдан милтиқ олиб берсин. Урушдан олдин мусодара қилинган милтиқларимизни қайтаришса ҳам бўларди. Шунга нима дейсан, Ёдгор?

Ёдгор ўз хаёли билан банд.

– А?! Нима?

– Манноп ошнангга айт, ҳукуматидан бир-иккита милтиқ олиб берсин, бўриларни отайлик, дейман, – Алим бова бақариб гапирди.

– Хафа бўлмайсиз, – Ёдгор бироз хижолат тортди. – Урушда кантузия бўлганман, баъзида гапни эшитмай қоламан... Сўраса бўлади, раис йўқ демайди. Тунов куни кўриб келдим, райком бова ҳам қаттиқ ҳурмат қилар экан.

Улар ягона хулосага келиб хайрлашдилар.

Эртаси куни пешинга яқин Нормурод айтилган гап натижасини билиш учун Ёдгорнинг уйига борди. Бу ишга жиддий киришган.

Уйда Матлуба холадан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўғли ва келини далага кетганини айтди. Нормурод яна бирров кириб, хабар оладиган бўлди.

Шом қоронғисидан Нормурод яна келди. Бахтига Ёдгорни уйдан топди, у аллақачон бўлиб ўтган гап-сўзни унутган, Нормуроднинг ташрифидан ростмана ҳайрон бўлди.

– Қўйсангчи шу ғалвани, – деди. – Милтиқни олдик ҳам дейлик, бўрини отгани ким боради?

– Мен бораман, милтиқ бўлса бас. Бир ўзим бориб, тоғда бўрилар битта қолмагунча тинчимайман. Колхозга ҳам фойда-ку, тўғрими?

– Майли, кўриб қолсам сўрарман, – Ёдгорнинг кайфияти йўқ.

– Юринг, ҳозир бирга борамиз. Шу ишни бир ёқлик қилмасам, юрагим тинчимайдиганга ўхшайди. Кечалари ухлолмай чиқаяпман.

Нормурод бу билан «Укамга ўхшаб сенинг ҳам ўғлингни бўрилар хомталаш қилган-ку, қарашсанг-чи, биргалашиб ўч олайлик», демоқчи эди. Ёдгор буни англамади, бироқ:

– Майли, – деди истар-истамай. – Борсам бора қолайлик, лекин у бундан хурсанд бўлмаса керак.

– Нима бўлса ҳам-да...

Иккалалари йўлга тушди.

– Манноп ака сен урушга кетмасдан бурун қайтганмиди?
– секингина сўради йўлда Ёдгор.

Нормурод унинг ниятини англамади.

– У одам раис бўлганидан сўнг бир йил ўтиб бизни урушга олишган. Қирқ тўртинчи йилнинг кузида сафарбар бўлганмиз. Нимаиди?

– Айтаман-да, – Ёдгор гап тополмай ўйланди. – Қанақа одам эди?

– Шу раис шу раис эди-да. Аҳмоқ ва қўпол, – Нормурод кулди. – Ҳазил, яна ўзига айтиб ўтирманг.

– Йўғ-э, гап ташийдиган одатим йўқ.

– Лекин мени ўлгудай ёмон кўрарди. Укаси Замон билан бир хил иш бажарсак ҳам нуқул мени уришарди... Бечора Замон урушда худо раҳматли бўлди... Насиб қилмаган экан-да қайтиш, урушнинг охириги кунларида постда турганида кечаси кимдир отиб кетди...

– Бу энди тақдир... Мана мен деярли бошидан охиригача қатнашдим... Кўриб турганингдай тирикман, – Ёдгор гап қизигида мавзунини ўзини қизиқтирган масалага бурди. – Айтишларича, раис хотинбоз экан?

– Бўлса бордир...

Нормурод тилини тишлади. Кўнглида «Наҳотки, бўлиб ўтган воқеадан бунинг хабари бўлса», деган хавотир уйғонди. Ким айтган? Нигорами, раиснинг ўзими, Ризвонми? Мумкин эмас, улардан бунақа гап чиқмайди. Унда ким? Наҳотки, ўша куни булардан бошқа гувоҳлар ҳам бор эди? Ёки шунчаки тусмол қилаяптими? Кўнгли сезаяптимикин?

– Нега бунга қизиқдингиз? – сўради Нормурод бироз хаёлини жамлаб.

– Шунчаки, «Бу томонларда мен кўрмаган аёл қолмади», деб бир кун ўзи мақтанди. Шунга сўраганим. Қизиқ-да, тўғрими?

– Ҳа, энди, «Кўрқитгани бўжи йўқ», деганларига ўхшаб, ҳайт-қайт дейдиган бўлмагач, кўп номаъқулчилик қилган бўлиши мумкин... Аниқ хабарим йўқ.

Нормурод шу гапни айта туриб Ёдгордан нафратланди, унинг бетига туфлаб юборгиси келди, Маннопдан эса ғазабланди.

– Энди мен ҳам бир қизиқиб сўрадим-да, – Ёдгор ўзини оқлади. – Урушда бошқача эди, одамлар бу ерга келиб ўзгарди деганига, қанақа одам экан деб қизиқдим-да. Ўзи душманлигимиз йўқ, муносабатимиз яхши.

Бу гаплардан Нормурод бошқа нарсани — унинг қулоғига бўлиб ўтган воқеани бир учи етиб боргани ва у энди рашк

ўтида, номаълумлик олдида қийналаётганини англади. Унга раҳми келди, лекин индамай қўя қолди. Бу сирни бировга айтиш нияти йўқ. Катта жанжалдан чўчиди.

Манноп раис уйида экан, булар иккаласининг таклифини эшитиб хурсанд бўлди:

– Қилса бўлади, тунов куни райком бюросида ҳам шу масала кўтарилган эди, урушдан қайтган жангчиларни йиғиб тоққа юборинглар, бўриларни отиб ташласин, давлатнинг молига кўп тажовуз қилаяпти, дейишди. Шу яқин кунларда бориб милтиқ масаласини ҳал қилиб келаман.

Иккаласи хурсанд бўлиб орқага қайтди.

Орадан икки кун ўтиб Манноп раис Ургутдан озроқ ўқи билан бир қўшотар милтиқ олиб келди ва Ёдгорга берди.

Ўзалар ўтаб бўлинган, одамлар вақтинча ишга чиқмаётган эди. Ёдгор қишлоқ кексалари билан маслаҳатлашиб, бўри яшайдиган жойларни сўраб суриштириб, эрталабдан Нормуроднинг олдига келди, иккаласи тоққа кетди.

– Бўри бўлмаса қуёнми, эчкими отиб келармиз, а? – деди Ёдгор Нормуродга. Унинг кайфияти чоғ эди. – Бирорта тулки отсак телпак қилиб олар эдим.

– Бўри яхши эмасми, давлат битта отилган бўрига улоқча бераётган экан.

– Буям бўлади...

Икки кун давомида бекорга сарсон ошиб, тоққа боришди, лекин ҳеч нарсани учратиб бўлмади, на бўри ва на бошқа бирор жонзод йўқ.

– Бўрилар очарчилик йиллари барча жонзодларни қириб ташлаган, чамамда, – деди Ёдгор афсус билан иккинчи куни қуруқ қайтишар экан.

– Бўриларнинг ўзи ҳам йўқ-ку, менимча, бу тоғда ҳеч вақо қолмаган. Ҳаммаси очликдан қирилиб битган.

– Унда одамларнинг молини нима ёриб кетаяпти?

– Тўғри, бўрилар бўлиши керак, лекин қайда? Кексаларнинг гапига қараганда, улар иккита-иккита бўлиб кечаси пастдаги қишлоқларга овга чиқиб, тонгда тоққа қайтиши керак эди. Бироқ бизга ҳеч нарса учрамаяпти.

– Эртага бориб, синчиклаб қидирамиз. Шу атрофда яшайдиганлардан сўраб-суриштирамиз.

Эртаси куни улар яна йўлга чиқди. Лекин бу сафар Алим бова ва Содик бованинг эшакларини миниб олишди. Бемақсад сандироқлаб юриш, ҳаддан ташқари толдириб юбораётган эди.

Пешинга қадар иккаласи у дарадан бунисига ўтиб ҳеч нарсага дуч келмади. Пешинда эса қир ёнбағрида олдига

ўндан ортиқ қўйни солиб, боқиб юрган кишини узокдан кўришди. Шу ёққа қараб юрдилар.

– Эй, бова, – унга яқинлашиб қолгач Ёдгор бақирди. – Бу ерларда кўпдан бери қўй боқасизми?

– Ҳа, нимаиди? – нотаниш киши уларга синчиклаб қараб турди. – Танишга ўхшайсизлар.

– Биз Гултелеаданмиз, – Ёдгор унга яқинлашиб қўл бериб кўришди. – Бир иш билан юрибмиз.

– Қанақа иш экан? – чўпон қизиқсинди.

– Шу томондан бўрилар тушиб, қишлоқнинг молларини ёриб кетаяпти, инини топиб отиб ташлашимиз керак.

Фақат Ёдгор гапиряпти, Нормурод жим. Унга манави уст-боши кир, ёқаси яғир босган чол негадир ёқмади.

– Гултепадан дедингларми? – чўпон мийиғида кулди. – Мени танимадингларми?

– Танимадик, – Ёдгор унга синчиклаб қаради, бирор ерда кўрганини эслолмади.

– Мен поччанглар бўламан?

– Қанақа почча? – Ёдгор ҳайрон.

– Қишлоқларингдан уйланганман... Раззоқ акага куёв бўламан.

– Қайси Раззоқ акага? – Ёдгор барибир тушунмади. Ахир бу инсоннинг ўзи Раззоқ акага тенгдош, балки бироз кексароқ ҳам бўлса керак. Нормурод эса гап нимадалигини дарров фаҳмлади, лекин тили калимага келмай қолган эди.

– Қишлоқларингда битта Раззоқ ака бор-ку, шуниям билмайсанми? – чўпон ранжиди.

– Нигоранинг эри бўлсалар керак, – деди ниҳоят Нормурод нописандлик билан.

– Ана, отангга балли, – деди чўпон. – Биларкансан-ку. Мен уйланганимда сизлар урушда бўлсаларинг керак.

Нормуроднинг бир ғазаби ўн бўлди, тишлари газ-газ қилиб, ўзини қўярга жой тополмади. У ўшанда — Нигоранинг ёши каттароққа тўй бўлганини эшитганда ранжиган, ўзича унинг эрини тасаввур қилган эди, лекин бу даражада эмас. Кейинроқ Нигоранинг ўзи билан гаплашганда ҳам, унинг оғзидан «у киши» деган сўз ёқимли чиққанидан эри ўктам, келишган бўлса керак деган хаёлга борган эди. Лекин ғариб, ирkit, устидан сасиган ҳид келиб турган, соч-соқоли ўсиб, тўзиб, супурилмаган уйдаи бўлиб турган чолни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Наҳотки, Нигорадай мунис, чиройли ва нафис аёл манави бефаросат қария билан бирга ётади, шу билан бирга яшайди? Наҳотки, Нигора Нормуродни мана шу исқирт инсондан ласт қўйган? Ахир ўшанда, «Бир

чорасини кўрамиз» деганда, эрини эслаб унга рад жавобини берган эди-ку. Ҳа, Нигора уни мана шу инсондан бир поғона паст қўйган эди, шу инсонни деб унинг раъйини қайтарди...

Нормуроднинг нафрати қўзиди, ўзидан, Нигорадан ва чўпондан ирганди. У ўзини мана шунга тенг кўрадиган, мағрурланиб «у киши» деб юрадиган Нигорадан нафратланди.

Ёдгорга эса фарқи йўқ, кўлдан буён йўқотиб қўйган отасини учратиб қолгандай севиниб, чўпон билан қайтадан сўрашди, отини сўради, ўзини таништирди.

Борди-келдидан суҳбатлашиб туришгач, Рўзи ака бўри йўлини тушунтириб берди. Бу инсоннинг бутун умри шу тоғларда ўтган, ҳар бир тошгача билар экан, қайда нима борлигини аниқ-тиниқ айтиб бераёпти. Маълум бўлишича, улар ўтган кунлар давомида мақсадсиз, беҳудага сандироклаб юрибди.

Рўзи ака уларга қайда, қачон бўрини кўриш мумкинлигини тушунтирди. Эрта тонгда, икки қир наридаги дарада кутиб турилса, учратиш мумкин экан. Уларнинг ини шу ёқда, қирлар орасида бўлиши мумкин экан. Рўзи ака бир-икки марта эрта тонгда шу ердан тоққа чиқиб кетишини кузатибди.

Икки овчи эшакларга миниб, айтилган жойга жўнади. Ният — эртага тонг қоронғисида келиб, қайга бориш, қаерга яширинишни билмай, довдираб ўтирмаслик мақсадида, атрофни кўздан кечириб, яшириниш учун тузукроқ жойни мўлжаллаб қўйиш.

Ярим тунда иккаласи қарзга олинган эшакларни миниб яна йўлга чиқди. Мўлжалдаги жойга етиб келганларида атроф оқаришиб келаётган эди. Улар кеча белгилаб қўйган тошнинг орқасига яшириниб, эшакларни очикроқ жойга қоқиб қўйишди. Бўриларни чақиришнинг йўли шу.

– Мабодо улар кўпайиб кетмайдимикан, ишқилиб? – хавотир билан сўради Нормурод. – Икки ўртада эшакларни еб қўйса, балога қолмайлик.

– Ундан кўра ўзимдан қўрқаялман, десанг бўлмайдими? – Ёдгор кулди. – Қўлимизда милтиғимиз бор, нимадан қўрқамиз. Урушда якка ўзим қанчалаб фашистга қарши жанг қилганман, қўрққанам йўқ, энди ўзимнинг қишлоғимда тўртта ҳайвондан чўчийманми.

Унинг мақтанчоқлиги Нормуродга ёқмади, лекин индамади. У урушдан қайтганларнинг руҳиятини билиб олган — бу дунёда улардан-да қўрқмас, жасур инсон йўқ, ўлимни

хам писанд қилишмайди, «қўрқув» улар учун энг оғир сўз. Бундайларнинг иззат-нафсига тегмаган маъқул, акс ҳолда қутуриб кетади.

Иккаласи совуқ тошга бағрини бериб қутишди. Милтиқ Ёдгорда, Нормурод эса аланг-жаланг қилади, холос.

– Нигоранинг зри қари экан-ку, а? – Нормуродни кечадан буён бир ўй безовта қилаяпти.

– Мен ҳам шу даражада бўлса керак, деб ҳеч ўйламаган эдим...

– Ҳа, биз йўғимизда қишлоғимиз қизларини хор қилишган.

– Нимаям дейсан, буям бир тақдир-да.

– Қанақа тақдир? Бунинг барчаси ўша аҳмоқ ошнангизнинг иши, – Нормурод ғазабдан бурнини тишлашга тайёр.

– Қанақа ошнам?

– Ўша-да, чўлоқ, сиз урушда жонини сақлаб қолган одам.

– Раисми? – Ёдгор дара ичидан кўз узмас эди.

– Ҳа.

– Шу бердириб юборибдими?

– Қанақа бердириб юборади?! Иккитами, учта қўйга сотган, – Нормуроднинг гап оҳангидан ғазаб англанди эди.

– Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас, Манноп ака бунчаликка борадиган одамга ўхшамайди.

– Ҳали сиз бу ошнангизнинг кўп хислатлари, қилиғини билмайсиз. Билганингизда, бўйнини сапчадай узиб ташлар эдингиз.

– Қанақа хислат? – Ёдгор шубҳаланиб суҳбатдошига қаради, Нормурод ғира-шира ёруғда унинг олов чақнаб турган кўзларига қараб ошириб юборганини англади.

– Айтаман-да, қишлоқнинг эркаклари йўқ, деб қизларни сотишини, яна бошқа битта-яримта одатини.

– Хотинбозлигимми?

– Ана, биларкансиз-ку.

Ёдгор ўйланди.

– Нормурод, сен ўзимнинг укамсан, а?! Менинг ҳеч кимим йўқ, биласан. Сени укамдай кўраман. Укаммисан?!!

Нормурод тушундики, сирли нимадир нарса тўғрисида сўрамоқчи. «Ҳа» дейишга чўчиди:

– Нимайди?

– Шу... раис қишлоғимиздан кимнинг аёли билан бўлган?

– Билмайман?

– Биласан, сен ниманидир биласан-у айтмаяпсан, ё кўрқаяпсан ёки менга ишонмайсан... Жон жўра, билсанг

айтақол, ичим ёниб кетаяпти... ўзининг мақтаниб юришига қараганда, колхознинг ҳамма аёлини бир чеккадан «қўлдан ўтказиб» чиққанга ўхшайди.

Нормуроднинг юраги куйди, раис қилғиликни қилиб яна мақтаниб ҳам юрганга ўхшайди. Ахир шу мақтанадиган ишми? Яна ўзи юрган аёлнинг эрига бор гапни айтиши қайси ахлоққа, қайси қонунга тўғри келади? Бир гапни англаб сўйиб ташлашидан кўрқмадимикин? Ёки у ўзини осмонда санаб юрибдими, ҳеч кимнинг қўли етмайди, деб ўйлаётими? Ўзига барча қонуний, ноқонуний нарсалар рухсат этилган, деб ҳисоблаётими?

Нормурод қийналди. Раисдан қилғиликлари учун ўч олгиси келади, Ёдгорнинг бу аҳволига ҳам ачинади, ундан чора кўрмай, хотинининг ўйнаши билан ошначилик қилиб юрганидан нафратланади. Кейин «Бу бечора ҳам билмаса нима қилсин», деб уни оқлайди. Бўлган гапни айтиб бермоқчи бўлади, оқибатидан кўрқади, гап-сўз кўпайиб ўзига ҳам калтак тегиб қолишидан чўчийди. Тил учига неча бор чиқди шу гап, лекин ўзини зўрға тийди.

Нормурод икки ўт ўртасида қолган, шунча гапни била туриб жим юриш оғир. Билганларингни айтгинг, одамлар тушига ҳам кирмаган нарсалардан хабардорлигинг билан мақтангинг келади, гапирмасанг ёрилиб ўладигандай ҳис қиласан ўзингни. Бошқа жиҳатдан оддий сўз бўлса экан, юрагингни ёриб индамай кетаверсанг. Бунинг оқибати оғир бўлиши мумкин. Жуда оғир... Эҳтимол ҳеч гап бўлмас, ҳар ҳолда бир оиланинг бузилиши аниқ. Лекин хиёнат аралашган бу рўзғор яшаб кетишга ҳақлими? Бевафо аёл билан бир умр қийналиб, иккиланиб, гумонлар гирдобида яшагандан кўра орани очиқ қилиб, кейин орқага қарамай яшаган дуруст эмасми?

– Бир нарсани биламан-ку, лекин оқибатини ўйлайман. Ўзимга гап тегиши мумкин.

Нормурод узоқ ўйлаб «Айтаман, эрақак, айниқса Ёдгор акадай танти инсон бунчалар хор бўлмаслиги керак», деган қарорга келди. Кейинги икки кун ичида Ёдгорнинг самимиёлиги, мардлиги Нормуродга ёқиб қолган эди. Кўнглида унга нисбатан уйғонган нафрат сўниб, ўрнини ачиниш ҳисси эгаллаб бормоқда.

– Нимани биласан?! – Ёдгор сергак тортди. – Менинг оиламга тегишли гап бўлса айт, жон жўра, айт!!! Кейинги пайтларда на уйқуда ором бор ва на еган-ичганимни биламан. Кўнглимни бир тош босиб турибди, номаълумлик эзиб юборди...

– Айтаман-ку, лекин бу гап мендан чиққанини ҳеч ким билмаслиги керак, қарғишга қолиб кетишни истамайман.

– Худо ҳақи, ҳеч ким билмайди... Энам ҳақи қасам ичаман, ҳеч кимга сен тўғрингда гапирмайман, айт!

Нормурод таъсирланди, Ёдгорга қаради, назарида, унинг кўзларига гилтиллаб ёш тўлгандай ёки бу нафратмикин?!

– Майли... Биласизми, мен урушга кетишдан бурун чўлдан ўрилган ғаллани ташир эдим. Бир кун пешин вақтида янгам билан Манноп чўлоқни кўрдим.

– Қайси янганг? – ошуфтаваш сўради Ёдгор, унинг юраги қўлга тушган бедана каби типирчиламоқда.

– Хотинингизни...

– Нима қилишаяпти экан?! – Ёдгорнинг юраги кўкрагидан чиқиб кетгудай бўлди.

– Билмадим, узоқ эди, кўролмадим, ўпишаётгандай эди...

– ...

Ёдгор нима учундир индамай қолди.

Бу орада боғлоғлиқ турган эшаклар типирчилади.

– Бўрилар келаяпти, чамамда, – деди бошқа овозда Нормурод, – хушёр бўлиб туринг.

Бу орада текислик тарафдан икки шарпа кўринди, булар итми, бўрими билиб бўлмайди. Ёдгор музлаб қолганга ўхшайди — ҳиссииз бир нуқтага термулганча қимир этмайди. Шарпаларга назар ҳам ташламади.

– Ўзингизни қўлга олинг, нима бўлди сизга? – Нормурод секин шивирлади ва Ёдгорни туртди. – Ёки милтиқни менга беринг, булар эшакларни ёриб кетиши мумкин.

Ёдгор уни ҳайратга солиб индамади, қимирлаб ҳам қўймади.

Шарпалар эшакларга бақамти келиб қолган эди. Энди буларнинг бўри эканига шубҳа йўқ, қулоқлари диккайган.

Ёдгор шарт ўрnidан турди-ю қаттиқ бақирганча, бўриларга отилди. Йўл-йўлакай икки марта милтиқ бўшатди. Нормурод кўрққанидан жойидан қимирлолмай қолди, оёқлари ўзига бўйсунмаётган эди. Ниҳоят hozирги ҳаракатсизлик кўрқоқлик экани, чеккада туриш марднинг иши эмаслигини англаб, боядан буён пайпаслаб турган пичоғини суғуриб қаддини ростлади, чолишини ҳам, жойида қолишни ҳам билмай, бир-икки сония ўйланди. Ёдгор қўлидаги ўқи қолмаган милтиғини отиб юбориб, типирчилаётган йиртқичга ташланиб, унинг ўнг келган жойига пичоқ санчди. Нормурод иккинчиси ҳам жойидан туролмай, жон талвасасида тўлғонаётганини кўрди. Ерда ётган милтиқни олди-ю ўқлаб, тепасига бориб, туллаб, жунлари кигиздай осилиб қолган

ориқ бўрининг бошига қарата ўқ узди. Танасига ўнлаб соч-ма ўқ қадалган йиртқич тинчиди. Ёдгор эса ҳали ҳам бош-қасини илма-тешиқ қилиб пичоқлаётган эди. Унинг уст-боши қонга беланган, қўллари ой нурида ялтирарди.

– Бўлди, Ёдгор ака, бўлди қилинг, ўлди.

Нормурод бояги гапни бекорга айтганини англади, бироқ энди кеч, бунни кечикиброқ тушунди. Бироқ айтилган гап — отилган ўқ, уни тўғрилашнинг ҳам, орқага қайтаришнинг ҳам имкони йўқ.

– Шунга одам бўлиб қолганман, гоҳида ўзимни тутолмайман, – деди Ёдгор улар йиртқичлар терисини шилиб, эшакка ортиб уйга қайтишаётганда, айбдорона оҳангда, кип-қизил қонга беланган уст-бошига қараб.

– Иккаласи бояги масалада ортиқча гаплашмади.

– Вой, сизга нима қилди?! – Ёдгор ҳовлига кириб келиши билан Ризвон унга пешвоз чиқди. – Ҳамма ёгингиз қон бўлиб кетибди-ку, бирор нарса бўлдимиз?! Тинчликми, иш-қилиб?!

Ёдгор унинг нигоҳларида ифода этаётган маънони илғаб олиш учун синчиклаб қаради. Бироқ ўзи кутганидай жувоннинг юзида истехзо йўқ. Самимий ва бироз хавотирли нигоҳлари билан ўзига термулиб турган хотинини кўриб иккиланди.

Ризвон келин бўлиб тушганидан буён деярли ўзгармаган, ўша-ўша: бўйи кичикроқ, лўппигина, ранги оқиш, кўзлари катта-катта, сочлари қоп-қора ва узун, нигоҳлари ёш боланикидай беғубор.

Ёдгор иккиланди: бўлиши мумкин эмас, шунчалар хокисор, мискин инсон қандай хиёнат кўчасига кириши мумкин? Балки бу одамларнинг тўхматидир... Бунинг кичкиналиги-чи: жажжигина, бир пуфласанг йиқилиб кетгудай аёл нахотки хиёнат қилса?!

Шу ўйлар билан Ёдгорнинг кўнгли таскин топгандай бўлди.

– Сенинг ишинг бўлмасин! – у хотинини жеркиб йиртқичларнинг эшак устига хуржун қилиб олган терисини ерга ташлади.

– Бўрини ўлдириб келдингизми?

Ризвон эрининг ёмон кайфиятини чарчаганга йўйди ва эътибор бермади.

– Ўлдирдим... менинг йўлимга чиққан ҳар қандай ярамасни ўлдираман! – ўдағайлади Ёдгор.

Ризвон бир сесканиб олди.

– Болам, устинга нима қилди. – Матлуба хола келиб Ёдгорнинг уст-бошига синчиклаб қаради. – Бўри бирор жойингни тилдими?!

– Йўқ... Кийимларимни ювиш керак. Уйда кийса бўладиган кийим-бош борми?

– Бор, – Матлуба хола каловланди. Унга кийимдаги қон доғларидан кўра ўглининг кайфияти оғирроқ таъсир қилди. Ич-ичидан нимадир рўй берганини англади. – Югур, Ризвон, уйга кириб сандикдан эрингнинг эски кийимларини олиб чиқ, кейин ўчоқда кул бўлса керак, шуни сувга солиб ивитиб қўй.

Ёдгорнинг дили барибир ором олмади, хотинига қараса, хиёнат қилганига ишонмайди, кўзига беозор ва мискин кўринади, Манноп раис ва Нормуроднинг гапини эсласа, юраги орқага тортиб, кўз олди қоронғилашади, хотини ҳам бошқа барча аёллар каби экани, у ҳам тирикликнинг айрим аъмолларидан холи эмаслигини ўйлаб газаб отига минади. У энди, бундан кейин, бор гапни эшитгани, хотинининг айби деярли исботланганидан сўнг қандай йўл тутишни билмай боши қотди. Урушда ўлиб кетмаганига афсус чекди, ҳар ҳолда бунақа қийинчиликлар, номуснинг топталиши йўқ ва у ёқда ўлиб кетиш кишини ўкинтирмас эди.

Бир кўнгил, хотинини чеккага тортиб, бор гапни бир бошдан сўрамоқчи бўлади, лекин нимадан бошлашни билмайди ва агар ростдан ҳам шу гап-сўз юз берган бўлса, хотини барибир тан олмаслигини англаб бу фикридан қайтади. Ахир гап хотинининг ёлғончилигида ҳам эмас, унинг билишича Ризвон анча тўғри одам, лекин инсон боласи бунақа айбни қандай тан олади? Иқроп бўлган тақдирда ҳам ундан кейин нима қилади? Хотинини ҳайдаб юборадими? Ҳайдаб юборади! Бу қийин эмас, лекин келиб чиқадиган гап-сўзларчи?! Одамлар уни бир умр масхаралаб юрмайдими?! Бунинг устига Манноп раис унга етарлича ёрдам кўрсатди. Урушдан қайтганида қўй сўйди, бригадир қилиб тайинлади — буларни бошқалар нима деб тушунади? Ёдгор хотинининг орқасидан шунча иззат-ҳурмат кўриб юрган экан, деб масхаралайди... Маннопнинг беҳбудлик қилиб юриши ҳам беқорга эмас экан... «Қуролдош жўрам» эмиш. Мана, қанақа жўра экан у.

Нега уни урушдан олиб чиқди? Ўшанда индамаса кўпчилик қатори жанг майдонида ўлиб кетарди ва бу кунлар бошига тушмасди.

Манноп нонкўр, яхшиликка хиёнат билан жавоб қайтар-
дими ҳали...

Ёдгор шундай аҳволга тушдики, ундан чиқиб кетишнинг на йўли ва на жимгина юравериш, ҳазм қилиб кетишнинг имкони бор. Нормуродки билган экан, демак бошқалар ҳам хабардор. Эҳтимол, буни бутун қишлоқ эшитгандир ва фақат угина аҳмоққа ўхшаб ҳеч нарсадан беҳабар, қадрдон жўрам ва вафодор, чиройли хотиним бор, деб хурсанд юргандир... Унинг аҳволидан ҳамма кулиб, масхаралаёт-гандир-у ўзи сезмаётгандир... Нормурод кўзини очиб кўйиш учун айтгандир бу гапни?

Ёдгор бу масалада бировга маслаҳат сололмай қийналди. Нима деб сўрайди? Бошига тушган бу оғир савдо олдида ёлғиз эди. Катта ҳаётда қанчалар ёлғиз бўлса, шунчалар якка. Ахир етимнинг қисмати ёлғизлик-да. Лекин шу дамга-ча ўз олдидаги масалаларни кимлар биландир бамаслаҳат ечарди. Бунда эса ҳатто энг қадрдони, ёлғизгина меҳрибони — онасига ҳам маслаҳат солишга кўрқаяпти, уялаяпти, номус қилаяпти.

У нима иш тутарини билмай уйга кириб, кечга қадар чўзилиб ётди. Матлуба хола ўғлини ухлаётган бўлса керак, деб безовта қилмади. Ризвон ҳам уйга кирмади. Ёдгор эса юрагига чироқ ёқса ёришмайдиган бир тарзда, икки дунёга сиғмай, гўр азобини тортиб, кунни кеч қилди.

Кечга бориб, Манноп раиснинг ўзи келди.

– Ёдгор, хой Ёдгор! Тирикмисан?

Бу овозни эшитган Ёдгорнинг бутун аъзойи баданидан чумоли ўрмалагандай бўлди, ўзини ноқулай ҳис қилди. Илгари ҳеч бунақа туйғуни туймаган. «Чиқайми, чиқмайми, олдимга солиб қувиб солайми, иззат қилиб уйга таклиф қилайми», деб ўйланди.

– Болам, тур, ташқарига чик, раис сени сўраб келибди,
– деди Матлуба хола эшиқдан бош суқиб. – Роса ухладинг,
бетинг шишиб қетибди.

– Нима иши бор экан? – сўради менсимаган овоз билан Ёдгор.

– Бу нима деганинг? Жўранг бўлгандан кейин келади-да.

– Менинг унақа жўрам йўқ... – Ёдгор бироз ўйланиб оши-
риб юборганини тушунди. – Ҳозир чиқаман.

Ёдгор ювиниб келаётганида оғил ёнида Манноп раис бўрининг терисини ёйиб, томоша қилаётганини кўриб, «Не-га бу одам берухсат бизнинг ҳовлига кириб олди?» деган ўй билан ғазаби қайнади. Бориб сўкиб-сўкиб, кўчага чиқ-
риб юборишни ният қилиб унга яқинлашди.

– Эй, мана геройнинг ўзи ҳам келди, – Манноп раис Ёдгорнинг кайфиятига эътибор бермай, унга қучоқ очиб пешвоз чиқди. – Бир қучоқлаб қўяй, ука. Катта иш қилибсан. Бир ҳужум билан иккита бўрини ўлдирибсан, а? Тагин биттасини отиб, иккинчисини олишиб, пичоқлаб ташлабсан, маладес! Ўзинг соғмисан, ишқилиб? Эшитдим-у чопиб келавердим, ҳол-ахволини сўрай, дедим. Одам хавотир оладида... Эй, нима балоларни кийиб олдинг? Булар урушдан олдинги қўйлак-иштонми? Ўша урушдан олдинги қишлоқи Ёдгор бўлибсан қопсан... Сенга кўпроқ форма ярашар экан, салобатли кўрсатар эди.

Ёдгор у билан қучоқлашар экан, хиёл кўтариб кўрди. Бир оёғи тахта эмасми, енгил туюлди. Раис типирчилади.

«Мана шу чўлоқ, ногирон наҳотки менинг хотиним билан бирга бўлган? – унинг хаёлидан шундай ўй кечди. – Худди ўзимга ўхшаб бу ҳам Ризвон билан... Наҳотки, мана шу соч-соқоли ўсган, устидан қўланса ҳид қелиб турган жирканч одам?.. Мана шу сассиқ инсон...»

Ёдгорнинг юзига қон қуйилиб қизарди.

«Балки барчаси бўлмаган гапдир...»

У шу хаёлга келди. Қанча уринмасин, хотинини шу чўлоқ билан бирга бўлишини тасаввур қилолмади.

«Хозирча ўзимни тийиб турай, секин-аста барчасини ойдинлаштириб, кейин бирор чора кўраман.»

Бу Ёдгорнинг хулосаси эди ва бундан ўзи ҳам бироз чўчиди: кўрққанидан орқага сурмаяптими?

– Нимага индамайсан? Тилингни бўри тишлаб олдимиз? – Манноп раис унинг қучоғидан чиқиб, довдираб мувозанатини сақлаб олди.

– Ким айтди?

– Қишлоқда шунақа гап-ку, сен бу ерда гафлат босиб ётибсан.

– Ҳа, – деди маънодор қилиб Ёдгор, – гафлатда қолиб кетибман...

– Нормуроддан эшитдим... – Ёдгорнинг кайфияти ўз жўшқинлигини кўтармаслигини англаган раис бироз паст тушди. – Нимага қовоқ-тумшуғингни осиб олдинг? Хурсанд эмасмисан?

– Нимадан хурсанд бўлиш керак? – Ёдгор ўзини зўрға босиб кўрс гапирди.

– Билмасам, нимадан. Бўрини ўлдирганингдандир, ахир ҳар кун, ҳар ким бунақа овни қўлга киритавермайди, – раис Матлуба холага қараб «Тўғрими» дегандай имо қилди. – Кейин, бу бўри одамларга қанча азоб берди... Эҳтимол Голибни ҳам шулар... қасос дегандай.

– Қасос бошқача бўлади, – деди Ёдгор бир одим орқага тисралиб. – Ҳали кўрасиз.

– Ҳаммасини қириб ташламоқчимисан? Маладес! Одам деган шундай ишласа-да. Хавотир олма, мен бу териларни эртагаёқ районга элтиб, сенга тегадиган улушни хатлаб бераман.

– Керак эмас.

– Хола, бунга нима бўлган ўзи? – раис умид билан шу ерда турган Матлуба холага қаради. Сўнг Ёдгорга гапирди. – Нимага керак эмас экан, битта улоқ берса ёмонми, сут-қатик бўлиб туради.

– Улоқ берса сизга сўйиб едираман, – деди Ёдгор нима дейишини билмай гап топган бўлиб.

– Чин сўзингми? Қўл ташла, эртага шуларнинг эвазига улоқ олиб келмаган номард, – Манноп раис қўлларини ихлос билан бир-бирига ишқалади. – Мен ҳозир бу териларни олиб кетаман... Ризвон, келиб манавиларни ўраб бер...

Ёдгор ўчоқ бошида куймаланиб турган хотинига боқди. У истар-истамай шу томонга юрди. Бир Ёдгорга, бир Маннопга қараб келди-ю ерда ётган териларни ўради. Ёдгор зимдан иккисини бирма-бир кузатди.

Ризвоннинг ранги оқарган, бир нарсадан қўрққандай қўллари сезилар-сезилмас титраётган эди. Ёдгор бу ниманинг таъсири эканини билмади. Манноп раис эса Ризвонга аллақандай ғалати нигоҳ билан боқади.

Ризвон эрининг бўлиб ўтган воқеадан хабар топган бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган, фақат ҳар доимгидай раиснинг олдига келса, ширин бир энтиқиш ила хавотирга ўхшаш туйғуни ҳис этади. Ҳозир ҳам шундай. Ризвоннинг ўзи буни нима эканини аниқ-тиниқ билмайди. Уни энди олдингидай нозик туйғулар, оч аёлни қийнайдиган ҳислар безовта қилмайди — эри бор. Бироқ раисни кўрди дегунча, ғалати бўлиб кетади, ичига титроқ киради, ширин-ширин энтикади. Бу энди нафақат раисга, балки кўнглида яшириб юрган нозик, ширин хотираларга боғлиқ. Балки аҳамиятлиси ҳам шудир — кўнгил тубидаги ширин хотиралар... Эри борлиги, уни ҳурмат қилиши лозимлигини биларди ва имкон туғилган ҳолда раиснинг ортидан чопиб кетмасликни ўзига уқтиради, бироқ кўнгилга буюриб бўлар эканми? Юракка бирор нарсани уқтириш оғир. У ўз билганидан қолмайди.

Манноп раис эса ҳар доим Ризвонни кўрганида ўшанда — пешин чоғида чўлда бўлиб ўтган воқеани бадани жимирлаб хотирлайди. Ўша дамлар яна такрорланса, деган хаёл

билан энтикади. У Ризвонни ҳурмат қилмайди, унинг кўнглидаги туйғу муҳаббат эмас, умуман буни тан олмайди, ўйлайдики, севги биров билан узундан узоқ суҳбатлар қуриш, унинг ёнида бўлиб, сочларини силаш истаги. Ризвон билан эса суҳбатлашишни хоҳламайди, қўрқади, унинг сочларини силагиси ҳам келмайди. Бироқ кўнгили ўшандаги туйғуларни яна бир бор туйишни истайди. Аллақандай жозиба-ли, унутилмас дамлар бўлувди-да ўзиям. У умри бино бўлиб аёл билан бу каби эҳтиросли ва сирли яқинлик қилмаган. Тўғри, ўшанда буни ҳис қилмаган эди. Ҳаммаси кейин — ўша воқеа ширин хотирага айлангач пайдо бўлди. Ёдгорга мақтанганида сал ошириб юборганига қарамай, барибир у унча-мунча жувон билан бўлган эди, бироқ ҳеч қачон Ризвонга ўхшаганини учратмади, аниқроғи ўша туйғуни туймади.

– Ука, ичкарига киринг, чой ичиб кетасиз. – Матлуба хола ўғлининг совуққонлигидан ҳайрон бўлиб Манноп раисга манзират қилди.

– Йўқ, хола мен бораё, шошилинч ишим бор, бориб шуни ҳал қилмасам бўлмайди... Ёдгорнинг ҳам кайфияти йўққа ўхшайди.

– Бу ҳозир уйқудан турди, шунга карахт, – ўғлини оқлади Матлуба хола.

– Шошма, ўзим боғлайман. – Ёдгор бориб, қўполлик билан хотинини туртиб юборди ва иккита терини посанги қилиб боғлади.

Бу ердагилар унинг бу ошкора қўпол қилиғини ҳазм қилмай, бир-бирига ҳайрон қараб қўйди.

Ёдгор териларни кўтариб кўчага олиб чиқди ва раиснинг отига хуржун қилиб ортди.

– Оёқдан туртиб юбор, – деди Манноп раис соғ оёғини узангига қўйиб. – Бу ёғоч оёқни кўтариш жуда қийин-да.

Ёдгор ижирғаниб унинг ёғоч оёғини кўтариб эгардан ўтказди. Яна ўша гап — шу одам хотини билан бўлгани ёдига тушиб кўнглига хуфтон инди, газаби қайнади. Ўзича жаҳд билан тортиб, тупроқ кўчага йиқитиб олмоқни хаёл қилди. Шу ўйидан бироз ҳузур топгандай ҳам бўлди. Ўзининг бу ногирон олдига ўн чандон кучли эканини ҳис қилиб гурурланди.

«Кейин... кейинроқ ҳал қиламан, – деб ўзига тасалли берди у. – Аввалига ҳаммасини аниқлайман, кейин ҳаракат қиламан. Унгача қандай йўл тутиш кераклигини ҳам аниқлаштириб олсам керак, худонинг ўзи бир йўлга бошлайди.»

Раис кетди, Ёдгор эса яна ўз дардлари билан ёлғиз қолди. У раиснинг безбетлигидан ҳайратланди. Агар шу иш ростдан содир этилган бўлса, сал уялса, андиша қилса бўлармиди? Илло, бундан Ёдгорга нима наф? У раис ўзини қандай тутиши, хотини нима дейишидан қатъий назар, бу масалани ҳал қилиши, якунига етиши лозим.

Қоронғи туша бошлаганда уйда ҳололмай кўчага чиқди. Олдинига нима қилишини билмай, бемақсад болалигида ўйнаб юрадиган жойлар — тепалик ёнига борди, уни айланиб кўрди, болалик хотиралари жонланиб, ўшанда ўзини камситилган ҳис қилиб яшаган эса-да, қанчалар бахтли бўлганини англади. Мана бунақа номус, ор масалалари йўқ эди унда.

Унда бир нарса — нима учун ҳамманинг отаси бору ўзиники йўқлиги ўйлантирар эди. Катта болалар ўйинда фирромлик қилганда, урганида, устидан қулганларида шу ўй кўп қийнарди. Энди тушунаяптики, ўшанда ҳаётнинг энг оғир ноҳақлиги деб ҳисоблагани ҳақиқатан ҳам болалик ўйинлари бўлган. Ҳаётнинг ҳақиқий ноҳақлиги мана бу ёқда экан. Мана, олдида бутун бўй-бастини кўрсатиб адолатсизлик, ҳақсизлик турибди. Энди болаликда бўлгани каби йиғлаб, сиқтаб бундан қутулиб бўлмайди. Энди буни отасининг йўқлигига йўйиб ҳам кетолмайди. Унинг ўзи ҳозир ота ёшида. Ўзи болалар қилиб, уларни ўстирадиган ёшда. Энди унинг олдида бошқа масала кўндаланг — хиёнат. Ўша болаликдаги етимлик каби ҳал қилиб бўлмайдиган, унга алоқаси бўлмаган, лекин ўзи жавоб бериши керак бўлган, барча оғирлиги гарданида бўладиган, ечими мавжуд бўлмаган, охири йўқ масала.

Ниҳоят Ёдгор Нормуроднинг олдида бормоқчи бўлди. Ўша тарафга юрди.

Нормурод ҳам юрак ютиб уни кутиб турган эканми, чақирishi билан чопиб чиқди. Уйга кириш тўғрисидаги таклифига Ёдгор қатъий рад жавобини бериб, билагидан тутиб чеккароққа олиб ўтди.

– Ука, ўша гапдан кейин оғир ўйда қолдим, нима қилишни билмай бошим қотган. Хотинимга қарасам, у бунақа ишга қўл урадиган одамга ўхшамайди... – деди Ёдгор мунгли овозда.

Нормурод унинг қаттиқ изтироб комида қолганидан каловланиб, ўзича тинчлантирмоқчи бўлди:

– Эҳтимол, ҳеч гап бўлмагандир...

– Сахарлаб «кўрдим», дединг-ку?! Балки адашгандирсан, у бошқадир?

– Бўлиши мумкин, Ёдгор ака, узоқ эди, адашгандирман, кўзимга янга бўлиб кўринган бўлиши мумкин...

Ёдгорнинг кўнглида умид учкунлари пайдо бўлди.

– Балки шундайдир, танимай қолгандирман...

Ёдгор ўйланди. Кейин тўсатдан ҳовлиқди:

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас, кўзинг ўткир, тунов куни тоғда кўрдим. Айтишларича, бобонг мерган ўтган экан, бундай одамнинг неварасини кўзи хира бўлиши мумкин эмас, сен кўргансан, ўша аёлнинг кимлигини аниқ биласан.

Нормурод нима жавоб қайтаришни билмай каловланди, ўйланди, ўнғайсизланди. Ахир не қилсин? Нима деса бу инсон уни тинч қўяди ва хотиржам ўз уйига кетади? «Танидим», деса ҳам, «Танимадим», деса ҳам бир бало. У шу гапнинг исини чиқариб, хато қилганини эди англади, бу ҳазил эмас ахир, инсон тақдири, ҳаётини ҳал қилиб юборадиган гап-ку... Лекин Ёдгор алданиб юришга арзийдиган йигит эмас, бунақа мард инсонлар бир маккор аёлнинг ҳийласи билан бир умр масхара бўлиб яшамаслиги керак...

Нормурод бу қилмишидан уялди, ўзини оқламоқчи бўлди, лекин имконини қилолмади. Аёлдай гап ташиб юрганидан орланди. Нима бўлса-да у ҳам Ёдгордан кам ташвишга тушгани йўқ.

– Ёдгор ака, – деди ниҳоят ўйланиб бир тўхтамакча келган.
– Сиз ҳам, мен ҳам уруш кўрган, оқ-у қорани таниганмиз, инсон ҳаёти ҳеч нарса эмаслигини тушунамиз, одам одамлиги учун эмас, ори, номуси учун одам эканини биламиз. Ўшанда кўрганим кўзимга сизнинг хотинингиз бўлиб туюлган эди. Бошқа ҳеч нарса билмайман. Буни сизга айтишимдан мақсад, сўраб-суриштириб охирига етинг, деган эдим. Ўзга бўлса яхши, бўлмаса... бир бевафо билан яшаш-яшамасликни ўзингиз ҳал қиласиз. Тавба қилдим-ку, лекин меники шунақа чиқиб қолса, ўзим билар эдим... Яна бу ярамас раис бемалол сиз билан ошначилик қилиб юрибди, устингиздан кулгандай кўмаклашаяпти... Сиз орли йигитсиз, масхара қилишларига чидолмадим... Сиз бундай муносабатга лойиқ эмассиз.

Нормурод аслида сал юмшатиб гапирмоқчи эди, бироқ нима учундир ғазаби қайнаб, сўзининг сўнгида оғзидан кўпик сачратиб юборди, кўзлари олайди:

– Хотинингиздан сўрасангиз бўлмайдимми?

– Қизиқмисан? Бунақа нарсани ўзидан суриштириб бўладими? Албатта йўқ, дейди-да, кўлинг билан ушламагандан кейин ким бўйнига олади? Кейин... шунақа гапдан

сўнг қандай қилиб яшайман у билан?! – Ёдгорнинг нафаси ичига тушиб қолган эди.

– Бошқа йўли йўқ, – Нормурод бироз ўзини босиб гапирди, суҳбатдошининг ҳали шу аёл билан яшаш илинжи борлиги, кўнглида ундан воз кечолмаётганидан ҳайратланди. – Раиснинг олдига бормайсиз-ку хотиним билан юрганмисан, деб.

Ёдгор индамади. Боши қотган, хаёлига ҳеч қандай гап ҳам, фикр ҳам келмади.

– Маслаҳатим шу, – деди ўз гапини такрорлаб Нормурод. – Менинг бу борада тажрибам йўқ-ку, лекин аёлни алдаб-сулдаб сўраб олса бўлади... Аммо мени айтди, деманг, тан олмай, оёғини тираб туриб олади. Яхшиси, раиснинг ўзи маст бўлиб мақтанди денг, чўлда, пешинда, уйдан қайтаётганинда бўлган экан денг. Озгина виждони қолган бўлса, зиғирдеккина ори бўлса тан олади...

– Агар умуман содир этилмаган бўлса-чи бу иш? – сўради Ёдгор илинж-ла.

– Унда... – Нормурод ўйланди, жаҳли чиқди, «Эй инсон, ўз кўзларим билан кўрдим, шу сенинг хотининг эди, нимага бунча мижғовланасан?» деб юборишдан ўзини зўрға тийди, – қўша қариб яшайверасиз-да.

– Бунақа гап чиққанидан сўнг яшаб бўлар эканми?

– Билмадим, Ёдгор ака, бу сизнинг ҳаётингиз. Ўзингиз ҳал қилинг. Гап-сўз чиқмасин десангиз барчасини ичингизга ютиб, ҳеч нима бўлмагандай, ҳеч нарсани билмайдигандай яшайверинг. Мен эса бу борада балиқдай жимман, хавотир олманг, бировга «ғиқ» этиб оғиз очмайман.

– Сен ҳам кесатиб гапирасан, – Ёдгор ранжиди. – Оёғинг лойга ботса, барча устингдан масхаралай бошлар эканда, а?

– Кесатганим йўқ...

Иккаласи бироз жим бўлди.

– Майли, бўлмаса мен борай, – деди ҳазин овозда Ёдгор.

– Боринг, лекин жаҳлга берилманг... Эсингиздан чиқмасин, мен ҳақимда бирор оғиз ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Ваъда қилгансиз, онт ичгансиз.

Ризвон эри овга бориб ўзгариб қайтганини сезиб юрибди. Сержаҳл ва кўрс. Ширинсўз, хотинини асраб-авайлаган одам кутилмаганда ўзгарди. Аввалига Ризвон бу урушдаги жароҳат оқибати, деб ўйлади, эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Бироқ Ёдгор ўзгарай демас эди, ўз ҳолига қайтиш нияти йўққа ўхшайди. Авваллари хотинига ҳаддан ортик

этибор бераётгани учун фарзандидан койинган Матлуба хола икки ўртада каловланди. У ўглининг бунчалар тез ўзгаришини кутмаган эди. У ҳатто Матлуба хола билан ҳам гаплашмай қўйган.

– Ризвон, сен билан жиддий гаплашиб олишимиз керак:

Ризвон кечаси эридан шу гапни эшитганида юраги орқага тортди. Ёдгор ҳали унга бу қадар совуқ ва расмий гапирмаган эди. Ҳатто урушга кетиш чоғида ҳам кулиб, тезда қайтишини айтган.

– Нимани?!

– Мен йўқлигимда нима билан шуғулланганимни.

Улар иккаласи даҳлизда, кенг тўшақда ётишган эди.

Бундан сал бурунроқ Ёдгор қайларгадир бориб, анча кеч қайтган ва Матлуба холанинг овқатланиш тўғрисидаги гапига жавоб бермай, ётиб олган эди.

– Эл қатори юрдим, ишладим...

Ризвон ич-ичидан қўрқиб бораяпти. Унинг хаёлига дарров Манноп раис келди. У бўлиб ўтган ишларни ҳеч ким кўрмади, гап-сўз бўлмади, бундан кейин ҳам гап чиқмайди, деб хаёл қилган ва шунга ишониб қолган эди. Эрининг бундай муомаласидан хавотирга тушди.

– Эл қатори эмас... – Ёдгор ўйланди. Гапни қандай бошлаш кераклигини билмай боши қотган.

Ризвон эрининг нимага шаъма қилаётганини жуда-жуда билгиси келаяпти, бироқ ҳеч нарса сўрамади, овози қалтираб чиқиши ва бирор нарсани сездириб қўйишидан чўчиди.

– Эл қатори юрмагансан, Ризвон... Сен жалаблик қилгансан. Йўқлигимдан фойдаланиб, урушда ўлиб кетса керак, деб ўйлаб, бузуқчилик қилгансан.

– Вой, нималар деяпсиз?! – Ризвон сапчиб тушди. Ўтириб, чалқанча ётган эрига қаради. – Эсингизни еб қўйибсиз.

– Мен сени ёқтирар эдим, Ризвон... – деди Ёдгор негадир кўнгли бузилиб. – Лекин сен хиёнат қилдинг, мени алдадинг... Кутмаган эдим.

– Ким айтди бу ифлос гапларни сизга?

– Манноп чўлоқ айтди!

– Нима?! – Ризвон бўшашди. Гапини топсмай каловланди.

– Ҳа, нимага индамайсан, нафасинг ичинга тушиб кетди?

– Нима деди?!

Ризвоннинг бу тарзда бўшашиб берган саволидан Ёдгорнинг кўнглидаги барча шубҳа-гумонлар тумандай тарқалди. Хотининг айбсиз эканига, кўнглининг бурчак-бурчакларида

ишониб юрган ва буларни барчаси куруқ тухмат бўлиб чиқишига умид боғлаган эди.

Ёдгор етимликда улғайган, одамлардан кўп жабр кўрди, дакки эшитди. Онасидан бошқа ҳеч кимдан меҳр кўрмади. Бу қишлоқда ёт инсон бўлиб яшади. Ўзини ҳеч кимга керак эмасдай ҳис қилиб юрди. Ниҳоят, уйланиб, хотинига боғланиб қолган эди. Нафақат чиройлилиги учун, балки ўзига қараб қолгани, меҳрига муҳтожлиги учун ҳам у хотинини еру кўкка ишонмас эди. Меҳр кўрмай ўсган бу йигит ўзгаларга меҳр кўрсатишни ёқтирарди. Бировга эзгулик кўрса-таётганидагина ўзини тўлақонли эркак ва бахтли инсон ҳис қиларди. Айнан шу одати туфайли Маннопнинг оёғини снаряд узиб кетганида елкасига олиб, ён-верига қарамай тиббий қисмга кўтариб борган.

У ҳар доим хотинига кераклиги, усиз Ризвоннинг аҳволи оғир кечишини ўйлаб, шунга ишониб яшади. Эҳтимол урушдан омон қайтишининг сабаби ҳам шундандир, ахир ҳар куни минг марталаб худодан тирик қолишни сўрар, усиз завжаси бошига оғир кунлар тушишини, кун кўролмаслигини айтиб, илтижолар қилар эди.

Мана, энди ўша, ўзисиз ўлиб қолиши мумкин, деб ўйлагани — хотинига умуман керак бўлмаганини билаяпти. У алданди, нафақат хотинига, балки ўз туйғуларига ҳам алданди. Ўз ҳислариям хиёнат қилди, ёлғон гапирди.

Ёдгор билмайди, нимага кўпроқ қуйинаяпти, қайсиниси аҳамиятлироқ? Завжасининг хиёнатими ёки ўзининг унга керак эмаслигими? Ёки аҳмоққа ўхшаб, «Ризвон менсиз яшолмайди», деб хаёл қилиб ўзига ортиқча бино бериб юрганими? Алдоқчи туйғуларми?!

– Нима дерди, – Ёдгор бирдан совиди. – Сени ёзнинг иссиқ бир кунда, пешинда қандай қилиб ... айтди.

– Унақа гапирманг!..

– Нима демай?! У шундай деб айтган бўлса, мен қандай гапиришим керак.

Ўзининг гапидан Ёдгор ғазаби қайнади, ўрнидан туриб Ризвоннинг ёқасидан олди ва бир-икки силталади, юзига тарсаки тортиб юборди. Хотини кигиз устига юзтубан қулади. Жаҳл устида биқинига тўрт-беш тепди.

Ёдгор кутганидай Ризвон бақириб қишлоқни бошига кўтариб дод солмади, жимгина, пиқиллаб йиғлади.

– Эй, менга қара! Бу ерда йиғи-сиғини бас қил! – Ёдгор ўтирган ҳолича шашт билан Ризвонни елкасидан кўтариб ўзига қаратди. – Менга жавоб бер, нима учун шу ишга қўл урдинг? Мени ўлиб кетади, деб ўйлабмидинг?

- Ундай ўй хаёлимга келгани йўқ, – пиқиллади Ризвон.
- Нимага бундай қилдинг бўлмаса?!

Чин кўнгилдан ҳали ҳам Ризвон «Бунақа иш бўлгани йўқ», деб қолишини истаётган эди. Охир оқибатда ҳаммаси Нормурод айтганидай бўлиб чиқишини истамайди. Ўзгаришлар, кўнимсизликлардан чарчаган ва энди тинчгина, яримта нон еб бўлса ҳам оилам билан бирга яшайман, умргузаронлик қиламан деган хаёлда эди. Уруш, жанжал, кўнимсизлик ва доимий кураш жонига тегиб бўлган. Бироқ ҳаёт ўз билганидан қолмас экан, чамаси, ҳеч ким унинг хаёли, орзу-ўйлари билан ҳисоблашмоқчи эмас.

- У ўшанда мени зўрлаган эди!!! – Ризвон шу гапларни айтаётиб юзини ёстикқа босди, ҳўнграб йиғлади. – Кучим етмади, зўрлик қилди, додимни ҳеч кимга айтолмадим... Бақирдим, ҳеч ким ёрдамга келмади... Мен нима ҳам қилишим мумкин эди? Бир ожиза аёл бўлсам.

Ёдгор каловланди, бунақа бўлиб чиқиши мумкинлигини ўйламаган экан.

- Бекорларни айтибсан, ўзинг бир нарса демаган бўлсанг, нимага у айнан сенга ёпишади?

- Билмасам, – Ризвон йиғлаб гапирди, овози мискин эди. – Уйга келиб кир-чирни чайиб қайтаётган эдим. Йўлда учратиб ёпишди.

Ёдгор ўйланди, нима дейишини билмай боши гангиди. Секин-аста ҳовуридан тушиб хотинининг гапларига ишонди. Инсон ўзи шунақа — нимани эшитишни истаса ўшани эшитади, нимага ишонгиси келса ўшанга ишонади.

- Сен мени алдаяпсан! – деди у ўтирган ерида бошини чангаллаб. Бироқ энди унинг овози боягидай важоҳатли эмас. – Ёлгон гапираяпсан, сен ярамас.

- Ўлай агар, худо урсин шундай бўлди. Мени шу чўлоққа тенг деб ўйлаяпсизми?

Ёдгор жимиб қолди, оғир ўйга чўмди.

- Наҳотки, ҳеч ким ёрдамга келмаган бўлса? – сўради ниҳоят у. Бу Ризвонга ишонганини англатар эди.

- Ҳеч ким йўқ эди. Чўлда, адирлар орасида ҳеч ким йўқ эди.

Ёдгор ўйланди. Нормурод ёдига тушиб, ундан хафа бўлди: нимага у «Эй, кўйинглар, қайтинглар», қилмади экан?

- Раиснинг бир ўзи эдими? – сўради Ёдгор.

- Бир ўзи... – Ризвон бунинг эри учун нима аҳамияти борлигини ва нимани англатишини тушунмади.

- Майли, – Ёдгор ўринга чўзилди. – Лекин мен барибир сени кечирмайман. Эрталаб барчасини бир ёқли қиламиз.

– Илтимос сиздан, гап-сўзни кўпайтирманг, менинг номимга яхши эмас, ўзингизга ҳам дуруст эмас бу, келинг бирга яшаб кетайлик, ҳаммаси ўтиб, унут бўлиб кетди-ку...

– Номаъқулни ебсан! – Ёдгор хотинига раҳми келаётганига қарамай ўдағайлади. – Ит теккан ош менга ҳаром! Энди мен учун ҳаромсан, ҳаром!

Ёдгор қанчалар бирга яшашни истамасин, энди хотини билан ажрашиш лозимлигини англаб, оғир қайғуга чўмди. Икки ўт гирдобиди қолган бу йигитни бир ёқдан иззатнафс, ор-номус қийнайди, иккинчи томондан кўнгли азоб беради. У йўл-йўлакай янги одамлар билан танишиб, эскиларини унутиб кетаверадиганлар тоифасидан эмас. Боғланиб қолган нарсалари, кишиларидан ажралиши оғир.

Эр-хотин тонгга қадар тўлганиб чиқди.

Ёдгорни секин-аста оғир ўйлар ўз гирдобига тортди. Бундан кейинги ҳаётини Ризвонсиз тасаввур қилолмапти, мана шу мискин, хокисор инсонга орадан ўтган қисқа вақт ичида шунчалар ўрганиб қолган эканми, унда ажралиш, қайтиб уни кўрмасликни хаёлига сиғдиролмапти. Одамларнинг ортиқча гап-сўзларидан чўчийди, бутун умр ўзини кўрсатиб, устидан кулиб юришларини ўйлаб, дили зимистонга айланади. Бу иллат – хотинининг бевафолиги энди ўзини бутун умр таъқиб қилишини, бунда айби бўлмаса-да, бир умр тавқи лаънат бўлиб бўйнида осилишини эслаган сари кўз олди қоронғилашиб бораверади. «Дод», деб бир ёқларга қараб бош олиб кетишни истайди, бироқ бунинг ҳам иложи йўқ. Қайга боради? Кимдан қочиб боради? Қочган билан ўзидан қутулиб бўлармиди? Унинг отаси шу номусни деб қайларга бормаган, у ҳам охир-оқибатда шу ерга қайтиб келган-ку...

Ёдгор ҳаётдан, ўз ҳаётидан зорланади, шўр пешона эканини ўйлаб азоб чекади. Ахир нега айнан унинг ҳаётида мана шунақа бадбахтлик рўй берди? Шунча одам урушда ўлди, қанчаси қайтиб келди, барчасининг оиласи тинч-у, нега айнан уники нотинч. Урушда қанча азоб чеккани етмагандай, ўйда ҳам уни мана бунақа ечимсиз ғалва кутиб тургани нимаси?

Ризвон ҳам аччиқ ўйлар гирдобиди. Бўлиб ўтган воқеаларда ўзини айбдор санамайди. Ўшанда ҳам, кейин ҳам раис ўзини зўрлаган деб ҳисоблайди. Ахир олдига чошиб боргани йўқ-ку. Тўғри, бу унга ёқди, яна такрорланишини истади, лекин ҳеч нарсага зиғирча бўлсин таъсир кўрсатмади-ку. Хоҳласа, хоҳламаса, унга ёқса, ёқмаса шу иш бўлди, бўлар эди. Раис кўзига яхши кўрингани, уни ҳар куни

ўйлагани сир эмас, лекин-буни биров билмайди, бу билан киши хиёнат қилган ҳисобланмайди-ку. Ризвон шу фикрда ва бу ўзини айбдор ҳисобламасликка етарли асос эди. Унга эрининг ҳайқириқлари, талвасага тушиши эриш туюлди. Назарида, ўртада шунча жанжалга арзийдиган гап-сўз бўлгани йўқ, бир зўравоннинг зўрлиги учун инсон ҳаёти бузилиб кетавермаслиги керак.

Ёдгор тонггача ўйланиб чиқди.

Эрталабга қадар тинимсиз хотинидан сўради:

– Тўғрисини айт, чўлоқ ростдан ҳам зўравонлик қилдими? Ёки ўзинг...

Ризвон эринмасдан раиснинг куч ишлатгани, ўзи иложсиз қолгани, холаси, яъни Ёдгорнинг онаси, момоқайнонаси ҳамда ўғли Ғолибни ўйлаб, жим юргани, акс ҳолда раис «Қишлоқдан бадарға қилиб юбориш» тўғрисида гапиргани, йўқ қилиб юбормоқчи бўлганини айтиб йиғлайверди. Ёдгор унинг дийдиёларига ишонди.

Ризвон шу гапларни айта туриб уларнинг ростлигига ўзи ҳам ишонар, у ўйлар ва ўзини ҳам ишонтиришга ҳаракат қилар эдики, агар қаршилиқ кўрсатганда раис унга, боласига ёки қайнонасига бир кор-ҳол қилиши мумкин эди.

– Биз ожизаларнинг қўлидан нима келарди, ўзингиз айтинг? Нима қила олардик бу жоҳил раисга қарши?! Унинг қўлида ҳукумат бўлса, бир деганда бизни йўқотиб юборарди, очлиқдан ўлишгача олиб борарди. Жим юришга мажбур эдим.

Ризвон шуларни айтиб зорланди. Шунга ўхшаш гаплар билан эрталабгача Ёдгорнинг онгини ўзига мойиллаштирди ва у хотинига раҳми келган, унинг хокисорлигига, бечоралигига ишонган ҳолда эрталаб ўрнидан турди. Энди унинг бутун ўй-у ҳаёли бир нарсада бўлди — қандай бўлмасин Маннопдан ўч олиш.

Эрталаб тўғри раиснинг уйига борди, нияти — агар у шу ерда бўлса, пичоқлаб ташлаш эди. Аёллар ожизлигидан фойдаланиб, уларни хўрлаган инсоннинг бу ҳаётда яшашга ҳақи йўқ.

Бахтга қарши Манноп раис уйда йўқ, Ургутга чақирришган экан, каллаи саҳарлаб жўнаб кетибди.

Пешинга қадар Ёдгор на қилган иши, на борган жойи, на гапирган гапи ва на ўйлаган ўйини билди, ҳаёли жойида эмас. Кўнгли безовта, ҳаётини тубдан ўзгартириб юборадиган воқеа рўй бериши керак, орадаги вақтни кўрқув билан ўтказди.

У ғалати ахволга тушиб қолган, нима қилаётгани ва қандай йўл тутишни аниқ фикрлаб, хулосалаб ололмайди, ўй кўплиги, ташвиш оғирлигидан мўлжални йўқотди.

У Ризвоннинг айбдор эмаслигига узил-кесил ишониб қолган ва унга нисбатан бирор чора кўриб кейин Манноп раис билан орани очик қилмоқчи бўлди. Ҳозир бу борада бирор хулоса қилишга ожиз, тўғрироғи буни истамаётган эди. Назарида, шунча азоб чеккан бу ожизани яна хўрла-маслик керак. Тўғри, бундан сўнг у билан яшаб ҳам бўлмайди. Ори йўл кўймайди. Шу сабаб кутаяпти. Кимни? Маннопни! У билан нимани гаплашади, нима дейди, билмайди. Ўйлашга ҳам кўрқади. Ахир бунақа гаплар ҳақиқий эркак учун ўлимдан-да оғир. Қандай қилиб «Сен менинг хотинимни..?» дейди. Бунга қандай тили боради? Лекин барибир орани очик қилиш керак-ку, индамай кетавериш орли йигитнинг иши эмас. Бундан кўра ўлган афзал.

Пешинга қадар у ёққа, бу ёққа бориб юрган, нима қилишини билмай кўнглига қил сиғмаган Ёдгорнинг хаёлига тўсатдан ўзини ҳам ҳайратда қолдириб бир фикр келди: урушдан қайтмаган йигитлар рўйхатини тузса-чи. Қани нечта одам ўлиб кетибди бу одамхўр урушда?

Токчадан бригадирлик ҳужжатлари орасидан бир парча сарғайган қоғоз олиб, перони сиёҳдонга ботириб, олдинига жадвал чизиб олди сўнг ёзди. Эсига келганларни бир бошдан ёзиб кетавергани учун рўйхат пала-партиш бўлди.

Бу машғулот бир соатдан ортиқ вақтини олди. Бригадирлик лавозими Ёдгорга бунақа рўйхатларни аниқ ва тушунарли тузишни ўргатган. У қоғозга қараб, толиққан қўлини силкитиб бир хулосага келди: ахир бу оддийгина рўйхат-ку. Оддий рўйхат! Сиёҳ ва қоғоздан иборат, тушуниб бўлмайдиган, маъни-моҳияти бўлмаган нарса.

Ёдгор ўз ижодига термилди. Секин-асталик билан шу қора ҳарфлар ортида инсонлар, уларнинг аччиқ толеи, серташвиш, серғалва ҳаёти ётганини англаб борди, юраги билан ҳис қилди. Буларнинг барчаси қачонлардир шу қишлоқ кўчаларини чангитиб юрган, улар ҳеч қачон тушларига ҳам кирмаган узоқ Россия ўрмонларида, хаёллари етиб боролмайдиган Европа далаларида, отини-да айтишга тиллари келмайдиган шаҳар-қишлоқларда ўлиб кетишни ўйларига ҳам келтирмаган. Бу йигитлар кечагидай Ёдгорнинг ёдида, юз тузилиши, сўзлаш оҳанглари, одатлари хаёлидан кўтарилгани йўқ. Ахир тирик инсон эди-ку улар, айрим оилалардан учтадан йигит ўлиб кетибди-я. Ҳар бири бир дунё, ўз ғам-ташвиши, дарди, ўйи

билан юрган одамлар эди... Энди эса барчаси бир парча қоғозга жо бўлди. Уларни қийноққа солган, бошларини минг бир тошга уришга мажбурлаган дунё эса ўша-ўша, тириклар бошига ўша қийинчиликларни ёғдириб давом этаяпти. Бу эркалар, йигитлар, ўспиринлар эса йўқ... Аввал бошданоқ мавжуд бўлмагандай... Барчаси узоқ бир тушга кириб унутилгандай.

«Аслида инсон деганлари ўзи қанақа мавжудот? – Ёдгорнинг хаёлига шу ўй келди. – Нима эди бу инсон деганлари, ҳаёти нима?! Тириклиги, тирикчилиги нима? Тўрт йилда шунча йигит ўлибди, лекин ҳеч нарса ўзгармади-ку? Шунча одам ким учун, нима учундир йўқ бўлиб кетди, жавобини ҳеч ким бермайди. Шунча инсон тинчгина яшаб юрган эди, энди йўқ. Улар нимага туғилди-ю, нима учун азоб чекди, нега йўқолиб кетди? Ўлганда нима бўлди-ю, тирик қолганда қандай ишни дўндириб беришарди? Улар тирик қолганларида ҳам ҳеч нарса ўзгармасди. Фақат ўзларини бу улкан ҳаёт олдида аҳамиятли, зарур кишилардай тутиб юришган бўларди, холос. Шу! Бошқа ҳеч нима эмас. Бу дунёда инсоннинг яшаши-ю яшамаслиги, тириклиги-ю ўлими нимани ҳал қилади? Урушда бир-икки соат ичида бутун бошли роталар тупроққа қоришиб кетар эди, шунда ҳам осмон узилиб тушмаган, қуёш бемалол чиқаверар, кун ўтаверган. Тириклик, катта ҳаёт учун минг-минглаб инсоннинг яшаши-ю ўлиб кетиши аҳамиятсиз. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди... Мана шунча йигит йўқ. Улардан хотирадан бошқа ҳеч вақо қолмаган. Хотира ҳам тезда унут бўлади. Шундай экан, инсон нима ўзи?! Бу дунёга келиб-кетишининг моҳияти нимада?»

Ёдгор бир нарсани — одамлар оғзини кўпиртириб уруш ҳақида гапираётганига, раҳбарлар бу ишни Ватан, халқ учун қилинганини мақнатиб юрганига қарамай, аслида жангда бутунлай бошқача бўлгани, ҳар ким ўз жони учун урушганини билади. Урушда ҳозиргидақа романтика йўқ эди, унда ўлим ва қўрқув бор эди, холос. Нима бўлса ҳам амаллаб жонни омон сақлаб қолиш асосий туйғу эди. Орзулар, армонлар кўп эди, бироқ ўлсанг ҳам бир ўқ билан бошдан яраланиб ўлиш ягона илинж эди. Энди барчаси бошқача. Қанчалар кўпиришмасин, мақатанишмасин, илоҳийлаштиришмасин Ёдгор шунча йигит, шунча инсон бекорга ўлган, деб ҳисоблайди. У уруш ҳақида осмондан келиб гапириш, кўтаринкилик ва маҳмадоналикни ҳазм қилолмайди.

«Қанча йигит бекорга ўлди-я... бекордан бекорга. Агар шунча мол қирилганда ҳам чидаш мушқул эди, кишининг хаёли қочарди, булар, ахир одам эди-ку.»

Шу ўй билан Ёдгорнинг бошига оғриқ кирди.

Шундай экан, бир аҳмоқ раисни жонидан маҳрум қилиш учун нега бунча иккиланаяпти? Тирик юргани раиснинг ўзи учунгина аҳамиятли, ўзича дунёни ушлаб тургандай, бир ойми, икки ой жангда иштирок этиб, бутун уруш тақдирини ўзи ҳал қилгандай гапиреди, бутун колхозни ўзи боқаётгандай мақтанади... Унинг ҳаёти ҳам ўз мақтанишлари каби тайинсиз. Аслида ҳаёт раис ўйлаб юрганидан бошқача-ку. Усиз ҳам уруш давом этди, усиз ҳам колхоз аҳли очдан ўлмас эди, бундан кейин бўлмаган тақдирдаям одамлар яшаб кетаверади. Манноп чўлоқ буни билмайди, онгини шира босган, боши осмонга етиб, кўзи хиралашган, манманлиги ҳақиқатни тушунишга йўл бермайди. Ёдгор эса билади-ку. Нима учун унинг шу аҳамиятсиз ҳаётини сассиқ алафдай қолиб ташлашга бунча иккиланади? Қўрқани — хато қилса, тузатиб бўлмаслигимиз? Қанақа хато? Шунча одам сабил кетди-ку, ҳеч ким англашилмовчилик бўлди, деяётгани йўқ, тўғриламоқчи ҳам эмас...

Ёдгор қоғозга қараб, нима учундир кўнгли тўлиб келди, кўзига гилтиллаб ёш қуйилди. Барибир бу йигитларга ачинди... Ахир уларсиз ҳам ҳаёт давом этаяпти-да, демак бекорга ўлиб кетишган... ўзларисиз қолганларга қийин бўлишини ўйлаб, кўнгиллари яримта бўлиб жонлари узилди... бечора йигитлар...

– Уйда нима қилиб ўтирибсан, болам?

Матлуба хола хавотир билан хонага кирди.

Ёдгор каловланди, кўзи ёшланиб турганини сездирмаслик учун бошини кўтармади.

– Мана, урушда вафот этганларнинг рўйхатини ёзаяман...

– Раис буюрдими?

– Йўқ, ўзим. Бекорга номлари йўқолмасин, деб ёзиб қўйдим. Тезда ҳамманинг ёдидан чиқиб кетади. Ўзи ҳозир ҳам ёлчителиб эслайдиганлар кам.

– Тириklar яшаши керак, болам, – деди Матлуба хола ўғлининг кўнглини кўтариб насиҳат қилмоқчи бўлиб. – Ўтганлар учун кўп куйиниш шарт эмас.

– Билмадим...

Шашт билан гап бошлади Ёдгор ва бирдан тўхтади. У мана шу бир парча қоғозга номлари жойлашган йигитларнинг ўзи каби инсон бўлгани, улар ҳам яшашга ҳаққи

бўла туриб, ноҳақ шаҳид кетгани, ўлганда ҳам одамга ўхшаб эмас, эгасиз итлардай мазорсиз, жанозасиз, кафансиз, йиғисиз тупроққа қоришгани, уларни эслаб туриш тирикларнинг қарзи эканини айтмоқчи бўлди, бироқ гапиролмади, кўнгил туйғуларини ифодалаш учун сўз тополмади, онасидан уялди, йиғлаб юборишдан кўрқди.

«Матлуба хола ўғлига қараб нимадандир таъсирлангани, кўнгли бўшаб ўтирганини сезди ва ортиқча гап қилмай ташқарига чиқди. Ёдгор эса бир парча қоғозга армон ва ўкинч билан боқиб қолаверди.

Пешин чоғи кўчадан Манноп раиснинг баланд овози эшитилганда у чўчиб тушди. «Ана, ўша кўпдан кутилган вақт! Энди нима дейди?! Дарвоқе, нима учун Манноп раиснинг ўзи келди? Бирор гапдан хабари борми?»

Ёдгор хавотир билан ташқарига чиқди. Раис тупроқ кўча ўртасида, от устида тиржайиб турарди.

– Эй, мерган, мана улушингни олиб келдим, – деди нимадандир хурсанд. – Райондагилар бўрилар учун битта улоқча бериб юборди. Агар яна отсанг, яна мукофот бор экан... Ие, сенга нима бўлди, отаси ўлган одамдай хўмрайиб олдинг? Кечадан буён ҳали қовоғинг очилмадими?

Ёдгор Манноп раисга боқиб нима дейишини билмай қийналди. У ишонувчан инсон. Мана, ҳозир ҳам раиснинг беғубор кулгисидан яна иккиланди. Шундай — бир оёғи йўқ ногирон хотинини зўрлаши мумкинми? Итариб юборса йиқилиб, жойидан туролмайди-ку?

Раис Ёдгорнинг кайфияти ёмонлигини, ўзи ҳам унга отасини эслатиб тўғри иш қилмаганини англади ва гапини тўғриламақчи бўлди:

– Энди мен бир айтдим-да... Сенга Ургутдан улоқ бериб юборишди, тушириб олмайсанми?

– Нимага? – Ёдгор бироз қараб туриб ўзига келди. Манноп раис эгари олдига бир улоқни ўнгариб олганига кўзи тушди.

– Ие, эсинг жойида эмасми дейман? Ҳозиргина ҳўкизнинг қулоғига танбур чертдимми? Тушириб оласанми ёки олиб кетаверайми?

– Бунда Нормуроднинг ҳам ҳаққи бор, – деди Ёдгор.

– Буни ўзларинг ҳал қилинглар, – раиснинг жаҳли чиқди.

– Катта бошимни кичик қилиб, шундан шаққа жонлиқ олиб келсам-у сен ноз қилсанг.

Ёдгор иккиланди. «Бу ҳам хотинимга қилган зўравонлиги учун порамикин», деган ўйга борди. Фазаби қайнади, бироқ ўзини босди. Ҳозир бу тўғрида гап очишнинг мавриди

эмас, деган тўхтамга келди, аниқроғи бир амаллаб ўзини шунга ишонтирди. У очиқ-ойдин гаплашиб оладиган вақт келишидан чўчияпти. Йўқ, жанжаллашиш, калтак ейиш ёки ўлиб кетишдан эмас, балки шарманда бўлишдан. Бу тўғрида гап очган заҳоти у кўпчиликнинг кўз ўнгида ҳақиқий эркақдан миждов, ландавур, латтачайнарга айланади. Аслида аввалдан ҳам дангал эркақ бўлмагани тўғрисида гап-сўзлар кўпаяди, мисоллар топишади. Буниси аниқ, чунки кишлоқда ёнини оладигани кам. Манноп эса кимсан колхознинг каттаси, ҳокимият одами, ҳамма унинг гапини маъқуллаши аниқ. Ўзини эса бир пул қилиб тепкилаб, балчиққа булғаб ташлашади... Ҳеч ким бўлиб ўтган ишда унинг иштироки ҳам, айби ҳам йўқлиги, булар унинг инон-ихтиёридан ташқарида бўлганини эслаб ҳам ўтирмайди. Ор, номус, шаън шунақа ожиз, нимжон ва кўнимсиз... Ёдгор яна ўша — болалик чоғлари, етимликда ўсган, ўтган-қайтганнинг турткилаб юрган даврларини ёдга олди. Ўшанда ҳам ҳимоя қиладигани бўлмаган, ҳеч ким ёнини олмас эди. Ҳақлигига қарамай уришмас, таёқ еса ҳам кучи етиш-етмаслигидан қатъий назар, имкон қадар индамай кетиш пайида бўлар эди.

Ёдгор индамай эчкини тушириб олди.

– Ҳа, тилингни ютиб юборганмисан, нима бало? Ёки талқон еб чиқдингми? – Манноп Ёдгорнинг камгаплигидан ҳайрон. Илгари бошқача эди.

– Бошим оғрияпти, – деди у зўрға ва улоқни ерга қўйди.

– Бу эчкини нима қиламиз? Нормуроднинг ҳам ҳаққи бўлса...

– Ўзларинг биласанлар.

– Шунга сўйиб, бир худойи қилиб юборсак, нима дейсиз?

– Ёдгор улоқни олиб қолишини ҳам, қайтариб юборишни ҳам билмай боши қотди.

– Ихтиёринг.

– Бўлмаса шу бугун кечга таниш-билишларни олиб, бизникига келинг, ўтириш қиламиз, – деди Ёдгор бир фикр ўйлаб.

– Майли, – Манноп от бошини буриб қайтмоқчи бўлди. Уни Ёдгорнинг кайфияти ҳайратлантирган ва бу ерда ортиқча қолиш кўнгилхираликка олиб келишини англаган эди.

– Ўйлайманки, унгача бош оғригинг ҳам қолади.

– Бошоғриқни ўшанда ҳал қиламиз, – деди Ёдгор маънодор. Раис бу гапга эътибор бермади.

– Бунга ким олиб келди? – сўради Ризвон чопиб чиқиб эрининг қўлидан улоқ арқонини олар экан.

– Ўйнашинг бериб кетди, – деди Ёдгор кўпол қилиб ва арқонни отиб айвонга қараб юрди.

– Ким экан? – сўради у ерда куймаланиб юрган Матлуба хола.

– Манноп чўлоқ, кечаги бўрилар учун битта эчки олиб келибди.

– Вой, барака топсин. Шунақа яхши одамлар ҳам бор-да бу дунёда, болам.

– Бор экан, эна, бор экан... – деди Ёдгор. – Шуниси сўйиб бир халққа худойи берсак деган эдим, шунга нима дейсиз, эна?

– Шартмикан, болам?

– Шарт! Бунда Нормуроднинг ҳам ҳаққи бор. Ҳар ҳолда ёнимда эди. Бундан ташқари, шунча ўлимга чап бериб келдим, қон чиқармасак бўлмас. Урушда «Агар тирик борсам, етти азиз-авлиёга атаб бир жонлиқ сўяман», деб қўйган эдим.

– Майли, сўйсанг сўя қол... Йигитники — йўлда, сенга аталгани яна бордир.

Кечки зиёфатга тайёргарлик бошланди. Қўшниникидан каттароқ қозон олиб чиқишди. Ёдгор Нормуродни чақириб келди.

– Раис кечаги бўрилар учун Ургутдан бир эчки олиб келибди, шуни ташлаб кетди. Олдиндан ўтгани келган эдим, иккига бўлиб бўлмаса, биттамыз олсак, иккинчимизга ўн-ғайсиз, яхшиси сўйиб худойи қилмаймизми? – деди унга.

– Ўзингизга олаверинг, менинг алоқам йўқ-ку.

Нормурод самимий эди.

– Йўқ, мен раисга ўхшаб ҳамроҳларга хиёнат қиладиган одам эмасман. Бирга бордик, демак иккаламизники. Хоҳласанг уйингга бериб юбораман.

– Майли, худойи қиламиз.

– Маладес, ўзинг тушунган йигитсан-да, шундай дейишингни билиб раисга ҳам айтиб юборган эдим. Энди, бизнинг уйга бориб, шу эчкини сўйиб берасан. Энанг билан момойни ҳам ол...

Нормурод уни бошқача кайфиятда кўриб ҳайрон бўлди. Ҳар ҳолда Ёдгор очилиб қолган, юзида ҳам илгариги ўй ва ташвиш нусқи йўқ. Кўпдан буён қийнаб келаётган масала ечимини топгандай руҳан тетик.

Нормуроднинг назарида, шу кунларда Ёдгор кутилмаган нимадир қилиши керак эди. Аксига олгандай у ҳеч қандай чора кўрмай, худойи чақириб ўтирибди.

– Мен эчки сўйишни билмайман, – деди Нормурод.

– Юравер, мен ҳам билмайман. Иккалаллашиб бошини олиб, терисини шилсак бас.

Нормурод ичкарига кириб онаси ва катэнасига Ёдгорни-
кига ўтишни тайинлаб, у билан эргашиб чиқди.

Қора улоқ унча семиз эмас. Ҳар ҳолда бир зиёфатга ета-
диган гўшт чиқди. Бироқ иккалаллашиб сўйиб, терисини
шилгунча анча уринишди. Жонлиқ саранжом қилинган,
Ёдгор тўрт-беш қарияни айтиш учун жўнади, Нормурод эса
гўштни майдалаб, ёғларини айириб, овқатга ҳозирлик кўр-
ди. Матлуба хола анча-мунча шолғом арчиб тайёрлаб қўйган
эди. Шўрва осиладиган бўлди.

Ризвон эрининг бу қилиқларини тушунмай хавотирга
берилганича бир тандир нон ёпди. Кўнгли эри аллақандай
номаъкул иш бошлаганини сезаяпти. Бироқ бирор чора
кўришга ожиз. Эрининг хаёлига не ўй келганини билмайди,
шартта отасиникига қочиб кетмоқчи ҳам бўлди, лекин яна
кўрқди, балки Ёдгор худойи қилиб барчасини унутиб
юбормоқчидир... У шу нозик бир ўйга, хом хаёлга умид
қилиб уйига кетолмади. Подадан бурун чанг кўтариб, шусиз
ҳам оғир аҳволини янада чигаллаштириб юборишни иста-
мади. Эрининг муносабатларидан ўзини кечирishi мумкин-
лиги, бунга хоҳиш-истаги борлигини англаган эди.

Ёдгор қишлоқнинг тўрт-беш қариясини айтиб қайтди,
улар билан бирга Манноп раис ҳам келиши керак. Меҳмон-
лар кун ботар-ботмасга таклиф қилинган.

Бўлиб ўтган воқеадан ва Ёдгорнинг бад ниятидан тахми-
нан хабардор бўлган Нормурод ҳам, Ризвон ҳам бундан
кейин нима воқеа рўй беришини билмай, Ёдгор нималарни
режалаштирганининг фаҳмига етолмай боши қотган. Икка-
ласи ҳам бирор чора кўришдан кўркиб, барчасини тақдир
ихтиёрига ташлаб қўйган.

Нормурод истаб-истамай бу аҳволга тушганидан таш-
вишланиб, аҳмоқлигини ич-ичида минг бор такрорлаб ўзи-
ни койиб юрибди.

* * *

Урушда бу каби масалаларни ҳал этиш осон бўлган. Унда
ҳеч қачон тепкини босиш ёки босмаслик тўғрисида ўйлаб
ўтирилмайди. Инсон ҳаётини ҳал қилиш оддий ва енгил
эди. Ҳозирги тинчлик даврда эса бу катта муаммога айлан-
ди. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, кўп иккиланадиган муаммо ҳам
эмас. Бир бор тепки босилса бас, барча ташвиш, ўй-у
хавотир барҳам топади...

Қуёш ғарбга оққан сари Ёдгорнинг кўнгли безовталан-
моқда. Боя Манноп келганида тўсатдан хаёлига урилган ва
узил-кесил режалаштириб, ҳал қилган қароридан вақт ўтган
сари шубҳаланиб бораяпти.

У урушнинг бошидан охиригача қатнашди, неча даъфа ўлимга дуч келиб, омон қолди, қарийб тўрт йил муттасил одам ўлдиришга тўғри келди. Бироқ ҳеч қачон бу каби қаттиқ ўйга чўмгани, ҳеч қачон мана шундай икки ўт ўртасида қолгани йўқ.

«Нимага бунча ўйланаман, – деб қийналди кўндаланг уйда ўзи тайёрлаган милтиқни кўрғошин солинган зўлдирчалар билан ўқлай туриб... – Урушда қанча одамни ўлдирдим, отдим, ҳеч нарса бўлгани йўқ, ҳеч нима ўзгармади, осмон узилмади. Уларнинг арвоҳлари келиб кечалари безовта қилаётгани йўқ. Инсон ҳаёти шунча ташвиш, ўйга арзимади-ку?! Юзлаб, минглаб одамлар бир жангда ўлиб кетар эди, ҳеч бунчалар оғир ўй ва қайғу гирдобида қолмасдим, ҳаёт ўз йўригида кетаверар, ортиқча ваҳима ҳам, ташвиш ҳам бўлмас эди. Тириклар ўз ҳаётини давом эттираверарди. Энди битта ногиронни ўлдириш шунчалар қийин бўлиб қолдими? Яримта одамни ўлдириш... урушда тупроққа қоришган минглаб, миллионлаб инсонлардан бунинг нимаси ортиқ? Бу ҳам шуларга ўхшаган бир банда, йўқ бўлиб кетгани билан ҳеч нарса ўзгармайди. Ўлими ҳам худди тириклиги каби улкан ҳаёт олдида аҳамиятсиз.»

Ёдгор шу ўйлар билан кўнглига тасалли берди ва Манноп раисни ўлдириш тўғрисидаги хулосаси тўғри эканига ўзини ишонтирди. Илло, бу ишонч омонат, нураб кетаверар ва тез-тез янги туйғулар, фикрлар билан озиқлантириб турилиши лозим эди.

У ташқарига чиққанида Нормурод қўллари қон, савол назари билан унга қаради:

– Жигарини чарвига қўшиб озроқ қотган нон билан қозонга ташлаб олсам нима дейсиз? Янги жигарнинг қовурдоғи зўр бўлади-да.

– Бўпти, билганингни қилавер...

Нормуродга қарай туриб Ёдгорнинг ўй-хаёлини бошқа фикрлар чулғади.

«Унда уруш эди, инсон қисмати олдиндан ҳал бўлган, уни ҳозирги давр билан тенглаштириш мумкинми? Унда ўлдириш қахрамонлик эди, давлат бунинг олқишлар эди, қўллаб-қувватлар эди. Энди бу қотилликни ким маъқуллайди? Маннопнинг болалари-чи? Агар омон қолсам, уларнинг кўзига қандай қарайман? Урушда фақат бегоналарни, душманларни, жонимга хавф солганларни ўлдирдим... Манноп менга бегонами? У менга душманми? Хотининг номусини топтаган инсон сенга ким бўлади? Ошнами?! Яқинингми?! Душманингми?! Урушда онгимизга қуйишганидай — душманни

ўлдириш хайрлими?! Унда ўлдирмасам ўзимни отишарди, бунда тирик қолдирсам орим, номусим, шаъним оёқости бўлади. Қай бирини танлаш керак?»

Ёдгор тубсиз хаёллар, жавобсиз саволлар гирдобиди қолди. Бундай вазият урушда бўлмаганига афсусланди. Унда иккиланиб ўтирмас эди. Бунча ташвиш, шунча ўй йўқ эди.

Унинг ёдига Гоби саҳроларидаги бир воқеа келди. Ўшанда, туяда хизмат қилаётган «нуқта»дан чиқиб, озиқ-овқат учун қисмга кетаётганда йўлда икки совет ҳарбийсига дуч келди. Улар қисмдан адашиб қолганми, бирор топширик билан юрганми, номаълум. Ҳарбийлардан бири капитан, бошқаси оддий аскар эди. Ёдгор аскар билан узоқроқдан туриб гаплашган, аскар бориб, Ёдгорнинг кимлиги тўғрисида ахборот берганида капитан шундай буюрган эди:

– Отиб ташла, сувини олиб туясини миниб кетамиз.

Ўшанда капитан гапларимни эшитмаяпти, деб ўйлаган эди. Ёдгор унинг ниятини тез фахмлади ва иккиланмай капитанни ҳам, оддий аскарни ҳам отиб ташлади, бунга ачинмади, фақат эпчиллигидан мағрурланди, қуроли шайлигидан хурсанд бўлди. Кўнгилнинг бир чеккасида ўз қуролдошларини, ўзиники каби формадагиларни отганидан кўнглида озроққина хижиллик уйғонди-ю, бироқ барибир бу виждон азоби эмас эди. Кимсасиз чўлда, бегона юртда ва урушда ким камроқ ўйласа ва камроқ иккиланса ўша ютар эди. Айнан шу — иккиланмагани учун Ёдгор инсон дош бериши мумкин бўлмаган жаҳаннамдан омон чиқди ва Япон урушидан ҳам тирик қайтди. Бундай бахт камдан кам одамга насиб қилган.

Ҳозир нега иккиланади? Унда картага ҳаёти тикилган эди, энди ор-номус... Буларнинг қай бири муҳим ва қайсини биринчи ўринга қўйиш ва улуғлаш лозим?

Ёдгор бу борада аниқ меъёр, қоида йўқлигидан афсусланди. Ҳар ҳолда шундай бўлганида, такдирга тан бериб, қонун талаб қилганини бажариб кетаверар эди. Энди эса нима қилиш кераклиги, қай бирини асосий ўринга қўйишни ўзи ҳал қилиши керак. Бундан оғири йўқ. Аслида инсоннинг кимлиги, қай табақага мансублиги ва ҳурматга лойиқ-нолоийклиги ғайриоддий вазиятларда чиқарган ҳулосаси билан белгиланади.

Ёдгор ўчоқ бошига борди, Нормурод ёғоч товоқдаги бурдаланган жигар ва буйрақларни қозонга ағдармоқда эди.

– Улоқ кичикроқ экан, кам бўлади, – деди у имкон қадар овозига қувноқлик кайфиятини бағишлаб, ахир улоқ сўйиб,

худойи қилгандан кейин шод-у хуррамлик бўлиши керак-да.
– Шундай бўлса ҳам бир ирими-да, буям... қотган нон қўшамиз, кўпайиб қолади... Нимага кайфиятингиз йўқ?

– Шунча гапдан кейин кайфиятга бало борми?

– Тўғриси айтинг, ният нима ўзи? – хавотир билан сўради Нормурод.

– Худойи қилиш, – Ёдгор совуқ кулди.

– Яхши... – Нормурод нима деярини билмай ўз ишида давом этди. – Лекин битта яримтанинг жонига қасд қилиш шартмасдир.

– Мен сен ўйлаган одам эмасман... – Ёдгор бурилиб, кетмоқчи бўлди ва Нормуродга алоқаси йўқдай секин, мингирлаб гапирди. – Урушда қишлоғимиздан кетган қирқдан ортиқ одам ўлди, ҳаёт ёш, беайб болаларни ҳам аяб ўтирмади... бўлди, етар энди шунча жабр-у ситам.

«Хор-у зорликда яшадим, шунча қийинчиликларни бошдан кечирдим, – деб ўйлади беихтиёр милтиқ турган хонага кетиб бораётган Ёдгор. – Не бир дўстларим кун кўрмай ажалга ем бўлди... Биз у ёқда жон олиб, жон бериб, қишлоқнинг ҳар бир итини-да муқаддас санаб, ёдга олиб, йиғлаб, «Яна қайтиб кўрармиканмиз», деган хаёл билан антиканизмизда бу ифлос, бу ярамас бизнинг хотинларни йўлдан урган! Бу толенинг не ноҳақлиги, ҳаётнинг қандай номардлиги?! Қанча-қанча йигитлар ўз хотинини манавиндай ярамаслар йўлдан уриши ва кейин мақтаниб юриши учун бегона юртларда тупроққа қоришиб кетдими? Мен тирик бўла туриб уларнинг қасосини олмасам пок руҳлари олдида нима деган одам бўламан?! Эҳтимол, келиб бошқалар ҳаққи қасос олиш учун тирик қолгандирман? Ахир ўлиб кетишим керак эди-ку! Бу жаҳаннамдан етти мучам соғ қайтиши мумкин эмасди-ку... Демак бунинг сабаби шу. Индамай юраверсам, хотинимни ҳайдаб бошқасига уйлансам ким мени айблайдими? Қиз ҳам кам эмас, жон-жон деб тургани қанча? Лекин номус қайда қолади? Урушда бегуноҳ вафот этган шунча инсон арвоҳи урмайдими мени? Кўриб, билиб нафасимни ичимга ютганим учун Манноп қилган гуноҳлар менинг бўйнимга ағдарилмайдими?.. Манноп энди давлат одами, уни қаттиқ ҳимоя қилишади, бир кор-ҳол бўлса, унга зарар етказганни соғ қўйишмайди, отувга ҳукм қилишади... аниқ отишади. Бироқ номуссиз тирик қолгандан, номус билан ажалга рўбару келган дуруст эмасми? Ахир мен урушни кўрдим, инсон жони қанчалар арзон эканини, умри сарик чақачалик ҳам турмаслигини биламан-ку. Эр кишининг ҳаёти эмас, номуси, ори азииз эканини тушунаман-ку, бироқ

нега оёғим қалтираяпти? Шуни ўйласам ёш боладай қўрқиб кетаялман, доводи раб бир хулосага келолмаялман.»

«Шу ишни қилсам, мени отишади, ўламан!!!»

Ёдгорнинг борган сари аниқ тўхтамага келиши қийинлашяпти. Иккиланмоқда, икки ўт ўртасида азоб чекаяпти. Қаёққа юришни, қандай йўл тутишни билмайди, бунга ақли етмаяпти, маслаҳат солай деса, бир маслаҳатгўйи йўқ. Ҳаммаси ошкор бўлса, одамлар нима дейди? Албатта, бу ишда унинг айби кам, лекин йигит дегани ўлимдан қўрқиб, шунақа гапга кўникиши, индамай рози бўлиши мумкинми? Буни ўзи истабдими?! Мана шу вазиятга нотўғри қилмиши учун эмас, балки ўзи истамай тушди, уни мажбурлаб тортиб кетишди бу тубсизлик домига. Энди ундан талаб қилинадигани якуний хулоса, сўнгги сўз. Ўз инон-ихтиёридан ташқаридаги муаммонинг бутун оғирлиги, жабр-у ситами унинг зиммасига тушган. Бу аҳмоқона вазиятда сўнгги сўзни айтиш унинг ихтиёрида. Айтмаса-чи?!!

«Ўлдиришлари аниқ!»

Шунча жанг-у жадалдан саломат чиққан, энди қадрдон ватанига қайтгач, кўнглига сиққанича, орқа-олдига қарамай, тўлиб-тошиб, ҳаққариб яшаши керак бўлганда яна ўлим билан юзма-юз келди. Шунча орзу қилгани, интилгани, талпингани — тинчлик, осуда ҳаёт унга нима учундир ўлимни дучор қилаяпти. Бутун ўтмишга қўл силтаб, барчасини унутиб бахтли яшайман деганда, яна икки йўл бошига рўбару бўлди, пешонаси нега бунчалар шўр экан? Етдим деганда яна бурни қонади. Ахир сира-сира ўлгиси келмаяпти, бироқ бундан чиқиб кетишнинг ўзга йўли борми?

У қоронғи хонада ўйланиб, қайғуга чўмиб, икки дунёси бир бўлиб ўтирди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, ўйлаган сари кўнглига қоронғилик инмоқда. Ҳаёт, тириклик маъни-моҳияти ҳақида фикр қилиб, охирига етолмаяпти.

«Ўлдираман!»

Ёдгор яна шу тўхтамага келди.

«Кейин нима бўлса бўлаверсин... Отам номусли одам бўлган, мен шу инсон фарзандиман, унинг қони томиримда оқаяпти. Кимдир бунақа аҳмоқларнинг жазосини бериши керак, акс ҳолда қиёмат бўлади. Ҳаёт мана шунақа, ўзига ишонган, манман ва ифлосларгагина кулиб боқиши керак эмас, кимдир буларнинг ҳам танобини тортиб қўйиши лозим, мен индамасам, бошқаси жим юрса, булар кутуриб кетади. Ҳамма ўз қилмишига яраша жазо олиши керак, шусиз адолат бузилади, тенглик йўқолади, ноҳақлик кўпаяди... ўлдиришим шарт! Шундан бошқа йўл йўқ, ўзим учун

бўлмаса, урушда ўлган дўстларим, жўраларим учун, уларнинг хотираси учун шундай қилишим керак. Майли, буни отганимдан кейин мени ҳам ўлимга маҳкум этишсин, урушдан қайтмаганимда нима бўларди? Тирик қолган эканман, бу ёғига – қишлоққа қайтиб, яқин қариндошларни кўриш, жўралар учун ўч олиб, шу тупроқда ўлиш насиб қилганига шукр қилишим керак, бу ҳам катта бахт. Ахир урушда «Ўз қишлоғимга бориб, бир соат яшаб ўлсам армоним йўқ», деб ҳар доим худога илтижо қилар эдик, мана ўша ният ушалди. Мен ўз вазифамни бажаришим керак... ўзимни урушда ўлган, деб ҳисоблаб қўя қоламан, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Худо мени асраган экан, демак мана шу иш учун ҳимоя қилган, ажал сўқмоқларидан зарарсиз олиб чиққан... Қисматимда битилган асосий вазифа шу!»

Ёдгор отасини тирик кўрмаган бўлса-да, унинг хотирасини жуда эъзозлайди. Онаси, қариндошлари ва кўрган, билганлардан кўп эзгу гаплар эшитган. Болалиги шу каби хикояларни тинглаб ўтган, бир кун келиб ўзи ҳам ўша инсондай Бухорога бориб ўқишни, билимли бўлишни орзу қилар эди. Ҳар доим шунга интилди, бироқ уруш, тирикчилик муаммолари бу матлабининг ушалишига йўл қўймади. Тақдир қулига айланиб қолди.

У отасини номусли инсон деб билади ва ўзининг ўрнида бўлганида ҳеч иккиланмай, муносиб йўлни танлашига ишонади. Ўзи эса иккиланиб, майда одамга айланиб қолганидан уялди.

Ташқарига чиққанида, Нормурод қозоннинг қорайган қопқоғини ёпиб, жонсарақ айланиб юрган эди.

– Қайда юрибсиз, қовурма тайёр, боядан бери излаб тополмайман, – деди у тиржайиб.

Унинг асабийлашаётгани сезилади.

*Ёдгор қараб, бу йигитга ҳам ачинди. Ўртадаги совуқлик учун ўзини айбдор санаяпти. Ўтса ҳам, қайтса ҳам қулиб, уни юмшатишга уринаяпти, бу билан ҳаёт фақат ғурбатдан иборат эмаслиги, ўз йўригида давом этаётганини кўрсатмоқчи бўлаяпти. Бироқ барчаси бесамар.

– Кўп куюнаверма, – деди унга Ёдгор. – Ҳаммаси жойида бўлади... ўзи нимадан хавотирланаяпсан?

– Ҳеч нарсадан... қовурмани сузаверайми?

– Суз, знамнинг олдига олиб бор. Бир маза қилиб овқатланайлик.

Матлуба хола айвонда куймаланиб юрган эди.

Меҳмонлар учун жой ўртадаги катта хонага солинган. Бир уй одам келиши кутилгани йўқ-ку, лекин ўнга яқин бўлади.

Кўрпачалар тўшалган, уй супурилган. Матлуба хола айвонни тозалаяпти. Бу ерда қиш бўйи ўтин, тезак сақланган, ҳозир анча бесаранжом.

Ёдгорнинг ўзи илдам-илдам юриб, Матлуба холанинг кўлидан олиб, тузатилган хонага етаклади.

– Шу ерда овқатланиб оламиз, эна, – деди у.

– Эй, болам, ҳозиргина элақага келтирдик, айвонда ўтирақолайлик.

– Эна, меҳмон сиздан азиз эмас, шуни билиб қўйинг... – Ёдгор ўзини хотиржам тутишга уринаётган эди. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмаяпти. – Мен учун дунёда сиздан азиз инсон йўқ.

Уларнинг орқасидан ёғоч товоқда иссиқ, ҳиди чиқиб турган қовурмани кўтариб Нормурод кирди ва кўлидаги идишни узун қилиб солинган дастурхоннинг бир четига қўйди.

– Олинг эна, – деди Ёдгор меҳрибонлик билан. – Анчадан бери бунақа ширин овқат емаган бўлсангиз керак.

– Қайда, болам, қорин тўйса байрам қилиб юрибмиз-ку.

Матлуба хола ўғлининг бундай меҳрибончилигидан ҳайрон.

– Нормурод, ука, агар хизмат бўлса ҳам янганг ёпган нондан битта олиб ке, овқат билан қўшиб еймиз, – деди Ёдгор ўтиришини ҳам, туришини ҳам билмай довдираётган Нормуродга. – Кейин чой ҳам қўйсин.

– Ўзиниям қақир, – деди Матлуба хола чиқиб кетаётган Нормуроднинг орқасидан.

– Ўзи кейин ейди, – Ёдгор рад этди.

Учаласи ўтириб овқатланишди. Нормурод ўзини бегона уйга сўровсиз киргандай ҳис қилаяпти. На ишим бор деб кета олади ва на ўзини бемалол ҳис қилади. Виждони қийналаяпти. Тўғри, ўзини оқлаш учун минг бир баҳона ва сабаб топди, барибир айбдорлик ҳисси кўнглини тарк этмаяпти. Ёдгор Матлуба холага меҳрибон. Ёгда ширин пишган жигар бўлақларини унинг олдига ташлайди, «олинг, олинг», деб қистайди.

– Ўзинг нимага емаяпсан? – сўради Матлуба хола.

– Еяпман... ҳозир меҳмонлар келади, ўшалар билан қўшилиб шўрва ичаман, – деди Ёдгор ва бу гапини иштаҳа билан тановул қилаётган Нормурод нотўғри тушунишини англаб, гапини бошқа мазмунда давом эттирди. – Қолаверса, иштаҳам йўқ. Нима учундир тўйиб қолдим. Гўштнинг кўплигиданми, билмайман.

Товоқнинг ости кўринар-кўринмас, Нормурод чала-чулпа омин қилиб ўрнидан турди:

– Мен оловга қарайман, – деди у эшиқдан чиқиб кетар экан.

– Ўтирсанг-чи, шўрвани бир амаллаб пиширармиз, – орқасидан гапириб қолди Ёдгор.

Нормурод ўчоқ томонга кетди, тандирдан нон олаётган Ризвонга зимдан боқиб, раҳми келди, у кўзига хокисор, ишнинг остида эзилган бегуноҳ, жабрдийда аёл бўлиб кўринди.

– Эна, нима бўлса ҳам ўзингизни авайланг, – деди Ёдгор улар ёлғиз қолишгач. – Келиннгизга унча ишонаверманг...

– Нимага ишонмас эканман?! Ризвон хокисор аёл, бир келин шунчалик бўлар-да, болам. Бироз қўрслиги бор-ку майли-да, бу замонда мулойим одам қоптими, – Матлуба хола фарзандининг томдан тараша тушгандек гапига ҳайрон бўлди.

– Балки кейин биларсиз... ҳар ҳолда улар сизни ёлғизлатиб қўямасинлар, дейман-да.

– Кимлар?

– Билмадим, Ризвоннинг қариндошлари, ота-энаси бўлса керак.

– Нима деяпсан? Сен борсан-ку болам... Кечадан бери ҳар хил гапларни гапираяпсанми?

– Шунақа бўлиб қолди. Бироз чарчадим шекилли ёки урушнинг таъсирими... Лекин кейинроқ, қачонлигини ўзингиз биласиз, Ризвон отасиникига кетиши керак.

– Нимага кетади? – Матлуба хола лол. – Уришдиларингми?

– Йўқ, нимаси билан уришаман? Шунчаки айтаяпман-да, ҳар эҳтимолга қарши.

– Ҳали сенга айтмаган эдимми? Унинг бўйида бор-ку!

– Йўғ-э?! Ҳим-м!

Ёдгор ҳайратланди.

– Майли, – деди ниҳоят. – Авлодни давом эттиради. Агар менга ўхшаган бўлса, ўзингиз тарбиялайсиз.

– Бу нима деганинг? Албатта сенга ўхшайди-да. Ўзим сени боққандай боқиб, юиб, тараб катта қиламан.

– Ризвонга ишонманг уни.

– Биринчиси эмас-ку, у ҳам билиб қолган бола боқишни.

– Барибир. Буни кейинроқ тушунасиз, ишқилиб, менга ўхшаса Ризвонга берманг.

– Тушунмадим, сен худди бир ёққа кетаётгандай гапираяпсанми?

– Мен қайга бораман энди, эна? Шу ердман.

– Бўлмаса турайлик, ҳовли-жойга қарайлик, ҳадемай меҳмонлар келади. – Матлуба хола ўрнидан турди.

- Овқатни охиригача емадингиз-ку?
- Буни келинга олиб бораман. Унинг ҳам оғзи тегсин.
- Келинингизни яхши кўрасиз, а, эна?
- Бироз кўполлиги бўлсаям, оғир кунларда бир-биримизга суянчиқ бўлганмиз, нимага ёқтирмай?
- Эна! – деди Ёдгор баланд овозда. Унинг нимадир муҳим гапни айтмоқчи бўлгани сезилди. Бироқ нимадандир уялдими, шубҳаландими, фикридан қайтиб жимиб қолди.
- Бирор гапинг бормиди? – Матлуба хола ўглининг ўзини тутишидан ҳайрон бўлди.
- Ўзим, шунчаки... – Ёдгор ҳозир онасининг елкасига бош қўйиб тўйиб-тўйиб йиғлагиси, ҳасратлашгиси келди. Аммо энди у ёш бола эмас, бунинг вақти ўтган. – Сизга ҳеч кўнгилдагидай қаролмадим-да.
- Қизиқмисан, нега қаролмайсан? Унақа дема.
- Қандайдир, яхшилик қилолмаяпман-да.
- Яна қанақа яхшилик? Урушдан қайтганинг мен учун катта гап.
- Ҳар холда-да...
- Матлуба хола нима гаплигини тушунмай ҳайрон-ҳайрон товоқни кўтариб чиқиб кетди.
- Ёдгор яна даҳшатли ўйлари билан ёлғиз қолди. У ҳозир имкон қадар онаси билан кўпроқ гаплашгиси, унга кўнглини қийнаётган дардларни тўкиб солгиси келди, бироқ кўрқди, ҳадди сиғмади. Онаси ўз кўнгилчанлиги билан шармандали қарор қабул қилишга мажбурлаши мумкин, кейин бу муқаддас инсонга бор гапни қандай айтади, айтишга қандай тили боради?
- Куюш гарбга оғиб қолганда меҳмонлар кўринди. Булар қишлоқ қариялари Алим, Аҳмат, Пўлат, Содик бовалар бўлиб, олдинма-кетин кириб келишди. Нормурод уларни хонага бошлади.
- Нима бўлаяпти ўзи? – сўради Аҳмат бова уйга кирар-кирмас.
- Ёдгор ака худойи қилаяпти, – деди Нормурод камтарлик билан.
- Ха, энди ҳар нарсанинг ҳам сабаби бўлади, дегандай...
- Аҳмат бова худойи сабабини сўраш учун гап бошлаган эди, ниятини пайқаган Содик бова секингина туртди. Ичкарига кирганларидан кейин тушунтирди:
- Сенинг нима ишинг бор, эй. Катэнаси ўтди, ўғли ўтди, шуларнинг руҳи поклари учун жонлиқ сўйган бўлса керак-да. Ҳадеб ижикилаб сўрайверасанми? Жуда ёмон қаридинг-да сен. Мижғов чол бўлиб қолдинг.

Нормурод чоллар гапига қулоқ осмай орқага қайтди. Бу уларнинг одатий ғалваси.

– Раис ҳали келмадими? – сўради Нормуроддан ўчоқ бошида ўтирган, қарияларга пешвоз чиқмай, ўрнига Нормуродни юборган Ёдгор.

– Келмади.

– Яна бир бориб, айтиб келиш керакмиди, – деди ҳазин овозда Ёдгор. У шубҳали тарзда босилиб, ғамгин бўлиб қолган. – Келмаса бўлмайди, ахир улоқда унинг ҳам ҳаққи бор.

Орадан кўп ўтмай Манноп раис ҳам ташриф буюрди. Унга Ёдгорнинг ўзи пешвоз чиқди ва қариялар ўтирган уйга бошлади. Унинг учун айвонга қараган дераза остига қалин кўрпачалардан жой ҳозирлаб қўйилган эди, шунга ўтқазди.

Булардан ташқари урушдан қайтган тўрт-беш киши айтилган эди, улар ҳам куттирмай келди, хонада қизгин мусохаба бошланди. Қариялар зўр бериб ўз хотираларидан — босмачилар, колхозлаштириш, уруш давридаги қийинчиликдан гапирса, урушдан қайтганлар гапни жангларга буришга ҳаракат қилади.

Ёдгорга бу гап-сўзларнинг қизиғи йўқ. Ўз фикр-у ўйи билан банд ва хаёлига тугиб қўйган режасини қачон амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлишини ўйляпти. Манноп раисни ўлдириш тўғрисида ягона тўхтамга келган. Бу инсонни нафақат ўлдирмоқчи, балки буни, яъни қатл жараёнини томошага айлантирмоқчи. Шунинг учун шу тадбирни ўйлаб топди. Тўғри, у кўп иккиланаяпти, лекин аниқ билади, шундан ўзга чораси йўқ. Бу иккиланишлар эса шунчаки ўзини-ўзи алдашга уриниш, холос. Тўғри, у шу ишни ҳеч кимга билдирмай қилса ҳам бўлади, лекин барибир бир кун ҳаммаси аён бўлади, ана унда барча Ёдгорни писиб иш тутгани, номардлик қилганликда айблаб, қарғайди, ҳеч ким унинг ёнини олмайди.

У ўйлай-ўйлай, меҳмонларнинг байрамига халақит бермасликка қарор қилди. Олдинига шўрва тортилади, келганларнинг қорни тўйгач, кейин режасини амалга оширади. Ишқилиб, овқатланиб бўлар-бўлмасдан «кетамиз»га тушиб қолмасалар бас.

Нормурод меҳмонлар билан ўчоқ ўртасида зир югураяпти. Бону момо билан Малоҳат ҳам шу ерда — нариги хонада, Матлуба хола билан суҳбатлашиб ўтирибди.

Ниҳоят, қуёш ботиб шафақ қизариб бораётганда шўрва сузилди. Барча овқат билан банд, Ёдгор милтиқ турган хонага кириб, уни олиб чиқди ва ўчоқ бошига бориб

жимгина кутди. Унинг оёқ-қўли қалтираб кетаяпти, юраги сиқилаяпти. Ҳозир ҳаётида энг катта воқеа содир бўлаётгандай. У нима учун бунчалар қўрқаётганини ўзи ҳам тушунмайди, ахир одам ўлдиришга тўғри келганда ҳеч қачон шундай ҳаяжонланмаган, иккиланмаган. Ҳаммасига қишлоқ шароити халақит бераётган бўлса керак. У ўзга юртларга жанг қилиш ва одам ўлдириш учун борган, шунинг учун бу осон эди, лекин ҳеч қачон киши қишлоғида, болалиқдан уни ўраб турган муҳитда ҳам одам ўлдириш мумкин, деган ўй ҳаёлига келмаган. Унинг назарида, бу муҳитда фақат қўни-қўшнилар, таниш-билишлар билан борди-келди қилиш, ўзгаларга меҳрибончилик кўрсатиш, оғир кунларида кўмаклашиш, ноқулайликка тушиб қолганда улардан меҳр кутиш, нари борса бир-икки оғиз айтишиш мумкин.

– Ёдгор ака, келмайсизми? Овқат совиб қолди, – эшикдан туриб бақирди Нормурод. Уй эгасининг ҳаёли бузуқ эканидан қисман хабардор бўлгани учунми, барчадан кўра кўпроқ хавотирланаёти. – Меҳмонлар сўраяпти.

– Ҳозир бораман. Бу ерда озроқ иш чиқиб қолди, – деди Ёдгор.

Бир кўнгил милтиқни кўтариб бормоқчи эди, бироқ одамларнинг овқатига халақит бергиси келмади. У бечораларнинг айби нима? Улар очиқ кўнгил билан, хайрли ниятда келган.

Ёдгор милтиқни ўчоқ бошида қолдириб уйга кирди. Унинг учун пойгақда, дастурхон устига бир коса овқат қўйишган экан, келиб ўтирди.

– Шўрвани иссиғида ичиш керак, – деди Аҳмат бова.

– Совуғиям тешиб чиқмайди, – ҳар доимгидай унинг гапини инкор қилди Содик бова.

Икки ўртада тортишув бошланди-ю Ёдгорнинг келгани барчанинг ёдидан чиқди. У ёғоч косадаги овқатни катта, учи ўткир мўлтони қошиқ билан кавлаштириб ўтирди.

Ёдгорнинг иштаҳаси йўқ, у қўрқаяпти, ҳаяжонланаёпти. «Балки шу нарса керак эмасдир» деб ўзини бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилаёпти. У бир-бирига қарама-қарши икки инсонга айланган.

Меҳмонларнинг у билан иши йўқ. Ҳамма овқат билан овора. Ёдгор болалигидан кимдандир босмачилар ош устида, дастурхон олдида бировни сўйиб ташлагани, дастурхонга қон сачраганини эшитган ва ўшандан буён шу нарса ҳаёлидан кетмайди. Бир жиҳати билан ғазаблантиради. Ахир дастурхон атрофига кишилар овқатланиш

учун йигилади, барчанинг хаёлида бир ўй бўлади — ҳузур қилиб ноз-неъматдан тотиш. Овқат олдида инсон раҳмдил, меҳрибон бўлади. Кўнгли очилиб кетади. Эзгу инсонга айланади. Шундай ҳолатда, яхши инсонни ўлдириш мумкинми?

Бўшаган косаларни олиш мақсадида Ёдгор ўрнидан турди.

– Ўзим олиб чиқаман. Сиз ўтираверинг, – деди Нормурод. У ҳали овқатини тугатиб улгурмаган эди.

– Еявер, ўзим!

Ёдгор косаларни олиб ташқарига чиқди.

«Бўлди, вақти етиб келди. Бундан ортиқ иккиланиш, ўйланиб ўтириш мумкин эмас. Бу билан ҳеч нимани ҳал қилиб бўлмайди!» У шу хулосага келди. Вақт ўтган сари қўрқоққа айланиб бораётганини ҳис қилмоқда ва бу ўзининг ҳам ғашига тегаяпти.

Милтиқни олиб қайтиб келганида чоллар ўз ҳолича, уруш кўрган ёшлар ўзича, икки даврага бўлиниб гаплашиб ўтирарди. Гира-шира қоронғи тушган эди. У деразадан — тўғри Манноп раиснинг орқасидан келди. Раис ёшларни оғзига қаратиб ниманидир ҳикоя қилаётган экан.

– Райком бова менинг номимни Москвага бериб юборибди, орден беришмоқчи, – деди у мақтаниб. – Ишқилиб яқинда катта тўй қиламиз, қўй сўямиз, барчани чақираман. Урушда ололмаган орденни шу ерда олсак олибмиз-да. Ўзиям кўнгилда армон бўлиб турган эди.

– Урушда ким ҳам орденни ўйлар эди, – деди шу ерда ўтирган Холик. – Кўнгилда бир хавотир бўлган, ишқилиб тирик қолиш ёки бирдан ўлиш. Оқоқда ётиб худога илтижо қилардимки, агар бир қор-қол бўлса, ўқ пешонамга тегсин, деб. У ёқ-бу ёғи ёрилган, оёқ-қўллари узилган, суткалаб бақириб ётган одамларни кўп кўрдим-да.

Ёдгор дераза ёнида индамай туриб қолди. У Холик гапини тугатишини кутаётган эди. Аслида бу йигит кўп гапирмайди, мавзу бир-бирига боғланмаса ҳам, бири боғдан, бири тоғдан келса-да, фикрини аниқ-лўнда ифодалайди. Ортиқча ланжлик қилмайди.

– Мен урушда пулемётчи бўлганман. Ўзи узун, тепасида ўзимизнинг кўпкан нонга ўхшаган думалоқ магазини бор...

– Мен ҳам шунақа матаҳни олиб юрганман, – деди Ҳаққул. – Оғир, кўтариб юравериш елкам узилиб кетай деган. Курол тарқатишаётганда ҳавасим келиб шуни олибман, мен аҳмоқ. Катта автоматим бўлса немис яқинлашолмайди, деб ўйлаган бўлсам керак-да.

– Эй, сен олдин урушга кетаётганимизда йўлда менга нон бермаганингни гапир, – деди Жаббор ва одамларга

қаратиб давом эттирди. – Иккаламиз урушга кетаяпмиз, частдан халталаримизга озроқ егулик солиб беришди. Бир жойга етганда менинг ноним тугади. «Ҳаққул нонинг бўлса бер, оч қолдим», дейман. Тетиклигидан биламан, унинг егулиги бор. Бу ярамас «Мендаям қолмади», деб бермади. Бир жойга борганимизда командир ҳамманинг юкхалтасини тўктирди. Қарасам, Ҳаққулнинг халтасидан иккита буханка чиқиб келаяпти, ўзи ҳам емаган, менгаям бермаган. Икки ўртада командир олиб қўйди.

– Бир кунимизга ярайди, деб яшириб келаётган эдим, энди шуни дoston қилиб бутун қишлоққа айтиб юр... – Ҳаққул уятдан қизарди.

– Оғайнилар, бовалар, акалар! – деди Ёдгор орага чўккан озроқ сукутдан фойдаланиб, дераза раҳига ўнг тиззасини қўйди. – Мен сизларни бу ерга чақиришимдан мақсад, бир нарсани айтиб қўймоқчи эдим.

Унинг овози совуқ чиқди ва барчанинг эътиборини ўзига тортди.

– Тинчликми, яна нима бўлди?! – сўради Аҳмат бова.

– Тинчлик... Биз бу ерга бир ярамас, хотинбозни суд қилгани йиғилганмиз.

Ёдгорнинг шу гапидан кейин Манноп раиснинг кўзалари олайиб, бошини буриб, тепасида турган йигитга қаради.

– Қўрқиб кетдингми, раис?! – деди Ёдгор ўша оҳангда. – Ожиза аёлларни хўрлаётганингда қўрқмагансан, тўғрими? Унда ўзингни шер билгансан.

Ёдгор милтиқни кўтариб раиснинг юзига тўғрилади.

– Мен ҳеч кимни зўрлаганим йўқ, – деди Манноп раис ранги оқариб ўзини орқага олишга ҳаракат қилди. – Яхшилар, бунга айтинглар, ахир!

– Наҳотки, ҳеч кимни? Ёлгон гапирма, ярамас! Шу оғзин билан тунов куни колхознинг кўп чиройли аёлларини «қўлдан ўтказдим», демаганмидинг.

– Ўзи рози бўлган... – Манноп раис гап ким тўғрисида кетаётганини тушунган.

– Ҳай, ҳай, Ёдгор, эсингни йиғ, нима қиляпсан, милтигингни ол нараққа, ўқланган бўлса отилиб кетади, – Аҳмат бованинггина гапиришга тоби бор эди, холос. Қолганлар мезбоннинг тўсатдан ўзгариб қолганидан гангиган. – Дастурхон олдида нима қиляпсан?

– Бу дастурхон нималигини билмайди, нонингизни еб, дастурхонингизга оёғини артиб кетадиган одам... Мен буни ўлдираман, ўзим ўлимдан олиб қолган эдим, адашган эканман, энди ўша хатоимни тўғрилайман... Бунақа ифлосга қишлоғимизда жой бўлиши мумкин эмас.

– Менинг айбим йўқ, нимага бундай қиласан?!

Ҳозиргина бутун даврани оғзига қаратиб турган, ўзини барчадан юқори ва ҳеч нарсадан қўрқмайдиган қилиб кўрсатаётган Манноп саросимага тушди. У ўрнидан туриб, қочишни ҳам режалаштираётган эди-ку, бироқ битта оёқ билан кўзғалишнинг ҳам имконини қилолмади.

– Сен барибир ўлишинг керак!

Ёдгор бошини у ёқ-бу ёққа буриб, милтиқнинг қоп-қора, совуқ нилидан ўзини олиб қочишга уринаётган Манноп раиснинг юзига ўқ узди. Атрофни қулоқни батанг қилувчи варанглаган овоз тутди, хонада ўтирганларнинг қулоғи битди. Юзига теккан сочмалар зарбидан Манноп раис учиб, дастурхон устига йиқилди ва типирчилади. Башараси қип-қизил қон ва гўштга айланган эди, ҳатто бир кўзи косасидан ҳам чиқиб кетган. Хона порохнинг аққимтир дудига тўлди.

– Милтиқни ташла, бизни отиб қўясан! – Аҳмат бова юзини кўрпача билан беркитганча тинмасдан бақирарди.

Қолган чоллар ҳам довдираб деворга сиқилиб олди.

Нормурод шошиб ўрнидан турди ва хонадан чиқиб, Ёдгорнинг орқасидан келиб кўзлари қонга тўлган, газабдан қўллари қалтираётган Ёдгордан милтиқни олмоқчи бўлди. Бироқ маҳкам сиққанча, уни бергиси келмаяпти. Нормурод саросимада.

– Бўлди, қўйиб юборинг, Ёдгор ака! – деди Нормурод ўзини босиқ тутишга уриниб. – Сиз ўз вазифангизни бажариб бўлдингиз.

– Тўғри қилдим, шундайми?! – сўради Ёдгор ва милтиқни қўйиб юборди.

– Тўғри! – деди Нормурод. – Марднинг ишини қилдингиз. Энди юринг, энангизнинг ёнига борайлик.

У Ёдгорнинг елкасидан ушлаб олди ва ўқ овозидан саросимага тушиб айвонга чопиб чиққан аёллар томон етаклади.

– Нима бўлди, болам? Милтиқ отилиб кетдими? Ўзингга ҳеч нарса қилмадимми?!

Матлуба хола югуриб келиб ўғлини қучоқлаб олди. Фурсатдан фойдаланган Нормурод Ризвоннинг ёнига ўтди ва секингина шипшиди:

– Тез отангизнинг уйига кетинг!

Гап нимадалигини тушунган Ризвон индамай ҳовли тўрига югурди.

– Эна, катэна, сизлар ҳам кетингизлар! – Нормурод ўзига синчиклаб қараётган Бону момо ва Малоҳатга буюрди.

– Эна, мен бир хотинбозни ўлдирдим! – деди Ёдгор Матлуба холани кучиб худди ёш боладек хўнграб йиғлар экан. У ўз аҳволини умуман тушунмаяпти. Урушда одам ўлдираве-риб, бунга кўникканман, деб ўйлар эди.

Ёдгорни қамаб қўйишганидан сўнг икки кун ўтиб туман партия қўмитасининг котиби ёнига судья Шаймановни чақиртирди.

Судья кириб келганида райком котиби ғазабнок эди.

– Эшитдингизми, гултепалик биттаси, энасини... Сталин колхозининг раисини отиб ташлабди? Мен бу аҳмоқ болани билар эдим... Биринчи кўрган кунимоқ шу ярамаснинг башараси ёқмаган. Ўшандаёқ чорасини кўриш лозим эди. Биз эса яна кўнгилчанлик қилдик.

– Қилиги ёмон экан унинг, – Шайманов котибнинг гапини маъқуллади.

– Ёмон ҳам гапми... – Котиб бирор дағалроқ сўз излаб, тополмади. – Айтишга тил бормаиди.

– Шундай одамнинг шунча йил колхозга раислик қилганини айтаман, – Шайманов секин-аста гапини давом эттирди.

– Қанақа одамнинг? – котиб тушунмади. – Сиз кимни айтаяпсиз ўзи?

– Колхознинг раисини-да... Хотинбозлигини айтаман... Қотиллик ҳам шунинг орқасидан бўлибди-ку, ахир.

Шайманов котиб Ёдгорни таниши мумкинлигини хаёлига келтирмаган, Манноп раис тўғрисида гапираётган бўлса керак, деб ўйлаган, боя сўкинганида ҳам негадир раиснинг энасини эслаяпти, деб хаёл қилган эди. Ўзининг фикри бошқача бўлгани учун котибнинг ниятини тўғри англаб ололмаган экан.

– Қанақа хотинбозлик, қанақа раис? – котибнинг жаҳли чиқди. – У энаси талақни айтаётганим йўқ. Эсингиз жойидами ўзи? Шу гапни яна икки жойда айтсангиз бутун партия, ҳукуматни мағзавага чаплаб қўясиз-ку. Мен анави, раисни отиб ташлаган бригадир қисталақни айтаяпман.

– Ҳа, уми? – Шайманов ўнғайсиаланди. – Унинг иши билан ҳозирча сал юзакироқ танишиб чиққан эдим.

– Хўш?

– Маиший жиноят, – Шайманов гапни қандай қилиб тўғри-рилашни билмай каловланди.

– Қанақа маиший? Давлатнинг одамини отиб ташлабди-ку. Уруш ногиронини. Умуман, ногиронлиги ҳам гўрга,

менга деса ўлиб кетмайдими, лекин биз бу одамни орденга тавсия қилган эдик, ҳужжатлар Москвага кетган. Яқин ўртада қарор чиқиб қолиши мумкин. Манави гаплар катталарнинг қулоғига етиб борса, нима деган одам бўламиз? Қарордан кейин шу гап чиққанда ҳам майли эди, ҳаммаси ими-жимиди ўтиб кетарди. Ҳозир эса сира иложи йўқ. Бир томонда орден бериб турсагу, иккинчи ёқдан хотинбозга чиқарсак. Бунинг учун фақат менинг каллам кетмайди... Тушундингизми, нима бўлишидан қатъий назар, баччағар Манноп раисни оқлаб олишимиз керак... – райком котиби ғазабланганидан оғзидан кўпик сачратиб гапирди. У ноқулай аҳволга тушиб қолган.

– Раис ҳам уруш даврида кўпларнинг хотинини зўрлаган чамамда, эрига мақтанганини-чи. Шундан жаҳл устида отиб қўйган...

– Олдин нима бўлгани билан ишим йўқ. Хотини бузук бўлса, раисда нима айб? Хуллас, чақирганим, ўша одам отувга ҳукм қилиниши керак... Нима бўлса ҳам Маннопни оқлаш лозим, бу унинг ўзи учун эмас, орқада қолганлар учун керак. Партиянинг, ҳукуматнинг номи, шаъни картага тикилган.

– Бунинг иложи йўқ, райком бова, кўп фактлар раисга қарши. – Шайманов тушунтирмақчи бўлди. У бир одамнинг хунига қолиб кетишни истамасди.

– Ҳа, қотилга ён босиб қолдингиз?! Унинг қанчалар шафқатсиз эканини кўрдингизми ўзи? Ўйлаб ҳам ўтирмай, шартта бетидан отиб ташлабди-я, ярамас. Одам деганлари ҳам шунчалар шафқатсиз бўладими? Бундайларни отиб ташламаса бўлмайди. Улар учун одамнинг нархи бир пул. Ўйлаб ўтирмай, сўраб суриштирмай отиб ташлайверади. Яна кимларнингдир бошига етмасидан бурун отиш керак. Тушундингизми? Ёки қишлоқдошлигингиз учун раҳмингиз келаяптими?

– Иккаласи ҳам мен учун бир хил, иккаласи ҳам қўшни қишлоқдан. Бу ерда гап бошқа масалада.

– Нимада?

– Адолатда.

– Сиз қанақа одамсиз ўзи? – райком котиби тутақди. – Қанақа адолат? У ярамас бизнинг энг илғор раисимизни итдай отиб ташлаган, яна қанақа адолат ҳақида гапираяпсиз ўзи? Ҳаддан ортиқ меҳрибон бўлиб кетмаяпсизми?

– Мен қонундан чеккага чиқолмайман.

– Қонунда раисларни ваҳшийларча отиб ташлайвериш керак деб ёзилганми?

-- Йўқ.

– Бўлмаса нимага мужмалланасиз?

– Инсон ҳаётини бундай енгил ҳал қилиб бўлмайди.

– У шундай раисни ҳеч иккиланмай отиб ташлайверса майлими?

– Жиноятчилардан фарқли равишда биз ҳаммасини ўрганишимиз керак.

– Сиз кўп маҳмадоналик қилаяпсиз, – райком котибининг жаҳли чиқди. – Асли наслингизга тортасиз-да, а? Отангиз бир пайтлар қози ўтган. Ҳатто совет даврида ҳам қозилигини бас қилмаган экан.

– Ўшанда совет ҳукуматининг сиёсати шу бўлган. Йигирма саккизинчи йилгача совет суди билан шариат суди параллел ишлаган. Ҳар иккаласи ҳам советларга бўйсунган. Бунда отамнинг гуноҳи йўқ.

Райком котиби бақрайиб Шаймановга боқди:

– Тилингиз узайиб кетибдими, Шайманов?

– Узр, райком бова, бор гапни айтдим.

– Бўпти, бораверинг. Мен эса бу қисталакни отувга ҳукм қилишмагунча қўймайман. Чунки бир марта у билан гаплашганман ва қанақа одам эканини биламан. Облаstdан судья чақиртираман...

Шайманов чиқиб кетди.

Ўша воқеадан сўнг ёлғизланиб қолган Матлуба холадан фақат Нормурод хабар олиб турди. Бону момо ва онасини кунда-кунора юборди. Виждони қийналаётган эди.

Матлуба хола ҳайҳотдай ҳувиллаган ҳовлида ёлғиз қолди. Бир пайтлар гавжум бўлган, невараси, қайнонаси, келини — тўрталалари биргаликда яшаганларида яхшими-ёмонми, бир-бирларига суянишар эди. Мана, энди улар йўқ. Ўғли урушдан қайтиб холанинг бағри тўлиб қолувди. Кўп кўришди. Фарзандининг айбдорлигига ишонмайди. Ўғлим ўлдирган экан, демак Манноп шунга лойиқ, деб ўйлайди. Раиснинг ўлимидан кейин ўтган гап-сўздан хабар топди. Бир учини ўша куни ўғли гап-риб берди, қолганини бошқалардан эшитди. Ёдгор шу кечаси онаси, яқин қариндошлари билан хайрлашиб хўжа тўп хабар топмасидан бурун отига миниб, тўрт нафар қишлоқдоши қуршовида Ургутга, мелисага кетган эди.

Матлуба хола шу куни тонгга қадар уникага, буникага югуриб чиқди. Ҳеч ким раҳм қилмади, раҳми келса ҳам

сездирмади ва ҳеч ким ўзи кутганидай меҳр-мурувват кўрсатмади, қайтанга, раиснинг яқинлари бир-икки дўк қилиб, жаҳл устида зиён-заҳмат етказишига бир баҳя қолди. Илк бор бу дунёда қанчалар ёлғизлиги, ҳаётда бир тушунган киши, бир ғамхўр қанчалар зарурлигини англади, изтироб чекди.

Келини отасиникига қочиб кетган. Аҳмат бова Матлуба холага тезроқ бориб иссиғида, бирортаси гап ўргатиб йўлдан урмасидан келинини олиб келишни, фақат угина энди ўғли айбсиз бўлганини исботлаши мумкинлигини айтди. Матлуба хола тонгга яқин ёлғиз қўшни қишлоққа — қудасиникига жўнади. У бир-икки қўшнига илтимос қилган эди, ҳеч ким ийикмади. Ҳамма кўрқди. Бир тарафдан раиснинг яқинларидан, иккинчи ёқдан эса келин томондагилар ҳам болта кўтариб кутиб тургандир. Уларгаям бунақа гап-сўзларни кўтариш оғир.

Эркак қудаси урушга кетган, қора қоғоз ҳам келган эди. Аёл қудаси Рухсор хола эса Матлуба холани очич қеҳра билан кутиб олмади.

– Қуда, қизимнинг шаънига яхши гап қилмабсиз, – деди у чиқиб келаётган офтоб кўзига, қайрағоч остига шолча тўшагач, Матлуба холани таклиф қилиб.

– Қизингизнинг номига ҳеч ким ёмон гап қилмади, – Матлуба хола қудасидан ҳайрон бўлди. – Ўғлимни қамоққа олиб кетишди.

– Ҳар ким эканини ўради-да, қуда. Икки ўртада Ризвонгинамга оғир бўлди. Гулдай умри хазон бўлди. Пок номи ёмонга чиқди!

Шунда Матлуба хола «йиғлаб борсам, ҳўнграб чиқди», деган гап мазмунини тушунди. У ўз дарди билан ёнади, ўғлининг тирик қолиш-қолмаслиги қийнайди, қудаси эса қизининг шаънини ўйлайди. Унинг фарзанди ажал билан рўбарў турибди. Матлуба холага кечаси вағир-вуғурда «Бунақа ишлар учун отишга ҳукм қилинади», деган гапларни эшитган. Ўғли ҳам кетиш олдидан ўлимга бораётгандай хайрлашган. Шундан кўрқаяпти.

– Қизингиз ростини айтмаса ўғлимни отиб ташлашлари мумкин экан, – деди алам билан Матлуба хола. У ҳеч бўлмаса шу ерда ўзини тушунишларини истайди. – Қизингиз кечаси ҳеч кимга билдирмай қочиб кетибди. Ҳеч бўлмаса нима гап-сўз бўлганини айтиб берсин.

Уларнинг ёнига бошини эгиб Ризвон келди.

– Сен уйга кир, – бобиллаб берди унга Рухсор хола. – Нима бор экан бу ерда.

– Қизим, худойлигингни айт, сени ҳеч қаттиқ урушувдимми ёки ортиқча гап қилувдимми? Нимага бундайин қочиб келдинг? Ёки бирортаси уришдимми?

– Йўқ!

– Бўлмаса нимага уйдан кетиб қолдинг?

– Нимага кетмасин? Ўтираверса уни ҳам отиб ташлар эди, кантужин ўғлингиз, – Ризвоннинг ўрнига онаси бобилаб гапирди.

– Қуда, ўғлим ҳақида бунақа гапирманг. Уни бугун кўриб турганингиз йўқ. Ўша Ёдгор — ўша Ёдгор. Қизингиз билан шунча йил яшаб бугун ваҳший бўлиб қолдимми?

– Сиз ҳали қўй оғзидан чўп олмаган инсон деб кўрсатарсиз уни? – Рухсор хола нима учундир барча айбни куёвига ағдармоқчи бўлаётган эди. – Яхши одам уйига меҳмон айтиб отиб ўлдирадими. Бунинг устига кичикроқ колхозчини эмас, раисни-я? Тузук одам айбини ёпиш учун хотинини пеш қилмайди... Йўқ, бу ўғлингиз одамгарчиликдан чиққан, урушда калласи айниб жинни бўлган. Нимага ўртага қизимни қўшади? Бир ишни қилган мард қолганига ҳам жавоб берсин. Қизимни тинч қўйсин, ўғлингизга айтинг, унинг пок номини булғамасин.

– Қуда, ундай деманг. Ҳали булар иккиси яшаб кетади, ўзингиз уялиб қоласиз? – Матлуба хола қудасининг орсизлиги, безбетлигидан ҳайрон. Оғир аҳволда қолган эмасми, тилини тишлаб зўрга чидаяпти.

– Сиз ҳали ичимдаги ёғ деб юрган экансиз, – Рухсор хола паст тушай демайди. – Шундай катта одамни ўлдириб энди ҳам ўғлингиз тирик қолишига умид қилаяпсизми? Урушдан олдин битта ортиқча гап учун одамларни отиб юборишган. Ҳали бу раис-ку. Икки ўртада Ризвонжоннинг ҳаёти бузилиб, номи булғангани қолди.

– Олдиндан ёмон ният қилманг, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади. Кейин афсус қиласиз.

– Биламан ниятингизни, ҳамма айбни қизимга қўйиб, ўғлингизни оқламоқчи бўлаяпсиз... Ризвон сизларга кўғирчоқ, холос. Бунақаси кетмайди. Ўғлингиз ўзи пиширган ошни ўзи есин. Қандай қутулса шундай қутулсин. Мен қизини кўпчиликнинг олдига шарманда қилиб қўядиган одам эмасман. Сизнинг айтганингиз бошқалар... ўғлингиз отилиб кетади, қизим эса ҳали яшаши керак...

Матлуба хола илгари ҳеч қачон қудасини бу қадар жангари ва жаҳлдор кўрмаган эди. Келинининг ҳам бундай феъл-атворни онасидан мерос олганини илк бор англади.

Ризвон индамай турар эди, қайнонасига ташланмаяпти.

– Кўйинг зна, – деди фақат бир даъфа. – Бу кишининг айби йўқ.

– Нимага айби йўқ экан? Боласига тарбия берсин эди, одамга ўхшаб ўстирганда манавиндай, одамларни ўлдириб юрмаган бўлайди.

Матлуба холанинг тишлари газ-газ қилди, қудасини гап билан талаб ташламоқчи бўлди, бироқ ўзини тийди. У энди ўйлаб гапиришга, тилини тишлаб юришга маҳкум. Ўглининг гуноҳи учун барча таниган, танимаганидан қарздордай. Имкон қадар кўпчиликни ўз томонига оғдириш пайида бўлиши керак. Аксига олгандай бир оёғи лойда эканини англаган одамлар устига маъзава ағдариш, номини топташ, жеркиб ташлаш пайида бўлади. Буларга тишини тишига қўйиб чидаши лозим. Буни Матлуба хола билади. Шу сабаб қудасининг жон-жонидан ўтиб кетаётган гапларига-да, индамай, оғирлик билан чидаяпти.

– Қизим, уйга кетдик, юр! Ҳали кеч эмас, ҳеч ким билмайди. Одам бундай бўлмапти. Эр деганни озроқ қийинчилик бўлгандан дарров ташлаб кетавериш керак эмас. Жон қизим, юр қайтамиз! Ҳеч бўлмаса ҳомилангни ўйла, – Матлуба хола қудасига гап уқтириб бўлмаслигини тушуниб, келинига мурожаат қилди. Бу илтижо эди.

– Қизим ҳеч қаерга бормайди, – деди Рухсор хола. – Менинг бунақа ишларга аралаштириб, шарманда қилиб қўядиган қизим йўқ. Боласи эса эсон-омон туғилса, ўзингизга бериб юборамиз.

Ризвон кўрқув тўла кўзларини гоҳ онаси, гоҳ Матлуба холага тикиб, жовдираб тураверди. У Матлуба холани кўп йилдан бери билади, яхшими, ёмонми бирга яшади, омон ҳам, ёмон ҳам кунларни бирга кечиришди, бир-бирларига кўникиб, ўрганиб қолган. Бу инсондан айрилиб кетиш нияти йўқ. Бошқа томонда эса онаси. Билади, қизлик уйида узоқ қолмайди. Уйда бир этак укалари бор. Барибир қаригами, ногиронгами узатиб юборишади. Шундан кўра келинлик уйи минг чандон афзал. Бироқ у хонадон энди бегоналигидан чўчияпти. Мабодо қайтиб борса, минглаб оғир саволлар олдига кўндаланг бўлади. Уларга жавоб топиш шаънини улуғламайди. Бу ерда — отасиникида эса бунақа саволлар йўқ. Ахир у ўтган воқеанинг бош айбдори. Шундай экан, ҳар икки тараф ундан норози, ўлдириб қўйишга тайёр.

Ризвон кеча ярим кечаси ҳаллослаб туПРОҚқа ботганича афтодаҳол уйга кириб келганида Рухсор хола кўрққан, бўлиб ўтган гап-сўзни эшитиб, кўшни уйда яшайдиган укасини чақиртириб чиққан эди. Тоға қонун-қоидадан озроқ

хабардор, ўқитувчи эмасми, дарров вазиятга тўғри баҳо берди ва жиянининг шаъни ва номини ҳимоя қилиш учун энг ўнғай йўлни танлади: уйига қайтмасин, Ёдгор энди тамом, уни отувга ҳукм қилишади, отишмаган тақдирда ҳам 25 йилга қамашади. Бошиданок бор айбни унга ағдариб, ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутгани маъқул. Шунда номи пок сақланиб қолади.

Тоға ўз манфаатлари нуқтаи назаридан оқилона фикр юритган эди. Чунки энди Ёдгорни ҳимоя қилиш Ризвон номини ерга уриш орқали амалга оширилади. Демак, ҳар ким ўз шаъни учун курашади. Албатта, бу бироз виждонсизлик бўлади, тоға буни тушунди. Жияни мутлақо айбсиз эмаслигини англади, буни Рухсор хола ҳам билади. Бироқ ҳозир айбдорни урушадиган пайт эмас, ўртага нафақат бир жиян, балки оила, уруғнинг ор-номуси тикилган. Бундай вазиятда ўзга бир инсон ҳаёти ва виждон тўғрисида ўйланилмайди.

Матлуба хола йиғлаб-йиғлаб уйига қайтди. Пешинга яқин тугунга озроқ туршак, майиз тугиб Ургутга, ўғлини кўргани жўнади.

Шайманов ва райком котиби ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг орадан ўн кун ўтиб, тонг саҳарлаб судьянинг қишлоқдаги уйига оқ ёпинчиқ ёпинган бир аёл кириб келди. Бу Ёдгорнинг онаси, Матлуба хола эди.

– Мен бир иш билан келган эдим... Сиз ҳукуматнинг одами экансиз... Одамлардан сўрасам, сизга юборишди, сиз ҳал қилар экансиз бунақа ишларни... – аёл чайналди.
– Мен гултепалик мулланинг аёли бўламан... У киши анча бўлди, қазо қилганлар.

– Биладан, биладан! – Шайманов довриради. Нима дейиш кераклигини ўйлаётган эди. – Эшитган эдим, босмачилар даврида кимдир отган экан... ўғлингизни қамаб қўйишганидан хабарим бор.

– Шу боламга ёрдам беринг, ундан бошқа ҳеч кимим йўқ. Келиним қорнида уч ойлик ҳомиласи билан отасининг уйига кетиб қолди. Ёлғиз ўзим ҳайҳотдай ҳовлида моховдай яшайман... Аҳволимни тушунинг, илтимос. Битта-ю битта умидим, ишонганим ўғлимни олиб қўймангизлар. Менинг ҳеч нарсам йўқ, лекин умримнинг охиригача дуои жонингизни қиламан, керак бўлса қўлингиз бўлиб хизматингизда бўламан, фақат ўғлимга ёрдам беринг!

Шайманов қаршисида титраб-қақшаб, энг сўнги умид сифатида унинг остонасига келиб турган бу ожизага нима

деб жавоб қайтаришни билмади. Аниқ ўлимга маҳкум инсоннинг онасига қандай гаплар билан тасалли бериш мумкин, уни нима билан тинчлантирса бўлади? Шайманов лол.

– Иш менинг қўлимда эмас, – деди ниҳоят кўзларини яшириб.

– Сиз шу томонларда, раҳбарларнинг орасида аралашиб юрибсиз-ку, гаплашиб беринг. Бир бечора бева аёлни тушунайлик, уям бу дунёга не умидлар билан келган, болам деб яшаб юрибди, десангиз бўлмайдимми?

– Майли... кўраман, лекин бир иш чиқиши қийин. Облаstdан келиб суд қиладиган бўлаяпти. Улар менга кулоқ осмайди.

– Бўлмаса, шу бола менинг укам бўлади денг, мендан қайтмаса худодан қайтар, – илтижо қилди Матлуба хола. – Мен катталардан сиздан бошқа ҳеч ким билан гаплашганим йўқ, ҳеч кимни танимайман. Билганлар сизга учрашишни айтди. Насимани ҳам суд қилган экансиз... ўғлимни ундан кўпроққа қамаб юборишмасин.

Шайманов хайрон бўлди. Бу инсон фарзандини тирик қолдиришни сўраб келган бўлса керак деб ўйлаган эди, маълум бўлаяптики, у ҳали ўғлини ўлимга ҳукм қилишлари мумкинлигини хаёлига келтираётгани йўқ.

– Сизга бир маслаҳатим, боринг, катталарга киринг, ёлғиз эканингизни тушунтиринг, бўлмаса оқибати ёмон бўлади, кечикиб қолишингиз мумкин... Мен эса бу борада бирор нарса дейишим мушкул. Лекин мен билан учрашганингизни ҳеч кимга айтманг, оқибати ёмон бўлади.

Матлуба хола бу хонадондан умидсиз қайтди. Уни бир нарса қийнади, наҳотки унинг ҳам тақдири қайнонасиникига ўхшаш тарзда кечади? Наҳотки, у ҳам бир умр фарзанд доғида ўтади? Наҳотки, у ҳам ёлғиз яшашга маҳкум.

Шунда қачонлардир, бу қишлоққа келиши арафасида қўшнисини айтган гапни эслади. «Эсингни йиғ, қизим, – деган эди ўшанда қўшни кампир. – Сен ўзинг ҳали тузук билмайдиган қари кампирга раҳм қилиб, унинг ёлғиз қолганига ачиниб, шу ишни қиляяпсан. Лекин бу дунёда бировга раҳм қилиш керак эмас. Буни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма. Кимгаки раҳм қилсанг, ачинсанг, тез кунда ўз бошингга ҳам шу кун тушади. Бу бугун пайдо бўлган гап эмас, кўп кексаларимиз ўз бошидан ўтказган. Яхшими, ёмонми, ўз уйингга қолганинг дуруст. Хар ҳолда, урушса ҳам, сўкса ҳам булар ўз оға-иниларинг, ўз жигарларинг.»

Матлуба бу кампирнинг гапига кирмаган эди. Тўғриси, ўшанда нафақат кунда-кунора йиғлаб уйларига бориб

юрган Ойсара момога раҳми келган, балки ўз келажаги, фарзандининг эртасини ҳам ўйлаган эди. Бир тарафдан сингиллари катта бўлиб келмоқда эди, уларга ҳовли-жой керак. У етим боласи билан бора-бора бу ерга сигмай қолишини сезган эди. Энди эса ўйланиб ўтирибди. Бундан кўра ўшанда сингиллари ва кўёвларининг қош-қовоғига қараб юравергани ёки бошқа эр қилгани дурустмиди? Эҳтимол, фарзандининг бошига бу қора кунлар тушмас эди.

Манноп раиснинг дафн маросимидан уч кун ўтиб Нигора қишлоққа, отасиникига меҳмонга келди. Ўша куни иккиланмай, уялмай Нормуродни чақиртирди. Йигит ошуфтаваш, чопқиллаб борганида, Нигора кўчада кутиб турган экан.

Нормурод!

Икки ўт орасида қолган инсон! Ўз виждони ўзини емириб бораётган йигит!

– Нигора яхшимисан? – у тараддудланди.

– Нега бундай қилдингиз? – сўради Нигора томдан тараша тушгандай.

– Нима қилибман?

Нормурод тушунди, бироқ ўзини меровликка солди. Нима десин? Вазиятдан қандай чиқиб кетсин? Ўзининг бу номаъқул қилиғини қандай оқласин?

– Манноп раис билан Ризвон опа тўғрисида айтаяпман.

Нормурод нима дейишини билмай гангиди. Тан олсамми, олмасамми дея иккиланди.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, – деди Нормурод ниҳоят, тан олмайман, деган хаёл билан.

– Буни иккаламиздан бошқа ҳеч ким билмас эди-ку. Мен эса бир зотга айтганим йўқ.

– Нега иккаламиз? Улар иккиси-чи? Буни тўрт киши биларди, кимдандир гап қочган. Айтишларига қараганда, раиснинг ўзи маст бўлиб Ёдгор акага мақтанибди... – Нормурод ўйланиб турди. Сўнг ўзини оқлагандай давом этди. – Умуман, бунақа нарсалар кечирилмаслиги керак, хиёнатни била туриб, жим юришга инсоннинг ҳаққи йўқ... Ёдгор ака катта ҳурматга лойиқ одам, бунақа хор-зор яшаши керакмасди.

Нигора тушундики, Нормуроднинг ўзи ҳам нима қилгани, нима қилиши лозимлигини яхши билмайди. Бир барчасини инкор этса, бир ўзини оқлайди. Шу сабаб зўр бериб ўз фикрини уқтираверишни лозим кўрмади. Энди фойдаси йўқ.

– Бечора Ёдгор ака бекорга қамалиб кетди... Шуми хурмат?!

– Билмадим, Нигора! Бу ёғига бир нарса дейишим кийин, бунини ўзи учун ҳар ким ҳар хил ҳал қилади. Лекин бу инсон Ризвондай жувон билан яшамаслиги керак эди. У ювиндихўрлар тоифасидан эмас.

Нигора бўшашиб қолди. Афтидан хаёлидан ўшанда — чўлда беихтиёр гувоҳ бўлиб қолгани — хиёнат воқеаси ўта-япти.

– Матлуба хола нима қилади энди?! – деди бўшашиб.

– Билмасам... Бу машмашани мен бошламадим, мен ҳал қилолмайман... – Нормурод шундай деб, гап мавзуини ўзгартирмакчи бўлди. Бу ҳақда гаплашиш унга оғир. – Ўзинг қалайсан? Ҳаётингдан хурсандмисан?

Нормурод қанчалар мавзудан қочишга ҳаракат қилмасин, анча қийналмасин, азобланмасин, барибир ярамас раисдан ўч олганидан, ололганидан юрагининг туб-тубида бир ёруғ нур милтиллайди.

– Кўникдим. Фақат отамнинг ёлғизлигини ўйлаб, узоқдалигимдан куйинаман... Нимага бундай бўлди экан, а? Бечора Матлуба хола нима қилади энди? Бир-икки йил ичида барча яқинларидан айрилди, невараси, қайнонаси ўлди, келини кетди, ўғли қамалди... У одам қандай чидайди буларга?

– Эй, Нигора, сен ҳали инсон қандай чидамли эканини билмайсан. Одам тошдан ҳам, темирдан ҳам қаттиқ, – Нормурод билимдонлик қилди ва ўзини совуққон кўрсатиб эркак бўлиб қолганини билдирмакчи бўлди. – Мана, биз урушда нималарни кўрмадик. Эҳ-ҳэй, ўйласанг, кўрсанг, юрагинг ёрилиб кетай дейди... Мен ўша ерда тушундим, инсон бекор нарса экан. Одам одамга ғанимат, деган гап мағзини ўшанда чақдим. Тириклик омонат экан! Одам бу дунёга тўрт-беш кун азоб чекиб яшаш ва ўлиб кетиш учун келаркан. Шунини тушундим мен, Нигор! Одамнинг ҳаётида битта муҳим нарса бор экан — ўлиб кетиш! Одамга ўхшаб ўлиш... Одамга ўхшаб гўрга қўйилиш.

– Ундай дема, – Нормуродга қараб Нигоранинг кўнгли бузилди.

– Мен кўрдим-ку, Нигор! Ўз кўзим билан кўрдим, гувоҳ бўлдим. Бу дунё одамхўр экан. Одамхўр! Одам деганлари қиёмига етиб пишган тутдай тўкилиб кетишини кўрдим. Бир кунда юзлаб инсонлар жон таслим қилганининг гувоҳи бўлдим. Гаплашиб турасан, турасан-у бир ўгирилиб қарасанг у ўлган, ичак-чавоғи чувалашиб кетган

бўлади, гўшлари бутун далага сочилади... Буларнинг олдида қишлоқдаги бир-икки воқеа ҳеч нарса эмас.

– Билмадим... – Нигора оҳиста гапирди. – Одамлар урушга ҳар ҳолда ўлимни бўйнига олиб борган эди. Лекин бу ерда бунақа бўлиши мумкин эмас-ку! Шунча болани бўри еб кетиши, менинг бечора энам ўз келини қўлида пичоқлашиб ўлиши керак эмасди...

Нигоранинг кўзларига ёш келди.

– Лекин раис ўлиши керак эди, – деди Нормурод қатъий.
– Бунақа одамларни кечириб бўлмайди.

– Майли, мен кетдим, – деди Нигора бурилиб, у юрагида уйғонган туйғуни англолмади. Бу ердан тезроқ кеткиси келди.

– Нимага чақиртирган эдинг? – сўради Нормурод унинг мақсадини тушунмай.

– Билмайман, шунчаки...

Нигора Нормуродни шунча машаага сабабчи бўлгани учун аслида дакки бериш мақсадида чақиртирган эди. Бироқ негадир фикридан қайтди. Гаплашиб туриб, тўсатдан бу йигит деярли айбсизлиги, бу ҳам юзага келган вазиятнинг қули экани, юз берган фожиалар оддий одамлар томонидан содир этилган бўлса-да, аслида уларнинг ўзи кўзга кўринмас мавжудот қўлида қўғирчоқ бўлганини англаб қолди. Бўлган воқеалар, юз берган фожиаларда ўзи ҳам, сатқин деб ўйлагани Нормурод ҳам, Маннол ҳам, Ёдгор ҳам, ҳатто Насима ҳам айбсиз эканини тушунди. Тўсатдан, «Булар вазиятнинг қули бўлган», деган тўхтамга келди ва бундан ўзи ҳам ҳайратланди. У ҳеч қачон онасининг қотилини кечиролмайдигандай эди. Аммо мана шу фикр келди-ю, кўнглини занглаган темирдай босиб ётган армон, алам, дард енгиллашди.

Унинг хулосаси шу бўлди: аслида вақтнинг, даврнинг ўзи одамхўр. Бўлмаса ўтган гап-сўзларни енгилгина ҳал қилса бўларди-ку! Бу инсонлар ўзлари содир этган қонхўрликлар даражасида ваҳший эмас эди.

Дилда хавотир ва ҳадик билан кутилган кун!

Ёдгорнинг оёқ-қўлини боғлаб, эски машинага ортишди ва ғўриллаб йўлга чиқишди. Ёдгор ўзини отиш учун олиб кетишаётганини сизди. Буни боя боғлашаётганда тушунган эди, машина бортида чангга беланиб, думалаб ётган иккита капча, бир кетмон ва чўкични кўриб куни битганига ишонди. Дастлаб, ранги оқарганча оғир қайғуга чўмди.

Камерада кўплашиб кўли ва оёғини боғлашганда ҳам, қассобга олиб кетилаётган қўйдаи машина бортига отиб юборишганида ҳам бир оғиз сўз демади, карахт эди. Бироқ машина ички ишлар бўлими биноси олдидан қўзғалиши билан ён-атрофга, ёшлик чоғларида сотиш учун ўтин кўтариб бозорга ўтган кўчаларга қаради, кўнгли орзиқди, ён атрофда беғам, ўйсиз, турмуш ташвишлари билан юрган одамларга кўзи тушди ва ўзини камситилгандек ҳис қилди. Қайтиб бу ерларга келмаслиги, мана шу ёруғ оламни бир умрга тарк этаётганини англаб, хўрлиги келди. Ҳаёт ўзига гоаят гўзал кўринди. Тўсатдан бор овози билан ақирди:

– Алвидо, биродарлар! Алвидо!!!

Соқчилардан бири ўтирган жойида милтиғи кўндоғи билан ўдағайлаб, пешонасига урмоқчи эди, комиссия тартибига киритилган ва отув раҳбари, судья Шайманов «қўяр» дегандай елкасидан туртди.

Соқчи тинчлангач:

– Майли, бақириб олсин, кўнгли енгил тортади. Бу бечорага кейин шу имконият ҳам бўлмайди, – деди секин. – Мен билан сен эса ҳали кўп додлаймиз.

Бу гапни Ёдгор эшитмади, машинанинг овози баланд эди. У очлик билан ён-атрофга термулиб кетмоқда. Ахир, кўнгли марта!

Машина Ургутдан Гултепага борадиган йўлга бурилганда Ёдгорнинг кўнглида умид учкунлари уйғонди: «наҳотки уни қишлоғига олиб боришса, оиласи билан учраштиришса?! Қишлоқдошлари кўз ўнгида отишармикин ёки?!»

У отувга ҳукм қилинганлар қай тарзда ўлдирилишини билмайди. Урушда кўлга тушган фашистларни ўнг келган жойда отиб кетишаверарди, бироқ унда уруш эди, мезонлар бошқа, қоидалар ўзига хос эди. Тинч ҳаётда, ўлим энг катта фожиа ҳисобланган ҳолатда тирик инсонни қандай отишади?!

Ёдгорнинг хаёлини шу кўрқинчли ўй қамраб олди. Тўғриси, кўнглининг пучмоқларида ҳаммаси хайрли яқун топиши тўғрисидаги умид йўқ эмас, ахир бу давлатни энг одил, деб таърифлашади, раҳм-шафқатли дейишади, бир хотинбоз, ахлоқи бузуқ одамни ўлдиргани учун отиб юбораверишмас. Мана, неча кунлардан буён қоронғи, зах камерада ётиб, бир кун келиб, эшикни очиб, «Биз адашган эканмиз, боринг, сиз озодсиз», дейишларини кутди, шу умид билан тун-у кун эшикка боқди, бироқ бунақа бўлмади. Энди

ўлимга олиб кетишаётганларида ҳам эҳтимол, қўйиб юборишар, деган ўй билан бормоқда.

Мана шундай — адашган қўйдаё ўлиб кетишига ишоналмайди. Тўғри, қачонлардир ажал билан юзма-юз келишини билади, лекин бундай эмас. У — тирик инсон, тўсатдан қандай қилиб йўқ бўлиб қолади?! Қандай қилиб ўлади?! Шунини ҳеч тушуниб етолмаяпти.

Шу ёшга кириб, қанча тилсимотларни кўриб кўнгилчанлик табиатини тарк этмади, соддалигини йўқотмади. Ҳозир, ажал рўпарасида туриб қаттиқ азоб чекаяпти. Бир нарсага — барча ёмон воқеалар бошқалар билан юз беришига ишонади, ўзининг нохуш аҳволда қолишини хаёлига ҳақ келтирмайди, бу одати урушдан қайтгач авж олди. У ўй ўлмаслигига ишониб қолган эди. Ахир ажал минглаб даъво ёнидан ўтиб кетмадими?! Унга зиён-заҳмат етмади. Ўз сабаб қўлга олингач, анчагача бўлаётган воқеа-ҳодисала ишонмай юрди. Ўғри, каззоблар билан бир камерага қамалган қўйишганда буларнинг барчаси даҳшатли туш, бундай ухлайман-у, уйғониб ўзимни уйда ётганимни кўраман, деган ўйлаб юрди. Лекин бу тушнинг адоғи кўринмади. Бора-бора буларнинг барчаси ўнгида юз бераётганини англаб етди, бироқ барибир оқибати хайрли тугашига ишонди. Ахир ҳолда камерадаёқ ўлиб қолар эди.

Машина у кутмаганда йўлдан чиқиб тоққа бурилди. Ёзнинг чилласи бўлгани учун бу адирларда ҳозир ҳеч ким йўқ. Ўт-ўланлар сарғайиб, подалар бир-неча бор топтаб ўтган чанги чиқиб ётибди. Сойнинг суви қуриб қолган.

Ёдгор ўгирилиб ён-атрофга кўз югуртирди — сарғайган гиёҳлар, устида бўз боланинг хуснбузарлари каби кўплаб тошлар думалаб ётган адирлар ўз улуғворлиги билан кўнглига ваҳима солди. Адирлардан кейин тикка қир бошланади, тоғ устида қорлар аллақачон эриган, болалигидан буён биладики, бу тоғлар бошида қор ёз ўртасигача туради. Бу йил эртaroқ эриб битибди...

Ёдгор эътибор бермаган экан, қирлар салобатли ва ваҳимали эди: одам ўзини улар олдида зарра эканини ҳис қилар экан. Болалик чоғида нарироқдаги қирларда мол-қўй боқиб юрганда, бу адирларда бемалол чопиб юрарди, унда ҳеч қачон кўнглида мана шундай фикр уйғонмаган. Уларнинг улуғворлигини сезмаган, ҳозир эса разм солиб ўзи ҳам, умри ҳам аслида ҳеч нарса эмаслигини англади. Болалигида катталар шу ерларда Нодир аканинг отаси қизил аскарлар билан уруш қилгани, Пайзи аканинг отаси шу урушда ўлгани тўғрисида гапиришар эди. Нодир ака ҳам

урушда бу ҳақда кўп гапирган. Шу одам ҳам йўқ бўлиб кетди-я... Бомбанинг остида қолиб, титилиб кетган бўлса керак... Лекин шундай қиёматлардан у тирик қайтди. Мана, тақдир уни не бир чиғириқлардан ўтказиб, соғ-омон шу ерга бошлаб келди. Худди Пайзи аканинг отаси каби ажал етказиб келди, ўша бечора қишлоқдоши каби унинг ҳам умри шу ерда хотима топиб, жасади шу ерларда қолиб кетадиган бўлди. Бу қирлар, бу тоғлар унга ўхшаган қанчалаб инсон ўлимига гувоҳ бўлди экан? Не-не армонлар, не-не орзулар шу ерга келиб, шу тошлар, шу чимлар орасига сингиб кетди экан?

Ёдгорнинг кўрқувдан оқарган, рангсиз юзига қараб унинг сабийлашаётганини Шайманов ҳам пайқайди. Улар тўқ зангори ўсли, ҳаммаёғини чанг, лой босган юк машинасида, ахтасининг пайрахалари чиқиб қолган бортда кетиб ўтиришарди. Ёдгор орқа томонда, машина бортига суянган, қўллари орқага қайрилиб боғланганидан ўтириш ўнғайсиз, нбошлаб олган, тез-тез қимирлаб кўяди. Оёқлари ҳам ниоп арқон билан чандилганидан эти увишяпти. Машина ошлар, ўйдим-чуқурлар оралаб кетиб бораяпти, силкиб ташлайди. Шайманов олд тарафдаги тахта ўриндик чеккасига қисилиб ўтирибди. Ундан ташқари тўртта кўриқчи ҳам шу ерда. Ёдгор ҳар қимирлаганда сергакланиб, милтиғини тикитайди. Бортнинг нариги чеккасида вилоятдан келган амалдорбашара киши ўтирибди. У ўлимни қайд қиладиган дўхтир.

Борт тупроққа тўлган экан, машина тезлашганда, ҳар силкинганда чанг кўтарилади ва Ёдгорнинг юзига урилади. Кўзи қамашади, юзи қичишади, бироқ қўллари боғлиқ эмасми, ишқалаб ололмайди. Шуниси етмагандай машина филдираги остидан чиққан чанг ҳам тўғри унга келаяпти.

Шайманов уни кузатар экан, юрагига титроқ кирди. У бу йиғитни болалик чоғларида бир-икки кўрган, анча камсукум, бировга озор бермайдиган бўлганини билади. Бу ишда айби катта эмаслиги, у раҳбарлар тантиқлиги, ваҳимаси ва ўзларини ўйлаб тутаятган аҳмоқона сиёсатининг қурбони бўлаётганини ҳам тушунаяпти, бироқ кўлидан нима келади? У судья, аммо додини ким эшитади? Тўғриси, ўзи ҳам жанжал кўтармади, эътирозлар билан чекланди, холос. У бу механизмга қарши бориб бўлмаслиги, ҳар ким ўз умрини яшашини билади. Судья бўлса-да у ҳам ўз ташвишини қилиши керак, Ёдгорнинг ўлимини эса кундалик ишдаги оддий хато, деб қабул қилиш лозим.

Шу йигитни ўлимга ҳукм қилишга қарши эътироз билдирганда, қилаётган ишининг оқибатини тўлиқ англамаган эди. У буни оддий кундалик ишдай гапирган, шу билан суд ва ўзининг обрўсини сақламоқчи эди. Бу иш ортида инсон тақдири, ҳаёти ётганини негадир ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ёдгорнинг ўзи билан қизиқмаган, ҳозир эса ўлимга маҳкум йигитнинг нурсиз кўзларига боқиб, бировни ўлимга маҳкум қилиш нима эканини тушунди.

– Сен урушда бўлгансан-ку, – деди Шайманов бақириб, машина моторининг гувиллаши, бортнинг шарақлаши ўзининг овозини босиб кетишидан чўчиб. – Ўлим билан минг марталаб юзма-юз келгансан, бунга кўниккан бўлишинг керак эди.

Ёдгорга тасалли бермоқчи эмас, йўқ, ўзини ўйлаяпти. Эр кишининг бу тарзда, ғарибгина ўлиб кетишини истамаяпти, бунга гувоҳ бўлгиси келмаяпти. Ҳайлаган эдики, агар Ёдгор ўзини дадил тутса ва ўлимни менсимаса, уни ўлдириш, бунга гувоҳ бўлиш ва буларга кўникиш осон кечади. Ғариб одамни ўлдириш оғир экан. Кўнгилни ўртайди. Бу худди гуноҳсиз, ҳеч нарсадан беҳабар, беўй бөлани дўппослашга ўхшаркан.

Ёдгор нигоҳларини машина бортида, шамолда у ёқ-ёққа учиб юрган, ташқарига чиқиб кетолмаётган бир доғ сарғайган баргга қадади.

– Ажалга минг бора дуч келгани билан одам бир марта ўлади... – у куруқшаган лабларини ялади. – Шундан бошқа иложи йўқми?

– Унинг ҳали ҳаётдан, яшашдан умиди борлиги Шаймановни ҳайратга солди. «Бу яна нимадан кўнгил узолмаяпти? Яна нимага умид боғлаяпти?!» деб ўзига ўзи савол берди ва жавоб тополмади. Ахир ўлимга маҳкум қилинди, мана, кабинада жаллод аёл тўппончасини ўқлаяпти, ўзини тоғнинг остига овлоқ жойга олиб кетишмаяпти, шундай экан яна қанақа ўзгача йўл тўғрисида ўйлаш мумкин? Ахир улкан ўлим машинаси ишга тушган-ку, тўхтатишнинг иложи йўқ ва бу ҳеч кимга керак ҳам эмас.

Шайманов Ёдгорга қараб, бу йигит ҳаётини анча юқори баҳолаётганидан лол бўлди. Ҳар ҳолда, уруш кўрган одам... Билмайдик, унинг ҳаёти ва ўлими бошқалар учун сарик чақалик ҳам эмас. Раҳбарларнинг оддий инжиқлигидан ўлиб кетаверади у, лекин ўзи буни тушунмайди, англамайди, ўйлайдики, ўлими одамларни, раҳбарларни ларзага солиши керак ва шундай машинани ишга туширганларидан сўнг ўзларига келиб, уни ўлим домидан олиб қолишлари

мумкин. Бироқ тўрт йил давомида ҳар куни ажал билан рўбарў келган бу йигит инсон ҳаёти айрим ҳолларда энг арзон нарса бўлиб қолишини наҳотки билмаса? Ҳа, бу йигит оддий бир тўрачиликнинг қурбони бўлаётганини ҳаёлига ҳам келтирмайди. У қилиб қўйган иши шунга лойиқ, ўлимга муносиб, бироқ кимдир охирги сонияларда унга раҳм қилиши мумкин... деб ўйлайди.

Шаймановнинг кўнгли қанча азилмасин, Ёдгорга қанча раҳм қилмасин, барибир юрагининг бир бурчагида ёруғлик уфуриб, енгиллик бўй кўрсатаётган эди. Бу қувонч, шодлик, кўнгил тўқлиги ўзи эмас, бошқаларнинг ўлимга маҳкум этилгани, биров ўлиб кетиши-ю, унинг бу ҳаётда яна яшаб қолиши, шундай оғир кулфат ўз бошига тушмаганидан шукроналик эди. Бировнинг ўлими қувончли ҳол эмас, лекин барибир бу сен билан содир этилмаётганига шукр қиласан. Судья зўр бериб бу кайфиятни қувиб юборишга қанча уринмасин, барибир бўй кўрсатаверади. Ахир манави йигит ич-и тоғларда қолиб кетади. У эса уйига қайтади. Қандай бахт! Уни ҳеч ким отиб ташламоқчи эмас!

Ёдгор атрофга боқиб, кўнгли бироз таскин топгандай бўлди, ахир одам умри нима деган гап? Унгача ҳам мана шу адирларда, далаларда қанчадан-қанча инсонлар ҳаёт билан видолашган, тирикликни тарк этган, мана шу лош каби чўзилиб ётган, гунгдек сассиз, садосиз қирлар минглаб, юз минглаб йиллар давомида не бир ажалга гувоҳ бўлган. Булар миллионлаб йиллар давомида бу ердан силжимамайди, сонсиз-саноксиз воқеа, ҳодисаларни кўради, гувоҳи бўлади. Бироқ толқон ютган каби кўрган кечирганларини ҳеч кимга айтиб бермайди, лом-мим демайди. Ёдгорнинг ўзи урушнинг орқасидан қайларга бормади, неларни кўрмади, бироқ мана шу гунг тоғлар ўлимига гувоҳ бўлиши учун соғомон юртига қайтиб келди.

– Танамни оиламга қайтаришадими? – сўради Ёдгор Шаймановдан соқчилар машинадан тушиб бортни очаётганида. – Айтинг, қайтаришсин! Ахир, бегона эмасмиз-ку! Одамга ўхшаб кўмишсин... жаноза ўқишсин.

Ёдгор ўзи кўтариб юрган мана шу тана жонсиз жасадга айланишини ҳис қилиб, кўрқиб кетди. Ҳозир ўзи билан келганларнинг барчаси ўз оёқларида орқага қайтади, шом чоғи оилалари даврасида жам бўлади. У эса шу ерларда қолади... Шу яқин атрофга чуқур қазиб кўмиб ташлашади. Тош ва тупроққа аралашиб кетади, унинг шу азиз танасини қоронғи ва нурсиз чуқурга кўмишади... чиқиб кетолмайди... оёқ-қўллари қимирламайди... кўзларига тупроқ кирса-чи?!

Қандай бўлади?! Тупроқдаги курт-қумурсқалар танасига ёлишса-чи?!

Ёдгорнинг бадани жимирлади, эти жунжикди.

...Манавилар уни кундадай кўмсалар керак. Тепиб-тепиб кўмса керак... Албатта, булар ҳам бир кун келиб ёруғ дунёни тарк этади. Унинг орқасидан боради. Бироқ ҳозирча фақат Ёдгор кетаяпти, фақат угина ажал билан юзма-юз турибди.

«Оғрир эканми? – деб ўйлади у. – Қандай ўлар эканман? Қанчалар азоб чекар эканман?» Ўқ танани тешиб ўтишда нима эканини билади, чексиз азоб... бироқ ҳали ўлиб-ўрғани йўқ. Бу қанчалар оғриқли ва азобли, ҳали билмайди. Шундан қўрқди.

– Ваъда беролмайман... қоида бўйича бунақа қилиш мумкин эмас, – Шайманов маҳкумнинг кўнглига қараб ваъда бериб юбормоқчи бўлди-ю яна ўзини тийди. Сўнгги дақиқаларини яшаётган инсонни алдашга кўнгли бўлмади.

– Пайзи аканинг отасини ҳам шу қирларда отишган, унинг ҳам танаси шу ерларда қолиб кетган... – деди рўпарча кирга термулиб турган Ёдгор.

Бу ўй кўнглига бироз таскин берди. Ҳар ҳолда ёлғиз эмас-ку, ҳар ҳолда кимдир қачонлардир шу заминдан бошдан кечирган азобни тортган, чидаган. Демак, унча азоб эмасдир. Лекин унинг аҳволидаги инсонни ҳар қандай азобга чидашидан ўзга яна қандай имкони бор, чораси бор? Ҳеч қанақа!! Ёдгор оёқ-қўлларига, танасига синчиклаб разм солди, ҳозир шу баданини ўқлар тилка-пора қилишини ўйлаб сесканди. Наҳотки, ўзини, мана шу танасини ҳозир булар тупроққа кўмиб ташлашса?! Тупроқ остида, қоронғи гўрда қандай ётади? Наҳотки, ҳеч нарсани билмаса? Билса, ҳис қилса-чи? Қандай чидайди?

Унинг юрагига қўрқув инди, бадани титради, оёқлари калтиради.

Соқчилар бортни очиб, уни кўтариб тушириш учун икки-таси тепага чиқди.

– Улар бошқа масала эди, – Шайманов жимиб қолди. Аслида «Улар босмачилар бўлган», демоқчи эди, лекин бу гап билан «Сенинг эса айбинг йўқ», деган маъно келиб чиқиши мумкинлигидан чўчиди. Ёдгор бу дунёни тарк этапти, бироқ соқчилар орқага қайтади. Зийрак бўлган дуруст.

Шайманов машинадан сакраб тушди.

– Айтинг, Шайманов бова, – деди йиқилиб кетмаслик учун, мувозанатини сақлаш мақсадида сакраб-сакраб турган Ёдгор. – Оёғимни ечиб қўйишсин. Увишди.

Шу сўзларини айтиб у ерга гуп этиб йиқилди.

Шаймановнинг илтимосига кўра соқчилардан бири унинг оёғини ечиб юборди. У оёқларини уқалади-ю, тўсатдан ўтирган жойида «дод», деб бақирди.

– Ўзингни бос, Ёдгор! – дакки берди унга Шайманов. – Сен уруш кўрган одамсан, нимага бунча қалтирайсан? Бир бошда бир ўлим, ука! Уни мард бўлиб қарши олиш керак. Йигит бунақа бўлмайди.

Ёдгор унинг гапига эътибор бермади.

– Ўлим келмаяпти, ака, ўлгим келмаяпти, нима қилай?! Гапим келаяпти!!! Мен ҳам бошқаларга ўхшаб яшасам эмасми!!! Энамнинг мискин кўзларига қараб ўтирсам қиман! Бечора энамнинг сўнгги кўнларигача олдида бўлдим дейман... Мен ҳам одамларга ўхшаб ўз уйимда ўлгим келмаяпти...

– У бир сенинг бошингга тушгани йўқ! – Шайманов табермоқчи бўлди. – Урушда қанча одам кафансиз, қанча кетди.

– У уруш эмас-ку? Уруш тугаган. Мен шунча жаҳаннамдан кетмай қандай ўлиб кетиш учун қайтиб келган эдимми?! Ўша ўлим кетсам бўлмасмиди ундан кўра?! Кўпга келган эдим, гармонсиз кетардим.

– Ахир сен қасос олдинг. Буям катта гап! – Шайманов ўнгири бузилиб, закийликни ҳам йўқотди. – Сен юртга мана шу ишни қилиш учун соғ-омон қайтгансан. Худо сени шу юртга учун асраб, жанглардан безарар олиб чиққан. Энди ўз юртингни бажардинг...

Ёдгор «ялт» этиб унга қаради, нигоҳларига маъни ингандай эди.

– Уйга бориб, менинг оиламга саломимни етказинг. Энамга... Ризвонга ҳам рози-ризолигимни айтинг! Нима бўлса ҳам улардан розиман... Ризвондан ҳам... ҳар ҳолда у ўз номини ҳимоя қилиши керак эди... У ҳали шу одамлар орасида яшаши лозим... Агар ўғил туғиладиган бўлса, исми-ни Турди деб қўйишсин... Яна битта Ёдгор керак эмас. Бир ўлимга ўлими олдидан ваъда берган эдим. Вафо қилмасам бўлмас. Ахир у билан тезда учрашамиз-ку... Ё, Худо! Алгариги ўлгимни ҳам кўролмаган эдим, бунисини ҳам эркалаш насиб этмаяпти... Толеда ёзилгани шу экан... Кейин... ўлганимдан сўнг, ўзингиз жанозамни ўқирсиз... билан мумкин эмас, лекин илтимос... энди менга шундан қандайдир ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарса.

Шайманов тушундики, бу хотинидан норози эмас, уни қўриқатан ҳам хўрланган ҳисоблайди.

Ёдгор бир нарсани, урушдан безарар олиб чиққан феъл-атвори уни тинчлик даврида ўлимга рўбарў қилганини тушунмади. У барибир тўғри йўл тутганига ишонади.

Самарқанддан келган мерган аёл чемоданини очиб, узун тўппончасини чиқариб ўқлади. Судьяга имо қилиб, четга ўтишни тушунтирди. Ёдгор буни кўриб турган эди, кутилмаганда бақирганча кун ботар ёққа қараб чопди. У узоқ-узоқларга, текисликлар ва унда-бунда ям-яшил дарахтлар орасида кўриниб турган қишлоқ томон югурди, инсон кўнглидай адоқсиз текисликлар узра учиб кетаётгандай эди гўё. Гултепа шу томонда. Ёдгорнинг даҳшатли қичкириғи бутун дарани тутди. Мерган тўппончасини чўтлаб ўқ узди. Ўқ Ёдгорнинг чап елкасига тегди. Бироқ у тошларга тўқишиб, суртиниб югуришда давом этди. Жаллод унинг орқасидан тўрт-беш қадам чошиб, яна ўқ узди. Бу сафар ўқ берлига тегди. Ёдгор тўхтамади, ўқ зарбидан мункиб, овозининг борича бақириб, қочиб борар эди. Орқасига буриқ қарамади, тўхташни хаёлига келтиргани йўқ. Қотил чўкка кетма-кет ўқ узаверди. Бирор ўқ хато кетмади. Барчаси Ёдгорнинг баданига қадалиб, уст-боши қип-қизил қонга беланди. Бироқ у тўхташни бас қилмади, сўнгги имкони қолгунча югурди ва ниҳоят юз одим нарироққа чошиб бориб, юзтубан йиқилди. Мерган ўқ узишни бас қилган эди.

– Шунча ваҳима қилмай осонроқ тугатса бўлмасмиди? – қонни кўриб юраги безовталанган Шайманов мерганга дакки берди.

– Асосийси — натижа, – деди мерган совуққонлик билан. – Қочганда қайга боради? Лекин бунақасини ҳали кўрмаган эдим. Кўплари мени кўриб, оёғи ўзига бўйсунмай, тахта бўлиб, кўрқувдан юраги ёрилиб ўлар эди.

– Бу мард инсон эди, – деди Шайманов ва орқасига қайтиб машина соясига ўтирди. – Урушда бўлган, кўп ёлларни кўрган, шунча ажалга чап берган йигит, келиб-келиб бизнинг қўлимизда ўлим топди. Афсус! Фашистлар қўлида ўлиб кетса ҳам бўлар экан. Ҳаммага яхши бўларди...

– Далолатнома тузмайсизми? – сўради мерган.

– Ўзларинг ёзаверинглар, қўл қўйиб бераман. Кайфиятим йўқ.

– Бўшанг одам экансиз, – кулди мерган. – Яна судьялик қилиб юрибсиз. Сиз билан менинг ишимда бунақа кўнгилчанлик кетмайди, ўзимизга зарар.

– Мен бир кекса одамман, урушга борганим йўқ. Қонга тоқат қилолмайман, – Шайманов учун бу жувон ўзи тўғрисида қандай фикрга бориши аҳамиятсиз эди.

Орадан тўрт кун ўтиб ҳам Шайманов ўзига келмади. У ўз умри давомида не-не жиноятчиларни кўрди, қанчаларини ҳеч иккиланмай ўлимга маҳкум қилди, улар учун виждони қийналмади. Бироқ заррача айби бўлмагани ҳолда, сақлаб қолиш учун қўлидан келганича ҳаракат қилиб уддалолмагани, Ёдгорнинг ўлиmidан қаттиқ таъсирланди. Инсоннинг бундай ўлим топишини тасаввур қилмаган экан. Боягина унга кўнглини ёриб турган, дард-у ҳасрат қилган инсоннинг жаллод қўлида ўлим топиши, қип-қизил қонга беланиб ётиб қолиши ва жон таслим қилиши кўза ўнгидан кетмаяпти. Ўшандан буён томоғидан на бир култум сув ўтади ва на бир луқма овқат.

Ҳолсизланиб уйига қайтган Шайманов тол таёқларидан ясалган ишқом ёстида ўтирганида дарвозадан бошига оқ ёпинчиқ ташлаган бир аёл кириб келди.

Шаймановнинг хотини у билан гаплашиб сўрига эргаштириб келди.

– Сизда иши бор экан. Гултепадан келибдилар.

Шаймановнинг юрагидан бир нарса «чирт» этиб узилгандай бўлди. Аёлнинг кимлигини фаҳмлади. Ўзи ҳам роса тўрт кундан буён энди бу ёғига нима қилишни ўйлаб, марҳумнинг васиятларини қандай эгасига етказишни билмай, ўйининг адоғига етолмаётган эди.

– Келинг, опа! – у ўтирган жойидан бироз кўзғалиб қўйди. Шайманов бу аёл ўзидан ёшроқ эканини кўриб турган бўлса ҳам, ҳурмат юзасидан «опа», деб мурожаат қилди.

– Мен ўғлим масаласида... Ёдгор... Ёдгоржон масаласида. Эсингизда бўлса илгариям бир келиб эдим...

– Эсимда.

– Шу... Ёдгоржон...

Аёл гапни қандай давом эттиришни билмади, нимани сўрамоқчи эканини билаётган Шайманов эса атай ўзини тушунмаганга олди.

– Суд бўлган деб эшитувдим... Хабарингиз бўлса керак, мендан олиб қўйишувди унинг ишини. Алоқам йўқ энди бунга.

– Йўқ, мен бошқа масалада... Унинг суди бўлиб ўтди, қатнашдик... Ҳеч ким ёнини олмади менинг болажонимни...

– аёл пиқиллаб йиғлаб юборди.

– Йиғламанг... – Шайманов шундан бошқа гап тополмай қийналди. «Бандалик», дейин деса, у ҳали ўғли ўлганини билмайди, бошқа ақллироқ гап эса хаёлига келмаяпти.

– Бир гап эшитдим... – деди ниҳоят ўзини бироз тутиб олган Матлуба хола ва гапини қандай давом эттиришни

билмай каловланди. Ахир у «Менинг ўғлимни отишипти, шу ростми?» деб сўролмайдими-ку, бунга тили қандай айланади? – Айтишларича, уни мелисахонадан олиб кетишганмиш.

– Ким айтди?! – Шайманов ҳайрон бўлди.

– Одамлар шунақа деяпти. Олиб кетишаётганини кўришипти. Овозини ҳам эшитишипти.

– Олиб кетишди, – деди Шайманов, кейин ўйланди.

– Қайга? – Матлуба хола савол бериб, ҳаяжон билан жавобини кутди. – Мен шу кунларда бир улов топиб, Самарқандга, каттаконларнинг олдига бормоқчи бўлиб турибман, айтинг отиб қўйишмасин!

Шайманов бўлиб ўтган воқеани айтсамми-айтмасамми, деган ўйда қолди. Бу билан аёлнинг аҳволини енгиллаштирадими, оғирлаштирадими, чамалаб кўрди. Ниҳоят айтмасликка қарор қилди. Ўзи ҳам қотиллар сафида бўлганини халқ билишини истамади.

– Билмадим, – деди у ниҳоят. – Хабарим бўлмади. Лекин кетишидан олдин у билан анча гаплашдим.

– Нима деди?! Ўзининг соғлиги жойидами?! Ҳали отиб қўйишмайдими?! Айтинг... тўхтатиб тулинг отишни, сиздан илтимос!!! Мен бир чорасини кўраман, қараб турмайман... Бир от-арава топиб гаплашиб қўйдим, эртага Самарқандга бораман... – Матлуба шошиб гапирдики, гўё ҳозир ўғлини отишадигандай.

– У айтдики, сиздан ҳам, келинингиздан ҳам рози экан. Фарзанд кутаётган экансиэлар, ўғил туғилса, исмини Турди деб қўяркансиэ...

– Вой, келинимдан хафа эмасмикан? – Матлуба хола шошиб қолди. – Энди уйга қайтариб олиб келсам ҳам бўлар экан-да? Уйда бир ўзим, ўз дардим билан ёлғизланиб қолдим. Кўнглимни ёзай, дардимни айтай десам бир сирдош йўқ. Одамлардан ёрдам, ортиқча марҳамат кутмайман, озроқ вақти ва эътиборларини аямаса дейман, лекин...

Матлуба хола ҳўнграб йиғлади. Шайманов аёлнинг оғир аҳволда қолганини тушунди. Ким ҳам раис қотилининг онаси билан борди-келди қилади? Ҳамма ўзини олиб кочади-да.

Матлуба хола судьянинг гапи замирида нима маъно ётганини ўйлаб ҳам ўтирмади.

– Келинимни қайтариб олиб келсин, демадимми?

– Бу масалада ҳеч нарса демади.

– Ризвон ҳам ўзини судда яхши тутмади-да. Ҳеч нарсани тан олмади. Билмайман, кўрганим йўқ деб туриб олди...

Шу тўғриси айтганда, балки ўғлимни оқлаб юборишармиди, – деди афсус билан Матлуба хола.

– У жойда келинингизнинг гапи аҳамиятсиз эди, – деди Шайманов ва ортиқча гапни гуллаб қўйишидан қўриқиб, тилини тишлади.

Матлуба хола Шаймановга қараб, унинг юзидаги ташвиш ифодасини кўриб, бояги гапи маъносини ниҳоят тушуниб етди.

– Нима?! Уни отишдими?

– Хабарим йўқ.

– Унда нимага рози-ризолик сўрайди?

– ...

– Тўғриси айтинг, отиб қўйишдими уни?! Ахир мен эртага Самарқандга бориб, катталарга кирмоқчи эдим-ку, улар бир нарса дейишармиди. Уни тирик олиб қолар эдик! Ахир, бир бева-бечорани додини эшитадиган бордир-ку бу дунёда... Отмаган денг, отгани йўқ, денг!

– Рост, хабарим бўлмади. – Шаймановнинг юзи қизарди. – Олиб кетишгани аниқ. Агар бир гап бўлса, сизга ёзма хабар қилишади.. Менимча, овора бўлиб Самарқандга боришнинг ҳожати йўқ.

– Отишганми?!

– Эҳтимол отишгандир... Бу масалада бир нарса дейишим қийин. Олиб кетишгани рост. Кутиб турсангиз, нима гаплиги тўғрисида шу кунларда ёзма хабар бериб қолишади.

Шайманов ҳаётдан норози бўлди. Наҳотки, бу адолатсиз дунё, шафқатсиз гардун мана шу бечора, хокисор, ёлғиз ожизани топиб, унинг устидан кулишдан бошқасига ярамаса? Наҳотки, оёғи бир чалишган инсонни йиқитиб, ер билан битта қилиб ташлагунча топташ лозим? Мана шу бегуноҳ, дарёдай кенг қўнглига дард сизмаётган она ҳаққи учун ҳам бир инсон айбини озгина бўлса-да кечириб бўлмаса?! Наҳотки, бир амалдор икки-уч оғиз дакки эшитмасин, деб бу аёл азамат фарзандидан жудо бўлиб, бир умр азобда яшаши керак?! Наҳотки, бу она бир маҳаллар қалбини тўлқинлантирган, яшашга ундаган ўзини бахтли қилган меҳри-муҳаббати доғида ўзи қовурилиб, қачонлардир дилида мавжланиб турган муҳаббат комига тушиб, қийналиб, азоб билан, армон билан ўлиб кетишга маҳкум?! Бу ҳаётнинг не ноҳақлигики, инсон ўз меҳридан азобланса, қийналса?!

Инсон нақадар шафқатсиз! Инсон бўлишлик қанчалар оғир!! Меҳр шунчалар қаҳрли!!!

Матлуба хола кўнгли зимистон бўлиб орқага қайтди. Ўғлини қамоққа олишганидан сўнг у қишлоқда деярли яккаланиб қолди. Аслида аввалдан ҳам бу қишлоқ аҳли билан унча қўшилишиб кетгани йўқ. Шу ўғли деб, ягона фарзанди, Ёдгорни деб юрган эди бу юртда. Энди ундан ҳам айрилай деб турибди. Манноп раиснинг қариндош-уруғлари қишлоқда катта обрў-эътиборга эга, одамлар ҳеч кими йўқ Матлуба холани яккалата бошлади. Келини ҳам ўша куни кетганича, қайтиб келмади. Бу ҳам майли, судда ўзини меровликка солиб, нима гап-сўз бўлиб ўтганини билмаслигини айтиб, туриб олди. Қишлоқ аҳли Манноп раис ўлганидан сўнг ўшанда, чўлда бўлиб ўтган воқеадан озми-кўпми хабар топди. Бироқ ҳамма ҳам бунга ишонавермади. Хўжа тўпнинг гапига қараганда ҳақиқат бошқача бўлган, Ёдгор колхозга раис бўлиш мақсадида Маннопни отган. Раззоқ ака ўзича хулоса чиқариб, оиласи даврасида «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин», деб юрди-ку, лекин катта давраларда ҳеч кимга бир нарса демади. У ўз ташвиши бошидан ортиб ётган инсон, бу машмашаларга аралашмади, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирмади.

Нормурод барчадан кўра кўпроқ ҳақиқатни билгани ҳолда нафасини чиқармай юрди. У ўшанда — Ёдгорга бор гапни айтмаганида тақдирлар бошқа йўлдан бориши, ҳеч нарса бўлмай, барча осуда умр кечириб кетишини ўйлаб, тилини тишлаб юриш ҳам ақллилик белгиси эканини англади ва бундан кейин бир оғиз ортиқча гап қилмади. Бахтига Ёдгор қасам ичган эмасми, унинг номини ҳеч қаерда тилга олмади. Уни судга чақиришмади. Бу бир жиҳатдан Нормуродни қувонтирган бўлса, иккинчи томондан виждон азоби-га қўйди. Чунки яна бир айби билан — бу сафар жим юргани учун иккинчи одам ўлим билан юзма-юз келган эди. У аввалига бу билан қанчалар оғир гуноҳ қилаётганини тушунмаган ва ҳаёл қилган эдики, ўзи ўлдирди, ўзи йўлини топсин. Назарида, тергов идоралари ҳам воқеанинг миридан-сиригача кавлаштириб ўтирмагандай, уларни юзаки кўриниб турган ҳақиқат қониқтирар эди, чамаси. Шу сабабли ортиқча гувоҳлар қидирилмади, Ризвондан бор гапни билиб олишга ҳаракат қилишмади. Тергов кимни ким билан бўлгани ўзларининг шахсий иши, деган хулосага борган эди, чамаси. Нормурод буларни суд тамом бўлганидан сўнг эшитди. Унғача бу қадар жиддийлашиб кетиши мумкинлигини ҳаёл қилгани йўқ. Нар иборса йигирма йил қамалиб чиқади, деган ўйда эди.

Суд бир кунда бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлардан ҳукми эшитган Нормурод ўзини қўярга жой тополмади. Унинг айби билан яна бир инсон қурбон бўлди. Умуман, Маннопга ачинмайди, унинг ўлимини адолатнинг тикланиши деб ҳисоблайди, бироқ кўнгил қурғур ўз билганидан қолмайди-да, пучмоқ-пучмоқларида «Хотинларга ўхшаб миш-миш қилдинг», деган бир ўй, «Манноп сенинг чақимчилигинг билан ўлди», деган хаёл бўй кўрсатиб тураверади. Ёдгорнинг ўлимга маҳкум этилиши эса шу, ўзи сўндиришга ҳаракат қилаётган ва мардлик, йигитнинг ор-номуси, шаъни деган туйғулари билан ерпарчин қилиб ташлашга урингани — юқоридаги фикрлари жонланди ва уни оғир қийноққа солди. Ўшанда, Манноп ўлдирилган кечаси, Ризвонни отасининг уйига жўнатиб юбормаганида бунчаликка бормаслигини ўйлаб хуноб бўлади. Юраги қонга тўлади. Бироқ иложи йўқ. Нормурод, машъум воқеанинг ғайриихтиёрий гувоҳи, ўзининг айби билан содир этилган бу воқеалардан кўп йиллар давомида ўзини оқловчи улги қидирди. Гоҳ топди, гоҳ тополмади.

Шаҳарда эрталаб ишга, ўқишга, бозорга шошаётган одамлар каби йиллар бир-бирини қувиб ўтиб кетади ва уруш даврида тортилган азоблар, чекилган изтироблар даҳшатли туш каби элас-элас эсланади, шундай оғир даврлар бўлиб ўтгани кўпларнинг ёдидан ҳам кўтарилади. Қанчалар оғир бўлмасин, ўтган умр ширин хотира, инсон топган энг катта бойлик эмасми, одамлар энтикиб-энтикиб ёдга олади ўша кунларни. Уларнинг ўзи, кўзи тўйиб боради. Уруш ва қийинчилик романтикаси оммавий тус олади. Оталар ва боболарнинг эртақдай ҳикоя қилиб бераётган уруш ва даҳшатлар тўғрисидаги қизиқарли хотираларидан таъсирланиб, ўша ҳикоялар романтикасига берилган ва тинчлик, тўқчилик зерикишдан иборат, деб ҳисоблайдиган авлодлар етишиб келади. Ўшанда юзага келган ва давр тақозо қилган, очлик, жоҳиллик натижасида ўрнашиб олган кўплаб одатлар унут бўлиб кетмайди. Улар бора-бора қадриятга айланади.

Ёдгор эса...

Ёдгорнинг отилгани тўғрисидаги хат кўп ўтмай Матлуба холанинг қўлига тегади ва орадан бир йил ўтар-ўтмас қишлоқда шундай бир инсон яшагани, ўз ори, номуси, урушдан қайтмаган сафдошлари шаъни ҳимояси, қасоси учун ҳаётини тиккани унутилади.

Қишлоқ аҳли Ёдгор урушдалигида унингсиз яшашга, қишлоқда шундай бир инсон бор-йўқлиги аҳамиятсизлигига

кўниккан эди. Ёдгор урушдан қайтиб, бу қишлоқда ярим йилча умргузаронлик қилгани ўзи ва Маннопнинг ўлиmidан бошқа ҳеч нимани ҳал қилмади. Одамлар учун унинг ўлик-тириклиги аҳамиятсиз эди. Ҳукм ижро этилгани тўғрисида хат келганида қишлоқ аҳли буни эътиборсиз, ҳафсаласиз қабул қилди.

Матлуба хола анчагача ўзининг ўлик-тириклиги, яшаётган-яшамаётганини билмади. Ҳаётга қизиқиши сўнган ва совиган эди. Фақат жон талвасасида юрган, орқасидан ажал қуваётган дамда Ёдгор ёзган уруш даврида жанг-у жадалларда ҳалок бўлган йигитлар рўйхати фарзандини эслатиб турди, кўп тунларни шу бир парча қоғозни қучоқлаб, йиғлаб ўтказди. У бу кичик қоғоз парчасида ўғлининг армонлари, орзу-ўйларини кўради, унинг кўнглидан кечган туйғуларни ҳис қилгандай бўлади. Матлуба холага қоғоздаги исм-шарифи келтирилганларнинг қисмати аҳамиятсиз, ўқишни билмайди, рўйхатдагиларга ачинса ҳам, фақат ўз ўғли билан дарддош, тақдирдош бўлгани учун куйилади, холос. Бу қоғоз унга озодликда сўнги кунларини ўтказаётган Ёдгорни эслатгани, унинг сўнги дамларидан қолган ягона ёдгорлик бўлгани учун қадрли. Ундаги ҳар бир чизик, ҳар бир ҳарф ўғлини ёдга солади, Ёдгор буларга бутун армони, матлабини тўкиб солгандай туюлади, хола учун ўғлининг бутун ҳаёти мана шу кичик парчада йиғилгандай. Ўз дарди ўзи билан, армонларини биров билан ўртоқлашолмайдиган бу инсон қоғозни яна узоқ вақтлар энг қадрли нарсадай сақлаб юрди, уйига келган-кетганларга кўрсатди, ўқитди, ёлғиз қолганда унга термулиб йиғлади, охир-оқибатда ёзувлар кўз ёшлар таъсирида бўялиб, англаб бўлмас даражага келди, қоғоз титилиб кетди. У ҳам худди кўнгилга ўхшар эди.

Матлуба холага энг алам қилгани, ўшанда — ўғли уйда ўртоқларининг исм-шарифларини ёзиб ўтирганида «Ўтганларни эшлаш шарт эмас», деб айтгани бўлди. Ахир ўшанда бу гапи билан ажал ёқасида турган ўғлига «Сени ҳам эсга олмаймиз», дегани экан-да. У шундай тушунган ва сўнги онларида ҳам «Энди мени ҳеч ким хотирламайди», деб ўксинган бўлса не ажаб. Шу армон билан ўтган унинг жондан азиз фарзанди...

Одамлар Матлуба холанинг бир парча қоғозга бунчалар меҳр кўйгани, уни нима учун асраб-авайлаётганини тушунмади, кўплар кампирнинг мияси суюлиб қолгани тўғрисида гапириб юрди.

Хола ўз фарзандини, шунча вақт жангда қатнашиб, неча-неча бор ўлим оғзига бориб, тирик қайтиб, охир-оқи-батда вафот этганига қарамай, бу рўйхатга киритолмасли-гига куйинди. Ёдгор ўзи тузган рўйхатдаги йигитлар каби ўлим топди, лекин улар қаторидан ўрин олиши мумкин эмас. Одамлар уни тез унутиб юборди... ҳали кўп-кўп вақт-лар давомида қишлоқ аҳли, раҳбарлар урушда иштирок этганлар, омонсиз муҳорабаларда жон фидо қилганларни ёдлаб, эсга олиб юради, мактабда улар тўғрисида дарслар бўлади, кейинроқ қишлоқ қабристонига исм-шарифлари мрамар тошга ўйиб ёзилади. Бироқ ҳеч ким урушнинг бошидан охиригача иштирок этиб қайтган Ёдгорни бир бор бўлса ҳам хотирламайди. У бегонага, душманга айлан-ди. Оддий котил. Ҳеч ким уни бу ишга нима мажбур қилгани, қандай сабаблар шу қарорга келишга ундагани тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмади. Номус ва шаън ҳимояси нима учундир иккинчи даражага тушиб қолган, аҳоли даҳшатли туш каби буни тезроқ унутишни истар эди.

Ёдгор отилганидан сўнг озроқ вақт ўтар-ўтмас, баҳор тугаб бораётганда қишлоқ бўйлаб бир хушxabар тарқалди, хушxabарки, Матлуба холанинг куйган юрагини баттар ўртади: энди ҳукумат жиноятчиларни ўлдирмас экан, ўлим жазоси бекор бўлибди. Энди не фойда?! Бундан не наф?! Жафокаш бу аёл тан берган тақдирдан яна норози бўлди. Ёдгорнинг ҳаётини қайтариб бўлмаса! Озгина шошишма-ганида... озгина яшаганида... яна озгина...

Ҳаёт давом этмоқда, ҳамма ўз умри, муаммолари билан банд, ўзгалар ташвиши, ҳаётига қараб ўтиришга эса вақт йўқ.

Дард кўп экан дунёда, дармон йўқ экан!

Орзу кўп экан, армон кўп экан, бахт йўқ экан, иқбол йўқ экан! Номусдай номуссизлик, номуссизликдай номус бор экан.

Куюндай тўзиб, селдай тошиб не даврлар ўтди! Тоғлар-дай муаззам ва вазмин тарих қолди.

Туйғулари осмонларга, орзулари дунёларга сиғмаган не-не инсонлар тупроққа қоришиб кетди! Сарҳадсиз дала-лардай чексиз, қуёш тандирида қизиган чўллардай чатна-ган, ташна хотиралар қолди.

Тоғдан келган баҳор селидай не бир умрлар хайқириб ўтди! Сокин, хокисор ва кимсасиз қабрлар қолди.

Осмондай кенг, осмондай мусаффо орзулар ўтди! Сув ўпирган жарлар каби армонлар қолди.

Ҳаммаси ўтаверар экан...

Даврлар ўтади ва бир кун келиб Раззоқ бованинг ўшанда, ҳовуз бўйида, биз олиб келган инсон суякларига термулганча, минғирлабгина айтган, лекин ўшанда ўзим тушунмаган, эътибор бермаган гапларини эслайман ва англайманки, тарихни кавлаштиравериш ҳар доим ҳам фойдали бўлавермас экан, инсонни, айти дамда яшаётган одамларни авайлаш керак экан. Токи бугунги кун ҳам келажак авлод учун яна бир ўнғайсиз хотирага айланиб қолмасин. Ўшанда Раззоқ бова суякни танигани, лекин бизга айткиси келмаганини тушунаман ва бу инсон доно бўлганига яна бир карра имон келтираман...

Отам Бекмуродупнинг олдидан хурсанд қайтди: терговчи билан гаплашиб ишни ёпди-ёпди қилишга розилик билдирган ва айтганки, бобоси билан Ражаббой мелисанинг бобоси қадрдон ошна ўтган, шунинг учун у ҳеч бир гапини икки қилмайди. Мен буни кечқурун, отам пушаймон билан гапирганда эшитдим.

Отам келганида Маҳамат аканинг ўйи олдидан яна тумонот одам йиғилган эди.

Одамлар Дилфузанинг ўзига ўт қўйгани тўғрисида гапириб юрибди. Тўғриси, бу гап чиқишига кўпроқ менинг ҳиссам бўлди. Ундан-бундан чопиб чиқиб, нима гаплигини сўраганларга шундай-шундай бўлди, деб айтиб беравердим. Шу куни мен ва Дилфуза асосий қахрамонга айландик. Бироқ кечга бориб, Дилфузанинг уйдагилари, яқинлари у нон ёлмоқчи бўлганида тандирдан ўт чиқиб, қўйлаги ёнгани тўғрисида гап чиқарди. Буни инкор қилиш учун далил йўқ. Умуман, менга нима қизиғи бор? Шу билан оғзимни юмиб юришга мажбур бўлдим. Чунки кечга яқин мелисахонадан уч кимса келиб, тандир, унинг ёнидаги ўтинларни суратга олди. Мени ёнларига чақириб воқеани суриштиришди. Бўлган гапни айтдим.

– Ҳа, тандирдан ўт қочгани рост, – деган доно тўхтамага келди кексароқ ходим. – Барча фактлар шуни кўрсатаёпти. Янаям, қиз ўзига келса, сўраб билиб оламиз.

– Бу тандирда олов ёқилганга ўхшамайди-ку, – деди мелисаларнинг ичидан ёшроғи, фуқаро кийимидагиси.

Ўша йигит ё терговчи бўлган ёки жиноят-қидирувда ишлаган — кейинчалик ўзим ҳам шу соҳа нонини ея бошлагач шу хулосага бораман. Ҳозирча эса бунинг фаҳмига етмайман ва ўйлайманки, бу ҳайдовчи, ўзича билимдонлик қилаёпти.

– Билмаган нарсангга бурнингни сукма, – деди фуражканини офтоб уриб, чанг кўниб, ғалати тусга кириб қолган, бошининг тери ва ёғи чиқиб ташқарисига ўтиб кетганидан фуражканинг усти айлана мойликуя, офтобда куйган башараси бироз ғижим (кеча хўп ичган ёки ўзи шунақа, ажин босган, биллмадим) кексароқ мелиса ходими. – Қиз олов кўяман деб керосин селган-у ўзи ёнган, тандирга эса олов ўтмаган... Тандир ёнганида қизга жин ҳам урмас эди.

– Бу ерда керосиннинг изи йўқ, – яна эътироз билдирди йигитча.

– Ёниб битган, из қайдан бўлади? – кексароқ мелисанинг хуноби ошди. – Сенга Олий милиция мактабида нимани ўқитишган?

– Шубҳали кўринаяпти-да.

– Сен мендан шубҳаланаяпсанми? Менинг шунча йиллик тажрибамга, билимимга гумон билан қараяпсанми? – унга дўк урди кекса ходим. – Бунга ҳали ёшлиқ қиласан. Ўзинг кеча тухумдан чиқиб келдинг, мендайин тажрибали одамга ақл ўргатаман, дейишинг қизиқ... Шавкат, бунинг гапига анграйиб ўтирмай, суратга олавер. Анави, линейканг бор-ку, ўшаниям кўйиб ол. Олдинги сафар бўлганидай прокурор, терговчи-ю эксперт билан жанжаллашиб юрмайлик... қолган гапни қизнинг ўзидан сўраймиз.

Бироқ Дилфузага яшаш насиб этмаган экан. Айтишларига қараганда, дўхтирлар бир тоғора куйган терини қайтариб, «Буни мазорга кўмаверингизлар», дебди. Бу гапдан бутун қишлоқ қайғуга чўмди. Мен унда ҳали тирик инсон аъзолари мазорга кўмилмаслиги, бу ирим ҳисобла-нишини билмас эдим.

Орадан икки кун ўтиб Дилфуза қазо қилди.

Қишлоғимизнинг энг гўзал, доно ва меҳнаткаш қизи мана шундай – оддий, аҳмоқона, ўзига алоқадор бўлмаган, аслида ҳаётида бирор ўзгариш қилиб бериш қудратига эга бўлмаган хотирани деб ҳалок бўлди.

Мен шундан сўнг анча маҳал инсон умри қанчалар аҳамиятсиз, арзон ва бекор нарса экани тўғрисида ўйланиб юрдим.

2004 йил 12 апрель – 12 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

3000

Адабий-бадий нашр
Исмоил ШОМУРОДОВ

ОДАМХЎР

Бош муҳаррир	<i>Улугбек Урунов</i>
Муҳаррир	<i>Муҳайё Рихсибекова</i>
Техник муҳаррир	<i>Жаҳонгир Абдужалилов</i>
Мусахҳих	<i>Дилноза Зуннунова</i>
Дизайнер	<i>Азиза Ойназарова</i>
Саҳифаловчи	<i>Муштарий Абдужалилова</i>

2007 йил 6 октябрда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32 «Pragmatic TAD» гарнитураси.
Босма табағи 11,5. Нашриёт ҳисоб табағи 16,2.
Адади 1000 нусха. 63-сонли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриётида тайёрланди.
«MAXIGRAF PLUS» босмаҳонасида офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент
шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-даҳа, 42-уй. Тел: 116-9014.
Web: www.mgp-uz E-mail: davr-press@mail.ru